

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

# БҮЛОК ҚУШЛАР



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2012

УДК: 821  
ББК 84 (5Ў)6  
Х 87

Шеърият образлар орқали сўзлаши билан гўзал, шу билан қудратли. У шиддатли, жунунвор «кечаги шамол»ми, беозоргина ўтирган «шохимдаги күшча»ми, «ботаётган күёш» ёки «ич-ичида йўлбарс ўкириб, сиртдан майин жилмайган аёл»ми... Буларнинг барчаси бир, яъни дунёга бир мартагина келиб кетадиган азиз инсоннинг, ғанимат инсоннинг умр дафтаридан боблар, кўнгил кечинмаларидан кўринишлар.

Ижодкор ўзининг бор изтироблари, қувончлари билан сиз муҳтарам шеърхонларга пешвоз чиқиб, сурурли учрашувга чоғланаётир.

Бу учрашув сизга муборак бўлсин, азиз шеър шинавандалари!

ISBN 978-9943-01-621-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

---

## СИЗНИНГ КҮНГЛИНГИЗНИ ИЗЛАБ...

Адабиёт, шеърнинг илдизи күнгилга бориб тақалади.  
Күнгил, күнгил деймиз, күнгил — нима ўзи? Шеър нима?

Күнгил деган гул, гунчадир  
Унда шеър дегани надир  
Шеър дегани — жондай ширин  
Шеър дегани ўлгунчадир.

Мен учун кўнгил, шеър деган сўзлар мана шундай  
туйғуларни эсга солади. Элда кўнгилли, кўнгилсиз деган  
сўзлар ҳам бежиз юрмайди. Сизга тўртликлар, «Ин-  
жулар»имдан бирини келтироқчиман.

Тенгсизга борарлар, тенглига бормас  
Минг қўйлига борар, мунглига бормас  
Тўйига, уйига борар, во дариф!  
Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас.

Азиз дўстлар!  
Севимли мухлисларим!

Модомики кўнгил, шеър ҳақида гап кетар экан, икки  
офиз сўз — шу китобдан жой олган «Буюк қушлар»  
шеъри хусусида.

Буюк қушлар — буюк инсонлар ҳамиша, ҳамма  
замонларда ўзларининг сир, синоатли умргузаронликлари,  
ғам-андуҳли ва шодумон кунлари, катта баҳт ва баҳтсизлик-  
лари билан бутун инсоният дикқатини ўзига қаратиб келган.

Қанчалик буюк истеъдод эгалари бўлмасин, улар ҳам  
инсон боласи. Шу боис инсонлар ҳаётига неки даҳлдор  
бўлса, уларнинг ҳам ҳаётларига даҳлдор бўлиши табиий.

Сизга эҳтиром билан Ўзбекистон  
халқ шоюри Ҳалима Худойбердиева



## ДАРЁНИНГ ОВОЗИ

Биз Боёвут деганда нимани биламиз? Бу қадим-қадим туркий сўзлардан ва 92 уруғдан ташкил топган ўзбекларнинг бир атовли уруфи бўлса керак деймиз. Боёвут Мирзачўлнинг жанубий адоди. Чўл бу ерларга етиб келиб чўллигидан зерикиб кетган, шекилли, нариёғи Ховос томонларга қараб баҳорда кўм-кўк гиламини ёядиган беҳад шукухли адирлар бошланади.

Боёвутни Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг юрти, деб ҳам танишади. Бу юртдан Турсунбой Латипов, Шарофат Бозорова, Сайд Беккиев, Елена Стемпковская сингари қаҳрамонлар чиққан.

Чўл кишилари довқур бўладилар ва уларнинг кўзлари узоқ-узоқларни кўради. Чўл кишилари уфқ нималигини биладилар. Уфқларда қимирлаган ҳар жонзотни илғайдилар. Боёвутнинг биқинидан буюк Сирдарё ўтади. Унинг эпкини бутун Боёвут даشتларида билинади.

Олтмишинчи Йилларнинг охирларида Тошкент вилоятининг Боёвутидан Ҳалима Худойбердиева худди оҳудай адабиёт даргоҳига кириб келди. Унинг юришлари, ҳатти-ҳаракатлари ҳам оҳудай эди. Жасорати ҳам оҳунинг жасоратидай хуркак жасорат эди. У янги гулга кирган ва янги мевалар туккан оқ олма ниҳолидай бўлиб шеърлар айтиб юрди. Унинг овози шеър сўзи ва дилрабо шеър оҳангларига динг қулоқларга дарров чалинди. Бу овоз ва Боёвут овозларини сердиққат қулоқ бўлиб эшийтганлардан бири ва илғори Зулфияхоним эди. У янги овозни бағрини кенг очиб, меҳр билан кутиб олди, катта

йўл олдидан оқ йўл тилаб фотиҳа берди. Зулфия билан бирга Ҳалима Худойбердиевани катта адабиёт ва катта авлод ҳам қутлади. Ёш шоиранинг овози кундан-кун, ойдан ой, йилдан йил авж олди. У Тошкентда университетда ўқиди. Москвада таҳсил кўрди. Ўша даврнинг улкан миқёсидаги миллий адабиётлари билан яқиндан танишди. Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Мустай Карим, Римма Казакова, Евгений Евтушенко сингари шоирларнинг шеъриятдаги маҳорат сирларини ўрганди. Дарду түгёнлар билан тўлиб тошиб («Тиззагача тупроққа ботиб айтар дардим бор») шеърий туркумлар ёзди. Унинг ҳар бир туркуми тилга тушди. Муҳлислари қўллаб, туркумлардан туркумларга ўсиб-улгая борди.

Унинг шеърларида катта ҳарф билан ёзиладиган МУҲАББАТ бир ёниқ сиймо, ОНА ёниқ бир сиймо, ОТА ёниқ бир сиймо — бу сиймоларини топгач, у ўз туғилган юртини, ўзи мансуб халқни, унинг фожиа ва шарафларга тўла битмас-туганмас тарихини тобора чуқурроқ тушунди, булар унинг юрагида жозибадор шеърий сиймога айланди. Ҳалима Худойбердиева ўзининг шу сиймоларини ёрқин кашф этиш орқали ИНСОН сиймосига яқинлашди. Шу сиймо тимсолида у Инсон қадр-қимматини ўзи учун очди. Инсон гояси унинг кўксига онгида теран ўрнашди. Инсон қадр-қиммати унинг шеъриятининг етакчи гоясига айланди. Инсон гоясидан у Турон ва Туркистон гоясига етиб келди. Унинг учун чин маънода илоҳий аҳамият касб этган МУСТАҚИЛЛИК баҳш этган поёнсиз кечин-маларни қўшиқ қилиб айтди. ОЗОДЛИК, МУСТАҚИЛЛИК, ТУРКЛИК, БИРЛАШИШ гояларини ёниб-куйиб улуғ бир эҳтирос билан ёқлади.

У шунда том маънода Турк онаси бўлиб куйлади.

Бўрттириш бўлиб туюлмасинки, у яна чин улуғ Сир дарёси бўлиб шеър айтди. Асов Сир каби эски увада қирғоқларни ушатди, янги ўзанлар қидирди ва мисоли Сир дарёси бўлиб сўз айтган улуғ баҳшилар изидан борди. Унинг қарийб 800 саҳифадан иборат шеърлар

сайланмаси ичидан баайни Сир дарёси гувиллаб, самовий манзилларни кўзлаб, гоҳ Широқ, гоҳ Тўмарис, гоҳ Яссавий, гоҳ Боқирғоний, гоҳ Машраб, гоҳ Моҳларойим, гоҳ Кенагасбегим бўлиб довлаётган улуғ туркий сўзнинг янгроқ садоларини эшитамиз. Шоира шу дарё мисол бу сиймолар ичига, руҳониятига киради, уларнинг foялари ва қаҳрамонликларидан нидо солади. Бора-бора бу мотивлар ҳам такрорланаётгандай бўлиб туюлади. Аммо булар шунчаки такрор эмас, у аждодларнинг яшаш ва тириклик foяларининг янги-янги қирраларини топади, уларга замон кишисининг нигоҳи билан қарайди ва буларнинг барини катта эҳтирос билан ифодалайди. Сайланма ҳар саҳифада улуғ дарё шукуҳини эслатади. Бу шавқ ва эҳтирос дарёси замон-замонларни кўзлаб тинимсиз шиддат солиб оқиб бораётганинги ва келажак манзилларга чорлаётганинги сезасиз. Булар ЧИНЛИК, ИМОНЛИЛИК ва МУҲАББАТнинг нодир тұхфаларидир. Улар XXI аср ўқувчилари учун ҳам ёрқин ва ёруғ тұхфа бўлажак.

Бугунги кунга қадар Ҳалима Худойбердиеванинг бир неча сайланма шеърлари чиқди. Бунгача нашр қилинган ва ҳар бири мухлислар томонидан мұхаббат билан кутиб олинган «Илк Мұҳабbat» (1968), «Оқ олмалар» (1973), «Чаман» (1974), «Суяңч тоғларим» (1976), «Бобо Қуёш» (1978), «Иссик қор» (1979), «Садоқат» (1983), «Муқаддас аёл» (1987), «Бу кунларга етганлар бор», «Хурлик ўти» (1993), «Тўмариснинг айтгани» (1996) сингари китоблари умр ва ижод сархисоби бўлган сайланмаларига асос яратди.

Ҳалима дарё бўлиб ёзди дедик. Чиндан унинг шеъриятидан қайси даврда қай кайфиятда ёзган бўлмасин, дарёнинг овози эшитилиб туради. Икки дарё мамлакатимизнинг маҳрами. Ўзбекистонга ҳаёт қувваларини багишлийди. Ҳалимада юртнинг қизи бўлиш, юртнинг қизи бўлиб ёзиш ҳаваси эрта уйғонди. У қирқ еттинчи йилда туғилган бўлса, илк шеърлари туман газеталарида ўн тўрт-ўн беш ёшларидан босилиб чиқа бошлади. У

дамлар нақадар тотли ва нақадар мусаффо орзуларга тұла эди. Юртнинг қизи бўлишни орзу қилиб юртга чин маҳрам бўлди. Маҳрамликда чўллардан бағри кенгликни олди. Унинг шеърлари ичидаги чўлнинг тиник ҳавоси кезиб юради. Шунинг учун инсоний дардларини баён қилганда ҳам, ҳеч қачон диққинафас бўлиб ёзмайди. Жароҳатлари тинимсиз тутаб турганда ҳам зиқнафаслик қилмайди.

Шеър бу — характер. Шоир қандай бўлса шеъри ҳам шундай. Шеърда унинг юрагидаги суратлар муҳрланади. Ҳалима ўзини, ички дунёсини эҳтиёж сезиб идрок қиласкан, бир қатор шеърларида юрагимда арслон яшайди, дея эътироф этади. Юрагидаги ўзига маълум шу арслонга такрор-такрор мурожаат қиласди. Бу ҳол бежиз эмас ва бу идрок ҳам шунчаки туғилган эмас. Мирзачўлнинг қизи ўзини ҳаёт олдида, унинг ҳеч тугамайдиган чигалликлари олдида агар арслондай сезса не ажаб? Арслонлар ахир кенгилкларнинг фарзанди эмасми? Унинг шеъриятида бир қанча идеаллари сиймолар шаклига кириб, тимсолий қучга эга бўлганлигини эсладик. Шулар қаторида унинг шеъриятида эр йигит тимсоли ҳам шоиранинг юрагида етилган идеалларини акс эттиради. Шоира Эр йигит деганда ҳамиша ватан хизматида турадиган, унинг озодлиги, мустақиллиги, гуллаб-яшнашига, олам қошида олам бўлиб туришига ҳаётини ва жонини тикадиган бир кимсани тушунади. Бунда у Faфур Fуломдан улгу ва фараҳмандлик олади.

Шеър билан сўз бир нарсами? Бир нарса бўлмаса керак. Үндай бўлса шеър сўзни ясайдими ё шеър сўзни тузайдими, унинг маънолар дунёсидан башорат уқадими?

Ҳалиманинг илк шеърларидан бирида юзи пишиш олдидан момиқланган оқ олмаларни кўрамиз. Оқ олмалар етилган боғни тасвирлаб, у бирдан отасини эслади. Бекор эмасдир уларнинг отани эслатиши, қаламнинг қудрати оқ олмадан ота сиймосига кўчиши. Бу ерда эрта

отадан етим қолган қизчанинг маъсум ва дунёга сифдириб бўлмас соғинчи, бу боғни яратган ота меҳнатининг гўзаллиги-ю, бу гўзалликнинг навраста қизга мерос қолганлиги.

Аёл сезгиларида ҳамиша икки қудрат устувор: бири маҳрамлик сезгиси, иккинчиси — дунёнинг атру муаттарлигини бехато ҳис қилиш. Биз элга маҳрам бўлиб ёзди деганимизда бу маҳрамлик табиатнинг азал кучлари ичидан пайдо бўлганлиги ва у отага суюкли муносиб қиз бўлиш истагидан туғилганлигини айтмоқчи бўламиз. Бундай ҳиссиётлар тасодиф бўлмайди ва улар кишини шоир қиласи.

Ҳалиманинг шеъри ўша чўлнинг момиқ олмасидай ифорланади.

Сўзнинг ларзали бир титратмаси бўлади. Шу титратма ларзани қалби шоир бўлган кишилар нозик илгайдилар ва унинг таъсирига бериладилар. Табиатан туғма шоир бўлганларда бу ларзали титратма сирли мусиқий оҳангларга чирмашиб ундан сўнг шеър шаклига киради.

Сўз улуғвор, холис. Табиат шоир қилиб сийлаган, сийлаган кимсаларгина унинг илоҳий холис замиридаги ларзали титратмаларни олий мақомда сезади ва илғайди. Мана шуни сезганидан ва англаганидан шоирларда, Ҳалима айтгандай, «Шунчаки ёзмоқ, бу — шоирга ўлим» деганга ўхшаш қасамёлар туғилади.

*Шеърият, кўксимга ханжарингни санч,  
Бу қурбонсиз умр меники эмас...*

(«Ҳолат», 1986)

Бу ўша шеърий титратманинг акс садоси ва аёвсиз ларзаси. Ҳар ким ҳам айтишга журъат этолмайди. Бундан олдинроқ Ҳалима бир шеърида айтганди:

*Мен отилган ўқман, ўққа — қайтиш ийүк...*

Илк машқлари 1964 йилда матбуот юзини кўрган шоира 1984 йилда ўз аҳду паймонини шундай ифодалади. Ўқ! Ва ханжар!

Ларзалар ўртаниш чўққисига олиб боради. Бу ўртаниш кудрати ва шиддати олдида шеър бир бадиий шакл сифатида ҳеч нарса бўлмай қолади. Шеър одам ўртанишларини ўзига сифдиромайди. Буни Машраб жуда кучли сезган ва бундан Бетховен ва Бах қар бўлиб қолганди.

Ҳали номини, исмини топмаган, номланмаган инсон ҳиссиётлари бепоён. Номланмаган ҳиссиётлар оламини мусиқагина андак очган. Буни қарангким, инсониятнинг эси кирап замонларида Одамнинг илк фарзанди Қобил ука Ҳобилни ўлдирди. Бу оддий қотиллик, оддий ҳасад, оддий мулк эгаси бўлиш, ёлғиз танилиш истаги эмасди. Одамлар бунга ном топмаганликлари учунгина уни қотиллик, ҳасад, биродар-кушлик, деб номлашган эди. Ҳобилнинг қони ерга сингмади. «Ул кундин бору қон ерга сингмаз бўлди, — деб ҳикоя қиласи кўхна адибимиз Рабгузий, — ул ерда оқ тикан бирла юлгун унди... Одам таъзия тутуб бир шеърни айди. Ер юзинда аввал шеър айтган Одам эрди...» Уч кундан сўнг Ҳобилнинг қони ердан қайнаб чиқди... Мана шу номланмаган ҳиссиётлар ҳамон инсоният толеидан қонли дарё бўлиб оқади. Буларни Ҳалима ўзининг йигирманчи асрнинг қонли фожиаларига бағишланган туркумларида жуда теран ҳис қилиб ёзган. Ер юзидағи оқ тиканзорлару юлғунзорларнинг азобини ўз жонида туйди. Туркистон онаси бўлиб ёзди, деган сўзларимизни у шеърий туркумларни ўқимагунча тўла англаб бўлмас.

Ҳалима «мен чавандоз қизиман» деб эрта айрилган отага ўзининг қанчалар меросхўр эканлигини ифодалади. Ва ўзига ҳам, ўзи каби аёлларга ҳам нимбаҳт, ним толе соғинмади. Қачон қайда бўлмасин, тўлиқ баҳт, тўлиқ толе учун курашди. Баҳт учун ҳамиша курашиш кераклигини эрта уқди. Ўз ҳаётий, инсоний аъмоллари учун тик борди. Ҳаёт майдонларида, майдон келганда марди майдон, Дехқон, Чавандоз, Бахшиларнинг

насли-васлидан эканлигини ҳеч унутмади. Кураш-гандарыда мададни шулардан олди.

*Дилим ўт олиб турса, айтмай қандай яшайман...*

Бу каби сатрлар юртни, элни севган қалбдангина чиқади. У түркүмларида Туркистан, деб нидо солди. Туркистан учун ҳар юракдан бир арслон излади. Тополмаса, уни ўз юрагидан қидирди. Күхна жароҳатлар унинг драмаларга тўла шеърларида тутаб, йиғлаб ётади. Бунда у бобо Чўлпон ва бобо Фитратга пайровлик қиласи. Халқ, ватан, эрк деганда, инсон шаъни деганда доим муносиб юксак мақомдаги Сўзни айтади.

Шу ғоялар, ўлмас идеаллар билан Ҳалиманинг шеъри эл-юртда, мухлислар орасида қадр-қиммат, эътибор ва шараф топди.

Унинг шеърларидан дарёнинг овози келади.

Халқ эса дарёсиз яшолмайди.

**Иброҳим ФАФУРОВ**


# “ҰЛК МУҲАББАТ”

қитобидан

(1968)

---

*Оқарғанда сочлар эслаймиз,  
Сархүш баҳор, куз ўтганини.  
Кимларни дир рад этганимиз биз,  
Кимлар бизни рад этганини...*





\* \* \*

Мен қалбимга айлайман савол:  
Қандай меҳмон чорладинг бу кеч?  
Нега жимсан, сукут сақлаб лол,  
Чертилмасми, торларинг бу кеч?  
Қалбим дейди, қуйилмаган май,  
Қандай меҳмон чорлардим бу кеч!  
Ва нега ҳам тошай, мавжланай,  
Келмас дўсту ёрларинг бу кеч!

\* \* \*

Боболар бир вақтлар товуқ пати-ла  
Қийналиб-қийналиб ёзган сўзларин.  
Мен бугун ўқийман, тароватига  
Тўймайман, ўқийман, тинмас кўзларим.  
Мен ҳам севгим билан анча шеър битдим,  
Вақту бевақт ёздим шомда, пешинда.  
Аммо уларга ҳам қачонлардир жим,  
Кимдир термиларми, ҳамма гап шунда.



\* \* \*

Ел бўлиб бетоқат қоқдим-у, лекин  
Дил хонангни мутлоқ очолмадим мен.  
Юрагимни ўтдек ёқдим-у, лекин  
Унга заррacha нур сочолмадим мен.  
Меҳринг, ишқчан нигоҳларинг барчаси  
Мен эмас, ўзгага тортиқ, ёр экан.  
Минг афсус билмадим, қалбинг дарчасин,  
Мендан аввал очган кимса бор экан.





## РАСУЛ ҲАМЗАТОВГА

Қизлар шеърларингни ёдлар пайдар-пай,  
Мұхаббат хатидай қўйишмай қўлдан.  
Оға! Сенинг номинг хассос қўшиқдай,  
Тилдан тилга қўчар бизнинг овулда.  
Сабаби бор албат, бежизмас бу ҳол —  
Гарчи оздир менинг сендан билганим,  
Аммо ўз кўзим-ла кўрганман бир чол  
Шеърларинг тинглагач кўз ёш қилганин.

\* \* \*

Бахт келади бизларни излаб,  
Боқамиз биз бепарво, лоқайд.  
Кунлар ўтар, у мумкин бўзлаб  
Ташлаб кетар бизларни бир пайт.  
Сўнгра бахтни биз қидирамиз,  
Ёлворамиз, «бахт, қайдасан, айт».  
У-чи бизга кинояномуз  
Нигоҳ ташлар йироқдан, лоқайд.



# “ОҚ ОЛМАЛАР”

қитобидан

(1973)

---



*Шунчаки ёзмоққа, күнгил тұлмайды,  
Шунчаки ёзмоққа бормайды құлым.  
Шунчаки ёзғанга чидаб бұлмайды,  
Шунчаки ёзмоқ бу — шоирға ўлым.*



---



*Она, сени шарафлайман!*

## **ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...**

**Онагинам!**

Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,  
Қаён боқсанг, шайланишлар ва созлашлар тор,  
Олча гулин күзларингга суртасан беҳол  
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».  
Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,  
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.

Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз  
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.  
Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,  
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.  
Белгинантгга тирак бўлай, онажоним, тур,  
Дориламон қуёшга бοқ, унга қасдма-қасд.  
Юзинг ардоқли қуёшдай иссиқ ва маҳваш  
Кўзларингда умид ёнар тикилган они.

Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги фаш,  
Қизғиш, лола ранг қопладир бу кун дунёни.  
Бу дунёning қир-дарасин хосияти мўл,  
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.

Яшамоқ — бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,  
Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.  
Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шоҳ.

Ризқдир бизга, ризқа доим дил илинжлиқдир.  
Ўғлонларинг келар ана, очишиб қучоқ,  
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.

**Онагинам!**

Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,

«Тирикликнинг байрами», деб созланганда тор.  
Ўзинг сўлғин лаблар билан пичирлагандай:  
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

## ЎЗИМИЗНИНГ БОҒЛАР

Дунёнинг қай бурчи, йироқ боғларда,  
Олмалар қизарар бетиним.  
Хазонрез хаёллар босган чоғларда,  
Мен тиниб,  
Воз кечиб ўйлару ташвишдан  
Қачондир боғларда ғарқ пишган  
Қип-қизил олмаларни эслайман.  
Оҳ, бизнинг боғларга баҳор келган кез,  
Гўдакдай тез,  
Тошқиниб гуллади олмаларимиз.  
Қуёшнинг нурини борича ичиб,  
Шу куёш нурича лаззатин кучи  
Бўлгандир эҳтимол, сезмагандик биз.  
Тотиб ҳам кўрмадик баъзисини лоқайд,  
Отдик баъзисини тишлаб бир, икки.  
Биз бегам, сезмадик, ҳатто қайси пайт  
Ўча бошлаганин боғларнинг кўки.  
Ва лекин бу баҳор, беминнат яратар  
Баҳор, яратувчим, сенга минг қуллуқ.  
Уфқларда қуёш  
Ҳеч гап бўлмагандай қип-қизариб ботар,  
Багрида олов бор, аммо зарда йўқ.  
Яратувчим, яна яратар бегумон,  
Бизнинг кўҳна боғлар шундай гулласинки,  
Қон рангида қизарсин олмаларимиз.  
Рангги қонинг қиздириб, қуритсин тинканг.  
Бунга-ку ишонч бор, кўк майса дийдорин,  
Куртаклар бўртигин кўмсамайди ким?!  
Баҳор-ку тўқади аямасдан борин,  
Аммо, баҳоргача, узоқ-да, дўстим.  
Майли,

Боғлар гул очсинлар, безавол, қулф уриб,  
Улар ўз ватанин буркарлар нурга.  
Ўзга чаманларнинг гуллашини қўриб,  
Ўзимизнинг боғлар тушар хотирга.

### ОЛҚИШЛАШИНГ КЕРАК

Дўстим, сен мени олқишлишинг керак...  
Ҳар мушкул, ташвишишингга ҳамкорлигим учун.  
Шўхлигим, қўшиғингга жўрлигим,  
Зайфлигим, гоҳо фўрлигим...  
Хуллас, бу дунёда борлигим учун  
Олқишлишинг керак!  
Яна сен билан бир ҳаводан нафас  
олаётганлигим учун.  
Фараз қил, сенларга қолди бу ер юзи —  
Яъни ёппасига эркаклар зотига.  
Унда аччиқ билан бутунни ҳам бузиб  
Ташлармидингизлар?  
Қамчин урамиди дағаллик отига?

Ўшанда бир уйга йиғилсангиз тўла,  
(Ҳаво ҳақида ҳам бежизмас сатрлар)  
У уйда уфурмас димоққа атрлар  
Чала пардозга ҳам қўлмассиз ҳафсала.  
Сиёҳ ранг райҳоннинг муаттар ҳиди — мен.  
Гоҳ сенинг олдингда сал эгик бошим билан,  
Ўсмадан сув ичган ним-қора қошим билан,  
Гоҳ кувончдан,  
Гоҳ фуссадан  
Марварид доналаридаи дув тўкилган  
кўз ёшим билан

Сенинг асов оттайдай  
Учқур ўйларинг тизгинини  
Қўлга ола оламан.  
Мен сенинг ғазабда шерлигингга аминман  
Кодирсан дунё юкин кўтармоққа елкада.

Қанча ботир бўлсанг ҳам  
Мен жисмонан заифанинг қошида ожизсан сен.  
Гоҳо қаршимда мағурур кўзингда ёш қалқади.  
Дунёда аёл борки, гўзаллик, назокат бор.  
Сен мендан ҳайиқасан.  
Ажабо,  
Наҳотки, гўзаллик ҳайиқтиурса.  
Айт, бағритош йигитнинг ҳам дили эриб кетмасми,  
Қархисида қизил гулдай аёл нозланиб турса.  
Аёл истайдики, ерда ҳаёт сўнмасин сира  
Аёлни кутламоқ шарт —  
Гўдак кулгуси учун.  
Хаёлингни ҳар ёндан олганман  
Тўрдай ўраб  
Нозик, чайир ип билан —  
Узмоққа етмас кучинг.  
Дўстим! Шундай, сен мени олқишлишинг керак.  
На ғалабам, на бир шунқорлигим  
Ва на фавқулодда баҳт,  
Ҳеч бири учунмас —  
Шунчаки сенинг ёнингдалигим,  
Ер юзида борлигим учун  
Олқишлишинг керак!

## ЮРАГИМДА БАРГЛАР ШИВИРИ

Ўз дунём ичида боғларни яратдим,  
Сўлиб битдилар.  
Тафаккур кучидан тоғларни яратдим.  
Нураб кетдилар.

Боғларим ўрнида хазонлар супурдим.  
Барг, хазон.  
Тоғларим ўрнида тепалар, жим турдим.  
Дилда қон.  
Куйдим мен, аммо кул бўлмадим, қайталаб  
Тупроққа тўқдим мен, манглай тер, дил қоним.

Майса, күк майсалар унди зап,  
О, жоним!  
Қийнадинг дейсанми, түғри-ку,  
Үйласанг менда ҳам гуноҳ йўқ,  
Шу кичик юрагим бўлса қув,  
Яшасак бегалва, кўнгил тўқ.  
Бегона, ташвишу, жабрга,  
Уйқуда ўтса ҳам умр бир кун  
Кетмоқ шарт, сўнгги уй-қабрга.  
Шундай ҳа, маҳкам бўл, сен жоним.

Елкага

Ҳали кўп юкларни юклармиз,  
Кўп хазон боғларни тиклармиз,  
Кўтара олмасмиз юкни гоҳ,  
Ва ёки туйфумда қулар тоғ.

Шунда яна янгидан

Тафаккурда тоғлар яратишимиз,  
Сўлган боғлар ўрнида, яшил-яшил  
Дараҳтлари шовуллаб турган боғлар  
яратишимиз керак,  
О, менинг қаттиқ жоним!  
Ишонаманки,  
Сен чидаб берасан бу талабларга жим.  
Юрагимда барглар шивирлаётганга ўхшайди,

Демак

Яратилажак безавол боғларимнинг  
Илк ниҳоллари куртак ёзаяпти,  
Боғлар гуркираб қад кўтараяпти юрагимда,  
Барглари яшил-яшил боғлар...

## БИЗНИНГ ТОҒДА

Тоғ бошида рўмолим қолди,  
Ўша-ўша тинчим йўқолди.  
Дуч келади унга қай овчи,  
Қайси сайёҳ, қайси йўловчи,  
Тоғ бошида рўмолим қолди.

Ким бор эди, у этди насиб,  
Үтмадими охулар босиб.  
Қолмадими ёмғир остида,  
Сархуш, тоғнинг баланд-настида,  
Ким юрганди, у этди насиб.  
Қундуз телпак кийган чавандоз,  
Ҳадик тортмай юрагингни ёз.  
Оting нечун гижинглар бу пайт,  
Рўмолимни сен олдингми, айт?  
Қундуз телпак кийган чавандоз.  
Учқур бўлар тоғ йигитлари,  
Яна рашкчи уларнинг бари,  
Сен улоқда ўзгил улардан,  
Бир йигитдай рашқ ҳам қиласан?  
Учқур бўлар тоғ йигитлари.  
Огоҳ бўлгил яна бир сирдан,  
Сен курашга тушарсан қирда,  
Совриндорни йиқитганинг дам,  
Отам сенга қилгайдир карам.  
Шу шартларни бажарсанг, ўғлон,  
Жайрон кўзга фидо бўлсин жон.  
Сўнг рўмолим олсанг майлига.  
Бизнинг тоғда қолсанг майлига.  
Шу шартларни бажарсанг ўғлон!

## ТУШИМГА КИРИБСАН

Онажон...  
Бийрон қизча эдим, сенга сал ўхшаш,  
У вақтлари тутқич бермасдим сенга.  
Тенгдош ўртоқларим ўйлардим яккаш,  
Улар кирап эди ҳар вақт тушимга.  
Фашимга тегишиб, қилиб мени хун,  
Қўшни болалари сочим тортарди.

Келар эдим лойга ботиб кечқурун,  
Унда ҳар күн сенга ташвиш ортарди.  
Улғайдим, бир қарич сочим бир қулоч,  
Күзларим гоҳ сузук, гоҳо ёшланди.  
Кимлардир тикилди нигоҳлари оч,  
Нигоҳдан торгиниш менда бошланди.  
Таъсир қилмас эди хүшёр бўл, фарқ қил  
Одамларни, деб сен қилган ўйтлар.

Шовқин, базмларга ошиқарди дил,  
Тушимга киради шўхчан йигитлар.  
Йиллар ўтди, кимдир қаддимни букиб,  
Ҳасса таянтириб, белим толдирди.  
Кундуз қошларимни рашк билан тўкиб,  
Ўрнида саноқли туклар қолдирди.  
Энди...  
Энди сени ўйлайман беун,  
Кўмсаб ҳузурингга чопаётирман.  
Онам, сен кирибсан тушимга бу кун,  
Тушимда оёғинг ўпаётирман.

## ЙИГИТ ҚАДАМ ТАШЛАРКАН

Йигитларни куйламоқлик эриш туюлар чофи,  
Дилбар, нафис шеърга ўзи қовушмайди йигитлар.  
Гулга кира бошлар экан уларнинг кўнгил бофи,  
Куёшда чатнаб ўсадир унда ёввойи ўтлар.  
Дашт гулидай ўсар улар ҳар ёнга шох ташлашиб,  
Бақувват ҳар шохларки, қайириб, буриб бўлмас.  
Қийқиришиб боғларга киришсами бошлашиб,  
Қаҳ-қаҳ садоларидан чўчимай юриб бўлмас.  
Инсон панжасими у, ёки шер панжалари,  
Қўллар бир хил майнин-ку, туғилганда, йўргакда.  
Пайт келиб, биз титратиб, шу шернинг панжаларин,  
Гўдакдай кувонамиз, қуш учиргай гўдакдай.  
Юраклар, у юракмас, дугонажон, асрангин,  
Учқун тушса куйдирар, унда ёнган ўтлардан,

Гарчанд биз деб ҳамиша бахт, борлигин асради,  
Ҳайиқмай бўлмас ахир, ул асов бургутлардан.  
Тортиниб ўтмоқ тақдир, бизга улар дастидан —  
Маъсум тортиб, атиргулдай, чирой очиб дам-бадам.  
Токи олис юлдузларнинг чақноқ нури остида,  
Одам ота зурриёди — йигит ташларкан қадам.

\* \* \*

Қизғиш ёнар уфқнинг кунгурулари,  
Қизғиш нур остида олча гуллайди.  
Гулин кўзга суртиб кетаркан нари,  
Онам ҳосил учун омад тилайди.  
Мен ҳам бу дам хушбахт, завқ майидан маст  
Онам, олча гулин ўпаман бир-бир.  
Улар менга мангу берилган эмас,  
Онам ҳам, олча ҳам ғанимат ахир.  
Умр овчиси бир кун ўқ отар лоқайд,  
  
Менинг оҳимга у қулоқ солмайди.  
Балки ўрта яшар бўларман у пайт,  
Ва балки оғзимда тишим қолмайди.  
Билмайман у қачон, аммо ушбу дам  
Мени кўкка отар кувонч қўллари.  
Жондан ортиқ менга бу кўҳна олам,  
Оқ соч онам, қизғиш олча гуллари.

## ЖУФТ ШЎҲЧАН КЎЗ...

Ойдин кеча. Юлдуз милдирап,  
Ойдин кеча. Чарақлар само,  
Жуфт шўҳчан кўз мени ўлдирап,  
Яна ўзи тирилтар аммо.  
Севмасам гар улар боққан тоб,  
Оғир гуноҳ, кўзга қўнгай гард.  
Севсам бўлмас ўтига чидаб,  
Оҳ, ўртоқжон, бу қандайин дард?!  
У чақнаса менга тинчлик йўқ.

У чақнаса дудсиз күяман.  
Чақнамаса мен ғамга тўлиқ,  
Чақнамаса қора кияман...

Кўкда юлдуз маъсум милдирап,  
Пастда жуфт кўз мени ўлдирап...

\* \* \*

...га.

Тақдир улаганда умрлар занжирин  
Ногоҳда рўпара бўлдик иккимиз.  
Тушунмай яширин қалбларнинг сирин,  
Ҳиссиз, йўл бошидан бирга тушдик биз.  
Буни тилим билан олмасам ҳам тан —  
Биласан, юрагим бегона эди.  
Уларни мен бу тун қўёш ботганда,  
Эсадалик дафтарга ёзяпман энди.  
Кўзимни чирт юмиб сени эсласам,  
Қийнайди ўтмишнинг ўкинчи, дарди.  
Беихтиёр қалқир кўзларимда нам.  
Ўйлайман «севарди, севсам бўларди».  
Биласан, йўқ эди дилимга ҳоким,  
Уни ўзга бирор этмаганди жалб.  
Магрур, кушдай эркин эдим ва лекин,  
Шунингдек сенга ҳам беролмадим қалб.  
Тушдай ўтиб кетди бугун ҳаммаси,

Юракни фойдасиз ўргамоқ нечун.  
Ўтди, аммо дилда қолди чамаси  
Азоби, ўзим рад қилганим учун.  
Бу чигал хатони тузатолмайман,  
Тундай юрагимни очаман тунга.  
Энди-ку сенга қўл узатолмайман,  
Хайрлашолмайман ҳам мангу-мангуга.  
Нурли тонг оқарар, тун бўлар охир,  
Сенга тилакларим шу тонг каби оқ.

Қизиқ, гоҳ баҳтинг ҳам мен учун оғир,  
Баҳтсизлигинг эса, яна оғирроқ!

\* \* \*

Сенга барча отилган тошлар,  
Таъналарга мен ўзим, сабаб.  
Мен сабаб сен тўккансан ёшлар,  
Фам ўтида бўлгансан кабоб.  
Ўғирладим ороминг йиллаб,  
Тошқин юрак сен келганда жим.  
Юрдим сенга ўзга тахт тилаб.  
Ўзим сенга бегона эдим  
Кўз ёшларинг хуни бўйнимда,  
Отма, тегар қарфишинг тоши.  
Биз тақдирнинг шўх ўйинида,  
Ўйнай-ўйнай кетдик адашиб.  
Турмуш боғи бўлмасдан гуллаб,  
Ёғди унга қайта-қайта қор.  
Барчасига кибор қалб сабаб  
Барчасига ўзим гуноҳкор.  
Умр балки шодумон ўтар,  
Балки... кўргум бошда борини.  
Бироқ,  
Сен қарғама, қарфишинг тутар,  
Кўз ёшларинг сабабкорини!

\* \* \*

Ўчган ўтни ёндирма қайта,  
Ёмон, ёмон унинг ёниши.  
У қизишиб, гурлаган пайтда,  
Мушкул уни ўчирмоқ иши.  
Илтимосим, қайта ёзма хат,  
Ўйнатмасин юракни нидо.  
Биз бир фурсат бўлганимиз улфат,  
Ва мангута айтганимиз видо.  
Айбдор сенми ё мен гуноҳкор,

Суриштиromoқ пайтимас, дүстим,  
Ёз-у, бизнинг дилга чўккан қор,  
Дил қорини ким кўрибди, ким?!  
Кўникканман энди барига,  
Энди мен шод қўшиқ айтаман.  
Эътиқодим занжирларига,  
Зарб теккизма, энди қайтадан.  
Кеч гуллаган экинлар совуқ  
Изгиринда бўладир нобуд.  
Қайта ёқма сен ҳам ўтни, йўқ,  
Кул қиладир бизларни у ўт.

## КЎЗЛАРИМГА

Юлдузларим, жонсарак қушлар.  
Юлдузларим, алангали ўт.  
Ўтлантирар сени ишқ, тушлар,  
Тундлантирар серзарда булат.  
Эҳ-ҳе, ҳали кўргилигинг кўп.  
Яrim йўлда тортмагил хира.  
Умр осмоним кўкида тўлиб,  
Чақнашингни истайман бирам.  
Дерлар: «Ана, менинг юлдузим»...  
Кўпdir чақноқ юлдуз эгаси.  
Хуркиб учма, маржонлар тизиб,  
Ҳар кимга ҳам у бўлмас насиб.  
Юлдузларим — қушлар begunoҳ,  
Юлдузларим, чақна, беомон.  
Фироқингда чекиб ширин оҳ,  
Фироқингда куйсин оломон.

## КЕМАЛАР ТИККАГА ЙЎЛ ОЛСИН...

Сен ҳақда  
Юлдузлар куйласа жимиirlаб,  
Япроқлар куйласа тинмайин.  
Завқ билан тинглардим, шуур-ла,

Кўзимга уйку ҳам қўнмайин.  
Ногаҳон  
Исмингни айтсалар чопардим,  
Севардим оҳ, у хуш навони.  
Талпиниб нон каби ўпардим  
Исмингни янгратган ҳавони.  
Ва лекин  
Биз йўлга чиққандা, кемамиз

Сурди-ку шамоллар айри ён.  
Гарчандки узоқлаб кетдик биз,  
Қайтмоқчи эмишсан мен томон.  
Йўқ, чекин.  
Кемангни бурмагил, қистама,  
Дўстгинам, сен ортга қайтма, йўқ.  
Мен сенга сарсонлик истамам,  
Боқ, ахир кемангда қанча юк.  
Уларни  
Қилмагил, хоҳишинг қурбони,  
Гуллар бор, куттанды очилмас,  
Бор эмас ҳамиша имкони,  
Тугунлар бўларки, ечилмас.  
Дардларни,  
Армонни юракдан юлиб от.  
Қайрилма ортга-ю, чеккага.  
Орада бўлмасин аросат,  
Кемалар йўл олсин тиккага...

### БИР СЕН ЭМАС...

Бир сен эмас, ё бир мен эмас  
Ишқ майини ичмоқни ҳавас  
Қилган. Ичиб ўлган шўху масти,  
Сўнг тахири чиққач, деган «бас»,  
Бир сен эмас, ё бир мен эмас.  
Суюмлидир қизлар бари бир —  
Тош қалбларни ёқсан. Ийдирган

Гарчанд күпни суйган, суйдирган  
Кимларнидир доғда күйдирган —  
Суюмлидир қызлар барибир,  
Йигитда ҳам эмас ҳамма айб,  
Шүх нигоҳлар тузоқ солған дам  
Сирли баҳтдан күзда шавқу нам  
Пайти келиб, бу баҳт бўлса кам  
Йигитда ҳам эмас ҳамма айб.  
Ишқ ҳақида оҳ-воҳ қилмас, бас,  
Севган бир сен, ё бир мен эмас...

\* \* \*

Қиёфанг ҳамиша баҳор яратар,  
Ўзингни кўрмасман балки бир умр,  
Қиёфанг эзгудир, оқ нур таратар.  
Юрак бўлгандада ҳам дардлардан кўмири,

Тушларим келтирап, сурат, сасингни.  
Яна келтираплар кўнглим тўлмагач,  
Тушларимдан қандай қувайин сени  
Ўнгимда кўрмоққа умид бўлмагач...

## ҚОР УЧҚУНЛАБ ТУРГАНДА...

Кўп нарсалар келар эсга, қор учқунлаб турганда,  
Кўҳна дунё ёшдир кўзга, қор учқунлаб турганда.  
Фамлар тоши юрагингдан кўча бошлар бирма-бир  
Сен ўзгасан, ҳасрат ўзга, қор учқунлаб турганда.  
Ўй-режалар қушларининг тўдасига отар тош.  
Фам-ташвиш йўқ ризқи-рўзга, қор учқунлаб турганда.  
Ажаб, сершовқин дунёга атай чўкар сукунат,  
Йигитлар қалб очса бизга, қор учқунлаб турганда...

## ҚАЛБИНГГА ЧОРЛАЙСАН...

Сен мени қалбингга чорлайсан,  
Келишиб олайлик.  
Күп хушрүй күринар қалбингдаги боғ,  
Унда умид янглиф ёнар бир чироқ.  
Милтиллаган чироқ нурларига  
Жим тикиламан,  
хузур қиласман.

Омонат бўлмасин ишқилиб у чироқ,  
Синамоқ учунми ёки ҳазиллашиб,  
Ё титроқ шуъладан келгандаими ғашим,  
Ўчириб қўймайин тағин уни мен.  
Боғинг хушрўй, аммо ўчмасми кўклиги  
Қофоздан эмасми унинг дараҳтлари.  
Ногоҳда қуюнлар ёпирилган вақтлари  
Тўхтата билмасми япроқлар шўхлигин.  
Боғинг хушрўй, аммо биласан мен унда,  
Авайлаб-авайлаб босмасман қадам.  
Саратон кўкини кўйдиргувчи кундай  
Мен боғингта кириб борган дам,  
Шамолим бўлади ўзимга яраша  
Ҳарорат, қуюним...  
Қаричма-қаричлаб у богни кезарман  
Шодумон, қуюниб,  
Меҳмондек кезмасдан,  
Шоҳларни қайириб қоқарман,  
Сочилган олмалар меники.  
Мевага, чироққа ишонч-ла боқарман,  
Энтикиб.

Ўшанда чирогинг ўчса гар,  
Алҳазар,  
Боғингни қиласман мен остин ва устун.  
Унда мен йигламам, сен кўз ёш тўккан мўл,  
Темирга, тошларга тўладир,  
Мен босиб ўтган йўл.

Кўкатлар унмайдир унда сўнг,  
Фифонлар тинмайдир унда сўнг.  
Сен мени қалбингга чорлайсан,  
Келишиб олайлик.

\* \* \*

Сочларимга нигоҳ солмай ўт,  
Нигоҳингдан ўйга толгайман.  
Сен тасодиф боқарсан йигит,  
Мен сочим-ла боғлаб олгайман.

Тасодифдир ва балки ҳавас,  
Жилмайиш — у бошинг сараги.  
Аммо билмайсанки, шу нафас  
Қўлгинамга тушар юрагинг.

Мен гижимлаб ўйнарман ёмон,  
Ёндириласа, қилмас бўлса хун.  
Мудроқ ҳислар топмасдан омон,  
Чангалимда сўнадир бир кун

Сочларимга нигоҳ солмай ўт...

## ФУРУР

Қора сочларимнинг тўлқини,  
Тўлғонганча оқар қуйига.  
Муҳаббатнинг сирли ёлқинин,  
Олиб кирган йигит ўйига.  
Балки удир...  
Кўзларимда ёнади офтоб,  
Кўзларимда саратон, июль.  
Бир шўх нигоҳ ташлаганим тоб,  
Ўзга дилда ўстираман гул  
Балки удир...  
Кўлларимдан гоҳо тер, гоҳо  
Келар эмиш кўкламнинг ҳиди,  
Кўлларимга бермай ҳеч баҳо

Күзга суртиб у ўпган эди.  
Балки удир...  
Ўсма қўйган қора қошларим,  
Ним қизил, шўх лабларим билан  
Жовдирашим, гоҳ довдирашим,  
Кўзда қалқан ёшларим билан  
Севилдим бирдан.

Унинг сочи, оҳ, унинг сочи  
Қора, файир, ҳам шундай қалин.  
Юрагимда баҳор гул очиб,  
Тортинаман мен кўз тиккани.  
Қалин эмиш менинг ҳам сочим,  
Сочларимга қўли теккан чоқ,  
Титроқ билан кузатаман жим  
У қўлларга киришин титроқ...  
Билмай қолдим... қай баҳтли куни  
Fabfo солдим унинг ўйига.  
Қора соchlаримнинг тўлқини,  
Тўлғонганча оқар қуйига...

### ЭНДИ У...

Бир ўтда, бир ўтда оҳ ёндим.  
Ва лекин  
Ҳиссимни яширмоқ истайман.  
Қадримни оширмоқ истайман.  
Қандай баҳт, инондим, инондим.  
У мени севади, оҳ, ортиқ  
Изларим ўпгудай, ўргудай.  
Бир гуноҳ қылсам бас, мен тортиқ  
Изимдан гўдакдай чопгудай.  
Чопди у, куйлади сержаранг  
Мен лоқайд кўрсатдим ўзимни.  
Асаби тортилди кўп таранг,  
Гоҳ ёшлар тўлдирди кўзини.  
«Йигит ҳам йиғларми дунёда», –  
Тўнимни тескари киярдим...

Ва ғуур кундан-күн зиёда,  
У бўлса қуярди, қуярди.  
Шу алфоз ўтаркан кундан-күн  
У бир күн «бас» деди барига.  
Энди мен қуярман, оҳ, дилхун,  
У лоқайд юрагим зорига.  
Қалқимас кўзида ҳатто мунг,  
Бу қандай бедодлик ишқдан сўнг!

Энди у...  
Ҳиссини яширмоқ истайдир,  
Қадрини оширмоқ истайдир.

## ОҚ ОЛМАЛАР ПИШГАНДА...

(*Отам Умматқул Ҳудойбердиевнинг  
ёрқин хотирасига бағишлайман*).

Отагинам!  
Сиз кетдингиз, қолди кетмон-у, пахта,  
Паймонангиз шунча эрта тўлишини билмабман.  
Куз келмасдан  
Илдизига болта теккан дараҳтдай  
Сўлишини билмабман.  
Эсимда бор, сочингизга илк оқ тола тушган чоқ  
Қайгурибман, отам эрта қарияптилар чоғи.  
Ногоҳ, сизни йўқотдим мен, оқ, олмалар пишган чоқ,  
Дилдан кетмагай доғи.  
Оқ олмалар пишган күнлар, босди-ку қора ғамлар,  
Тополмадим мен отамни — боф айланиб, ёш тўкиб.  
Ҳар йилгидай тикланса-да саф-саф пичан ғарамлар,  
Уни ўзи тиклолмади, кетган бўлса-да экиб.  
Ташвиши кўп эди ҳали, пичан пишиб далада,  
Шоҳлардаги унга мустар оппоқ олмалар қолди.  
Отагинам, оқ олмани севардиниз боладай,  
Сизга олма терар қўлим бу күн термасдан толди.  
Оқ соқолли боболарни тавоб қиласадим-ку мен,  
Оқлик кўриб изида.

Сизга отам, мўйсафидлик умрин тилардим-ку, мен,  
Тилакларим тўзиди.  
Билардингиз уялими, боқолмасдим сизга тик,  
Тўйиб қарамагандим.  
Тирикчилик, кунингизга ризқи тўкин фарзанддек,  
Хали ярамагандим.  
«Ота мерос» уйни қуриб, тўнгич ўғилни ўйлаб,  
Узатмоқчи эдингиз-а эндингина оёқни  
Бугун кезар эканман мен танҳо, олмазор бўйлаб,  
Эзиламан кўтарганча армон деган зил тоғни.  
Гарчанд умр сўнгигача инсонга сермеҳнат йўл,  
Билмадингиз Сиз дунёда борми унинг адоди.  
Кўз олдимдан ўтаётир у чапдаст, сертомир қўл.  
Ва кафтларнинг учмас муҳр, танга-танга қадоди.  
Қорайган сахий тупроқнинг рангги акс этар унда,

Минг кишилик давраларда бўлсангиз ҳам топардим.  
Ўша қўлингиздан таниб топар эдим, оҳ, щунда  
Гўдаклигим соғинчи-ю, зори билан ўпардим.  
Саманингиз турар ўша қозигида депсиниб,  
Акам миниб, балки бир кун сиздай чавандоз бўлар.  
Ҳаёт қизиқ, эсар экан сўнгсиз йиллар эпкини,  
Чавандозлар кетар экан, чавандозлар туғилар.  
Аммо, тойлар от бўлгунча юраклар лат бўлар, деб  
Онам йўқлар йўқловларда, сиз ёдига тушганда.  
Йиллар оша укаларим такрорлаб юрас мендек:  
«Биз отамдан айрилганмиз оқ олмалар пишганда...»

### ҚЎМСАШ...

Йўлдан елиб ўтар учқур от,  
Бир-бир кечар болалик ёддан.  
Мен чавандоз қизини ҳаёт  
Жуда эрта айирди отдан.  
Ва отамдан эрта айирди,  
Тўймадим меҳрига на илож.  
Қаердаки улоқ, от кўрдим,

Тикилдим мен гүдак кўзим оч.  
Кўк қундузин қошга бостириб  
Улоқчилар тўдасига гоҳ,  
Гўё отам келарди кириб  
Бир зумгина энтикардим, оҳ,  
Ўтлар сачраб туёқларидан  
Кўкни тутса от гижинглаши.  
Бир дард сизиб қўнглим қаъридан  
Ўз отимиз излардим шошиб.  
Йиллар бўйи изладим, топдим  
Ва йўқотдим ўша заҳоти.  
Ўхшаш кимса ортидан чопдим  
Ортга қайтдим ўйларга ботиб.  
Туюларди булар мисли туш,  
Ўнглигини англадим кейин.  
Уфқлар Сиз бўлиб чорлармиш,  
Учгим келди гоҳ худди қуюн  
Қўмсашлардан ўтланар бағир,  
Ўтганларнинг билгани билган.  
Мен чавандоз қизиман ахир,—  
Ота, отдан эрта айрилган...



# “ЧАМАН”

китобидан

(1974)

---



Гоҳ янгрок қўшиқлар этмас бизни жалб,  
Тингач эса, уни эслаб биз гадо.  
Ортда қолиб бизга фидо, тоза қалб,  
Кибор юраклар, деб бўламиз адо.



---



## БЕГИМ, СИЗНИ ХУДОЙИМ...

Бегим, сизни худойим расо қилиб яратган,  
Кимларнидир ўйчан-у, Сизни кулиб яратган.  
Ногаҳон бериб қўйиб бу ақлни, камолни  
Ўзи ҳам рашк, ҳасадда тўлиб-тўлиб яратган.  
Қия тушган нигоҳни армонга йўймагайсиз,  
Қиз қалбига севмоқни осонга йўймагайсиз,  
Қийнамангиз, у ўзи ўртангучи бир бағр,  
Бу бағрни кенгликда, осмонга йўймагайсиз.  
Сиз худдики Фарҳодсиз, Ширин қайдадир, бегим,  
Орзуларим дилда-ю, нолам найдадир, бегим,  
Сиз десам бар тутқазмай, сочиғланг ўйларимдай,  
Бу тонг қаро соchlарим майда-майдадир, бегим.  
Сизни мен ўзимга ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,  
Ўзгага бермоқ эса, тушимга кирмас ухлаб.  
Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар қолмасин,  
Бегим, иккиланмасдан ер юзин ташланг михлаб,  
Михнинг, тифнинг заҳрини сезмай ёниб бораман,  
Ишқ зардобли шаробдир, қониб-қониб бораман.  
Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага тутмай май,  
Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман.  
Ҳайратларда қотгайсиз мени кўрганда ул дам  
Ёнингиздаги совуқ сулувдан совурсиз ҳам,—  
Сизни обдон музлатгач, ўзим қайтарман, чунки  
Бунгача йўқ садоқат, бундан сўнг ҳам бўлар кам.  
Ўзга тортмам чексам ҳам шунча жабру жафони  
Ўзгага ҳам бермасман, Сиздек бир бевафони!  
Бегим, Сизни худойим расо қилиб яратган...

\* \* \*

Болакайим, болакайим,  
Дуркунгина болакай.  
Чал, менга болалик найин  
Бир кунгина болакай.  
Бир кунгина кетайин мен  
Болаликка, тошлоққа.  
Севинчларни тутайин мен,  
Севинчларим тошмоқда.  
Узат бола, чиллагингни  
Қарсыллатиб учирај.  
Бир кунгина бўлган тенгим,  
Бир кун сендай гуркирай.  
Дилингда йўқдир тугунлар.  
Бегуноҳсан қуш мисол  
Менга эса ох, у кунлар,  
Туш мисолдир, туш мисол.  
Қайта бир бор кўрсам эди,  
Ўша ширин тушгинам.  
Кўнглим сени олқишилайди,  
Күшгинам, ҳой қүшгинам.  
Қирларданми келмоқдасан,  
Яланг оёқ, елдирим.  
Бола, сенга яшаш осон,  
Учкурсан сен елданам.  
Фам лашкари тортса ҳам саф,  
Сезмай ўтиб кетарсан.  
Кувончлар ортидан қувлаб,  
Истаган дам етарсан -  
Улғайган чоғларингда ҳам  
Тонгдай оппоқ яшаб сен.  
Кушлар, нурлар билан хуррам,  
Опоқ-чапоқ яшаб сен,  
Күш боласи, нур боласи,  
Менинг болам бўлурсан.  
Мен кўрмаган сенга насиб,  
Янги олам бўлурсан.  
Болакайим, болакайим...

## **ИЛДАМ БОЛА**

Илдам бола, тиши кемшик,  
Катталардай ақлли,  
Тагидаги қари эшак  
Қистатади жаҳлини.  
Үзи-ку хўп илдам, дайди,  
Чопса ўзар шамолдан.  
Аммо эшаги юрмайди,  
Боши қотган бу ҳолдан.  
Куйинмагил, ҳой болакай —  
Ўзни уриб, шошқиниб.  
Сен чалганда сайроқи най —  
Тошар кўклам тошқини.  
Бош устингда тандир мисол —  
Қизимайди чўл кўки.  
Шаҳарларни қиласан лол,  
Одам бўлиб, сен ўқиб.  
Ҳорган чоғи, қўй, олсин дам,  
Шунда қолсин эшагинг.  
Мен йўлингга лолалардан  
Қизғиш гилам тўшадим.  
Хув қирда ҳам чайқалгучи  
Қизғиш дарё сеники.  
Уни яланг оёқ кечиб  
Олдга талпин энтикиб.  
Ортда қолар чўл — бағри кенг,  
Ўт-у эшагинг бари.  
Дунё кезар ҳали сенинг  
Темир оёқчаларинг...  
Илдам бола, илдам бола...

## **БИР ҚЎШИҚ ЁЗАРМАН**

Агар насиб бўлса бир қўшиқ ёзарман,  
Эй бағритош дўст.  
Қўшиғим кўз ёшинг сел қилас,

У күшиқни куйлаб оловлар ичидан —  
Мен қадам босаман.  
Үзга бўлар ўз,  
У күшиқ рақибни эл қилар.  
Юксалиб бораман қўшиғим кучидан  
Бошоқ тортаётган буғдой мисоли.  
Қасоскор воз кечар ўчидан —  
Ўйларга толиб  
Ярим тунги тўлин ой қадар ярқираб  
У күшиқни бошласам агар,  
Кулиб кулолмаган, йиғлаб йиғлолмаган,  
Кўзлардаги ёшлар дурдай тирқираб,  
Кейин у кўзларда ёнади қуёшлар.  
Ҳув ана, беларво, оппоқ пардай каптар,  
Пилдироқ боладан бормоқда қочиб.  
Кўғирчоқдай кўзи мунчоқ болакай —  
Қувар, қўлидаги донни тўкиб-сошиб  
У йўл-йўлакай  
Улар ҳар иккиси — калтару болани —  
Оғушлаб қўшиғим чарх урар.  
Сап-сариқ буғдойзор — нон ҳидли далани —  
У чайқалтирар.  
Нон ҳидли даланинг ўртасидан кесиб —  
Бошда оқ рўмоли, момо ҳаводай —  
Бир қиз келяпти, унинг йўлин тўсиб,  
Уватда белбоғлик йигит чалар най.  
Кўшиғим, эй учқур қушим қайлардасан,  
Бу беғубор дунё парвонаси бўл.  
Эгилиб келмоқда бошларига осмон —  
Туташиб кетмоқда икки айри йўл.  
Бир кўшиқ ёзаман, насиб бўлса агар,  
Булар,  
Яна ёзилмаган қанча қувонч, мунг —  
Тўкилмай кўнгилда ётган туйгулар.  
Гарчанд —  
Ҳидлай десанг ҳавонинг иси йўқ,  
Тингласанг саси.

Ҳавода ёнади минг бир тусли ранглар —  
Ҳаво гүдак кулгусидай жаранглар,—  
У қүшиқда,  
Бир қүшиқ ёзарман, насиб бўлса агар...

\* \* \*

Ўйламангки, унинг қалби йўқ —  
Кўпни севар, кўпни кўзлайди.  
Ҳамма билан бўлса ҳам дўст, шўх —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Ҳаёт такрор учраштиаркан  
Кимни «сен» лаб, кимни «сиз» лайди.  
Йўқ, уларга бермайди у тан —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Дерсиз «ошиқлари эмас кам,  
Ў, қанчаси унга сўзлайди».  
Дил розларин тинглаб туриб ҳам —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Ёки деманг «қиши совуғидай ,—  
Унга яқин юрган музлайди».  
Ўзгаларга ҳарорат бермай —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Деманг, маъюс тортиб қолган дам —  
«Унугтган ошигин эслайди».  
Ишончини ҳамон қилмай кам  
У бир дардкаш қалбни излайди.

\* \* \*

Омон-омон қўшиқлардан айт,  
Алвон-алвон қўшиқлардан айт,  
Оҳанг бўлиб қўшиқча бу кеч  
Қўшилишиб кетадиган пайт.  
Омон-омон қўшиқлардан айт.

Юракларга ўт бўлиб кириб,  
Ўзинг ҳам куй, куйла куйдириб,  
Бари-бари тушсин ёдимга,  
Бари-бари чиқсин олдимга,  
Йироқдаги оппоқ соч онам  
Келмоқдадир кипригida нам,  
Онам-онам тушсин ёдимга.

Қамчин уриб келмоқда отам,  
Отин суриб келмоқда отам.  
Сурон солиб яшаб кетди у,  
Фолиб-фолиб яшаб кетди у.  
Қамчин уриб келмоқда отам.

Одил Дароз бор эди бир чоқ,  
Отагинам сирдоши эди.  
Қўмсаб қолар Дарозни гоҳ-гоҳ  
Чавандозлар давраси энди.  
Одил Дароз бор эди бир чоқ.

Айтаверсам жонга тушар ўт,  
Ёш тўкмоқقا чоғланар булат.  
Туташмоқда ўтларга кўксим,  
Қўй, яххиси, мен тинглайн жим,  
Ўзинг алвон қўшиқлардан айт.  
Омон-омон қўшиқлардан айт.

## КЎҚЛАМ ЎЙЛАРИ

Мудраган юракда бошланди базм,  
Совиётган қонга қайта тушди ўт.  
Гултожим сўлмоқقا этганди жазм,  
Қайтадан чараклаб гул очди вужуд  
Кураб бевақт ёқсан кўнгил қорини  
Шарафлайман түғён сабабкорини.

Олисдан овозлар келар шодумон,  
Чилдирмаларнинг шўх қарс, бада-банги.

Бутоқда куртаклар отмоқда хандон,  
Яшилланиб борар оламнинг ранги.  
Шу рангин оламда яшаш — баҳт, бойлик,

Шу рангин оламни ўпид қўяйлик.  
Мана яшаб қўйдик чорак асрни,  
Йигирма беш кўклам ниш урди ёдда.  
Кўзимиз ўнгига қанча қасрни  
Бузди-ю қайтадан тиклади одам.  
Кеча кезган бўлсак вайроналарда,  
Бугун тор созладик кошоналарда.

Дарё тошқинлардан тошар баҳорда,  
Гарчанд, қолса ҳамки, қишида милдираб,  
Бугун менда кўклам тошқини бордай,  
Кўнглимда кўз очар булоқ чулдираб,  
Чулдироқ булоқлар бермаса тиним,  
Қарздор бўлмасмидик ҳаётдан, иним.

Кўклам-ку бепарво, ўтаверади  
Қайта келаверар яна бир замон.  
Менинг умр кемам елиб боради,  
Ўша қиши аталмиш қирғоққа томон.  
Бу ҳаёт денгизи гоҳи толдирап,  
Қирғоқда тушириб гоҳи қолдирап.

Қани, ҳей, денгизда омон бўл, сурур,  
Қани, ҳей, суронлар ўғли қўлим тут,  
Кўнглимда шоҳона, кўклам, базм қур,  
Қишини, хазонларни қилайин унут.  
Мастона куйласин лабимдаги най  
Ва тўлқинлар билан қувлашиб яшай,  
Мудраган юракда бошланди базм...

\* \* \*

Фақат омад камдан-кам жуда  
Юрамиз биз топиб, йўқотиб.

Гоҳо ясоғлиқ от устида,  
Гоҳ, пиёда, чангларга ботиб.  
Яшилланар умр дарахтимиз,  
Сарғаяр ҳам бевақт ёғса қор.  
Шундай, гоҳ то жу-тахтлимиз,  
Гоҳ кечириб бўлмас гуноҳкор.  
Изҳори дил қиласидир қушлар,  
Биз уларни этмасмиз писанд.  
Овунтирап бизларни тушлар,  
Оҳ, у тушлар гоҳ берадир панд.  
Гоҳ қип-қизил гулларга кўмиб,  
Бир олам баҳт йўллайдир олам.  
Сипқорармиз кўзимиз юмиб,  
Зардоб тўла қадаҳларни ҳам.  
Гоҳ кулиб, гоҳ қўл силтаб, қуйиб,  
Ўтказармиз бунинг барини.  
Ҳаётнинг шан марҳамати-ю,  
Рутубатли алдоқларини.  
Оқарганда соchlар эслаймиз,  
Сархуш баҳор, куз ўтганини.  
Кимларнидир рад этганимиз биз  
Кимлар бизни рад этганини.

\* \* \*

Мана, кўпдан ўт босиб кетди  
У манзилнинг сўқмоқларини.  
Унутмоққа балки вақт етди  
Сўнган севги чақмоқларини.  
Нуқта қўймоқ керакдир балким  
У ҳақдаги хаёлларга ҳам,  
Аммо юрак денгиздай қалқиб  
Ўртанишга бермайди барҳам.  
Бир азобли, ширин хотирот  
Зирқиратар танни бесомон  
Унга мутлоқ умидсизлик ёт,  
Чорлар у баҳт, манзили томон.

Майли бу тун кезсам-да сарсон,  
Тириклик — баҳт, умидларим мўл.

Тонг оқарар, тушар чароғон —  
Баҳт манзили томон элтар йўл.

\* \* \*

Умр оти чопагон жуда,  
У йўлдадир, йўлдадир ҳар чоқ.  
Биз ҳам доим унинг устида —  
Тутолмаймиз жиловни бироқ.  
Илтимосни қилмас у қабул —  
Тўхтамасдан учар қуондек.  
Биз ҳам собиқ чавандоз каби —  
От устида ўлтирамиз тек.  
От учади, аммо йўқ иши —  
Биз қай хилда кетиб борамиз.

Манзилга ё мевадек пишиб —  
Ё фўр ҳолда етиб борамиз.  
Билолмаймиз йироқ ё яқин —  
Қанча қолди манзилга ҳали.  
Аммо аён, бизга ҳам бир кун —  
Келар ҳисоб бермоқнинг гали.  
Кетмоқдамиз, сен бегам, бесўз —  
Йўлда давом этаётиссан.  
Уйғоқмисан эгардаги дўст?  
Ва ё ухлаб кетаётиссан?

## БЎШАТИЛГАН ОТ

Қантариғлик отни бўш қўйинг,  
Қозигини синдириласидан.  
Кетмоқда-ку кўзи йўл ўйиб,  
Уфқуларнинг чорлаш сасидан.

От жиловин бўш қўйингиз, бўш,  
Ҳам томоша қилинг учишин.

Бу эркинлик унга худди туш,  
Куюнларга сўзлар у тушин.

Бир уюр от яйловда кезар,  
Кўзларида муроқ бир сукут.  
Бу уюр, бу сукутни бузар,  
Қантариғлик от кўзида ўт.

Бу яшил сой, лолазор қирдан  
Зериккандир бу отлар балки.  
Қувват олиб майсадан, нурдан —  
Бўшатилган от учар балқиб.

Кўзларида тошар дарёлар  
Ҳайқириққа тўлар ўнгу сўл.  
Кўзида гул очар дунёлар,  
Шу дунёлар интиғидир ул.

Тўдаларни ёриб, ёниб ўт,  
Танбал отлар кетсинлар чўчиб,  
Парчалансин дуч келса булут,  
Харсанглардан ўтолгин учиб,

Чорламоқда уфқ сирли, шод,  
Уч, учқурим, бўшатилган от!

## ЎЙФОН, БОЛАЖОН

Бағримдан, бағримдан суйган каптарим,  
Аллалаб ухлатиб қўйган каптарим.  
Бешигин тебратсам овунган бола,  
Ўйин, шилдироқдан севинган бола  
Бўлсанг ҳам «подшоҳ» сен, мавқеинг баланд  
Тиллашиб бўлади бугун сен билан.  
Гарчандки, ўзи ҳам ҳали боладир,  
Онанг бу кун сени алдай оладир.  
Эрта кун бешикдан турганингда сен,

Оламни тебратиб юрганингда сен,  
Сени улғайтгунча толганда қўлим,  
Бешик тебратолмай қолганда қўлим,  
Ўғлим, сен ўшанда мен билан тиллаш  
Бугун иккимиз ҳам ўсишу, гуллаш  
Шавқи билан мастмиз, уйғон болажон,  
Онажони жондан суйган болажон.

## БОЛАКАЙ

*Укам Турғунжонга.*

Болакай ўлтирап қайиқда,  
Гоҳ боқар атрофга жовдирааб.  
Ҳайдагил қайиқни ҳайиқмай,  
Болакай, қолмагил довдирааб.  
Бу ҳаёт ғалати жигарим,  
Ким эшкак торгади бола ҳол.  
Ва кимдир ҳаққи бор сингари,  
Улғайган дамда ҳам бемалол  
Қайиқда ястанса беқайфу,  
Боқмагил сен унга суқланиб,  
Юкларин бировга ортган у,  
Ўзи ҳам бировга юкланиб.  
Умрбод эмасдир бу айши,  
Кўраркан оқимнинг тезобин,  
Қачондир беллари қайишиб  
Тортар у эшкакчи азобин  
Майлига хотири бугун жам,  
Бир танбал булатдай ухласин.  
Чорлайди чароғон бир олам,  
Шу олам сурурин йўқла сен.  
Ҳайратда тикилма, тушми, рост.  
Кўрдингки, поёнсиз қўлдамиз.

Эшкак торт, қулочни кенгроқ ёз,  
Эшқакчим, мардим, биз йўлдамиз.

Күркма, гоҳ қийналиб қолса жон  
Шамоллар мадорни кетказиб.  
Болакай, борармиз икковлон,  
Қайиқни уфқа етказиб.

## ГҮДАККА ҲАМ ҚИЙИН

Яширган нарсангни излайди гүдак,  
Очиқ қўйганингда қарамай баъзан.  
Биз ҳам худди шундай, ўйласак андак,  
Бетаажжуб, у ҳам ўрганганди билди.  
Бор имкониятни қилмаймиз қадр,  
Мушкул нарсаларга ўзни урамиз.  
Инсон табиатан ўзи шундайдир —  
Юз бир хил кўргулик бўлса кўрамиз.  
Олдинга чопамиз кўпда ҳовлиқиб,  
Парво қилмай ўнгу сўлдагиларга.  
Сўнгра ишимииздан бир ишкан чиқиб —  
Бош қашиб қоламиз нима қиласарга.  
Шундай қилиш шартдир, ҳа, шундай худди,  
Мустаҳкам режа ҳам тузиб оламиз.  
Киришиб кетамиз сўнг ишга жиддий,  
Тугамаёқ яна ўйга толамиз.  
Баъзан йироқдаги мисга кўз тикиб —  
Берилиб кетамиз унга бутунлай.  
Етишмоқ қасдида шошиб, энтикиб —  
Олтинларни босиб ўтамиз билмай.  
Гоҳ янгироқ қўшиқлар этмас бизни жалб,  
Тингач эса уни излаб биз гадо.  
Ортда қолиб бизга фидо тоза қалб —  
Кибор юраклар деб бўламиз адо!

Гар шулар ҳақида ўйлаб қолсанг сан —  
Қайсар гўдакка ҳам тутмайсан осон.

## ЮЛДУЗЛАРНИ ОСИБ БҮЛМАС

Кеча баҳор...  
Боғда олма гуллаган эди.  
Бугун-чи қор —  
Қор хатга туширап ким-кимни.  
Кечаги кун  
Онам мени бешигимга белаган эди.  
Бугун бешикка — мен белайман ўғлимни.  
Ўқларнинг дуди-ку, ўқларнинг дуди —  
Офтоб тифида қорайишими истамас онам.  
Ана у, невараси — оппоқ ўғилчани боши узра тутиб  
Кўз-кўзлар бу дам.  
Шулар учун,  
Беҳудага сарфламайин қалб кучин,  
Дунё ичра дунё қадар балқимоқ —  
Чарақлаган юлдузларни кафтга олмоқ керакдир.  
Юлдузларни — уруш кўрган рўзгорлардай тўзишини  
Ва мўлтираган кўзларда аччиқ ёшлар сизишини —  
Кўрмоқ учун —  
Васвасага тушиб қолиб, кимлар нотинч юрадир —  
Кимлардир дор қурадир —  
Юлдузларни осмоқ қасдида!  
Ерга тушган ним қизил олмаларни —  
Ҳилолдек — ҳилолдек болаларни  
Оёқ билан босмоқ қасдида улар...  
Қарши турмоқ керак!  
Сўнмас қуёш сингари ёниб —  
Бир-бировга  
Ўзингга ишонгандай инониб.  
Гўдак севгисининг ниҳояси йўқдир.  
Оқсоҳ оналаримизни гўдак меҳри билан ардоқлаб, суйиб,  
Завқланиб, куйиб, яшашимиз керак.  
Шундай яшайликки,  
Бизнинг шу уруғ ундирадиган —  
Шу, ҳали қош чиқариб улгурмаган —

Мурғак гүдакни авайлаб ўстирадиган  
Майин қўлларимиз —  
Ёвузлар бўйнига чайир сиртмоқ бўлиб тушсинлар.  
Токи ваҳший имонга келсин...  
Ахир, ахир, болаларни босиб —  
Юлдузларни осиб бўлмайди!

### МЕНГА БИР КОСА БЕРИНГ

Менга бир коса беринг, кўклам сувин тўлдириб,  
Менга бир коса беринг, унда тупроқ,  
Тупроқда эса  
Буёдой майсаси унсин.  
Бир коса, ул косада гул очилсин қулф уриб,  
Бир косада ош бўлсин, дириллаб турсин гуруч —  
Кўз ўнгингда шовиллаб, донли қирлар кўринсин.  
Коса ярим бўлмасин, отам дердики: «Уруш —  
Айни қирғин кунлари...  
Тегишини олишиб,  
Билмай урушда туриш  
Коса юқин ялашиб, оч одамлар ичарди...  
Айни қирғин кунлари  
«Нон тўла дастурхонга етиб ўлсак майли» деб  
Ният қилганимиз рост.  
Дунёнинг бор неъматин кўзларингга суртиб, ўп,  
Кўй ихлос...»  
Бир коса беринг менга, таомга тўлиқ лим-лим  
Шу армонда йўқлиққа кетган оталар ҳаққи,  
Уни кўтарай бошга.  
Ернинг нозу-неъматини қўёшга тутсин қўлим,  
Тинчликнинг неъматини тенглаштирай қўёшга.  
Менга бир коса беринг, кўклам сувин сипқорай.  
Менга бир коса беринг...

\* \* \*

Сен менинг қалбимни этмадинг фаҳм,  
Буни яшириб ҳам нима қиласман.  
У ёлворар, мен ҳам қиласман рахм,  
Мен унинг ишқидан куламан.  
Рад этиб, қозониб муваффақият,  
Менда қасд олмоққа туғдирдинг ният.

Мен-ку ногоҳ сени атадим тангрим  
Ногоҳ ҳузурингда қилдим-ку сажда.  
Ўзим сезмай, дилда бир қўшиқ янграб,  
Унда сенинг номинг куйланди авж-ла.  
Шунда сен отдингу, лоқайдликдан тош,  
Фавғоларда қолди севилмаган бош.

Энди мен эътиқод қиласай нимага,  
Кимнинг сири босиб, шошиб қолай лол.  
Эшкакчи бўлмаса, агар кемага —  
Денгиз, саир орзуси — шунчаки хаёл.  
Хаёлим сарсари, кўзларимда нам,  
Хувиллаб турипти кимсасиз кемам.

У менга гиргиттон, эй ҳаёт она,  
Унинг илинж қалбин мендан совуттил,  
Менинг севмаслигим қиласмагил таъна,  
У қушдай бегуноҳ, уни овуттил.  
Яна тушунтирки, уринмасин ул,  
Уч туташмас йўлдир, бизлар тушган йўл.

## УЙГА

...га.

Уйдан чиқдим, юракка жойлаб  
Изтиробу аламлардан куч.  
Шўхчан шамол тургандай пойлаб —  
Остонада келар менга дуч.

Чиқдим, худди қүрғошиндай зил —  
Зил бир юкни уйда қолдириб,  
Остонада шафақ ним қизил  
Ёнабошлар шодлигим күриб,  
Тузинг ҳаққи, мени кечиргил —  
Қололмадим, бир умр сенда.  
Дил қушимни эркин учирдим —  
Шундай истак бор эди менда.  
Үзинг кечир, айблама мени,  
Оҳ, сенга кўп қўшиқ айтардим,  
Учмоқ бўлган куйим, дардимни —  
Деворларинғ лоқайд қайтарди.  
Дунё гўзал, дунё қандай кенг —  
Истайманки уфқига етсам.  
Айт маъқулми, ҳисларим менинг,  
Тўрт деворга ем бўлиб кетса.  
Ким ўт бўлмас менинг ёшимда,  
Лоқайд ўтган бу ёщдан ким бор?  
Тугёнли ўй ўйнар бошимда —  
Тугёнларга тугён қўшгим бор,  
Шулар сабаб, оппоқ тонг чоғи  
Уфқ қизариб ёнаётган дам —  
Мен тарк этдим иссиқ қучогинг,  
Ортиқ энди айблама сен ҳам!  
Тузинг ҳаққи. Мени кечиргил.

## МЕН СЕН БИЛАН ХАЙРЛАШГАН ТУН

Мен сен билан хайрлашган тун қаро эди, қаро эди,  
Тун бағри бут. Менинг бағрим яро эди, яро эди.  
Тун бағрида қолсин дардим, кўрмасинлар, кўрмасинлар,  
Кўриб бирор росту, бирор рўё томон бурмасинлар.  
Тилимга-ку, ишончим бор, итоатсиз сўлса рангим,  
Мен тингларман юлдузларнинг сукутинмас. Шўх жарангин.  
Ярқироқ ой шуъласида тол-тол бўлиб эшиларман,  
Хушбахт дўстлар даврасига ўзим уриб, қўшиларман.  
Ва аччиқма-аччиқ туриб, баҳтга қарши, баҳтки барбод,

Бахтилардан шиддатлироқ күйларман шод, күйларман шод.  
Аминманки, авжим билан шу бириңчи даврдаёқ,  
Үзимга тонг яратарман, тонгим менинг отар оппоқ.  
Тунда қолар дардим менинг, нурлар чаяр юзларимни,  
Унутишнинг сели ювар, дилнинг армон, изларини.  
Аччиқ ўйлар тўзонидан ўзни олиб чиқиб кетиб,  
Бир гул янглиғ очиларман нур қўйнида жавлон этиб,  
Ким ҳам билсин, сўқилган дил чокларининг битишини,  
Баъзида гул, ҳасратлардан ортиқ яшнаб кетишини  
Мен сен билан хайрлашган тун қаро эди, қаро эди...

## ОТАМ ХОТИРАСИГА

Ўриб олар ўроқчи ўғлон...  
*P. ҲАМЗАТОВ*

Шовуллаган буғдойзорда чалғи бўш ётар, дўстлар,  
Чалғини занг босган э воҳ, кетсин чалғининг занги,  
Уни отам туттанида қувонар эди кўзлар,—  
Бу кун эса бу савдоли дунё ишин қарангки,  
Ахир буғдой ўримида ундан устаси йўқди,  
Тош қотдиму билмай қолдим, бу ҳол ҳақми, хатоми?  
Қай кун у ўзидан устун ўроқчига йўлиқди,  
Ва у худди буғдойдайин ўриб кетди отамни...

## СИЗ ДОНО ЙИГИТСИЗ

Сиз доно йигитсиз, оқилсиз жуда  
Менинг шўхликларим, аммо, авжидা.  
Фурур, шодонлигим ортиқдир баъзан,  
Ғўрлик, нодонлигим ортиқдир баъзан  
Сархушлик жомингиз мен тўкар бўлиб  
Туйгуларингизга кўру кар бўлиб  
Кетгум дилингизда ўчириб чироқ  
Сиз-чи сезмаганга оласиз бироқ.  
Бесабаб қаҳқаҳам чақса ҳам чақин —  
Беозор жилмайиб қўясиз боқиб

Эркалигим ортиқ эттанды ҳам лол  
Илк күклам тошқинин кечирған мисол.  
Кечириб кетасиз жимгина суйиб,  
Бу илтифотлардан юрагим күйиб,  
Хижолатдан аччиқ ёшим қүйилар,  
Бу ҳол кеч кузакдай совуқ туюлар.  
Тантық қизалогин севган отадай,  
Сиз кечиримлисиз, аммо хатодай,  
Менга булар хато, қизиқ тасодиф.

Ё укувсиз аёл йигирған бир ип —  
Мисол узилару тугайди түшдай,  
Ва мен нафас олгум бир эркин күшдай.  
Олтин қафас ичра, ортиқ йүқ чидам,  
Сиз доно йигитсиз, оқылсиз жуда...

\* \* \*

Сени кимлар құлмайды талаш,  
Кимлар юрмас ортингдан дайдиб —  
У күп күрган меҳр, эркалаш —  
Бошқаларга насиб бўлсайди,  
Бор гап шунда, ўзгалар сени,  
Ардоқлашга топмайди имкон.  
У ҳаттоки сезмас ҳиссингни —  
Интиқ қалбга тўлдирадир қон.  
Шу қон билан яшайсан бесўз —  
Умидингдан кутиб тантана.  
Ўнгда кўрмай хира тортар кўз —  
Тушда кўриб шодмонсан яна.  
Умр ўтмоқда шу хил, фараҳсиз —  
У ўзига кўрмас сени эп.  
Бирни ўйлаб яшарсан баҳтсиз,  
Мингта баҳтсиз яшар сени деб.

## СЕВАН ҚОШИДА

*Арманистон сафари хотираларидан.*

Юрагингни титратди-ю бир иштиёқ, чанқоқлик,  
Севанга дуч келиб қолдинг, пинҳон унга ёш тўккин.  
Ундан тила ўзи янглиғ улкан меҳр ила поклик,  
Фурурингдан устун келиб хузурида тиз чўккин.  
Дейлик сени қондирмади шу улкан кўл, шу нахр  
Сезмай қолдинг бир умрлик узилмас фам қилди қул,  
Энди дунё шавқларидан ўтажаксан бебаҳр,  
Ахир энди дуч келмайдир, бундай тиниқ, зилол кўл.

## АРМАНИСТОН

Арманистон фақат сархуш, дилкаш май эмас,  
У минг йиллар зарбин еган жабрдийда тошдир.  
Фам ўт бўлиб уни тошдай кўп куйдирди, бас —  
Арман ўтдан омон қолган тошдай бардошдир.  
Зварноцнинг бургутлари талпиниб турар —  
Кўкиш туман қоплаётир қалин ўрмонни.  
Хаёлда бир меҳрибон дўст сурати юрар,  
Хаёлимда тикладим мен бу кун арманни.  
Ақиқчадай бир шаҳарча бағрига олди —  
Чироқлари минг йиллардан сўзлади достон.  
Яйраб-яшнаб кутиб олди, сўнг олди-ю, тин —  
Ўтмишини куйлаб берди мунгли Ҳаястон.  
Мен-ку, унинг юрагига далда бўлардим,  
Мен-ку унинг бугунидан қилардим фахр.  
Аммо юрагимга аччиқ алам тўларди,  
Қанча ўқса нишон бўлган бу кичик бафр.  
Бир тун икки минг бош ўтиб ёв қиличидан,  
Мотам учун қолмаганда ақалли бир зот,  
Қандайдир бир гўдак қай бир кулба бурчида,  
Қолган бўлса, шуникидир, балки бу авлод.  
Майдан масрур, унутибди ваҳший хоқон ҳам  
Жангнинг жароҳати мисол арман уруғин.

Үйлабдими замон келиб, айланиб олам,  
Дунёларни шу гүдакнинг турар довруғи.  
Уни ёнғоқ дараҳтига қилдилар қиёс,  
Мевалари ёт элларга кетмиш сочилиб.  
Бу ҳол менинг элимга ҳам ўхшайди бир оз,  
Мен ҳам қадим элдошларим эслайман тўлиб,  
Асов дунё денгизида бўлса галаён —  
Кемалар фарқ бўлар, бўлар йўқолган пайтлар.  
Фарзандингга садоқатли бўлгин, онажон,  
Ризқин териб бир кун улар бағрингга қайтар.  
Ва бир вақтлар ғамлар чўккан тош қасрларда  
Шоҳона бу кун суурин кўрарлар баҳам.  
Арман қадди эгилмаган тош асрларда,  
Шундай ғолиб яшар Арман бундан кейин ҳам.

\* \* \*

*Бахтили аёл дермииши мени ҳалойиқ.*  
**ЗУЛФИЯ**

Оташ давраларда шўх-шан эмишман,  
Энг бахтиёр қизга ўхшар эмишман.  
Сезилмасмиш, дудсиз ўтда мен куйиб,  
Ёниқ ишқ мактубин ўтга отганим,  
Муҳаббатнинг хазон либосин кийиб,  
Боли қолиб, кўпроқ заҳрин тотганим.  
Сезилмасмиш...  
Ногоҳ баҳт уйини осон топганим —  
Унда мени чорлар дарча бўлгани —  
Мен эса бепарво —  
Дарчани ўз кўлим билан ёпганим —  
Сўнг дардда қалб парча-парча бўлгани —  
Сезилмасмиш.  
Танҳо дамларимда ўзим билан банд —  
Минг бор тирилганим — минг бор ўлганим.  
Йифлаб чиққанларим узун тун билан,  
Ва йифидан бодом қовоқ бўлганим —  
Сезилмасмиш.

Тонгда, ҳамма дардни күнгилдан қувиб —  
Сўлиш билмагандай хушбахт, хотиржам.  
Шўр ёшларим билан юзимни ювиб —  
Оппоқ тонгни кулиб қаршилашим ҳам —  
Сезилмасмиш.  
Оташ давраларда шўх-шан эмишман,  
Энг бахтиёр қизға ўхшар эмишман.

### ҲАЁТ АРАВАСИ

Тушиб қолдик бир аравага  
Учқур эди отларимиз ҳам.  
Тўғри келди ҳайдамоқ менга,  
Сен борардинг ястаниб бегам.  
Қамчи босиб сенга қасдма-қасд,  
Аравани учирганим дам  
Қилмас эди йўл сурури масти,  
Пир бўларди завқим, ҳафсалам.  
Араванинг қўша отини  
Қамчилаб мен жиқ терга ботдим.  
Тортдим йўлнинг машаққатини —  
От жиловин сен томон отдим,  
Зарда билан ўрнингдан туриб,  
Қамчиладинг отларни сен ҳам!  
Ўлтирадим мен силлам қуриб,  
Аравада недир эди кам.  
Ҳайдаркансан шиддаткор, лоқайд —  
От йиқилди, мункиб кетдик биз,  
Ағдарилди арава шу пайт,  
Икки ёнга учдик иккимиз,  
Туарканман, мен қайта у дам —  
Тушмадим сен билан бир изга,  
Боқмадим ҳам йўл ўртасида  
Ағнаб ётган аравамизга  
Ва пиёда, тезлаб кетдим мен —  
Ўз аравам излаб кетдим мен.

## БУ ШЕЪР...

Мұҳаббатдай буюк дардга  
Дугона қылар бу шеър.  
Дуч келтирап сендей мардга  
Ягона қылар бу шеър.  
Беҳадик қувонсам қани —  
Сендан шеър суюк бўлгач,  
Кун келару сендан мени —  
Бегона қылар бу шеър.

## СОВЧИ КЕЛАР

*Ҳазил*

Сендан совчи келар илк бора...  
Сўзамолин танлабсан, балли.  
Аммо билки, совчинг бечора,  
Етолмайди мақсадга ҳали.  
Онам бу гал — худди сутдай оқ —  
Бир оғиз дер: «Отасида гап!»  
Оқдил, довдир отамни бироқ —  
Ўзи обдан қўйган пишиқлаб.  
«Ўзни босинг, ҳой ҳовлиқма чол —  
Ўн саккиз йил қиз боққанмиз биз,  
Кўп келади, келмаса малол,  
Осон эмас ўстирмоқлик қиз.  
Подшо ўғли бўлса ҳам куёв,  
Бир одам-да боши юмалоқ.  
Мен бу галча боқмайман қиё,  
Бир гап бўлар яна келган чоқ.  
...Нақ осмондан келади отам,  
Мақтовга зўр беради совчинг.  
Мусичадай «беозор» онам —  
Бир чеккада ўлтиради жим,  
Совчинг кетар, отам дер: «Аттанг,—  
Қуда бўлсанг арзирди, хотин»  
Онам кулар: «Шошқалоқ отанг —

Хоқливма-да эркаклар зоти». Иккинчи бор келади совчинг — Яна обдан пишитган онам. Отам худди туради сапчиб, Онам тилга киради шу дам: «...Сал инсофга келинг, отаси, Қизингиз ҳам бўй етиб қолди, Ўша бўлса тақдир атоси — У бола ҳам йигитлар олди». «Йўқ бўлмайди», — дер отам дангал, Ҳафсала-ла мўйловин бураб. Онам шипшир: «Шаштдан тушсин сал — Бошқа куни келинг, қиз сўраб». Совчинг кетар, отам дер: «мунча,— Хотин, икки келгани камми?» Совчинг эса кета-кетгунча — Ёмонлайди бир сўз отамни. Учинчи бор келаркан кириб — Совчинг, отам бу гал демас «йўқ», Чунки онам «хўп ялинтириб — Сўнг қўнасиз» деб қилган буйруқ. Совчинг келар, отам дарғазаб... Онам-чи... жим, «Отасида фап».



# “СҮЛНЧ ТӨРКИЕРДАМ”

қитобидан

(1976)

---



*Яшай билмам қувониб ё,  
Ғам чекиб кам-кам.  
Хаётим ё жаннат бўлур,  
Ё дуд, жаҳаннам...*





## СУЯНЧ ТОГЛАРИМ

Сўзламоғим керак мен Сизни,  
Сизламоғим керак мен Сизни.  
Қай боғларда ёзаркансиз барг,  
Изламоғим керак мен Сизни.

Кезгунча умр қўшиғин айтиб  
Кўз толади, оёқ чарчайди.  
Бугун йўлга кирган жилғаман,  
Шундан қўлдан қўймайман найни.

Синсин Сизни куйламаса най,  
Бошингиздан нурдай тўкилай.  
Бутун икки қўз чақноқ, шукур,  
Тўйиб-тўйиб Сизга тикилай.

То кўзларим тортгунча хира,  
То тоғ мисол кетгунча нураб,  
Она барин тутган боладай,  
Ортингиздан қолмасман сира.

Мангу қолгандирман боғланиб,  
Заволга юз бурманг боғларим,  
Боболарим — юксак чўққилар,  
Момоларим — суюнч тоғларим.

## **КИЧИК ДАРАХТ**

Хув баландда барг ёйиб турган  
Кичик дараҳт, билсанг ўша — мен.  
Күшлар билан соз сұхбат қурған  
Кичик дараҳт, билсанг ўша — мен.

Боши узра қуёш түкса нур,  
Түлқин урса барглари — менман.  
Қад тикласа бүронда базүр  
Титраб турса барглари — менман.

Кичикману, құвман салгина  
Новдаларим чайир ҳам йирик.  
Титраб-тиграб мен беҳолгина  
Түфөнлардан чиққанман тирик.

Чайир таним ўрганған анча,  
Қуёш ёқмас, музлатмайди қор.  
Хуш қоматим адл тутғанча  
Ҳар янги тонг очаман рухсор.

## **БОБО ҚУЁШ**

Яшарканмиз, биз бирөвга жон бермоққа шай,  
Бирөвларға ҳайф күрамиз ҳатто сомонни.  
Биргина сен, бобогинам, қуёшим, бирдай  
Мәхринг билан иситасан яхши-ёмонни.

Хоҳ күклам сувидай тошқин, хоҳи бўлсин без,  
Ҳеч кимсани четламасдан узатиб ёруғ,  
Ҳатто қотил сўнг нафасда кўзин юмган кез  
Чехрасидан нурларингни тутмайсан дариф.

Ҳақу ноҳақ сендан бирдай кетарлар рози,  
Балки шундан сендаги бу — умрбоқийлик.  
Бунча меҳр кўтаролмас менинг тарозим,  
Кечир, қўлимдан келмайди бу хил сахийлик.

Нураш, кураш, фавболардан кетмасдан түйиб,  
Айланасан, ер қутылар зулмат, балодан.  
Балки шундан сенга ўчмас ўт бериб қўйиб,  
Маконингни яратмишлар арши-аълода.

Сен аршингда куйлармишсан, ярқираб, тўлиб;  
«Нурим бирдай тақсимлайман тупроққа, тошга,  
Сен бировга бирни берсанг, қайтар ўн бўлиб».  
Йўқ қуёшим, бунда сенинг йўрифинг бошқа.

Бобо, агар сен тахtingдан тушсанг эди бир,  
Марду номард орасида яшаб кўрсайдинг,  
Сен уларга баб-баробар улашмасдинг нур,  
Балки ғазаб билан нуринг олардинг қайтиб.

Уларга шавқ, орзу эмиш қазимоқлик чоҳ  
Ва дунёни бир қофоздай гижимлаб йиртмоқ,  
Ҳатто сендай олтин бошга, бобожон гоҳ-гоҳ,  
«Зора илинса», — деб ташлаб туришар сиртмоқ.

Илож топса ердан тутун, қутқуни йўллаб,  
Сақлардилар тўлин ойни бир умр доғлик.  
Йўлин топса ўз атомин ўзига қўллаб,  
Эйнштейнни қиласдилар улар бир ёқлик.

Хиросима шу қўлларда кул бўлди ахир,  
Болалари кулда ўсади мажруҳ ва ўксик.  
Важ топилса, ҳатто, сени олишиб «асир»,  
Бобо қуёш соқолингдан қолмасди бир тук.

Ўқи етса сени отиб биринчи галда,  
Изғирдилар қаро тунда бўридай улиб,  
Яхшиямки, ўқ етмас сен — донишманд чолга,  
Йўқса меҳринг қўшигини қўярди бўлиб.

Бундайларга бирни берсанг қилмай қаноат,  
Ўйлай бошлар «иккисини ўзи олди-ёв».

Шундан бобо ўртачароқ бизларда тоқат,  
Шундан бобо ердагилар сув билан олов.

Булар заминидаги баъзи ҳангома гаплар,  
Батафсилоқ ёзсанг улар сиғмайди шеърга  
Сен юксаксан, юксакда йўқ аччиқ алафлар,  
Сен бобожон фақат меҳринг сочавер ерга.

Бизлар эса ким учундир бергаймиз жонни,  
Ким учундир ҳайф кўрамиз ҳатто сомонни.

## ҚЎЛ ҲАҚИДА

*Урушдан қўлсиз қайтган  
Темир аканинг шеъри.*

Сизда не бор, Сизни этмас лол,  
Кўп бежирим қўлларингиз бор.  
Мен ўтяпман майлийди қўпол  
Бўлса ҳамки битта қўлга зор.

Одамларга суқланмай пастдан  
Кирмоқ баҳт ўз эшигинг очиб.  
Жангдан қайтгач, қўлим тегмасдан  
Оқ қор бўлди кампирим сочи.

Ой нурида шуъаланаар барг,  
«Силай», — дея дилим куйинар,  
Дил куяру бу армон, бу дард  
Томчи-томчи ерга қуйилар.

Тушда бирор менга қўл бермиш,  
«Ҳайҳот, шу қўл менгами», — десам —  
Ёнда қўшним хўмрайиб дермиш:  
«Умрингда қўл кўрмаганмисан?»

Мен дермишман: «Ҳаста юрагим  
Чида, чида, чиқай чеккага.

Бу сўроқдан қололмайсан жим —  
Фақат бўлинмагин иккига».

... Қўл бор эди, қўлки баайни —  
Гурзи, тошлар кукун кучидан.  
Сув сотмасдим сендай оғайни —  
Соябонли катақ ичида.

Ҳа, ҳа менинг қўлим бор эди,  
Ойлар, йиллар битмас қадофи.  
Қўлларимда кетмон тор эди  
Куйларди у ишлаган чофим.

Гуллар эди умрим чамани,  
Қўл кучимни тупроққа қорса  
Сенинг эса қўлингдан қани —  
Лоақал бир гиёҳ кўкарса.

У қўл шошқин, от қўйиб суриб,  
Бир тийиндан йифмас эди пул.  
Майин-майин саҳарлар туриб  
Ўтқазардим майин-майин гул.

Боқма менга ҳайрон, ачиниб  
Кўзларимдан сачраса ўтлар.  
Тўласин, — деб, — эркнинг божини  
Икки қўлим кесдилар итлар.

Керак пайти берганман борин —  
Йўқлигимдан қилма киноя.  
Сақламоқ юрт, онамнинг орин  
Шу бўлганди мендаги фоя.

Уйғондиму тортдим сал хомуш,  
Куёш хурсанд, нур тўкарди мўл.

Мен туш кўрдим, қўлим бор эмиш,  
Сизникидай ўқтам, икки қўл.

## ЮРАК ЁНАР...

Юрак ёнар, туйгуларим мастина, дайди,  
Тошаётир, эҳ бу қалам нега ёзмайди?  
Халал берманг, синдираман икки букиб шарт,  
Юрагимдан қүшиқ бўлиб учар шавқу дард.  
Шавқларимни этагидан қолмаса тутиб,  
Ўйларимнинг қуюнини шеърга беркитиб,  
Қўлимдаги қуролимдан кўрмасам қадр,  
Ёзилмасдан чириб битсин кўнглимда сатр.  
Ишонч билан кўксимни тик кўтарган чоғда —  
Шу қаламдай дўст ҳам мени қолдирса доғда  
Шу фурсатдан мен дегайман унга хайру хўш,  
Энди оралиқ арқонни қўйиб бўлмас бўш.  
Таранг тортгум, ё дош бериб менга тургай тан  
Ё узилиб ийқилгаймиз икков юз тубан.  
Кимга берсам бердим дилнинг бор ишқ, бор ўтин,  
Ўзимнинг ҳам олгим келар албатта бутун.  
Истамайман ризқим менинг бўлмасин яrim,  
Порлаб ёнгай ё ногоҳда сўнгай кўзларим,  
Яшай билмам қувониб ё зам чекиб кам-кам,  
Ҳаётим ё жаннат бўлур ё дуд, жаҳаннам.

## ЎЙЛАР

Қадамимни мослаб босай замон қадамларига,  
Шу ўй дилимдан ўтаркан бамисоли қизил ип.  
Синчков-синчков тикиламан замон одамларига,  
Тикиламан, аҳли замин қўяр мени ўйлатиб.

Қандай қадам босаяпти менинг замондошларим,  
Сафда шамолдай шўх, енгил боришарми гуркираб?  
Азал-абад бўлганидай қадамлари ёшларнинг  
Суронлими, боқмасларми ортига мадад сўраб?

Шавқли куйлар учмоқдами улар чалгани тордан,  
Торни улар сафоли бир қудрат билан чаларми?

Улар йўлдан тоймасларми, унча-мунча муз, қордан —  
Ё тойгач ҳам қайта туриб сафда кета оларми?

Ёнма-ён ҳам олдин-кейин боришаркан югуриб,  
Узуқ-юлуқ эмасмикин улар қургани — суҳбат.

Олдинга ўтмаяптими бири бирини суреб —  
Ё шеригин чалиб ўзи тикламаяптими қад?

Ҳамма қуяяптиимикин ўз биноси учун фишт,  
Ҳамма саҳар уйғонарми меҳнат учун шайланиб?  
Асл ҳурматимикин ерга теккунича бош эгиш —  
Ҳурмат кетмаяптиимикин хушомадга айланиб?

Йўқми ўзгалар учун бир яхшилик қилса ийиб,  
Қайтимиини шу кун олмоқ тушларига кирганлар?  
Эзгуликнинг ниқобини амаллаб олгач кийиб —  
Йўқмикин шу ниқоб ичра кибр сақлаб юрганлар.

— Йўқмикин? Йўқ. Йўқ, — деймизу, куламиз киноали,  
Бу одил, аччиқ кулгудан борлари ҳам бўлур кул.  
Азал-абад бу улуғ ҳалқ яратар бир ғояни,  
Бу ғоя куч-қудратидан ол қуёшга етар қўл.

Уни Ҳақиқат дейдилар, Ҳақиқат деб чопарлар,  
Чопар унга қуёш сари талпинган ҳар тирик жон,  
Гоҳ дам уни йўқотарлар. Гоҳи дамда топарлар,  
Аммо барҳақ этмагунча тиним билмагай инсон.

Шу ғояни байроқ этган замондошим, келма бўш  
Бу байроқ деб қулаган ҳам абадул-абад яшар.  
Бундан бошқа икир-чикир ҳаммасига хайру хўш,  
Салом сенга, эй Ҳақиқат бағрида яйроқ башар!

## ДУГОНАГИНАМ

*Мукамбарга.*

Кел, эй қувлашган-ча келар сүнгти дам,  
Университет йиллари қолмоқда ортда.  
Үрнига қүйялик, дугонагинам,  
Сүнгги шўхликларни бу эркин юртда.

Сокин дунёларга жўнаб кетаркан,  
Биз ҳам қолажакмиз куйилиб унда.  
Бугун шўх, серғавғо бизнинг бу Ватан —  
Парпираб сузамиз асов тўлқинда.

Кел, ажралиш чоғин қилайлик унут,  
Шодумон куйлайлик қўлга қўл бериб.  
Гарчанд ҳар ғанимат ўтгувчи минут  
Бизнинг шоҳ умрни борар емириб.

Булутсиз тонглардан бўларми кечиб,  
Унут бўларми ҳеч ярқираган кун?!  
Биз истамай ёшлиқ либосин ечиб,  
Балофат либосин киямиз бугун.

Олча ниҳолидай қолдикми ўсиб,  
Беш қайта олқишлиб кўкламни, кузни.  
Курсдош Нормуҳаммад сўзлар йўл тўсиб:  
«Кўзларинг қародир ўлгур сен қизни».

Шоштириб қўйди-ку қаро кўзлилар,  
Қай бирин танлашни билмай қолдинг сен.  
Аросатда қўйиб кетмасин улар,  
Йигит, сўнг ҳам сени севги сийласин.

**Мукаш!**  
Сирли суҳбатлардан огоҳ ётоқда  
Сўнгги сирлашувлар кўнгилни ёэсин.  
Тақдир оппоқ толе улашар чоқда  
Сенинг пешонангга муҳрини боссин.

Эртанги хайрли ташвишлар, майли,  
Безовта қымасин бугунча бизни,  
Бугун ўйламайлик иш, турмуш зайлар.  
Ва қурилгуси уй, рўзғоримизни.

Кел, куйла, биринчи курслардагидай  
Ўтли ишқдан, торинг сайратиб қўлда.  
Гарчанд ундагидай чалолмаймиз най —  
Гарчанд севолмаймиз бугун у хилда.

Яқинлашиб борар қирғоққа кема,  
Денгизда сайримиз бўлмоқда охир.  
Юракка титроқлар солар бир нима,  
Гарчанд титроқ билан куйламоқ оғир.

Аммо куйламоқ шарт, куйлаш дард билан,  
То бу қўшиқ умри топмасин завол,  
Тақдир учраштиурсин сени мард билан  
Сўнг ҳам эркин яша, талаба мисол.

## СИЗНИ СЕВГАЧ

Сизни севгач,  
Мен чаманлар, лолаларга учрагум,  
Омад келгай, аълолардан аълоларга учрагум.  
Билмадим бу ишқ олами баҳтмидур ё мусибат,  
Кўрқаменким, тағин қанча балоларга учрагум.

Тосдай қора соchlаримни қилиб тол-тол, ўрдим мен.  
Занжир-занжир тўлқинидан ўзим ҳам лол ўрдим мен.  
Болалигу балогатим тўқиган бу занжирни  
Боғлаб қолса ногоҳ узиб қилманг увол, ўрдим мен.

Сиз ногоҳда дуч келсангиз дод айлагай минг санам,  
Бир боқсангиз ўз кўнглини шод айлагай минг санам.  
Сиз кетурсиз, қаршингизда ўзга кўча, сулувлар,  
Бул кўчада бир умрга ёд айлагай минг санам.

Минг санамнинг додин тинглаб бағрим менинг ўт бўлур,  
Кўз ёшларим тошар дарё, оҳларим булат бўлур,  
Минг санамнинг ҳар нигоҳи бир ўқ отса бағрима,  
Ким айтади минг ўқ еган бағрим менинг бут бўлур.

Оҳ, кўрқаман, ишқим менинг рашку орга айланур,  
Тўлқин урган занжир-занжир сочим дорга айланур,  
Ва қалбим ҳам, лолаларга учраган шу баҳтли қалб,  
Ўз қонига бўялару лолазорга айланур...

Сизни севгач, мен чаманлар, лолаларга учрагум.

## ҚИЗЛАР БИЛАН СУҲБАТ

— Айтинг қизлар, очиласиз гул бўлиб қачон,  
Нима сизни талпинтирар азалдан азал?

— Бирор эшиитмасин, билсанг, бизда қолмас жон  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон сезилмас ҳаётнинг бутлиги, ками  
Кўлингизда ечилади осон ҳар чигал?

— Нима бўпти бу серғавғо дунёнинг ғами,  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал

— Қизғиши тортиб, ҳуснинизга қўшилиб чирой,  
Шаддодликдан тийиласиз қайси пайтда сал?

— Майинлашиб биз бегуноҳ ой бўламиз, ой —  
Йигитнинг шўх кўларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон нурли, рўё тушлар келаверар рост,  
Бор муаммо ўз-ўзидан бўлаверар ҳал?

— Ишни қўйиб биз туну кун қилганда пардоз,  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон қуриган жилгадай қоласиз тиниб,  
Қора кунда ёруғликка бўласиз маҳтал?

— Йигит бизни ардоқлашни унугтан куни,  
Йигитнинг шўх кўзларида ўт сўнган маҳал.

— Қачон хазонрез боғларга келасиз кириб,  
Күтара олмай чўкасиз қайғу тошини?  
— Биз йигитни тополмасак тўрт ён югуриб,  
— Биз ёстиқда кўрсак унинг азиз бошини.

— Қачон қоп-қора кийимда ўлтирасиз тоқ,  
Чидаб бўлмас сиз кўтарган нола-ю додга?  
— Йигитнинг шўх кўзларига тўлганда тупроқ,  
Биз йигитни йўқотганда абад-абадга.

\* \* \*

Сиз билан миннатдор хайрлашаман...

Неники шароб деб ўйлаб югурдим,  
Сароб бўлиб чиқиб, қоқилдим йўлда,  
Қаердаки кўм-кўк жаннатни кўрдим,  
Учиб етгач ҳайрон, тентидим чўлда.

Нени ой деб ўйлаб, кўзимни тикиб,  
Заррин шуъласига юз тутдимки зор.  
Ой деб ўйлаганим ёй бўлиб чиқиб  
У отган ўқлардан кўксим ярадор.

Неники мангу деб ушлаган пайтим,  
Балиқдай сирғалиб чиқди қўлимдан.  
Ортиқ олди, аммо бермади қайтим  
Савдогарлар чиқиб баъзан йўлумдан.

Қай боғ қоровулин ғафлатки олди  
Боғни талон этар ўғри-ю каззоб.  
Бу кун дармон кетиб тизларим толди,  
Сизки ёнимдасиз, ёнимда азоб.

Ким, мен қушча мисол талпинган дамим,  
Қарғадай хўмрайиб ташлади назар.  
Бу кун уларда бор ўчим, аламим,  
Бу кун мен улардан қиласман ҳазар.

Ишқингиздан қолди юрагимда доғ,  
Англадим ишқингиз ўтсиз эканин.  
Порлаб кўринган гул бўлди-ю янтоқ,  
Кўнглимни қон қилди унинг тикани.

Агар ишқингизда бўлса эди ўт,  
Бу қора қуюнлар қилмас эди кор.  
Ва менинг қалбим ҳам қолармиди бут,  
Минг битта балога бўлмай гирифтор.

Бу чигал хатолар тўйдирди жуда,  
Тилагим оқ, сизга дуч келсин баҳт, шон,  
Аммо менга айтинг бир оғиз видо  
Ва узилсин бизни боғлаган арқон.

Сиз билан миннатдор хайрлашаман...

### МЕН ОЛМАМАН...

*Бир олма келади тўлқинда оқиб.  
С. ЗУННУНОВА*

Мен олмаман, тўлқин билан  
ўйнаб оқиб боряпман,  
Кимларнидир кўзларини ёқиб, оқиб боряпман,  
Кимлар менга маъюс боқар, раҳми келгандай афти,  
Кимлар кўлин узатганча етолмай қолаяпти.  
Мен ўйноқи тўлқин билан ўйнаб, оқиб боряпман.

Ногоҳ, шоҳдан узилдиму дарё бўлди тушганим,  
Тиними йўқ ошқин-тошқин дунё бўлди тушганим,  
Ўчгани йўқ рангимнинг ҳам тарам-тарам қизили,  
Оҳ ва лекин толдирмоқда тўлқинларнинг ҳазили,  
Ногоҳ шоҳдан узилдиму дарё бўлди тушганим.

Сувлар қувлашмачоқ ўйнар, менга тиним бермаслар,  
Бу ўйиннинг шавқи билан, улар тун-кун шўх, масллар,

Түлкінларни әрмак қилиб мен ҳам қочиб келяпман.  
Орзулардан бағрим түлиб, чехра очиб келяпман,  
Сувлар құвлашмоқ ўйнар менга тиним бермаслар.

Узун яна күчли бир құл олдда кутади мени,  
Эртами кеч шиддат билан у құл тутади мени,  
Ва кетаркан шүх түлкінлар құчоғидан айириб,  
Танқо әзилсам ҳам ортга боқмагайман қайрилиб  
Узун яна күчли бир құл олдда кутади мени.

Шунда дейман түлкінларга, шүх тойларим, хайр энди,  
Сүнгига ҳам етди, мана, құвлашмақоқ сайр энди,  
Чулдираманг: «Биздан кешиб кетмоқdasан нега сен?»,  
Қоча-қоча шүх олманғиз топди бугун әгасин.  
Шул сабабдан, ранжиманғиз, шүх тойларим, хайр энди

Мен олмаман, түлкін билан ўйнаб оқиб боряпман.

## СИЗ ЙҮҚЛАБСИЗ...

Сиз йүқлабсиз «мehr күргизиб,  
Келмаслар», — деб армонли.  
Сиз бош әгиб йүқлайсизу  
Аярмадик биз жонни.  
Шундай, йүқлаб келғандик бир,  
Тополмадик, на илож.  
Кийдирмоқчи эдик ахир,  
Бошиңгизга баҳтдан тож.  
Йүлингизга алвон-алвон  
Чечак сочсак дегандик.  
Умр боғида шүх, шодумон  
Фунча очсак дегандик.  
«Айтсам, рад этса, қўйса чек,»  
Андишангиз эшитиб.  
Биз ўзимиз очмоқ бўлдик.  
Толеингиз эшигин.

Излаб келсак, мана, йүқсиз,  
Фуурли дил хомталаш.  
Қайтармоқдамиз йўл шукуҳсиз,  
Қайтмоқдамиз кўнгил гаш.  
Үч ҳиссими кўзда қалқир,  
Бир лоқайд, бир хотиржам  
Эртанги кун йўқлаб балки,  
Сиз топмайсиз бизни ҳам.

\* \* \*

Хайр дейман сенга мен бу кеч,  
Умр бўйи қайтарилемас хайр.  
Кўзларимда сезиб бир ўтинч,  
Ўз бағрига олади дайр.

Бир кемадай Дайр денгизини  
Тинчин бузиб сузиб кетаман.  
Балиқчадай сезиб ўзимни,  
Тўлқинларни қувиб етаман.

Тўш урган куш, қувноқлар билан  
Ўйнашганим баъзан толдирап.  
Жимжит, жимжит қирғоқлар билан  
Сўзлашганим ҳайрон қолдирап.

Ҳамма билан топишарман тил,  
Ҳаммасига бўларман суюк.  
Ўз суюгин топмас фақат дил,  
Кундан-кун зил юракдаги юк.

Сезиб туриб Сенсиз баҳтим «ҳеч»,  
«Хайр», дейман кўз юмиб бу кеч.

\* \* \*

Хотирам тумани тарқалаётир...  
Тарқалар сен ҳақда хаёлларим ҳам.  
Хотиранг ўз юкин орқалаётир —  
Йўлга тушаётир мағрур боши ҳам.

Остонадан сенга «хайр» — дедим бу кеч —  
Қалбимда на титроқ, на бир ҳаяжон.  
Шунчаки, расмият, хушламас меҳмон  
Үйингда эзилиб узоқ ўлтиргач,

Энсанг қотиб лоқайд кузатгансимон,  
Сен мени айблайсан, ҳали ёш дейсан,  
Пайти келиб бир кун егай пушаймон,  
Дарди-ҳасрати йўқ, бағритош дейсан,  
Аслида-чи, мен ҳам сенга ўхшайман.

Сен қайдан биласан, мен ҳам зор гоҳо,  
Ёстиғим кўз ёшдан ювилганини,  
Менинг бош эгганим — мен учун даҳо  
Йигит хаёлидан қувилганимни  
Сен қайдан биласан?!

Аммо, аминманки тилимни тишлаб,  
Кўзимни кўр қилиб бўлса ҳам энди  
Мен унинг ҳақида очмагайман гап,  
Қалбда унинг ёди шишадай синди,

Шундай сен ҳам мени демагил айбдор  
Ва ортга қайрилмай кета олгин тинч.  
Чунки, хайрлашаркан, кўрдингки сўнг бор  
Сен учун кўзимда бўлмади илинж.

Хотирам тумани тарқалаётир...

## СЕНИ СЎРАШАР

...га

Менга дуч келганда қалдрон дўстлар,  
Мени қўйиб сени сўрашар олдин.  
Олдин сенга бўлар илтифот, сўзлар,  
Мен бўлсам бу сўзлар юқидан толдим.

Миямга чақындаі бирдан қон уриб —  
Бүшашади оёқ-күлларим шу он.  
Елка қисиб қўйса ҳолимга бири,  
Бир қўз ташлайди ачингансимон.

«Яхши, яхши» — дея ўзимни тутиб —  
Уйга шошиламан, ҳайрондир улар,  
Уйда.. ойларки.. сен олмайсан кутиб,  
Бизни учрашмасга бошлаган йўллар.

Биламан, кўп мушкул бу ҳол сенга ҳам,  
Аммо начора,  
Ўз хоҳишимиз билан  
Тинглаймиз тақдирнинг бу нохуш куйин,  
Қийин, сендан мени сўрашгани дам —  
Ўғлимиз сўрашса бундан ҳам қийин.

### БИР ДақиқА

Биз учрашиб, ажралишган бир дақиқани —  
Ўтмиш қори кўмиб кетди, бўлмайди кураб,  
Фақат хотирга тушганда титрайди таним,  
Кўзларимдан аччиқ ёшлар кетар тирқираб.  
Мени эслаб сиз ҳам хомуш тортар эмишсиз.  
Сезмасин деб қўз ёшингиз артар эмишсиз,

Бу ҳам бир баҳт, бошқа-бошқа дунёда юриб  
Унутилган баҳтни кўмсаб, тўксак агар ёш.  
Йиллар бизнинг қўша изни кетгач супуриб,  
Йиллар танҳо дилимизни қилиб қўйгач фош  
Ёш тўкамиз, бу ёш энди баҳтни ёд қиласар,  
У юракдан қон сингари сирқиб томчилар.

Бу ҳам бир баҳт, бирга бўлсак бизлар эҳтимол,  
Агар қисқа бўлмасайди ўшал дақиқа,  
Бунча оғир бўлмасмиди бу дўзахий ҳол,  
Сифинмаган бўлардикми бугунгидақа.

Сезиб туриб бўлишимиз кўп ўтмай жудо,  
Бир-бировга олов янглиф кўриндикми ё?

Ўша куни мен насиҳат қилдим қўл совуқ —  
«Ранжимангиз, йўлимизнинг айролиги рост».  
Аммо, бугун бу гапларга ўкинганим йўқ,  
Вақти-вақти келиб шундай эслайман холос.  
Бу эсламоқ тароватли, хароботли заб —  
Сайроқ күшинг ўз кўлингда жон бергандай гап.  
Бир дақиқа...  
Ортда қолган қоп-қора тун бағридаги нур,  
Барча шукуҳ, азоб учун

Сенга ташаккур.

\* \* \*

Кўпдан кўришмадик дилкаш дўст,  
Отар бир кун ҳижрон тонгги ҳам,  
Не бахт, унда тушар кўзга кўз,  
У кўзларда гул очар олам.

Йиллар сени ўзгартмадими,  
Кузги баргдай сўлмадингми, айт.  
Софинарми дил ҳамдардини  
Кечки күёш ботаётган пайт.

Агар, ўша йилларда агар  
Кетган бўлсанг яна очилиб,  
Йиллар менсиз ёқсан бўлсалар,  
Умидларим кетса сочилиб.

Йўқ, уларни қайта термасман,  
Дилгинангни тўлдирма қонга.  
«Мен сени ҳеч кимга бермасман»,  
Дегандим, йўқ бердим ҳижронга.

Суриштириб ёнма, дилкаш дўст,  
Хайрлашу, хайрлаш бесўз...

\* \* \*

Ким яшаган бўлса бўрон билан қасдма-қасд,  
Қишининг қаҳри, қуюнига ўрганса тани,  
Кўклам боғлар жимжитлиги унга татимас,  
Сезмайди ҳам совуқ вужуд иссиқ ўттанин.

Жажжи қушим, сен ҳам бекор ўртайсан бағир,  
Куйинг ширин, аммо менга чучмалдир тоти.  
Куйинг англаш менга унча ўнгаймас ахир,  
Бу соҳада кўпдан ўчган хату саводим.

Жажжи қушим сен куйингни қушларга куйла,  
Боғдан чиқмасларга куйла, йил — ўн икки ой.  
Менга чопмоқ — тақдир, ҳаёт — айлана бўйлаб  
Гоҳ ўқдай тик, гоҳ эгилиб бамисоли ёй.

Йўлга чиқма, сен мен билан чопа олмассан,  
Қолақолгин, бўлма энди гирдикапалак.  
Мендай бетинчликдан тинчлик топа олмассан,  
Менга ўртоқ қуюн сени қилгуси ҳалок.

Бу ҳаётда, қушгинам, биз қўшилмас зарра,  
Менга — абад чопмоқ, сенга — боғ аро сайр.  
Куйларингни қайта-қайта тинглаб минг карра,  
Бир сирингни англамадим, қушим, энди хайр.

Менинг куйим ғоят аччиқ, тахирдир, ичма,  
Сенинг куйинг ортиқ ширин, чучмалдир, чучмал.

### **МЕН ОРТИНГДАН ИЗ БОСАМАН...**

Мен ортингдан из босаман, қор кўмади, қорда гуноҳ,  
Мактуб битай десам ногоҳ, синар қалам, синар қалам.  
Кўрай десам булут тўсар ва зим-зиё бўлар олам.  
Доим шундай —  
Сен ҳақингда ўйлаганда, нимадир йўқ, нимадир кам,  
Иккиланиб босилган йўл, унмас экан, унмас экан.  
Иккиланиб из босаман...

## МЕН ШУ ТУПРОҚ КУЙЧИСИМАН...

Мен шу тупроқ куйчисиман, ким айтар: «Тинар!  
Қайси бир күн гуллаган шох мисоли синар».  
Синсам агар, яратмоқдан толса тафаккур,  
Милт-милт ўча бошласа гар юрагимда кўр,  
Қалам тушса қўлларимдан етмай бардошим,  
Фикрларнинг шиддатидан толиқса бошим,  
Бир оҳ тортиб ўзни яна қайта тиклайман,  
Мен шундай, ҳа, синганда ҳам куйловчи найман!

Қаламимни сўнг бор ўпиб, олурман кетмон,  
Аммо, ўлгунча ёзмоқни бир он тарк этмам.  
Гарчанд тафаккурни тугён чарчоги енгди,  
Чинаками ер шоири бўлурман энди.  
Дафтар бўлур бир күн келиб жон сингар шу ер,  
Дириллаган кўк майсалар янги ёзган шеър  
Гарчанд, гоҳ дам «синдимми» деб кўзим ёшлайман,  
Ўчлик билан кетмонимда ёза бошлайман.  
Ёзаман мен, ернинг оҳи тина боради,  
Сочган ургуларим қийғос уна боради.

Мен ёзаман, қота бошлар бошоқлаган дон,  
Бут ризқи рўз суруридан ойдай балқар жон.

Уддабуро қўлларимдан мен тамом рози,  
Қийналмасдан чалар улар, тутсам қай созни,  
Мен ёзаман, кетмон билан бетин ёзаман,  
Дашт тепалик, кумга бирин-кетин ёзаман.  
Ер юзида мен ёзмаган ер қолмас балки  
Ва оқибат, ёзувларим билан тенг балқиб  
Қадим ерда сўниш билмай порлаб кетгум мен,  
Қай қуролни ишлатсан ҳам ёзиб ўтгум мен.  
Мен шу тупроқ куйчисиман.

\* \* \*

Ҳар ўлимда тириклик бор,  
Ҳар тирикликла ўлим.  
Шундай экан ғам не даркор,  
Ҳасрат нега, булбулим.

Үтаркан кўклам, ёзимиз,  
Етарканмиз қор, оқقا.  
Янграй-янграй овозимиз  
Маҳкум экан тинмоққа.

Бас, янгратиб дил созини  
Толамиз биз унгача,  
Ўлмасликнинг қофозини  
Оламиз биз унгача.

Қасдма-қасд, шавқ қучоғида  
Яйра, яйра, жон қушим.  
Қизил гулнинг бутогига  
Ёзиб қўйгин ўнг, тушинг.

Куйлай-куйлай баравж, баланд  
Бир кун ногоҳ тўхтаймиз  
Ва уйғонмоқ шавқи билан  
Мангу қотиб ухлаймиз.

## УЗУК ҲАҚИДА

Кўз олгувчи узугим маним,  
Атиргуллар ичра йўқолди,  
Кўзимга тор бу кенг гулшаним,  
Узугимни айтинг, ким олди?

Ҳеч кимсага раво кўрмайин  
Асрар эдим, гувоҳ еру кўк.  
Қай куй чалар тақдирнинг найи,  
Кимга насиб бўлгуси узук.

Боғда чаппар урган шўх йигит  
Хурсандлигин недир сабаби,  
Нечун чақнар кўзларида ўт,  
Олтин топган девона каби.

Менинг қаддим бундан эмас ёй,  
Унга узук берсам айби йўқ.  
Мен қўрқаман, қай бир пана жой —  
Ўтлар ора йўқолса узук.

Асрар эдим уни худди жон,  
Ногоҳ... додлай кимнинг дастидан.  
Қабоҳат-ку шундай бенишон —  
Занглаб кетса ўтлар остида.

Бир узукмас муддао, дардда,  
Умид бор, ҳам йўқдай, топмоққа,  
Ўтлар қачон бўлмаган парда  
Жавоҳирлар юзин ёпмоққа.

Кўз олгувчи узугим маним,  
Атиргуллар ичра йўқолди.

## ҲАЁТ БИЛАН СИРЛАШУВ

Кўғирчоқдай қилиб-ку, яратган эдинг ўзинг,  
Мунчоқ қошу кўзимга ҳавасларни келтириб.  
Порлаб бошлаганида кўзим — ёруг юлдузим,  
Нега энди ногоҳда унга армон тўлдириб,  
Кўзларимнинг ўтини сўндираяпсан нечун,  
Мени қарз тўламоққа кўндираяпсан нечун.

Ҳаёт, сендан ҳеч нарса қилмовдим-ку илтимос,  
Ўзинг очиқ қўл билан бердинг ишқ, ўт, қалбу куч.  
Ёлғон-ёлғон деб юриб энди деганимда рост,  
Йўқотган севгим мисол азобларга этиб дуч,  
Ўзим билан андармон масрур, маъюс пайтларим  
Берганларинг сездирмай олмоқдасан қайтариб.

Кулф урган кўкатлар йўқ, қундуз қошим тўкилар,  
Изғириналар совутар қизиёттан танимни.  
Нега, нега сарв қадим савол бўлиб эгилар,  
Унугиб қўйиб баъзан қарз тўлаётганимни.  
Ниҳон бериб олмоқдан куйдирмоқми муродинг.  
Авраб кузнинг либосин кийдирмоқми муродинг.

Йиллар оша сезилмай кенг келиб қолар узук,  
Беш-ўн қадам йўл юрмай юракда гурс-гулдурак,  
Бундай пайтларда ҳаёт, айтмаганинг ҳам тузук,  
Ёрилиб кетиши бор сени севгучи юрак.  
Гарчанд, ичиб юрса ҳам қисмат шаробин тахир,  
Сўқирга «кўрсан», — десанг кўтаролмайди ахир.

Майли, берганинг айтма, айтма олганингни ҳам,  
Бир лаҳза яшасам ҳам, яшай сархуш, маст бўлиб,  
Токи бир кун умримга кўз ташласа набирам —  
Гуркираб кўринсин ул, ишқ бўлиб, ҳавас бўлиб,  
Йигар экан умримнинг шавқига кетган эсин —  
«Сурур билан яшабди ўз умрин энам», десин.

Истайманки авлодим яшасин билмай ҳадик —  
Кўярар куни, келгуси равшан бўлур ойдан-да  
Ўз ўтмиши билан ҳам қўкрагини тутсин тик,  
Ўз насаби билан ҳам фуурлансин майдонда.

Қарз тўлаб, шу орзулар амалга ошгач, дуркун  
Гуллаган оқ олчага айланиб қолгум бир кун.

## КЕКСА АЁЛ ЎЙЛАРИ

Деразамда олча гуллай бошлади оппоқ,  
Дафтаримда турналардай тизилар ҳарфлар.  
Новдаларга сезилмайин бу сафоли чоф  
Оқ гул бўлиб қўнайити қўкламги зарблар,

Юрагимнинг зарблари ҳам тезланди чофи  
Ё қўкламги шаршаралар кирдими унга,

Сархуш-сархуш оқангларга тұлар қучоғим,  
Күксим торлық қилаяпти тошқин, тұлқинга.

Күклам қайтди, қайтди юртга тұлқин, куртак, гул,  
Мен ҳам бола чөғларимга бораман қайтиб.  
Манглайидан үп күкламни, боладай күнгил  
Қирларга чоп бегуборлик қүшиғин айтиб.

Ким айтса ҳам бекор ғап бу — чүкаётганим,  
Бу тонг олча ёнида қад тикладим бўй-бўй.  
Ёлғон, йиллар соchlаримни тўкаётгани,  
Бари ёлғон — сўнгги йиллар қаритгани ўй.

Мен кўкламни дилим билан кўраман баҳам  
Ва ўзимнинг кўклигимга қайта оламан.  
Сочим олча гулидай оқ оқарганда ҳам —  
Кўклам чори шўх қизалоқ бўлиб қоламан.

Деразамда олча гуллай бошлади оппоқ...

\* \* \*

Сен булоққа сир айтма, бас  
Айтсанг, вазмин тоққа айт.  
У булоқдай чулдирамас  
Келса ҳам энг оғир пайт.

Гап билан иш битиргувчи  
Булоқни чиқар ёдан.  
Тонгга, тунга жим киргувчи  
Тоғ билан сирлаш, шодлан.

Биз ҳам гарчанд кўксимиизда  
Булоқдай шўх юракдир.  
Аммо тилга — кечмоқ сўздан  
Тоғ сукути керакдир.

Бардошда мен тоғларга тенг,  
Сабри тугаб куйлар най.  
Менинг тилим минг дардимнинг  
Бирин шарҳин айтмагай.

## **УЛУГБЕККА КҮЙЛАК ТИҚДИМ...**

Улугбекка күйлак тиқдим, сахар туриб, суюниб.  
Болам кийгач учеб-күниб капалакка айланар.  
Бошқача шарҳ этолмадим ўз кўнглимнинг куйини  
Дилим тинган пайтлар менинг қўлим куйга шайланар.

Кўрсин дедим бола ахир оламни билмас унча,  
Кўрган болам онасининг китоб титган чоғини.  
Онасининг қўлларига ёзишдан ҳам, кўпинча  
Пишиқ-пишиқ қатим тортиб тикиш ярашмоини.

Кўрсин дедим, нон ёпдим сўнг тонги сутга йўғириб,  
Сут, дон таъми, қўл таъмини туйсин дедим болажон.  
Кўз ўнгимдан кетмас ахир, онам ҳар сахар туриб  
Биз тургунча тандиридан узганлари иссиқ нон.

Эгар-жабдуқ тикиб кейин ўтказайн Фирқўкка,  
Қамчин тутай, бола ўзи эпласин сўнг у ёғин,  
Учсин бола бобосини чиқармай деса йўқقا, —  
Фирқўк ахир асл отимиз — Фиротнинг бир туёғи.

Отам-онам менга мерос ўргатган бўлса неки  
Бирини ҳам унутмайин ўтказаман ўғлимга.  
Отам асов отни қандай олар эдилар эгиб,  
Онам қай ширин тил билан кирадилар кўнглимга.

Ўргатаман, аммо бу иш кўпам осон кўчмайди,  
Аср тезкор, бир-бировни қувиб олдга чопамиз.  
Тунлар ёзиб, тонгга қадар чирофимиз ўчмайди.  
Кундузи иш, болакайлар кўнглин қачон топамиз?!

Сармаст кетиб борарканман куйлаш билан, иш билан  
Шоша-пиша кўчираман шу сатрларни оқча.  
Қачон вақтим бўлар экан шу чулдуроқ қуш билан,  
Вижир-вижир қалдирғочим билан сирдош бўлмоқقا.

Отамдан узмаган қарзим, гарчанд елкамдаги юк,  
Болакайдан қарзларим ҳам оғирроқdir бу юқдан.  
Суяңч төгим — отажоним бормисиз дунёда тик,  
Болакай полопон — қушим бунчалар ҳам суюксан.

Жигарларим мен сизга бу қарзларимни түлайман —  
Дилим билан, күлим билан иш күриб бир усулда.  
Фақат сиз бор бўлинг, сизнинг умрингизни тилайман,  
«Икки ёнимда бўлинг», деб мен кетаётган йўлда.

Улуғбекка кўйлак тикдим саҳар туриб, суюниб...

\* \* \*

Ақдим танибманки, йўлдаман, йўлда,  
Тоблаб қўиди анча йўллар қийноғи.  
Аниқ қанча йўл бор ҳали мўлжалда,  
Мўлжалсиз йўлларнинг йўқдир саноғи.

Бу йўлларда юрдим шод қўшиқ айтиб,  
Ҳар вақт ишонч билан олдга кўз тикдим.  
Аммо бир кун она қишлоққа қайтиб  
Отамнинг қабрининг устидан чиқдим.

Оғамнинг юзига юз қўйиб эмас,  
Тупроққа юз қўйиб ёш тўқдим юм-юм.  
Нега отам қаддин қўтармайди даст,  
Нега гунгдай қотган бу тупроқ — уюм.

Шундан кейин тағин йўл бошланди, йўл  
Хавотир оламан энди мен тез-тез.  
Бизнинг чаманларда сўлмадими гул,  
Хазон бошланмасми мен борганим кез.

Шундай энди тез-тез титроқ дил билан  
Она қишлоғимга қайтади йўлим.  
Хушёр тортиб қолдим сесканиб бирдан  
Ғамхўр қилиб қўйдинг сен мени, ўлим!

## ДЕНГИЗДА

Қайтмас бўлиб йўлга чиққан йўлчиман,  
Йироқдан ҳилпирав кемам байроби.  
Куёш ёндиради, эркалар туман,  
Хавфли аммо бўрон кўзғолган чоги.  
Тўлқинлар қутуриб отилар кўкка,  
Кемам гоҳ тик, гоҳо шўнғиб кетар паст,  
Тенглашиб куйларман мен гулдуракка  
Бу жарангиз овоз менини эмас,  
Кемам сирти, тағин дил дардимни юв,  
Эй денгиз, мен сенга очганман кучоқ.  
Мен эса кемамни тўлдиргунча сув  
Ё харсанг урилиб қилгунча пачоқ  
Шод куйлайвераман.

## ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ

Сизни соғиняпман кўзим қароқлари,  
Ҳамқишлоқларим!  
Сизга сифиняпман кўнглим чироқлари,  
Ҳамқишлоқларим.  
Сиз кетмасин десангиз мени  
Тоғ мисол нураб  
Қароқларим,  
Тортмангиз хира!

Шу қароқлар бўлди менга кўз,  
Шу қароқлар тил.  
Қарздормиз улардан бесўз,  
Эй, мастона дил!  
Отларининг қулоқлари орасидан шўх  
Беҳишт шамоли  
Эсган шамол мисол чавандозларим  
Сиздан бир нафас ҳам айрилганим йўқ.  
Қаҳратонда ҳам  
Кўнгли ёзларим!

Ҳамон, кечқурунлар чангли күчалар  
Түёқ дупурлари, мол билан тұлса.  
Болалар чопарми күтариб таёқ  
Болакайлар таниш,  
Шу йил ва ё шу ой туғилмаган бўлса,  
Уларни танийман бир кўришданоқ.

Бу Санамнинг қизи, бу Султонники,  
Аралашиб чопар менинг ҳам ўғлим.  
Уларнинг жавдироқ кўзларига кўз тикиб  
Ёришиб кетади, ёришиб кўнглим!

Қўлни тизга уриб қаҳ-қаҳ отган чоғи  
Соқоли селкилаб қийқирган чоллар,  
Мева тугаётган, қийғос гул бутоги —  
Кўҳна боғлардаги жажжи ниҳоллар.

Юзи қизғиш, олча гуллари тусида,  
Хуркак кўзларида ийманиш, ҳадик.  
Келинчак юради қайнота кўзига,  
Қайнона кўзига қарай олмай тик.

Қозиқда отамнинг сирдош, саман оти.  
Отам кеттгач у ҳам чўкаётгани,  
Айвонда онамнинг хаёлларга ботиб,  
Қилич қоқиб, ўрмак тўқиётгани.

Тагин енгил тортиб, илиқ кўкламги кун  
Мен учун ўсмалар эккан дамлари,  
Кўзойнагин тақиб укам оти учун  
Шошиб эгар-жабдуқ тиккан дамлари...

Булар  
Ўчмас тамға мисол дилемга босилган.  
Парвона айлаган она қишлоқقا,

Гүдаклик чөрданоқ  
Дилимда саноқсиз құшиқлар ёзилған,  
Энди күчиряпман мен уни оққа.  
Сизни соғиняпман ҳамқишлоқларим!

\* \* \*

Учаётиб күкрагини тутди чавандоз,  
Учаётиб.  
Отнинг ақли күzlарида тугаб күклам, ёз,  
Борар қора терларга ботиб.  
Турналар осмонда солар аргимчоқ,  
Улар билан келар иссиқлик, жануб.  
Чавандоз күzlарин сўнг бор очган чоқ  
Бирдан турналарни қолди-ку таниб,  
«Менинг турналарим, оппоқ турналарим  
Бунча кеч қолдингиз, айтинг, бунча кеч.  
Сиз билан сўзлашмай кетмоқдаман ғариб,  
Сиз билан сирлашмай  
Кўзим қиймас ҳеч».

Алаҳлаб,  
Мадор кетган қўлларини ёзар чавандоз,  
Баайники турналарин қўймоқчи силаб  
Ва силтаниб эгарда қад тиклади-ю, роз,  
Зангор кўкка кўзин тикди,  
Сўнг тущди қулаб.  
Менинг дилимга ҳам ғамлар тоши қулади,  
Дейман: «Ҳаёт, ҳар мушкулни ўз вақтида еч...»  
Жон талашиб ётган учқур нидо қилади:  
«Турналарим кеч қолдингиз...  
Айтинг...  
Нега...  
Кеч...»

## ЎЗ ОНАМНИНГ СУРАТИНИ

Ҳозир четга суриб қўйдим, мен барча ишни —  
Ўқиш, ишлаш, қор сайлининг тартибин буздим.  
Бў кеч дараҳт бутоғидан учмаган қушни,  
Ўз онамнинг суратини юракка чиздим.  
Москвада қор урятти. Сершовқин ётоқ.  
Туйғуларни ўғирлайди шўх ётоқ туни.  
Мен ўйлайман, силкиниб, кетмадими бутоқ,  
Кушим ўз шоҳида ўтирибдими?  
Қўшиқчимиз сукунатни чил-чил синдирап,  
Қийқирамиз, чокин сўқиб биз жимжит кечни.  
Бу суурулар баъзан менинг кўзим тиндирап,  
Йироқдаги мушфиқ қушим ҳоли не кечди?  
Ҳамон ташиётибдими ўз инига дон,  
Йироқ кетиб ортиқ юкни унга юкладик.  
Сақлай олсайдим шу қушни узоқроқ омон,  
Ярим тунлар уйғониб гоҳ тортаман ҳадик.  
Айтинг, айтинг ногаҳонда уриб қуюн, қор  
  
Кушча музлаб бутоғидан тушмасин қулаб.  
Чирт узилиб кетар унда кўксимдаги тор,  
Кейин уни азал-абад бўлмайди улаб.  
Йўқ-йўқ мен ҳам умрларига тағин умр қўшиб,  
Уни сақлаш режа, ўйин тузайтибман.  
Бу кеч бутоғида муnis ўтирган қушим —  
Ўз онамнинг суратини чизаётубман.

18 декабрь, 1977 йил. Москва.



# “БӨБӨ ҚҮӨШ”

китобидан

(1977)

---



*Сиздай содиқ дүстни алдамайман, ийк,  
Ишонинг, бу йўллар тушмас бир изга.  
Кўксимга қачондир текканди бир ўқ,  
Ярадор қалб билан бормайман Сизга...*





## ФИКР

Инсоф билан айтсам, умр кўнгилли кечар,  
Қишилари ҳеч нарсани кетмади ёпиб.  
Ишқми, уни мен тўсатдан йўқотдим кеча,  
Ҳечқиси йўқ, эрта бирор олади топиб.

Оз бўлганми азал инсон йўқотмишлари,  
Йўқолганлар топилдиқлар ўрнига ўтган.  
Юлдузлар бу, аждодларнинг ширин тушлари,  
Чақ-чақ қуёш кулгусидир бўғзида кетган.

Бу дунёга келиб менинг топганим ҳам мўл,  
Мен сўз топдим, фикр топдим, бу ҳам балки  
баҳт.

Нодиранинг хаёлидан кечган балки ул,  
Балки Машраб айтаман деб, тополмаган вақт.

Бу фикрга қурбон бўлай, бу фикрга қул,  
Қоним била кўчирайин, мен уни оққа.  
Нодиранинг хаёлидан кечган бўлса ул,  
Машраб вақт топмаган бўлса уни айтмоққа...

*13 май, 1976 йил. Москва.*

\* \* \*

Ўт билан ўйнашиб қорда, ёмғирда  
Яшаяпман унга бергим келмай тан.  
Аммо, ўйнай-ўйнай бирдамас-бирда  
Куйиб кетмасам деб қўрқаман...

Яшаяпман... билмай қай рангда сукут —  
Бетоқат тоқатга түлдир жомимни,  
Үлсам ҳам... қачондир үлдиради ўт —  
Хаяжон олади жонимни...

13 май, 1976 йил. Москва.

## ЮРТИМГА

Ўз юрагим кенглигига ҳайронман ўзим —  
Хуркиб қочган оху унда, ундадир ўқ-ёй.  
Порлаб кетди юрагимни кўраркан кўзим —  
Ўзбекистон борлиғи-ла ундан олмиш жой.

Мен сезмабман, яшабманки то шу чоққача —  
Бутун ҳолда ўзни сенга топширганимни.  
Ўзни сенга, сени эса олтин соққадай —  
Ўз кичкина юрагимга яширганимни.

Она бўлиб, мен эгилсан силадинг бошни,  
Борарканман бу меҳрли қўлга ўрганиб.  
Ўз кичкина юрагимга кирган қуёшни —  
Катта юртни — юртим, сени қолдим-ку таниб.

Олма янглиф шу юракни авайламоқ шарт,  
Унда сен бор, ахир, абад билма сен завол.  
Яшай дейман, сенга зарра юқтирумайин гард —  
Кўклиётган кўк баргингга тегдирмай шамол.

Унда гужфон қалдирғочлар бошлашар ўйин,  
Қалдирғочларга қўшилиб куйлайин зап ман.  
Кўкрагимда қад кўтарган хирмонлар бўйин —  
Оппоқ пахта хирмонларин авайлаяпман.

Бир бурчида чавандозлар ўйнатади от,  
Боқиб туриб ўз отамни, отни ёдладим.  
Чавандоздай учмоқда-ку от сурис ҳаёт —  
Қоқилмасин кўксимдаги учкур отларим

Бир томонда шафтолизор, ёйилади нур,  
Куртаклар нақ қүш түмшүғи — чокларин сүкиб.  
Улар қўшиқ айтмоқ учун лаб очар ҳозир  
Ҳозир куйлаб юборади улар энтикиб.

Москванинг қиши илиқ, яйраркан тўйиб —  
Фарч-ғурч босиб борарканман топ-тоза қорда  
Бола янглиғ бир зум ўзни унутиб қўшиб,  
Югураман кўксимдаги шафтолизорда.

Оппоқ гулга кирган олча тагида кейин —  
Ўлтираман чиройингта кўзим тўймай, тўрт.  
Ақлим танигандан тортиб то тобут куйин —  
Тинглагунча, кўкрагимда яшайсан, сен юрт!

*22 апрель, 1976 йил. Москва.*

## ЎРТОҚЛАРИМ

*Кетсам олдин мен кетай.*  
*Владимир СОКОЛОВ*

Ўртоқларим, менинг ёшлиқ жигарбандларим,  
Бугун ногоҳ юрак уриб, «қанисиз», — дейман.  
Ўтган ҳар кунимга туташ банду бандларим,  
Сиз қайдасиз, бу кун сизнинг ғаминтиз ейман.

Ўртоқларим, бир даврага йифилайлик бас,  
Бир нафасга йифилайлик ҳеч бўлмаганда.  
Бугун ҳатто юлдузларга етганида даст —  
Шу юлдузлар суҳбатини биз қилиб канда,

Бир нафас бир-биримизга ажратайлик вақт —  
Бир нафасга тўйиб-тўйиб тикилишайлик,  
Йиллар қилиб қўймадими бизни кўр, караҳт —  
Чиқиб олган чўққилардан бир дам тушайлик.

Пастни кузатар экансан, чўққидан туриб,  
Чумолидай кўринади дуп-дуруст одам.

Бир нафасга сирлашайлик ёнма-ён юриб,  
Тамом-тамом унутилсин серғавғо олам.

Айтгил, Усмон, баҳтинг сени сийлаётирми,  
Мукаррама, сен дўстларни янги уйда кут.  
Ўғил билан қутлаймизми бутун Ботирни.  
Одил қани, Одил қани? Жавоб йўқ. Сукут.

Қани Одил, бошлар эгик, тортаражакмиз «уҳ»,  
Жингалак соч, қора кўзли шўх йигит қани?  
Дўстлар, чорланг даврамизга қўшилсин у руҳ,  
Бизлар билан куйлагани қаҳ-қаҳ отгани.

Давра нурай бошладими, йўқ-йўқ нурамас,  
Қани куйланг, билинмасин Одилнинг ўрни.  
Сочимизга қор ёғса гар курак курамас  
Шўр ёшимиз ўчиrolmas изтироб, қўрни.

Бир дарахти қуласа ҳам аламзада боғ,  
Бир дўстни йўқотиб биз ҳам оҳлар урамиз.  
Даврамизни тўлдира қол, кеч қолган ўртоқ —  
Бир майизни қирқقا бўлиб баҳам кўрамиз.

Ўртоқларим, шодмон қўшиқ бошлайлик энди,  
Шодмон қўшиқ сели ювсин диллар зангини.  
Азал-абад гам-андуҳни шод қўшиқ енгди —  
Мен чизайин чизиб бўлмас қувонч рангини.

Ўртоқларим, бошингизда сўнмасин қуёш,  
Барчангизни толе сўйсин, баҳт қолмасин кеч.  
Бирингизнинг ғамингизда қўзга олиб ёш —  
Куяр дамга дуч келмайин, дуч келмайин ҳеч.

Ўртоқларим, ҳар бирингиз мен суянган тоғ,  
Дўст деганда жон бермоққа фикрим мутлақдир.  
Кетар бўлсам мен олдинроқ кетайин, бироқ  
Дўстларимнинг қора кунин кўрсатма тақдир.

Ўртоқларим, менинг ёшлик жигарбандларим.

12 июнь, 1976 йил. Москва.



## БАЙКАЛ-АМУР МАГИСТРАЛИ

Ер бўлсин деб яна ранггин  
Жон тикиб ўнг, сўлида.  
Тер тўкамиз, — аср жарангги —  
Байкал-Амур йўлида.

Бугун қурдик йўл бошини,  
Эрта олға юрамиз.  
Қуйиб ўлмаслик тошини.  
Бизлар Бамни қурамиз.

Гарчанд бугун тош, харсанглар  
Қўлни урди, емирди,  
Темирланар бизнинг танлар —  
Қўлларимиз темирдир.

Чангалзорда учмайди зоғ  
Экаяпмиз бунда гул.  
Сафимизни тўлдир, ўртоқ,  
Сафимизни тўлдиргил.

Юрак, юрак борар тўлиб —  
Тақдиримиз йўлда ҳал.  
Бизнинг узун қўллар бўлиб  
Узаяди магистрал.

30 июль 1976 йил. Сибирь. Забайкалье.

## ҚАҲРАМОНЛИК

Қаҳрамоннинг тимсолидай яшай, деб мангу,  
Тиришаман ва билмайман, тиним нима у?

М.Ю. ЛЕРМОНТОВ

Отам Фарҳод каналида ташиган тупроқ  
У кунлардан айтса қайтар йигит йиллари.  
Эллик, юз йил тарих учун қош-кўздай бироқ  
Бугун тупроқ, темир туттан менинг қўлларим.

Йиллар капалак сиёқли қўнмаёқ учар,  
Отам жон бериб, жон олиб канал қазган дам.  
Ўйлагандир бу каналдан ўғлим сув ичар  
Ўйлаганми бироқ ўғлин қурмоини БАМ.

Ўйлаганми ўғли бўлар олов, асабий,  
Қалби митти жуссасига келмай қолар мос.  
Шонлар ичра яшар менинг наслу наслабим —  
Қаҳрамонлик менга, ахир, аждоддан мерос.

Гоҳ ўзимга келдим, гоҳо йитдим, йўқолдим —  
Баъзан тушкун, баъзида тик, сезиб ўзни шоҳ.  
Гоҳ Абдулла Набиевга айланиб қолдим,  
Собир Раҳим яшаб юрди менда гоҳи гоҳ.

О йўқ, бу туйғу ҳақида ҳожатми ҳеч сўз —  
Унга ё етар, ё йўлда шарт узилгай ип.  
У ўй қайда Сибирь, совуқ эллик градус,  
Тутганингда темир қўлга ёпишганда чип.

У ўй қайда, яшаркансан ўт бўлиб куйиб  
Қора сочга бўрон ора қўнар экан қор.  
Тушда кўкрагингга бошин қўйиб, қиз суйиб —  
Ўнгда... ойлаб мактубига кўз тутганда зор.

У ўй қайда мадор етмай қаддинг тикларга,  
Умидсизлик тўри чулғаб, толган дамларинг.

Кечиб, гоҳо ботаётіб ботқоқларга,  
Дунё билан видолашиб олган дамларинг.

У ўй қайда, менда, мен у билан дўстдайман,  
Йўқ бу ўйни лаҳза бўлсин мен унуганим.  
Ҳар кунимни сўнгти кундай яшаш истайман,  
Қаҳрамонлик — ҳар кунимдан кўзда тутганим.

У ўй менда, мендалигин ошкор айтайнин,  
Шу ўй билан отлиқман мен, юрагим тўлиб,  
Мен ўламан, мен тириклай ўламан тайин —  
У ўй мендан кетса, қолсам пиёда бўлиб.

Музга солиб, ўтда ёқиб беаёв жонни,  
Яшарканман ҳар кунимни қаҳрамонга хос,  
БАМ — оппоқ йўл, ёзганим-шу узун достонни,  
Авлодларга қолдираман асрдан мерос.

30 июль, 1976 йил. Забайкалье.

\* \* \*

Майлига, бошимни хам қилсин қадар  
Қабоҳат тошлари тўлсин хонамга.  
Биргина одамга етмасин хабар —  
Айтмангиз бу ҳолни ёлғиз онамга.

Бахт, омадим келса галма-гал оқиб,  
Даврон мени бошда кўтарган пайти.  
Майли, ҳеч ким ундан бўлмасин воқиф —  
Сиз уни ёлғизим онамга айтинг.

Фамим эшитган қун надоматга қул —  
Қабоҳат тошларин териб юради.  
Кувончим эшитса ўз уйида ул —  
Даврон кўтаргандай давр суради.

22 марта, 1976 йил. Москва.

\* \* \*

Ҳавас, нафрат, орзу, умид қоришиб,  
Югуртиар мени ёмгирида, дўлда.  
Аста-аста осмон келар ёришиб,  
Аста-аста қорлар эрийди йўлда.

Ва тупроққа сингар сувлар бенишон —  
Бир сўз қолмас ёмғир ёзгани — хатдан.  
Бу йўллардан ўтажакман мен, ишон,  
Минг қоқилиб бўлса ҳамки, албатта.

Доим жамбил ҳидин уфурмас сабо,  
Гоҳо бўрон қулатай дер устунни.  
Ёмғир, дўлда юрсам беҳол, шалаббо,  
Кун нурида қуритаман устимни.

Яна ҳавас, яна нафрат қийнайдир,  
Қасдма-қасди кўксим тутиб мен баланд —  
Кетажакман, қайгу-қувонч қўш найдир,  
Қўш қўбизчи шундай кетар мен билан.

13 май, 1974 йил.

## КИТОБЛАРИМ

Келинчак тўнғичин суяр яшириб,  
Қайнота, қайнона, бегоналардан.  
Қувонч келса ҳамки кўнглин тошириб,  
Фарзандга бепарво кўз ташлар қай дам.

Тўнғич китобларим, болакайлар, шўх,  
Чулдираманг: «ўзинг бизга назар сол».  
Ким айтади сизга муҳаббатим йўқ,  
Мен ҳам уяламан келинчак мисол.

Баъзан, соғинч билан танҳо қолган он  
Варақлаб қоламан сизни тўзимсиз.

Суя билиш керак ўзин ҳам инсон  
Сиз ахир,  
Сиз ахир менинг ўзимсиз.

13 май, 1973 йил.

### МУҲАББАТ

Кўнгил, қўлин боғлаб одам аҳлини,  
Банду-банд қиласи тагин муҳаббат.  
Бир кун йўлдан уриб соғлом ақлини,  
Дардманд қиласи тагин муҳаббат.

Чироққа уринган парвонасимон —  
У келса қизғанмай дилимни тутай,  
Мен ўзим шу дарднинг ҳосиласиман,  
Майлига, шу дардда дунёдан ўтай.

Аждодим ҳаёт деб, ишқ деб очган сўз,  
Авлодим ҳам ундан ўйларга чўмсин.  
Шу дард оқибати мен очганман кўз,  
Сўнг дам тагин шу дард кўзимни юмсин.

14 май, 1976 йил.

\* \* \*

Қаро кундан дилим тонган, нурдир, тозадир  
бу ишқ,  
Кўзларимда ўтдай ёнган ердир, фазодир бу ишқ.  
Билмам унинг қўли абад силармикан сочимни —  
Балки пешонамга битган бало-қазодир бу ишқ.

14 май, 1976 йил.

\* \* \*

Сизга ишқим, Сизга қарфишим,  
Ўзга излаб мендан топмас из,  
Бу дунёда менинг бор ишим —  
Сизга тушди, бир Сизга ёлғиз.

Адашдим-да ёлғонга йүйдим —  
Ишқингизни құл силкдим, «бекор!»  
Шошиб ғуур ғултожин кийдим,  
Энди бошдан олиб қўймоқ ор.

Энди дунё ишин қарангки,  
Ишқ ортидан құл бұлармиш шоҳ.  
«Унұтдим», деб сарғаяр рангим,  
«Севмайман», деб жим чекаман ох.

Сиз деганда мен синмас торман —  
Кута-кута күзим йүл үйиб.  
Умрим бўйи қарғаб ўтарман —  
Умрим бўйи жонимда суйиб.

Гарчанд ҳижрон талхдан-талх майдир,  
Мен ичардим, бўлганда ҳам қон.  
Қарғишларим Сизни ургайдир,  
Софингчларим сақлайдир омон.

10 октябрь, 1975 йил

\* \* \*

Бир мактуб сингари хотирамни мен —  
Ўчириб-ўчириб яшаётибман.  
Дилимни ўртаган армон, ғамни мен  
Қоғозга кўчириб яшаётибман.

...Сиримни яширмай тўқдим мен тунга,  
Тун бўйи йиғлаган бўлса ҳам байтим.  
Кундуз ёниб-излаб келганда унга  
«Вақтида айрилдик, яхши», деб айтдим.

Тун бўйи кўзимдан аччиқ ёш сизиб,  
Безабон армондан ўқисам ҳам дарс,  
Тонгда у келганда «Уйқумни бузиб...  
Тағин Сиз!..» юзига эшик ёпдим қарс.

«Барыбир эшикни очолмас бирор  
Келаман», — жимлик... сүнг йилларки мушкул.  
Энди у келгунча сочимга қиоров —  
Қор ёғар, сүнг таний олармикин ул.

Қоплагани учун бир зум күзни хоб —  
Балки умрим бўйи берурман жавоб.

10 октябрь, 1975 йил.

\* \* \*

Тан оламан, дилда, қўлимдан кўп нарса кетди,  
Мен ишонган тоғлар ҳам гоҳ кетдилар нураб.  
Қишилари кўп изларни кўмди, беркитди,  
Кўзларимдан кетмай қолди ёлғиз шу сурат.

Мана бу — Сиз, папиросни асабий эзиб  
Туриб қолган, кўзларида — тўзғиган тўзим.  
Буниси шўртак бир таъмни лабида сезиб —  
Маъюс, Сиздан кетаётган менман, мен — ўзим.

13 май, 1976 йил. Москва.

### ХОТИРА

Кўйиб юбор, ортга тортма севги эртаги,  
Мен бу уйдан чиқиб кетай қоқиб этагим.  
Кулгуларни кулдик, йифи бўлди йиғланиб.

Кетай энди, қўйгин, бироқ қўймас остона,  
Ҳали мени қийнамоқдан тўймас, остона,  
Оёқларим оstonада қолди михланиб...

23 октябрь, 1976 йил. Москва.

\* \* \*

Хайр энди,  
Ортиқдир битта сўз,

**Номимни атама.**

Юлдузим, бўлсанг-да ёнимда —  
Бир юлдуз бор йироқ бир юлдуз —  
Мен ишқин асрайман жонимда.  
Мен энди...

**Кетаман.**

*23 октябрь, 1976 йил. Москва.*

\* \* \*

Сиз топмишим, йўқотмишиммас,  
Сор лочиним, ожиз қушиммас.  
Сиз дунёда рост деб тутганим —  
Тутолмаган ёлғон тушиммас.

Сизга фидо бўлмоқ истайман,  
Сиз деб адо бўлмоқ истайман.  
Аста-аста йўқотмай Сизни,  
Бирдан жудо бўлмоқ истайман.

Таранг тортмоқда симлар, айтинг,—  
Хаёлларга толсинлар айтинг.  
Сиз-жон, олса жоним қийнамай,  
Бирданига олсинлар, айтинг.  
Сиз топмишим, йўқотмишиммас...

*15 октябрь, 1975 йил. Москва.*

\* \* \*

Ўз эгик бошимни кўтармай туриб,  
Яшаркан эгилган бошларни силаб,  
Бугун Сизга келдим ўзим бош уриб —  
Бугун мен турибман меҳрингиз тираб.

Минг дардимдан бирин сололсам хатга  
Бор шодон умримга тортади чизиқ.  
Қачонлардир менга зор бўлган баҳтга  
Бугун ўзим зормен, қўлларим чўзиқ...

*28 февраль, 1976 йил.*

\* \* \*

Қайдан ҳам йўлимда келгандингиз дуч,  
Айқаш-уйқаш қилиб ўнгу рўёни.  
Топдим, Сиз, ёлғиз Сиз, қолган дунё пуч,  
Йўқотдим, қайтадан кўрдим Дунёни.

Қайта кўрсам кўзим куиб кетар чин,  
Армон тўлқинлари кетгайдир кўмиб.  
Қайта Сизни кўриб қолмаслик учун  
Кетялман умрбод кўзимни юмиб...

2 март, 1976 йил.

\* \* \*

Ажралишдик, кўтар бошинг,  
Кўзларингда нега нам?  
Мардим, тўкма, кўзинг ёшинг,  
Томчисига арзимам.

Не кун солдинг сен бошимга,  
Бу қандай ишқ, қай фироқ?  
Арзимайсан кўз ёшимга,  
Мен ҳам йифлайман бироқ.

14 май, 1976 йил.

\* \* \*

Мен Сизни алдашни кўрмайман раво —  
Тушунинг, шу ўзи мен учун басдир.  
Сезаман мендаги бу дард-бедаво,  
Истаганим билан бу ишқ сўнмасдир.

Мен сизни алдашни кўрмайман раво,  
Эҳтиёж сезмайман ортиқ тиракка.  
Мен учун қачондир куйланған наво,  
Эндили наволар сиғмас юракка.

Сиздай содиқ дүстни алдамайман, йүқ,  
Ишонинг, бу йўллар тушмас бир изга.  
Кўксимга қачондир текканди бир ўқ,  
Ярадор қалб билан бормайман Сизга.

11 апрель, 1976 иил. Москва.

## КЕЧАГИ КУН

Тинчлан, қўнгил, бўлма дилхун,  
Ором топмадинг сира.  
Майли, гарчанд кечаги кун,  
Бугунни қиласар хира.

Бошқа эди кечаги кун,  
Сен уними йўқлайсан.  
Чақирганди бермадинг ун —  
Энди нечун йифлайсан?!

Кечаги кун қуёш бошқа,  
Бошқа эди тун, майса.  
Бугун бошинг уриб тошга,  
Самар топмай излайсан.

Бу тунги ой ортиқ маъюс,  
Кундуз қуёш ортиқ шўх.  
Гуллари ҳам бошқароқ тус —  
Кечагидай тортмас, йўқ.

Ўтган ўтди, дил таскин топ,  
Бўлса ҳамки худди туш.  
Кечаги чекилган азоб,  
Бугунги қувончдан хуш.

Дил, бугунги боғларга қўн,  
Бўлолсанг бўл, асира.

Гарчанд, дилда кечаги қун —  
Бутунни қылар хира.

11 март, 1976 йил. Москва.

\* \* \*

Оппоқ қор, оппоқ қор олиб жон  
Күзимни тиндирап тобора.  
Мен бу дам қандайин ҳукмрон —  
Мен бу дам қанчалар бечора.

Мен Сени күрятман, қор-гулим,  
Сен хурсанд, мен абгор, зору зор.  
Топ мени, тезроқ топ, севгилим,  
Топмасанг ўлдирап оппоқ қор.

23 октябрь, 1976 йил.

\* \* \*

Ишонинг, кўзимни то тупроқ босиб —  
Қолгунча Сизники бўлмайман десам.  
Аммо Сиз ҳеч кимга қилмсайсиз насиб,  
Ҳеч кимга бермайман, ичганман қасам.

Сиз менинг бошимда бўлмайсиз паноҳ,  
Исина олмайсиз дилим ўтидан.  
Бошқа аёл деб ҳам чеколмайсиз «оҳ»,  
Йўлга тушолмайсиз ўзга кетидан.

Оёқларингизда занжир борлиги —  
Бир менга, бир Сизга аён ҳақиқат.  
Мен тунда кимдир деб куйиб борлиғим —  
Тонгда ўзи келса этганимдай рад.

Худди мен дунёда доим кимдир кам —  
Беалоф ҳижрондан юрсам-да безиб.  
Кимдир чорлаганда босолмай қадам.  
Занжирбанд эканим қолгандай сезиб...

11 апрель, 1976 йил. Москва.

\* \* \*

Чиллада иссиқ қор қаердан пайдо —  
Бул қадар илиқлик, топ-тоза хусн.  
Мен тиниқ хаёллар чарх урган жойда  
Йўқотиб қўяман дунёниг тусин.

Кўкарап кўксимда, баргин тўккан боғ,  
Ўтолмас дарёда кўраман кечик.  
Ўзини йўқотиб топмоқ, чарх урмоқ  
Кўклам жилғасининг иши, ҳар нечук.

Ишқ, армон гул очиб, сўлса жонимда —  
Йиллар олиб кетса беркитиб, ўраб.  
Жилға дардин берманг қаҳратонимда,  
Умримниг сўнггида келмангиз сўраб.

10 апрель, 1976 йил. Москва.

\* \* \*

Қайларгадир ёзган эдим исмингни сенинг,  
Қаерларга... кейин узоқ ўзим қидирдим.  
Кўп тингладим жилғаларниг шўх қулгусини,  
Энди куртак очаётган боғларга кирдим.

«Сор бургут-ей, шиддатингга шиддат улансин —  
Сенга ёзганмидим», десам дилимни доғлаб.  
У дер: «Йўқ, йўқ, эслолмайман, унинг номин сен,  
Қанотимга ёзганинг йўқ», — кетар узоқлаб.

Толмабўйин оқ қушларни тутаман сўзга:  
«Балки сизга ёзганман мен», — аҳволим кўриб,  
Оққушлар дер: «Эслаб кўргин, ёзмадинг бизга —  
Қайга ёзсанг ёзгансан сен паришон туриб».

Дарёларга савол ташлаб худдики қармоқ,  
Ойлаб кутиб жавоб олмай топмадим изин.  
Ерга айтсам ер айтдики: «Тишлама бармоқ —  
Ўчмас қилиб ёзгандингми номини ўзи?!»

Шунда-шунда сергак тортиб мен бўлдим тамом —  
Ёғаётган суст қорларга ёзгандим сени.

Тўкилгудай чайқалганда кўнглимдаги жом,  
Кўнглимдаги озорларга ёзгандим сени.

Ёзиб кетдим, йўл-йўлакай нигоҳим тушиб,  
Ёт дилларнинг тасодифий ёр-ёрларига.

Бир бепарво шўхлик билан ёздим қизишиб,  
Бу дунёнинг ур-сур, гавжум бозорларига.

Энди, энди бари абас, берсам ҳамки тан —  
Баъзан кўнгил тағин сени йўқласа бўзлаб,  
Қори эриб кетган ердан излаб қоламан —  
Тарқаб кетган бозорлардан қоламан излаб...

Қайларгадир ёзган эдим исмингни сенинг

*1 апрель, 1976 йил. Москва*

\* \* \*

Биринчи гал у тошқини «келгин, кела қол»,  
Мен «йўқ», — дедим, йўқ-йўқ, — дедим қилиб  
унга ноз,

Иккинчи гал, у хўрсиниб «кел», — деди беҳол,  
Мен «йўқ!», — дедим, мен яна «йўқ», — деб  
бердим овоз.

Учинчи гал, кутаяпман, чорламас, не ҳол —  
Бутунмикин ишқилиб ул, ё синдими соз?!

*24 апрель, 1976 йил. Москва.*

\* \* \*

Алвидо денг, алвидолар айтинг сўнгги бор,  
Кўзингизни юмиб, кейин мендан буринг юз.  
Тоқатим тоқ, боғингиздан учаяпман, ёр,  
Қарғамангиз, боғингизга келар бўлди куз.

Мен билмайман, тушган йўлим хатоми, хайрли,  
Ростин ёзай тун зулмати ўраб келган чоқ.  
Гарчанд тушмаган бўлсам ҳам бир лаҳза айро,  
Бир лаҳза ҳам яшамадим сиз билан бироқ.

Сабаб бўлдим бағрингизга қўнгган доғларга,  
Бекор бўлди менга кўнгил қўйғанларингиз,  
Бофингизда мени кўриб, ўзга боғларга,  
Битта-битта учиб кетди суйғанларингиз.

Ўша пайтлар бу ҳол менга туюлганди шон,  
Сароб экан, тутар-тутмай излаб қолдим мен,  
Бу сатрлар қуиларкан, бошга урап қон,  
Сиздан совий-совий бугун музлаб қолдим мен.

Алвидо, ёр, тўкилмоқда тоқат деган жом,  
Кетмоқ ишқи куйдирмоқда ўт бўлиб мани,  
Алвидо, ёр, кўксингиздан ўчиринг тамом,  
Бофингизга янглиш қўниб, учган қушчани.

16 май, 1976 йил. Москва.

## НОЗИК ГУЛГА АЙТГАНЛАРИМ

Сен бир гулсан, нозик гулим, ўсиб боряпсан  
бўй-бўй,  
Ол қуёшнинг нурларига рўпарадир дудоғинг.  
Шамоллар чанг пуркадими, сен эътибор берма,  
кўй,  
Ёмғир суви ювиб кетар хираланса япроғинг.  
Аёвсиз ўқ отар сенга суқли нигоҳ бариси —  
Гўзал нарса тортар кўзни, қўрқма сенга кирмас сук.  
«Сен ўзингсан бу боғларнинг сўлиш билмас париси»,  
Дейман-да, мен сўлмасликка бўлса ҳам ишонч  
йўқ.  
Ким тиниқлик, ким мастиликнинг кайфи билан  
кўз сузар,

Фарқ эт, дудоғингни тутма бола күнглинг шод  
айлаб.

Ким әркини билиб-бilmай нопок құлга тутқизар,  
Тобе бўлиб ўтиб кетар бу тузоқда дод айлаб.

Бари мени ардоқлар деб ўйлайсанми, оппоғим,  
Майли шундай ўйлаб яша, думбулгинам, бир  
фасл.

Шундай хаёл қилардим мен кечаги кун,  
ёш чофим,  
Кейин тўфон қўзғолди гоҳ атроғимда муттасил.  
Сен ҳам шундай, болажоним, гоҳ қуёш ҳам  
алдоқчи

Барча ғунчанг очиб кузда қолма шийдам,  
яланғоч,  
Эртанги кун изгириналар сенга турганда соқчи,  
Бирданига тўкилмасдан қайта-қайта ғунча оч.  
Имкон қадар узоқ яша, имкон қадар чайир бўл,  
Қуёш ўти, қор музига бўй бермагил, думбулим.  
Бу ҳаётнинг қувончлари, ҳасратлари гарчанд  
мўл,

Барчасининг қуршовида порлаб турғил, жон  
гулим,  
Лабинг буриб пичирлайсан, «Нима ҳожати  
бор-ди,  
Шамол пурккан қуюқ чангдан хира тортиб  
қолдим мен».  
Ҳозир ёмғир ювади бу бевақт қўнган губорни,  
Яна тоза чиройингни ошиқлари бўлур минг.  
Сен бир гулсан, нозик гулим, ўсиб боряпсан  
бўй-бўй...

13 ноябрь, 1976 йил.



## ҚАШҚАДАРЁДА

*Ойимхол Түйчиевага.*

Мен сўзни нимадан бошласам экан,  
Шеъримдан қониқмай юзим ол бугун.  
Ким у, сизни аёл — заиф ҳалқ деган,  
Шиддатингиз кўриб тилим лол бугун.  
Гоҳ ошкор, гоҳ очиш мушкул фолсиз Сиз,  
Ойбарчин келбатли Ойимхолсиз Сиз.  
Ўйларимга бугун гуллар илашар  
Кезиб Ойимхолдай тўйбоши билан.  
Қашқадарё унинг кўзида яшар  
Шамол, жазирама қуёши билан.  
Балки кўйкўз бўлган бу кўзлар қийғоч,  
Қашқар офтобининг ўтида куйгач.  
Одамзод тан олиб ҳалол, мардини  
Гўдагини «отам», дейди кўрса эп.  
Дўстига уқтираср чол: «Бор дардингни  
Она қизим — раис бобога айт», — деб.  
Азал-абад сўлмай кетсин бу чечак,  
Оналарга она бўлган келинчак.  
Ҳар қандай тугун ҳам омад келса ҳеч,  
Омад бугун келсин бугунги созга.  
Кеча пахта терган қадоқ кўл бу кеч  
Халқнинг истиқболин чизар қофозга.  
Қулаганни тиклаб сиз бошлаган иш,  
Тириклик уйига қўйилган бир фишт.  
Сиз урган деворлар кетмагай нураб  
Даврангиз бу қадар хушсурат, фолиб.  
Зиннатой ҳам келар Ойдай ярқираб  
Ҳаммаслак дўстларин кўнглини олиб.  
Бир ёнда Момохол, бир ён Тўлғоной,  
Яна тўлган ойдан ёп-ёруғдир тун.  
Сенга эътиқодим, эй табаррук жой,  
Ойбарчин келбатли қизларинг учун.

*24 ноябрь, 1975 йил.*

## ҮҚ ҲАҚИДА ОЛТИ ШЕТЬР

### 1

Йўқ, мен соғ қалб билан куйлаганим йўқ,  
Дарди йўқ кўнгилнинг куйлаши қийин.  
Кўксимга санчилди бир кун қизил ўқ,  
Мен алвон қўшиқлар куйладим кейин.

Юролмадим доим кимнидир суйиб —  
Бу кўнгил гоҳи бут, гоҳ чил-чил синди.  
Сариқ ўқдан кўксим кетганда куйиб,  
Ҳижрон қўшиқлари майсадай унди.

Кўзларимда ўтдай ёнмоқда башар,  
Гарчанд мен — бир ўтдай сўнар ўткинчи,  
Бу ўқлардан қолган қўшиқлар яшар —  
Кўксим қаро ўқдан қолганда тинчиб.

*13 ноябрь, 1976 йил.*

### 2

Онам эгилиб нақ камон,  
Отди, айланаб ўқча —  
Учяпман билмам қай томон —  
Тунгами ё ёруқча.

Билганим «тегади шу ўқ»  
Онам ичгандир қасам.  
Унда ортиқ бошқа ўқ йўқ,  
Мен мўлжалига тегмасам.

*13 апрель, 1976 йил.*

### 3

Ошкор айтганларнинг кўкси бўлсин тоғ,  
Ошкор айтганларга менинг ҳурматим.

Чорак аср яшаб номарднинг бироқ  
Бир ошкор қилмишин кўрмадим.  
Йигит шоҳ базмга борадир кириб,  
Чарх уриб, шоҳона қўшиқлар тўқиб.  
Йўлда, отмаса гар яшириниб бири,

Йўлда ўлдирмаса номарднинг ўқи.

*13 апрель, 1976 йил.*

4

Ўзгаларга омад тилайман бу чоқ,  
Ўзгалар синчиклаб отсин ўқини.  
Овлаган қушидан кўнгли бўлиб тоғ —  
Бошларида кўрай толе туғини.

Ўзим тан оламан, юзга қон уриб,  
Букилмас дилимни букиб этиб ёй,—  
Арзимас қушларга ўқ отиб юриб,  
Умримнинг ярмини бериб қўйдим бой.

*13 ноябрь, 1976 йил. Москва.*

5

Алданган ишончdir сенга теккан ўқ,  
Ўқ — бу ўз қадрини топмаган қадр.  
Аччиқ ўқ азобин бермасми тўлиқ —  
Ёзганда юрагинг куймаган сатр.

Мен ҳам ҳорғин, ғолиб анча йўл юрдим,  
Доим ҳам куйиниб куйламади тор.  
Уч марта кўксимни синчиклаб кўрдим —  
Ярадор, ярадор, тағин ярадор...

*3 май, 1976 йил.*

Яна у кўксимга учар худди ўқ,  
 Яна у мен учун далли-девона.  
 Унинг санчилмоғи учун бўш жой йўқ,  
 Буни унга Сен айт, ҳаёт, эй Она!

Мен шеърга айтаман кўксимдаги сир,  
 Сонсиз яралардан сачраганда қон.  
 Кўксимга қанча ўқ сингиб кетгандир,  
 Кўксимда қанча ўқ бўлгандир қурбон.

*3 май, 1976 йил. Москва.*

### КЕКСА ДАРАХТНИНГ ДЕГАНЛАРИ...

Кўклиётган янги ниҳол — дийдамга чироф,  
 Ёмғир бўлиб гардларингни ўзим ювайин.  
 Мурғак қаддинг тикларкансан кексайганим чоғ —  
 Ҳали кўлда экан менинг тириклик найим.  
 Сени ўпай, юрагимнинг туб-тубида оҳ,  
 Сендай юлдуз билан ўртоқ, шўх эдим кеча.  
 Сен сезмайсан гўдаккинам, қуонларда гоҳ  
 Титрайман мен бугун шоҳдан илдизимгача.  
 Бу — қонуний. Сен ўз туйфу, шавқинг билан  
 банд,  
 Сендай яйраб неча кўклам, ёзни кутдим мен.  
 Бу қуёшли, ойли ерда гоҳ армон билан,  
 Гоҳ беармон бир умрни яшаб ўтдим мен.  
 Мен ҳақимда мендан ёшроқ дараҳтлар балки —  
 Бир кун сенинг қулогингга шундай шивирлар:  
 «У ой, қуёш билан иноқ яшади балқиб,  
 Новда, япроғида доим ўйнади нурлар».  
 Истайманки Сенга етсин фақат шу хабар —  
 Эслаганда ҳавас билан тортиб қўйгин оҳ.  
 Билмасанг ҳам менга ошиқ қанча юлдузлар —  
 Ойдан тап тортмай тикилиб, қилганин гуноҳ,  
 Қандай эркин, қудрат билан ёйганман мен шоҳ,

Қийғос, ёниб гуллаганман қайта-қайтадир.  
Агар тез нураб кетмаса айтар кекса тоғ —  
Гар алаҳсіб, унұтмаса офтоб айтади.  
Капалагим, күтгәнларинг келур бўлиб жам,  
Орзуларинг бажо бўлур шундай ишон, уқ.  
Гарчанд бу дунёning, ўзи доим бири кам —  
Гарчанд дунёда бир зори бедоф ўзи йўқ.  
Бола, шундай эътиқодсиз яшаб бўлмайди,  
Ботишини унут, қуёш чиқишига боқ.  
У сен билан яшар янги алёрлар айтиб,  
Кўклиётган янги ниҳол, дийдамга чиро!

25 апрель, 1976 йил. Москва

\* \* \*

Эй, курашаётган йигит,  
Кўзларингни мендан ол.  
Юрагингда гурласин ўт,  
Гурлаб сийласин иқбол.

Ақлсизлик қиласар юрак,  
Хаёлингни бўлмагин.  
Рақиб қиласин чирпирак.  
Тирик туриб ўлмагин.

Сен алп бобом бир туёғи —  
Алпим руҳи майдонда.  
Елканг ерга теккан чоги  
Киёматдир жаҳонда.

Сени кўргунча мағлуб, хор,  
Кўр қилгум мен кўзимни.  
Ясад чилвир сочимдан дор  
Осиб кўйгум ўзимни.

Бошқа гапни ортиқча бил,  
Бўш келмагин, жон тўрам.

Фолиб бўлсанг дилим-ку дил,  
Келсанг, бергум, жон сўраб...

2 май, 1974 йил.

\* \* \*

*Планета, тўхта мен сендан,  
Тушгим келаяпти...*

*Гамлет КАРЧИКЯН*

Хаёлларим пардай тўзғир, бу узун тунда,  
Бошим узра савол бўлиб эгилади ой.  
Минг, миллион одам сиққан қадим заминда,  
Нега инсон бир ўзига гоҳо топмас жой.

Яхши-ёмон яшар ахир, яшар тоғу тош,  
Яшарлар-ку гоҳ эътироф, эътиroz этмай.  
Нега олиб кетмоқ истар биргина у бош —  
Қай бекатда тушмоқ истар манзилга етмай.

Ким моҳирлик билан чалса бу дунё найин,  
Ким дунёни жуда эрта ололса таниб,  
Бу дунёнинг кенглигини англаган сайин  
Англарми ё бу кенгликка сифмаётганин.

Одамлар бор кенгми, торми кетар жойлашиб,  
Суқилишиб кимларнингдир хақли жойига.  
Кейин дунё дарёлари кетмасми тошиб,  
Ухлар улар сув теккизмай ҳатто пойига.

Бунда улар кирадилар турфа шаклга:  
Чўзилишиб арқон бўлар, юмаланиб — тўп.  
Баъзан унинг инсонлиги сифмас ақлга,  
Хуллас калом, пасткашликтининг нусхалари қўп.

Майли, булар ўз йўлига, хаёллар суриб  
Улуғлайман мен кенгликка сифмаган жонни.

Ўз кичкина қалби билан беором юриб,  
Балки оромга элтар ул катта жаҳонни.

Аммо кўллар ҳосил бўлар томчи-томчилаб,  
Айнан кўлни кўрмагунча гоҳ бетоқат биз.  
Баъзан доно беҳол юрса, ақлин қамчилаб,  
Уни далли-девонага айлантирамиз.

Ота дунё, бу ўйларни ўзинг ҳал қил, еч,  
Болаларинг эҳтиёт қил, ҳар чўпдан, хасдан.  
Лоқайд бўлмай шаршаранинг тоза сувин ич,  
Билиб-бilmай кимdir уни лойқалатмасдан.

Сенда тирик яшамоқнинг шавқ, ҳасрати мўл,  
У яшар гоҳ яйраб, гоҳо титраб, увишиб.  
Сен бир поезд, огоҳ бўлки сендан силтаб кўл,  
Манзилига етмай кимdir кетмасин тушиб...

Менга ҳам ёқмас отага ақл ўргатса қиз —  
Ўгит эмас — орзу булар, кўнглинигга етсин.  
Токи бирорта фарзандинг йўқолмай беиз —  
Ҳеч бўлмаса, бир дарахting кўкартиб кетсин.

Хаёлларим пардай тўзғир, бу узун тунда...

*28 марта, 1976 год. Москва.*

## ЯНГИ УНГАН МАЙСА...

Янги униб чиққан майсани кўриб  
Юрагимга янги туғёнлар кирди.  
Бошида қолдим мен хаёллар суриб,  
Бошида бошимда минг ўй чарх урди.

Янги унган майса!  
Турадим туйиб!  
Дилимнинг қувончу титроқларини.

Чақалоқ онаси янглиғ мен сүйиб —  
Үпдим унинг мурғак япроқларини.

Унга ҳам қувонч, ғам дўллари ёғур —  
Дуч этиб юксаклик, гоҳо пастлиқка.  
Гоҳо танимай ҳам очарлар бағр —  
Гоҳ таниб, оларлар танимасликка.

Бизлар танимоқни истамасак гар,  
Шуъла эмас, доғлар кўрамиз ойда.  
Кўнглимизда ётган сўқир сезгилар  
Фарқ эта билмайди гавҳарни лойдан.

Ўз майда ташвишлар билан доим банд —  
Илғай олмайсиз гоҳ чақнаган нурни.  
Бир пайт эски, лоқайд нигоҳлар билан,  
Йўқотиб қўямыз янги сурурни.

Дарвоқе бу майса, ҳа, янги майса —  
Қуёш, уни ўзинг ардоғингга ол.  
Дейман бу гўдакнинг умри узайсин —  
Гуркираб ўссин у, билмайин завол.

Эй Сиз, чақноқ кўзлар тортмангиз хира,  
У сўзлар янги бир дунё эртагин.  
Таний олинг қандай тоза, бокира —  
Бу таниш — кўқлатсин майсани тағин.

Бир зум суронларин тиндиристин-да жим,  
«Хуш келдинг», деб унга эгилсин олам.  
Энди тетапоя бўлган гўдагим,  
Янги унган майса, болажон, салом!

7 март, 1976 йил. Москва



## **КИЙИКЛАР**

Биз бир тоғнинг кийиклари,  
Қаттиқликда тошлармиз.  
Чопаркан қоялар сари,  
Енгил уча бошлармиз.

Биз бир тоғнинг кийиклари  
Тоғ гулидай ёввойи.  
Кўп гўзалдир уфқдан нари,  
Оқ чўққилар гаройиб.

Биз бир тоғнинг кийиклари,  
Бири қувган бирини.  
Нондай суйиб ўпгай бари,  
Оёқ қўйган ерини.

Биз бир тоғнинг кийиклари  
Қолмайлик, деб ҷоҳида —  
Кетиб сайёҳлардан нари,  
Беркинурмиз гоҳида.

Биз бир тоғнинг кийиклари,  
Тоғда бизнинг ризқу рўз.  
Учсак дилдан ҳасрат арир —  
Майли қуёш, майли муз.

Биз бир тоғнинг кийиклари,  
Тошларда шавқ-оҳимиз.  
Фам йўқ, туёқ қорни ёриб,  
Нурда ёнса шохимиз.

*24 декабрь, 1975 йил.*



## ЕЛКАН

Уммон сари елкан кетди,  
Аммо ортга қайтмади.  
Қуий унинг қайда битди,  
Ҳеч ким келиб айтмади.

Айтмадилар ўтди кун, ой,  
Йўқ елканинг дараги.  
Қайга фойиб шиддат, чирой,  
Елкан — мардлар юраги.

Бир мақсад, деб тун-кун юриб  
Улар азоб чеккандир.  
Аро йўлда бўрон туриб,  
Балки сувга чўккандир.

Балки йўлда адашгандир  
Тўфонларда саргардон.  
Қарғамаса маъзъум тақдир,  
Балки қайтар бирор он.

Қайтмаса ҳам эзмас армон,  
Янграп юрак нидоси,  
Бир мақсадга фидойи жон,  
У бир мақсад фидоси.

2 марта, 1974 йил.

\* \* \*

Оқил оға<sup>1</sup> ақлингизга,  
Бунча ҳам тан бермадим.  
Сиз курашни қиляпсиз-ку,  
Кўнглингизнинг эрмаги.

Нечун тенгни тенги билан,  
Туширмайсиз майдонга.

<sup>1</sup> Оға — полвонларни курашга туширувчи.

Кимни сийлаб пасту баланд,  
Кимни қўйиб армонга.

Мурти энди сабза урган,  
Жовдираган шу полвон,  
Тенгми наъра тортиб турган  
Шу давангир, девсимон —

Паҳлавонга, чиқарган от,  
Лек билмас ор, номус не?  
Болакайни йиқитиб шод,  
«Рақибимни енгдим», деб.

Бугун яшнар, эрта сўлиб,  
Бу хил полвон юзтубан.  
Турмасангиз холис бўлиб.  
Майдон аро — Сиз тубан.

*2 май, 1974 йил.*

## ОЛДИНГИЛАР

Гўдак илк бор ташлади одим,  
Узоқ умр, йўл тилаб унга,  
Боқарканман мен сабоқ олдим,  
Гувраниши «Олдга, олдинга».

Жангчиларга ўнғай келди тун  
Ярим кеча. Отишма тинган.  
Тепаликни забт этмоқ учун  
Ташландилар олдга, олдинга.

Орқа тупроқ қавми, хел-хушти,  
Ҳар қаричи тенгдир олтинга.  
Ва капитан юз тубан тушди —  
Кўксин тутиб олдга, олдинга.

Чавандозлар чопар, суриб от,  
Парво құлмай боттувчи кунга.  
Чавандоздай от сурар ҳаёт,  
Қийқириғи «олдга, олдинга».

Отлик, яёв чалиб умр найин,  
Мен ҳам олдга қараб учаман.  
Толе құллаб бир кун баҳт майин,  
Олдингилар билан ичаман.

*18 август, 1974 йил.*



# “ХССДК ҚӨР”

қитобидан

(1979)

---



*Сабру тоқат битса танда,  
Толдириб гоҳ қайғу, шон,  
Мен гүдакка айланганда,  
Оталик қыл болажон.*





## БИР ДҮСТ ХОТИРАСИГА

### 1

Күзимга күринар тошлоқ йўл, узун,  
Сен йўлда бош яланг келяпсан, шошиб.  
Сен эса, оҳ сен-эй, кечиргил ўзинг,  
Ўзинг кетмадингми ерга тулашиб?

Қалин файир сочни шамол ўйнайди,  
Чарос кўз нуридан тарқалар туман.  
Сен ўзинг қайларга кетдинг, сен дайдим,  
Кечда қайтасанми аввалгисимон?

Бу кеч шафақ ранги сенсиз бўлар ол,  
Сенсиз ботар бу кеч олам қуёши.  
Эллик ёшли чолдай уканг қадди дол,  
Қабрингга томчилар чарос кўз ёши.

Менам юрагим қон, кўтармасдан бош,  
Янги қабр ёнида йигларканман жим,  
Қай туманда қолиб йигирма беш ёш,  
Қаддим камон бўлиб элликка кирдим?!

Йўқ, бу бари рўё, яна тошлоқ йўл...  
Ўзингмасми ахир, йўл бошидаги?  
Муаллақ қоляпти мен узатсам қўл,  
Чақираман, аммо жавоб йўқ тафин.

Кўзимга кўринар тошлоқ йўл, узун...

19 январь, 1972 йил.

\* \* \*

Энди юмуқ күзларинг сенинг,  
У күзлардан қочмайман энди.  
Бу кун мағур иродам синиб,  
Бағрим менинг тупроққа тенгдир.

Армон бўлдим тириклигингда,  
Аччиқ дудга тўлмоқда кўксим.  
Бир умрлик тириклигингга  
Мени ноҳақ ишонтириди ким.

Бахт ошёнин сенга деб қуриб,  
Доим интиқ кутар деди ким?  
Умринг қадар ортингдан юриб,  
Фидо бўлиб ўтар деди ким?

Йиғлаб ёзмоқ менгами ҳавас,  
Эрка фуур бўлгач поймол, пуч.  
Ёки қўлмишимга қасдма-қасд,  
Ўлиб олмоқ бўлдингми сен ўч?

Номард, қайга учдинг сен қушдай,  
Ишқ гул очмай қолдими сўлиб.  
Висол базмин қурамиз тушда,  
Ўнгдагидан иноқроқ бўлиб.

Кимга тегди ўлим отган ўқ,  
Гул ҳолича дув тўқилди ким?  
Энди сенинг күзларинг юмуқ,  
Оламда йўқ менинг интиғим.

20 январь, 1972 йил.



## ЎЗБЕКИСТОН

Сулув Сибирь қайинлари кўк япроғу оқбадан,  
Тобольсқда мушоира, шоирлар созлайди соз.  
Бу гўшангга бир қушчадай мен ҳам учганман, Ватан,  
Кўрдим бунда дўстликни мен қандай қилурлар эъзоз.

Навбат бериб дедиларки «Ўзбекистон сўзлайди»,  
Сўзла юртим, мени Сенинг тимсолинг дедиларми?  
Онам, сенинг «юзинг»ни деб, улар мени «сиз»лайди.  
Йўқса бу фўр шоирингни туш кўриб эдиларми?!

Ҳали отам туғилмасдан машхур эдинг Ватаним,  
Зукко боболарим қўли сени зарга ўради.  
Дунё сени Улуғбекнинг юрти деб аввал таниб  
Сўнгра сендан сўз очсалар Навоийни сўради.

Фурқатингни фифонидан Ёркентни тутди тўзон,  
Гангни қирғоғида Бобур сени ёдлаб оҳ чекди.  
Улар ғазал битдилару юраги бўлиб сўzon  
Софинчларин уруғ мисол ўзга тупроққа экди.

Софинч куйин тинглади-ю сергак дунё қулоғи,  
Сени эсга олди Ватан, олиб қасос, ўчини  
Яна эсга олди шундай Тўйчибек ўлган чоғи  
Кўксин тутиб, ажал сочган тўп овозин ўчириб.

Наъматакка айланди-ю устоз Ойбек ижоди  
Қояларда гулга кириб ол қуёшга қўл чўзди,  
Устоз Ҳамид кўзларини ғойибдан тиклар ёдим,  
Кўзки, нури «авлодга» деб қуёш ёқقا йўл чизди.

Шайхзода баёзида қомат тикладинг бўй-бўй,  
Faфур Фулом наърасида юксаклигингни кўрдим,  
Айтаберсам... ортиқ сўзга ҳожат борми, энди қўй,  
Улар бари кенг дунёга сени эслатди юртим.

Бир вақлар ҳам деганлар-ку, «Ўзбекистон сўзлайди!»  
Шунда сўзга чиққан улар, менга бобокалонлар.  
Ўша пайтлар бу минбардан тушган экан сўз айтиб,  
Ҳали-ҳануз бу сўзларни такрорлайди замонлар.

Мен нима ҳам дей олардим. Бундай пайтларда тиниб,  
Сўз айтмоқча шошмай ўйга ўйларимни улайман.  
Бир-бир босиб минбар сари борарканман қимтиниб,  
Боболарим шиддатидан бир чалимин тилайман.

Боболарим сўзи Сени юксалтибди қуёшга,  
Тўфонлардан қўнгандар гардни рухсорингдан сидириб,  
Мен ҳам шундай ўтажакман Сени кўтариб бошга,  
Шаънингга лойиқ бир сўзни умрим бўйи қидириб.

Ўзбекистон, бошгинангдан қуёш абад нур тўкиб,  
Дориломон кунда яша, бор экансан токи Сан,  
Тонготарда тупроғингга эгиламан тиз букиб,  
Сен қуёшга қўли етган боболарим хокисан.

8 август, 1973 йил.

\* \* \*

Бирин-кетин уч киши йўлда кетиб борамиз,  
Олддаги дўст ортидан тойиб, туриб келяпман.  
Бир-биirimizга аранг кўринмоқда қорамиз,  
Кўзга тўфон урилар, зўрға юриб келяпман.

Олддаги дўст, боқиб қўй, ора-сира орtingга,  
Мехру мурувватингни дариф тутма ҳабибим.  
Ажабмас бир кун келиб, даво бўлсам дардингга  
Ажаб эмас қай бир кун бўлсанг менинг табибим.

Менинг қорамни олиб келаётган ортдаги,  
Етмоқ бўлса ниятинг, одимни тезроқ отгин.  
Толиқанга ўхшайман, мизғиб қолсам мен тағин  
Пилдираб ўтиб кетмай овоз бериб уйғотгин.

Олдиндаги дўст, чорла, чорлаш — дилга далда, ўт.  
Имилламай ортдаги дўстим, менинг қўлим тут.

4 январь, 1974 йил.

\* \* \*

Сочимнинг бир тола қораси қолмай,  
Дилимдан армонлар кетган чоғларда,  
Шўхчан шамол билан қувлаша олмай,  
Тизимдан дармонлар кетган чоғларда,

Бир дараҳт мисоли япроқ тўксам мен,  
Елларнинг ортидан бўлсам жон ҳалак,  
Юксала-юксала бир кун чўксам мен,  
Битиб, қўлдан чиқса мен тиккан палак.

Толиққан қўлимдан игна тушганда,  
Умримнинг палагин тикмасам қайтиб,  
Оқ олма қиёсли мен фарқ пишганда,  
Тезоб келганида узилмоқ пайтим,

Қайтадан гўдакка айланиб қолиб,  
Онамга зор бўлиб чўмсан қайфуга,  
Юртим, ўзинг иссиқ бафингта олиб,  
Аллалаб, йўллагил мангу уйкуга.

16 июль, 1974 йил.

## УЛУГБЕКНИ КУЗАТИБ

Бўрон тураётиби, ташқарида дўл-бўрон,  
Ёлларин хурпайтириб чопар бўрон отлари.  
Болакайим, сен кўрқма, сен ҳовучламагин жон —  
Сен қофоз капитарингни ясайвергин шодланиб.

Мунчоқ қора кўзингта нечук тўлаётир мунг,  
Тишда бўрон отлари ер-кўкни дупурлатар.  
Аммо билки, болажон, ҳамма вақт бўрондан сўнг,  
Сен ўйнаган далалар қуёш нурига ботар.

Бу отларнинг уюри ўтар бир-бирин қувиб,  
Қалдирғочим вижирлаб ўз куйингни куйлагин.  
Деразаларни қоёш тағин нур билан ювиб,  
Сенинг оппоқ камтаринг қўкка учади тағин.

Биз кўрмаган бўлсак ҳам чинакам бўронларни  
Бу соchlари оқ дунё уни кузатган қанча.  
Гоҳ бевақт жала, бўрон ювса ҳам шавқ, шонларни,  
У чин шон бўлса агар қолар ярқираганча.

Ерни нафақат жала, қонлар ювган қай маҳал,  
Қачон қизил гул, қачон қор кўмган йўлларимиз  
Аммо ер доим бўлган кўкариш учун маҳтал,  
Кўкартиromoқ маҳтал бўлгандир қўлларимиз.

Дон сочиб ўрганган ҳар икки ишchan қўлга шон —  
Минглаб икки ишchan қўл дунё камин бутлади.  
Мен деб «умринг узайсин», деб, деб «Омон бўл, омон»  
Икки меҳнаткаш қўлни жоним билан қутладим.

Кўкартиromoқ туйфуси ҳамиша келган ғолиб,  
Табиату жамият бўронларин қилган даф,  
Ер шаридай юмалоқ бошиングни қуи солиб —  
Менинг кичкинам, тағин нимани қолдинг ўйлаб?

Тушунарсан бир куни улғайиб бу гапларни,  
Капалакдай уч бугун шодмон қўшиқ тўки-да,  
Унда забардаст қўлинг учирар оқ каптарни  
Тинчлик элчиси қилиб сайёрамиз қўкида.

Сира маъюс тортмагил, менинг кўм-кўк палагим,  
Ана қарагин, бўрон тинаётир дам сайин.  
Каптарингни ясайвер менинг жони ҳалагим,  
Ишга ўрганаётган жажжи қўлинг ўпайин.  
Бўрон тинаётибди...

10 октябрь, 1974 йил.

## АФСОНА

Сочим менинг қаро-қаро —  
Қоп-қародир кипригим.  
Солинибдир дарё аро  
Мұхаббатнинг күприги.

Бу күпrikни ким қурган-ей,  
Синар, синар қўрқаман.  
Сувлар мунча юрган-ей,  
Кўзим тинар, қўрқаман.

Бахтим менинг қирғоқдамиш  
Ўтмоқ қийин — қаҳатдай.  
Учай десам дил худди қуш —  
Учмай десам лаҳатдай.

Бир нафасга, бир нафасга  
Балиқ бўлсам нетарди?  
Кўринмай ҳеч хору хасга  
Сув остидан кетардим.

Ўзинг қўлла, иложим йўқ,...  
Кўпrikка қўяр оёқ.  
Солланару қулар кўпrik —  
Киз ярмига етган чоқ.

Соч ва рўмол, бир нафасга...  
Сўнг ҳаммаси гум бўлур.  
Кўринмай ҳеч хору хасга,  
Киз балиқقا ем бўлур.

18 декабрь, 1974 йил.

\* \* \*

Қор — оқ ипак, чувалади,  
Қордай бу тонг ўйларим.  
Ким, у маъюс, шўх чалади,

Қишининг тиник куйларин,  
Юрагимни титратар ул,  
Ёдимга сен келасан,  
Қўлимга баргмас ё гул,  
Қор бўлиб тўкиласан.  
Оқарар замин, Хилқат,  
Сезмасман ернинг кўркин,  
Сендан келмай хабар, хат,  
Қор эриб кетар бир кун...

12 декабрь, 1974 йил .

\* \* \*

Албат етажакман порлоқ кунга мен  
Етарман манглайи ярқироқ баҳтга.  
Шу сўзларни ёздим қаро тунга мен —  
Шу сўзни ёздим ҳар ўткинчи вақтга.

Палагимга қўшиб тикаётгандим —  
Тасодифми, ҳа-ҳа, баҳтсиз тасодиф.  
Бузилди тикканим — нусха, гул банди  
Ҳамда етмай қолди ўша рангли ил.

Қайсики мавжланган тўлқинга ёздим,  
Бул тўлқинни сурди ортидагиси.  
Қай майсага муҳрдай бу сўзни босдим —  
У сўлиб бошқаси чайқалди ўсиб.

Ёзсан сафо билан бир зум олмай тин  
Боғнинг кўм-кўк, бўй-бўй ниҳолларига,  
Фасл айланмай улар тўқдилар баргин —  
Дош беролмай кузак шамолларига

Асов от ёлига ёзмоқ кўп қийин —  
Минг бир азоб билан ёзсан бехато.  
Отимнинг оёғи оқсади кейин,  
Кейин кўрмай қолди кўзлари ҳатто.

Бу ҳам тасодифми ўртанса-да тан —  
Аччиқ-аччиқ кулдим. «Тасодиф бари!»  
Бекорга дилимни қон қилмаяпман —  
Қизғиш рангда учар ҳали қүйларим.

Мен темир бўлсам ҳам бу йўқотишлар —  
Бўғин-бўғинимда қолдирмасди жон.  
Аммо қўклам, тағин қайтмоқда қушлар —  
Менинг қўлимга ҳам инмоқда дармон.

Темирдан-да қаттиқ бўлиб яшайман —  
Ўт, журъатим ғолиб келяпти яна.  
Мана тағин, тағин ёзмоққа шайман,  
Бу қалам бир куни қиласар тантана.

Ёзарман, ёзарман келгунча сўнг он,  
Хоинлик қилмасдан ўз қасам — аҳдга.  
Ўжар журъат бир кун келтиргайдир шон —  
Етарман манглайи ярқироқ баҳтга.

*16 февраль, 1975 йил.*

## БОЛАЖОН, СЕН ОТАМ БЎЛГИН

*Улугбекка.*

Болажон, сен отам бўлгин,  
Қилгин менга оталик.  
Кечирмокқа хотам бўлгин,  
Ўтса мендан хатолик.

Мен-ку Сенга онадирман,  
Онамасман тўзимга,  
Гоҳ ўзимдан тонадирман  
Гоҳ келурман ўзимга.

Йиғламадим мен тўйганча,  
Кўз ёшимни ютдим жим.

Билмам унда кулгу қанча,  
Күйиб борадир күксим.

Сен кулардинг, кулардим тенг,  
Гарчанд, гоҳ ёш ичардим.  
Сен йиғласанг кулгим менинг,  
Ўз-ўзидан ўчарди.

Шундай ўнгу тушлар билан,  
Қувонч-ғамим қатланди.  
Кетайин деб қушлар билан,  
Неча қайта отландим.

Аммо кетолмадим учиб,  
Боғлагандинг худди ип,  
Раҳмат, боғлаганинг учун,  
Сен дунёда туғилиб.

Энди ўзинг ҳал қил, тушун,  
Кечар экан ҳаётим.  
Кўнглимдаги учқур қушим  
Қоқиб қолса қанотин,

Шўх қуш бўлиб, солиб чаҳ-чаҳ,  
Чаманларга бўйлансан.  
Гоҳо бевақт уриб қаҳ-қаҳ,  
Гоҳо бевақт ўйлансан.

Бевақт сархуш, маъюс юриб,  
Вақт қўшиғин айтарман.  
Кетажакман чаппар уриб,  
Чаппар уриб қайтарман.

Сен тушунармикансан, о,  
Мен гоҳ камон, гоҳи ўқ,  
Қилганларимда илтижо,  
Берганларимда буйруқ.

Мен она бўлай деб ҳар дам,  
Умрим ўтди излаб йўл.  
Энди сенга болалик ҳам,  
Болакайим, кўп мушкул.

Сабру тоқат битса танда  
Толдириб гоҳ қайғу-шон,  
Мен гўдакка айланганда  
Оталик қил, болажон.

*12 май, 1975 йил .*

## БУРГУТ

Пастда кўклам очар эди барг,  
Пастда кезинарди сур булут.  
Пастга шўнғиб бўлди жувонмарг  
Учаётиб ўқ еди бургут.

Фарзанд эди юксакликларга,  
Не фалокат тортди уни паст.  
Мадори йўқ қалдин тикларга,  
Ўралишар энди хору хас.

Тиниқ осмон қулга айланди,  
Осмон — энди ўнгланмас бир туш.  
Хору хасга, қулга айланди  
Мовий юртда султон бўлган қуш.

Пастда дарё шовуллар тўлиб,  
Бургут ётар бежон, аянч ҳол,  
Яшай олмас султон қул бўлиб,  
Унга аза тутгин, мажнунтол.

\* \* \*

Абал сўлмас муҳаббатга фидо бўлиб ўтяпман,  
Ўнглаб бўлмас муҳаббатга фидо бўлиб ўтяпман.

Сўнг нафаси келар бир кун — не тирик жон туғилди,  
Мен ҳеч ўлмас муҳаббатга фидо бўлиб ўтяпман.

*18 август, 1975 йил.*

\* \* \*

Қуёш жуда эрта ботди, қиласи алам,  
Намозшом гулидай сўнди, тез бугунги кун.  
Қасдма-қасди тунга кириб дейман «ассалом» —  
Дўстлашаман қуёш эрта кетгани учун.

Мен қуёшга қилмайдирман гарчанд хиёнат —  
Аммо усиз яшамоққа етар бардошим.  
«Бунча эрта йўқотдим?», деб ёзар бўлсан хат  
«Қайтарми», — деб йўлларида тўкилса ёшим.

Кўз ёшимни шамолларда қуритиб олиб  
Ёзганимни йиртиб-йиртиб четга отурман.  
Қуйим билан ҳатто тунга ғулғула солиб  
Унинг тундай юрагини боғлаётирман.

Туннинг сукутини бузиб алёрлар айтиб  
Куйлатаман унинг ҳар бир ҳоргин онини,  
Қуёш мени қайта топмас келганда қайтиб  
Кўз ёш тўкар эслаб мени йўқотганини.

Мен тик, ўжар гуур ҳаққи қўтараман жом  
Ўчлик билан яшаганга тилайман барор.  
Энди қуёш-қуёш эмас, мен учун тамом  
Уни тунга алмаштиридим шу бўлди қарор.

*22 август, 1975 йил.*

## ГУНОҲ

Ким у бизни қушдай бегуноҳ деган  
Гуноҳ бизнинг бошдан оёққача то.  
Ерда инсон кўзга ёш олар экан  
Бу ҳали гуноҳдир, бу ҳали хато,

То ерда яшаркан юраги куюк,  
Хали оқланганнамас инсоннинг йўли.  
Хали елкамиздан босади бу юк,  
Хали қуёш бизга бермайди қўлин.  
То ерда яшаркан биз билан ўртоқ  
Гоҳ-гоҳ бош қўтариб макру қабоҳат,  
Ўқдан сачраган қон юзимизда доғ,  
Нон тиланган стим бизнинг жароҳат.  
Қамоқ жазосида мингу миллион  
Озодлик нурини кутаркан толиб,  
Улар қўксимида қўтарар исён —  
Тандан ором, кўздан уйқуни олиб.  
Онанинг сочига барвақт кўнса оқ,  
Боланинг кўнглига бевақт чўкса тош  
Бу — бизнинг ўзимиз сезмаган гуноҳ —  
Бу айб бизникидир мутлоқ, замондош.  
Мен ювмоқ истайман ўз гуноҳимни,  
Биз ювамиз барча гуноҳларни оқ.  
Бир кун гул қоплайдир дунё богини,  
Бир кун хазонларни унутади боғ.  
Ерда инсон кўзга олар ёш  
Хали биз ювмаган айб — бу, замондош!

6 февраль, 1976 йил.

\* \* \*

Мен қор билан хайрлашдим бугун,  
Зериктирган совуқ қор билан,  
Аммо энди юрагим нечун  
Тушаётир титроқقا бирдан.

Билардим-ку қор абадиймас,  
Билардим-ку эришин бир пайт,  
Нечун бугун деёлмайман, бас,  
Бўлолмайман не учун лоқайд,

Мен кияй-да иссиққина тўн,  
Бир жунжикиб қиш завқин сурай.

Сен учқунлаб күз-қошимга құн,  
Фарч-фурч босиб мен ўйчан юрай.

Туюлса-да маңносиз сұзим,  
Шүх жилғалар жилдираган он,  
Құмсайман мен қызыған юзим  
Қор сувида юваман қачон?  
Мана шундай құмсайман сени,  
Қордай маңюс, йироқ кетган дүст.  
Қолганида чироктар сұниб,  
Излаб-излаб топмаганда күз.

Олган ором, тинчимни маним,  
Езмаганим жавобсиз хатлар.  
Үз құл силтаб ташлаб кетганим,  
Үша сокин, ўтсиз суҳбатлар.

Бўлиб қолди бари бир тугун,  
Тушмай сенинг оқ, қор йўлига.  
Фамнокроқман ундан-да бугун,  
Тушунмайин жилға тилига.

Мен қор билан хайрлашдим бугун...

*8 март, 1976 йил.*

\* \* \*

Үт билан ўйнашиб қорда, ёмғирда  
Яшаяпман унга бергим келмай тан.  
Аммо, ўйнай-ўйнай бирдамас-бирда  
Куйиб кетмасам деб қўрқаман...

Яшаяпман... билмай қай рангда сукут —  
Бетоқат, тоқатга тўлдир жомимни.  
Ўлсам ҳам... қачондир ўлдиради ўт —  
Ҳаяжон олади жонимни...

*13 май, 1976 йил.*

\* \* \*

Икки қүш бор; қувонч, ғам қуши,  
Яшолмайман юзим ўгириб.  
Келар бир-бировин қувишиб,  
Бириң ташлаб учади бири.

Ғам қушининг ранги қоп-қора,  
Қаро тун ҳам илғаб титрайман.  
Учиб келар туманлар аро,  
Қувонч қуши, яйраб потрайман.

Мен бир овчи, ношуддан ношуд,  
Бу икки қүш ҳам баҳт, ҳам шўрим,  
Отдим, қаро қүш бўлмас нобуд,  
Оппоқ қушни тутолмас тўрим...

14 май, 1976 йил

\* \* \*

— Тугатинг бас, — дедим, Сиз қилдиниз бас,  
Ортиқ ишқ ҳақида очмадингиз гап.  
Ишонинг, у сўзлар менини эмас,  
Мен ахир, юрибман ишқимни чорлаб.

«Кетган тўлқин албат ортга қайтади»,  
Ўзимга берурман таскину тўзим  
«Ўзи келиб тағин ишқин айтади»,  
Ўзи келиб, аммо, келмайди ўзи...

Ишқ мени топганда бўлолмасман эл,  
Сўнг ўзим топмасман кўз ёшларим сел...



## МЕН ЎЗИМНИЙ ЎЗ КҮЗИМ БИЛАН КҮРМОҚ ИСТАЙМАН...

*Менсиз халқ тұлық әмас.*  
*А. ПЛАТОНОВ*

Юзининг бир ёни қора, бир ёни оппоқ —  
Дунё қувонч — ҳасратига юрагим тұлиб,  
Қачон унинг юзларыда қолмайди деб доғ,  
Яшаяпман унга гирдикапалак бўлиб.

Мен-ку қаттиқ ишонаман, бўлар шундай ҳол —  
Бутунича оқаради дунёнинг юзи.  
Энди ўн еттига кирган дуркун қиз мисол,  
Суқ киргудай тозалана дунёнинг тузи.

Мен-ку қаттиқ ишонаман,  
Аммо бу қачон  
Қандай қўллар оқлашади рухсорин унинг.  
Менинг замондошларимми шу, қийнашиб жон,  
Кечиб, кесиб бораёттан аччиқ тутунни.

Тушмаётган бўлса ҳамки бу оқлаш осон —  
Биз тугашиб ёнаяпмиз гурлаган ўтда.  
«Оқлайман», — деб қамоқларда одамлар бесон —  
«Оқлайман», — деб қанча жонлар борар тобутда.

Оқлаш учун ҳали кўп, о, бизлар учун иш —  
Ёлғиз тўпдан, пулемётдан бизни отмаслар.  
Тўплар тинган жойларда ҳам гоҳида гиш-ғиш —  
Кўз, сўз билан отиб юрар бадфеъл, бадмастлар.

Қачон бу кенг дунёмизни тўрт бурчида ҳам,  
Бирор етим қўлин чўзиб сўрамайди нон.  
Қачон мард ўғлоннинг бошин эгиб, қилиб ҳам —  
Севгилиси ташлаб кетмас, йифлатмас нолон.

Одамзодга қачон келар шундай баҳтли йил —  
Ки лугатидан ўчирап «уруш» сўзини.

Ерда қайноқ булоқ бўлар қачон барча дил —  
Қачон бевақт қурум босмас диллар кўзини.

Қачон гоҳ бир гули кулмай оҳ урмайди қиз,  
Яшар гуллар, қушлар билан иноқ, қувишиб  
Қачон айрилиқ сўзини тушумаймиз биз —  
Ва «айрилдик», деб ёзмаймиз титроққа тушиб.

Мен-ку қаттиқ ишонаман, келар шундай он,  
Аммо қачон, безовтаман, қолмаса деб кеч.  
Унга қадар тиним билмас, менда кичик жон,  
Унга қадар катта баҳт ҳам бермайди тутқич.

Мен ўз оч кўзларим билан кўрмоқ истайман,  
Ардоқламоқ истайман, балқ, кўзларимда балқ.  
Мен кетганимдан сўнг келса у кунлар оқ, шан —  
Бир кишига камаяди уни севган халқ.

Мен ўз оч кўзларим билан кўрмоқ истайман,  
Бутунича оппоқ бўлган дунё юзини...

30 май, 1976 йил.

## ЎРТАНИШ

Бегим, ранжитдингиз дилимни бекор  
Бекорга Сиз унга тошлар отдингиз.  
Ё фалак, бу шубҳа бул қадар беор  
Бунча ҳалокатли бу чуқур денгиз!

Билмайман, не учун чекасиз фифон,  
Нечун дилингизни этасиз чок-чок.  
Бу қуюн-тўфонлар толдирса бир он  
Мен шубҳа ўқидан бўлурман ҳалок.

Ё фалак, бўйнимда сезаман бир қўл  
Шубҳанинг қўли бу — занжирдир айнан.

Сиз эса менга шоҳ, шубҳа учун қул,  
Ичасиз мен эмас, у тутган майдан.

Қўрқаман, кайф қиласар оғу тўла бол —  
Баргдай титраяпман бу ғамни ёзиб.  
Гунафшадай сачраб чиқсан мен беҳол  
Наҳот шубҳа қори қолади босиб?!

Қанча рост, ёлғонга гувоҳ ер юзи —  
Ё менинг ҳам тақдир ёзилмиш ёлғон  
Гуноҳим нелигин билмасдан ўзим —  
Шубҳа чангалида берар бўлсам жон.

Исён кўтарида унда ўч, қасдим,  
Гулдурос гулдирап замин, кўк аро.  
Одам — кўриниши бошқа алвости —  
Мен синган дунё — қаро, қоп-қаро!

Йўқ, янгиш йўлларга бурманғ идрокни  
Синганларимни олиб, жўйманг эс.  
Одам — суянганим — нурамас тоғни —  
Олмангки мен қулаб кетарман шу кез.

Синганларимни беринг, бўлай шод  
Беишонч, бетирак мен сўқир, гадо.  
Йўқса сиз қолурсиз бунда солиб дод  
Қай бир тун мен куйиб бўлганда адо.

Талаб қиласман мен келиб шубҳа, кин  
Тиз чўкиб ўз ноҳақлигини айтсин.  
Одам, одам бўлсин сифинай тағин —  
Дунё — ўзин оппоқ рангига қайтсин.

Йўқ эса мен қасам ичиб айтаман —  
Ҳамон ҳақлигимдан турсангиз тониб.  
Ҳақиқат ёғудси ўчган пайтда, мен —  
Барчангиздан безиб кетурман ёниб!

Бегим, ранжитдиниз дилимни бекор...

16 июль, 1976 йил.

## СОФИНИШ

Келмоқдадир она-Ернинг сафо дами, кўк дами  
Салом Сенга тушишганим, Ўзбекистон қўклами,  
Айланайин она Ер-эй, бир бошоғинг бўлайин  
Бир бошоқ не, сен суянсанг, суянч тогинг бўлайин.  
Шилдир-шилдир шувоқларга сирғам тушиб кетгач мен,  
Сендан йироқ-йироқларга бирдан тушиб кетгач мен,  
Жигаргўшам, Сени қўмсаб, жигарларим силинди,  
Ойлаб офтоб кўрмаганда офтоб ўрни билинди.  
Боболарим бирин-кетин суяқ суриб ўтган Ер,  
Момоларим соchlарини қирқта ўриб ўтган Ер.  
Гиротларнинг изи қолган дала-даштни соғиндим,  
Менам сочим саҳар ювиб майдалашни соғиндим.  
Бу ўзимми, мен ўзим ҳам ўнгимми йўқ, туш бўлай,  
Айланайин тушишган Ер, қанот бер, оқкуш бўлай.  
Ҳеч бўлмаса енгилгина сузиб юрган оқ булут,  
Булут бўлиб кўриб келай, ҳар бир гиёҳ, ҳар бир ўт,  
Ўтдан тортиб ҳар одамни қўзларимга жойлайин,  
Менинг умрим нима ахир, шошиб оққан сойдайин.  
Токи қуриб қолгунимча югурик сой сингари  
Она-Ер-ай, мен бағрингта томчи-томчи сингайин.  
Момоларим пойин ўпган бунда бўртган ҳар чечак  
Мен ўтгач ҳам сени йўқлаб қўклам келаверажак.  
Мен ўткинчи, ўткинчига ғанимат дийдормисан,  
Қани қучоқлашайлик бир, она-Ерим, бормисан!  
Келмоқдадир она-Ернинг сафо дами, кўк дами,  
Салом Сенга тушишганим, Ўзбекистон қўклами!

14 марта, 1977 года. Москва.

\* \* \*

Кўклам эритаётир дарёдаги музларни,  
Осмон ёзиб-ўчирап чақмоқ айтган сўзларни.  
Ковул — қаврак қопламиш тағин тогу тузларни,  
Чулдирашган ирмоқлар бир-бирини «сизларми»,  
Кўклам, кўклам келибдир тағин йўқлаб бизларни.

На хуш эй, на аломат рўзи-равшан фасл бу,  
Тоқат билмаган тоқат бир шўх, бир шан фасл бу,  
Ўтган ғамлар ёнар хат, ёнар гулхан фасл бу,  
Наинки бир табиат, кўнгил кулган фасл бу,  
Кўк майсалар беркитар қишдан қолган изларни.

Қишиларин оралаб билмам қайси он севдим,  
Ишқ гулига босдим лаб, кўкламдан нишон севдим,  
«Севдим» бу — шунчаки гап, чиққудайин жон севдим  
Ул дедики «ростми шул», — мен дедим, ишон, севдим,—  
Ул дедики: «севгиси омонатдир қизларнинг».

Омонат бўлса уни омонатда осурлар,  
Хиёнатни кечикмай хиёнатда осурлар,  
«Ишқни осган нонкўр» деб тумонатда осурлар,  
Бу кўклам, бу беҳиштмас, қиёматда осурлар,  
Ерга туширманг Бегим, кўқдаги юлдузларни.

Омонатни ишқ, ҳаққа содиқ наво ўлдиргай,  
Ерни босиб юрмакка кўрмай рано, ўлдиргай,  
Зурриёдин қатлига ўзга эмас, ўзи шай,  
Одам Атога содиқ Момо Ҳаво ўлдиргай,  
Ўзи яратиб ўзи сўндиргайдир кўзларни.

Майли, шабу рўзида нур, йўл бўлсин бу олам,  
Чавандознинг кўзида дулдул бўлсин бу олам,  
Назмгўйнинг сўзида бир гул бўлсин бу олам,  
Лек ишқ омонат бўлса кул-кул бўлсин бу олам,  
Чорак аср мен наҳот омонатни изладим.

Басе, бас, кўк фаслда мундин ортиғи ортиқ,  
Ишқ омонат эмас, йўқ, ишқ ғанимат бир тортиқ,  
Ишқ гул эмас, кўкракка бешафқат санчилган тиф,  
Ё ўлдиргай, ё эса қуёшга кўтаргай тик,  
Куёш ўтими яқин, алвон буқун юзларим.

Ишқиз бўлса ҳамроҳга шавқим, додим йўқ менинг,  
Юлдузим тушгай чоҳга, давоматим йўқ менинг,  
Ерни буркарман оҳга, ҳаловатим йўқ менинг,  
Ишқдан ўзга оллоҳга тиловатим йўқ менинг,  
Шул сабабким севгини аршга қўйиб «Сиз»ладим,

Бас, бу фаровон наврўз, қүёш яқинроқ келгай,  
Осмон тошар, ер эса сабза сўлу соғ келгай,  
Кўклам булбул, зоғларин қўкраги бедоғ келгай,  
Шунчалар инондим мен, бу тонг албат оқ келгай,  
Қуёшга элтар йўлда қолгай менинг изларим.

Кўклам эритаётир дарёдаги музларни...

*16 марта, 1977 йил.*

## БОЛА, ОНАНГ ОЛИМ ЭДИ...

*Улугбекка.*

Агар кетсам, агар кетсам  
Бу дунёдан кетсам мен,  
Гуллаган чоғ, кутмаган дам  
Оlamни тарқ этсам мен

Унда мени сен қай ҳолда  
Этажаксан тасаввур?  
Мендан сенга нима қолди —  
Болажоним, эслаб кўр.

Излаб онажонинг ҳидин  
Сен уйғонсанг саҳарда,  
Ўз ўрнимда мен йўқ эдим  
Чопар эдим шаҳарга.

Вижир-вижир қўшниларга  
Деркансан мен кетган дам

«Онам менинг узоқларда,  
Олим бўлади онам».

Ўз юзингда ҳидин туйиб  
Менинг қўлим сезмайсан  
Она деса мени қўйиб —  
Сен энангни эслайсан.

Онанг бу кун олим бўлди,  
Оlam унга айтди шон,  
Аммо дилга ҳасрат тўлди,  
Ушбу дамда, болажон.

Агар ногоҳ чалса бир тош —  
Ўлим тутса солиб тўр,  
Кўзларингга тўлдириб ёш  
Қай хислатим кўринур?

Қай хислатим эслаганда  
Чидолмай дод айларсан?  
Қай хислатдан ғаминг канда,  
Кўнглингни шод айларсан.

Ҳеч бир... ўйлаб-ўйлаб зимдан —  
Тополмайман қидириб.  
Ташлолмайман ўз юзимдан  
Уят, орни сидириб.

Мен узиб ўлимнинг тўрин  
Сен деб келаман қайтиб.  
Минг қарзидан узмай бирин  
Одам ўла олмайди.

Кел хонамга, келгин кириб,  
Турма тишда мўралаб.

Ёғоч отда ўт қийқириб —  
Ёзувларим оралаб.

Үтгін жоним — құзим, дедим,  
Күкрагимда ўсди гул.  
Бола, онанг олим эди,  
Энди она бўлар ул.

*3 май, 1977 йил.*



# “САДОҚАТ”

қитобидан

(1983)

---



*Демасман, дунёда ортиқ бор, кам бор,  
Яшашибга арзир ёруғ бир шам бор,  
Сүнг куним-ача шоҳ ё гадо бўлиб,  
Эшигимга келар битта одам бор.*



---

## «УФҚ»НИ ЎҚИБ

«Уфқ» Саид Аҳмаднинг шавқ  
билин чалган машқидир.

Абдулла ҚАҲҲОР

Қизғиши рангга кириб борар уфқнинг кунгиралари,  
Уфқда қүёш ҳароратсиз нурин сочиб турипти.  
Аччиқ кўз ёш, янгроқ қўшиқ, дунё дардларин бари  
Шу қип-қизил нур остида бирдай кезиб юрипти.  
Унда кимдир Жаннат мисол асраб кўз қорасидай  
Фарзанд ўстирмоқда, фарзанд, бир кун келар ғам  
бошлиб.

Унда кимдир жангга кирап Икром қиёфасида,  
Икром қайтар жангдан бир кун битта оёғин ташлаб,  
Низом сарсон-саргардондир илк муҳаббатин кўмиб,  
Эрка Дилдор, маъсума қиз йўлдан тойдинг, сен нега,  
Варақларни йиртолмайман, ё ўтолмам кўз юмиб,  
Миямга қон урилади, аччиқ нафрат, алнга.

Кутмаганда эшитмайин падар, она додини,  
Қочоқ Турсун жангдан қочар ҳовучлаганича жон.  
Куйдирмасми ёвуzlарча кўрмай одам зотини,  
Қамишзорда, ботқоқликда умрин тугатса ўғлон.  
Ахир куймай бўладими бир яримжон пок одам,  
Бир оёқли Икром уйи хоин уйи аталар.  
Номард бола ҳасратида Жаннат берганида жон  
Ва Турсунбой ўлганида тузатилмай хатолар...

Тоқ фарзандин қабрга кўйиб Икром чекканда фифон,  
Ва ҳаётнинг алдоқлари ўйнатганда Дилдорни,  
«Ҳаёт шу» деб тинчланишга сира бўлмайди имкон,  
Қора сочга қор ёғади, кураб бўлмас бу қорни.  
Мен «Уфқ»нинг қора ҳарсанг тошлирига урилдим,  
Қора ғамлар назаримда эди бўйсиз ва энсиз.  
Мен-ку уни ўқигунча қанча ўлиб-тирилдим,

Айтингиз, сиз уни қандай юрак билан ёздингиз?  
Дейдиларки, ёзиб бўлмас, дилга туташмаса ўт,  
Юрак дардин ўндан бири баъзан қофозга тушмас.  
Унда, устоз, юрагингиз тўла олов, аччиқ дуд,  
Сиз бу дуднинг азобига қандай чидадингиз, бас!  
Бас, беҳуда қор ёғманти ақл қайнаган бошга,  
Ва беҳуда шоирам ҳам олиб сиздан хавотир  
Тикилмапти совуб қолган, сизга қўйилган ошга,

«Камроқ чекса»... ҳа, беҳуда ёзилмапти бу сатр.  
Менинг, сенинг ва уларнинг дарди, фами танида  
«Уфқ» ойнадай кўрсатмоқда сенинг, унинг ўзлигин,  
«Қани ўзбек ҳаёти?» деб сўраб қолганларида  
Мен «Уфқ»ни кўрсатурман «Мана — менинг ўзбегим».  
Яна оқ тонг оқармоқда, уфқ олмоқда қизғиш ранг,  
Умидимиз, уфқингизни оқлик ҳеч тарқ этмагай.  
Яна кўп куй чалиб беринг шу «уфқ» каби сержаранг,  
Аммо... «Уфқ»нинг садолари қулоқлардан кетмагай!

25 май, 1970 йил.

## ҲОВЛИЛАР

Ҳовлилар атрофига урмангиз девор,  
Очиқ қўйинг эшик, деразаларни.  
Кўзларимиз кўриб турсин, атрофда не бор,  
Кўрмоқ учун яратган ахир уларни.  
Девор урманг, токи ўз ҳовлимдан туриб,  
Сизнинг ҳовлингизни кўра олай мен  
Хоҳлаган пайтимда кира олай мен.  
Кўймангиз темирдан дарвоза қуриб,  
Қиндан чиқмай қолган ўткир пичоқдай,  
Уйдан чиқмай қолсак занг босар бизни  
Ва дўсту ошносиш қолиб у чоқда,  
Суямиз, ёлғиз уй ва ўзимизни.  
Йўқ, йўқ, қайноқ юрак тошар, интилар  
Қайгадир, майли ким не деса десин.  
Қайгусин, қувончин бўлишгим келар,

Ўзимнинг, сизнинг ҳам унинг ҳовлисин.  
Ҳовлилар! Қоёш нурларига йўғрилган.  
Ўчоқларда ёнган олов азизмас кимга?  
Истайманки, уйингизда тонгда туғилган  
Чақалоқ йиғиси келсин менинг ҳовлимга.  
Шунда менга туғилди деб сингил ё оға  
Нечук сиздек хушбахт бўлиб суюнмайман мен.  
Ватан ўзи бир-ку ахир, шундай бўлгач нега  
Сизнинг кулфат, ғамингиздан куйинмайман мен?!  
Онангиз кўз юмганида фарзанддай куйдим,  
Сиз қабрга қўйдингиз синглим жасадин.  
Шу чайир, заҳматкаш қўлларни сўйдим —  
Наҳотки шу қўллар девор ясади?!  
Истайсизми, не кунларни кўрмас одамзод?  
Кун келиб ҳовлимда бўлса аза, ғам.  
Дилхушлик базмини сиз қилиб кушод —  
Бахтли яшамоқни ўша дамлар ҳам.

Ҳовлингизда ётса кимдир жон талашиб,  
Сиз унинг оғзига сув томизган дамлар,  
Мен куйлай берайми ўз уйимда қўшиқ?  
Оқибат, оқибат шуми, эй одамлар!  
Ҳовлилар тўсилмасин четан девор билан,  
Қоёш чиқар ёққа очинг эшик, деразаларни.  
Инсон — ахир бу қўшиқнинг пардалари  
баланд —

Деворлар ажратмасин уларни!

10 август, 1970 йил.

\* \* \*

Тўсатдан кўзимга тушди чўп,  
Йўқотдим хушбўй гул исини.  
Севгилим, ўртанма, ёнма қўп,  
Қайтадан топмасман мен сени.

Тўсатдан кўзимдан айрилдим,  
Кўzsиз ҳам яшар-ку, одамзод.

Агарчанд йўлларда тайрилдим,  
Аввалги шиддатда сурмам от.

Атрофда сукунат, бир совуқ  
Жимлик... йўқ, тўполон, тўполон.  
Сен келма,  
Бўлмагин чирмовуқ,  
Усиз ҳам бу дардлар олар жон.

Энди мен  
Дилимга «тош бўл», — деб айтаман,  
Сенга ҳам тилайман тўзимни.  
Ахир ким кўрган, кўр қайтадан  
Топганин йўқотган кўзини.  
Тўсатдан кўзимга тушди чўп.

*Октябрь, 1973 йил.*

\* \* \*

Аллақачон унугланман бари-барини,  
«Аллақачон» алдайман мен ўзимни ўзим,  
Ортда қолган мұхаббатнинг кўшиқларини  
Эслатма, деб ўз-ўзимга тилайман тўзим.

Эслаб қолсам тоқатларим — тўзиган бир пат,  
Эгилган ёйга айланар бўй-бўй қоматим.  
Эсласам бу ёруғ дунё — бўум-бўш бир хилқат,  
Бир пул бўлар эътиқодим, баҳтим, омадим.

Кулгуларим кинояси зарра сезилмас  
«Аллақачон унугланман»... қаҳ-қаҳ ураман.  
Ҳижроннинг талх шаробидан ортиқ сархуш, маст.  
Баҳтлилардан баҳтиёрроқ яшнаб юраман.  
Аллақачон унугланман, унуглан маъқул.

*13 май, 1974 йил.*

## ТОНГ

Кўзим ичга ботиб кетар,  
Қимирлашга йўқ ҳолим.  
Кушларни уйготиб кетар,  
Ўйноқи тонг шамоли.

Яна оқ тонг отмоқдадир,  
Сурма ранг тун охирлаб.  
Ухламадим, уйқу надир,  
Жон учгандай бағирдан.

Туни бўйи бағрим кўйди,  
Кўйиб кетди қофозлар.  
Унга бағрим борин кўйди,  
Жаранги йўқ овозда.

Азобларим, куйманишлар,  
Зулмат ҳоким, мен якка.  
Бир юракни ўйланишлар  
Бўлди минг бир бўлакка.

Узундир тун, куйиб-куйиб,  
Мана, енгил тортдим мен.  
Дардларимни бир-бир қуйиб,  
Қофозларга ортдим мен.

Тонг, ҳаммасини унутиб,  
Чарх ураман энди шан.  
Тонг қофозларимни титиб,  
Куйганлардан куламан.

\* \* \*

Мен сени топгандим, аммо яхши қол,  
Сен «яхши қол», дегил, «кўришгунча» мас,  
Бул қуёш ҳали кўп ол бўладир, ол,  
Бул ой ҳам умримга кўп қиласидир қасд.

Сен шерик бўлмайсан энди ғамимга,  
Дарвоқе, ҳеч қачон шерик қилмадим.  
Хайр энди, маъзур тут ортиқ-камимга,  
Мен сени Лайлидай сева билмадим.

Ўртанма, бул хато мушқулларидан,  
Ё раббий, лаҳзада бор орзулар пуч.  
Мен ҳам қайдан билай ишқ йўлларида —  
Мажнун эмас, Сенга келаримни дуч...

25 сентябрь, 1974 йил.

## БИР АЁЛНИНГ КУНДАЛИГИДАН

Бола эдим, бир кун ёзгим келди тўлиб,  
Фалати, ўт тушиб ёнгандай ичим.  
Кемтик тиш ўртогим лой кўтариб келиб,  
Олиб кетди мени «нон» ёпмоқ учун.

Ёшлик йиллар эди, сочим белга тушган,  
Ёзгим келди бир кун сершиддат, фолиб.  
Кузак эди чофи, буғдой авжи пишган,  
Буғдойзорга кетдим чалгини олиб,

Қайси бир йил эди, ўз-ўзимдан ҳузур —  
Қилиб бир тонг аста дафтарим очдим.  
Онам кириб деди: «Совчи келар ҳозир»,  
Кийикдайн ҳуркиб панага қочдим.

Кейин... бир кун билмам, ненингдир хаёли  
Банд этиб дарчадан тикилдим узоқ.  
У деди: «Жон қушим, суюкли аёлим —  
Туюлмаяптими уй Сизга тузоқ?!»

Шундай. Кетаяпман юрагимда гоҳ-гоҳ —  
Янграб, секин-секин сўнмоқда нидо.  
Ҳар бир шеъримни мен тугилмасиданоқ  
Атрофдагиларга қилганча фидо.

14 октябрь, 1974 йил.

\* \* \*

Хоҳ арзи, хоҳ арзимагил, кўтараман юксакка,  
Кўтараман тубанлигинг билан ҳам гоҳ қасдлашиб.

Сени шундай юксакликда жойлагандим юракка,  
Юракдаги юксакликнинг бўйин бўлмас пастлатиб.

Шу юксаклик умри учун тикадирман йўқ-борим,  
Аммо биласанки мен ҳам ўчили, кучли бир найман.  
Уринаман, ўшанда ҳам нураг бўлсанг, шунқорим,  
Унда янги юксаликни кўкрагимда тиклайман.

Тақдиримдан бир ой янглиғ тамом кетарсан ботиб,  
Яшолмайман мен кўксимдан юксакликни йўқотиб.

31 октябрь, 1974 йил.

### ШЕЪР ЁЗГАНДА...

Шеър ёзганда ўғриларнинг тўдасига пирман мен,  
Йўлин қилиб ўғирлайман ноннинг, гулнинг тусини.  
Гўзалликлар оламига из қолдириб кирмам мен  
Ва бемалол кузатарман ҳар бир уй-ҳовлисини.

Изсиз кириб, изсиз чиқиб кетаркан бу дунёдан  
Қанча рангин оҳангларни қалб қатимга яшириб.  
Кейин уни куйлагайман кўз-кўз этиб зиёда,  
Кемтигини тўлдирибу, кўхлигини ошириб.

Сирдош булоқ сўзлаганча тоғда қолиб кетмайдир,  
Мен шеъримга яшираман унинг чулдирофини.  
Бир кўз сузиб, ҳурккан кийик тоғ бағрида йитмайдир,  
Гулдур-гулдур акси қолар осмон гулдирагининг.

Ўғирладим кўзларингга ҳайрат солмай ўтмагич —  
Гўдакларнинг қийқириғи, чўққининг оқ қорини,  
Ўғирладим оналарнинг сира елга кетмагич —  
«Ўлма, улғай, жоним болам», деган дуоларини.

Қиз боланинг ноз-ибосин шеърларимга яширдим,  
Оқсоқолли мўйсафиднинг панду ўгитларини.  
Яна ўзим ҳам қимтиниб огоҳ қилай бир сирдан,  
Шеърларимга яширдим мен юртим йигитларини.

Балки шунданми, шеърларим гоҳ тартибга бўйсунмас,  
Лола излаб чопадилар яланг оёқ, чапани.  
Сукути-қу йўқ уларнинг, ороми ҳам йўқ, тинмас,  
Бу беором дунёдан мен ором, ҳузур топаман.

Бургутсифат йигитлардан қудрат олиб, ўч олиб  
Бу ўч, бу қудрат шиддатин яшираркан юракка,  
Чечак ранги, кўшиқларнинг жарангидан куч олиб,  
Шеърларимнинг овозини кўтараман юксакка.

Топиб-тутиб яширганим қалб қатимда эдилар,  
Қалбни тўкиб шеър ёздиму ошкор бўлди барча сир.  
Гўзалликни ўғирламоқ айни савоб, дедилар  
Шундан кейин мен ўғрилар тўдасига бўлдим пир.

\* \* \*

Асли қўклам сўрганди қўлим  
Унга қўлим берсам бўларкан.  
Топмас экан ўзгадан үлим,  
Ишқ ўз қўлларингда ўларкан.

Тушуммай ҳам қўклам сирини  
Йўлларимдан тўсиб чиқди ёз.  
Ёзнинг бафри иссиқ қўриниб,  
Сўнг ўзим ҳам талпинганим рост.

Сўнг ёз севди сершиддат, қизғин —  
Сўнг ёз мени ўтларга солди.  
Гоҳ севгиси қайнок, бетизгин —  
Гоҳ ўт рашки жонимни олди.

Биламанки ишқи әмас оз,  
Яшасам ҳам суйиб, шүху шан,  
Әнди гоҳо ишқ тутганда ёз  
Куйиб кетмасам деб құрқаман.

Гарчанд бахтим таратар хушбүй  
Тушмаса ҳам үзга ён йўлим,  
Гоҳ қўксимда чарх урап шу ўй —  
«Асли кўклам сўрганди қўлим».

13 сентябрь, 1975 йил.

### ТАНҲОЛИКАДА

Тўлқинлар: «Қирғоқда лоқайд турмагин» —  
Чорладилар шўх.  
Мен шўхчан дарёга ўзим урмадим,  
Мен борганим йўқ.

Тепамда турналар арғимчоқ солди,  
Осил, кенг, — деб, — кўк.  
Мен икки қулоғим бекитиб олдим,  
Мен борганим йўқ.

Чавандоз от қўйиб нақ шамол сиёқ  
Қичқирди: «Учайлик, кел, эй худди ўқ».  
Узангига қўйиб қўрмадим оёқ,  
Мен борганим йўқ.

Тўлқинда, кўк, ерда бўлмай сархуш, масти,  
Бул кун ўлтирибман кетиб пинакка.  
Бул кун бор чақириқ бўлгандир абас,  
Қолганман якка.

12 февраль, 1976 йил.



## ФЕРУЗАНИНГ ДАРДИ...

*Мақсуд Шайхзоданинг  
«Мирзо Улугбек» драмасини кўриб...*

Ер қоп-қора, осмон ҳам қаро  
Улар сиқиб келмоқда жонни.  
Мен йўқотдим бу зулмат аро  
Улугбекдай улуф Инсонни.

Мен Феруза, Феруза шўрлик,  
Бу дунёда бир илинжи йўқ.  
Манглайида битилган хўрлик,  
Манглайида шубҳа отган ўқ.

Карвон мени кетадир олиб,  
Бегим сўнг бор эгадир бошин.  
Ҳайҳот, рўё келди-ку ғолиб,  
Сўндириди-ку толе қуёшин.

Мен бу рўё дунёдан безиб  
Энди ўнгланмас туш бўламан.  
Бу дунёни қаҳратон сезиб,  
Толма бўйин оққуш бўламан.

Кейин учиб кетаман, кейин  
Бу муз, қорни оралаб юрмай.  
Видолашув бўлмайди қийин —  
Кетгум бир бор юзимни бурмай.

Ўнг эдим-ку бўлиб қолдим туш,  
Дунё, сени тутадир хуним.  
Одамлардан безиб бўлдим қуш —  
Улугбекдан айрилган куним.

Энди тақдир эмасдир тақдир,  
Тупроқ дейман дунёни, шонни.  
Мен йўқотдим дунёда, ахир,  
Улугбекдай улуф Инсонни!

*5 марта, 1976 йил.*

## БИР ЛАҲЗА

Кел, эй ўз пайтида кел, байтим,  
Бир лаҳза илгари, илгари.  
Келмагин юзимни сарғайтиб,  
Кечиккан офтоб сингари.

Кел эй боғ, гуркираб барг ёйиб,  
Бир лаҳза илгари гулга кир.  
Гўдагим қўйгин бир жилмаймб,  
Бир лаҳза эртароқ тилга кир.

Эртароқ шовқин сол, шаршара,  
Юз ювай ё зилол булоқда,  
Уринчоқ тойчоғим, қарқара,  
Қарқара саман бўл, улоқда.

Бир лаҳза мушкулни тезроқ еч,  
Юмалаб кетмасин ул соққа!  
Табибим, қолма кеч, қолма кеч,  
Бир лаҳза кифоя ўлмоққа.

Ўғлон, сен қўлим тут, қўлим тут,  
Кўп совуқ қутишнинг шамоли.  
Эртароқ ечиб ол, бир минут,  
Хижроннинг қорамтири рўмолин.

Етиб кел, туташдим мен ўтга,  
Бир лаҳза гуллаш ё ажалим,  
Бир умр кутдим, бир лаҳзага  
Етмайдир бул сафар мажолим  
Бир лаҳза илгари, илгари...

3 марта, 1976 иил.

## ЎТКИНЧИЛАР

Унга бири, «мунча порлоқсан», деди.  
Бири, «сўник-ку», деб силтаб кетди қўл.  
Юлдузга бу гаплар ўткинчи эди,  
Ўз аркида ёниб тураверди ул.

Гарчанд чидаса ҳам қолиб балога,  
Галма-гал тегса-да тикани, гули,  
Юлдуз чиқиб олган арши-аълога  
Бул ўткинчиларнинг етмайди қўли.

24 ноябрь, 1976 йил.

## БУРГУТЛАРИМ

Бургутларим, кўқдан қўшин тортиб ўтинг,  
Қанотингиз билан ерни артиб ўтинг.  
Артиб ўтинг ҳаводаги фубор, гардни,  
Ва ердаги армон, дардни.

Поймол этманг, бу ердаги қуш, ўтлар-ку,  
Куш, ўтга ҳам керак ахир ҳимоятлар.  
Бу дунёning устунлари бургутлар-ку,  
Бургутлардан бўлсин карам-иноятлар.

Пайт пойламай, шодмон келинг, тортиб қўшин —  
Холис келинг бағрин очиб кутмасми, халқ.  
Бир қушчага завол бўлмай сафга қўшинг,  
Соянгизга салом бериб ўтмасми халқ.

Шиддат билан узатганда заминга даст,  
Ўхшаб кетмасангиз дейман, оч, нокасга.  
Ҳар хор-хасдан чангол солиб, олмоқ эмас,  
Чангол-чангол бермоқ лозим ҳар хор-хасга.

Мен истардим, узатганда заминга даст,  
Малҳам бўлиб аритсангиз диллар доғин.  
Чангалингиз қуш бўйнида сиртмоқ эмас,  
Қанотингиз бир қалъага айланмогин.

Ки бу қалъа деворлари метин бўлиб,  
Сафдан сурса тортилган ёй, камонларни.  
Ўйлаяпман Сиз келсангиз осмон тўлиб,  
Ерда байрам бошланажак замонларни.

Бургут олиб қочган күн-ку күп келарди,  
Бургут бериб кетди деган күн келарми?

31 октябрь, 1978 йил.

## ЁШЛИККА ЁЗГАНЛАРИМ

Бу сенми, эй кўзимнинг тиниқ оқу қораси,  
Кунгай ерда барқ урган менинг кўк палаккинам.  
Бир жони кўқда, излар ойда яшаш чорасин,  
Бири саҳро-даштларда тинмас, жон ҳалаккинам.

Там-там меваларини ҳам севиб ҳам этиб рашк,  
Йигирма ёшлиларнинг боғларидан бўйлайман.  
Бугун ўттизда туриб, ўттиз армон аралаш,  
Йигирма ёшимдаги имконларим ўйлайман.

Олис водийда бир гул ўсади мен ёш пайтим,  
У иқбол гули эди, чопдим тишга қўйиб тиш,  
Етай-етай деганда аммо ортимга қайтдим,  
Балки журъат етмаган, балки сусайган хоҳиш.

Инсоф билан айтганда, толеим келганди оқ,  
Бир гавҳарим бор эди, ҳавас ҳаттоки ёвга.  
Мен ўша гавҳаримни асрой олмадим бирок,  
Билмам қайси ғофил күн бериб қўйдим бирорвга.

Мана, бул күн бошингда минг бир хил хаёл сузиб,  
Сен чарх уриб турибсан, чарх ур, қолмагил тиниб,  
Сен ғолиб қайтажаксан иқбол гулини узиб,  
Қалб қатингда сақларсан гавҳар тошингни иним.

Қай манзилда мадорим етмаган от сурмоқقا,  
Сен шамолдай ошгайсан у манзилдан, чопқирим.  
Қайси тоқقا чиқмадим эриниб от бурмоқقا,  
Хазиналар топгайсан сен у тоғдан, топқирим.

Сен зорингу борингни ошкор куйлар бир найсан,  
Мен ҳар вакт ҳам айтмадим сирларимни қўш симга,

Мен илғамай ўтганни топиб авайлагайсан,  
Хавасим келар Сенга, ҳавасим келар Сенга!

Гўдак эдим, манглайдан ўпиб қўярди ойим,  
Янги ойни кўрганда учиб-қўниб югурсак.  
Мен сенинг пешонангдан, ёшлиқ, ўпиб қўяйин,  
Шояд шоён қудратинг менга ҳам ўтиб турса.

Шояд завқим, ҳисларим келсалар лашкар тортиб,  
Отганимда мўлжалга уролсам бир зарб билан.  
Икки гўдак ўғлимнинг хархашасидан ортиб,  
Ёнсам, кунни ўтказсам ёниб турган қалб билан.

Ёшлиқ, шундай мен сени кўтаражакман бошга,  
Софиниб кўтараман,  
Етказай деб юксакда сифинганим қуёшга,  
Сифиниб кўтараман, софиниб кўтараман!

20 сентябрь, 1979 йил.

## БИР ҚИРГОҚҖА

Менга таниш икки одам сўзлашар холи,  
Йўққа ўхшар бир-биридан яширин сири.  
Бири жаннат боғларининг хушбўй шамоли,  
Ҳатто дўзах оловига панд берар бири.

Шундоқ сиртдан қараганда аҳилдан-аҳил,  
Булар икки дарёлигин кўрмайсан ўйлаб.  
Нима сабаб ўт билан сув топишадир тил,  
Оқу қора ўлтирадир бир-бирин сийлаб?

Чидаш қийин ичга ютиб виждонни, хунни,  
Оқ ўлтирса қора билан май кайфин суриб  
Шундоқ букса бу кўпларга тирак устунни —  
Турмуш деган ҳийлакорнинг икир-чикири...

Тушунмайман бу дунёни, доим ёнма-ён,  
Оққуш билан қарғани ҳам суйдирганига.

Тушунмайман ўртадаги очиқ дастурхон  
Иккаласин баб-баробар түйдирганига.

Тушунмайман яшамоқ-ку бир марта, нега,  
Гоҳ эътиқод кўкрагингда кетар солиб дод.  
Ҳамон муқим бир ғояга бўлолмас эга,  
Ҳамон муқим бир томонга ўтмас одамзод?

Умрим бўйи сифинганим — тафаккур, голиб,  
Қаердасан, шундай пайтда беркиниб турмай,  
Сен ўт ахир, бир қирғоққа инсонни олиб —  
Аросатда тўрт тарафга қўлин чўздирмай...

18 февраль, 1980 йил.

### ҲИСОБ-КИТОБ ҲАҚИДА

Баъзан мен тунлари ишлаган кезда  
Ўй суриб кетаман унугиб шеърим,  
Баъзи саволларни сўрайман Сиздан,  
Тахминан бўлса ҳам ҳисоблаб беринг:

Дейлик, бир бут дилга сачраб кетди қон,  
Бир кўнгил ўтларда қоврилар, тутар,  
Айтинг, малҳам қайдা, келар у қачон  
Бир кўнгил яраси қанчада битар?  
Менга мана шунинг ҳисоби керак,  
Тағин изи қолмай битарми юрак?

Дикқат қилинг, кузги хазон — дил хаста  
Ҳар лаҳза сезилмай сарғайиб борар.  
Дараҳт тўклилади аста ва аста,  
Бирдан тўкилса-чи, юракни ёрап.  
Дараҳт қанча вақтда сарғайди, ёнди,  
Қайғу қанча вақтда тўқар Инсонни?

Ишқли қўнгиллар-ку пардан енгилдай,  
Ишқсиз қалбга қанча тош тўлди, айтинг?!

Лаҳза... ишқ туғилди қанча күнгилда.  
Лаҳза.. қанча дилда ишқ ўлди, айтинг?!

Ҳисобин чиқариб беринг-чи, қани,  
Үлгани ортиқми ё туғилгани?!

Номард ғолиб келса, мард дилтангу зор,  
Бош эгиб турғанда қанча күч сарфлар,  
«Айрилиқ» сўзини қанчада ёзар,  
Майишиб, чаплашиб кетмасдан ҳарфлар,  
Айтинг, яна неча аср солиб из,  
Бу дўзахий сўздан куяр тилимиз?!

Сиз, эй бу дунёning ҳисобдонлари,  
Тахминан бўлса ҳам қилингиз ҳисоб,  
Қанчалик умри бор сунъий шонларнинг,  
Сунъий кўрк қанчада бўлғуси хароб!  
Қанча даволангач паст тушиб ҳар кас,  
Ўзин алломаи замон санамас?!

Усиз ҳам чўт ташлаб ишчан, гоҳ караҳт,  
Тинмайсиз миллионни миллионга уриб.  
Бир лаҳза шуларга ажратинг Сиз вақт —  
Шуларнинг ҳисобин қилинг ўй суриб.  
Тополсак шуларга кетар вақтни биз,  
Чуқурроқ туярдик балки бахтни биз.

Мен баъзан тунлари ишлаган кезда,  
Ўй суриб кетаман, унутиб шеърни...

18 февраль, 1980 йил.

## УМИДБЕККА

Бунча бузиб-тузамоқقا ўч бўлмаса бу бола,  
Бир лаҳзада соат винтсиз, куён думсиз қолади.  
Тагин баъзан катталардай жиддий, қилиб ҳафсала  
Бузганларин ҳоли кудрат тузатиб ҳам олади.  
Баъзан ўзи эплай олмай қилиб қолса хархаша,  
Машинасин тузатамиз, күёnga излаймиз дум —

Мени хаёл олиб кетар югурик йиллар оша  
Қандай одам бўларкан менинг бу тинмас қўзим.

Қоракўзим, майли, сенда иштиёқ зўр билмоққа,  
Бу синчковлик балки бир кун  
келтиргайдир сенга шон.

Бузиб-тузаб яша, майли, отми, соат ё соққа,  
То қалбгача, қалбни эса бузиб бўлмас, болажон.  
То қалбгача!

Сўймоқ асли бу дунёда тирикларнинг нияти,  
Фидо бўлиб сен сўйганда қалбни суюсан, қўзим.  
Ўликка жон берганда ҳам ақлу салоҳиятинг,  
Қалбларга қўл урмоқлиқдан ўзни тиясан, қўзим.

Сўкиб, тикиб ўрганиб биз дунёнинг минг хил чокин,  
Ўзни тайёрлаб борамиз қалбга еттунча токи.

21 февраль, 1980 йил.

### ШИП-ШИП ОЁҚ ТОВУШЛАРИ...

Онам кетиб бораяпти шол рўмолин дол ташлаб,  
Тўрт-беш tengқурлари билан қўлларида тугуни.  
Менда эса юрак нотинч қолди-ку сурон бошлаб,  
Боламга ким айтар бутун энасин эртагини.

Оқ рўмолда оппоқ-оппоқ гуллаган олча бўлиб,  
Улар кетиб бораётир кўклам гулга кирган чоқ.  
Гангир-гунгир онажонлар кетмоқда кўча тўлиб,  
Не учундир ич-ичимдан қўзғаладир қалтироқ.

Бир-бир босиб улар кетиб борарлар боқмай қиё,  
Мен-чи ҳозир гўдакмисол қичқириб юбораман.  
Айтинг, Сизларга йўл бўлсин, қўшни қишлоқҳами ё,  
Мағриб ёки Машриқҳами, ортингиздан бораман.

Ёнгинамда эдингиз-ку ўзим билан андармон —  
Уйим, дедим, ўстирайин дедим тағин ўғил-қиз.

Бугун ногоҳ сезиб қолдим, ногоҳ тортилган камон,  
Ва Сиз мендан ўқдай учиб узоқлашиб боряпсиз.

Кўз олдимга келаётир, саҳаргача юммай кўз  
Мен ишладим, кундуз эса мажлис, базм, иш, чорлов.  
Мен эмас Сиз қовоғимга қарадингиз шабу рўз,  
Мизғиб қолсам уйғотмоққа юрагингиз бермай дов.

Зотан космос асли бугун, илғаймиз юлдуз тусин,  
Йўлин топиб ёндирамиз минг йиллик қадим қорни —  
Илғамай қолдим-ку, бироқ кексайдингиз қай йўсин,  
Сочингизнинг ҳар толаси қай тезлиқда оқарди?!

Дунё шовқин-суронлари бир лаҳзага жим қотсин,  
Керак ахир пайт-пайт билан базм тиниши, совуши.  
Шип-шип оёқ товушлари юракларни уйғотсин,  
Кетаётган оналарнинг қадамларин товуши.

Бошлирида улуг күёш сочаркан шан нурини —  
Бир қувончили, бир армонли ҳисдан дилим порадир.  
Оналар-чи, дунё унугт, «сен»лашиб бир-бирини,  
Чақчақлашиб ён қишлоққа тўйга кетиб борадир.

Онам кетиб бораяпти... шол рўмолин дол ташлаб...

6 марта, 1980 йил.

## ОСТОНАДАГИЛАР ҲАҚИДА

Остонада турар улар, уйга кирмаслар бироқ,  
Остонада қолганларнинг соғлиғига ичингиз.  
Бу дунёда борми ўзи марҳумдайин оғир тоғ,  
Остонадан ҳатлатмоққа етгаймикин кучингиз.

Улар бизнинг ортимиздан қолмаслар тизилишиб,  
Танқ, пиёда ҳаккалаб ҳам ҳатто қўлтиқтаёқда.  
Остонага етгач, аммо қоларлар узилишиб,  
Бири бир кўз билан қараб, бири битта оёқда.

Майли, замон суронлари чалаверсин бонгини,  
Ё сукунат тифи бетин пармаласин мияни.  
Улар ҳатто қоқмасданам кийимларин чангини,  
Остонада тураверар милтифига суюниб.

Остонада турғанларга мен теккизолмайман тил,  
Тотмайдилар, сўзларимга қориштирсам ҳамки бол.  
Сен, эй уйнинг ичидаги чаппар урган косагул,  
Сен, эй уйнинг ичидаги нутқ сўзлаган сўзамол.

Сўзламай ҳам яшамоқнинг мумкинлигин сен туйгин,  
Ҳовурдан тушиб кўр ахир уй ичидан ҳам нарин.  
Сен ҳам Юсуф-Зулайҳони бир нафасга тинч қўйгин,  
Остонада бир тўп Юсуф йўқлар Зулайҳоларин.

Зулайҳонинг бири келар, ғариф, оқсоқ, танҳо тоқ,  
Бирин қайғу, ўлим ютган, аранг эслар қўшниси —  
Чидаб бўлмас бир нафасга қўй чолғуни, қўй, ўртоқ,  
Бул нафасда кулгу билан ситам ёши қўшилсин.

Бу шўр ёшни дилдан тўкиб кўнгил ёришар чоқда,  
Ажаб эмас, кўчса ундан беркитган бор тошу санг  
Ва сен бири бир кўз билан, бири битта оёқда,  
Уйга кирмай остонада юрганларни кўролсанг...

Остонада юрар улар, уйга кирмаслар бироқ...

5 май, 1980 йил.

\* \* \*

Тақиқласам, айтар сўзинг айтмаганингда,  
Кет десам Сен кетиб, ортга қайтмаганингда,  
Жиндаккина қўрқар эсанг обрў-шаънингдан,  
Итоат сен билан қолиб, мен кетар эдим.  
Кўриб қолсам бир ожизга учраганимни,  
Лаҳза-лаҳза чўкканингни, кичрайганингни,  
Пучлигини кўриб қолсам мағзинг, маънингни,  
Кўрмайин деб кўзларимни беркитар эдим.

Унда ашким ёмғир янглиф сероб бўларди,  
«Бахт», деб баридан тутганим сароб бўларди.  
Кўшкли тахтим нурай-нурай хароб бўларди,  
Икки қўлим битта тепа, тоқ ўтар эдим.

Тақиқласам, айтар сўзинг айтмаганингда...

5 май, 1980 йил.

## ТЎЙ КЕЧАСИДА КЎНГЛИМДАН КЕЧИРГАНЛАРИМ

*Синглим Гулнорага.*

Устоз Faфур ҳакимона башорат қила билган —  
Қалб қонидан бўлмоқлигин қиз деганинг барини.  
Одам Ато йигит чоғда қиз бола деб қувилган,  
Ўксинмасдан ташлаб кетган беҳиштнинг боғларини.

Сиз эҳтиёт бўлинг, куёв, қўлларидан тутмоққа,  
Мен беҳуда қиз боладан бошламадим сўзимни.  
Мен ҳам келин бўлмоқлигин эслаб тушдим титроққа  
Ҳали бир ёшга етмаган ёлғизгина қизимни.

Сиз эҳтиёт бўлинг, куёв, қўлларидан тутмоққа,  
Ўн саккиз йил сақладик биз уни эҳтиёт қилиб.  
Сўз бормикин бу кечдаги ҳисларимиз битмоққа,  
На ҳислар, бор вужудимиз кетмоқда-ку тўкилиб.

Юрагингнинг бир четини юлиб кетар экан қиз,  
Севмоқ — асли бу дунёда қийноқдаги жон экан.  
Кўкракдаги юракнинг бир бўлагини берялмиз,  
Сиз юракнинг шу қисмини асрай олинг, жон укам.

Гул сувида Гулноранинг сочин ювмиш онаси,  
Кумуш янглиф тоза гул бу, гуллигингча қол, дент Сиз.  
Айтинг, куёв иболанмай келганида хонаси,  
Сиз бу аркнинг танҳо гулин қачон қўриб қолдингиз?

Биз тўйга Отабекни ҳам хотир ёнган дам айтдик,  
Кумушнинг руҳи олдида бошларимиз ҳам, айтдик.  
Қўш олчадай бу күёв, бу келинчакни кўрсин, деб,  
Суюнсин, деб жаннатмакон Қодирийни ҳам айтдик.

Бул даврада, бул замонда баҳт бўлса ҳам тилда ёд,  
Яшасак ҳам ҳаётнинг шан шаробидан сипқариб,  
Қандоқ титраб тўлғонмасин, тўкилмасин одамзод —  
Юрагининг бир бўлагин берар экан чиқариб.

Биз Сизга юрагимизнинг бир бўлагин беряпмиз...

26 август, 1980 йил.

## ҲАЙРАТ

Қайдасан, сен қўйдинг йўқламай,  
Менда ҳам бу қўнгил тўқ энди.  
Олдинги узун тун ухламай,  
Жон чекиб ёзишлар йўқ энди.

Сен йўқсан, кўнглимда ҳаловат,  
Илгари у эди душманим.  
Йўқ энди олдинги тиловат,  
Баҳт бору, бордай ҳам пушмоним.

Йўқотиб қўйдим бор дардимни  
Мен энди нимага ярайман.  
Ёнимда суянчим, мардимнинг,  
Кўзига бепарво қарайман.

Бўлди, бас, кўп чуқур бу гуноҳ,  
Ким менинг кўнглимни совутди.  
Ҳайрат, сен қайдасан, бўл паноҳ...  
Лоқайдлик ёмғири ивитди.

Ҳайрат, кел, кўксимда кўтар қад,  
Мен ёлғиз сеники бўларман.

Кун келиб ўлсам ҳам мен фақат  
Хайратнинг қўлида ўларман.

2 сентябрь, 1980 йил.

## КУЗГИ ДАРАХТ

Бутоқ, япроғида куз тафти,  
Шовуллаб турибди бир дараҳт.  
Ҳазонлар танасин ўрабди,  
Ловуллаб туриб бир дараҳт.

Бўронлар буқолмай шохларин —  
Бағрида сайратди қумрини.  
Эшитган йўқ унинг оҳларин  
Оҳ тортмай ўтказди умрини.

Ҳали ҳам кетган йўқ мадори,  
Ҳали соз созларга ўхшайдир.  
Баҳордан ёш эди баҳори —  
Кузи ҳам ёзларга ўхшайдир.

Тун бўйи, умр бўйи ўчириб,  
Ёзиб топай улкан бахтни,  
Ўтқазай умримга қўчириб  
Ловуллаб турган шу дараҳтни.

2 сентябрь, 1980 йил.

## ИҚРОРЛИК

...га.

Биламан, йўқ, сенга шак келтирмам, йўқ,  
Бу кутмас замонда сен қанча кутдинг?  
Неча бор кўксимга отилганда ўқ  
Мени четга сурис ўзингни тутдинг.

Биламан, пойимга йиқилди само  
Кўзингга сингганим — лаҳзадан бошлаб.

Бугун-чи қалтираб турибман, аммо  
Самовий топ-тоза юракни ғашлаб.

Наҳот сор бургутни шубҳалар енгди,  
Нечун қарашингда азоб сурати.  
Не учун кўзингда гоҳи гоҳ энди,  
Мен уқиб етмаган тўфон туради.

Аминман, шу юрак бермаса фириб,  
Кўксимга тамғасин босмаса армон.  
Ўтарман шу ишқда посбон туриб,  
Унга фидо бўлиб ўтарман.

Яшаб ўтарканмиз бу олам аро  
Ортимидан севги отмас тоши — нард.  
Севгилим, кўнглингни қилмагил қаро,  
Мен сенинг ишқингга қўндирамасман гард.

11 сентябрь, 1980 йил.

## ЭЪТИҚОД

Ёшлик, эй Сиз, гуркираб келаётган метин саф,  
«Умидимиз», деб сизни кўзлар кузатаётир.  
Боболар-ку дунёни кўлдан келганча безаб,  
Ортиғи-ками билан Сизга узатаётир.  
Қалбингиз шиддат, ўти уларникидан бойроқ,  
Юксакда порлаши шарт улар топширган байроқ!

Боболар-ку соғ чиқди замонларнинг ҷоҳидан,  
Фақат шодмон кунларга ошён фақат эртаклар.  
Ҳақиқат деб жон бериб қон қусдилар гоҳида —  
Отабеклар ўтаркан Кумушларни етаклаб.  
Гарчанд савод ҳам чала, бу саф ғарив, хор эди —  
Унда эрк деб курашган Қодирийлар бор эди.

Ҳануз кўринар ўзни ҳарб майдонига уриб,  
Жанна Д'Арк ўз асрин шуҳрат билан қоряпти.

Эрк деб лабларин тишлиб қайноқ қонларин сүриб  
Олов билан олишиб Д'Арк ўтиб боряпти —  
Сиз-чи, гоҳо бедардлар қаторида йўқмассиз,  
Гоҳ бегамлар кўзига қадалгувчи ўқмассиз.

Жондан тўйган эдими сўйилганда Турсуной,  
Бу дунёдан бир лаҳза сулув соч эшиб ўтди.  
Нимани гаров қўйиб Ҳамза қадди бўлди ёй,  
Бетавфиқлар отган тош кўксини тешиб ўтди.  
Сиз-чи, навниҳол ёшда гоҳ боряпсиз тўлишиб —  
Сокин алдов, хоинлик, мансаб билан келишиб.

Йўқ, ҳамма ҳам бир эмас, мингларча мард, пок юрак,  
Аммо бугуннинг иши — кескин ҳар қалбга кирмоқ.  
Разил битта бўлса ҳам алафдай ўрмоқ керак,  
Лоқайд битта бўлса ҳам бир хас каби супурмоқ.  
Йўқса қапалак мижоз ишқ, дод бўлиб яшайсиз,  
Йўқса Она тарихга иснод бўлиб яшайсиз.

Тонғи янги офтоб ювмоқда бор губорни,  
Қароқларим, мақсадга учар экансиз тикка,  
Сизнинг ҳам гаров қўйган «нимадир»ингиз борми,  
Фидо бўлар ҳолатда суйиб яшамоқликка.  
Ростми, эътиқод тирик, Сизнинг билан яшарми,  
Яшар эса гумон йўқ, гуллатасиз Башарни!

Ёшлик, эй Сиз, гуркираб келаётган метин саф...

13 сентябрь, 1980 йил.

## ЭНГ ТОЗА МЕВА

*Бир келинчак тўрт ойлик хаста чақалогини  
қайтиб олмаслик шарти билан касалхонага  
ташлаб кетди.*

Гуноҳ маҳсулидир балки жаҳонда,  
Дунёга келтирмиш балки хатолар.

Ва лекин ҳаммавақт, ҳар қандай онда,  
Гүдаклар энг тоза мева аталар.

Мевам, қайси боғда бунёд бўлдинг сен,  
Қай ношуд боғбон у — мевасин отган.  
Қай бир қондан бино, зурёд бўлдинг сен,  
Онам деб ҳар кимга жовдираб ётган.

Балки отанг бордир, туйғуси қўлмак,  
Аммо амали бор — бергувчи фармон.  
Мушқулмас, онангнинг ҳолини билмоқ,  
Унинг сени ташлаб, топгани армон.

Ўзи ташлаб ўзи дараклаб, сўраб,  
Юрап танғиб сутли қўкракларини.  
Ажаб, сени оппоқ чойшабга ўраб,  
Дазмоллаб кетибди қўйлакларингни.

Муҳаббат, севардим сени жон қадар,  
Сен бунда ишқмас, йўқ, кулфатсан, мастсан.  
Она, сен ҳам энди кетарсан бадар,  
Кайтиб бу қўйлакни дазмолламассан.

Билмайман, ким бунда ўтар солиб дод,  
Кимдан оз ё кимдан кўпроқ айб ўтди.  
Билганим кўрнамак, нопок икки зот,  
Бир тоза мевани поймоллаб ўтди.

Бировлар қаргайди куйиниб, бўзлаб,  
Биров кўз ёшини артар панада.  
Ҳар қўкракдан она исини излаб,  
Чақалоқ чирқирап касалхонада.

20 октябрь, 1980 йил.

## ЯРИМ УМР ЎЙЛАРИ

Оҳ, умримда яшагандан яшамаган умрим мўл,  
Ўртар мени яшамаган кунларимнинг армони.  
Ахир ҳаёт бошдан-оёқ тик тортилган узун йўл,  
Ҳисобда-да толғин кунлар қуриганда дармоним.

Ўттиз йилни яшасайдим ҳар он шуур сипқариб,  
Беҳис, бегам ўтган кунлар ўчса эди ҳисобдан.  
Мен уларни ўз умримдан ташлай олсам чиқариб,  
Балки қутулар эдим бу бўғизловчи азобдан.

Бир лаҳзалик ҳордиқ учун балки бир йил олдим дам,  
Бир лаҳзалик суҳбат учун балки йилни сарф этдим.  
Кекса шотут соясида кўзларимга қалқар нам,  
Балки бир кун қолар жойда ўн йиллаб қолиб кетдим.

Кунлар ўтди рост бахтни ҳам ёлғон деб, гумон айтиб,  
Заволига қолдим балки не ифорли гулларнинг,  
Гоҳ-гоҳ шеърлар ёзган бўлдим шиддат, ўтга шон  
айтиб,  
Ўзим ўтсиз суҳбатларда ютқаздим не йилларни,

Балки кимдир зор кетгандир меҳрим, юрак тафтимга,  
Ўлтирибман яшаб ўтган умрим қисқа туюлиб  
Яrim умр ўтди, олдим, юрак, сени кафтимга —  
Фамгин шотут соясида шом келаркан қюлиб.

Сен ўзинг-ку, ичкин нурим, бошимдаги порлоқ туғ,  
Ўтинаман, юрак, бутун бўлгин, бўлмагин нимта.  
Бергин айтар сўзларимга, бергин ёниб турган чўғ,  
Ён, беармон ёниб ўтай қолган яrim умримда.

24 сентябрь, 1981 йил.

## РҮМОЛЧА

(Баллада)

*Онам Шарофат Хонназар қизининг  
ёрқин хотирасига бағишлайман.*

Умримиз-ку абадиймас,  
Ногоҳ келса ниҳоя,  
Бир кун қилиб жонимга қасд,  
Үлим соларкан соя.

Шунда мени ул уммонга  
Қайтаркансан топшириб;  
Икков яшаган маконга,  
Қандоқ келасан кириб?

Қай тарз эшик итласан,  
Қалтирамай бефарёд?  
Қаддинг қандоқ күтарасан,  
Күкрагингдан босса дод!

«Энди она деймиз, кимни?»  
Үғлим боши хам келса  
Қизчам ҳидлаб күйлагимни,  
Үрён солар дам келса.

Софинишлиар қилмасми соб,  
Бирор қылса таърифим,  
Бу ғамларга қандогам тоб  
Берадурсан, ғарибим?

\* \* \*

Гарчанд сенинг мен хиёнат,  
Аҳдисизлигинг истамам.  
Аммо инон, то қиёмат,  
Бахтсизлигинг истамам.

Мен-ку Сенга абад толмай,  
Бахт бўлмоққа уриндим.  
Кечир, сўзим оқдай олмай,  
Аро йўлда суриндим.

Аро йўлда отинг ёлин  
Силамадим, кечиргин.  
Аро йўлда қолдинг, толе  
Тиламадим, кечиргин.

Энди эрир тоғлар қори,  
Бизнинг боғлар гулламас.  
Сочинг оппоқ оқарару  
Биров севиб, силамас...

\* \* \*

Йўқ, йўқ, нега энди, ахир...  
Яшашинг шарт устивор.  
Тирикка ҳам яшаш оғир  
Душмани бор, дўсти бор.

Йўқ, бошингни солма қуиि,  
Мен бошингни эгмовдим.  
Бу дунёдан шундай қуиि,  
Ўтарсан деб тегмовдим.

Бу не ҳолат, мудом ўйда,  
Ғамни таҳлаб юрмогинг.  
Ғанимат-ку кўча-кўйда  
Бахт етаклаб юрмогинг.  
Мен розиман, дўзахий ҳол,  
Токай оғу ютарсан?

Истар эсанг бирор аёл,  
Майли, кўнглинг кўтарса...  
Мен розиман!!!

\* \* \*

Аммо мендек ҳоли тангнинг,  
Қолмай десанг жабримга.  
Шул қора тонг рўмолчангни,  
Келтириб қўй қабримга.

Рўмолчаки тикиб шоён,  
Ишқдай совға қилганим  
Шул тонг балки бўлгай аён,  
Япроқдай тўкилганим.

Ўлганимни шул қора тонг  
Илк бор балки сездирап.  
Тириклардан, ўликлардан,  
Илк бор балки бездирап.

Илк бор ёғар бошимда қор,  
Қабрим билан чўкарман.  
Рўмолчага шул тонг илк бор,  
Сўнг бор ёшим тўкарман.

25 сентябрь, 1981 йил.

## КУЗГИ БОФ...

Кўнглим маъюс тортади кузги боғдаги ҳолдан —  
Кушлар мунгли, излашар хайрлашмоқ чорасини.  
Рангпар дарахтлар муnis солланишиб шамолда,  
Бош чайқашиб қиларлар «йўқ, йўқ» ишорасини.

Сўнги келади бир кун ҳар базмнинг, хуш вақтнинг,  
Ботар пайтинг келгунча, қуёш, нуринг кўпроқ соч.  
Кушлар кетгач ранглари сомон бўлар дарахтнинг,  
Афтода, япроқларин тўкиб қолар яланғоч.

Қийин бўлар ажралмоқ бири-бирини сўйса —  
Қийин ажралганларнинг заволини кўргайсан.

Күш, дарахткы шунчалар бир-бири учун күйса,  
Ёраб, кузда Инсонга ўзинг тоқат бергайсан.

6 октябрь, 1981 йил.

\* \* \*

Мен «кетаман» дердим гүдак чоғларим,  
Сен ғирром ўйнасанг, ялинардинг «қайт»,  
Бугун ёз, гуллаган умр боғлари,  
Бугун ҳам тортишиб қоламиз гоҳ пайт,

Бугун бир-бировга гоҳ шоҳ, гоҳо қул,  
Яшаймиз ул кунлар кирав тушингга.  
Бу кун «кетаман» деб айтмоқлик мушкул,  
Тағин мушкул чидаш ялинишингга.

Севмасам, қачонлар келтирай имон,  
Кетардим сен, дунё, шонни қолдириб,  
Ва лекин сен бугун руҳимдаги жон,  
Мен қандоқ кетаман жонни қолдириб.

6 октябрь, 1981 йил.

## ТҮРАҚҮРФОНДА

*Туманда уруш қурбонлари шарафига ўрнатилган  
ёдгорлик олдига мингта қизил гул ўтқазилган.  
Хар бир қизил гул тупи олдига сағимизга  
қайтмаган қаҳрамонларнинг номлари битилган.*

Тоҳир ўлди, ерга кирди тириклийин сор бургут,  
Зуҳро ўлди, ерга кирди шамшод сарву сановбар.  
Қора тўфонга дуч келиб бирдай ўчди икки ўт,  
Кетса кетган маъқул экан иккиси ҳам баробар.

Мен кўрганман кетган Тоҳир, кетолмаган Зуҳрони,  
Ана бири... тек ўлтирас қўзларида қотган муз.  
Мажнун кетиб Лайли қолса ўт оларди саҳрони,  
Бул Зуҳро шул ўт ичида кун кўради то ҳануз.

Оҳ, бу уруш... тина бошлар қайтадан кўзим олди,  
Ёнган ўтинаш, одамнинг кули тушиб кўнгилга,  
Тасаввур қил, бир ёш йигит гулга айланиб қолди,  
Биз бир тирик жондан айру, эга бўлдик бир гулга.

Тўрақўрғон туманида мингта қизил гул ётар —  
Мингта шунқор йигит рамзи, кўнгил фарёд солма, бас,  
Оппоқ-оппоқ тонглар отар, қирмиз-қирмиз кун ботар,  
Бул йигитлар қаттиқ ухлар, Зуҳроларин эсламас...

Айрилиқнинг азоблари, шунча талхми, тахирми —  
Ошиқ бошин кўтармасми маъшуқага эмраниб.  
Зуҳројон, сен келгандинг-ку уйғотай деб Тоҳирни —  
Йўқ, Тоҳир йўқ, қабр устида бир гул турар тебраниб.

Шу манзилга қатнай-қатнай не Зуҳролар ўтди тоқ,  
Мен билмайман улар ғамин замин қандай кўтарган.  
Оҳ, Тоҳирлар, бевафолар ташлаб кетдингиз қандоқ,  
Тоҳиридан айро Зуҳро қачон гуллаб, кўкарган?!

Сўнг хаёлчан шу бугунги Тоҳирларни топаман,  
Табиат-ку уларни ризқ-муҳаббатдан қисмади.  
Сўнг сингиллар — Зуҳроларнинг манглайидан ўпаман —  
Бошингизга тушмасин деб ул Зуҳролар қисмати.

Зуҳроларки ҳар лаҳза шай ишққа қурбон бўлмоққа,  
Улар сўлиш билмай яшар Сизни суйиб, толдириб.  
Ҳеч бўлмаса Зуҳро учун ҳаққингиз йўқ ўлмоққа,  
Ўлдирмоққа ҳаққингиз йўқ, ортда тирик қолдириб.

Минг Тоҳир-ку мангу ухлар шуҳратларга кўмилиб,  
Минг Зуҳронинг узун умри хазон, гулга термулиб...

2 ноябрь, 1981 йил.

## БАХТ

Сен келдинг шамолдай шайланиб,  
Деразалар ёшилди дарҳол.  
Сўнг келдинг ёмғирга айланиб,  
Деразани ёпдилар, увол.

Сўнг қор бўлиб келдинг, кўзларин  
Деразанинг зичлаб ёпдилар.  
Қайтмас бўлиб кетдинг, Ўзлари —  
Сени излаб ортдан чопдилар.

Ўнг келардинг, мен дердим: «Бу — туш», —  
Шундай ўтди гул йиллар урён.  
Аввал қувиб қанча вақт сархуш —  
Кейин излаб қанча вақт гирён.

## СУКУНАТ

Уйимиизда сукунат, оғир...  
Тошқун денгиз шовқини тинди.  
Бу сукутдан туйғулар оғрир  
Энди қандай яшаймиз, энди.

Дараҳт япроқ тўкаётган кез  
Жунжиккан ел кўксимга кирап.  
Ияигига қўлин тираб куз  
Рўпарамда маъюс ўлтирап.

Ёрилгудай юрагим, йўқ, йўқ,  
Денгиз кетди, келгил қайтариб.  
Йўқса сўзлар санчилгувчи ўқ  
Кўринишлар ярадор, гариф.

Денгиз кетди, кетди иноқлик,  
Икки кўнгил икки ёнда хун.

Менинг умрим денгизга боғлиқ,  
Сен гирён у кетгани учун.

Тұлқынлари қирғоқни ювиб,  
Ул чайқалиб топар-қу бизни.  
Аммо қачон сукутни қувиб,  
Қайтарамиз уйга денгизни.

Үйимизда сукунат, оғир...

4 ноябрь, 1981 йил.

### УРУШ БУ БИР ҚОРА СҮЗДИР...

Уруш, бул қоп-қаро сўзни кўчиаркан мен оқقا,  
Дейман уруш, бу мажруҳ дил, бу хато йўл, поймол,  
шан.

Шом қўйилар, бобосини гўдак тутар сўроқча,  
«Бобо, нега қўлингиз йўқ, оёғингиз ёғочдан?»

Во дарифо! Ўйга толар, умр қайта яшалар,  
Баргдай титраб ўтмишини қайта ўтаркан босиб,  
Кечагидай кўриб турар: «Вокзал, жигаргўшалар —  
Хотинининг «кўришмаймиз!» деб, кўтарган уввоси,

Улар қайта кўришмади, тўғри чиқди мудҳиш фол —  
Ўлимлардан ўлмай қайтиб ўз уйида музлади.  
«Бандалик — бу, метин бўлгин», — тўзим тилаб қўшни  
чол —

Хотинининг туғолмасдан ўлганини сўзлади.

У биларди; қалб остида хотини не яширган —  
Ҳайҳот, хаёлида уни бекор аяб юрдими,  
Тўрт йил ёшли кўзларини ўзи билан таширкан —  
«Ўлмагин», деб ўлган кўзлар уни суюб юрдими?

Кейин эса... ох кейинги ҳаётида не маъни  
Она сутин тотмаган шу гўдагини ўстирди.  
Фақат уни кўтармоққа қўл йўқ эди тутгани —  
Сўнг илдиздай чириётган оёқни ҳам кестирди.

Кейин эса, кейинини айтиб ҳам не қилади —  
Уруш унинг тик қаддини ўтди-ку босиб-янчиб.  
Унинг тўфонлари аро умид тоғи қулади —  
У тугаган одам эди, бўлмаса шу юпанчи.

Унутмоққа уринади кўзларига тер тушиб,  
«Во дариф», дер, артмоққа бир қўл йўқ, фалак иши-да.  
Унутмоққа уринади қонларига қоришиб,  
Тунлар танк тагида қолиб, қичқирмаса тушида.

Тушларида хотинининг нозларидан кўп куйди,  
Тушларида ул боғларда ўйнар ғамлардан холи —  
Чорлаб қочар, қувай деса оёқ ёғоч, оғрийди  
Кучогига тортай деса қўл йўқ, қурир мажоли...

Уруш — етим чақалоқ у, поймол одам, поймол шан,  
Мен бу қаро дардни қандоқ оқ қофозга куяман...

5 ноябрь, 1982 йил.

## ОНАЛАР ҲАҚИДА

...Энажон, учайми Сизга худди ўқ,  
Энажон, йўл қараб кўзларим толди».  
— Гўдагим, шаҳарга боролмайман, йўқ,  
— Тоғангнинг хотини кўзилаб қолди.

... Ўғлиму, онамнинг ёзган хатларин  
Ногоҳ ўқиб қолиб ёндим, қизардим.  
Бу бизнинг айбимиз — турган қатланиб,  
Бу менинг ҳеч кимга айтмаган дардим.

Умр-ку ўтди, босиб уруш деган тоғ,  
Хануз ўртар бевақт ҳижрон соглан из.  
Нечун шу кексалик чоғлари ҳатто,  
Унга беташвиш баҳт беролмаймиз биз.

Сўзда-ку юксакдан юксакка олиб,  
Чиқарип қўямиз аршга улуғлаб.  
Аҳвол танг келганда биз четда қолиб,  
Энг мушкул ҳолларда нега улар даф?

Беллари букилиб, кўтааркан даст,  
Эзгу умидларга йўғрилган чоқда  
Мунаввар келажак ота-онамас,  
Эналар қўлида йўлга кирмоқда.

### Майлига

Ва лекин, дўстларим,  
Толғин чехраларга қуйилсин нурлар.  
Гўдаклар бир нафас Сизларга ўтсин,  
Бир лаҳза бор кир-чир, супур-сицирлар –  
Таманно келинлар, қизларга ўтсин.

Бизлар ҳам тўхтатиб пойгани, отни  
Уни авайлайлик бир ғанимат он.  
Бор умрини бизга баҳш этган зотни,  
Бир лаҳза севмоққа топайлик имкон.

Бир лаҳза «чоп-чоп»у, «қув-қув»дан бўшаб,  
Эрк берайлик беҳол, шавқ, оҳимизга.  
Бир лаҳза яшайлик фарзандга ўхшаб,  
Онамизни олиб паноҳимизга.

Йўқса бу нораста нидо қўймас, йўқ,  
«..Энажон, учайми Сизга худди ўқ»...

16 ноябрь, 1981 йил.



\* \* \*

Бу ўғил меники эмас аслида,  
Гарчанд энг сүнгги дам күзларим ёпар.  
Мен уни топгандим ишқим фаслида,  
Ишқ фаслида у ҳам ўзгани топар.

Бу қыз ҳам биревга кетадиган гул,  
Ушлаб қололмагай на зар, на тилло.  
Мендан-да меҳрибон кимса бўлар ул —  
Мендан-да вафодор чиқар ул илло.

Бу шеърми, шеърни ҳам ўзгалар олди,  
Рашку гумондан гоҳ рангларим сомон,  
Шеърки бу бошимга минг favfo солди,  
Келиб-келолмайман ўзимга ҳамон.

Воажаб, бул қадар ёлғизлик нега,  
Фаройиб бу ҳаёт — биз ўтар йўлак.  
Ҳеч ким, ҳеч нарсага мен бўлмам эга,  
Севгилим, сенга ўз ишқимдан бўлак.

5 декабрь, 1981 йил.

### ҚЎЛИНГНИ БЕР...

Қўлингни бер, танҳоликни йўл ёқтирмайди,  
Қўлингни бер, танҳони тез уради яшин.  
Одам ахир ўзи учун гуллар термайди,  
Ўзи учун ичмайди ишқ, изтироб ёшин.

Ҳисларимни юрагимда қотмасин десанг,  
Қўлингни бер, туйғуларим тўкиб кетайин,  
Қўёшимни ном-нишонсиз ботмасин десанг,  
Сен дарё бўл, мен дарёга чўкиб кетайин.

Биласанми, кўкрагингда қанча дуру зар,  
Агар Сенга мен чўкмасам улар йитади.

Топсам, олиб чиқа олсам ул жавоҳирлар —  
Иккимизнинг яшашимиз учун етади,  
Кўлингни бер!

5 декабрь, 1981.

\* \* \*

Саволларга мени ўрама,  
Бу йўллардан ўтар чофимда.  
Ким учун келдинг деб сўрама,  
Ёниб сенга етар чофимда.

Кўзларимдан кетаркан тумон,  
Гуллар ўssa кўнгил боғимда,  
Ким учун деб қилмагил гумон,  
Ишқий шеърлар битар чофимда.

Ошиқ — ўзин ўтга урган жон,  
Ишқ — қувончим, ишқ — дил доғим-да.  
Ким учун — деб бўлмагил ҳайрон,  
Ишқ деб куйиб-йитар чофимда.

Ишқ кийик-ку, қилиб бўлмас ов,  
Сайёд юрмас кўнгил тоғимда.  
Ким учун деб боқмагил синчков  
Талх зардобрлар ютар чофимда.

Кўзларимда «алвидо» қалқиб,  
Бир тумонат сўлу соғимда.  
«Сен учун» деб айтарман балки,  
Сўнгги йўлга кетар чофимда.

9 декабрь, 1981 йил.

\* \* \*

Эй сен, бўйин эгмас фурур боласи,  
Ким тўқдирди кўздан ишқинг жоласин,  
Бўйнингга ўрадинг сочим толасин.  
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Тоғлардан гап очма, тоғ сенга йирок,  
Боғлар ҳам, гарчандки гулга кирган оқ.  
Улар сенинг күнглинг гуллатмас бироқ,  
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Умрингга баҳт келсин атири уфуриб,  
Ё фам келсин қора кийимда кириб,  
Мен борман, сен фамда қолмассан қуриб,  
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Ёнингдаман ризқ-рӯз ортиқ-камда ҳам,  
Танҳо, ё дўст-ёрон жамул жамда ҳам,  
Бу дунёга видо айтар дамда ҳам  
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

Олдин кетсам руҳим бошинг тутадир,  
Ортда қолсам күнглим сен-ла кетадир,  
Ҳар икки дунёга ишқим етадир —  
Сенинг мендан ўзга бўлмас яқининг.

4 марта, 1982 йил.

\* \* \*

...га.

Метин ақл, метин тартиб, айландингми метинга,  
Ҳароратли муҳаббатинг етишмай қолди менга.  
Дилинг қаттиқ, қўлинг қаттиқ, уларда сир, титроқ  
йўқ,  
Кўзинг қаттиқ, сўзинг қаттиқ, нақ мўлжалга тегар  
йўқ.  
Гарчанд севмофинг ҳам қаттиқ, жон-жонингдан  
суюсан,  
Аммо бу кўз, бу сўз билан бир кун отиб кўясан.

11 марта, 1982 йил.

\* \* \*

Эмишки бир хонадонга ўт кетса бутун,  
Қарға бир чўп ташлаганмиш, ёнсин деб такрор,  
Қалдирғоч бир томчи ёшин тўккан эмиш хун —  
Қиёқ тилли бу оловга қиласа ҳам кор.

Ватанлар бор, ёнар ўтга қиёс қиласман —  
Унга ҳар ким борин бериб кўнгил ёради.  
Қайлардандир қарғалар ҳам борар, биламан,  
Биздан унга фақат қалдирғочлар боради...

18 марта, 1982 йил.

## НИҲОЛ

...га.

Уругини бошқа одам экканди асли  
Бошқа бири бўлди унга баҳт бағишилаган.  
У куртакка айланганда илк баҳор фасли,  
Ундан йироқ кетган эди уруғ ташлаган.

Ҳар зарбага тоб беролмас ҳар қандайин тош,  
Экмоққа-ку экди орзу-ўйларга чўмиб.  
Аммо аччиқ меҳнатига беролмади дош,  
Аммо қийин меҳнатидан кетди кўз юмиб.

Бошқа бири қалқон бўлиб селга, яшинга,  
Ўстирди сувга қондириб, бўғзини чопиб.  
Гоҳ ҳосилга кираркансан қавму ҳешингга,  
Фоят азиз бўласан сен, келарлар топиб.

Худди шундай, ниҳолнинг ҳам «эгаси» чиқди,  
«Ўзи айтсин, мен экканман, гувоҳ еру кўк».  
Ниҳол ҳарчанд таниш учун кўзларин тикди,  
Танимади, танимади, танимади, йўқ...

Танимайди! Бу бешафқат қонуний қасос,  
Асосида «бемеҳрлик» деган нақд асос.

11 марта, 1982 йил.

## САДОҚАТ

Отани маҳзун ғам, хасталик ютди,  
Фарзанд юксак-юксак авж учар фасли.  
Учмай, ташвишларга кўмилиб ўтди,  
Бу отага юксак садоқат асли.

Майли, ишқ ҳақида чекмаса ҳам оҳ,  
Балки бу ҳам сўзсиз ишқ тоқатидир.  
Аммо ўзин унга санарми паноҳ,  
Бу эрнинг аёлга садоқатидир.

Юраги ҳақида очиб юрманг фол,  
Буни текширмасдан ҳис этган маъқул.  
Силаб, кўйлагига урдими дазмол,  
Аёлнинг эркакка садоқати шул.

Бошга кўтарингиз тортмасдан ҳадик,  
Чидаб танбеҳларин кўпу озига.  
Келин боқолмасми кўзларига тик,  
Садоқати шулдир қайнонасига.

Шундай, садоқатга ўлчов борми, бас,  
Инсонни ҳам инсон қилган шу ҳис, куч.  
Инон, баҳт қушининг қаноти синмас,  
Шу хил белгиларга келиб турсак дуч.

15 марта, 1982 йил.

## ШАҲИДЛАР

Шаҳидлар, қирқ йиллар йирокда юриб,  
Унутмайсиз ишқнинг хуш чоғларини,  
Тунлар иситасиз тушига кириб,  
Бева аёлингиз қучоқларини.

У қайта яшариб, ўртаниб суяр,  
Баҳт қуши фуссасин ариттанида.

Аммо у қүшини учиреб қўяр  
Тонгти нур уйини ёритганида.

Тонглар тушдан чиқиб, айтиб алвидо,  
Мангулик маконга ётурсиз бориб.  
Курашиб ётурсиз ҳануз жон фидо,  
Гулдай танингизни тупроққа қориб.

Асли Сизнинг қудрат ёвларни енгди,  
Куладингиз қатор, зич бўлиб туриб.  
Душман биз томонга ўтолмас энди,  
Йигирма миллион шаҳид устидан юриб.

*21 марта, 1982 йил.*

## БОБУР

Урушдан ҳеч ким ҳеч нарса ютолмаган ҳеч қачон,  
Ютқазгани кўп бўлгандир аммо ундан инсоннинг.  
Битта мисол, Бобуршоҳ авж гуллаган чоғ беомон —  
Қўшин тортиб босиб олди дейлик ярим жаҳонни.

Жанггоҳлардан, курашлардан топса умрбокий шон  
Кезмас эди вужудан шоҳ, қалбан парчин, ер бўлиб,  
Машварату майшатлар забт этганда бегумон  
Устувор қалб қайтгач маҳзун, тўкилмасди шеър бўлиб:

«Толе йўқи жонима балолиф бўлди,  
Не ишники айладим хатолиф бўлди,  
Ўз юртни қўйиб ҳинд сори юзландим.  
Ёраб, нетайин, не юз қаролиф бўлди».

Гарчанд, суюк, буюк инсон, гарчанд собит ирода,  
Ўз юрти деб ўртамаган бирор они бўлмади.  
Бу ҳолатни қайси тақдир ортиқ қилур ифода,  
Ярим кўнгил ҳатто ярим жаҳон билан тўлмади.

Тожу тахтлар қутқармади қийноқдан митти жонни,  
Ўз кўнглида туйиб ўтди жаҳоннинг бор фироғин.

Гарчанд ақли ёритса ҳам ярим рүйи жақонни  
Ёқолмасдан ўтган каби ўз қулбасин чирогин.

21 март, 1982 йил.

## КУМУШНИНГ ЎЛИМИ

Отабекнинг Зайнабга айтган «талоқ»  
сўзини эшишиб, жон талвасасида ётган  
Кумуш «ярқ» кўзини очди... ва қайта юмди.

«Ўтган кунлар»дан.

Узун қабоҳат қўли юлди сарву суманни,  
Заҳарга қўшиб қорди оташ ширинаханни.  
Келган жойи шу бўлди ишқ деб йўлга чиққаннинг,  
Кумуш, қўзларинг қайта юмилмаса бўлмасми,  
Шундай сарв тупроққа кўмилмаса бўлмасми?!

Оҳ аёл, биз аёллар ишққа гирдикапалак,  
Шу ишқ ортидан куйиб бўлдик доимо ҳалок,  
Ойдай Кумуш «Бегим..»лаб ўлиб бораётган чоғ,  
«Ойи... Дада...» ул икки меҳрибондан йироқда,  
Гўраклиги гувраган Марғилондан йироқда.

Гарчанд Отабек билан яйраса ҳам барқ уриб,  
Ул кундошли тунларни ўtkазди михда юриб,  
Ахир социдан хушбўй райҳон ҳиди уфуриб,  
Ёстиғига ёлғиз бош қўймоққа маҳкум эди,  
Отабекдай бегидан кун ора маҳрум эди.

Аммо ишқнинг ғолиблик куни яқинлашарди,  
Сезган сайин икки дил туйгулари тошарди.  
Сезган сайин Зайнаб ҳам ортиб бораркан дарди,  
Узди яшноқ вужудни, жоҳил, қўл билан узди.  
Икки шан шеър байтини чизди, устидан чизди!

«Гулим», ёнди Отабек ичдан қулаб кетган тоғ,  
«Зайнаб, Сенга минг лаънат, талоқсан Сен. Кет, «талоқ!»

Кумуш ярқ қүзин очди бу сўзни эшитган чоғ,  
Қайта юмди... воҳ дариф, шу сўзмиди бор илинж,  
Сўнг Отабек қўксига бош қўйиб жон берди тинч.

Кулимсираб худди-ку уялгандай жон берди,  
Шу сўз балки докадек юзга қайта қон берди,  
Шу сўз балки шу хилда ўлмакка имкон берди.  
Тириклиқда бу сўзни эшитсайди бирор кун.  
Билмам, яшолармиди кўтариб бу баҳт юкин?!

Энди ишқмас тобутни, Отабек, қон кўтаргай,  
Бу ишқ шарҳин Қодирий, ўртанган жон, кўтаргай,  
Ҳали-ҳануз ишқ дардин дардкаш инсон кўтаргай,  
Қай аёлки оҳ уриб ишқин айтиб келадир,  
Хаёлимда у билан Кумуш қайтиб келадир.

Сиз бугунги Кумушлар аёл зотин сараси,  
Сочингизни то абад ишқ қўллари тарасин,  
Отабеклар топса ҳам қовушмоқнинг чорасин.  
Осон эмас экан-ку абад асрамоқ, суймоқ,  
Осон экан-ку ахир сизни бой бериб қўймоқ.  
Узун қабоҳат қўли юлди сарву суманини...

4 июнь, 1982 йил.

### УЧИНЧИ ДЎСТ

(Шу номли туркумдан)

Билмадим, мен сени севган лаҳзадан,  
Бошимга не баҳту балолар тушди.  
Ҳеч кимга бўй бермай, бермадим мен тан,  
Гарчанд шеъримга қон, лолалар тушди.

Билмадинг, Сен мени севганинг ондан,  
Ҳаётингга қай ғам, чаманлар тушди.  
Тўйганинг йўқ эди ахир ёш жондан,  
Жонга қасд таранг ёй, камонлар тушди.

Билмадик, чунки биз ҳеч қолмадик ток,  
Туриб бердик Сен, Мен, Мұхаббат иноқ.  
Чунки иккимизни күтәрган офтоб —  
Ишқ берди биз учун бор жазога тоб.

Шундан, учинчи ДҮСТ — Ишқимизни биз,  
Севамиз, жондан-да ортиқ севамиз.

18 июнь, 1982 йил.

### **БИР ХОНАДОНДА**

«Хавфли ёши» фильмини күриб.

Эркак маъюс эшиқдан кирап,  
Аёл чиқиб кетади маъюс.  
Ташқарида күклам қулф урар,  
Хонадоннинг ичкариси — куз.

Эркак ўзи билан андармон,  
Аёл ўз иши билан шошар.  
Бунда гўдак бир бегуноҳ жон,  
Иккисига талпиниб яшар.

Не иккисин кўкрагида доғ,  
Бу ишқдаги не тур сафирлик,  
Икки нураб бораётган тоғ  
Бир гўдакка қилас оғирлик.

Бунда бойлик, давлат қатма-қат,  
Жондан бошқа топилар, сўз йўқ.  
Иккисини боғлаган фақат  
Ишқ, ўртада — УЧИНЧИ ДҮСТ йўқ.

Гўдак бир вақт ўша дўст сабаб,  
Бунга келган, севилган жондан.  
Кейин билмас ўтди нима гап,  
У дўст кетди бу хонадондан.

Эркак, аёл шукуңсиз кун-тун  
Йироқ экан унинг ўтидан.  
Гўдак кетар эртами-индин  
Шу — УЧИНЧИ ДЎСТНИНГ кетидан.

Йўқ, бир ўзи беролмайди тоб,  
Ишқ яшаса қайдадир, сафир.  
Ахир икки қулаётган тоғ  
Бир гўдакка оғир, кўп оғир.

*18 июнь, 1982 йил.*

## ҚИЗНИН УЗАТАЁТГАН ОНА ЎЙЛАРИ

Мен Сени ер-қўкка ишонардимми,  
Қизнинг чин баҳти бу, тақдир иши бу.  
Майли, юрагингга кирган мардингнинг —  
Бошга қўнган, кетмас хумо қуши бўл.

Не дейин, не дейин, мен ҳам дейин,  
Қизим осто намдан оёқ узар чоғ.  
Хонадон ҳувиллаб қолгандан кейин  
Күшини учириб юбораракан боғ.

Хатодай туюлар менга ушбу хат,  
Ушбу тақдир, қалбга санчма тифингни.  
Мен ҳеч ўйлабмидим шундай оз фурсат,  
Қизим, ўз онангга меҳмонлигингни.

Ёшлигинг ўтдими шўх, хандон отиб,  
Мурғак юраккинанг озор чекмайин.  
Олмадай бирорвга узатаётиб  
Не учун кўзимдан ёшлар тўкмайин.

Ўйларинг йўқмиди мендан яширин,  
Туйғуларинг ғамдан ёнмаганмиди...  
Тушунтира олмай менга гоҳ сиринг,  
Ёстиққа кўз ёшинг томмаганмиди?

Бўлмаганми, айтгин, Сен норизо пайт,  
Бағримизда кечган қувонч, мунглардан.  
Сен айт, болажоним, розимисан, айт,  
Отанг уйидаги ўтган кунлардан.

Тинаётган кўзим Сенга тикаман,  
Қучоғимдан Сени олди-ку тақдир.  
Бу тақдирга қандоқ мен кўникаман,  
Билмам, куним сенсиз қандоқ ўтадир?!

Майли, Сен борар боғ энди кўрмай кам,  
Толе менинг меҳрим шу боқقا солсин.  
Мен ола билдимми кўнглингни, билмам,  
Болам, борар жойинг кўнглингни олсин.

Мен сени ер-кўкка ишонардимми?!

26 июнь, 1982 йил.

## УЗАТИЛАЁТГАН ҚИЗ ЎЙЛАРИ

Хуш қол, райҳонмисол илк ёзганим барг —  
Илк очиб, ёпганим эшик, яхши қол.  
Тарқ этиб кетяпман, этолмасдан тарқ,  
Онам бағридаги бешик, яхши қол.

Жавдирашлар қандоқ тинч қўйсин мани,  
Гўдак сингилларим — чиннигулларим.  
Волидам қўлидан ипни, игнани,  
Сиз қачон олурсиз, чучук тилларим.

Акалар, тўфонни тўсар тоғларим,  
Нур тушсин десангиз менинг роҳимга,  
Юмшагайсиз, Сизга умид боғладим,  
Озор бермагайсиз қиблагоҳимга.

Ҳаёт бу, гоҳ ҳазон, гоҳо қўкариб,  
Яшаб кетгайсизми бут қилиб камни...

Кетоларми坎сиз бошда күтариб,  
Кекса, гүдак бўлиб қолган отамни.

Яна онам, яшаш, уй ташвишлари,  
Ўзи эгик қаддин қўймасми эгиб?  
Чақнаб юргаймикин мунглардан нари,  
Тетик қадамлари қувончга тегиб?!

Қизга ота йўли — энг қисқа йўлдир,  
Мен-ку ҳол сўрмоққа учтайман ҳар вақт.  
Тунлар дуодай ёд тилагим шулдир,  
Ота уйим, сендан юз бурмасин баҳт.

26 июнь, 1982 иил.

## КЕЛИН ТУШИРГАН ОҚШОМДА ҚАЙНОНА ЎЙЛАРИ

Богимда бироннинг булбулгинаси,  
Богимда чорланган дўсту ёр жами.  
Кўзимнинг устига узри, гинаси,  
Кўзимнинг устига пойи қадами.

Бироннинг булбулин дийдаси ёшли,  
Ўксиманг, дийдангиз артарман, болам.  
Қайнонага эшигин демангиз «тошли»,  
Мунгайсангиз маъюс тортарман, болам.

Менда ҳам оч кўзда кўрган бир булбул,  
Мен уни топганман қанча ёш тўкиб.  
Шод кўрсам, бир қарич ўсган куним шул,  
Йиғлаган кунингиз қолгайман чўкиб.

Ёлғизим қўш бўлди, менинг бағрим бут,  
Кўксим тоғ, тенгига қўшдим деб тенгни.  
Ўғлим, жуфт-ҳалолинг кўнглин овлаб ўт,  
Келин овлаб ўтсин Сенинг кўнглингни.

Мен эсам ўртада куюнчак бир жон,  
Мен учун ҳам севинг бир-бириңизни.  
Кўзимга тўлмасин десангиз армон,  
Кўздай авайлангиз ишқ, сириңизни.

Ўстирдим, бургутдай авж учар чоғда,  
Сизга бердим, дарду ғам солмасин чанг.  
Мен-ку асрагайман Сизни қароғда,  
Жон келин, Сиз менинг қўзимни асранг.

26 июнь, 1982 йил.

## ЁЛФИЗ АЁЛ ХАТИ

Сен севиб баҳтимга бўлғандинг зомин,  
Сен севиб баҳтимни кетғандинг юлиб.  
Айтгил, ёлғизликнинг аччиқ аламин,  
Икков баб-баробар олдиқми бўлиб.

Эшигингни балки учиб худди ўқ  
Баҳт очар, бағрингда тўлғанар соchlар.  
Менинг эшигимни гезарган, совуқ,—  
Бир-бир босиб келиб ёлғизлик очар.

Сен эшиқдан кирсанг ёниқ дил билан  
Балки баҳт отилар кучоғингга тик.  
Мен эшиқдан кирсанг муздай қўл билан,  
Белларимдан маҳкам кучар ёлғизлик.

Баҳт Сени жон билан севар бетоқат,  
Кўзингда ҳис этиб ишқ зарбларини.  
Менинг ҳам кўзимга севиб, ютоқиб,  
Ёлғизлик босади муз лабларини.

Тушда висолларга кетдим кўнишиб,  
Тушдаги тонгларим чараклаб отар.  
Тошдай ёстиғимнинг ярми меники,  
Ярмида ёлғизлик — бош қўйиб ётар.

Фақат тонг отлансам, қололмас ушлаб,  
Ярим тун қайтсам ҳам, рашқ, ғазаб йўқ, шан.  
Барин ичга ютиб, қўксимга муштлаб  
Мен ёниб кетяпман, ёниб кетяпман.

Суйиб, балки мендек куйиб худди шам  
Яшаяпсан, фарқ йўқ, қандай ўтдинг Сен.  
Фақат айт, ўз қўлинг билан қандогам,  
Мени ёлғизликка қўшиб кетдинг Сен.

4 июль, 1982 йил.

## БУ ФАСЛ

Тағин қийғир, қумри ўнгир, қиёда,  
Тағин бургут юксак ўрлар зиёда,  
Тоғларга етдингиз пойи пиёда.  
Ота, оппоқ тоғлар фасли бу фасл.

Дерсиз «Кўп гапириб ёқмасман Сизга»,  
Ўгитингиз нури — тўтиё бизга.  
Саркаш фарзандларни солингиз изга.  
Она, қўнғироқлар фасли бу фасл.

Фиркўк ёли бўрон янглиғ, учарак,  
Кўзларида ўт, шон янглиғ учарак.  
Омаддан бир нишон янглиғ учарак.  
Ака, учар чоғлар фасли бу фасл.

Сева-сева севилмоғинг оширдинг,  
Бекам, ўзни қай ўғлонга топширдинг,  
У не тутди, қўксинг аро яширдинг,  
Синглим, юзда доғлар фасли бу фасл.

Ишқ қирғоқдир асли топса жойини,  
Кетмоқликка қўймас Сизни ёйилиб,  
Ҳар ўтганга кўз солмассиз қайрилиб,  
Ука, ишқ-қирғоқлар фасли бу фасл.

Унда-мунда ухлаб қолган гўдаксаҳт —  
Чимга нақш олмалар тўкибди дараҳт,  
Гўдакларни ердан кўтарадир баҳт,  
Юртим, тўкин боғлар фасли бу фасл.

Соғмисан, ишқ билан, баҳт билан оғри,  
Не тонг бу, кўзимга юлдузлар ёғди.  
Бу фасл шоирмас, кимики соғдир,  
Шоирлар носоғлар фасли бу фасл.

5 сентябрь, 1982 йил.

## БУГУННИНГ БУ САВОЛИ

*Урушга кетган ҳар юз одамдан тўқсон еттитаси  
жанг майдонида ҳалок бўлди.*

«Юность»дан.

Жангга кетган ҳар юзтадан ўлди тўқсон еттиси...  
Ҳар бир уйда сочларини тараб қолди етим моҳ.  
Бу уйлардан абад кетди эркак иси, баҳт иси,  
Бу уйларга абад келди бўйдор ҳижрон, бўйдор оҳ.

Бул кун тўқсон етти уйнинг етимлари етилди,  
Не кунларни кўриб босдик, қирқ йиллик йўл, орани.  
Балки дерсиз, «қора кунлар ортда қолди, ўтилди»,  
Дерсиз, «энди учратмасмиз етимни, бечорани»,

Мен ҳам шунга ишонардим, ишонардим жон билан,  
Гоҳ ҳаётда ўйларимнинг тескарисин қўрмасам.  
Шеър ҳам ёзаверармидим қарсак билан, шон билан,  
Анор гули янглиғ қизнинг хасратини сўрмасам.

Мен эшилдим қиз-йигитнинг номин қилганлар қаро,  
«Ошиқ-маъшуқ»ликда айблаб мактабдан четлатишган,  
Муаллимлар сўнгги синфда, сўроқ, тўполон аро  
У иккисин ўқитмоқлик баҳридан ҳам ўтишган.

«..Биз еттинчи синфда эдик», кўзларида ҳасрат, дуд  
Қиз бошларкан ҳикоясин маъюс, хотиржам эди.  
Синфда олти ўқувчидаги ота-она эди бут,  
Қолган барча-барчамизда кимдир, недир кам эди.

Бирор ота, бирор эса онадан сўз очмасди,  
Қай бирорда иккок ҳам йўқ, демак сўз йўқ, ҳоли танг.  
Фақат шу олти ўқувчи кўзин олиб қочмасди,  
«Отанг, онанг?» зил саволлар келганда зич, кўндаланг.

Олтovида гуркирарди болаликнинг баҳт ёзи,  
Улар шодон қийқирганда бу дунёга сифмасди.  
Қолган барча-барчамиз ҳам кимлардан дир норози,  
Барчамиздан узун эди шу олтovининг дasti.

Шундан бошлаб мен ўзимга бир лойиқ жуфт ахтардим  
Кечириңгиз, туйгуларим Сизга айтдим яширмай.  
Чунки оғирлик қиласарди бир ўзимга бор дардим,  
Сақлаб қолмоқ бўлдим ўзни тушкунликка топширмай.

Тезроқ эрга тегсам дедим, топсам бир мард лочинни  
Дуркун болалар ўстирсан ишқ майсаси кўкариб.  
Узун тунлар ҳидлаб чиқсан гўдакларим сочини.  
Тонг, отаси олиб кетса боғчасига кўтариб...

Шундай бўлди, синфдошимга тегдим жон билан суйиб,  
Бу менга баҳт, майли кимга фийбат, кимга панд  
бўлган.

Мен отамнинг юз-кўзини эслай олмайман тўйиб,  
Масъул онам ҳам доим ўз иши билан банд бўлган.

Ўқимасам-ўқимасман, мен меҳрга оч инсонман,  
Умрим бўйи бирор марта баҳт ёзиб қулочимни  
Отасининг елкасида ўйнамаган бир жонман,  
Онам ўз ишидан ортиб ҳидламаган сочимни.

Йўқ, мен бундай яшамасман, умрим куяр шам қилмай  
Бахтим дил сўраса унга мен жонимни тутгайман.

Мен гўдаклар ўстиарман бир кўзини кам қилмай  
Улар боис не юк келса, елка тутиб ўтгайман...»

\* \* \*

Жангга кетган ҳар юзтадан ўлди тўқсон еттиси,  
Нақ қирқ йиллик деворларнинг ортида-ку, ул тунлар.  
Бул кун нечун хонадонда камаймоқда бахт иси,  
Қайдан пайдо бўлмоқдадир бул кун тириқ етимлар?!

Айтинг, бул кун бунчалик мўрт хонадонда устунлар,  
Бунча мискин сўнг уларга суюнолмай қолгувчи.  
Бул нимадир кўкраклардан ўрлаётган тутунлар,  
Бул сабаблар, тақдирларни турли йўлга солгувчи...

Унда, урушга юкладик бор етимнинг уволин,  
Бугун кимга юклармиз бахт-бекорлигин бугуннинг.  
Нақ бўғзига келиб қолган бугуннинг бу саволин  
Бугуннинг бу мажруҳ дардин, bemorligin бугуннинг?!

5 сентябрь, 1982 йил.

### ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГТИ НИДО...

Кимга ўткам зорим, бу мунг, бугина,  
Конларимда қолди не болагина.

**МИРТЕМИР**

Не бир гўдакларнинг заволиман мен,  
Мангу унугтганман недир ширин хоб.  
Дунёнинг кўндаланг саволиман мен,  
Ҳали-ҳануз ҳеч ким топмаган жавоб.

Сўраманг умримнинг баланд-пастидан,  
Умрим — алоқ-чалоқ, босиринқи туш.  
Узун умрим бўйи бешик устида  
Бедор, қалқиб ўтсам эмасмиди хуш.

Ахир узун тунлар зил, күрғошин тан  
«Оҳ» урсам оҳимдан ёстиғим куйиб.  
Умрим ўтмадими бир бор тутмасдан  
Гүдагимга күкрак сутимни ийиб.

Мен ҳам аёл эдим мевадек суюк,  
Жон-жонимда сүнгган ўтларим билан.  
Қонларимда қолган не гүдакка ризқ —  
Күксимда қуриган сутларим билан.

Дунёга күндаланг саволдирман мен,  
Ҳеч ким жавоб береб қаролмайди тик.  
Ҳам баҳтсиз, ҳам хушбаҳт аёлдирман мен,  
Қирқ йилки елкамда «уруш» деган юк.

Баҳтсизлигим, тутаб кетдим гоҳ ўчдан  
«Ёлғиз ўтмади-ку қанча ёш-қари!»  
Баҳтим шу, уйимни қулфладим ичдан,  
Бу ўй судрамади мени ташқари.

Баҳтсизлигим шуки, ўтдим ишққа зор,  
Күрдиму қаддига қўзим тўймади.  
Баҳтим шу, кўйида сочим бўлди қор,  
Ётоғимга ўзга оёқ қўймади...

Баҳтсизлигим, умрбод кўз тикканларим —  
Қирқ йил, қайтмади-ей, сароб бор шукуҳ,  
Баҳтим, шу туйфуга кўникқанларим,  
Ҳайратдаман, қандоқ портламади рух.

Баҳтим... Баҳтсизлигим... санчаверди тиф,  
Гарчанд ҳамон бутман, демакки, ютдим.  
Хузур-ҳаловатли ердан, воҳ дариф,  
Мен ўз-ўзим билан курашиб ўтдим.

5 сентябрь, 1982 йил.

## ТУРНАЛАР

Сув тинди, гуллар хазон, турналар айтар видо,  
Кеч кузнинг сурати бу, кўнишиш ҳам керак-да.  
Не учун бу юракда сўнгсиз дард, сўнгсиз нидо,  
Куз келмай учиб кетган турналар бор юракда.

Кўзимнинг қирғоғига аччиқ ёш бўлиб келар —  
Зангор ишқ беҳиштига кирмаган турналарим.  
Тушимда чаппар уриб боғларга тўлиб келар,  
Ўнгимда кўзим тўйиб кўрмаган турналарим.

Қай юртда макон топди қай бирининг тупроғи,  
Ким билар қай денгизда қай бири чўкиб кетди.  
Кеч кузда, хусусан, шу турналар учган чоғи,  
Қайтмаган турналарим кўнглимни сўкиб кетди.

Қайтгани, қайтганига қарайман, тўкиламан.  
Бирида бир қанот йўқ, бирида эса бир кўз.  
Ярим жон... мен титроқда бисотим титкилайман,  
Қаддини кўтармоққа бўлай деб бир тирак, сўз.

Қайтганлар, қайтганлар ҳам сийраклашар кундан-кун,  
Хув қорда оқсоқланган уч-тўрт турнани қаранг.  
Кузатаркан кўнглингни тўлдирмасми қасос, хун,  
Асабларинг тортмасми чолғу симидай таранг.

Ҳеч йўқса шулар ҳаққи, лоқайд яаш иснодdir,  
Яшашиби, енгиб яаш... Бошқаси ортиқча гап.  
Ҳар лаҳза таранг тортиб яаш бизга қисматdir —  
Яшашимиз шарт бизнинг ханжар каби жаранглаб.

Улар-ку қасд қилдилар бизга фидо ўтмоққа,  
Бобо мерос қутлуғ қон қандоқ тинч қўйсин бизни?!

Ҳаққимиз борми айтинг, одамлар, унутмоққа,  
Қайтган, қайтмаган оппок, оқ турналаримизни.

Сув тинди, гуллар хазон турналар айтар видо...

12 сентябрь, 1982 йил.

## ТАРЖИМАЛАР



Фазу АЛИЕВА  
(Дагестон)

### ЧАВАНДОЗ БОЛАГА

Болажон,

Эгарсиз ва узангисиз

От қамчилаб бораётган чавандоз бола,

Сенга ҳасад қилаяпман.

Ху күринган булат янглиғ ҳасадим тиник,

Тұзғиб кетган соchlарингга

Илашган нурдай ҳасадим иссик,

Қачонлардир мен ҳам бунда

Отда учгандим.

Парга ўшшаб гоҳо чүкқи, гоҳ тошга тегиб,

Тоғдан тоққа

Худди булат янглиғ күчгандим.

Учган эдим

Порлаётган қүёшга тегиб,

Учган эдим

Отмас,

Довқур бир шамолнинг бўйнига ётиб,

Сочларимнинг узун, қора, шўх толалари

Отнинг сариқ ёли билан эшилиб кетиб,

Қичқиргандим, уча қолгин, отим, баланд уч.

Борарканман қүёш нурини ғамлаб дилимга,

Шундан буён ўша парвоз яшар мен билан,

Шундан буён нур қўшифи келар тилимга.

Болажон,

Сен бўш келмагин, шамолдай от сур,

Мен-ку энди шошиб, отга урмасман эгар.

Аммо ўша бир вақтлари жамлаганим нур —

Кулиб-кулиб тутатмоққа умримни етар.  
Болажон, сен учгин,  
Сенга менинг ҳасадим —  
От ёлида ўйнаётган нурдайин нафис.  
Бу нур таранг торга ўхшаб кетади асли.

*Силва КАПУТИКЯН  
(Арманистан)*

### УНУТИШ

Хаёлимдан тамом унутилса хонадон,  
Бурчимни унутсам, қийнамаса виждон.  
Унутилса шараф, бор наслу насаб —  
Дилимда тугилган муҳим гап.  
На юртим, на халқим билмаса бу сирни,  
Мисра, умидларим чиқиб ёдимдан —  
Ҳакамни унутсам, унутсам тақдирни  
Ярқираб сен чиқсанг олдимдан.  
Ибтидо, интиҳо, барча-барчасин,  
Сенга алиштирсам, қолсанг фақат сен  
Бир кун чўққилардан сенга қуласам,  
Кўчки мисоли.  
Сен — водийни, бир кўза янглиғ  
Ишқим шаробига қилсам лиммо-лим.  
Баҳорги сув каби эриш, қуюлиш,  
Гўдакдек суюкли, эрка туюлиш,  
Бегам, эҳтиётсиз, жимжит — севмоқ учун,  
Ишқдан ўзгасининг устидан кулиш,  
Мароқли, мароқли...  
Унутиб асосларнинг асосини,  
Кўтарай муҳаббат тахтига Сени.

Муҳаббат бир олов солсин-ки жонга,  
Айланиб кетайлик уммонга.



*Ибрайим ЮСУПОВ  
(Қорақалпоғистон)*

## **САКСОВУЛ**

Чайир құлларин унсиз күкка чўзган —  
Элдан четда кимлар ул, қайси ботир?  
Ҳеч ким эмас, ул қадим саксовуллар  
Поёни йўқ далани қоплаб ётириш.  
Бағрида ўти бордир тошкўмирдай,  
Юз-кўзларин чанг босиб ёш қўринмай.  
Ўз даласин ёвлардан қўриқлаган —  
Қадимги массагетнинг лашкаридай.  
Курашар олов сели, жабр билан —  
Йиқилса иши бўлмас қабр билан.  
Ёғмай ўтган булатларга ўчакишиб —  
Туядай чидаб берар сабр билан.  
Бўроңлар келиб уни юлқиласган,  
Аммо қўрқмас у ҳеч бир ғулғуладан.  
Артезиан излаган қазувчидаи —  
Томири билан чўл тўшин бурғилаган.  
Саҳро, қуюнга кўкрак кериб чидар,  
Билмас мاشаққатлардан сесканувни.  
Салмоғи мисоли фил суюгидай —  
Севаман чўл боласи — саксовулни.  
Уруғини ер танламай униши чин,  
Майли бошидан қору довул ўтар.  
Ёнса ҳам текин ёнмай одам учун,  
Бағридаги бор ўтни бериб кетар.



# “МУҚАДДАС АЁЛ”

китобидан

(1987)



*Кимтинасан, астагина күтаратасан бош,  
Минг йилликдир күзингдаги жовдираган ёш.  
Гуноҳкорлар минг-у, битта Сенга тегар тош,  
Сен барибир муқаддасаи,  
Муқаддас аёл!*



---



## БУ ВАТАН...

Мен Ватан сўзин қандай нафас билан айтаман,  
Бу йўлда қайдан бошлаб, қай нуқтадан қайтаман.  
У бир гўдак, мен уни қай тарзда улғайтаман,  
Билмам, ўзни англай деб кўз юмдимми қай фурсат?  
Шу хил турфа ҳолатлар аста ростлай бошлар қад.

Лампачироқ пилиги титраб, қуяр кечалар,  
Келинчаклар бошини музга қўяр кечалар,  
Чақалоқдан отасин ҳидин туяр кечалар,  
Куёв қайтиб келмайди, келган ғамни ғарамлаб,  
Келинчаклар фифони: «Вай тўрам-ей, тўрам»лаб.

Қад кўтараверади, йиллар деворин йиқиб,  
Бир тикилган маҳсими тўрт бор тўздириб, тикиб,  
Кўрпасин бошга торгса, оёфи қолган чиқиб,  
Қийин кунлар қорида юпун, иwigан аёл,  
Тирноғидан қон сизиб, кўсак чувиган аёл.

Шу келинчак, шу аёл Сенмасмидинг, дилбандим,  
Етмиш икки томирим, жигарим банди-бандим,  
Сен отамми, боламми, билолмайман, асли ким,  
Бир четида қўёшдай онам ботган Ватаним,  
Бир четини қўриқлаб отам ётган Ватаним.

Отам бўлсанг руҳингга садоқатдан атайин,  
Болам бўлсанг ёнар жон, ёнар хатдан айтайин,  
Момом, онам айтганини мен бошқатдан айтайин,

Кўйлагим шамолидан баҳра олар Ватансан,  
Майсасида сочимнинг ҳиди қолар Ватансан.

Кўраман, хаёл суриб мардлар кетган йўл билан,  
Этик изин соғинган чечакли ўнг-сўл билан,  
Жанг ханжарлари кесган йигирма миллион қўл билан,  
Фалаба байроғини қўтаришган Ватанни,  
Ким разолатдан куйса тенг куишишган Ватанни.

Шундай, фалаба барҳақ, ер билан кўк қўлласа,  
Кеча-ю бугунги кун, виждон-у, ўқ қўлласа,  
Ҳар улусин энг аввал чап кўкрак — чўғ қўлласа,  
Суян, абад нурамас қоя бўлар бу Ватан,  
Авлодларни қўтарган ғоя бўлар бу Ватан.

1

Бугун менинг кўксимда гул унадиган куним,  
Дийдорингта термулиб жим, тинадиган куним,  
Сутдан ҳалол юрг, Сенга сифинадиган куним,  
Бир четида қўёшдай онам ботган Ватан деб,  
Бир четини кўриқлаб отам ётган Ватан деб.

\* \* \*

Ватан! Сенинг йигирма миллион  
Дарёйнгни уруш қуритди.  
Оқди шунча дарёларда қон,  
Шунча дардни юрагинг ютди.

Унутмайсан сарғайиб, ёху,  
Ўқقا учган дунёларингни.  
Ошқин-тошқин оқиб кетган у  
Сўнг қайтмаган дарёларингни.

Туш кўрасан тўлиб, тўкилиб,  
Ул дарёлар тўлқин уради.  
Бари бирдай шовуллаб келиб,  
Тунлар сочинг оқартиради.

Кундузлар оқ сочинг силайсан  
Куйиб, ўлган дарёларингга.  
Куримаслик умрин тилайсан,  
Кучга тўлган дарёларингга.

## ХАЛҚИМГА

Гирдингизда дарёдай оққаним оққан бўлди,  
Жонингиз алқаб жоним ёққаним ёққан бўлди,  
Букилманг, — деб кўз узмай боққаним боққан бўлди,  
Нон-тузини кўз ёшдай ёмғир, қорга қорган халқ,  
Охир-оқибат озод, кўксини кўтарган халқ!

Офтоб юз кўрсатгани эринган қунлардаги,  
Рутубатли, бесамар уринган қунлардаги,  
Жанг майдонида отлар суринган қунлардаги  
Изтироблар ошароқ бу юксак тоғ муборак,  
Толиб-толиб сўнг ғолиб қад тикламоқ муборак!

Аёл мунглиғ демишлар, гоҳ мунглиғ кўнгил бўлиб,  
Ҳар алп олғаларимга қалдирғоч сингил бўлиб,  
Фамингиз тошдай босиб, қувончдан енгил бўлиб,  
Билмайман, бу қунларга қай тарзда етиб келдим,  
Ҳар ҳолда бор чиғриқдан Сиз билан ўтиб келдим.

Изфирин-қор келганда бир-бирини қувишиб,  
Кўкарган қўлларингиз қолганида увишиб,  
Титроқларга солганда ичингизга қор тушиб,  
Жилмадингиз даладан, бу қай фидо имондир,  
Демак, виждон ўлмаган, демак, имон — омондир.

Авжи юрмоқ онода шуyla кечиб, ой кечиб,  
Муйсафидлар ҳам юрди кўлмак кечиб, лой кечиб,  
Ўспирин — ўғил-қизлар шавқдан, ҳойнаҳой, кечиб,  
Шу пахта деб, шу нон деб сарғайган рўйи-ранги,  
Бу жанг — фурур, ҳис жангиги, бу жанг ризқу-рўз  
жангиги.

Урушда биз бермадик бир қарич еримизни,  
Бу жангда бир толани, нон, манглай теримизни.  
Урушда, тинч кунларда күп синааб күрдик ўзни,  
Демак, энг юксак ва энг тик фоя ўзимизда,  
Хар қандай зўр ҳужумга ҳимоя ўзимизда.

Не баҳт-ки, аввал-охир тун ортидан тонг келур,  
Қийин келган ғолиблик — баҳтга ҳамоҳанг келур.  
Тириклик десам — менинг кўз олдимга жанг келур.  
Жанг-ки, еру кўк учун, жанг-ки, нону туз учун,  
Фақат ўзимиз учун, фақат ўзимиз учун!

Гарчанд, кечаги кунлар ўтди мушкул, жафоли,  
Тун қанча нотинч кечса тонг шул қадар сафоли.  
Ўзбекистон, фарзандлар ўтгай Сенга вафоли,  
Улар балки минг-мингдир, аммо яхлит, тоқ бўлиб,  
Ўтгай иттифоқ бўлиб, ўтгай иттифоқ бўлиб!

Гирдингизда дарёдай оққаним-оққан бўлди...

### УЧИНЧИ ҚИЗ

*Шекспирнинг «Қирол Лир»  
трагедиясини ўқиб...*

Айтолмайман ширин сўз авраб,  
Кечиролмам пастлик, гуноҳни,  
Тоза қалби барча ўқقا даф  
Мен учинчи қизиман шоҳнинг.

Опаларим ўхшаш нусха гул,  
Мақтай олар силлик, ширали.  
Мен тўғрисўз — юрагимга қул,  
Бир юракки чабдаст, қиррали.

Опаларим зарга кўмади  
Ширин алдоқ, сийлови баланд,

Мени эрим олиб жүнади  
Юрак, шул бир бисотим билан.

Кекса отам учун талашиб  
Ардоқлашта топиб минг сүз, ранг  
Аввал мушук янглиф ялашиб  
Сүңг солдилар күкрагига чанг.

Мол-дунёсин бўлгунча олиб  
Тантиқ жонни унга тиқдилар.  
Олгач, юртдан олдига солиб  
Шир яланғоч ҳайдаб чиқдилар.

Ҳақ эшилди, балки, оҳимни,  
Қайтарди-ю, уни қўлимга,  
Кутқарап чоғ қиблагоҳимни —  
Мен ўзимни бердим ўлимга!

Халқим, Сени ўртамасин дард,  
Бошгинангга келмасин-ку тун.  
Аммо билиб қўймоқлигинг шарт,  
Мен учинчи қизман Сен учун.

Сен Лир эмас, Корделия — мен,  
Фақат абад Сен емагин панд.  
Ҳақнинг ўзи сени асрасин,  
Опаларим янглиф қизлардан.

## МУАММО

Бутун муаммодир кўлни асрароқ,  
Муаммодир боғни, гулни асрароқ.  
Бошқача курсак деб таклифлар қатор,  
Қийин ҳатто тўғри йўлни асрароқ.

Эсласанг... хотирга қуюнлар кетгай,  
Эсласанг, қораяр кўзларинг олди.

Қийғос боғлар кетиб шамолга беткай,  
Үрнида яп-яйдоқ далалар қолди...

Ҳар бир сўзни маҳкам, дараҳтдай ушлаб,  
Силкитгин, ҳар бир сўз берсин садо, ун.  
Кўкартири, кўкартири тишингда тишлаб,  
Тилни асрармоқ ҳам муаммо бугун!

Сўз ташиб, сўз ташиб худди болари,  
Биз қайгача борсак, сўз-ла борамиз.  
Сийрак тортиб қолса сўз далалари,  
Уни болаларга қандоқ берамиз?

Елкада она тил юклари турсин,  
Биз кетавермайлик ўзни кўтариб.  
Меҳнаткаш ўзбекнинг боласи юрсин,  
Пахта билан қўшиб Сўзни кўтариб.

## ЖАСОРАТНИНГ СЎНГТИ ТУНИ

Майли шодумонлик, ё форат туни,  
Ўлажакман фақат жасорат туни!

Ўлганлар қолган йўқ жанг майдонида,  
Мен билан душманни қирдилар қирқ йил.  
Қачонки толиқиб кўзим кетган дам  
Мен билан ҳаккалаб юрдилар қирқ йил.

Дўстим юради бир қизни эгаллаб,  
Кун келди оҳ, дўстим қонига ботган.  
Тушларимда «Нега ўлдинг, нега»лаб  
Қиз ўзин дўстимга отгани-отган.

Тушимда қийқириб, ўртага олиб,  
Кимдир хотинимнинг хатин беради...  
... Инграйман, йигитлар улгурмай қолиб,  
Танклар босиб-янчиб ўтиб боради...

Урушнинг даҳшатли қўлларидир — дор,  
Қирқ йил юволмайди дил доғларимни.  
Ёраб, кўз юмдимми, ғолиб ҳамда хор  
Осадилар маҳбус ўртоқларимни.

Қандоғам тўкилмас кул бўлиб кўксим,  
Ахир унинг томир-томири куйган.  
Касал қўзилардай қўл ушлашиб жим  
Чўп гўдаклар борар крематорийга.

Кетаркан бу беҳишт қушлари билан  
Бир кун рост-рёёни тамом тарқ этсам.  
Урушнинг исёнкор тушлари билан  
Андармон умримнинг сўнггига етсам.

Ўлганлар қирқ йиллик шаҳидмас, хуним  
Тунда ўлган оғам, иним бўлади.  
Улар билан сўнгти ўтказган туним  
Энг сўнгти жасорат туним бўлади.

\* \* \*

Йигитлар ўлимга кетган йўллар бу,  
Ортига қайтмаган из бор барида,  
Шоҳлар чўзилганча қолган қўллар бу,  
Дод солганча қолган йўл четларида,  
Сен бу дараҳтларга меҳрибонроқ бўл!

Қандоқ унугтаман, унутай қандай,  
Айниқса кўрганда бу — жанг бошини.  
Мажнунтол букилиб садр тушгандай  
Саннаб йўқлайверса тўкиб ёшини,  
Опам, синглим дегил мажнунтолларни!

Яхши ният билан бу уйни қуриб  
Ўлимга кетганлар ўтиб-ўтмай тўй,  
Кетганда ортидан кетмаган юриб,  
Ўлганда, тўкилиб, йитмаган бу уй.  
Эҳтиёт бўлиб кир остонасидан!

Аёл, бу аёллар сокин ўлтирап,  
Кўзлари минг бало, қазони кўргач,  
Улар бўйдор фамни кучиб ўтдилар,  
Бўйдор йигитларни ўлимга бергач,  
Уларнинг кўзига тик қараб бўлмас.

Йигитлар ўлимга кетган йўллар бу!

### **ҚИРЧИЛЛАМА ҚИРҚ ЙИГИТ...**

Бу жанг асли сув билан оловнинг жангги бўлди,  
Очилган жароҳатлар янгидан-янги бўлди.  
Тунлар бевакт сарғайиб, ҳижроннинг ранги бўлди,  
Белларин кўтаролмай йўллар белангиги бўлди,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Энди деганларида «қарчигай йигит бўпти»,  
Аста эгилиб қизни ё ўпмади ё ўпди.  
Аммо учиб кетдилар лочини бўлиб кўпди,  
Аммо юрт қон қақшади, юртда қиёмат қўпди,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Қайтмадилар ва лекин «номаълум» деб ёздилар,  
Қайда ниҳон юрурлар шунча қишу ёз улар.  
Оналари гоҳ ҳушли, гоҳ ақлдан оздилар,  
Қондошлар гоҳ кўнгилда гўрларин ҳам қаздилар,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Юрагимда аччиқ ўт, на гина-ю, на зарда,  
Ерга сифмай қоламан фақат баъзан кечларда,  
Ленинградда ўлган балки қамал, ўчларда,  
Балки Бухенвальдадир — одам ёқар печларда,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Қирқ йигитни қирқ асов той десам от бўлмади,  
Қайтган турналар ичра қирқ кўш қанот бўлмади,  
Улар қирқта шон бўлди бирор иснод бўлмади,

Қирчиллама бу ҳаёт аммо ҳаёт бўлмади  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Қирқ йигитни дўл урган қирқта боқقا менгзадим,  
Тўфон келиб ўчириган қирқ чироққа менгзадим,  
Юрагимда ўйилган қирқта доғга менгзадим,  
Тикланар чоғ қулаган қирқ байроққа менгзадим,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

Йигирма миллион байроқ, гўрли-гўрсиз қўзғолса,  
Совиб қолган ўчоқлар қўрли, қўрсиз қўзғолса,  
Мункайган келинчаклар эрли, эрсиз қўзғолса,  
Бугунги урушқоқлар, Сиз не дерсиз қўзғолса,  
Қирчиллама қирқ йигит уйга қайтмаган кунлар.

### ЭСКИ САНДИҚ

Эски сандиқ, эски сандиқ, ёғочмисан, темирми,  
Эски уйда макон тутдинг ҳолигина бурчакни.  
Нимадир ул сенда туриб келинчакни емирди,  
Нимадир ул кўнглин олиб гуллатди келинчакни.

От айланиб қайта-қайта қозигини топгандай,  
Сенга қайтиб келаверди келинчакнинг йўллари.  
Не узилди кўкрагидан Сени ҳар гал ёпганда,  
Кейин нечун қай пайтгача титраб юрди қўллари.

Воҳ, биламан, унинг учун очилсанг — Сен ёрилтош,  
Сарфайиб, титилиб кетган эртак чиқиб келади.  
Йўқ, кўз очиб кўрганим деб, бир ёстиққа қўйган бош,  
Уни қўлда кўтаргувчи эркак чиқиб келади.

Кўтармади, жангга кетди, қайтган сариқ эртагин  
Почта қутисидан олди, уруш уни яхлатди.  
Дунёларга сифишмаган Гўрўёлидай эркагин  
Парчагина қофоз қилиб сандигига тахлатди.

Шу-шу йиллар, сувлар оқди, келинчак ҳам қариdi,  
Қирқ йил босди шу эртакни күкрапнинг чап ерига.  
Балки бугун қушдай енгил, бор ғамлари ариди,  
Ахир қирқ йил сир айтди у сандиқдаги эрига.

Шу сандиқни дарёга бир оқизсам деб ўйлар гох,  
Ботаётган кунга қараб, артмасданам ёшини.  
Ажаб эмас Тоҳирдайин ул тирилиб чиқса, оҳ,  
Тоҳирдайин... йўқ Тоҳирдай кўтармас ул бошини...

Эски сандиқ, эски сандиқ, ёғочмисан, темирми?!

### ҚАЙТМАЙМАН...

«Қайтмайман, бурчимни ўтаб ўламан» —  
Қирқ иккинчи йилдан ёздим кўчириб.  
Мен бугун тўламан, жомдай тўламан —  
Кечмиш тўфонларни қайта кечириб.

«Қайтмайман, бурчимни ўтаб...» во дариф,  
Қофознинг қолгани кетган титилиб.  
Қирқ йил-ки бу кўм-кўк олам сап-сариқ,  
Яшайман, қогоздай бағрим ситилиб.

Қайси тўзим билан ўтказдим бошдан  
Қирқ йил қайталаган кўклам, ёзни мен.  
Кўкрагимда ёнгин чиққанда тошдай —  
Тошдай босдим унга муз қофозни мен.

Истасанг кўп нарса амалга ошар,  
Истадим, шу қофоз менга эр бўлди.  
Фақат кўмсаган чоғ йигирма яшар  
Истагим ер бўлди, кўнглим ер бўлди.

Қайтмайман... ҳа, мен ҳам қайтмадим фақат  
Умр ўтди ҳижроннинг тутунин ютиб.  
Кетяпман, кўксимга муҳрланган хат  
Сарғайган шу қофоз қўлимдан тутиб.

Қайтмадим... мард туриб тугаётир жон,  
Қайтиб, Сенга юм-юм ёш құйсам, қани?!  
Мұйжиза бұлса-ю тирилсанг бир он  
Қайтиб күкрагингга бош құйсам, қани?

Қайтмайман, бурчимни ўтаб ўламан.

### ҚАМАЛ КУНЛАРИДА

Мен ўйлайман. Юриб бўлмас Ленинградда,  
Сал шарпадан ҳар бир қарич тупроғи додлар.  
Ҳар эшикдан чиқаверар кўзлари катта  
Эти бориб суягига ёпишган зотлар.

Хаёлимда кимдир бетин қўнфироқ чалар,  
Қарға мурда кўзин чўқиб келаверади.  
Тобуту гўр етишмаган гўдаклар, чоллар  
Тўп-тўп бўлиб гўрдан чиқиб келаверади.

Ким чидаб жон сақлар, озғин мушугини еб  
Ким чидамас, ақлдан озиб қаҳ-қаҳ солар ким.  
Шоир шеърда: «Биз ғалаба қиласакмиз» деб  
Мук тушиб иш столида қилар жон тақсим.

Тушларимда қичқираман, ҳеч ким бермай сас  
Арвоҳдай соб, дардин ичга ютиб туради.  
Мевалармас, ўликларни ташиб улгурмас  
Жасад ортган машиналар ўтиб туради...

Йўқ, фашистлар оstonада қоларлар туриб,  
Билолмай бу адo ернинг куч, сирларини.  
Мингдан қолган ўн қасоскор тишин ботириб —  
Ленинград узар қамал занжирларини!

Мен ўйлаймай, юриб бўлмас Ленинградда...

## ҚАМАЛ ҚИШИДА

...Кеча менга бир ҳунар мактабининг  
директори: «дурадгорлик цехидаги болалар  
елимни, гулларни еб қўйишди», деди...

Чаковский. «Қамал» китобидан

Ўсмир укам, қўлларингга буюр, ишласин,  
Дастгоҳнинг музларини эритсин тафти.  
Ҳис эт сенда лаҳза қамал қиши қишлиасин,  
Ҳис эт, елим еб тўймаган бола ўляпти.

У синглисини ётқизиб тонгда чанага,  
Шошилганди, боғчагамас, уни кўмгани.  
Йўл портлади, ўзин урди бомбапанага,  
Сингилчасин мурдасини қайтиб кўрмади...

Уйга келса бемор она тошдай қотибди,  
Қўл теккизди.. совуқ музлар кирган танига.  
Онажони ним табассум қилиб ётибди,  
Очлик... азоб... оғир дардан қутулганига.

Шовқин. Ўлик йигувчилар эшикдан кирап,  
Бола чолдай бир амаллаб қўтаради қад.  
«Тобут, тобут йўқми Сизда?» бола жовдиар,  
«Тобут, тобут отлиқقا йўқ», — фудранар солдат.

Сўнг судралиб ишга келди, рангпар, қоқсуяк,  
Очлик енгиб йиқиларкан, токчани кўрди,  
Унда турган қатор гулдан қолди гултувак,  
Жон тер босиб елимни ҳам пақкос тушириди.

Сўнг қулади. Қулади-ю турмади қайтиб,  
Ўлар экан шишиб кетди, сарғайиб тани.  
Дастгоҳдан сўра, додлаб, беради айтиб,  
«Нон, нон» дея сулайиб жон берган болани!

Ўсмир укам, қўлларингга буюр, ишласин,  
Дастгоҳнинг музларини эритсин тафти.  
Ҳис эт, сенда лаҳза қамал қиши қишлиасин,  
Ҳис эт, елим еб тўймаган бола ўляпти...

## ХАТО ТАКРОРЛАНМАС...

*Хиросимадаги атом бомбасининг қурбонлари  
шарафига қўйилган ҳайкал пойида: «тинч ухланг,  
Хато мангъ тақрорланмайди!» деган ёзув бор.*

Хато тақрорланмас, тақрорланмайди  
Одам ўйлаб, кўриб турса ҳар лаҳза.  
Ким алаҳлаб келган жойига қайтди,  
Баданин куйдириб ўқ лаҳча, лаҳча.

Аёл, болаларни подадай ҳайдаб  
Бир саройга қамаб фашист ўт қўйди,  
Сен вақт топиб тез-тез бор ўша жойга,  
Сен шу култепани юракка ўйгин.

Командирнинг аввал бир кўзин ўйиб,  
Қўлларин устунга михлаб қоқдилар.  
Кейин бошдан-оёқ керосин қуйиб  
Товонидан бошлаб гугурт чақдилар.

Кўз олдида суйган эри отилди,  
Суйган гўдагига санчилди пичоқ.  
Аёлнинг гуноҳи афу этилди,  
Аёлга очилди ишқ билан кучоқ.

Шу тун қаро кечди аёлнинг туни,  
Болта билан фашист бошини узди  
Ва ақли ҳам учди бошидан унинг,  
Шодмон қаҳқаҳаси дунёни бузди!

Сўнг бор кийимларин ечиниб отди,  
Ёвни излаб кетди, соч ёйиб, дайдиб!

Агар... шу лаҳзалар чиқмаса ёддан,  
Уруш — машъум хато такрорланмайди...

## ҲАЙКАЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Кўз ёшингни тўкиб дув  
Тўкма тоқат жомимни.  
Тағин келдингми, ёху,  
Титратмоққа жонимни.  
Томган қўрошин ёшдан,  
Ўт чиқиб кетса тошдан,  
Мен ёниб йўлга тушсам,  
Қувониб йўлга тушсам  
Тасаввур қил, бор ҳайкал  
Бир-бир ўрнидан турса,  
Дала қолса, қолса зал,  
Бари ёниб югурса.  
Тасаввур қил, ётоққа  
Ёнар ўт, кириб борсам,  
Ўт сифмайдир қучоққа  
Бегонадай боқарсан.  
Кўнглим оғриб, ўшал тун  
Уйдан бўларман ғойиб  
Ва ҳайкал дўстларимга  
Кўшиларман мунғайиб.  
Биламан, Сен ортимдан  
Югурасан қоқилиб,  
Барча туллар уйида  
Бирдан чироқ ёқилиб,  
Яланг бош, яланг оёқ  
Отилишар кўчага.  
Уйлар ёнар, ёнар боғ  
Ўт кетади кечага!!!  
Йўқ, йўқ, мен бу қизиқкон  
Шеърни қўйдим-да ёзиб,  
Эй, мен учун куйган жон  
Муносибим, муносиб.

Тун. Уйга қайт-да шерик  
Сўзимни сўйлаб ухла,  
Бўйимни бўйлаб ухла.  
Сени қучолмаган, тик  
Эрингни ўйлаб ухла.

## ВАТАН БАХТИ

Урушдан қайтганилар ё қайтолмаган,  
Бевақт қўпорилган дараҳт, оталар.  
Қайтиб дардин айтган, ё айттолмаган,  
Гунг оталар, соқов, караҳт оталар.

Тутун бўлиб қочиб чиққанлар — Ватан  
Бухенвальднинг қора мўриларидан.  
Гўдакларин ерга экканлар — Ватан  
Ленинград. Қамал. Очлик зўридан.

Юпун, оч, қамалнинг изғиринида  
Ўпкасини совуқ олғанлар ҳаққи.  
Ҳар ханжарлар ҳали чиқмай қинидан,  
Ёв тупроғи аро қолганлар ҳаққи,

Йигитга кўрпадай ёпилган қорлар  
Очиқ кўзигача тўлгани ҳаққи,  
Тунда ўқ-ўлан еб шишган беморлар  
Тонгда қаторлашиб ўлгани ҳаққи,

•  
Ватан, бул яралар кетмайди битиб,  
Ватан, Сенинг номинг қон аралаш ШОН.  
Сенга келган ўққа қўксини тутиб,  
Фарзандларинг шундай бергандилар жон.

Шундан Ватан десам, десам мен байроқ,  
Кўксим оғир, оғир, кўп оғир бу баҳт.  
Кўксимга ўт тушиб ёнабошлар боғ,  
Кўпорила бошлар дараҳтлар бевақт...

Менам бир фидойи руҳ ила бир тан  
Ёз кунларинг ёзлаб, қишигни қишлиб,  
Кетяпман, Сен билан қовушиб Ватан,  
Аччик, азиз баҳтинг тишимда тишлиб.

## ФАЛАБА

Кўкламда қор босди ерни устма-уст,  
Бинафша қор аро кўрсатди дийдор.  
Мана, шу ғалаба деган иссиқ сўз,  
Демак, босолмади ғалабани қор.

Бошимга ёғилди сангি маломат,  
Чапламоқ бўлдилар доғ устига доғ.  
Қабиҳлар ўқидан қолдим саломат,  
Демак, ғалаба ҳам қолди соппа-соғ.

Мен сенинг ўтингда исинганимда,  
Ишқ енгар. Ғалаба. Кўзим тинади.  
Ишқ менинг жон-жонимга синганида,  
Қонимда қип-қизил гуллар унади.

Кечаман, ороми нақдан кечаман,  
Илоҳий бир қудрат берар менга куч.  
Бир шеър деб тун бўйи оғу ичаман,  
Тонгда келмоқ учун ғалабага дуч.

Ғалаба!  
Самовий Янгроқни қара,  
Уни деб жангларда қанча дўст қолди.  
Йигирма миллион кетди йўқликка қараб,  
Ўрнида ФАЛАБА деган сўз қолди.

Бевалар тару талх ҳижронни ичгач,  
Жигаридан силқиб қасосу хунлар.  
Эрлари фашистнинг ўқига учгач,  
Ғалабани кучиб қолди-ку тунлар.

Қай йиллардан келар бул жонбахш нидо,  
Бул — шароб!  
Бир түйиб ичмоқлик учун.  
Менам жоним нисор, кетяпман фидо —  
Уни бир бор түйиб құчмоқлик учун!

Фалаба!  
Бул қадар чиройли сиймо!  
Унинг тарифига борми лойиқ сүз?  
Фалаба келтирсін Сенга ҳар бир тонг,  
Ҳар бир тонг бир қадар юксал, азиз дүст.

### ТИЛАК

Она, ўттан умрда баҳтни күрдинг оз,  
Буёғи хотиржам кессин кунларинг.  
Ота, қиёматта қолмаган қасос,  
Бор бўлса қўксингдан кетсин хунларинг.

Сенга яхши аёл тилайман, aka,  
Биринг икки бўлиб рўзгор гулласин.  
Яхши-ёмон кунда келсин кўмакка,  
Нон бўл — тўймасин ул, сув бўл — чўлласин.

Синглим, фарзандимдан ортиқроқ синглим,  
Кулф урап қоп-қора қошларинг қийғоч.  
Сенга бир лойиқ жуфт тилайдир кўнглим,  
Тонгда кўзинг баҳтнинг ўпичидан оч.

Сирда, синоатда тушдик жуда мос,  
Жон дўстим, сен десам сўзни улайман,  
Ҳеч ким менинг каби Сенга фидомас,  
Сенга ўзим каби бир дўст тилайман.

Халқим, — дейман дийдам тўлиқиб ёшга,  
Гуллар, сўлмас гуллар тилайман Сенга.  
Тағин бу гулларни омон сақлашга —  
Курашchan ўғиллар тилайман Сенга.

\* \* \*

Онажон, ўтири, бир ҳасратлашайлик,  
Мен недир айтмадим, нимадир айтдим.  
Барчасин унудим, сен-ла яшайлик,  
Югурик йўлларда тўхтадим, қайтдим.

Онам, танҳогинам, ёлгиз ойимсан —  
Умринг саволлардир, яккаш саволлар,  
Сен менинг кўкракда оғриқ жойимсан,—  
Кечир, ололмадим уни даволаб.


Нега, нега сўпар кўзларинг чўкиб,  
«Нега»лар сарғайтар рангингни кун-тун.  
Сўроқлар остида куз япроқ тўкиб,  
Кўклам келаверар, ҚУВОНЧ бермас ун.

Таърифи энг буюк ҚУВОНЧДИР — эрнинг,  
Аёл талпинаркан минг дарё кечиб,  
Сен ўша ҚУВОНЧни урушга бердинг,  
Ўзинг ғамгин буюк ҲАСРАТни қучиб.

Эшикдан эгилиб ҚУВОНЧ чиқар пайт,  
Сим қандоқ чидади кўкрак — тордаги.  
Ёстиқларга тўккан минг дардингдан айт,—  
Минг соғинчингдан айт, ёстиқлардаги.

Бошқасин қўявер, ортиғи-ками,  
Ювсанг кетадиган қўлнинг гардири.  
Энг буюк ғам, асли Кувончнинг ғами,  
Энг табаррук дард ҳам соғинч дардири.

Онажон, ўтири, бир ҳасратлашайлик...



## ЧАҚИРИҚ

«Менга ёрдам беринглар», — түшагига михланган,  
Кампир ёрдам сұрайди, ҳеч ким келмайди етиб.  
Ҳеч ким овоз бермайди, наҳот ҳамма ухлаган,  
Қават-қават дераза, эшикларин беркитиб.

Каравотдан дераза, эшикка тортилған ип,  
Аммо тортиб очмоққа дармон қани, құлларда.  
Чопқыр оёқларини баднафс уруш қўйған еб,  
Ленинград. Изгириң. «Блокада», йўлларда.

Аввал уруш, очлик, сўнг ёлғизлиги қўшилиб,  
Мана, сўнгги йилларда түшак билан бир бўлди.  
Дард бошқа, ажал бошқа кета олмайди ўлиб,  
Гоҳ ёрдам ўтингандада юрак-бағри ер бўлди.

Қўшнилар сон-саноқсиз, бир устин ўровчи йўқ,  
Унин эшитиб, кирмай, ўтиб юргани қанча.  
Билишарки — ул ойдай ёлғиз, бир сўровчи йўқ,  
Шундан уйнинг бўшашин кутиб юргани қанча.

«Оҳ-воҳ» қиласкерманг деб гоҳ ўтишар ҳам яниб,  
Ёраб, қичқириғин ҳам айтмоғи шарт шивирлаб.  
Менга ёрдам беринглар, уларни олай таниб,  
Одамми шу атрофда тинмаганлар, ғимирлаб.

Одамми шу интизор, илтижога кар бўлиб,  
Хонасин ичдан қулфлаб илмни қуваётган,  
Бир хаёли амал-у, бир хаёли зар бўлиб,  
Терлаб олим эрчасин кийимин юваётган.

Одамми эшигига қопағон итлар қўйиб,  
Мушугин косасин ҳам тилло қилиб юрганлар.  
Шул дераза тагидан кўру, кар ўтиб, суюб,  
Ялашиб бир-бирини, ялло қилиб юрганлар.

Хой одамлар! Бул недир, анқиёттан аччиқ дуд,  
Ёрдам керак, кечикмай бир-бировга беринг ун.  
То имон, эътиқодга тамом кетмасидан ўт,  
«Блокада» кунлари қайтиб келмасдан бурун!

### ЧИННИ КОСА

Ўғил-қизи гуллаб, кўкариб,  
Етилганда, одамлар олди.  
Ҳар бирини бошда кўтариб,  
Она ўзи букилиб қолди.

Бугун улар яшарлар бекам,  
Кўндирамаслар киприкка гардни.  
Аммо ҳамон дил ўксиган дам  
Бориб унга тўкарлар дардни.

Бор фурбатни — эскими янги  
Айтиб-айтиб ўйга толдириб,  
Қайтиб учиб кетарлар, енгил,  
Юкларини унга қолдириб.

Оғир, бедор кечар яна тун,  
Кўкрагида ортади оғриқ.  
Фарзандлари... эсга тушган кун  
Хат ёзарлар тилашиб соғлиқ.

Хато, хато, хато бу ҳоллар,  
Бу ёзуғни ўзинг ўчиргил.  
Турли ёққа эсган шамоллар —  
Фарзандларни ўзинг кечиргил.

Ўнта фарзанд ўн баҳтга эга,  
Ҳар бирин ўз ишқу ғазали.  
Ўнта гўдак талашиб еган  
Битта чинни коса асалим!

Тўхтанг, уни тинмасдан ичиб,  
Еяпсиз-ку, уни тинмасдан.  
Ўн томондан ўнта қуш учиб,  
Етиб боринг коса синмасдан.

Тўғри, рўзғор нондир, рўзғор сув,  
Аммо Она, Онадан нари  
Тортарми қиз қўғирчоғи-ю  
Ўғилчанинг «самокат»лари...

Тўхтанг, бундай яшамоқ таҳқир,  
Сизни қандай тақдир кутмоқда?  
Ўновингиз ярарсиз, ахир,  
Бир кампирни бошда тутмоққа.

Яшаяпсиз гўдакка ўхшаб,  
Керак пайтда солмай қошиқ, чанг,  
Тўхтанг, коса қолмасдан бўшаб,  
Тўхтанг, коса синмасдан тўхтанг!

## МУҚАДДАС АЁЛ

Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,  
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди  
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,  
Сен барибир муқаддассан,  
Муқаддас Аёл!

«Аввал: «Кел-эй, қучоғимга тўл, балқ», дедилар,  
Унамадинг, «аёл ўзи терс халқ», дедилар.  
Ичолмагач юз ўтириб шўр, талх, дедилар,  
Сен барибир муқаддассан,  
Муқаддас аёл!

Сен дарёсан, ўлганини қирғоқ яширап,  
Жуфтим бўл, — деб чопганини ҳар тоқ яширап,  
Жаннатим, — деб қувонмасдан қумлоқ яширап,

Сен барибир муқаддасан,  
Муқаддас аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,  
Росту ёлғон эртакларнинг борар ери Сен,  
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,  
Сен барибир муқаддассан,  
Муқаддас аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,  
Маст даврага бир сарин ел, бир тор, келсанг-да,  
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор, келсанг-да,  
Сен барибир муқаддассан,  
Муқаддас аёл!

Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,  
Минг йиллиқдир кўзингдаги жовдираган ёш,  
Гуноҳкорлар мингу битта Сенга тегар тош,  
Сен барибир муқаддассан,  
Муқаддас аёл!

Ҳарир, хушбўй баданингда тошлар изи бор,  
Кўкрагингда эгилган не бошлар изи бор,  
Қуёш изи, куйдирган қуёшлар изи бор,  
Сен барибир муқаддассан,  
Муқаддас аёл!

## ҲАВОТИР

Жуфт ҳалолим! Кулгуси сим-сим...  
Оҳ уруш-эй, кўкайинг синсин.

Соб бўлмасдан айрилиқ, азоб,  
Наҳот умрим бўлмоқдадир соб.

Синиқ-синиқ кўқайимга сен,  
Дард-хўрсиниқ кўқайимга сен

Тоғ устига тоғлар қулатиб,  
Доғ устига доғлар қулатиб,

Бор баҳтимни юлиб ўтказдинг,  
Кўрмагандай қилиб ўтказдинг.

Чимилдиққа кирган дам қани,  
Арслонворим, бош эгам қани?

Қирқ йил бағрим қийилиб кутиб,  
Бор лаззатдан тийилиб, кутиб

Сирларимни оқ қорга айта,  
Суякларим оқарган пайтда

Ким кўтарар тобутимни жим,  
Жуфт ҳалолим, кулгуси сим-сим?!

## ТЎМАРИСНИНГ АЙТГАНИ

Аёлнинг оғири, қўрошини мен  
Қасос мени ҳам силкитди, қўймади.  
Қонли хумга тиқдим ёв бошини мен,  
Қонга тўйсин дедим, тўймади!

Мен ҳам нафис эдим, ситора эдим,  
Қасосимга бўйинсунмаганимда.  
«Замон, замонингга ўт кетсин», — дедим,  
Ханжаримнинг дамин синағанимда.

Набирам, Сенга ҳам етади бу хун,  
Асли йўқ нарсани сўрамам Сендан.  
Рақиб дуч келганда йиғламай маҳзун  
Қон юқи ханжаринг суғургин қиндан.

Қасос ҳаволарин очлик билан ют,  
Гарчанд ситорасан, нафис аёлсан.  
Менинг гумоним йўқ кетмоғига ўт,  
Сен агар «ўт кетсин» дея қўзғолсанг...

## КҮКРАГИ ДОҒЛИЛАРГА

Ривоят қилурлар-ки: бир табиб чархлаб пичоқ,  
Зоф күксини тиларкан күриб қолибди бир доғ.

Воҳ, кўкси доғлик экан, бул зонни қўйибди ул,  
Дарҳол тутиб келтириб бошқа зон сўйибди ул.

Ёраб, бунда ҳам бир доғ, яқосини тутибди,  
Ҳайрат билан учинчи зон кўксини титибди.

Доғ устига доғ эмиш, учинчи зон кўкраги,  
Ҳайҳот, шунча дард чекса, кушлар, ҳатто кўкдаги!

Ва жунбушга келиб ул кўксин очмиш минг зонни —  
Оҳ уриб ҳар бирида кўрганида бир доғни...

Беҳол табиб ёзибди «бу дунё қўп қадим», деб,  
«Унда бирорта зони бедоғ учратмадим», деб.

... Одамларда бедоғ дил, эгилмаган қад учрар,  
Кўкрагида бир доғ йўқ, бедард, бўйи бад учрар.

Аммо менинг шарафим кўкракнинг доғларига,  
Кўкси доғлини олдим кўзим қароқларига.

Йўқ, йўқ, бехудага ҳеч кўкракларга тушмас доғ,  
Шифил мевасин ахир кўтаролмай синар шоҳ.

Қатор ўғил-қизини ўстиргунча тик қилиб  
Отанинг тик қомати қолгай ахир букилиб,

Ўриб қирқта кокилни қизига бергунча то  
Онанинг ўз соchlари тўкилиб бўлгай адо.

Йўқ, йўқ, бехудага ҳеч кўкракларга доғ тушмас,  
Бизнинг лаблар соҳта сўз, мақтovларга қовушмас.

Ҳақ сўзимиз рўёни албат ўтажак янчиб,  
Шу ҳақ сўзни айтгач гоҳ қолар кўксимиз санчиб.

Бизнинг юрак доғлидир, ким учундир күйдик биз,  
Ким учундир күкракда оғриқ, дардни түйдик биз.

Соғлом, бўм-бўш қалб билан яшамадик бекорга,  
Яраланиб бўлса ҳам малҳам бўлдик беморга.

Сўнгти йўлга кетармиз, шафқатни тишда тишлаб,  
Доғли, ярадор, лекин тоза юракни ушлаб...

\* \* \*

Онанг қариёлмас, қариёлмас отанг,  
Имкон ярат, қарисин улар.  
Сен йўл қўйган ҳар битта хато  
Зардобдай уларнинг кўксига тўлар.  
Токи Сен қоқилиб йиқилаверасан  
Ҳар бир тош, ҳар харсанг, ҳар бир қояга.  
Қаримоққа ҳаққи йўқ уларнинг  
Етиб келмоқлари шарт ҳимояга.  
Дўл ураг... ёмғирлар чўқир, бўлиб тош  
Улар билан қатъий қилолмасанг жанг,  
Чопқиллайверади отант шўрлик — ёш,  
Бўзчининг мокиси бўлади онанг.

## БУ ЎТ...

*Қайдадард эли бўлса мубтало Увайсийман.*

Ким билар бу ҳаётда қай тақдир аъло бўлгай,  
Шоирга ўз юраги бир умр бало бўлгай,  
Қайда дард эли бўлса шоир мубтало бўлгай,  
Менам билмам, дунёга ғамми, нурман, моможон,  
Мубталолик дардига меросхўрман, моможон.

Гарчанд зикр этанлари булбул бўлган, гул бўлган,  
Гарчанд ҳар ашъорига минглаб юрак қул бўлган,  
Бедилни билардингиз, дили ёниб қул бўлган,  
Нечук сизам шу ўтга кўп шошидингиз, моможон,  
Кўра-кўра ўт билан ўйнащдингиз, моможон.

Ҳазрати Навоий-ку назм бобида шоҳ ўтди,  
Мангу тақрор ўлмағай энди бу янғроқ, ўтди.  
Аммо кўнгил уйида ёқмасдан чироқ ўтди,  
Аммо бу соҳир кўнгил доғ ўтди-ку, моможон,  
Ёраб, шоҳ йигит умри тоқ ўтди-ку, моможон.

Нодираи Даврон-ку сурардилар давронни,  
Шеър ила қуйлатарди халқи-ю, Умархонни.  
Нечун кун келиб у ҳам жаллодга берди жонни,  
Ҳатто Моҳларойимдай<sup>1</sup> ойим бебаҳт, моможон,  
Айтинг, кимга баҳт берган бу шеърий таҳт, моможон.

Йўқ-йўқ, гарчанд то абад дилга оғриқ ҳамроҳдир,  
Шеър ўзи энг буюк баҳт, бунга тарих гувоҳдир,  
Шеър нурин пайқамаган қай қалб бор-ки, гумроҳдир,  
Баҳт ё бир эътиқодда маҳкамликми, моможон,  
Бир дардиманд юракка малҳамликми, моможон.

Пушкин шеърда озодлик каъбаларин тиклади,  
Сўнг он қадар хор-зорни суяди, қўлтиқлади.  
Собит туриб бешафқат ўз ўт кўксин тиғлади,  
Аввал-охир шоирни ўтда кўрдим, моможон,  
Азал шоир дардини катта кўрдим, моможон.

Бу ўт менга ҳам сачраб ҳар хуш дамни ёндириди,  
На ҳар хуш дам, ҳар битта ҳужайрамни ёндириди  
Ҳақ, шеър қолди, қолган бор ортиқ-камни ёндириди,  
Қўлланг, менам шу ўтни жонда туюй, моможон,  
Қўлланг, то рўзи маҳшар унда куяй моможон.

## ЁЛҒИЗ ЎҒИЛ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Сен чақиргин, чақир вақт топганинг дам,  
Оралиқда овоз юриши керак.  
Йироқ қишлоқдаги мушфиқ онанг ҳам  
Уйга кириб-чиқиб туриши керак.

<sup>1</sup> Нодираи Давронни «Моҳларойим» ҳам дейишган.

Чақириб бўлса ҳам айбларингни юв,  
То уйга бутунлай кетмасин кириб,  
Тувакдаги гул ҳам тўкилади дув  
Турмасанг сув қуиб, эслаб, чақириб —  
Сукутдан суяги симиилаб оғрир,  
Қийнайди ёлғизлик бўлиб тун келиб  
Сезгир қулоқлари кундан-кун оғир  
Эшитмай қолиши қийин кун келиб.  
Имиилаб «шукур, ҳар тирик дамга», — деб  
Баъзан кунчувоқقا чиқиб ўлтирас,  
Эрмак деб, шаҳарлик неварамга, деб  
Алвои кўйлакчалар тикиб ўлтирас.  
— Тўтри-да, меники ярашмас, қўпол,—  
Дейди-ю, бари бир кетади қуиб.  
Нимага шу ўғли бўлмади чўпон,  
Боласи юрарди тикканин қийиб.  
Келин саҳар туриб сув иситарди,  
Уқаларди оғриқ оёқларини —  
Таяниб, умридан рози ўтарди —  
Ўғлининг чўпонлик таёқларини...  
Бирдан тикишини йигади беун  
Эслаб бир вақт шундай тикканларини —  
Келин кўйлакчасин ёқтиргмаган кун  
Кўнглининг азият чекканларини —  
Йўқлаб келишганди қайсиям бир йил —  
Гўдак «бувижон»лаб отилгани чоқ,  
Ният қилиб тиккан кўйлакchasин ул  
Қизчага кийдириб термулди узоқ.  
Қизча чиқди учиб-қўниб атрофга,  
Келин ҳайрон бўлди, қовоғин уйди.  
Кейин деди «ўраб қўйгандай қопга,  
Ойи, бунингиз не балони кийди?!»  
Ундей деманг, болам, ўзим тикувдим,  
Деди, дийдалари тўлиб ёшларга  
«Менам шу, дўконга кеча чикувдим  
Буни берақолинг қариндошларга».  
Кампир ўғли томон ташлаб кўз қирин

Уйга кирди, артмай кўз ёш, жолани.  
Эр деди: «Шу ишинг бир оз ноўрин —  
Сира ўрганмадинг муомалани!»—

Шу кунларни эслаб, эснаб, толиқиб,  
«Шунга ҳам шукур» деб, тоқатни тишлаб  
Онант яшар, борсанг бутун йўлиқиб,  
Бугун қайтажаксан, қолмайди ушлаб,  
Сен билмайсан, онанг бежон, бедармон —  
Ахир сени бир кун тутиб туролмас,  
Билмайсан-ей, онанг дили қондир, қон —  
Бу қон билан балки узоқ юролмас...  
Ўз уйингда ейсан, тўйиб ичасан,  
Уни сукут — сиртмоқларга топшириб.  
Кун келар, сен талх қон ютиб учасан,  
Ул чақириб, қўйгач сени шошириб.  
Сен «бу ўлик меники» деб кирган дам,  
Бирор сенга кимсан демас, сўз қотмас,  
«Вой онам»лаб тобут томон юрган дам,  
Тўсадилар, яқинига йўлатмас.  
Кейин аза очар унга еру кўк  
Бул шўрликнинг паймонаси тўлган деб,  
Ерда чироқ ёқувчиси қолган йўқ  
Ёлғиз ўғли аллақачон ўлган, деб!

\* \* \*

Бугун чақир, чақиравер уялмай,  
Ҳеч бўлмаса овоз юриши учун —  
Йироқдаги онанг ўтириб қолмай  
Уйга кириб-чиқиб туриши учун.

## БИР АЁЛНИНГ ЎТМИШИ

У бегуноҳ пок аёл бугун,  
У эгилган мажнунтол бугун,  
Кўзларида меҳр, бол бугун,  
Кеча қандайди?

Ой йиғлаган, йиғлаганди ел,  
Үт-қон билан қоришганди эл,  
Аммо унинг кўз ёшлари сел  
Бўлган эмас бирор бир пайти.

Жанг бошланар, босиб келар ёв,  
Эри кетар бўлмоқ учун гов,  
Ёв йўлига, кечиб сув, олов.  
Аёл гулларди.

Уч гўдагин устидан қулфлаб,  
Давраларда очиб кўнгил, таъб,  
Қора тунлар ичра бўлиб даф,  
Танин пулларди.

Каттаси асрай деб жонини  
«Қовурмоч» деб мақтаб номини,  
Хом-хатала макка донини  
Едиради кичкинтойларга.

«... Қозонда сут ётибди ачиб,  
Сиркалабди синглисин сочи,  
Кетмоқликнинг йўқми иложи  
Онаси кетмас бир жойларга?!

Йўқ, илож йўқ...» қараса бир чоқ  
Сингилчаси докадай оппоқ  
Шишиб борар... Синглиси, бироқ,  
Кетиб қолди, тонгда, жон бериб.

Қулф шиқири, ғимирлар овул...  
Аёл кирар тагин очиб гул.  
Уввос солган тўнғичини ул  
Оғзин ёпди тишлиам нон бериб.

У бегуноҳ, пок аёл бугун...

## ИЛИНЖ

(Баллада)

*Онаизорим Шарофат Хонназар қизи  
хотирасига.*

*Фарзандларынгни қабринг устида йиғлашлари учун уларни  
тириклигингда йиғлатма.*

**ПИФАГОР**

### 1

Жанг бошланар, қаттол жанг,  
Отланар ёшу қари.  
Эри-чи, аланг-жалаң,  
Билмасди не қиларин.  
Күп тансиқ ҳаёт нури  
Чалғитдими гумроҳни.  
Дер, йўқ, елкам чуқури —  
Кўрсин дўзах, жанггоҳни.  
Ҳар ҳолда ўлмас, дардга,  
Оғриққа қилар тоқат.  
Кетганлар кетди, ортга  
Қайтмоқда-ку қора хат.  
Жон ширин кўринди, хун,  
Кўркувга, ўйга ботди.  
Бош бармоғини бир тун  
Ўз қўли билан отди...

### II

Тонгда кетдилар олиб  
Итдан баттар этиб хор.  
Уч гўдак билан қолиб  
Аёл тебратар рўзғор.  
Тириклик тошдан қаттиқ,  
Нон қаёқда, қовурмоч.  
У ҳам мўл бўлса кошки,

Ярим түқин, ярим оч —  
Уруш. Қишлоқда бор иш.  
Бўлинган аёлларга.  
Ток бўғзини юмшатиш  
Белда мадори борга.  
— Бақувватроқ бир сенсан,  
Кетмонингни ол, Гулнор.  
Иш унумсиз. Аҳвол танг,  
Боққа тезроқ етиб бор.—  
Шундай дер бригадир  
Тақиллатиб эшикни.  
— Жон болам, иргаб ўтири?!  
Чақалофу бешикни.  
Каттарофига бериб,  
Гулнор шошади ишга,  
Бақувват бўлмоқ керак,  
Ток бўғзини очишга.

### III

Ичи бўш қоп тик турмас,  
Шижаот қани тонги,  
Кун чошгоҳга бормасдан  
Бўздай оқарап ранги.  
Ич-ичи силинади  
Кўтаролмай кетмонни.  
Овсинлар илинади  
Битта зогора нонни,  
Нон четидан бир тўғрам  
Зўрга ушатиб ейди.  
Ноннинг қолганин ўраб,  
«Болаларимга», дейди.  
Зир қақшайди тоқатлар,  
Ярим очин, ярим тўқ,  
Қамоқдан келар хатлар  
Эрнинг ўзидан совуқ;  
«Қишдан бир амаллаб чиқ,  
Боқ қўшнилар молини.

Билгин, құшни қишлоқлик  
Гулсуннинг аҳволини.  
Ҳамон ҳар тонг, кечада  
Кийинарми хил-хиллаб,  
Ҳамон бизнинг құчадан  
Үтадирми қылпиллаб?  
Лаванг эри тирикми,  
Қора-пора хат йүқми?  
Фашист аялти ҷоғи  
Унга аталған ўқни.  
Эрин айтганди бир пайт:  
«Эр әмас, бу латта, деб  
Менинг ҳолим сүрса, айт,  
Гижинглаган отдаі деб».

\* \* \*

... Ёраб, келмасидан куз,  
Келди сүлмоқ, сарғаймоқ,  
Сомон бўлди анор юз  
Соф юракка тўлди доғ,  
Руҳ синганида, бешак  
Вужуд ҳам синар охир.  
Бунча тортмаса тўшак,  
Қомат бунчалар оғир.  
Шуми ишқ садоқати?!

Ранги заъфар, зард бўлди.  
Номард эрнинг ҳар хати  
Уни йикқан дард бўлди.  
Кўкракка санчилиб тиф  
Азоб, армон аралаш,  
Бир тун йўталиб қаттиқ  
Тупурди қон аралаш...

#### IV

Жангдан Гулсуннинг эри  
Қайтди бир оёқ бўлиб  
Қайтиб қуриди шўри

Хотини саёқ бўлиб.  
Элда кўтаролмай бош  
Йигит ёшда синди тор.  
Йиқилганга отиб тош  
Нопок аёл шармисор.  
Қўли етса чанг солиб,  
Мингни кўрган бу хотин  
Қўлтиқтаёгин олиб  
Эрин урган бу хотин —  
Кимга вафо қилас деб,  
Эл йиғлади, эл кулди.  
Талоқ хатини бериб  
Мардон чўлоқ қутулди.

## V

Гулнор, менинг Гулнорим,  
Гуллар чоғ сўлганингни,  
Кўша гўдакларингни  
Кўз ёшини қайтаман.  
Хиёнатнинг ўқидан  
Бемаврид ўлганингни  
Норасидаларингга  
Қай тил билан айтаман?  
Сўнгти кунлар Сен қўшни  
Келинчакни чақириб,  
Дебсан: — Эшитинг, тез кун  
Паймонам ҳам тўлади.  
Ҳушёр бўлинг, жон ўртоқ,  
Опам қолмасин кириб,  
Бу ғамларим эшитса  
Мендан олдин ўлади.  
Эrim шундай, ҳар хатда  
Сўроқлади Гулсунни.  
Мен-чи, о, мен умрнинг  
Қай лаззатин тотибман.  
Опам шўрлик боисин  
Билмас бул қора куннинг.

Мана, уч ой... бетиним  
Қон тупуриб ётибман.  
Кечә Ҳожарникида  
Гулсун меҳмон бўлган чоғ,  
Дебди «Уч-тўрт кун қолди...  
Бу уйга мен эгаман  
Эрига-ку, бошидан  
Ташлаб қўйганман тузоқ,  
Қамоқдан чиқар эмиш,  
Келган куни тегаман...  
Ёраб, пишак тиловлар  
Етар муродларига,  
Уч гўдагим қолдириб  
Кетиб бораётибман.  
Йўқ, фалак ҳам етмади  
Кўнглимнинг додларига,  
Кўзим очик, дунёдан  
Ўтиб бораётибман.  
...Шу чоғ опанг кирибди  
Кўзларида ёш билан:  
— Нафасинг елга кетсин,  
Куз дориган баҳорим,  
Мени кимга ташлайсан,  
Учта жужук бош билан.  
Ўрнингга мен кетайин,  
Опанг ўлсин, Гулнорим.  
Шу чоғ қайдан олдинг Сен,  
Бул қадар донишмандлик,  
Шу чоғ қайдан олдинг Сен,  
Бул қадар осойишни,  
Дебсан: менда узилар  
Бул ҳаёт билан бандлик,  
Жоним опам, қўй энди,  
Гулнорингни койишни.  
Ўстирсанг, қизим Сенга  
Мендек бўлади сингил,  
Ўғилларим — суюнчинг

Хар учкови сенгадир.  
Энди белингни маҳкам  
Боғла  
бузмагил кўнгил,  
Сенга бало эврилса  
Шул учкови енгадир.  
Норасидаларимни  
Фақат сенга инондим,  
Учковини улғайтсанг  
«Ёлғизман» деб ҳеч қуйма.  
Гўдакларим хўрланса  
Гўрда ўт бўлиб ёнгум,  
Жон опажон, гўримда  
Мени қўзғатиб қўйма!  
Ўтинаман, уларнинг  
Кўзига ёш кўндирма.  
Мен кетгач, сен айт, улар  
Сени Она десинлар.  
Энди хўшлашай, мард бўл,  
Гўдакдай йиғлаб турмай  
Яқин қариндошларга,  
Хабар юбор, келсинлар.

## VI

Ақли шунчалар тиник,  
Шунчалар тинч асаби.  
Гулнор кетди дунёдан  
Меҳмонга кетган каби.  
Опа йиғлар: «Кулф урган,  
Тили болим кетди, деб,  
Сочи ерни супурган  
Мажнунтолим кетди», деб.  
– Ёҳу, «Она» дейди-ю  
Қизинг кўнгли тўлмайди.  
Үғлинг «Она» деганда  
Опанг қандоқ ўлмайди?!  
Кипригимнинг устида

Гүдакларинг кўтарай,  
Сен тирилиб кел, гулим,  
Майсадай мен кўкарай!

## VII

Уч кун ўтиб эр келди  
«Яллама ёрим»ни айтиб.  
«Кўнглимга ғам сифмас» деб  
Важ қилди толганини.  
Чошгоҳгача ҳам турмай  
Шаҳарга кетди қайтиб  
Етказдилар Гулсунга  
Уйланиб олганини.

## VIII

Кейин...  
Кейин, ёраб, ноҳақлик  
Билмайдирми чегара.  
Ҳали эскирмай туриб  
Ҳижрон, аза-ю азоб,  
Улар бошлишиб келди:  
«Биз шу ерда турамиз»  
Болаларни қолдириб  
Сен ўзингга бир жой топ.  
— Шунга уйландингизми  
Куёв, шуни қўйинг сиз —  
Гулнор ҳали ўлмасди  
Шу ўлдириди илон, ёв.  
Рўмолимгача сотиб  
Ўтказайин тўйингиз.  
Бошқа аёл топайлик,  
Шуни қўйинг, жон куёв.  
— Нима дединг, Сен бадбахт!  
Эр келаркан хезланиб  
Кўни-кўшни ёғилди,  
Деб «Сен иблис қавмидан —

Бадбахтикни бу уйга  
Сен опкелдинг ҳамма вақт!»  
Ва иккисин кетма-кет  
Ҳайдадилар ҳовлидан.

## IX

...Мана шундан қирқ йиллар  
Үтаётган пайтдир бу,  
Бугун эр айрилгандир  
Кўзларининг нуридан,  
Қарз ҳеч кимда қолмайди  
Дунё қайтма-қайтдир бу,  
Бугун ота хор қайтар  
Ҳар фарзанд ҳузуридан.  
Соясидан баҳр олар  
Хеш-акрабо кўкариб  
Ҳар фарзанд-ки юксалган  
Гуркираб худди чинор.  
Холаларин юрарлар  
Нақ қўлларда кўтариб  
Ва лекин ҳар бирида  
Унут бўлмас қасос бор.  
Ҳеч ким унутилмайди,  
Улар жазо олсинлар.  
Бу қирқ йил-ку, минг йилик  
Қотиллар ҳам топилсин —

Улар арвоҳдай изғиб  
Кўча-кўйда қолсинлар  
Мехр тилаб борганда  
Бор эшиклар ёпилсин.  
Азал-абад аждоди,  
Авлодидан кетсин шон,  
Тавқи лаънат тожини  
Кийишиб бошларига,  
Қанча тирик юрсалар,  
Шунча бўлсинлар нишон

Қабоқат тошларига,  
Маломат тошларига!

Қадамидан ўт, куюк  
Иси димоққа урсин.  
Үз ўлимин тиласин  
Ерда ортиқ юрмай деб,  
Шафқат тангриси ундан  
Юзин кескин ўгирсин.  
Хукм қылсинг: «Йүқотинг,  
Қаро йўл»ни кўрмай деб.  
Ўлим ҳам жиркангандай  
Аро йўлда ўлса дол,  
Тўймас кўзин тупроқ ҳам  
Хазар қилиб ёпажак.  
Кўчасидан ўтаркан,  
Ўйлаб кетар тенгқур чол  
Шундоқ яшаб ўтганлар,  
Шундоқ ўлим топажак!  
Тагин ўйимга Гулнор  
Келади, ҳоргин, озиб,  
Зогорадан бир тишлам  
Зўрга ушатиб ейди.  
Қолганини рўмолга  
Ўраб, бағрига босиб,  
«Емайман, йўқ, бўёғи  
Гўдакларимга», дейди.

## ИТТИФОҚ

Агар эркак узун кунда аёлинини бирор он  
Эсламаса ва аёл ҳам яшайверса шундай чоф,  
Демак, улар бир-бирини тушуммагай ҳеч қачон,  
Демак, ушбу хонадонда яшолмагай иттифоқ.  
Қай уйдан-ки кўзларини ёшлиб Иттифоқ чиқар,  
Шул эшиқдан ким чиқса ҳам афтодаҳол, тоқ чиқар.

Қиёмат кун қүшнидан дер, яхши-ёмон кун келар,  
Қовжираган маҳалларим ул ташламаса соя,  
Бу ҳаёт, бу омадлар ҳам гоҳ ёлғон, гоҳ чин келар,  
Ёлғон келса, чопиб чиқиб ул құлмаса ҳимоя,  
Йироқ қондош-жондошларим хабар топгунича то,  
Тұғриликни енгдим-ку деб қаҳ-қаҳ урмасми хато?

Улар ака-ука, сингил, бир бойлам чўп эдилар,  
Бугун нечук яшолмаслар бир-бировга бойланиб.  
Гўдакликда бир тишламни тўртга бўлиб ердилар,  
Бугун бу бойлам тарқалиб, якка чўпга айланиб,  
Ёраб, бугун ҳар бирига, мерос, уй-жой етмас, гоҳ  
Ерда бутун бир ер юзи, кўкда бир ой етмас гоҳ.

Ҳайҳот, бошда ўқ ёмғири, ботиб қонли кечувга,  
Шеригини ўқдан тўсиб ўзи ўққа учтан жон —  
Руҳи бугун дуч келаркан гоҳо юраги қувга,  
Нечун тупроқ ўт олмайди, ерга қулмас осмон —  
Жангдагилар ёвлашганлар юрт билан жон талашиб,  
Биз гоҳ нега ёвлашамиз мансабу шон талашиб!

Иттифоқ-ки қайдан кетди, шул ерга келгай бало,  
Шул балони олмоқ учун аҳилликни сотарлар.  
Икки рақиб бир-бирини отмай туриб, аввало,  
Ўртадаги Иттифоқни жайрон янглиғ отарлар.  
То шоирмен, то қонимда бир ғамхўр ўт барқ ургай,  
Иттифоқнинг умри учун қайғурганим-қайғурган.

Иттифоқни жигаримдек жон-жоним билан суюб,  
Мен тонг билан қичқираман, дунёларни тўлдириб,  
Хой, одамлар! Бир-бировни аяб яшангиз, аяб,  
Хой, одамлар! Иттифоқни қўймангизлар ўлдириб!  
То қўлин булғамас экан шул жайроннинг қонига,  
Одам аро киравергай бир-бирининг жонига.



## ҚАСОС

Тұхтанг, учмоқ әркі ҳамиша құлда,  
Әй, пойгада оттайдай терга ботғанлар.  
Синчковроқ тикилинг, күринар йүлда  
Маңюс Сиздан қетиб бораётғанлар.  
Турмуш юкларидан елкаси яғир  
Бир-бир босиб ҳорғин, ҳансираған чол  
Букчайғандир сизни күтариб, ахир,  
Оёқлари толған сизга ташиб бол.  
Бугун ичи ғовак, омонат толдай  
Ҳар шамол, түфөндан ғичирлар, қариб.  
Сиз ғолиблиқ жомин ичасиз залда  
Қип-қызыл юзингиз баттар қызарыб.  
Бир бурда, мункайған мана бу кампир  
Жилмайиб турса ҳам хокисор, майин,  
Яримдир, унинг ҳам күнгли яримдир,  
У ҳам қетиб борар Сиздан он сайин.  
Эмраниб «жон құзим» деганларида  
Йүқсиз, қолаверар тиллари куйиб.  
Сиз бу пайт телевизор экранларидан  
Боқасиз ғолиблиқ тожини кийиб.  
Үзларига таскин беришар түлиб:  
«Мен боламни дейман, болам боласин».  
Бу таскин гулини ташлайман юлиб,  
Сиз ҳам не эксангиз шуни оласиз!  
Каромат қиласман, Сизнинг ҳам фарзанд  
Донғи олар еру күкден нарини.  
Фақат, ўзи билан ўзи бўлар банд,  
Танимайди, қавми, туққанларини.  
У ҳам ўз бақувват оёғи билан  
Сизнинг юзингизни босиб яшайди.  
Дунёда қасосдай бир дор бор, баланд,  
Ул Сизни шул дорга осиб яшайди!



## НЕГА?

Ҳамма нарса қувончга пеша,  
Яқинлик йўқ зарра ғам билан.  
Аммо нега Сизни ҳамиша  
Хотирлайман кўзда нам билан?

Совуққонликни қилмай қанда  
Бўлса ҳамки дийдам қаттиқ тош.  
Нега Сизга кўнглим тўкканда  
Ўз-ўзидан кўзда қалқар ёш!

Шавқ, ҳасратга юрсам ҳам тўлиб,  
Берсам ҳам не балоларга дош,  
Нега енгилгина пар бўлиб  
Кўксингизга жим қўяман бош.,  
Нега?

## ОНАМНИНГ АЙТГАНИ

Мен-ку ерда яшаганим йўқ,  
Демасманам Арши аълода.  
Камчилик йўқ, кўзим-кўнглим тўқ,  
Аммо болаларим, бола-да.  
Ўғлим-қизим, қуёш-оийим бор,  
Ҳам сийнамда айрилиқ тифи.  
Сўнг он қадар оғриқ жойим бор,  
Бу — бош эгам ўрнин бўшлиги.



# БАХШИЁНАЛАР

---



## ТУФИЛИШ

*Ашурбекка.*

Кечки мажлисни қизгин олиб бораётган Бобожон раис бирдан дудуқланди. Тилдан қолди. Күнгли беҳузур бўлиб, жонсизланаётганини ҳис қилди-ю, стулга чўқди...

Оёқ-қўли ишламай қолган раисни кўтар-кўтар қилиб уйига олиб бориб ётқизаётгандарида, қўшни хонада хотинини тўлғоқ тутарди. Хотини жон аччиғида инграр, ҳар инграганда Бобожон раис қўзғалмоқчи бўлиб интилар, катта-кичик болаларига «Онангта қаранглар» ишорасини қилиб имларди.

Вақти-соати етиб хотинининг кўзи ёриди. Ўғил туғилди. Во дариг! Ўйлади Бобожон раис шифтга тикилиб ётиб, тўкилиш, туғилиш... бир лаҳзанинг ичиди.

«Суюнчи бейинг, суюнчи бейинг», доя кампир оппоқ ўралган чақалоқни «гапиртириб» отасига кўрсатгани олиб чиқди. Бобожон раис чақалоқнинг ўзиникига ўхшаш қирра бурни, чўзинчоқ юзи, киприксиз кўзларига тикиларкан, нимадир айтмоқчи бўлиб тутилиб қолди, Кўзи ёшга тўлди. Унинг интигу зор йиғлаган кўзларидан мана бу гапларни уқиш мумкин эди:

Эркакка йўл керак, болам,  
Эркак йўлга йўл қўшар.  
Бу йўлларга бирор чечак,  
Бирор хору хас тўшар.

Бу йўлларга бирор сергак,  
Бирор гангиб, маст тушар.  
Отанг йўлдан қолган куни,  
Йўли бўлиб келдингми?

Эркакка эл керак, болам,  
Сени қуршаб эл юрсин.  
Яхши-ёмон кунингда эл  
Сириб боғлаб бел, юрсин.  
Энди мен юролмасамам  
Элни алқаб ел юрсин.  
Отанг элдан қолган куни  
Эли бўлиб келдингми?

Эркакка тил керак, болам,  
Тили билан тил олар.  
Умри бўйи қўшин тортиб,  
Қанча-қанча дил олар.  
Аёл олар, кўнглин топиб,  
Қатор қизу ул олар.  
Отанг тилдан қолган куни  
Тили бўлиб келдингми?

## ОНА САДОҚАТИ ВА ЁЛҒИЗ ЎФИЛ АРМОНИ ҚИССАСИ

Уруш битди. Келган келди, келмаган йироқларда қолди. Кўнгли ярим келинлар қозонларини сувга солди. Кўксини ерга бериб совунган ким, йиғлаб боласига алла айтиб овунган ким. Юраклари узилиб, сарфайган ой юзидан кўзёшлари сизилиб гўдагининг бешигини тебратиб ўтирган Сайрам келин бир вақтлардаги гунгурсдай қайнонасининг эшикдан шарпадайгина кириб келаётгани, томоқлари қуриб келаётганини пайқади. «Аҳ, ёмон куни қурсин-а, энам шўрли Равшанимнинг отаси урушга кетмаган пайтлар бир силтаниб уйимга кирса, фармонбардор овози гуриллаб, тахмонимдаги кўрпатўшагимгача зириллаб кетмасми?! Бугун эса... Бугунги кунимга у айбдордай, нимага кўзимга тик қараёлмайди?!» Шу аснода бўғилиб, Сайрам келиннинг нафаси қайтди, сўлиб қолган қайнона қон қақшаб, айтолмай юрган гапини айтди:

Аввал ўти куюшмаса, деб куйиб юрдим,  
Кейин қууним күш бўлди, деб суйиб юрдим,  
Отинг ўчур бу урушам бир илинж эди,  
Бўталофимни тушда кўриб, ийиб юрдим.  
Энанг ўлсин, куйганимиз рост бўлди-ёв,  
Болам, қора кийганимиз рост бўлди-ёв,

Кулунимни қаерлардан топай энди,  
Кулунига қора баҳмал ёпай энди,  
Ёлғизимдан ёдгоримни менга бер-да,  
Ит бўл, қуш бўл, сен кўпайгин, кўпай энди.  
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,  
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Келин эмас, шўрли болам, болам бўлдинг,  
Жон чиққунча кўксимдаги нолам бўлдинг.  
Шу гапларни айтган тилим қирқилса-чи,  
Қандоқ узай, жонга боғлиқ толам бўлдинг.  
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,  
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Шамолман мен, уни елпиб эсмоқ учун,  
Беланчакман, ётмоғига осмоқ учун.  
Энанг ўлсин, ёдгоримни ташлаб кетгин,  
Кўксимдаги жароҳатга босмоқ учун.  
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,  
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Буғдой чочсин, тариқ чочсин, гул келиним,  
Йўлларидан ёвлар қочсин, гул келиним,  
Бу шўру тор пешонамга сифмадинг-ку,  
Пешонангни худо очсин, гул келиним.  
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,  
Қақшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Сайрам келин бу сўзларни тинглаб ич-ичидан инграб, «Ҳаҳ, тўрамнинг ўлгани, бу хонадонга ортиқча-

лигим сезилибди-да», деб унсиз фигон чекиб, бу рўзфорга келин бўлиб тушганидан бери биринчи маротаба қайнонасиға тик қараб, бу сўзларни сўзлайверди:

Оҳ, энажон-ей, болам дейсизу алдайсиз —  
Ёки ўлсанг ҳам мендан йирокроқда ўл, дейсиз.  
Равшаннинг отаси ўзингизники эмасмиди,  
Қайси тил билан «ўзгага хотин бўл», дейсиз.  
Тўрамнинг ўлгани ўнг кўриндими, энажоним-а,  
Кўзингизга дўнг кўриндимми, энажоним-а?!  
Ботса, берманг егани бир тишлам нонимни,  
Тинч қўйинг, эна, тўнкармасдан осмонимни.  
Бунда ёдгорим, бунда-ку ёруғ жони-жаҳоним,  
Қандоқ кетайин мен опқочиб ёлғиз жонимни?!  
Ҳар тун тўрамни туш кўради бу ёстиқлар,  
Ўзга бош тегса, чинқиради бу ёстиқлар.

Майли, умрим — қиши, кураганим — қор бўлсин,  
денг,  
Фақат ўзга эр номус бўлсинг денг, ор бўлсин, денг.  
Бегона эркак тўшагимни босган куни  
Чилвир соchlарим узун бўйнима дор бўлсин, денг,  
Қақшаб, ўзингиз ўтказмасдан тўйим, эна,  
Ўз қўлингиз билан мени қабрга қўйинг, эна!

Ана шунда қайнонанинг кўзлари «ярқ» этиб очилгандай бўлди. Хаёлида: «Оҳ, шўрлик болам-а, сенинг хаёлинг бошқа экан-ку, не ҳадикда юриб эдим, бугуни, эртами барибир кетади, ёш нарса, неварамниям олиб кетади, ўт кетди, хонумонимга ўт кетди, деб, титроқларда туриб эдим» каби ўй-хаёлларини ўзича пицирлаб, Сайрам келинни бағрига босди. Келиннинг билаклари ҳам ток новдаларидай унга чирмашди. Иккаласининг ҳам кўзёшлари шашқатор. Бироқ бу ғам ёшими, севинч ёшими — илғаш қийин эди...

...Кунлар ўтаверди. Умр кетаверди. Қазоси етиб қайнона кўзини юмди. Сайрам келин бир фарзанддай қайнонасининг иззатини жойига қўйиб кўмди. Равшан

қирчиллама йигитмисан, йигит бўлиб вояга етди. Бутун орзу-армонини шу ёлғиз боласида кўрган она унга қишлоқнинг олд қизини олиб берди. Ҳою ҳавас билан уйлантириди. Энди Сайрам келин илгариги пайтлардагидай инграпиб нола қилмай қўйди. Вақти ҳам бўлмай қолди, шекилли. Ўзиям, келини ҳар йили қўзиладими-ей. Олтинчи фарзанди дунёга келганда Равшанбек оғир дардга чалиниб, тўшак тортиб ётиб қолди. Сайрам келин узун тунлар тўшакка михланиб ётган Рустами Достондай бемор ўғли бошида инграпиб нолами, аллами айтиб ўтирадиган бўлди.

Беморнинг аҳволи кундан-кун оғирлашаверди. Бир кеча ҳолдан кетиб бораётганини сезган Равшанбек хотини, болалари билан тинчгина видолашди. Розиризолик тилади. Онаси билан яқин қариндошлари билан ҳам. Кейин, бир силтанди-ю, равон тилга кирди. Унинг кўзи юмуқ, алаҳсираётганга ўхшар, аммо бу тиник, шиддатли сўзлар ўлим олди алаҳсираши эмаслиги, бутун умр ўйланган, аммо айтилмаган, юракда сақланган дардлар эканлиги билан онанинг, ўтирганларнинг кўнглини алғов-далғов қилиб юборди. Мана бу ўша лаҳзадаги Равшанбекнинг айтгани:

Энам, сен энадан эдинг ёлғиз қиз,  
Не учун мениям ёлғиз ўстирдинг.  
Бирровга суюна олмадим, эсиз,  
Сениям ҳамиша ғамбода кўрдим.  
Укам деб бирровга беролмадим юк,  
Синглим деб бирровга айттолмадим сир.  
Энам-а, энажон, сендай эна йўқ —  
Қийналиб яшадим, менам барибир.  
Одам қизиқ экан, опанг бўлса кеб,  
Бошинг силаб, дардга дармон бўларкан.  
Эркаланиб «ака, акажоним», деб,  
Бирровга осилмоқ армон бўларкан.  
Мен-ку, майли, кетиб боряпман мана,  
Кўксимни мўлжалга олмоқда дард ўқ,

Энам-а, энажон, бу эмас таъна,  
Фақат энди мендай ғамгузоринг йўқ,  
Тойлар от бўлгунча юрак бўлар лат,  
Менинг гўдакларим ўсанга қадар —  
Энажон, энам-а, тўкилма фақат,  
Унгача енгмасин сени ғам, қадар.  
Энажон, не учун тегмадинг эрга  
Бир ўғил, ҳеч йўқса бир қиз бўлсайди.  
Отамни-ку, ахир, бергандинг ерга,  
Акам деб йифлашга бир кўз бўлсайди...  
Бир елка бўлсайди суянмофингга,  
Мен кетгач, эгилиб қолмофинг тайин.  
Мен қандоқ чидайин сенинг додингга,  
Ёлғиз қолмофингта қандоқ чидайин?!

.....

Сўнг сўзни қайтарди тушиб жиқ терга:  
Энажон,

не учун...

тегмадинг...

эрга?!»

Ў, жигарларим-а, ўзи бу дунё ўйласанг, ўтириб ўй-  
лайдиган, тўрт томонидан бўйладидиган дунё экан.

Аммо, манави ҳолда мениям ўйим битмай, ким  
ҳақлигига кўзим етмай қолди-ку. Кўпдан кўп гап, кўп  
ақл чиқади. Шуни ўйлаб, бу бовурларимнинг ҳаётини,  
қандай бўлса шундайича, сизга айтиб беришни маъқул  
топдим.

## БАХШИНИНГ ТЎЙДАГИ КУРАШДА АЙТГАНЛАРИ

Маматқул бахши<sup>3</sup> бир тўйда дўмбирасини четга қўй-  
иб, полвонларга жони ийиб, мункиганни елкаси қорда,  
зап одатларимиз бор-да, деб куаш томоша қилаётган

<sup>1</sup> Маматқул бахши муаллифнинг амакиси бўлиб эл бошида  
юрадиган бахшилардан саналган.

эди. Давра бошининг кўзи бахшига тушиб қолиб тавозе билан илтимос қилди: «Маматкулбой, мен полвонларни шайлагунимча ўзингиз халойиқа бир нарса айтиб туринг». Бундай тасодиф таклифни кутмаган Маматкул бахши бир зум жим қолди. Аммо лаҳза ўтмай халқа ўз дардини тўкиб солди. У, жигарларим-а, ҳар кимният тўйдами, азадами одамларга айтадиган гапи бўлсин экан-да...

Кураш дегани ўзи нима,  
Асов денгизда талош кема.  
Фарқ бўламан-ов, фарқ дема,  
Зотинг полвонма, курашгин.

Биревни ортидан отганлар,  
Биревни ортидан сотганлар,  
У шўрликлар-ку ер қаърига  
Faflat уйқусида ботганлар.  
Шуларни боласи болами,  
Курашсиз кечса олами.  
Кўксига ўт қўйиб турмаса.  
Бобосининг қасос, алами.  
Зотинг полвонма, курашгин.

Сенгачаям танг, торда курашган,  
Чирсиллоқ қиш, қорда курашган.  
Оёқлари ҳавода саланглаб  
Осилиб дорда, курашган.  
Ёнма-ён қалашиб яшаса,  
Минфиллаб, талашиб яшаса  
Эл куймайдими шуни боласи,  
Ёв билан ялашиб яшаса —  
Зотинг полвонма, курашгин.

Бугунам паст, тўрда курашар,  
Биреви қир, ўрда курашар.  
Айтган сўз — кескир қиличи билан,  
Биреви гўрда курашар.

Дорларда қотганлар курашса,  
Гүрларда ётганлар курашса,  
Сен курашмасаңг ўлим-ку, болам,  
Жонидан ўтганлар курашса!  
Зотинг полвонма, курашгин.

Кун бўлар, ишқ жилпанглайди,  
Ой деганинг ерга тенглайди.  
«Тақдир», деб урмай манглайди,  
Отинг полвонма, курашгин —  
Ёдинг полвонма, курашгин —  
Зотинг полвонма, курашгин.

## ҚАСАМ

Қимматчилик, қаҳатчилик йиллари...

Кўзи кўр тақдирга ўт кетсин-а, бўлмаса Ойсулувдай суву жувон бир каззоб, ўғрига дуч келиб қолармиди.

Тун яримлаб қолди, эрдан дарак йўқ. Йўқ, бирдан оғил тарафда тапир-тупир, шивир-шивир, сигирнинг мўнграши, хирқираши аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Кейин узоқ жимлик. Эри ҳадегандা келавермади. Ойсулув ой-куни етиб, шиқирлаб ўтирганидан тўшакдан аранг қўзролиб оғил тарафга ўтди.

Ўтди-ю, донг қотиб қолди. Оғилнинг ичи оппоқ сут... Уйинг куйгур эр ўзининг бир ҳамтовоғи билан бирорнинг эндиғина бўшанган сигирини ўғирлаб келиб, сўйибди. Гўштини нимталаб, эртага бозорга олиб чиқишига тайёрлаб қўйибди...

Эр чағир қўлларини ўйнатиб бурчакдан бир бўхча олиб хотинига отди.

— Ма, ийнимга иларим йўқ, деб қулоқни қоқиб қўслимга бердинг, хоҳлаганингча кий. Ўзиям эртага тўйи бўладиган қизди сепидан, тахмонидан тинчитдик.

Ойсулув бўздай оқариб, бор кучини тўплаб бўхчани ҳовлига улоқтирганини билади, тарсиллаб тушган тарсакининг зарбидан деворга бориб урилди-да, илдизидан қўпорилган дарахтдай қулаб, чўзилиб қолди.

Мана бу унинг ўзига келиб эрига айтганлари:

Бўримидинг, тулкимидинг, эрмидинг,  
Шўрим қотмаса мен сени дермидим.  
Кўзим чиқсин, кўрмишим-эй, кўрмишим,  
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Ҳаром есам, тағин ҳаром кийдирсанг,  
Тириклиайн ўтга солиб куйдирсанг,  
Шулардан сўнг тағин ўзни суйдирсанг,  
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Аро йўлда ўтирибман мунгланиб,  
Кўнглим сезар, ололмасман ўнгланиб,  
Ҳаром-хариш, қора ерга тенгланиб,  
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Сеп — умрлик ўй-армондан йифилар,  
Томчи тердан, томчи қондан йифилар,  
Кўкрагимни ўяр қарғиш, йифилар,  
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Аро йўлнинг аёнлари бўйнимда,  
Илонлари, чаёнлари бўйнимда,  
Ўғрилик — юк, чўяnlари бўйнимда,  
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Оҳ, умрим-эй, энди унга абад шом,  
Болам «ўғри боласи» деб олмас ном,  
Увуз сутим эмизмайман, у — ҳаром,  
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Эр, сен қашқир тўшагига увлаб кир,  
Қодир эгам, агар бўлсанг, кўр тадбир,  
У қибламни бу қибламга айлантири!  
Дунёсида энди тирик юрмайман...

...Эрталаб кун чошгоҳга келиб ёйилиб кетдиям, Ойсулув жойидан қўзғолмади. «Боламнинг бундай кундуз ётадиган одати йўқ эди-ку», деб хавотир олган кекса онаси ундан хабар олгани уйга кирди...

Водариғ, Ойсулув ўзи кўрган ранжу аламлардан ҳайратланганда катта-катта кўзлари очиқлигича баданлари музлаб қолган эди...

— Воҳ боле-ем, қирчинидан қирқилиб қуриган боле-ем, ҳаромнинг касофати урган боле-ем!!! — Кампирнинг аччиқ фарёди қишлоқни дарзага солар, Ойсулув эса ўзининг ёмон қасами, у қибласини бу қибласига айланганидан минг марта розидай тинчгина абадият уйқусига кетган эди.

## КЎЗИ БОРЛАР ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ЮРМАСА...

Тагин ўша қимматчилик, қаҳатчилик йиллари...

Тангриқул баҳшининг укаси Ўрлбой муросаси келишмай ўзининг енгилоёқ хотини Қирмизнинг жавобини берди-ю, янги уйланган хотини Оқбилак тезгина иккиқат бўлиб, ойпарчадай қиз туғиб берди. Тугим — ўлим билан баробар эмиш. Хотини қийналиб туғиб ётар экан, Ўрлбойнинг кўнгли олдинги эчкидай ўйноқлаб юрадиган шўх хотинини тусаб қолди. Кечалари уни олиб келиб қўшни хонада айшу ишрат, ўйин-кулгу қиласиган одат чиқарди.

Үлар бўлсам Сенгина деб ўлойин,  
Сарвдай қоматингни қули бўлойин.  
Гулим, тўлдир қучоғимни, қўйнимни,  
Чилвир сочинг дори бўлсин бўйнимни.

Эрининг ширакайф, шираги овозда бошлаган ошиқона қўшиғи, Қирмизнинг қиқир-қиқирлари эшитилмасин деб Оқбилак шўрлик уйининг тирқишиларигача берkitиб ўтирадиган бўлди...

Қирмизнинг Ўролбойга елимдай ёпишувининг тағин бир сабаби бор эди. Қаҳатчилик эмасми, Ўролбой колхоз омборида ишлар, ишдан қайтишда бир сиқим, икки сиқим дегандай буғдой ўғирлаб уйига олиб келар ва бундан албатта Қирмизам бенасиб қолмасди.

Бир кеч, Оқбилакнинг ташқарига чиққанидан фойдаланиб, Ўролбой чақалоқ қизчасини олиб чиқиб Қирмизга кўз-кўз қилди.

«Қирмиз, Қирмиз, қизимни кўр, ўзиям ўлмаса бир қиз бўлади-да!»

Қирмизнинг ранги бўздай оқарди. «Шошма, ҳали менга қизини кўз-кўз қиласидиган...»

...Эртаси куни Ўролбойнинг пешонасига «буғдой ўгриси» тамғасини босиб қамоқقا олиб кетишиди.

Мана, бу сўқир Тангриқул баҳшининг ўша кунлардаги чеккан нолаларидан:

Бир отанинг, бир онанинг боласи,  
Бири каззоб, бири дарё ноласи.  
У, битмас-ей, бу дунёнинг чаласи,  
Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса.

Ҳалол қолар бир чеккада мунғайиб,  
Ҳаром ўйнар қулоchlарин баҳт ёйиб.  
Ҳаром ўсар яғринлари кенгайиб,  
Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса.

Ини аввал суюнчиғинг бўларкан,  
Сўнг — оғриғинг, дил санчиғинг бўларкан,  
Ҳатто Сендай кўрга чиқим бўларкан,  
Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса.

Қизни асли осмондаги ой денглар,  
Қайғу юки босса қадди ёй денглар,  
Қайғу балчиғида ой ҳам лой денглар,  
Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса.

Күр кўзимдан ситилиб ғам йиглайди,  
Толеимда ёнмаган шам йиглайди,  
Аёл, гўдак бани одам йиглайди,  
Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса.

\* \* \*

«Азбархўжа карвонбоши айтди: «Эй дўстим, ҳамроҳинг аёл экан-ку, аёлни жўрам йўқ деса ҳам бўлади. Шутиб айтмаган экансан-да».

### **«КУНТУФМИШ» ДОСТОНИДАН**

Сўз экилган элнинг дала-тузига,  
Ҳар ким танлар маъқулини ўзига,  
Кўзим тушиб манов сарбон сўзига,  
Ич-ичимдан таҳқирланган ор келди.

Тўраларга шойи-кўрпа тўшайик  
Тўраларга дарё ёйиқ, кун ёйиқ  
Айтинг, айтинг, кулли ўтган машойих,  
Нечук аёл юрар йўли қор келди.

Асли эркак, аёл бирдай йўл излар,  
Дониш ақл, уддабурон қўл излар,  
Айтинг, айтинг, кулли ўтган азизлар,  
Нечук аёл кўнгли доим зор келди.

Баланд тоғлар билмас ором, билмас хоб,  
Пинҳон-пинҳон тўкаверар кўздан об,  
Нечун Одам Атони деб бўлган соб,  
Момо Ҳавога бу дунё тор келди.

Азбархўжа туғилмаган онадан,  
Балки уни топгандирлар ёнадан,  
«Она» дер-ку дард ўтганда жонидан,  
Нечук аёл шу номардга хор келди.

Майса қоллар қир, қиялар устини,  
Күш тилига ёвуқ келса қүш тили.  
Биттага ҳам кўпайтмасин пуштини,  
Шунинг ўзи Азбар учун дор келди.

## ЙЎҚЛОВ

Ой деса дегулик Ойхуморнинг сулувлиги таърифи етти иқлимга етган эди. Аммо кексайиб қолган онаси уни ўзи айтган одамга бермади. Беролмади. Шу сабабми, бошқами, қиз овлоқ пайт топиб ўзини осди. Нима иш биландир оғилга кирган укасининг кўзи унинг саланглаб турган оёқларига тушди. Қиёмат қўпти. Мана, бу Ойхуморни онасининг ўз қизи жасади устида бетини қон жўшатиб айтганлари:

Жоним болам, кўзи чарос, қоши ўқ,  
Дарё сочин қирқта қилиб ўрадим.  
Шуни ўзим туққанманмай ёки йўқ,  
Бир ишониб, бир ишонмай юрадим.  
Туққанимам энди ёлғон шўрлиман,  
Үтда қолган, онгда қолган шўрлиман.

Кийикмиди ҳуркак, ҳуркак қароши,  
Ҳуркиб кетиб сиртмоқларга илинди.  
Гангитдими мингни келиб сўроши,  
Мингниям сўймаслиги билинди.  
Қирқин қизга сардор бўлган, воҳ боле-ем,  
Талош, бардор-бардор бўлган, воҳ боле-ем.

Минг бўз бола, тенгларини тенг кўрмай,  
Кўзларини парда тўсган, болам-ов.  
Уйинг куйгур раис сенга тенгқурма,  
Қизи билан ўйнаб-ўсган, болам-ов,  
Раис ана, болалари қўйнида,  
Икки қўлим энди унинг бўйнида!

Кўйлак кийдим, тутунлардан қорайди,  
Қора бўлди гулдай болам ёзуғи,  
Энди менинг қунимга ким ярайди,  
Болам бўлди бир қашқирнинг озиги,  
Ордан ўлим авло, — деган, воҳ боле-ем,  
Гўдаклигин қашқир еган, воҳ боле-ем!

Тирилтириб бермасин-чи, қўяман  
Энди ишим бу юртлардан кўч бўлар.  
Сиртлон бўлиб менам кўзин ўяман,  
Энди онанг она эмас, ўч бўлар.  
Аммо бундан бўлса бир наф, болам-ов,  
Яшатардим уни «увлаб» болам-ов.

## БУ КУНИНГДАН БЕШБАТТАР БЎЛ!..

Йифи-сифи, қий-чув бир зум тўхтади. Эшикдан раиснинг хотини шаллақилик қилиб кириб келаётган эди.

— Бечора эримни ёмонотлиғ қилгунча суюқоёқ қизингни тийиб ол эди, қаришақшақ!

Олазарак бўлиб раисни қидираётган оломон унинг хотини устига ёпирилди...

Эшитишимча, ўша кундан бери раиснинг хотини тўшак тортиб ётиб қолганмиш. Раис ҳам у атрофлардан кетибди. Таажжубли жойи шундаки у хизмат пилла-поясида юқорилабди. Чекка бир туманда директор бўлиб ишлаётганмиш...

## ЁЗДА...

Ёзда кўп ишларга мумкин улгурмоқ  
Умрингга вақтида кириб келса ёз.  
Ёз — бу тўлин ойдай ётоқقا кирмоқ,  
Кўкрак кериб юрмоқ — худди оппоқ ғоз,  
Ишқ — ақлдан озар ёз тунларида,  
Тепангла юлдуз ҳам тик сузиб кетар.

Аёл соchlарининг тўлқинларида  
Кўмилган эркакни оқизиб кетар.  
Ёзда тез топар юрак юракка,  
Ёз жон билан севса унга фидо бўл.  
Оҳинг етган бўлса, юксал юксакка,  
Кунинг биттан бўлса ёз қўлида ўл.  
Ёз бу туйғуларда кечмоқ фаслидир  
Шерик қилиб етук, самовий унни.  
Ҳам тутунни албат ечмоқ фаслидир,  
Кўкламда ечилмай қолган тутунни.  
Умримизда ёздир, қайдасан, мардим,  
Сенга чолгум, ишқнинг йўллари билан.  
Кўрқаман, не ечиб, нени ёзарди  
Куз ўзин қалтироқ қўллари билан.  
Ёзда кўп ишларга улгурмоқ мумкин...

## КЎЗ

*Кўзлар ҳали ҳайқира олур.*

*Рене ШАР*

Балли, кўзларимдан дардимни уқдинг,  
Аммо кўларимга келмагил кириб.  
Дардимни қўймоқча бошқа жой йўқдир,  
Кўзимга қўяман яшириб.

Бунча синчков бўлма, бунча топонгич  
Кўзим дарёсига шўнғимагил, жим.  
Ахир бу дунёда энг бехавф ва тинч  
Дард яширас жойим — менинг шу кўзим.

## ШУНДАЙ УЙ БОР...

Шундай уй бор, деворлари метиндан метин,  
Кўрар фақат муҳаббатнинг ўтли ёзини.  
Ётогида жуда қисқа туюлади тун,  
Деворида баҳт пичири қолар ёзилиб.

Шундай уй бор, одамдайин бош эгтан қыйи,  
Устунлари кетгудайин салдан чүрт синиб.  
Ётоғида тун ўтмоғи ажалдан қийин,  
Деворида хўрсиниклар қолар хўрсишиб...

### ИШОНЧ ДАРВОЗАСИДА

Ишонч қўрғонини қуриб кетганлар,  
Бу қўрғонда яйраб, юриб кетганлар.  
Кимга зах кўриниб қўрғон ичи гоҳ  
Чиқиб ўнг ё чапга уриб кетганлар.

Уриб кетолмадим ёлғизгина мен,  
Ишончингдан чиқдим. Қўрғон ёпилди.  
Дарвозага боқиб ҳолсизгина мен  
Ўлтирибман, оёқларим чопишиди.

Ҳаёт давом этар қулиб гулгун, шўх  
Бахтлар чорлайверар, имлайверар шон.  
Бироқ кетмоқдикка менда оёқ йўқ,  
Бир кун дарвозада беражакман жон.

### СОЧИНГИЗНИНГ ЎРМОНЛАРИДА

Ошкор, пинҳон бор йўлим билан  
Кўнгил уйингизга кирдим мен,  
Силаб-силаб ўз қўлим билан  
Сочингизни оқартирдим мен —

Порлайсиз бу оқлар ярашиб  
Бахт онида, ишқ онларида.  
Мен яшайман тунлар адашиб  
Сочингизниң ўрмонларида.



## **СИЗСИЗ**

Кўш ҚУВОНЧ кирмаса яшар ёлғиз FAM,  
Шундан Сиз йўқ маҳал уй уймас, хато.  
У фор, мен тушаман эшик очган дам,  
Кейин чиқолмайман Сиз келгунча то,

Хоналарга Сизсиз маъюс кираман,  
Сизсиз тувакдаги гул ҳам қарибди.  
Эшик тақиллади, мен югураман,  
Минг йил фор азобин чеккан ғарибдай.

## **КИРИБ БОРМОҚ**

Чуқур кириб борманг ўйларингизга,  
Ундан қайтиб чиқмоқ қийиндир ахир.  
Ҳар ишда, мана шу маслаҳат Сизга,  
Чуқур кириб бормоқ — меваси тахир.

Айниқса, юракнинг йўлаклари тор,  
Йўлнинг ярмига ҳам бормасдан қайтинг.  
Кейин хонангизнинг тўрт ёғи девор,  
Уй, юрагингизда сақлангиз тартиб.

Бу йўл-йўриқ Сизга, мен сизни енгдим,  
Ўзимга бу сўзни айттолмайман мен.  
Шеърга чуқур кирдим, уйқу йўқ энди,  
Тонггача бу йўлдан қайттолмайман мен.

## **МЕНГА АЙТ...**

Сен ойга қўлингни чўзиб толмагил,  
Ой, ой-да, ўрганган, ёлғиз ҳол, кетар.  
Қуёшга дардингни тўкиб солмагил,  
Қартайган қуёш ҳам ҳолсиз чол, кетар.

Сен тоққа қилганинг билан арзи-дод  
Тоғ — тоғ-да, сир бермай тургани турган.

Чўққидан кутмагил бирор-бир имдод,  
Эгилган чўққини айттил, ким кўрган?

Жилғага сир айтсанг тоқатинг битиб  
Чулдираб, шўх қаҳ-қаҳ отиб кетади.  
Тош, харсанг оралаб, паналаб ўтиб,  
Кимгадир сирингни сотиб кетади.

Менга айт, менинг бир қальям бор тинч, кенг,  
Бу юрак, мен уни чуқур ўяман.  
Ва Сенинг сирингни ўшал қальянинг  
Энг хавфсиз ерига кўмиб қўяман.

Менга айт...

\* \* \*

Кузнинг ёноқлари намли туюлар,  
Қўрғошиндай оғир куз сўроқлари.  
Юракка нимадир ҳазин қуюлар  
Ва кўра бошлайсан аниқ, доғларни...

Авж гуллаган кўклам, саратонли ёз,  
Кечагина эди пойимда бари.  
Шу — дириллаб турган сариқ япроқ рост,  
Тушдай ўтиб кетди олдингилари.

Афсусларни узоқ ўтириб, чекмай,  
Шошиб қўзгаламан, тўзғиган тўзим.  
Энди унга дардим айтай кечикмай  
Кетиб қолмай япроқ ё мен ўзим.

Кузнинг ёноқлари намли туюлар...

\* \* \*

Бу эркак аёлнинг осмони эди,  
Ери эди унинг чопқиллаб юрган.

Кўз очиб кўрган илк жаҳони эди,  
Таоми эди у илк бор қўл урган.

Уруш ялмоғиздай солиб келиб чанг  
Осмонини ютди, ерини ютди.  
Нима олса шу аёлдан олди жанг,  
Унинг илк таоми — эрини ютди.

Сўнг аёл таомдан бош тортди, толиб,  
Силкиниб, ярқираб тарамади соч.  
Ўша-ўша аёл муаллақ қолиб  
Осмон-ердан айро яшаётир оч.

Бу эркак аёлнинг осмони эди.

## УЯТ

Бошингни силаган осмон уятли,  
Суймай, куймай яшаш осон, уятли.  
Ишқ — шу бир дард билан чиқишимасанг,  
Дунёда дардларинг бесон, уятли.

Қирғоқ бузиб, тошиб, толмасанг уят,  
Ким учундир адо бўлмасанг уят.  
Яшашда яшарсан нени десанг деб,  
Ўлганингда ишқ деб ўлмасанг уят!

\* \* \*

Ёнаёттан бу ўт бўлмас сира кул,  
На қор, на бўронда сўлмайдир бу гул.  
Йўқдир бу ҳаётда бирор-бир мушкул,  
Сен менинг қўлимдан тутганда, жоним.

Юрак дарз кетмайди, девор қуламас,  
Бахт жоми лиммо-лим, тўлуғ, силамас.  
Кимки кетган бўлса ортга қайтар, бас,  
Мен сени нигорон кутганда, жоним.

Хаёт абадий деб гуллар тераман,  
Кучасан, ўзим ҳам гуллайвераман,  
Бу не чанқоқликдир, чүллайвераман,  
Сен менга ишқ жомин тутганда, жоним.

Барига, барига тикилиб синчил,  
Мен дейман, бир куни қолсак биз тинчиб,  
Эҳтимол, бу ҳаёт бўлар ўткинчи,  
Иккимиз дунёдан ўтганда, жоним.

## ТИК ЙЎЛ

Йўлдан чиқма, йўлдан чиқма бир қадам,  
Бир қадам чиқдингми, шўринг қурибди.  
Чунки йўл четининг майсалари нам,  
Унда капалаклар ўйнаб юрибди.  
Сен йўлдан бир қадам кетдингми, бўлди,  
Қайтиб келмогингта минг йил керақдир.  
Кўксингда тик йўлнинг Дарғаси ўлди,  
Кўксинг аросатда қолган юракдир.  
Чиқдингми, бўм-бўшсан, видо айтгин, бас,  
Йўлга тушолмайсан қайта дил ўқлаб.  
Бирор тун йиғлаш ҳам ёдингга келмас  
Кўксингдаги ўлган Дарғани йўқлаб.  
Энди тик йўл йўқ, бор йўлсизлик, ўйдим,  
Ўзингдан қўлтиққа қўл ургин, ювиб.  
Тик йўл — кийик эди, олдириб кўйдинг,  
Энди яшайвергин, капалак қувиб...

## СЕВИНЧ КЎЧГАН УЙ

Кўчиб кетди кўнглингдан севинч,  
Сен қузатиб қолдинг шамингни.  
Бундан буёқ яшайдирсан тинч  
Илинмасдан шавқу ғамингни.

Силамагай сочингни шамол,  
Тун шивири тўхтагай таққа.

Ишқ — бошидан сирғалиб рўмол —  
Бир-бир босиб кирмас ётоқقا.

Кўзларингдан армонлар томур —  
Очилмайдир гарчанд бу парда.  
Фақат, қандоқ ўтаркан умр  
Севинч кўчиб кетган уйларда?!

### ЎРТАДАГИ ДАРЁ

Тушун ахир, кўзингдаги нур,  
Айтар сендан кетолмасимни.  
Ўртадаги бу дарё — чуқур,  
Айтар менинг ўтолмасимни.

Бир кун чалғиб, Сени этсам тарқ,  
Қолар бўлсанг ёлғиз, ғам чекиб,  
Ўртадаги дарё қиласар ғарқ —  
Жасадим ҳам бўлар сеники.

\* \* \*

Сўзамолсиз... йўқ, бермайсиз гал,  
Сўзда жавлон ураверасиз.  
Узун кунни тугатиб тугал  
Гапни тунга улаворасиз.

Нафрат билан мен жуфтлайман лаб,  
Йўл бермайсиз...  
Жаҳлим — жаҳл, ўч-ўчимда қолар.  
Яхшиям, мен Сизга айтар гап  
Айтилмасдан ичимда қолар.

\* \* \*

Бўлмагандай боғларда бўрон,  
Барг тўкилиб, шохлар сингани,  
Қуёш кулар, қуёш олар жон,  
Нурлар келар Сенга синггани.

Гуллар ишқни ўргатар қүшга,  
Сув тупроққа ёзар баҳтларни.  
Дараҳтлар дуч келмаган қишиға  
Күргани ёз, бу дараҳтларнинг.

Қучогига чорлайди күча  
Хотири жам, тиниқ асаби.  
... Ва сен билан мен ҳам ҳеч қачон —  
Сен — менга ҳам бормаган каби.

## БИР ХАТО ИЗТИРОБИ

(Бир аёлнинг кундалигидан)

У келар бағрига солиб ишқдан ганж,  
У келар бағримда сайрайди күмри.  
Ү билан уйимга келади юпанч,  
Ярим соат менинг юпанчим умри.

Үзимга жой топмай қолиб шошаман,  
Унга отиламан севиб, ўқиниб.  
Ярим соатгина тўлиб-тошаман,  
Ярим соатгина... сўнг қолгум тиниб.

У қўл соатига қарайди маъюс,  
Кўксимда нимадир қад кўтарар даст.  
У чиқиб кетади, деразадан куз  
Мунғайиб кўзимдан кўзини олмас.

Кейин туйгуларим тутаман тунга,  
Кўкрагим бир ўтдан ачишади, бас.  
«Ўзимники бўлинг» дейман мен унга,  
«Меникисиз» демоқ қўлимдан келмас.

Кейин узун тунлар ўйга толаман,  
Туш кўраман, кўзим илингани он.  
Тушимда оқ капитар бўлиб қоламан  
У ўз қўлларида тутар менга дон.

Уйғониб кетаман, уйғониб «Нега?...»  
Фалаёнли ўйлар келар бостириб.  
Нечун ўз уйига бўлолмас эга,  
Эшигимдан ошкор келолмас кириб.

Наҳот инсон ўз айб, ўз хатосининг  
Бир умр ўйнаса ўйинларига.  
Наҳот бир умр, ўғлим, ўз отасининг  
Ошкор осилолмас бўйинларига?!

Шу қисматни право кўрдими ҳаёт,  
Қиздирсинг деб фийбат, гап ўчогини.  
Гулдай таним билан бир умр, наҳот,  
Иситиб яшайман тун қучогини...

Оҳ урсам, оҳимдан ўт кетар тунга,  
Қарғамай десам-да ёшлиқ, мастиликни.  
Ўша мастилик — МЕНИ тутқазган УНГА.  
Менга «МЕНИКИСИЗ» деёлмасликни...

## ИНТИҚОМ

Бир томондан ловуллаб бир қиз ташлар кўз қирин,  
Бир томондан шўх йигит, меҳр талаб, ишқ талаб.  
Тиллашдилар, жуда тез тушундилар бир-бирин,  
Тушунарли тил бўлган ҳамиша ҳам ишқ тили.

Кейин беҳишт боғлари ерга кўчди, кўкарди,  
Одам хушбаҳт қуш бўлар, ишқ болини тотган кун.  
Кейин куёв келинни бошларида кўтарди,  
Сифмадилар дунёга, гўдак, сени топган кун.

Шундай, аввал кўп ташна, ишқни суйиб ичдилар,  
Аммо... ўртада совуқ шамол эсиб ўтган дам,  
Бир-биридан илдамроқ бир-биридан кечдилар,  
Нафрат тили ҳамиша — ханжар, кесиб ўтган дам.

Улар-ку иш қылдилар ё билмайин, ё қасдан,  
Үз-үзларин ўйлашиб, ўлда-жўлда сен қолдинг,  
Улар икки томонга кетдилар тўхтамасдан,  
Тўхтаб, кўлларинг чўзиқ, аро йўлда Сен қолдинг.

Кутлуғ ҚУВОНЧ эдинг сен, оҳ бошингга етдилар,  
Кушим, бу не маҳзунлик, кексайиб улгурисан.  
Ош-нонга зор бўлмаган замонда зор этдилар  
Мехр тилаб турибсан, шафқат тилаб турибсан!

Улар бири бирига беролмай қолсалар дош,  
Ажралса бир-биридан иккиланмай, кўнгил тўқ,  
Нечун Сенинг кўзингда қалқимоги керак ёш,  
Сенга тегмоғи керак, нечун улар отган ўқ?

Уруш йиллардагидай етим қолдинг тонгларда,  
Гўдак, энди кўзингни соғинч, армон тўлдиргай.  
Битта фарқи — урушда ота ўлган жангларда,  
Битта фарқи — онани азоб, ҳижрон ўлдирган.

Сенинг отанг — онанг-чи, юарлар гашт суришиб,  
Бўм-бўш уйдай кўксини қундан-кунга тутиб тик.  
Бахт барбоду отангнинг иши кетган юришиб,  
Бахт барбоду онангнинг гул-гул ёнгани қизик.

Нега дунё қораймас, бу ҳақсизлик чангидан,  
Нега ҳамон дард туғар бу омонат ишқу шон.  
Улар фарзанд топарлар янги баҳтдан, янгидан  
Янги ота-онани Сен топмайсан, болажон.

Ҳали гўдак кўксингни не туйгулар доғлайдир,  
Хотиранг осмонида улар юргайлар сузиб.  
Ўйланасан, ўй Сени улар билан боғлайдир,  
Йўқ, улардан ўзингни олгин ажратиб, узиб.

Сен уларга фарзандмас, ҳеч ушалмас армонсан,  
Икки кўнгил тубида битмас яра, ўчмас чўғ.

Сен уларга ўқилган умрлик айб, фармонсан,  
Кетказиб бўлмас доғсан манглайларига узуғ.

Мен қўрқаман бу доғни ювмоқ учун етмас сув,  
Қор ёққач из, интиқом доим кетмас босилиб.  
Сенинг иккита қўлинг дор арқони бўлару  
Отанг-онанг бир тонгда унда қолгай осилиб!

Улар ўзи ғишт қўйди шу ёзуққа, асосга,  
Гарчанд ҳамон яшайсан ишқ, шафқатга оч, илҳақ.  
Энди куттуғ ҚУВОНЧ — Сен айлангансан ҚАСОСГА,  
Хукм қатъий, ал-қасос-ул, ал-қасос-ул миналҳақ!

### ХАЛҚОНА ОҲАНГЛАРДА

Йиғласангиз йиғланғ ҳушёр, сергак учун,  
<sup>167</sup> Не бир яхши, ёмон кунда тиргак учун,  
Опам, синглим кўз ёш тўқманг сира-сира,  
Аёлга баҳт беролмаган эркак учун.

Эркак ўзи кимлигини билармикан,  
Бир сирли, тилсимлигини билармикан?  
Ишқ гавҳарин аёлига асролмаса,  
Шўр пешона, шумлигини билармикан?

Йўлга чиқсанг йўлинг берса, бойланмаса,  
Хаёлларинг тинийверса, лойланмаса,  
Эркак — эркакмидир аёл жилға бўлиб,  
Уни айланниб оқмаса, айланмаса.

Дупур-дупур тулпор келар тоғлар билан,  
Эркак келар дупурлаб ўнг-соғлар билан.  
Аёл қўли ёлларини силамаса,  
Тулпор кетар кўкайида доғлар билан.

Тулпорларим, укам-акам, оталарим,  
Минг-минг уйли халққа эҳсон, атоларим,

**Хали мунгли аёл күнглин топмабсизми,  
Босган изи хатоларим, хатоларим!**

Бекор жангы хұнлар учун аза очинг,  
Ёлғиз ўтган түнлар учун аза очинг.  
Хатто, тоғииңгай айқылари жуфт ахтарар,  
Сиз сүққабош күнлар учун аза очинг.

Йўқса аввал Сизга қарғыш тегар бир кун,  
Ёв ёприлиб келиб Сизни эгар бир кун.  
Хали мунгли аёл күнглин топмабсизми  
Кўпаймаган эл камайиб тутар бир кун.

Эл қолмайдир фақат бойлик, ерлар билан,  
Одам топиб кўр-чи на сим, на зар билан.  
Гумоним йўқ, қай эл қолса яшаб қолар,  
Аёлинни элим деган эрлар билан.

**Йифласангиз йигланг ҳушёр, сергак учун!**

## **ҲИЖРОН ЁБОНЛАРИДА**

Битиб кетар кўнгил ярамиз,  
Үртанувчи зорлар кетади.  
Гулга кирабошлар орамиз,  
Орамиздан қорлар кетади.  
Мен ҳижроннинг ёбонларида  
Сарсон кездим, қоматларим ёй.  
Сен ҳижроннинг ёбонларида  
Гул ёшликни тамом бердинг бой.  
Мен айрилиқ саҳроларида  
Бир савдои бўлман, қарасам.  
Сен айрилиқ саҳроларида  
Мункиб, кўмга ботиб борасан.  
Азобига қандоқ берай тоб,  
Азобига кўксим, кўзим лиқ,  
Пичоини кўксимга қадаб  
Турган ғамнинг номи «айрилиқ».

Айрилиқнинг қўллари узун,  
Кучар, истар исиб, совушим.  
Айрилиқнинг йўллари узун  
Илма-тешик бўлар ковушим.  
Товонимдан тирқирайди қон.  
Қоним қолар ўт, гул барида.  
Йўлни қонга бўяш ёзилган  
Айрилганлар манглайларида.  
Қон-ла тонгта, тунга ёзаман,  
Яқинлашиб борар орамиз.  
Чиқаётган кунга ёзаман:  
«Битиб кетар кўнгил ярамиз».

## ҚИРГОҚ

Дарё янглиғ олдга чопаман  
Ёйиб ташлаб қирқ кокилимни.  
Ёниқ-ёниқ суюб ўпаман  
Соҳилимни, сен — соҳилимни.

Хаёлимга қайси бир дамда  
Қирроқ бўлиб келдинг, чамамда.

Мен-ку сенга берганман изн,  
Икки ёним қиргоқ — маҳкам, банд.  
Мен оқмайман қиргоқни бузиб  
Асов шиддат бермас сенга панд.

Сен ҳам озод шиддат бер сувга,  
Шубҳа билан олмай сиқувга.

Қиргоқ сирдош, қиргоқ — суянч тоғ,  
Дарё оқар унга бош уриб.  
Бир кун сочинг оқарар оппоқ  
Шул дарёни қўриқлаб юриб.

Оқар чоғ ҳам мангулик ёқса,  
Лаб босгум сен — метин қиргоқса.

## **КЕТМА!**

*Замонлар аёлин доди бу садо:  
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим».*

*Марина ЦВЕТАЕВА*

Севмоқ, севилмоқлик баҳтми ё оғы,  
Оғы, баҳт аралаш сўзимдан кетма!  
Аёлнинг минг йиллик нидосидир бу:  
«Келавер, келавер изимдан, кетма!»

Кетсанг ўзлар хомуш, базм айлагай ёт,  
Қадимий сукутда чинқиргайдир ёд,  
Харсанглар тил битиб, дод айлагай, дод  
Мендаги бу тоқат — тўзимдан, кетма!

Уни шон кутарми, ё кутарми қон,  
Эсламайдир хуркак, титроқдаги — жон,  
Кетсанг мендан ўсиб кетмоғи аён  
Ҳатто, келмаганлар, тизимдан, кетма!

Паноҳсизни ҳар ён тортқилар шамол,  
Қай бирор баҳт излаб мени кўрса, лол,  
Ўз жаннатин менда қилмасин хаёл,  
Менинг сирли, ўйчан кўзимдан, кетма!

Шиддатин йўқотган дарё — тинар куз,  
Япроқдай сарғайиб жим хўрсинар куз  
Алвидога кўнар, ғамга кўнар куз,  
Менинг рангпар, сўлғин юзимдан кетма!

Бироқ мен кўнмасман, баҳтми бу оғы,  
Наҳот қуримоққа маҳқум ишқ боғи.  
Сенингман, сенингман, не бўлса ҳам у,  
Ўзимман, Сен менинг ўзимдан кетма!



## **ХАВОТИРНИНГ ҚУЧОҚЛАРИ...**

Кизиқ туйғу, қилолмассиз даф,  
Юксалиб, гоҳ толиб яшайсиз.  
Бехавотир яшайман, сабаб  
Сиз хавотир олиб яшайсиз!

Суяман мен, сийланаман мен  
Гуллар сочиб йўлларингизга.  
Бехавотир суяноман мен  
Чирмаб олган қўлларингизга.

Сизга ҳукмин ўтказолмас Вақт,  
Сиз муқимсиз, Баҳт тоғларидаӣ  
Мен ўраниб яшайман хушбаҳт  
Хавотирнинг қучоқларида.

## **ОЛОВ САРИ**

Афтга бериб жиддиятнинг тусини  
Эшигингта сиртдан, ичдан қулф уриб,  
Ташқарида қолдириб гул исини  
Вазмин кетадирсан уйингга кириб.  
Бу ҳолатдан гунча кулар қиқирлаб,  
Гунча нима, ўйлаб кўрсанг танангга.  
Тун чоғлари бир-бирини «юр-юр»лаб  
Ой нурлари кирмоқ бўлар хонангга.  
Кизик, тўсиқ бўлмас экан нур учун,  
Кўя қолса бўлар сиртдан мўралаб,  
Бу ой нури саркаш боладай нечун,  
Ўтаверар панжаралар оралаб.  
Хоналарга жони сиғмай бола хит,  
Тушларида чорлар дала, ўнгиrlар.  
Ойнинг нури сенга берар халақит,  
Бу нур балки уйдан бир не ўғирлар.  
Нурдан кўрқув, кўрқув гулдан, қуёшдан,  
Бор кўрқувни бир қулф билан енгасан —

Ҳадик таниш, нотанишдан, тенгдошдан  
Сен ҳадигу битта қулфга эгасан.  
Мана, шундай дилингга ҳам қулф солиб,  
Үтаяпсан бир кимсани йўлатмай.  
Бир кимсани бағри аро йўқолиб,  
Бир кимсани бир дараҳтдай гуллатмай,  
Сирдош бўлиб тақдирингга йифлайман,  
Дейсанки, кўп бу ҳётда олгиrlар.  
Қўрқасан-ки, бермасинлар тағин панд,  
Олмасинлар юрагингни ўғирлаб.  
Йўқ! Айт менға, кимга деб беркитурсан,  
Дуру гавҳар сандигидай уйингни.  
Асраб-асраб, қайга олиб кетурсан,  
Райҳон ҳидли дуру жисму, бўйингни.  
Мен қўрқаман, оёқ босмасдан бирор  
Қулфли уйинг захлаб чўкиб қўймаса  
Ва юрак ҳам бўлавергач сабр-ғов,  
Куз гулидай баргин тўкиб қўймаса.  
... Бир кун келиб, уйинг очсанг, кўксинг дуд,  
Унда аён бўлар кўпнинг кирмаси.  
Унда, унда сўраганлар сендан ўт,  
Кетар ўзга оловларга чирмашиб.  
Йўқ, йўқ, тушмоқ аянч тоқат тоғидан —  
Уй, дил қулфин бузиб чиқмоқ ташқари.  
Қочмоқ керак ёлғизлик қучоғидан,  
Кетмоқ кёрак олов сари, ишқ сари!

## КЎНГЛИ ЯРИМ...

Улар бир-биридан кетаётган вақт  
Ҳамма нарса талаш ўрталарида.  
Бутунги кунида йўқдир бугун баҳт,  
Эртанги баҳт йўқдир эрталарида.

Ҳамма нарса талаш: уй ҳам, мебель ҳам,  
Ҳар бири истар-ки, кўпроғин олса.  
Тоғдаги қор талаш, боғдаги ел ҳам,  
Йўлин топсалару сумкага солса...

Қаттол кураш кетар, жанг-ки шиддаткор,  
Ҳар бири денгиздай тортар қаърига.  
Үрталиқда битта митти гүдак бор,  
Ҳеч илож йўқ шуни бўлмоқлариға.

Албатта, курашиб олади бири,  
Хурсанд олиб кетар бағрига босиб.  
Аммо бўлинди-ку гүдак тақдири,  
Үрталиқда Уни қўйдилар осиб.

Энди баҳти нимдир, толеи нимдир,  
Ота-она унинг бошига етди.  
Ким билан қолса ҳам кўнгли яримдир,  
Чунки ярим кўнгли узоқлаб кетди.

\* \* \*

Бир вақтлар кетардик баҳорлар томон,  
На баҳор, гуркираб виқорлар томон.  
Энди темир бўлгин, энди мунгайма,  
Энди йўлларимиз қор, қорлар томон.

Баҳорлар кўрсатдик шавқ, мастилик кучин,  
Виқоримиз тоғдан тикроқ келди чин.  
Энди йўлларимиз қор томон экан,  
Кўлингни бер, тойиб кетмаслик учун.

Фикр этсам, кўрмаган, кўрган эканман,  
Умр ўтса-да йўлу, уй тиклайман деб.  
Сездим, ҳаётингга кирган эканман,  
Сени қорли кунда қўлтиқлайман деб.

\* \* \*

Бу аёлнинг соchlари узун,  
Узундир, узундир бармоқлари.  
Куюқ тортар фира-шира тун  
Ул сочини ёйган чоқлари.

Узун-узун бу сочлар билан  
Үнга пешвоз чиқолмайди у.  
Фамлари-қувончлари билан  
Үнга күйлак тиколмайди у.  
Ҳавас билан, ачиниш билан  
Кузатади... құшни ёш жувон  
Үз эрининг күйлагин тикмас,  
Истамайди пешвоз чиқмоқни...  
Эри ишдан келади ҳориб,  
Құлда папка, ишнинг chalаси...  
Тушлар күриб ухлайди жувон,  
Пашшасини күрир боласи...  
Аёл ўйлар... умр-ўқлигин,  
Гарчанд тайёр жонин тикмоққа  
Ва ўйлади... ҳаққи йўқлигин  
Бу эркакка пешвоз чиқмоққа...

## ИШҚ

Мен кузга алвидо айтаман шошмай,  
Япроқлардан күнгил уза оламан —  
Хайрлашув хатини сира адашмай  
Ёза оламан.  
Бегам, эҳтиётсиз дўсту душмандан  
Сўраб, сўрәмай ҳам оладирман ҳақ.  
Ҳар қандай армондан, пушмондан  
Устунман мутлақ.  
Кўлим узун бўлар, ғоятда узун,  
Энг юксак чўққига кўнглим тикаман.  
Менга минг сирини очар ҳатто тун,  
Тундан қизил гуллар тақиб чиқаман.  
Сезмай босиб ўтгум ҳасад тифини,  
Писандмас кимнингдир бергани фириб.  
Менга дунёning бор устунлигини,  
Ишқ — Сен берадирсан ёнимда юриб.  
Дунёларга сигмай, яшасам бойиб,  
Гуркираб, Сен кучга тўлган бўласан —

Мабодо, етимдай қолсам мунғайиб —  
Шул кун күксим аро ўлган бўласан.  
Ишқ...

.НЎЖ  
\* \* \*

Билмам, адашдимми ё тўғри қилдим,  
Бафрингта япроқдай тўкилдим.  
Аслида бу байтни мен ёзганим йўқ,  
Менинг умрим — мўлжал сари кетган ўқ.  
Вақтида келдим ё бевақт, анча кеч,  
Афус айтганимни эшифтадим ҳеч.

Бўлмасни бўлдиргум деб қиласман қасд,  
Мен яшаш сурурин шундай деб билдим.  
Аросат, бу сатр менини эмас:  
«Билмам, адашдимми ё тўғри қилдим».

Камон эгилдию отди — учяпман,  
Йўқ, иккиланиш ё бир сўз айтиш йўқ.  
Майли, шароб ёки зардоб ичяпман,  
Мен отилган ўқман, ўққа — қайтиш йўқ.

## АВТОПОРТРЕТ

НТ,

### 1. ЁЛҒИЗЛИК;

ЙОЛДУЗ

Бир вақт шошқин ёнимга келган эдинг йўл топиб,  
Келганингта қадар ҳам яшаганман Сен билан.  
Тунларда уйку эмас, ёдинг кўзимни ёпиб,  
Тонгларда уйгонардим тушда ўличларингдан.

Келдинг, кўп ўтмай Сендан айрилиб қолдим, бироқ,  
Қайдан қалб кўзи билан қолдим мен Сени таниб?  
Бизлар бирга яшаркан, кетиб борардим йироқ,  
Бизлар бирга яшаркан, борардим яккаланиб.

Гарчанд ҳамон биргамиз, аммо асли йўқсан Сен,  
Наҳот бу ҳаёт энди қабул қилмас таҳририм.

Бир гуруллаб тафт бермай ўчиб қолган чўғсан Сен,  
Наҳот жунжикиб ўтмоқ — энди менинг тақдирим?!

Гарчанд энди кетмоққа — йўл топмоққа шошмассан,  
Айт, қачон булут янглиғ қопладинг осмонимни?  
Биргасану, йўқ, йўқ, жон-жонимга туташмассан,  
Қайғусин қиласман шу ёлғизгина жонимни.

## 2. АЛАНГА

Гумоним йўқ, алангадай севдинг ютоқиб,  
Сўзларингда, кўзларингда аланга тафти.  
Мен билмабман, бу оловда умрим бутоғи,  
Япроқлари секин-секин куя бошлапти.

Ҳаётимга алангадай кирдинг бостириб,  
Ҳаётим, бу алангадан исинди, ёнди.  
Мен ўч эдим, ўтлар билан ўт суҳбат қуриб  
Ўтсанг шу баҳт эканига қаттиқ инонди.

Мен ўч эдим, ўчлик тутди ўтнинг барини,  
Бугун ногоҳ ўтмас, сувни эм кўраяпман.  
Бугун ногоҳ умримнинг кўк кенгликларини  
Қиёқ тилли алангага ем кўраяпман.

Ва бир хаёл ўйларимга ўрнашиб олган  
Такрор этиб ишқнинг ўтлиғ, мунглиғ сасини:  
— Чироқ йўқми бу дунёда сақлаб қололган  
Куйдирмасдан ўзин урган парвонасини?

## 3. ҲИЖРОН КУНЛАРИДА

Ҳеч кимсани чақирмайман ўзга кўмакка,  
Ҳожат борми, ўтири, дардим эшиш демакка,  
Чунки мени сен тушунмай қолдинг, мен якка.

Ҳолбуки сен... бир қараашда кўриндинг совук,  
Бир қараашда... кейин ўзинг бўлдинг чирмовуқ,  
Айб йўқ эмас менда ҳам, мен деёлмадим йўқ.

Энди мени ҳар қадамда висол кутарди,  
Ҳар қадамда күчли қўлинг аршга кўтарди,  
Шодмон эдим, чунки йўлдан Сен-ла ўтардим.

Бу йўл чети дараҳтларда қушлар чувиллаб,  
Кеча гужғон ўйнар эди, бугун ҳувиллаб  
Қолган бу йўл, чунки... чунки мен бўлдим гуллаб.

Йўқ, ҳали ҳам якка эмас, сирдошим бордир,  
Ул — ёлғизлик, қучоқ очар, қучоги қордир,  
Воҳ-ки, бугун менга Сенмас, у муштоқ, зордир,

Толе экан, тушдим бир сўз, қорлик, музликка,  
Қўрқдим, тағин алданмай деб айри сўзликка,  
Мен тоабад кўнгил бердим шул — Ёлғизликка.  
Ҳеч кимсани чақирмайман...

\* \* \*

Тегма, менинг кўнгил ярамга тегма,  
Тегсанг кўкрагимга тош қулаши бор.  
Вақт ўтган. Бу ўрам-ўрамга тегма  
Тегсанг, у тик, мағрур бош қулаши бор.

Унинг-чун кар бўлдим, қай бир тонгми, шом  
Эшитмай деб жавоб, саволларини.  
Тағин... унинг учун кўр бўлдим, тамом  
Кўрмайин деб камол, заволларини.

Бу фаровон дараҳт — менга ўхшар ул,  
Дарди ниҳон, яшнаб, бир кун қулайди.  
Менинг ҳам... кўксимда чақ-чақ қизил гул  
Одамлар кўзини алдаб гуллайди...

Тегма, менинг кўнгил ярамга тегсанг,  
Бу гулларни янчиб тош йиқилади.  
Вақт ўтган. Бу ўрам-ўрамга тегсанг,  
Ўралашиб, мағрур бош йиқилади.

## **КЕТАМАН**

Сен ишқимга қилганда гумон,  
Дил-дилимни босганды туман,  
Келганида жаҳлинг — Ёсуман,  
Мен кетаман, бадар кетаман.

Боғлар аро бошланар хазон,  
Ишқнинг қадри, қиммати арzon.  
Ишқ ҳовучлаб яшайдирми жон,  
Үртаб-ўртаб қадар, кетаман.

Ишқ охудир — отиб қўйдинг Сен  
Ишқ Сир эди — сотиб қўйдинг Сен.  
Гумон лойдир — ботиб қўйдинг Сен,  
Сўнг бор ташлаб назар, кетаман.

Севдим, аввал ўт бўлиб севдим,  
Сен ишқники бўларсан девдим,  
Сен гумонга кўнгил бердинг жим,  
Энди қилиб ҳазар, кетаман.

## **ЎЛИМ ОЛДИ АЛЛАСИ**

### *Баллада*

Мен бағрим ёқиб бўлдим, сел каби оқиб бўлдим,  
Неча бор қайта ўлдим бу ҳолат тасвиридан.  
Нақд бер деб йиғламаган, тахт бер деб йиғламаган —  
Баҳт бергин деб йиғлаган Бодомгул тақдиридан.  
Уй олдида машина, юқ ортишар қўшнилар,  
«Бу қиёмат қойим» деб, ғам тортишар қўшнилар.  
Эри четда ҳангум манг, эри четда ҳоли танг,  
Балки ораларига тағин тушар қўшнилар.  
Бодом ҳам бир чеккада яраланган қуш янглиғ,  
Гоҳ ҳушига келгандай, гоҳ маъюс, бехуш янглиғ.  
Қўш гўдаги пинжига суқилади жовдираб,  
Кечаги баҳт, гўдаклик бўлди бугун туш янглиғ.

«Балки ораларига... тушмасин йўқ, Бодомжон.  
Сен кўксимда ишқ эдинг, энди сен ўқ, Бодомжон.  
Ёмон санчдинг кўксима, энди бегинг ўлгандир.  
Мен учун ҳам уввос сол, ёшигни тўк, Бодомжон,  
Эртак эдим мен Сенга, поймол бўлди эртаклик,  
Эркак эдим мен Сенга, поймол бўлди эркаклик.  
Дерлар-ку ахир: «Гулни узсин қўша-қўшгани»,  
Ҳайҳот, қандоқ кечирай узганини бошқани».  
Юрак-бағри тўкилиб Бодом бетус йиғлайди.  
Ул шўрликка тикилиб бор эл-улус йиғлайди.  
Ҳасан-Ҳусан зорлайди, отасини чорлайди,  
Ота боролмас, сим-сим атрофда куз йиғлайди.  
Юклар тайёр. Йўл олди Бодом қаддин тутди гоз:  
«Тузингизни кўп ичдим, хизматларим бўлди оз,  
Рози бўлинг, бегим», деб бир-бир хайру хўш қиласар.  
«Бу қай кун», деб ёқасин ушлар қўни-қўшилар.  
Катта-кичик тикилиб қолган қирда-қиёда,  
Қўш гўдаги қўлида, Бодом олдда, пиёда.  
Орқада юқ машина, бу йўл шундай бошланди,  
Қарааб туриб кекса-ю ёшнинг кўзи ёшланди...

\* \* \*

Қанча ўтди, билмайди, эр келганда ўзига,  
Битта-яримта юлдуз чиқиб кўкнинг юзига,  
Шом қоронгуси ўтиб қуюқ тун тушар эди  
Унин бўм-бўш қалбига ўчми-хун тушар эди.  
Чап кўкраги санчили, Ҳасан-Ҳусан жойими,  
Сувда ой чил-чил синди, унинг кўнгил ойими?!  
Кейин кечаги тунни эслаб кетди ҳовлиқиб...  
Ярим тунда қайтарди у шаҳардан толиқиб,  
Уйга яқин келганда эшитилди қичқириқ —  
Ланг очиқ деразадан уйга ўзин отди тик,—  
Ҳайҳот, колхоз раиси, кўп ардоқли дўст уйда!  
Хотинига канадек чиппа ёпишган кўйда.  
Қучоғидан чиқармас, ўпарди сўриб-сўриб,  
Хотини жонҳолатда юлқиниб, ўзин уриб,  
Жилолмас, уй ичига сочилган бир даста пул,

Ўзи ҳам сезмай қиндан пичоқни суғурди ул!  
Мана сенга, раиснинг муруввати, бояқиш,  
Туғишигандай, ўртоқдай куйиб-қўллаганлари.  
Кўнглинг овлабу авраб топиб бирор зарур иш,  
Икки куннинг бирида шаҳар йўллаганлари,—  
Ҳайҳот, менинг кўнглимга ғоят яқин эди у,  
Шул яқинликдан туриб, юрагимни еди у!  
Унга ҳам омонлик йўқ! Пичноқ айтди сўнг сўзни  
«Единг» ушбу сўз билан раис ҳам юмди кўзни...

\* \* \*

Ёлғиз қари онаси кўз ёш қилди куюниб,  
Шўрлик Бодом ҳам олди беваликни кийиниб.  
Кўш гўдагим етим, деб етти букилар эди,—  
Ич-ичидан кун-бакун тутдай тўкилар эди.  
«Раис босқинчи бўлса, менинг айбим нимадир,  
Наҳот севги оқибат тошга тегар кемадир.  
Бегим учун туманли ишонч бўлдим оқибат,  
Туҳмат балоларига нищон бўлдим оқибат.  
Офтобим дер эди-ку, мана, офтоб хор, она.  
Кўш олчадай яшаймиз дегани бекор, она».  
Ҳасан-Хусан кўзига жовдирамоқдан толди,  
Гулдайгина келинчак силга чалиниб қолди...

\* \* \*

... Сўнг ҳам узоқ ётмади, бир чошгоҳда рўйи рост,  
Муштипар онасидан шундоқ қилди илтимос:  
— Она, кўп бўлгучииди Сизнинг ғазал, байтингиз —  
Гўдак чофимдагидай бугун алла айтингиз.  
Фақат ғазалингизда бўлмаса алам-ангиз,  
Кейин... менинг юзимга дока ёпиб қўйсангиз...  
Фақат узоқ айтасиз, бир эшитай мириқиб.  
Кекса онанинг ранги бу гаплардан синиқиб,  
Ҳаёт бебаҳт қизидай мотамсаро туюлди,  
Алла айтди, жоладай кўз ёшлари қуйилди,

Үттиз яшар гүдаги қанча истаса айттар,  
Унинг маъюс алласи найдай инграган пайтлар  
Она юраги билан сезди, қизи силкинди,  
Ё уҳ тортди, ҳар қалай, бир зум нафаси тинди.  
Ул докани тортганда бир титроқ сезиб тизда,  
Қизи тинчиб қолганди, ўтин бўлиб ўттизда.  
Ёраб, гуллаб-гулламай нураганни кўрдим мен,  
Ўлим олди «алла»ни сўраганни кўрдим мен.

\* \* \*

Битта қадам, не учун шошиламиз қўймоқقا,  
Битта қадам ва лекин бўлади-ку, тийилсак.  
Фақат биз бировларни ўрганолсак сўймоқقا,  
Фақат биз бировларга бирозгина қийилсак,  
Гоҳ қаноатда событ, даҳо бўлади инсон  
Ўз нафсин йўлида гоҳ юҳо бўлади инсон,  
Одамзод-ку аслида бу дунёга мард келди,  
Бир қадамидан гоҳо тифи паррон-дард келди!

\* \* \*

... Кўш гўдакни етаклаб кампир кетиб боради —  
Кулаган устунини зиёрат қилмоқ учун —  
Она бу хил ўйларни унга элтиб боради,  
Болам, шундай гаплар, деб унга эгилмоқ учун.  
Ҳасан-Ҳусанлар бўлса тушунмас бу гапларга.  
Ҳасан-Ҳусанлар бўлса гўдак дили қонаган.  
Қачон она сут бермас бу аччиқ алафларга  
Қачон бу хил қотиллар туғилмайди онадан.  
Йигитмисан йигит эр бир ўқдан ўлди маънан  
Бодом гулидай Бодом бўлди шу ўқ қурбони.  
Раис шу бир қадамда бу дунёи гулшандан  
Олиб кетди ўзию ўзгаларнинг ҳам жонин  
Бодом, гарчанд, тухматнинг тошига бермадинг тоб  
Гарчанд ноҳақликлардан адо кетган бир жонсан.  
Аммо ўшал қора кун эл кўэидан ўчди хоб,  
Ўшал кундан дилларда учқунланган исёнсан.  
Майли, гарчанд сендан бир маъюс овоза қолди,

Аммо ишқни букмадинг, аммо ишқ тоза қолди.  
Мен бугун хотирлайман сени оппоқ ўлим деб,  
Ишқ, номусга жон нисор. Шаҳид, қизил гулим деб.

## БИР ШЕЪР КЕРАК...

Бир шеър керак, шундай шеър битта,  
Ёзгач, тағин умр сўрамай,

Ўша шеърдан гурлаган ўтда  
Ўла олай ортга қарамай!

## ҲОЛАТ

Бу боғнинг гуллари оқ-ки худди қор,  
Кўнгил жим. Ахтарсам сабаби бисёр.  
Бирдан ҳушёр тортиб қоламан, ҳушёр,  
Бу туғёнсиз умр меники эмас.

Севаман, севгимда хотиржам бир ўт,  
Куйлайман, куйимда сипо шавқ, сукут.  
Юрак парчинланмас, юрак доим бут,  
Парчин, қонсиз умр меники эмас.

Севгилим, дарёдай кетяпман оқиб,  
Қирғоқча бўй бермай, тошиб, тутоқиб,  
Оқяпман, ич мени, ичгин ютоқиб,  
«Ишқقا — жон»сиз умр меники эмас.

Тафаккур, ёлғиз Сен тақдиримда ганж,  
Сенсиз умрим фариб, аянчдир, аянч.  
Шеърият, кўксимга ханжарингни санч,  
Бу қурбонсиз умр меники эмас.

\* \* \*

Аввал ўқигандим ушбу китобни,  
Бу тун тағин унга эгилдим суйиб.

Сатрлар қуварди кўзимдан хобни,  
Сатрлар ортидан борардим **куиб.**

16

Ногаҳон, бошимга урилади қон,  
Китоб варақлари олинган йиртиб,  
Бўғилиб бўғзимга келаётир жон,  
Бахт эди, бу бахтни кетдилар кемтиб.

Ногаҳон кўксимда бир тундлик туйдим,  
Кутганим — хушбаҳт он бўлмади насиб.  
Мен ахир хўп тўйиб йиғламоқчийдим —  
Ўшал варақларни кўксимга босиб.

Ў кўнглим, ўзингдан бер менга хабар,  
Асрасам ҳам кўзим қароқларидаи.  
Кирмадими Сенга фаҳми кўру кар,  
Йиртмадими китоб варақларидаи.

Тушмадими бирор жароҳатли из?  
Тун бўйи бағримга бўйлаб қолдим мен.  
Йўқолган шу китоб варафи боис,  
Кўнглим бутунникин... ўйлаб қолдим мен.

## БЕДИЛОНА

Ёшлиланмаган бирор кўз учратмадим,  
Бемор қалбга малҳам сўз учратмадим.  
Ўзимнинг бўл, дедим, ҳар ўзгага, лек,  
Ўзга, ўзга бўлди, ўз учратмадим.

## КУЗГИ ТАСКИН

Деразага қарасам бофни куз қилмиш ишғол  
Олтин зирақларини бутоқ-шоҳларга илиб.  
Деразадан қарасам куз — энг ёқимтой аёл  
Боғда маҳзун кезинар япроқлари тўкилиб.

Ёқимтой аёл айтмас кўксидаги шавқ, ғамларни,  
Саболар этакларин тортқилашиб юрибди.  
У мевасин узиши шарт бўлган бу дамларни  
Қачон келиб қолганин тущунолмай турибди.

Боғ бурчидан буралиб чиқиб келар наво, най,  
Кушчаларнинг кўшини юқорилар кўк сари.  
Ўйнаб-ўйнаб юмалаб ухлаб қолган гўдакдай  
Ерда там-там мевалар, кетсанг севиб, кўтариб!

Серҳосил дарахт шундай маъюс тортар куз киргач,  
Энди умри — учкури тинмай юргурган каби.  
Қатор ўғил-қизларин турли боқقا учиргач  
Ўзи бўш қолган уйдай хўрсиниб турган каби.

Кўклам, ёз-ку қулф урдинг ёзғирмасдан тақдирдан,  
Ичдинг ширин май каби умрнинг хуш кунларини.  
Олтин кузим, ё бехос англаб қолдингми бирдан  
Гал келиб қолганини қайтармоққа барини.

Бир бошга бу дунёда ҳисоб берар бир кун бор,  
Бу ур-сурли оламда минг ютқаздик, минг ютдик.  
Ё дунёдан кичик нур ўғирлаб биз ўтдик хор,  
Ё ўз кичик нуримиз олиб дунёга тутдик.

Ростдан кўра кузим Сен, ўхшайдирсан афсунга,  
Киприкларнинг кўтар, ҳорғин руҳинг ёнсин шан.  
Ахир Сен тақир эмас, Сен келдинг-ку бу кунга  
Офтобда маст ухлаган фуж-фуж гўдаклар билан.

## СИРДАРЁ БИЛАН СУҲБАТ

Сирдарёнинг соҳилида боғлар туташ,  
Гоҳ шодумон, гоҳо маъюс чоғлар туташ,  
Бахтлар туташ, юрак дарди, доғлар туташ,  
Ер, эл билан бирга оққан оқинимсан,  
Яқинимсан, она дарё, яқинимсан.

Мен биламан, сен беҳиштдан чиқсан дарё,  
Инсонни бир инсончалик уқсан дарё.  
Камолига термулиб кўз тиккан дарё,  
Оқа-оқа толмасликка сўз бер менга,  
Мангубуриб қолмасликка сўз бер менга.

Оқадурсан эл оралаб, пиёдалаб,  
Айт, ҳеч ерда кўрмадингми ноҳақ талаб,  
Нопок кўлин ювмадингми эй чашми-об,  
Мангубурик де, гуллаб ўтган ҳар хуш дамни,  
Кўрмадингми жаҳолатдан кўзи намни?

Минг йилликсан, пайтлар бўлган қонлар оқсан,  
Разолатдан гоҳо шаҳид жонлар оқсан,  
Жонлар билан эътиқод, имонлар оқсан.  
Жабрдийдам, сувларингда ўт ёқдингми,  
Бугунгидай дилга дардкаш ҳеч оқдингми?

Соҳилингда алпзодалар, алплар яшар,  
Сукут эмас, жаранглаган зарблар яшар,  
Ўртангувчи, ўртагучи қалблар яшар,  
Бундайларга ҳақ бир байроқ, бир түғ бўлар,  
Ҳақ деганинг мартабаси улуг бўлар.

Тасаввур қил, сенсиз фариб юрганимни,  
Соҳилисиз, дарёсисиз севдик кимни,  
Сен бир бурчи Ўзбекистон — юрагимни,  
Кўз қиймасим, сен — жон еrim, Она дарё,  
Шул юракда қон томирим — Она дарё.

Энди кучга тўлаётган шул юракка,  
Ўзбекистон — шул навқирон гулдиракка,  
Айланмоқлик учун таянч бир тиракка,  
Яшамоқ шарт ўлмасликка қасам ичиб,  
Мангубуриб қолмасликка қасам ичиб.  
Сирдарёнинг соҳилида боғлар туташ...

## УСМОН НОСИРГА

*Шоирнинг юбилей кечасида ўқилган.*

Мен ўйловдим етмиш ёшда қуйиласиз,  
Етмиш йилнинг етмиш ўйи ахир бошда.  
Сиз-чи, бу кеч ўша Усмон туюласиз,  
Йигирма беш, ё йигирма олти ёшда.

Ақлан айтса, Сизни бобо демак керак,  
Аммо бобо сўзи эриш туюлмасми?  
Усмон Носир деганингда ўйнаб юрак,  
Унга ишқий шалолалар қуйилмасми?

Усмон Носир деганингда гуллар сўраб,  
Ишқ келмасми, қимтиб ҳассос лабларини.  
У айтмасми кўзи билан чирмаб, ўраб,  
Бир ишқибоз йигитнинг шўх гапларини.

Усмон Носир деганингда шарт кесилган —  
Бошдай қуёш «ерга қулаб» кетмайдими  
Ва бир юрак, ҳар бурчини туйфу тилган —  
Қонлар сирқиб кўз олдингдан ўтмайдими?

То тириксан дилим боғлан шул юракка,  
Фидоликда топилмагай унга тараф —  
Усмон, шараф Сендек оний гулдиракка,  
Она халқим, Усмон учун Сенга шараф!

«Олти-етти йил ёзди» деб кўрсатмишлар,  
Қай буюк куч бул юракдан олганди жой.  
Биз-чи етти йилни баъзан кўнгил хушлаб,  
Етти дона шеър ёзмасдан берурмиз бой.

«Олти-етти йил ёзди» деб этурлар қайд,  
Етмиш йиллик мәҳнат-ку бу, ақлу хуш лол.  
Сезганмикан тун сафосин, оқшомги пайт,  
Сезганмикин, тонг, қай ёндан эсар шамол.

Йўқ, сезмаган, сезганида муқим туриб,  
Ўлимларни ҳар лаҳзада ўлдирмасди.  
Бешафқат ўз юрагига ханжар уриб,  
Соб бўлгунча ҳар лаҳзада тилдирмасди.

Йўқ, сезмаган, сезмаганлар бўлсин омон —  
Бу телбалик, телбаларча суйиб ўтмоқ.  
Бу етуклик, унга бўлсин то абад шон,  
Бу етуклик — сўнг он қадар куйиб ўтмоқ!

Куйиб, суйиб елда ўйнаб тимқора соч,  
Бу кеч чақнаб ўлганидан тониб келди.  
Она ҳалқим, ичиккансан, бағрингни оч,  
Усмон деган ўғлинг қайта ёниб келди!

Мен ўйловдим етмиш ёшда қуйиласиз...

## ОҚАР ДАРЁ

*Faфур FУЛОМ хотирасига.*

Шаҳрим, Сендан бир дарё оққан эди арслонвор,  
Билмам, қачон шиддатдан, шижаотдан толди ул.  
Шаҳрим, бу кеч мен Сендан сўрайдиган сўзим бор,  
Айт, қачон, қай бурчингда мангуб ухлаб қолди ул.

Балки ухлагани йўқ, ёдлаётир «Ёдгор»ин,  
«Ўғригина бола»си балки шу том устида.  
«Қиз қилиқли бўлар» деб тўкиб ишқининг борин,  
Балки ҳамон қалами авжи илҳом устида.

Навбаҳор, атр бўйлар урилмоқда димоққа,  
Ё қай чаманда ниҳон, шеър ёзар ими-жими...  
Ё қўшни қиз боғидан ўрик ўғирламоққа  
Ҳамид Олимжон билан девор ошиб кетдими?

Балки, балки минбарда фашистга ўлим тилааб  
Гулдираган шеърлари қайта ўқилаётир.

«Сен етим эмассан» деб ўзгалар бошин силаб  
Үз Жўрасин ғамидан тутдай тўкилаётир.

Қандоқ фифон тортмади, лаб босиб туриб чўқقا,  
Қандоқ тиклолди етти ердан синган жонини.  
Ким етти букилмайди ногоҳ учирса ўқقا  
«Бўйларига гул ўлчаб ўстирган» ўғлонини.

Балки карвон йўлида «етим бўтадек» бўзлаб,  
Меросий соғинч — сўзга сўзни улаётибди.  
«Информбюро» мизнинг башоратидан сўзлаб,  
Балки голиб, ялангтўш «Шарқдан келаётибди».

Балки мендан сўнг ҳам Сен болаларга бўл деб бош,  
Учирма қушларимни етказгил деб вояга,  
Илк кўклам чечагини, кипригида қалқиб ёш,  
Қўш-қўллаб узатмоқда Муҳаррамхон аяга.

Балки «червонец» олиб белидаги чорсидан,  
«Қиз юракнинг қони» деб қўйиб ишқу биносин.  
Бугун катта тўй, тонг-ла, келтиргандир Чорсудан  
Суюк Олмос опанинг қўлидаги хиносин.

Гарчанд бу кеч соғинчдан кўзимизга дунё тор,  
Гарчанд бу кеч соғинчдан бўғзимизда шўру талх.  
Айтинг, шундай отани қайси фарзанд унтар,  
Шундай содиқ ўғлондан кўнглин узар қайси ҳалқ?!

Ўзбекни ўз-ўзига бек деган Faфур Fулом,  
Шеърлар ҳар хонадонга оқар экан тонг билан,  
Халқим, бу кеч мен Сени кутлайин айтиб калом,  
Faфурдай мангубар оқар, арслонвор дарёнг билан.



## УСТОЗ ОЙБЕККА

Бу катта-катта кўзлар кўзми ё катта исён,  
Дунёнинг гоҳи майда ишларидан ҳайратда.  
У минглаб харсанларга урилиб синмаган жон,  
У уриб турган юрак, ўзи қолдирган хатда.  
Айтилмаган сўзларниңг қолмоғига офарин,  
Тилсиз сўзлаб... дунёни олмоғига офарин!

Кўзлар чақнар... кўнглимга ёмгир кирап, дўл кирап,  
У ўтган даҳаларга бошлайди менинг йўлим.  
...Йўлчи жасади узра Шокир ота гулдирап:  
«Унсин болам, қайғурма, бу жуда катта ўлим».  
Катта қувонч ва катта йифи бўлиб ўтдингиз,  
Халқимнинг бошда тутган туғи бўлиб ўтдингиз.

«Кумуш ўлиб қолди» деб, қон йиғлаган Қодирий,  
Гулнор ичган заҳардан сизам ичиб қўйгансиз.  
Мен-ку ҳануз тушунмам ижод сирин, баҳт сирин,  
Сиз тушуниб суйгансиз, сиз тушуниб куйгансиз.  
Куйиб кул бўлмай ўзни қай ўтларда ёқдингиз,  
Ўлган Йўлчига қандоқ ишқ узугин тақдингиз?!

Йўлчилар, Навоийлар порлаб яшади Сизда,  
Ҳақ деб чопған элчига тўлди олди, ортингиз.  
Инқилобчи бир юрак асраб кўкрагингизда  
Ҳақ деб тортилган сафнинг энг олдида бордингиз,  
Юрт юкин кўтардингиз катта жонингиз билан,  
Эътиқоди тик Ўқтам, Анорхонингиз билан.

Бердингиз шу саф учун иккиланмай, ўртаб жон,  
Бор бисот, «Наъматак»дай гулингизни бердингиз.  
Кейин... билмадик, бизни не бир фафлат босган он,  
Қай қабоҳатга бийрон тилингизни бердингиз.  
Мунис халқимга ҳам бу бўлгай мангуб сабоқ, ун,  
Бошқа бийрон тилларин эҳтиёт қилмоқ учун...

Бугун ҳам раиятда муддао ўша-ўша,  
Ки ҳар оддий инсонга эссин нажот шамоли.  
Биз ҳам худди сиз каби у билан жигаргўша,  
Бугун ҳам буюк орзу — кўрмоқ инсон камолин.  
Шу бирликка ўргатган Сиздек ҳар шон ўлмагай,  
Сиздек даҳо ўстирган Ўзбекистон ўлмагай!

## СУРУР ҚЎНФИРОГИ

*Ҳалима Носированинг 70 йиллиги  
муносабати билан.*

Аввал мен ўзим суйиб кўзимнинг қаросидай,  
Арзир сўнгра бу залга, десам «оёққа қалқинг».  
Хумо қушдай чарх уриб курашлар орасида  
То абад қўли баланд, кўкраги баланд халқнинг  
Фурурининг боиси — шан ўти бори келди,  
Ўзбекистон санъатин бир байроқдори келди!

Азал тоза инжулар тўрт тарафга сочилган,  
Андижонга тушгани балки Сизга текканdir.  
Шундан кўксингизда эрк, кураш гули очилган,  
Шундан юрак тикланиш азобларин чекканdir.  
Сиз майдонга чиқсансиз қувонч — дофингиз билан  
Бўғзингизда яширин, қўнфириғингиз билан.

Ёраб, қўнфироқларни қўп олдилар нишонга,  
Фойиб бўлди майдондан ким севса ўз жонини.  
Сиз ўз кўзингиз билан кўриб тўлдингиз қонга  
Турсунойнинг муқаддас «эрк» деб тўккан қонини,  
Айтинг, қандай куч Сизнинг қалдингизни эгмади,  
Кўксингизни кўзлаган ўқ неча бор тегмади?

Нурхон, Турсуной тушди кетма-кет тузоқ-тузга,  
Ким айтди учинчи кун Сизнинг ўлмасингизни.  
Ўн беш-үн олти ёшда ким шивирлади Сизга  
Осонликча бу йўлда қурбон бўлмасингизни.

«Олға» деган сўз ҳар бир ҳужайрангизга сингиб,  
Кетиб бораётибсиз бу йўлда ҳамон енгиб.

Шундай, байроқларимиз гоҳ қонларга ботиби, Аммо қуламагани олдга нигоҳ тикканлар. Бу кеч кўзим олдидан бир-бир ўтаётибди, Бу саҳнага ўртада ЖОНни қўйиб чиққанлар. Бу саҳна абад Сизнинг, бу шон абад Сизнингдир, Халқ ишқидан қуилган нишон абад Сизнингдир.

Мукаррама, Тамара, Лутфихон қай чоғлари Сорахоним келадир Сиз билан пичирлашиб. Ҳассос она халқимнинг суур қўнғироқлари Бул табаррук саҳнадан янграгансиз бирлашиб. Бул қўнғироқлар ҳали уйғотар кўп юракни, Кўнгилларда чақнатиб орому гулдиракни.

«Шогирдларим кўп», дейсиз гўдакдай қувонч билан, Бари ўт, аммо Сиздек ўт бори учрамагай. Баланд, гарчанд шогирдлар парвози бутун баланд, Аммо халқ Ҳалимасин такрори учрамагай. Дўстлар, оёққа қалқинг шу ўт борлиги учун — Ўзбекистон санъатин байроқдорлиги учун.

## ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА ҚЎНГЛИМДАН КЕЧИРГАНЛАРИМ

Ҳар янги йил кирап экан, жомсўз айтгали Қадаҳига ҳар ким маҳзун бир зум тикилар. Жомсўз асли бир баҳона, ортга қайтгали Шу лаҳзада юрак эзгин, юрак тўкилар.

Бир йил ўтди базм янглиғ қисқа умрдан, Тағин бир қур баргларини елга берди боғ. Йил ўтибди... сергак тортиб қоламан бирдан: Мен йил бўйи яшадимми ишқ билан иноқ?

Үйлаяпман... гоҳо боис турли сабаб, сас,  
Унинг менга, менинг унга маҳтал кунимиз.  
Узоқмикан... ахир икков бир кунда кетмас,  
Иккимизнинг сўнг кунимиз, маҳшар кунимиз.

Сиз-чи, айтинг, ул эшикдан учиб кирған он  
Учиб-қўниб қучогига отилдингизми?  
«Келдингизми?» шу бир созни титроқларда жон,  
Ҳайрат билан айтмоқликка ботиндингизми?

Келдингизми, шу бир сўздан бағри бут бўлиб,  
Кўш жилғадай ул шошдими, Сиз шошдингизми?  
«Келдим, келдим» ул кирганда ёниб, ўт бўлиб,  
Бир ўт каби Сизам унга туташдингизми?

Шул туташув онларида жомдай тўлай денг,  
Тўкилай денг, тўкилмаслик, тўлмаслик гуноҳ.  
Паноҳ бўл денг, мен бир умр қарам бўлай денг,  
Ишққа қарам шу лаҳзани яшаганлар — шоҳ.

Хаёлингни оппоқ қорлар ўраган тунда,  
Йўқ, ҳавоий ҳавасларга учар вақт эмас.  
Минг, миллионлар яшаётган бу кенг заминда,  
Ул қидириб Сизни топди — бу кам баҳт эмас.

Энди эса... тағин кўп гап айтар қорли тун,  
Бу бирликнинг кипригига қўнмасин деб гард,  
Оралиқдан ҳижрон ўсиб чиқмасин учун,  
Сиз узлуксиз туташ яшаб бормоғингиз шарт!

Чегарада аскарлармас, мен ўйлаган дам,  
Чегарада эркак-аёл қад тиклаб турар.  
Улар туташиб турсалар, қучишиб маҳкам,  
Ёв бу юрга қай томондан йўл топиб кирад?!

Улар тутаңи яшаганда қучишиб маҳкам,  
Шамолидан баҳра олиб ўсар гўдак, боф.

Шу бирлик тик турганида ғамми — қолған ғам,  
Шу бирлик уй, юртни ёвдан түсар юксак тоғ!

Бу янги йил туни, йилнинг энг илк ишқ ғасли,  
Инсон буюк — ишқнинг буюк сирлиги учун.  
Бу дунёни тутиб турган шу бирлик асли,  
Кўтариғиз, эркак-аёл бирлиги учун!

## ЙИЛ БОШИДАГИ ИСТАКЛАР

Тишда дов-даражатлар бурканар оқقا,  
Қорга лаб босадир ўйларим маним.  
Қадрдон қаламим оппоқ вараққа  
Пичирлаб тўқадир куйган, суйганим.

Куйдирган, суйдирган дўстларим, салом,  
Бул кун барчангизни чорлайман бир-бир.  
Бул кун оқаради куррайи олам,  
Мурувват қўлини чўзади тақдир.

Тишда қор бўралар, давра қизийди,  
Суҳбат кетаётир нари-беридан.  
Ким шуҳрат тожини эртароқ кийди,  
Кимлар силжимади турган еридан.

Тож кийган қўймасин тожин тушириб,  
Тож остида бошни асрасин кўпроқ.  
Туриб қолған кетсин чопиб, чарх уриб,  
Қуласин елқадан босиб турган тоғ.

Кимки фарзандсизлик доғида юрса,  
Рўшнолик келсину етиб куну ой,  
Биби Фотимадек қўш фарзанд кўрсин,  
Қўш бешик ўртаси бўлсин унга жой.

Ким айтмади битта сўзни ийманиб,  
Шу сўз учун унга тилайман журъат.

Куйманган кетмасин доим қуйманиб,  
Енгил нафас олсин тиклай-тиклай қад.

Үксиган гүдакка күзим тушған чоғ,  
Садоқати буюк йил келсин дейман.  
Қай бир иттифоққа солсалар нифоқ,  
Сиёсати буюк йил келсин дейман.

Хаёллар чарх ураг бошимда маним,  
Эрта кун қолмас деб ерда доғли зор.  
Эрта бажо бўлар менинг айтганим,  
Серғавғо дунё ҳам бўлгайдир бедоф.

Эрта кун бу дунё бўлгай деб беҳишт,  
Жимжитгина боғлар қиласар ишора.  
Бу қор ҳам шуларни айтмоқда, эшишт,  
Бу қор ҳам шундай деб қиласар башорат.

Мен беҳишт шамолин яшириб сўзга,  
Сўзладим, сўзларим ўпсин ер шарин.  
Пири бадавлатлик, Оталар, сизга, 161  
Хотиржам баҳт сизга, Онажонларим.

Жаннат жилғалари боғларда чопсин,  
Йигитлар бўлсин деб Гўрўғли келбат.  
Кимки танҳо, бу йил баҳтини топсин,  
Бемор дўст соғайиб кетсин деб албат.

Янги йил, оплоқ қор сўзлаган тунда,  
Базм суронларин кузатаркан жим,  
Бедард ўтсин дейман  
Бегам ўтсин дейман йилингиз шундай,  
Суидирган, куйдирган дўст-ёронларим.



## ШОИРА СИНГИЛЛАРИМГА

Опангиздан ўтибди, гоҳ сархуш, гоҳ ғаш юриб,  
Ниш урган гул-чечакни сезмай қолаёзибди.  
Ўз-ўзи билан машғул, хаёл аралаш юриб,  
Ортдаги келажакни сезмай қолаёзибди.  
Балки сизга сал бефарқ боқиб кетган опангиз,  
Хаёл дарёларида оқиб кетган опангиз.

Сезиб қолдим, Сиз мени таъқиб этасиз тинмай,  
Яқин-йироқдан руҳим, шеърларимга мўралаб,  
Чиқиб келаётибсиз кўриниб, гоҳ кўринмай,  
Қишлоқ, пахса деворлар орасидан оралаб.  
Келинг, айланиб келинг, юлдузим, ойларимга,  
Ё мен тавобага борай туғилган жойларимга.

Ўзингизни кўрмасдан шеърингизни танидим ,  
Биламан, қайлардадир рақс тушяпсиз эшилиб.  
Қайда бўлса ҳам ҳар хил нигоҳлардан панада,  
Балки ой ёруғида қушлар билан қўшилиб,  
Дараҳтларнинг шохида ялангоёқ ўйнайсиз —  
Гўдакликнинг боғида дайди, саёқ ўйнайсиз.

Ўйнай-ўйнай бир куни тонгда келаркан кириб,  
Сизни жиддий нигоҳда кутиб олади шаҳар.  
Кўксингизни тартибли ўтлар билан тўлдириб,  
Бора-бора борингиз ютиб олади шаҳар.  
Аста-аста кўникиб, сизам шуни хушлайсиз,  
Тунда ҳаммадек ухлаб, кундузи тинч ишлайсиз.

Кейин севибми, севмай бир йигитга тегасиз,  
Кейин... ўғил-қиз қатор... ҳар тарафдан бой бўлиб,  
Бир куни қарайсиз-ки ҳамма бахтга эгасиз...  
Сўнг тўлиша бошлайсиз ўн беш кунлик ой бўлиб,  
Ҳайҳот, ул кун йиғларман дилимга доғ тўлди, деб,  
Бу тўлишган вужуднинг руҳи ҳалок бўлди, деб.

Дейсиз, шоир ким ўзи, қандоқ шоир бўлгансиз?  
Йўқ, шеър ёзай деб ёзив кўчирмаганман оқقا.  
Ундан кўра сўрангиз қай ўқлардан ўлгансиз,  
Қайси ўқлар қайтадан қўйган Сизни оёққа.  
Сўранг, юрагингизга қачон санчилган тиғлар,  
Ахир азага борган ўз дардин айтиб йиглар.

Шоир эса... йўқ, фақат ўз дардидан куймайдир,  
Ўзга ғамдан сарғаймай, ўртамаган вақти йўқ.  
Токи ерда бир инсон ғам ўтида куйгайдир,  
Дегайман, бу дунёда шоир зотин баҳти йўқ.  
Аро йўлдасиз, синглим, ё шеър денг, ё тинч баҳтни,  
Кўрмадим бу иккисин бирдай кўтарган таҳтни.

Бургут полапонларга учмоқни ўргатган чоғ  
Аямасдан ташларкан энг юксак қоялардан.  
Менам сизга бор гапни айтиб турибман шундоқ,  
Сиз устунсиз юмшоқ сўз, мижғов ҳимоялардан.  
Қоялардан тушганда қолгаймикансиз тирик,  
Унда бир тишлам нонга сизу биз абад шерик.

Унда мен олдиндаги тоғлар умрин тилар чоғ  
Суюниб ҳам қўяман, ортда ҳам тирак бор деб.  
Хотиржам кетажакман, бир кун тоғдай қулар чоғ  
Ортда мендан ортиқроқ куюнчак юрак бор деб.  
Қачон етиб келдингиз Сиз оптимдан куюниб,  
Қачон олақолдингиз балофатни кийиниб?!

Олангиздан ўтибди, қандоқ сезмадим Сизни...

## ИЛК ХАТО

Кимдандир айб ўтди, хато сўз айтди,  
Айтишдик, сўнг хато кетди қалашиб.  
Биз йўлнинг ярмида айрилдик, қайтдик,  
Қайтдик, йўқ нарсалар учун талашиб.

Кимдир хато қилди, эрми ё хотин —  
Сўнг қўшилаверди хатолар қўш-қўш.  
Сўнг ҳувиллаб қолди хонадон бир тун —  
Икки юрак қолди ҳувиллаб, бўм-бўш.

Кимдир хато қилди, сўнг бошланди жанг,  
Кейин ўликлардан кўтарилиди тоғ.  
Жаҳон урушин ҳам аслин сўрасанг,  
Кимдир ўйламасдан йўл қўйган хато.

Муҳими илк хато, кейин қасдма-қасд,  
Кураш мушкул уст-уст уруш қорини,  
Йигирма миллион шаҳид, ҳамма ҳам билмас  
Урушнинг дастлабки сабабкорини.

Илк хато, сўнг келар ҳижрон, ўлим, тиф,  
Бевақт бебаҳт қолар не бегуноҳ жон.  
Балки бу дунёда улуғдан-улуг  
Ўзин илк хатодан тиёлган инсон.

## ЎЛМАС ПУШКИН ЁНИДА...

*Пушкиннинг рафиқаси Наталья Гончаровага.*

Билмам, Пушкинни севмоқ — баҳтсизликми ёки баҳт,  
Хоним, Сизга ҳам яшаш тушмагандир осонга.  
Аммо битта туйғуга инонгандир ҳаммавақт,  
Сизни ҳумо қушидай у. кўтарган осмонга.

Наталья!  
Ким яратган Сизни қўл билан чизиб  
Сиз илоҳий ҳусн билан шоирни этаркан ром.  
Улкан фикр дарёсин қирғоқларини бузиб,  
Офтоб келди Сиз билан, ҳам ёнма-ён келди шом.

Сизни иситмадими бериб бўр дил чўғини,  
Энг қайноқ туйғуларин баҳш этмадими Сизга?

Порлоқ шон-шуҳратини, қанотли довруғини  
Сочмадими гуллардай пойи-қадамингизга.

Турли иллат, ғамдан гоҳ куйласа ҳам ўксиниб,  
Сизгача шоир ҳатто ёқарди-ку аёзни,  
Нечун Сизни севгач гоҳ руҳин қаноти синиб,  
«Шеър йўқ, кунлар ўтяпти. Шеър келмайди» деб ёзди.

«Майли не ўтса ўтган, ўртада бир аср бор»  
Дейман-у этолмайман бу фикрга ўзни жалб.  
Кечиринг, шу ёзуғдан туюласиз гуноҳкор,  
Балки, Сиз сабаб совий бошлагандир даҳо қалб.

Қандоқ нафас олгансиз устун келиб бўҳтон, кин,  
Ортдан шоир номусин сотаётган пайтларда.  
Ёвуз рақиб мўлжаллаб унинг дурдай юрагин  
Ҳатто қўли титрамай отаётган пайтларда.

Оҳ аёл, биз аёллар ширин сўзга бунча ўч,  
Гоҳ бор хушомадгўйнинг бўламиз кўнглин олмоқ.  
Балки ўша лаҳзадан танҳо севгилимиznинг  
Кўкрагида биз учун бошланади йўқолмоқ.

Кейин худди Сиз каби фуур, ишқдан олисда,  
Оҳлар уриб чорлармиз етим қолган ишқ, сирни,  
Бир лутфига арзирми Дантес деган олифта,  
Ҳатто Сиздек париваш бир шеърига арзирми?

Ул-ку ҳуснингиз қуйлаб ёндириди оломонни,  
Ҳалок бўлди тождор эрк, ишққа туширмай соя,  
Ул худодай сифиниб, Сизга, Ишққа инонди,  
Сўнг машъум он не учун ишқ қилмади ҳимоя?!

... Ўйласанг келаверар шу хил турфа туйгулар,  
Асли бугун Сизни ҳам олқишлиймиз туриб тик.  
Ахир юз йил, минг йилда Пушкин битта туғилар —  
Бахт эмасми шу улкан Даҳога ёстиқдошлик.

Сиз ҳуснин овозаси юз йиллар оша кетган,  
Кибор рус оламининг санамларин бирисиз.  
Йўқ, йўқ, Сизни уларга тенг қўйсам хато кетгум,  
Сиз Пушкиндай инсоннинг севгиси, тақдирисиз!

Юз йилда бу тупроқдан минглаб сулувлар ўтган  
Беҳишт боғлари аро сим-сим саболар каби.  
Нозик сарв қадларин бул кун тупроқ беркитган,  
Бул кун кимлиги унут, унут наслу насли.

Аммо Сиз-чи, тирик ўт бор экан то қонида  
Одамзод Пушкин билан тоабад айлар висол.  
Демак, Сиз ҳам тоабад ўлмас Пушкин ёнида  
Порлаб келаверасиз тоза, ҳарир гул мисол.

Айтинг, Пушкинни севмоқ баҳтсизликми ёки баҳт?!

### МОСЛАШУВЧАН ОДАМГА

Бир вақтлари чарсу чапани,  
Ўз сўзидан қайтмас эдинг Сен.  
Капа дердинг турган капани,  
Бошқачароқ айтмас эдинг Сен.

Қирраларинг ўткир туюлиб  
Ўргандилар, қотирдилар бош,  
Қирраларинг бир-бир ейилиб,  
Бўлдинг силлиқ, юм-юмалоқ тош.

Энди уни айтмоқлик учун  
Ном қидириб гоҳ очасан фол.  
То ўзгариб кетмасин мазмун  
Капага ҳам келмасин малол.

Энди йўлинг топиб олдинг чин  
Қатнаб чўпту чўпчакларига.  
Энди яшайверишинг мумкин  
Кириб ҳатто чўнтақларига.

## **МАРҲУМНИНГ АЙТГАНЛАРИ**

Умидим шулмиди, Сизни кўрган чоқ,  
Пойингизда гулдай қўкарсам девдим.  
Кунлар ботиб, тонглар оқаргунча оқ,  
Сизни қўлларимда кўтарсам девдим.  
Бўлмади, қўлларда кетдим қабрга  
Сизга кўтартириб ҳижрон юкини.  
Энди сабр берсин Сизга, САБРга  
То ечгунингизча эрнинг кўкини.  
Чунки ўшангача кетмасман бундан,  
Унгача қўнмаса қўкрагимга доғ,  
Айниқса, гапимиз қовушар тунда,  
Бағримга кирасиз ловуллаб, қувноқ...  
Йўқ, йўқ, ёри жоним, қолмассиз якка,  
Мен олдингидан-да фамхўр бўламан.  
Яшириниб олиб уйга, бурчакка,  
Кирсангиз отилиб, қучиб оламан.  
...Шундай, кетолмасман бесас, бенаво,  
Сиз нечун қўндингиз бу кўк тулликка?!

Қисмат Сизга уни кўрди-ю рано  
Мени танладими қоровулликка?  
Кетолмасман. Ўлим бизга бўлмас ғов,  
... Қай бир тирик мени суриб келмаса!  
Сизни қўлларида кўтариб бирор,  
Қай бир тун ётоқقا кириб келмаса...  
Унда дунёнинг бор йўллари билан  
Қочаман, ўликлар — ожиз, бу бор гап.  
Сизни кўтарган шу қўлларим билан  
Чувалган кафаним тортқилаб, судраб...  
Умидим шулмиди, Сизни кўрган чоқ...

## **БУ УЙЛАР**

Бу уйлар уй эмас, бирдай тўлишиб  
Яшайверсанг, бир бор сўлиб чиқмасанг.  
Бу майдон майдонмас, ҳар куни тушиб,  
Юз тирилиб, юз бор ўлиб чиқмасанг.

Эй шоир, яшаш-ку тинмас кураш, жанг,  
Майли, тинма, иқбол берсин, гурулла.  
Навоййда минг дард, бириң айтмасанг,  
Сен бу шоирлигинг хашакка пулла.

Йигит, мен билмайман, сенда қанча зарб,  
Аммо содиқ эрсанг халқдай даҳога,  
Илтижо қиласман, бошланаркан ҳарб,  
Хеч йўқса айлангин Бобур Мирзога!

Гарчанд бугун суймоқ, куймоқ дарди кам,  
Ёраб, эртага ҳам тўлиб ўтмаса,  
Бу дунёда йўқ денг Ҳалимани ҳам  
Камида Нодира бўлиб ўтмаса.

Бу уйлар уй эмас...

## БИР ЗИНАДАЙ ҚОЛУРМАН

Мен кетаман, мен кетаман  
Қай бир кеч ё эртада.  
Менинг куйим бўлар тамом  
Кимдир тушар ўртага.  
Шул, ўртага тушувчига  
Қалам тутиб ўргатай.  
Гоҳ ошкор-у, гоҳ ичимга  
Дардим ютиб ўргатай.  
Ўргатайин, мушкул ҳаёт  
Қўймасин деб тиндириб,  
Четга тортиб қай жоҳил зот  
Бир чўпдайин синдириб.  
Ўзига йўл очиб олиб  
Тўпга ўзин урмасин.  
Тўпга зўрлар кирсинголиб,  
Зўравонлар кирмасин.  
Шу ўй билан шул гўдакни  
Ўз елкамда опичиб,  
Ўрталиққа кирайпман

Шон кечиб, гоҳ қон кечиб.  
Етгунимча умр кетади  
Сочим бўялар оққа,  
Аммо... гўдак эр етади,  
Гўдак турар оёққа.  
Ўрталиқда... шод бўларман  
Бонг урса ул ёвқур, мард.  
Балки шул кун... мен ўларман  
Кетиб армон, кетиб дард.  
Ва... жон бериб қўлида мен  
Тупроқдан жой олурман.  
Ул юксалар, йўлида мен  
Бир зинадай қолурман.

### БИР ҚАДАМ ОЛДИНГА

Хаёлим ногаҳон кетди-ю порлаб,  
Ёлгиз кўтаролмай хаёлларимни,  
Яшадим — бир қадам олдинга чорлаб  
Дунёнинг қимтинган аёлларини.

Бир қадам бўлса ҳам олдинга ташланг,  
Таклифми, қарорми, чама олдинга,  
Қўйнинг терисини уқалаб, ошлаб,  
Кунгайда ўтирган момо, олдинга!

Эркакнинг дилига йўл олган аёл,  
Кўнгил эшигида туриб қолма тик.  
Бол эмассан, аммо бўлаолгин бол —  
Бир қадам олдинга ташла беҳадик.

Гарчанд саҳий ердай бўлиқдир танинг,  
Доим ҳам бошингни силамас ҳаёт.  
Ёраб, хоин чиқди Сенинг туққанинг,  
Бир қадам ташла-да уни ўзинг от.

Қоплаб келаверсин ерларни булут,  
Етмас, туташолмас Сенинг барингга,

Индира Гандидай бир қадамга ўт  
Саккизта гул қадаб күкракларингга.

Илоҳам, ёнаркан кўксингда ўч, кек,  
Қасос майдонига келаркан кириб,  
Бир қадам олдинга ўт, Тўмарисдек  
Ёв бошини қоюли хумга ботириб.

Тақдирлари лавҳин қон билан ёсса  
Ёзган, хиёнатда кўнгил ёзмаган.  
Бир қадам олдинга ўтганилар озса  
Ақлдан озғанлар, йўлдан озмаган.

Бугун ҳам бир қадам олдинда шу гап,  
Саратон, қаҳратон ивиб қор, қонда  
Ерни, гўдакларни ўқдан панараб  
Жасорат ўтирас Гренем-Коммонда.

Улар фидо, улар адо, эркка қул,  
Кучогингда шоҳдай шод ўсганларинг,  
Ҳаёт, Сени асраб қолғанлар ҳам шул;  
Бир қадам олдинда қон қусганларинг!

Бир кун буюк ҳайрат этар бизни лол,  
Мурод-манзилига этар жами халқ.  
Бир қадам олддаги қасоскор аёл —  
Ўз онаси билан кетар жами халқ!

## ДАРАХТ ЎЗ ЖОЙИДА

Дараҳтлар доим ўз жойида муқим,  
Ўйламай бир қадам ташламас хато.  
Дараҳтлар кўтарар доим ўз юкин,  
Бир мевасин ортмас бирорвга ҳатто.  
Яхшиям дараҳтга битмаган оёқ,  
Тил йўқ, миннат қылмас, сақлайди тўзим.  
Воҳ, бу дараҳтлар-ку тушунар, бироқ,  
Гоҳ бу одамларга ўтмайди сўзим.

Ёраб, дарахтга ҳам оёқ битса, шан  
Наҳот инсон қайтган жойдан қайтадир.  
Қайда Она қолиб, қайдадир фарзанд  
Үзи ўйнаб юрар қайдадир?!

## СИЗ МИХСИЗ...

...га.

Сиз отсиз, минишиб чопишар пойга,  
Сиз михсиз, қоқишиб истаган жойга.

Ғаддор, ғаламисга тез келасиз кор,  
Бирорни қилмоқчи бўлса ярадор.

Ўзи бирор кўзин силаб қўяди,  
Лек сизнинг қўлингиз билан ўяди.

Аммо Сизни лақма деб бўлмас кўпам,  
Сизда истак бордир шуларга кам-кам.

Яъни бирор айтди ёнар бир сўз, гап,  
Ўйлайсиз йўл топиб, қилмоқ керак даф.

Бирор бирдан тошиб, нақ денгиз келар,  
Шунинг қадамини қирққингиз келар.

Буни сезиб, кимки бош кўтарса каж,  
Танобин тортмоқча қидирасиз важ.

Сиздаги оғриқ ер — мана шу хуллас,  
Буни чуқур билар ул ғаддор, ул кас.

Шундан қурбон излар, Сизни тиф қилиб  
Ва истаган жойга қоқар мих қилиб....

Сиз отсиз... минишиб чопишар пойга.

## ҚАРИ ОТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Чарчадим, қоришиб кетяпти ер-күк,  
Бунчаям узайиб ётмасанг тош йўл —  
Йўл бўйи миямга урилар тақ-туқ,  
Бунча туёғимга ботмасанг тош йўл.  
Мен нетай, мениям тинмай юргим йўқ,  
Танбал аравани етаклаб, осиб.  
Аравага нима, яшар кўнгил тўқ,  
Ичиға хўп тиқиб, бедани босиб.  
Устига эгамнинг ўзиям чиқар —  
Эгамга ҳам нима, ухлар донг қотиб,  
Гоҳ уйқусираф кимнидир сўкар,  
Гоҳ йўл бўйи кетар хаёлга ботиб.  
Аммо эгамга ҳам баъзан қийиндай,  
Билмам, у эгамга бошлиқми ё ёв,  
Қора терга тушиб биз етсак тунда,  
Ўшқирар «тонгта яна бир қатнов»,  
Менданам шу шўрлик эгамга азоб,  
Бехавотир ўйнаб-кулган куни йўқ,  
Бошлигининг қопи — худди ўпқон қоп —  
Йил бўйи ташиймиз, тўлган куни йўқ.  
Эгам йигит эди, оқарди сочи,  
Мен ҳам шўх той эдим бугун қари, пўк.  
Кўрганимиз шу йўл — бизни кўз очиб,  
Бошлиқнинг уйидан ўтганимиз йўқ.  
Йўлда шамол кўзни тўлдирап қумга,  
Шундоқ ўйлаб бориб, шундоқ қайтаман —  
Эгам бу гапларни айтмас ҳеч кимга,  
Мен ҳар қалай Сен тош йўлга айтаман.

## ГОҲ КУНЛАР ГАРОЙИБ...

Гоҳ кунлар гаройиб, шарҳига йўқ сўз,  
Таъми талҳ шаробдай жоминг тўлдирап.  
Дуэлга чиқарди аввал юзма-юз,  
Энди бир-бирини зимдан ўлдирап.

Аввалги ошиқлар құзларыда қон,  
Ишқи учун жонин құярди гаров.  
Эңдиги ошиқ гоҳ чамалар имкон,  
Қийинроқми, йүлдан қайтади дарров.

Аввалги ошиқлар күкрагида ох,  
Майдонға кирғанлар ғуур, шон учун —  
Бүгунги ошиқлар туюлади гоҳ,  
От солаётгандай мансаб, нон учун.

Тағин энг қизиги, фақат пардали,  
Пардали суярлар, пардада юрап.  
Күнгилдаги қаҳрни ҳеч ким зардали,  
Қаҳр билан айтмайди, пардага ўрап.

Парда орасида кетяпмиз ҳориб,  
Йүл солаолмасдан ошкор бир ёққа.  
Журъат тарқ этмоқда бизларни, бориб  
Дүстга «Мен соғиндим Сени», демоққа.

Журъат тарқ этмоқда бизларни гоҳо,  
«Пичоқ кесар, ўткір бұлса дами» деб.  
Бирөвга бермаймиз муносиб баҳо,  
Бошқаси аразлаб қоладими, деб.

Журъат тарқ этмоқда бизларни баъзан,  
Гарчанд гоҳ меҳрдан күнгил ёшланар.  
Сор бургут мадад сүз кутмоқда биздан,  
Улуғ парвоз балки шундан бошланар.

Мадад сўсиз бургут учса-ку, учди,  
Гоҳ бургут кексаяр шу сўзни кутиб.  
Ожизмиз, биз қўллай билмадик қушни,  
Аянчимиз, йилт этган нур кетди ўтиб.

Мен ҳаммага аввал журъат тилайман,  
Муқим журъат олган қалбни, қалъани.  
Душман душманлигин ошкор олсин тан,  
Дўстим ошкор бўлсин кўнглим малҳами.

Журъат нима, журъат ўзи асли ўқ,  
Нишонни урмасдан қўймас отган дам,  
Кўп раҳмим келади ошкор фикри йўқ  
«Пардали» шеър ёзган шоирларга ҳам.

Гоҳ кунлар ғаройиб, шарҳига йўқ сўз...

## ЎРТАЛИК

Хўп юксалмоқ — кетмоқлик тубан,  
Хўп юксалмоқ — ерга кирмоқдир.  
Омад қанча сийламасин шан —  
Тақдиримиз ерда юрмоқдир.

Кўкрагимиз хоҳ ер, хоҳи тоғ,  
Узилмаган ердан пойимиз.  
Ер қаттигу осмон кўп йироқ,  
Ўрталиқдир бизнинг жойимиз.

Мунғаймагин, гап даромади,  
Шўрлик, ерга кетмассан кириб.  
Ҳаволанма, сен ҳам, омадли,  
Қўкка бошинг олмассан уриб.

\* \* \*

Минги келса қошиқ кўтариб,  
Битта-битта олганида ҳам,  
Таги кўринади қозоннинг.  
Еб битиришмадими Сизни  
Бугун элга урф бўлган шоир,  
Синчков қаранг бисотингизга  
Қолган бўлса бирор бутун шеър.  
Бу минг олғир қаттиқ ишлади,  
Ўзлаштиромоқ, ҳазм қилмоқ фасли,  
... Бу шеърни ҳам бир чети қемтик  
Қошиқ теккан унга ҳам асли.

\* \* \*

Ҳаётнинг кўзидан ўпид, суюниб,  
Уни «Ў, ҳаёт!» деб ёзганлар ўтди.  
Илк тун, у келиндай оппоқ кийиниб  
Кирганда, бағрига босгандар ўтди.

Шундайлар ўтдики... ўтиши енгди,  
Ўтгандай боғ томон, ўтлоққа томон.  
Шундайлар ўтдики... қолганлар энди  
Мардроқ бўлиб қарап... ўтмоққа томон.

## ТЎГОН

Қўлларинг дарёга ташланган тўғон —  
Оқяпман — қўлларинг қолар-ку, тутиб.  
Қўрқаман, мен қўрқиб ҳовучлайман жон,  
Эҳтимол, сирғалиб кетарман ўтиб.

Қўлларинг дарёга ташланган тўғон —  
Оқа-оқа бир кун етаман —  
Фақат қўлларингдан балиқлар йўсин —  
Қўрқаман, сирпаниб чиқиб кетаман.

Қийин, билсанг менга бўлар кўп қийин,  
Дунёни қорайтар фикрим тўзони.  
Айт, қай дарёларда оқаман кейин,  
Тутолмай қолса гар қўлинг тўғони?

## ДУГОНАМ САОДАТНИНГ СЎЗИ

Агар айтсанг, хушбаҳт онинг йўқ,  
Агар айтсанг, хону монинг йўқ,  
Айтмасликка ҳам имконинг йўқ,  
Бир сўзинг бор ёруғ дунёда.

Агар айтсанг, ҳазон сендек гул,  
Агар айтсанг, яшноқ боғинг кул,  
Айтмаслик ҳам мушкулдан мушкул,  
Бир сўзинг бор ёруғ дунёда.

Гарчанд у сўз Сендан кўп йироқ,  
Агар айтсанг қуқун тошу тоғ.  
Айтмасанг, бир умр ўртар доғ,  
Бир сўзинг бор ёруғ дунёда.

## ШИРИНЛИК

Бу дарахтнинг меваси шакар,  
Талх бир ғам йўқ, йўқ алам-ангиз.  
Ўзингиздан кўринг Сиз агар,  
Нафсингизни тиёлмасангиз.

Юзингиздан шиннини қириб,  
Ташломмайсиз, битмас чаласи.  
...Кимни кўзлаб келар бостириб,  
Бу чивиннинг гала-галаси.

## ЁЛФИЗ БОШНИ...

Минг хил чиқит қўшилмоқда оқар сувларга,  
Саёз тортиб кўринмоқда Оролнинг қуми.  
Мен қўрқаман қўшилишиб дили қувларга  
Юракларга чиқит-кувлик кирмаяптими?

Ёмғирлар-ку, япроқларни кетмоқда ювиб,  
Бизлар уни тупроқ билан қормаяпмизми?  
Биз кундалик «ур, ҳо-ур»нинг кетидан қувиб,  
Мехран тугаб, қалбан тугаб бормаяпмизми?

Дил тубидан туйғуларни оларкан қириб,  
Бир кун тақир йўлга ўхшаб қолмасмиканмиз.  
Бу талотўп, «қув-қув», «чоп-чоп» ҳолдан тойдириб,  
Бир кун бўм-бўш уйдан бўшаб қолмасмиканмиз?

Бу шошилинч, бу тезликда кўрмай хосият,  
Мен қўрқаман, ноаниқ бир ҳислар кемирар.  
Мен ойлар-ки, ўз онамни кўрмадим, уят.  
Мана, шундай пайдо бўла бошлар темирлар.

Ойлар-ки, мен ўз онамни кўролмай караҳт,  
Демак, болам йиллаб яшар мени унутиб.  
Мунча тансиқ тортиб қолди дийдор деган баҳт,  
Ютқизиқлар кўп, нимани оляпмиз ютиб?

Айттолмайсиз, айттолмайман менам бошим хам,  
Аммо биламанки, нафас ростламоқ даркор,  
Билмоқ керак, ёнди кимнинг юрагида шам,  
Билмоқ керак, ёғди кимнинг юрагига қор?

Йўқса бизнинг ҳар биримиз бир улоқчи, ёт,  
Шериги йўқ, йўқдир битта узангидоши.  
Азал-абад кўпкарида тоқ чавандоз мот,  
От остида қолиши бор ёлғизнинг боши.

Кечикяпмиз, бу гал аммо, Сиз шошиб келинг,  
Кўзлар тўлсин ишқнинг рангин бўёқларига.  
Хой одамлар, имилламай жисплашиб келинг,  
Ёлғиз бошни бермайлик от туёқларига.

\* \* \*

Бу қуш нимадандир сайрап безовта,  
Гўдак ҳам айтмоқчи недир, хуш эмас,  
Аммо катталарнинг оёғи овдан,  
Қулоги қийқириқлардан бўшамас.

Уй ёни, фарамга тушди лаҳча чўғ,  
Ногаҳон безовта ит қолар ҳуриб,  
Уйда қозон қайнар, ҳамма фирт маст, тўқ,  
Остонадан итни қуварлар, уриб.

Гўдак, Сен улғайсанг кўзинг катта оч,  
Улар бўлса, бу рўйхатда бўлмагин.  
Қочгин, бу тўдадан, бир амаллаб қоч,  
Ит бўл, қуш бўл, бироқ катта бўлмагин.

Бу қуш нимадандир сайрап безовта...

\* \* \*

Ишдан кетди, шундай оддий ҳол кечди,  
Илк бор күрди сүнгги сүқмоқларини.  
Хокимлик либосин жимгина ечди,  
Четта қўйди ғазаб тўқмоқларини.

Не ҳол юз берганин ўйлаб кўрган он,  
Рост, бир ҳақиқатни ўртаниб туйди.  
Энди қайта тахтга чиқмас ҳеч қачон,  
Бу тўқмоқлар ерда чирийди.

## ТЎРТЛИК

Қиз соллона юриб ой томон кетди,  
Ўғил чаппар уриб сой томон кетди.  
Кўзи кўрмас ота йўл тимирскилаб,  
Каловланиб, мункиб лой томон кетди.

## ҚАТЪИЯТ

Бу дараҳт тезгина гулга кирмайди,  
Осонликча ҳосил бермас бу дараҳт.  
Баданлари караҳт, япроғи караҳт,  
Зўрлаганим билан юрмайди.

Тилга киргизаман уни бари бир,  
Чунки менга ором бермайди, илинж,  
Ўла-ўлгунимча мени қўймас тинч  
Уни сўзлатмоқлик хуни барибир.

\* \* \*

Мен ҳали-бери ўлмасам керак,  
Ҳар довондан минг бор ўлиб ўтаман.  
Сизнинг ўйнаб-ўйнаб етган манзилга,  
Мен адойи тамом бўлиб етаман.

Бир дардим бор — учмоқ, муттасил учмоқ,  
Шундан фориф бўлсам, соғлик ўлдирап.  
Отдай соғлиғимни лаҳза ўтмаёқ  
Тўхтаб қолгандаги оғриқ ўлдирап.

## МЕН ҲАМ СЕНДАЙ...

Мен ҳам сендей япроқ қиёсли,  
Титраб турган битта жоним бор,  
Үтавермоқ мумкин деб, босиб,  
Үлмайди деб бўлма, умидвор.  
Мен ҳам Сендей кезарман ношод,  
Етмай баҳтнинг баҳраларига.  
Мени ҳам кўп қувади ҳаёт,  
Омадсизлик саҳроларига.  
Порлаб қолсан қувончда, ўтда,  
Сенга дунё туюлмасин тор,  
Унутмагин, мени ҳам битта,  
Титраб турган битта жоним бор.

## СЎЗЛАР ПИША БОШЛАР...

Сўзлар пиша бошлар ичимда,  
Битта-битта узиб чиқаман.  
Иссиқ қувонч, иссиқ ўчимдан  
Дастурхонга тизиб чиқаман.  
Қувончимда бир кескинлик бор,  
Бир аччиқлик ўчимда менинг,  
Ширинилиқдан бўлманг умидвор,  
Шинни пишмас ичимда менинг.

\* \* \*

...га.

Кўп қизғанаверманг, бўлинг серҳиммат,  
Шубҳа қилаверманг ҳар ҳол, ҳар кезда.  
Мен дидлаган молнинг баҳоси қиммат,  
Ундай тоза инжу на қилсин Сизда.  
Титраманг, молингиз қолсин фойдага,  
Ҳар кимни ўзимга пир қилмасман мен.  
Сиздаги арзимас майдо-чуйдага,  
Теккизиб, қўлимни кир қилмасман мен.  
Лермонтов айтгандай, оҳангларни мен,  
Кўқдан ундираман, йўлин топиб хўп.  
Қисқа умримдаги бор жангларни мен,  
Бир шарҳин битсан ҳам бўлгай талотўп.  
Кўп қизғанаверманг...

# “БУ КҮНЛӘРГА ЕТРАНЛАР БОР”

Китобидан

(1993)



*Қалбга экинг. Қадим түрк чинорлари тиклансын,  
Қон-қардошнинг чин дүст-у, чин ёрлари тиклансын.  
Ҳар юракда бир Турун минорлари тиклансын,  
Улуғ мамлакатни күттаринг!*





## БУ ДУНЁДА

Бу дунёда ёқа ушлар ишлар кўп  
Мен — ёзман, деб оёқ тирав қишилар кўп  
Одамликни даъво қилар қушлар кўп  
Кўра-кўра кўзи тинар одамнинг.

Салла десанг атайлаб бош келтирса  
Тўғри сўзинг ҳасаду-тош келтирса  
Даврон оқил қолиб, пасткаш келтирса  
Кўра-кўра кўнгли синар одамнинг.

Олов ерда, аршда бўлса тутунлар  
Зўрлаш билан ёнмаса у ўтиналар  
Чиданглар-а, ҳа, юраги метинлар  
Кўра-кўра ўти сўнар одамнинг.

Аввал кўнглинг армон бўлар, ер бўлар,  
Кейин кўнглинг қасос бўлар, шер бўлар,  
Бора-бора гуллигингни ер булар,  
Гул юраги тифга дўнар одамнинг.

Бу дунёда ёқа ушлар ишлар кўп.

## КЕТИШ ҲАҚИДА

Айни вақтимиди, мен келганим чоғ  
Ким қўйиб кетган бу менинг тошимни,  
Бугун соchlаримга оралаган оқ  
Эртага эгаллаб олар бошимни.

Эртага бу эски лошим билан мен,  
Омочни қийналиб сургандан кўра,  
Ва қор босган оппоқ бошим билан мен,  
Йўлларда тойиниб юргандан кўра.

Эртага бир тенгдош топмай, аланглаб,  
Инжиқ, у ён-бу ён «кўчир»ламасдан.  
Бугун олқишилаган ёшу яланглар  
Эртага ортимдан пичирламасдан.

Зангламасдан туриб кумушим, зарим  
Уни зарда билан отмасдан туриб.  
Содиқ шогирдларим, бугунгиларим,  
Эрта бирортаси сотмасдан туриб.

Кўриб кексаликнинг гурзиларини,  
Тонггача уйқусиз, тўлғониб чиқмай.  
Бўшатиб ҳар қандай курсиларини,  
Ўз вақтида кетмоқ, кетмоқ — кечикмай!

Вақтинг келгунича, майли донинг тер,  
Гуллар билан тўлдир умринг қатини.  
Худойим, бор бўлсанг, ҳар кимсага бер,  
Ўз вақтида кетмоқ фаросатини.

## БОР АРМОНИМ

Ў, дунё-я, ўзбекнинг не сор боласи,  
Кўкрагида ёнар ўти бор боласи,  
Шу ўт сабаб аввал-охир хор боласи  
Магаданинг тупроғида ухлаб ётар.

Одамизод бир-бирини ўнгласинлар  
Ўнгламаса, ўзлари ҳам ўнгмасинлар.  
Ўзга ерда ризқ тергани майлику-я,  
Ўзгаларнинг тупроғига қўммасинлар.

Ўз элига сиғмаган қувғин болалар,  
Қасоси бўғзида кетган хун болалар,  
Ёлғонларга емиш бўлган чин болалар  
Магаданнинг тупроғида илдиз отар.

Мушкул кўриб кетмоғин бу эл доғини,  
Санчиқ олар кўкрагимнинг чапроғини,  
Боз ўйлайман, отилажак бу вулқонлар  
Қўпормасми Магаданнинг тупроғини.

Йўқлов келар, томоқларим қуриб кетар,  
Юракларим отилгудай уриб кетар.  
Йўқламайман... гар йўқласам, йигит ўлган  
У болалар жой-жойидан туриб кетар.

Уйланмаган, шўх болалар туриб кетар,  
Кўкрагида ўқ, болалар туриб кетар,  
Ишонган дўст, акалари тутиб берган  
Бир паноҳи йўқ болалар туриб кетар.

Кути қочган, ўри-қири ёлғиз элим,  
Ожизи-ю, баҳодири ёлғиз элим,  
Ҳар бирида ўзининг жон талвасаси,  
Ўзича бек, лек ҳар бири ёлғиз элим.

Куймайманми, ўнгмаганинг кўриб ўлсан,  
Бир-бирингни бир-бирингдан кўриб ўлсан,  
Ўтарканман бу дунёдан, бор армоним —  
Бир-бирингни ўнглаганинг кўриб ўлсан.

## ЁМОН БИР ЎЙ

Уни бугун тепкилашди,  
Обдон тепишди.  
Бир, икки, уч... бешов бўлиб,  
Олтovлон бўлиб.

Хүшдан кетди, сув сепиши,  
Тағин тепиши.  
Навбат билан, гоҳ бенавбат,  
Оломон бўлиб.

У яшин урган ниҳолдай,  
Гоҳ қад тиклар тик  
Гоҳ йиқилар, маст қийқириқ  
Минги кулади.

Машъум жарнинг қирғоғига  
Тирмашган шўрлик  
Сўнгги тепки зарби билан  
Жарга қулади.

Кузатаман... лабларимда  
Ачниқ шўру, талх  
Ёмон бир ўй ўта бошлар  
Кўнглимдан сизиб...

Бир ожизин мингта зўри  
Тепкилаган халқ  
Халқ бўлмагай,  
Ер юзида қолмагай изи...

## ОМОН БЎЛИНГ

Бу дунёнинг бори йўлдир,  
Бу йўлларда тузоқ мўлдир,  
Йўл бошида сўзим шулдир,  
Омон бўлинг, омон бўлинг.

Кўзингизга тортса ҳам мил,  
Кипригиниз бўлса ҳам қил,  
Номард билан топишманг тил,  
Сарсон бўлинг, сарсон бўлинг.

Нопок кетса ердаги жанг,  
Майли, бўлсин ҳолингиз танг.  
Ҳеч бозоргир бўла кўрманг,  
Арzon бўлинг, арzon бўлинг.

Ҳар дарзни тез ёпмоқ учун,  
Тўрт ён илдам чопмоқ учун,  
Ҳар шоҳга йўл топмоқ учун,  
Беюз бўлинг, бежон бўлинг.

Ҳар бир овга қош-кўз бўлиб,  
Фолиб ёвга Сиз ўз бўлиб,  
Тана бўлса Сиз пўст бўлиб,  
Фақат енгган томон бўлинг.

Менам одам, эмас Хизр,  
Ҳар ким ўз билганин тузур,  
Шеърим тегиб кетса узр,  
Омон бўлинг, омон бўлинг.

### МЕНИНГ КАБИ...

Борарга бор, қайтар жойдан қайтавер Сен  
Мендек ёзда йўлингда муз тўнган эмас.

Ҳаммага ёқ, шодон қўшиқ айтавер Сен  
Йўлларингда ҳали тикан унган эмас.

Бир бошингда минг хаёл йўқ, термоқ учун  
Кўнглинг минг бир бўлак бўлиб синган эмас.

Тушингда жон дўстинг билан дийдорлашиб  
Ўнг, саҳарлаб ғаниминг кўринган эмас.

Ҳаёт тўфонлари силаб-сийпар сени  
Менинг каби отларинг суринган эмас.

Тағин, тағин... Сени обдон отмаганлар  
Руҳинг зада, минг тошга уринган эмас.

Жароқатлар битиб кетар, аммо бугун  
Қони чак-чак томиб турар, тинган эмас.

Борарга бор,  
Қайтар жойдан қайтавер Сен.

### **ГАРЧАНД ҚУШ ЭМАССАН...**

Гарчанд қүш эмассан, ё эмассан хас,  
Учавер, Сенга ҳам үйлаш шарт эмас.  
Нима бу ноаён чугур-чугур сас,  
«Девонул-луғатит турк» бўлса бўлар.

Муҳими ҳар лаҳза яйрасин танлар,  
Бор бўлсин тошни ҳам ёраётганлар.  
Тоғу тошдан кетиб бораётганлар,  
Ковул-қаврак бўлса, зирк бўлса бўлар.

Муҳими, шу бугун қувончларда бот,  
Бош қўйиб бойликнинг оёғида ёт.  
Суравер, йиқилса йиқилар бу от,  
Эртанги йўлларинг берк бўлса бўлар.

Эрга тег, майли бўш бошга эрга тег,  
Не фарқ бор, кекса ё ўшга эрга тег.  
Муҳими жавоҳир — тошга эрга тег,  
Сендан йиғлаб кетган эрк бўлса бўлар.

Халлослаган умид, юргурган тама,  
Фойда қай томонда, олгин-да чама.  
Шул тарафга сузгин, сузгин, тўхтама,  
Умр шул дарёда фарқ бўлса бўлар.

### **ҲИНДИКУШДАН НОЛА КЕЛДИ**

Нақддан келсанг «Отам» демоқ азмойишили  
Онам, демоқ ярашиқли, намойицли.  
Ҳайҳот, бандам деганини бўзлатмасин

Таёқ тираб «болам» демоқ мушкул ишдир.  
Асрим, унинг қон кўйлагин бошга ўра  
Аёлдан шу ўғлон учун узр сўра.

Ай дунё-я, Сен шундайин кўҳна бозор  
Нарх-навосин тайини йўқ, тайин ғам бор  
Тағин, тағин Сен аёлни қақшатдинг зор  
Ҳиндиқушдан олов келди, жола келди  
У келмади, кўкка ўрлаб нола келди.

Бу элда-ку садр тепмас эркак зоти  
Куйганда бор-будинг ёрти, удум ёрти  
Фармон бобо ўкирганча уввос тортиб  
Садр тушса, тутмоқ учун етар куч йўқ  
Дунё Сенда қон бор, шон бор, шафқат ҳеч йўқ.

У келмади, ҳижрон минг сас, минг тус келди  
Гуноҳкордай жовдир-жовдир юлдуз келди  
Аммо юлдуз-юлдуз экан, олтин, олмос  
Боланг бўлиб кўкрагингга отилолмас.

Асрим, асрим юкинг ҳали оғир-оғир  
Уруш — като юқдир, ундан елканг яғир  
Шу юқ босиб қолди неча аёл сағир  
Елка тутмоқ учун юкка туққанмиди,  
Хатоларга қурбонликка туққанмиди?!

Ўн саккиз ёш, нима асли, эсни қувар  
Авжи чофи баҳтни қувар, қизни қувар  
Қони билан катталарнинг айбин ювар  
Ювар, додинг кетар кунлар борми, афғон,  
Яраларинг битар кунлар борми, афғон?!

Ҳиндиқушдан жола келди, нола келди.



## БИР ЎРИМ СОЧ ТАРИХИ

*Онам Қаршигул Хонназар қизи ҳаётидан.*

Асли қайирмалик Сайрам бахшининг айтувлари кўп. Аммо уни айттириш — ўлимдан қийин. Бир ўзи кўнгли кетиб, урчуқ йигириб ўтиргандами ёки белини сириб боғлаб от устида ўтиргандай ўрмак устида ўтириб, хаёл суриб, патнинг турини чалаётгандами финифлаб бошлаб қолади. Бу ана шундай пайтларда эшитганларимдан:

Ё фалак, бошимга солдинг не кунлар  
Кўзимнинг ёшини тиндиримадинг-а,  
Умримга тошлардан тушди тугулар  
Бирини ечмадинг, синдиримадинг-а!  
Энг кетмас деганим дастлаб кетди-ей,  
Энг ишонган тоғим паствлаб кетди-ей  
Букри ёвим қаддин ростлаб кетди-ей  
Кўрдим, хароб бўлдим, Сен кўрмадинг-а,  
Етимлик кўйлагин кийдирди онам  
Увуз этимдаёқ куйдирни Онам  
Ўз тенгига никоҳ қийдирди Отам  
Шўрим-эй, отамга тенгқурмидим-а.  
Ўн бешимда бир тун қоп-қора булут  
Мени поймол қилди, мен қолмадим бут  
Никоҳ тўшагимга нечун қўйиб ўт  
Нечун элни бузиб чинқирмадим-а?  
Шу тун, тун ярмими, тонгдами қочдим  
Ўчди кўнгил шами, баҳт шами, қочдим.  
Илк куёв-келинлик оқшоми қочдим,  
Эл юрган йўллардан мен юрмадим-а,  
Эрим алдаб кўрди, сочиб кўрди зар  
Мен-чи қочавердим кундан-кун баттар,  
«Қўрқитиб, жонини олинг» дебдилар,  
Ёраб, осонликча жон бермадим-а,  
Бир кун шундай қочиб чорбоғда ётсам,  
Захга кўксим бериб инграганим дам  
Эрим сезиб, судраб келтирди, Эгам, —

Не учун олдинроқ ўлдирмадинг-а!  
Эшилган қамчини қайталаб эшиб,  
Эрим ураверди, баданим тешиб  
Итницидан қаттиқ одамнинг түши  
Дейдилар-у, буни мен кўрмадим-а,  
Билагига ўраб қирқ ўрим сочим  
Урарди! Қочмоқца йўқдир иложим.  
Ўляпман, оғзимни кашпалаб очиб,  
Ўляпман, умримда кун кўрмадим-а,  
Йўқ, қайдан куч келди, ўнгланиб олдим  
Бошим бир жаз этди, қочдим, йўқолдим  
Битта ўрим сочим кўлида қолди  
Йўқса бу кун «Сен кўр, мен кўр»мидим-а.  
Кетдим, ўрталиқда йиллар қариди,  
Сарғайди, напармон гуллар қариди —  
Аммо деёлмайман ғамим ариди  
Тақдир-ай, бир ўйнаб кулдирмадинг-а.  
...Кеча шом аралаш кимдир чақирди  
Чиқдим, бўйдор жувон уйимга кирди.  
— Буни Отам тунда сизга деб берди  
Кейин... Шўрлик отам!!! Кун кўрмадинг-а.  
«Бу қиёмат қарз» деб узатгани он  
Гуноҳимдан ўт, деб берди-қўйди жон!  
Қарасам... бир ўрим сочим, теккан қон,—  
Эл тинди, ел тинди, мен тинмадим-а!»

Бовурларим, боя айтганимдай бу — Сайрам баҳшининг урчуқ йигириб ўтириб айтган «бир ўрим соч»ининг айтуви. Кўкайим қуйиб, кўз ёшларимни зўрга тийиб,  
«Холажон», дейман. «Жон, болам», — дейди. «Бошқа айтувларингизданам айтинг», дейман. «О, улар менинг нолам-ку. Нола эшишишга тоқатларинг йўқдир-ов, болам», дейди. «Айтаколинг», дейман. «Ундай бўлса, — дейди Сайрам баҳши ўрмакнинг ўриш-арқовларини<sup>1</sup> йиғишириб, мен бир ғажарининг<sup>2</sup> ипини йигириб қў-

<sup>1</sup> Ўриш-арқов — ўрмак тўқиладиган иплар.

<sup>2</sup> Ғажари — тўқилиши қийинроқ гилам тури.

ювдим. Ҳозир шуни қурамиз. Сен ўришини югурасан, мен ўрмакнинг кузувини<sup>1</sup> боғлаб ўтириб бу қаттиқ бошимдан ўтган-кетган айтувларимдан бирди-ярмини айтсам айтақолай», дейди-да, навбатдаги айтувини бошлайди...

## ТАВБА-ТАЗАРРУУ ВАҚТИ

Бузилган адирда лола бир аҳвол,  
Бузилган тақдирда бола бир аҳвол.  
Икковни боғлолмай тола бир аҳвол,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Орол, түлқинларинг қочдилар қайга?  
Охулар қочди қай ёнган түқайга?  
Одам, болаларинг учди мүмайга,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

«Икковмиз», дейсан, ул ягона чиқар,  
Дүст деб эгиласан, бегона чиқар,  
Маъно, деб ушлайсан, бемаъно чиқар,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

«Қариялар уйи» уйдир, хонадир,  
Уймас, маҳзун ота, мунглиғ онадир,  
Фарзандин эслатсанг, ночор, тонадир,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Ўз уйида зардоб ичгувчи қушлар,  
«Болалар уйи»га учгувчи қушлар,  
Ва гоҳ бу дунёдан кечгувчи қушлар,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Сўзимни ҳар томон бурмагин тагин  
Ўзимга қаратдим, дарднинг бор тифин,

<sup>3</sup> Кузув — ўрмакнинг кузувини деярли кекса кампирлар, ишига пишиқ чеварлар боғлайди.

Оҳ, кимга сиғинсанг, дўст, шунга сиғин,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Тавба қил, ёвлашган эллар оралаб,  
Бевақт тўқилган қон, селлар оралаб,  
Мақсадин йўқотган диллар оралаб,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Бугун отанг бу ҳол, давлатманд одам,  
Эрта балки боланг берар панд, одам,  
Кўз оч, ўзи билан фоят банд одам,  
Таба-тазарруга вақт етди бугун.

Тик туриб, армонни ичиб қайтадан,  
Ўт олиб ҳар томир, ичинг қайтадан,  
Ҳаммасин бошламоқ учун қайтадан,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

## ИШОНЧ

Кўкаради босилган не бўлса ҳаётда.  
Босилган қир кўкармаса,  
Сен кўкармасдинг.  
Ҳеч нарса кўрмаган каби  
Юрибсан отдай.  
Неча марта оёқости қилинган дўстим,  
Улар сени енголмайди  
Босиб боравер  
Нари борса тузоқ ташлар  
Ҳар муюлишда,  
Нари борса кўз ёшингдан  
Кўклаб кетар ер,  
Нари борса  
Юрагингни чиқарар ишдан.  
Бирор айбинг йўқлигини  
Билмайди улар.  
Гарчанд қайта босилмоқдан

Чарчаган йўлсан.  
Киприкларинг ўқлигини,  
Билмайди улар.  
Киприкларинг хавфли бўлар  
Агар йиқилсанг.  
Нари борса, нари борса...  
Бу тилсиз тупроқ  
Уларни ҳам ер устида  
Кўтармай қўяр.  
Киприкларинг ўсаверар  
Куч олиб, бироқ,  
Киприкларингдан ўзгаси  
Кўкармай қўяр.  
Тасаввур қил,  
Ерга қадам қўйиб бўлмайди  
Ерда эплаб юрмагани  
Имламайди кўк.  
Бировларни, йўқ, эзғилаб  
Тўйиб бўлмайди,  
Товонингдан юрак сари  
Ўрлайверса ўқ.  
Мана шундай,  
Киприкларинг ғаним учун  
Тифи, дарз экан,  
Босилган қир кўкармоғи  
Демак фарз экан.  
Кўкаради босилган не  
Бўлса ҳаётда...

\* \* \*

Ўт кетса, ўт оҳлар Сен айтганда шеър,  
Йиғласа гуноҳлар Сенга айтганда шеър,  
Заминда гуноҳкор гувоҳ ҳали кўп,  
Йиқилса гувоҳлар Сен айтганда шеър.

## **СОТИБ ОЛИНГАН ТАҲЛИКА**

Не учун хижолат тортар бу аёл,  
Қуч-қудратин сўрган ери олдида,  
Ўзи семиртирган эри олдида,  
Нечун эгилади, ориқ қадди дол.

Гулдай умри ўтди сув билан ўтда,  
Чин мор элаклаган чимзор эди ер.  
Сарғайган чимзордай бемор эди эр,  
Улар соғайгунча ишлади итдай.

Ишин қилди сўнгсиз меҳнату азоб,  
Гарчанд аста-аста ерга ранг кирди.  
Минг йил ётган хаста эрга ранг кирди,  
Булар соғайди-ю, у ташлади тоб.

Энди у ҳар тонгни, тўкиб кўз ёшлар,  
Ерга қараб кўм-кўк ердан хижолат,  
Эрга қараб, бардам эрдан хижолат,  
«Умрингиз мени деб ўтди»дан бошлар.

Сариқ, тўзғин гулин яшириб сўзлар,  
Ерининг қип-қизил гули таҳлика.  
Эрининг бақувват қўли таҳлика,  
Чўпдай озгин қўлин яшириб сўзлар.

Не учун хижолат тортар бу аёл...

## **ДАРЕГА**

Далли дарё, оққанинг айт,  
Тинганингдан сўзлама,  
Йўлинг тўсиб чиқса тўғон,  
Тўзитиб от, «сиз»лама.

Дардинг бўлса гулдирос сол,  
Шахдинг кетиб бўзлама.

Ёвга ёвдай бостириб оқ,  
Юввош тортиб «тиз»лама.

Сувинг ёнар ўтдай бўлсин,  
Тинма, мангу музлама.  
Фақат юзинг битта бўлсин,  
Бўлма иккиюзлама.

\* \* \*

Қандай бўлсанг бўл, лекин  
Кексайганда ёш бўлма.  
Хазон фасли тентираб,  
Гуллаб қолган бош бўлма.

Энг муҳими, тош қилиб,  
Бирор Сени отмасин.  
Қарғиш теккан, саргардон  
Ўртадаги тош бўлма.

## УЛУҒБЕККА АЙТАР СЎЗИМ

Жоним ўғлим, қанотсизга сен қанот бўл,  
Ўзга ўз бўл, эгилмагин, ётга ёт бўл,  
Ерга қара, босиб кетма, эҳтиёт бўл,  
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Майли болам, қайда гул оч, қайдо кўкар,  
Боёвутда бир гўша бор чекка, чўкар,  
Дарахтлари олмаларин йўлга тўкар,  
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Қутлуғ болам, бугун баҳт-ла топишганинг,  
Аммо кеча. Сумалакка тош тушгани,  
Энажонга «олиб бер» деб ёпишганинг,  
Кўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Дерди «худо, шу гўдакка толе бергин»,  
Сен эркинсан, ул ерларда тағин эркин,

Мен борми-йўқ, бор, жон болам, боравергин,  
Дилингдаги хотирани ўлдирмагил.

Сени бердим катта элга, катта юртга,  
Меҳринг билан кўнгли илҳақ, кўзи тўртга,  
«Энажон», деб бош ур болам, Боёвутга,  
Тилингдаги хотирани ўлдирмагил.

## ХОТИРА САНДИФИДАН ЙЎҚОЛАЁТТАН СЎЗЛАР

Бу сандиқ тинч сақлайди,  
Жавоҳиру тиллони.  
Пулга чақиб тахлайди,  
Бозорир куй, яллони.

Мўл ҳосилин далани,  
Ҳисоблашдан безмайди.  
Фақат Сўзни — болани,  
Кетганини сезмайди.

Қопқоқлари зич, ёпиқ,  
Минг сир ётар бу тоғда.  
Фақат бундан йўл топиб,  
Сўзлар чиқиб кетмоқда.

## ТАСАЛЛИ

...га.

*Ҳар кимнинг ўз қуёшу, ўз уфқи бор,  
жойнаҳой.*

*Муҳаммад ИҚБОЛ*

Қўрқма мендан, бул қадар қўрқишинг бекор, фаним,  
Ўраш, сўрашларимиз, шеъrimiz бўлак-бўлак.

Ахир сенинг далангта йўқ-ку, назар согнаним,  
Дон сочиб ундиргучи еримиз бўлак-бўлак.

Барака топ, меҳмонинг қайга ўтқазсанг ўтқаз,  
Пойгакларимиз бошқа, тўrimиз бўлак-бўлак.

Ўйлаб юрган ўйингни қоровулаб чарчама,  
Замон фикр сўраса, деримиз бўлак-бўлак.

Минг дардимнинг биридан хабаринг йўқ-ку, ахир,  
Ювмоққа етар манглай шўrimиз бўлак-бўлак.

Гапимнинг индаллоси — бир вақтда ўлмагаймиз,  
Хотиржам бўл, бўлгуси гўrimиз бўлак-бўлак.

## ЧЎЛПОН

Мен мозий тарафга қатнадим йиллаб,  
Шу яқинда яқин, йироқ кўринди.  
Фира-шира ичра сокин, милтиллаб,  
Пилиги паст ёнган чироқ кўринди.

Ёққанлар бор бўлсин, туриб собит, мард,  
Мушкул, эллик йиллик шамолни бурмоқ,  
Энди уни бирга иҳоталаш шарт,  
Бирга пилигини кўтариб турмоқ.

Йўқса ўчиради бир ноқис эркин —  
Тагин зулмат, неча замон, йилликдир.  
Оlamда бор экан адовату кин,  
Виждон, асл касбинг — қоровулликдир.

## ХОЛИС НИЯТ

...га.

Сотқин қадамлардан топталди боғим,  
Бўлдинг кўкрагимнинг ҳеч кетмас доғи  
Ёраб, эртакларда бўлар эди-ку,  
Қандоқ бир юмалаб Сен бўлдинг ёғий.

Мен десам тишимда тишлаб юрибман,  
Бағримда илонни ушлаб юрибман,  
Иншооллоҳ,  
Кимни ҳимоялаб, суйиб ёпгайсан,  
Сен ҳам мендек ундан илон топгайсан.  
Бошқа ниятим йўқ.

### КЕНГЛИК СҮРА

Ўзгаришлар шамолидан ҳаёт синчи,  
Сал ғичирлаб тургандайин, кетар тинчиб.  
Бунинг учун энг аввало, энг биринчи,  
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Гарчанд буқун қўкламимдан кузим яқин,  
Олар бўлсанг, сўзим яқин, тузим яқин.  
Четлаб, дема «ўғлим яқин, қизим яқин»,  
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Кенглик бўлса пистирмадан тош отмаймиз,  
Чўлпонларни тирноғидан топиб кир, из.  
Эллик йиллаб ухлатиб, сўнг уйғотмаймиз,  
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Кенглик бўлса, топганимиз кам туюлмас,  
«Ол, олиб қол, дам — мана шу дам» туюлмас.  
Фам босгани бу куни ҳам кам туюлмас,  
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Боғида гул, тогидаги буғу учун,  
Бошидаги хумо қуши, туғи учун,  
Бир-бирини еб битирмаслиги учун,  
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.



## **БУ ШАХД...**

Қадрига етмаймиз бор, нақд кетадир,  
Күзи ёшга тўлиб чин баҳт кетадир,  
Ёраб, одамнинг-ку, оёқлари бор,  
Ранглари сарғайиб дараҳт кетадир.

Ўпид қол, бу япроқ кузга омонат,  
Мунглут онажони қизга омонат,  
Гадо ҳассаси ҳам бизга омонат,  
Сулаймон ўтирган тож-тахт кетадир.

«Дунё меники», деб санағ юрганлар,  
Ўғрини қароқчи бўлиб қирғанлар,  
Шароб омонат, деб ўзин урганлар,  
Бошларин чанглаб, караҳт кетадир.

Тилимни боғлама, тилим — жаранггос,  
Бугун қўнғироқмен, бир илоҳий соз,  
Эрта менга деса шу тилимдан ос,  
Эрта балки мендан бу шаҳд кетадир.

## **АЗИЯТ**

Ўлмоқликнинг йўллари кўп,  
Бугун юрак тош олар.  
Жаҳолатнинг қўллари кўп,  
Салла десанг бош олар.

Бир юракни нишон олиб,  
Сўз отаркан дангаллар.  
У мажлисда йиқилади,  
Кўкрагини чанглаб.

Халқим, сенга етмайдирми,  
Чор атрофдан теккан санг,  
Ўз-ўзингни йиқитмоққа,  
Мунчаям шай турмасанг.

Сен шунча кўп хато қилдинг,  
Кўзларингга келмай ним.  
Энди Сен деб гўримда ҳам,  
Тинмас менинг уввосим.

## ТАЛАБ

Сездим... кўнглимда бир қайсар алаф ўсди,  
Тирноқлари кўксимни тимдалаб ўсди.  
Алафнинг ҳар япроғидан учкун сачраб,  
Қиёқ тилли ўт кўксимни ялаб ўсди.  
Фам менгамас, мен фамларга дорман дебман,  
Кувонч бор жойда мен доим борман дебман.  
Воҳ, бир армон туғилганда армон дебман,  
Сўнг кўксимда у юзта, мингталаб ўсди.  
Бўлмаса ҳам ҳеч кимсага гина, гардим,  
Кимларгадир оғирлигим сезиларди.  
Уринмаган бир гул бўлсан, узилардим,  
Атрофимга ғанимларим йўлаб ўсди.  
Кейин... минг бор синган чиқар кўнглим шашти,  
Кейин қонлар билан тўлди кўнглим дашти.  
Бир жонимни мингта бўлиб тепкилашди,  
Билмам, умрим кимга тўлов тўлаб ўсди.  
«Минг оёқ босгач ҳам, қайта турган гулсан,  
Одамзоднинг борин айтадирган гулсан,  
Ҳар ғанимга ҳали қайтадирган гулсан»,  
Деб бир даҳшат ўт руҳим эркалаб ўсди.  
Гарчанд ҳаёт худди ўйин, худди қарта,  
Яшаяпман ишқ кўкарта, баҳт кўкарта,  
Мени йўқотмоқ бўлсалар минглаб марта,  
Яшамоққа кўнглимда минг талаб ўсди.

## ЭВРИЛИШ БЎЛМАСА

Орол оқмай қўйди оқар йўлидан,  
Аёл оқмай қўйди оқар йўлидан,  
Суйиб, бир-бирига боқар йўлидан,

Инсон боқмай қўйди. Бу не синоат?  
Ҳувиллаб қолгандай юртнинг ўр қири,  
Йигитларда шаҳд кам, қизларнинг сири,  
Одамзод бирининг кўнглига бири,  
Чироқ ёқмай қўйди. Бу не синоат?  
Эркакни гоҳ рашкмас, ҳасад ўлдирап,  
Аёлни гоҳ фаҳшу фасод ўлдирап,  
Одамзод бир-бирин кўнглин кулдирап,  
Бир гул тақмай қўйди. Бу не синоат?  
Гулоб тутажакмиз, бўри чўлласа,  
Ишқилиб қўлласа, бизни қўлласа...  
Ўзи йўқлигига хотин гулласа,  
Эр тутақмай қўйди. Бу синоат?  
Бугун шундай. Билмам не бор олдинда,  
Мисда бугун мис йўқ. Олтин олтин-да.  
Эврилиш бўлмаса Дунёи дунда,  
Яшаш ёқмай қўйди. Бу не синоат?

## ЎЛИМ ЯХШИ

Жон — жонингда дўстинг ўсса,  
Тунларда ой тўлин, яхши.  
Унга бало боқса, тўссанг,  
Узун бўлса қўлинг, яхши.

Ёлғиз издан ўтлар йиглар,  
Ҳатто, бағри бутлар йиглар,  
Қўш из кетса маҳшаргача,  
Бирга кетсанг, йўлинг яхши.

Эзмас сангу тош, кўтарсанг,  
Тазийиқ, дорга бош кўтарсанг,  
Қисмат юкин қўш кўтарсанг,  
Осонинг, мушкулинг яхши.

Агар,  
Ногоҳ босса ғам, доғ.

Олдинроқ оқ, олдинроқ оқ,  
Лаҳза бўлсин олдин кетмоқ,  
Дўстдан олдин ўлим яхши!

Тугамас ишқ, бу сир, бу гап,  
Арвоҳинг ҳам ғанимга даф,  
Тирик дўстни ҳимоялаб,  
Гўрдан қўллар қўлинг яхши.

\* \* \*

Деёлмам «Ҳамиша хизматда турдим,  
Элимга бергали бойлик йиғдим мен».  
Топган бор бойлигим — ўғиллар кўрдим,  
Элни қўллагувчи қизлар туғдим мен.

### БИЛИБ-БИЛМАЙ...

Билиб-билмай ими-жими яшайверамиз,  
Чор атрофда қулайверар азим чинорлар.  
Ўзимиз ўлмайдиганга ўхшайверамиз,  
Юрагимиз тўниб қолган, йўқ унда зорлар.

Бизга жонин тутганлардан чарчаб, безамиз,  
Эслаб ҳам қўймаймиз куйиб-кутганларини.  
Жонимиздан аёз ўтган пайтда сезамиз,  
Бизни ўраб турганларнинг кетганларини.

Биров ишин битказади, биров битказмай,  
Кетар, шундай дунёдир бу. Сочим бўямай,  
Мен совуққа чидамсизман, аёз ўтказмай,  
Тезроқ йўлга отланмоқни ўйлаб қўяман.

### НИМА ДЕБ КЎЙЛАШНИ МЕНГА ЎРГАТГИЛ...

Эҳтимол, буюмдан воз кечмоқ мумкин,  
Бебаҳо кийимдан воз кечмоқ мумкин.

Нақшинкор уйингдан воз кечмоқ мумкин  
Аммо кекса онангдан эмас.

Чаманлар эҳтимол, хотирдан кетар.  
Тотганинг оғу-бол хотирдан кетар.  
От кетар, суюкли бўрон ёл кетар,  
Кекса отанг кетмас хотирдан аммо.

Балки хотин кетар Сендан узилиб,  
Балки боланг, майли, кўнгли бузилиб.  
Буларга айбдордай, куйиб, эзилиб,  
Шўрлик онанг Сендан қаёқча кетар.

Бездирсанг, ит кетар улоқиб, дайдиб,  
Дўст кетар, дўстликка лаънатлар айтиб.  
Руҳи ҳам чирқираб қоровуллайди,  
Отангни ўлгач ҳам кеткизолмайсан!

Шундай дердим, аммо бугун бу йўлда,  
Нимадир ўзгарди, нимадир ўлди.  
Ҳайрон кўзларига қумлар тиқилди,  
Отанг уйдан кетди биринчи бўлиб.

Қадимда онани қақшатса хотин,  
От думига боғлаб, олинарди хун.  
Ўша арқон эркак тилида бугун,  
Онанг уйдан чиқди иккинчи бўлиб.

Хотиржамсан, майли, сиёҳ кеч кирап,  
«Қўчада эмас-ку», юпанч, куч кирап.  
«Ў, болам-а», деган ёзув қичкирап,  
«Қариялар уйин» деворларида.

Унудим дийдаси қотганларни мен,  
Ортимдан кўп қиммат сотганларни мен.  
Ортимдан отгани отганларни мен,  
Булар нима, бундай фам келганда уч.

Қўқдан қормас, қарғиши ёққаними бу,  
Бола эмас, бало боққаними бу.  
Дарёни тескари оққаними бу,  
Тушун, дейсан, ўргат, қандоқ тушунай?

Қичқириқ тутади, дунёи дунни,  
Ўчиринг, ўчиринг бу фифон-унни,  
Оёғи осмондан келган бу қунни,  
Нима деб куйлашни менга ўргатгил...

\* \* \*

Ҳувиллаган бофнинг боф сиёғи йўқ,  
Гоҳ чоғ кўнгилнинг ҳам чоғ сиёғи йўқ.  
Гуноҳи нелигин билмай турган бу,  
Бемор янглиф соғнинг соғ сиёғи йўқ.

Давр, дарахтларинг силкитаверма,  
Чалаверма сўнгсиз имтиҳон найин.  
Давр, одамларни олмадай терма,  
Узилгач, уларни сақламоқ қийин.

Баъзан ярим тунлар сачраб, уйғониб,  
Ўзимча сен учун қидирман йўл.  
Гоҳ-гоҳ ҳўлу қуруқ баробар ёниб,  
Бу боф аста-аста бўлмаса, деб кул,  
Кўп қайгураман.

## ҚАДАХ

*Баллада*

Шом шамоли изғиган кечда,  
Учта одам ўтириб ичди.

Эр, хотин ва учинчи эркак,  
Учинчининг кўзлари сергак.

Хотин силаб-сийпар эрини,  
Эр билмайди унинг ерини.

Хотин тилда бергудайин жон,  
Күкрагида ғимирлар илон.

Қани олдик!  
Оқ урарлар, оқ,  
Эр күксини чангаллар шу чоқ.

Үх, юракқа бориб етди ўт,  
Томирларин қирқиб кетди ўт.

Заҳар!  
Қулаб, эри берди жон,  
На қотил бор, на бир томчи қон...

Бүш қадаң ҳам кетмади синиб,  
Дастурхонга қайтди ювиниб...

## ШУДГОРЛАНГАН ШЕЪР

...га.

Санчийди кўксимнинг мана бу ери,  
Кўрганда «тоғчалар», тўсин тоғларни.  
Мос келмай қолади фикрим-у, шеърим,  
Мосламаларига қўғирчоқларнинг.

Чақиришиб амма, холаларини,  
Маслаҳат бошлишар «Не қилмоқ даркор».  
Босишиб ўз кичик молаларини,  
Пилдираб, шеъримда бошлишар шудгор.

«Мана тайёр», катта қўғирчоқ кулиб,  
Елкамни силайди, бирга ичаман.  
Сўнг шеърим оламан, қўлидан юлиб,  
Сўнг... бу шудгорланган шеърдан кечаман.

## ПАЙТ КЕЛДИ

Ортиқ құкрак кердиг-а.  
Ноқис ишлар қүрдиг-а  
Хүп семириб юрдиг-а  
Энди озар пайт келди.

Юлғич юлди, қувонди,  
Фаҳш үпди гоҳ жувонни,  
Ким йиғеди бор унвонни,  
Энди түзар пайт келди.

Ҳақ ололмай олғандан,  
Изтироб үтди жондан,  
Ҳамон ўзғир ёлғондан,  
Энди ўзар пайт келди.

Бу норасо ўйларни,  
Забонсиз дўст, қўйларни,  
Шоир кўпроқ ўйларди,  
Энди ёзар пайт келди.

\* \* \*

*Жон қайғуси бор жойда йўқ  
виждан қайғуси.*

*E. ЕВТУШЕНКО*

Ёзмоқ ўтида ёнсанг,  
Иккиланиб ўтирмай,  
Саратоннинг юзига,  
Ёзавергин қор билан.

Тилинг айланмай қолса,  
Куйиб кетган дилингни,  
Айтарингни айтавер,  
Қўлинг билан, тор билан.

Бундан агар әл учун,  
Келар бўлса қилча наф,  
Қилдай тилини топиб,  
Тиллашавер мор билан.

Ҳақ сўзинг учун даврон,  
Осмоққа ҳукм этса,  
Даврондан юз ўгир-да,  
Сирлашавер дор билан.

Юз ўз жонидан бошқа,  
Қайғуси йўқ — халқ эмас.  
Бирлашавер, Ҳалима,  
Бир иймони бор билан.

\* \* \*

...га.

Куруқлиқдан келади чирмаб,  
«Чиқиб кўр-чи, чиқсанг бергум тан»,  
Сен ҳаётда күшдан кўчирма,  
Учқур күшдан, чиқиб кетасан.

Зич тўрларин сувга ташлар қарс,  
«Чиқиб кўр-чи, чиқсанг бергум тан»,  
Тутқич бермас балиқ берган дарс,  
Учар балиқ, чиқиб кетасан.

Яшайвергин шундай қескин, дов,  
Ҳар гал мағлублигин танитиб.  
Ҳеч қачон тан бермас номард ёв,  
Фақат шуни қўйма унутиб.

## ТОШ ҲАҚИДА

Эй тош,  
Эй, кундан-кун шишаётган тош,  
Бироннинг кўлида соққадай ўйнаб,  
Бошқага гурзидай тушаётган тош.  
Менинг ҳам қўлимда бўларсан соққа,  
Мен сени бироннинг бошига эмас,  
Ботқоққа отаман,  
Ботқоққа!  
Қайтиб бу ўртада ораламайсан,  
Соф бошларни яраламайсан!

## ГУЛ ҲАҚИДА

Дарддошлика гул хўб, кўп кузатилган,  
Дардингни жимгина ютиб кетади.  
Одамга айтмаки, қўшиб-чатилган,  
Шовқининг дунёни тутиб кетади.

Гулнинг дардларингни подадай ёйиб,  
Бойиб, ўтлатгувчи ўтлоқлари йўқ.  
Унинг бир дардингга ўнта дард қўшиб,  
Жўшиб, хатлатгувчи ўртоқлари йўқ.

Дарддошлика гул хўб,  
Кўп кузатилган...

## БУГУН АЙТ

Унга айтарингни шу бугун айтгин,  
Эртанинг келарин ўйлаб ўтирма.  
Эрта кун қизғанган ушбу сўзингни,  
Айтишга улгурмай қолиб, ўкирма.

Гар бу олма унга аталган бўлса,  
Бугун бер, не учун эртани кутмак.

Мабодо у шомда ё тунда ўлса,  
Не зарур, пушмонни қон каби ютмак.

У ўлса... ҳар ҳолда шу совуқ түйғу,  
Үз күнглиң бемалол түқлашдан афзал.  
«Отдай юрибди-ку, ўлгани йўқ-ку,  
Эрта берарман», деб, ухлашдан афзал.

### ҚИШ КЕЧАЛАРИ УЗУН...

Қишиң кечалари узун,  
Узун хаёл суради.  
Паға-паға қор намчил,  
Деразага уради.

Менинг маъюс дилимга,  
Ваҳималар қуарар ин,  
Бу қаҳрли тунда йўлга,  
Сиз чиқмадингизмикин?

Шамол увлар қутуриб,  
Бор бўл дунёда, сезим!  
Игна учиди юриб,  
Мен тонг отдирган кезим...

Сиз кирасиз, ҳорғин, шод,  
Кўзларингиз толиби.  
Дейсиз «соғиндим, уйғот,  
Обчиқ Мирзо Фолибни».

### МАЙСА

Орамизда бу майса ўтгай,  
Уйқусираб турар сиёғи.  
Ўзин олиб қочмайди нега,  
Не ишончдан порлар қиёғи.

У ўйлайди тозароқмиз биз,  
У кўрмайди бизда пастликни.  
Майли, тонгда ўйлаб кўрамиз  
Ўйғотиш ё уйғотмасликни...

## ИККИЛАНИШ

(«Шохимдаги қуш» туркумидан)

Олдин ҳеч нарсада иккиланмасдим,  
Ҳаёт томчи-томчи руҳимга сингди.  
Энди билмам узунми, қисқа дастим,  
Энди гумон менинг доимий синглим.

Дарахт бўлатуриб иккиланаман,  
Шошилиб шохимга қўяётган ин.  
Бу қуш умр бўйи яшармикан шан,  
Кўзлаган ерига етадимикин?!

Гулларга оғринмай елка тутар қир,  
Ўзим-ку ҳеч гапмас, йиқилсам, йитсам.  
Шу қущ бўлмасмикин мендан домангир  
Мабодо,  
Мабодо кесилиб кетсам...

## ЁЛФИЗЛИК

Бу сўз уфуради бир совуқ ҳаво  
Ўзи битта, уни ёдлар тўти йўқ.  
Ёраб, дафтаримнинг ўшал бенаво  
Кирмаган бир шеъри, бирор бети йўқ.

## БАДБАХТ ИШОНЧ...

Бу тош,  
Менга ортиқ ишонар бу тош,  
Ёмғир менга ёғар,  
Унга тегмайди.

У деб бор балога мен берурман дош,  
Мен тирик эканман,  
У бош эгмайди.  
Түғилмагандайди,  
Шу бадбахт ишонч.  
Жойлашиб олмаса бунча ичкари,  
У тошлай қолмасдан,  
Бўлармиди ганж,  
Ёки учармиди қанот чиқариб.  
**Йўқ,**  
Устини қоплаб етти қават чанг,  
Учмоқни унугтан,  
Босилган бу тош.  
Ўзим турсам ҳамки оёқда аранг,  
Менга осилгани осилган бу тош.

## УЧИРМА

(«Шохимдаги қуш» туркумидан)

Шохингдаги қушни қайтиб учирма,  
Унутсин, эслатиб, айтиб учирма,  
Жойлашиб ўтирса ўтираверсин,  
Бошқа қушлар учган пайти, учирма.

Умрини ўтказсанг ўтказиб юбор,  
Боғлаб, рангини сарғайтиб, учирма.  
Воҳ, тоғдай юракни бой бериб қўйдим,  
Шоҳдаги қушчалик пайтим, учирма.

## СОВУҚ ШАМОЛ...

(«Шохимдаги қуш» туркумидан)

...га.

Совуқ шамол, билмам, не дарди,  
Шом аралаш йўл солди боқقا,  
Шохимдаги қушча ўзгарди,  
Қатнаб қолди тез-тез у ёқقا.

Бу қатновлар ўзгартди тусин,  
Қарашлари қишига айланди.  
Қатнаб-қатнаб қүшчам, мунисим  
Бир қасамхүр қүшшига айланди...

Совуқ шамол,  
Билмам не дарди...

## ЯРИМ КЕЧА...

*Усмон Носирға.*

Ярим кеча,  
Йүқолган тинчим  
Күкрагимга қорлар қулайди.  
Қайтиб келар ўттиз еттинчи...  
Ниҳоллар, чинорлар қулайди.  
Рўмолчада нон, қанд ўроғлиқ,  
Илинарлар «Шўрлик Усмон ер»,  
Тик турганча устунга боғлиқ,  
Кўкка дўқлаб, Усмон ўқир шеър.  
Ўқийверар... осмонлар пастлар,  
Лаҳза қаҳ-қаҳ, лаҳзада йиги.  
— Бу касални кўп ушламаслар  
Тугади, — дер лагер бошлиғи.  
Қўли боғлиқ бу йўловчини,  
Ёшин шамол сидирдимикин?  
Ердан топмай бир қўлловчини,  
Кўқдан худо қидирдимикин?!  
Она элим, кўкси тўла доғ,  
Тушдинг қора рўйхатга, токай,  
Сор ўғиллар туғарсан, бироқ,  
Олдиарсан калхатга токай.  
Ҳамон қут йўқ, ўт йўқдай юртда,  
Рангинг сариқ, мангу силдайсан.  
Сен туғмоқни қилурсан уdda,  
Асрамоқни ҳамон билмайсан!!!  
Ярим кеча,  
Йўқолган тинчим.

## ИЗЛАЙМАН

Ишонаркан ортдаги-ю ёндошга,  
Ишонаркан бегона-ю қондошга,  
Бошим билан уриларкан, воҳ, тошга,  
Орангиздан Навоийни излайман.

Яшнаб-яшнамасдан, сўлиб-сўлмасдан,  
Кетиб борарканман, ўлиб-ўлмасдан,  
Мен ўзимнинг кимлигимни билмасдан,  
Орангиздан Навоийни излайман.

Дунёнинг сир-синоати минг турлик,  
Бирда хўрлик ўлдиради, бир қўрлик,  
Навоийни туғмай, нечун, мен ўрлик,  
Орангиздан Навоийни излайман.

Ўтарканман доги билан доғланиб,  
Хокистарин таниб қолдим, оҳ, таниб,  
Девонига суяркан покланиб,  
Орангиздан Навоийни излайман.

Айтинг, кўп қолдими ё оз ул кунга,  
Қачон етгум ул ўғилга, пок Унга,  
Юзим билан йиқиларман олдинга  
Орангиздан Навоийни излайман.

Юрсам, юргум шу ният ҳар дам ёқиб,  
Кетсам ҳам умрим — шу ёруғ ғам ёқиб,  
Қабримда ҳам тунлар туриб, шам ёқиб,  
Орангиздан Навоийни излайман.



## **БАЗМИМИЗ ОХИРЛАШДИ**

Базмимиз охирлашди,  
Күйимиз оғирлашди.  
Юклар остида не тонг,  
Рұхларимиз бирлашди.

Жангта солиб қўшинни,  
Яшаб ўтдик шишиниб.  
Ҳеч йўқса ўлим олди,  
Бир-бировни тушуниб.

Балки берармиз сазо,  
Бирга ўйга толармиз.  
Балки келгунча қазо,  
Бир йиғлашиб олармиз.

## **ҚАЙТА КЕЛГАН НАВРЎЗ**

Наинки инсон қатағон,  
Чордарвеш, девон қатағон.  
Ақл қатағон, онг қатағон,  
Сен ҳам кетиб, қайта келдинг.

Сумалакли қозонларинг,  
Ағдарилди аzonлари,  
Чиқиб чангинг, тўзонларинг,  
Фикримни улғайта келдинг.

Тўзиб, қайғу чеккан бир жон,  
Ғурбатларга чўккан бир жон,  
Бошини кўп эккан бир жон,  
Бош кўтарған пайтда келдинг.

Кўкармоқда ҳар тўрт тараф,  
Унмоқ шараф, ўсмоқ шараф,  
Тош кўнгилга эл тик қараб,  
Тош кўтарған пайтда келдинг.

Энди шундай қасос-ул-нард,  
Энди тинган, синган номард.  
Элдан кетиб фасоду дард,  
Ош күттарган пайтда келдинг.

### МЕН КЕТСАМ...

Эрта-индин мен кетсам,  
Ёд қолади ортимда.

Шеърлар либосин кийиб,  
Дод қолади ортимда.

«Бир күйган күнгил» деган  
От қолади ортимда.

Амримга күнгил, деган,  
Хилқат қолади ортимда.

Бобомни тушунмасдан,  
Дунёдан гирён ўтдим.

Армон, болам тушунмас —  
Хат қолади ортимда.

### ҲИМОЯ

Ҳимоясиз ўсади-ку майса, ўтлар,  
Чаппар уриб куртак ёзар толлар, тутлар,  
Бизни ўстирмаслик йўлини кимдир чўтлар,  
Нечун одам муҳтож яшар ҳимояяга?

Бирин бери, бирин нари, бўш кўрмас-ку,  
Курт-қумурсқа бир-бирига ниш урмас-ку,  
Бир-бирини тепкиламас, қуш, урмас-ку,  
Нечун одам муҳтож яшар ҳимояяга?

Дардим узун эди, тағин уладилар,  
Үзи яра кўкрагимни тиладилар.  
Боғ — умримни кесиб саҳро қиласдилар,  
Етолмасдан ўлсам керак бир сояга.

Камга қўшиб бергувчи йўқ, мўл қирқилар,  
Чўллаб, ютдим, — деганимда кўл қирқилар,  
Етдим, етдим деганимда кўл қирқилар,  
Етолмасдан ўлсам керак мен вояга.

Табиат ҳур. Одам жоҳил, хор яшайди,  
Қилмишидан бошларида қор яшайди.  
Қачонгача одам ўксук, зор яшайди,  
Нечун одам муҳтоҷ яшар ҳимояга?!

Алёр айтсам, алёрларим додга ўхшар,  
Голиблигим мағлубликка, мотга ўхшар,  
Ахир гўдак — ўсаётган ўтга ўхшар,  
Нечун одам муҳтоҷ яшар ҳимояга?!

## ШОИР НОМИ

*Абдулла Ориповга.*

Бу дунё шу — бирор номус, имоним деб йигларкан,  
Бирор ёшлар тўкиб мансаб, унвоним деб йигларкан,  
Бирор ҳалқим, ў, ранглари сомоним деб йигларкан,  
Мен сарғайма гўдакларни «половим», — деб йигларкан,  
Фамларини яшиrolмай тўккан ёшлар, оғажон.

Эсимда бор, Сенинг ошкор ҳужумларга ўтганинг,  
Очиқ майдон «Маломатнинг тошларини» отганинг,  
Ҳар бурчак, ҳар туйнукдан тош қайтаверди изма-из,  
Бўғизгача фисқу фасод тошларига ботганинг,  
Ҳали-ҳануз оғритар-а, теккан тошлар, оғажон.

Ўша пайтлар билмаганлар балки энди билгандир,  
Нодираи Даврон dormas, кўкрагингда ўлгандир.  
Бу сирлардан балки Машраб Сени огоҳ қилгандир,

Ки, чин шоир хоҳ тахтда, хоҳ горда яшар, оғажон,  
Боши дорга тикилгандир, дорда яшар, оғажон.

Қодирийнинг қонларини обдон ичиб тўйдилар,  
Ҳануз билмам мен Усмонни отдиларми, сўйдилар.  
Насимиийнинг терисини шилиб, кўзин ўйдилар,  
Энди билдим, нечун сенинг кўзинг кулмас, оғажон,  
Кўзларингда «Халқим» деган сезим кулмас, оғажон.

Ўйлагандим, довул ўтди, довул тамом ўтмапти,  
Ота турк ўғлонларига бу шўришлар етмапти.  
Ҳануз «оломон» бу халқда, халқ сезими битмабди.  
Ўзган. Сойда оқиб кетган гўдак Бобур, Моҳимиз,  
Энди ўлгунимча сўрар: «Не эди гуноҳимиз?»

Шундай. Турли ларзалардан тирилмоқда томирлар,  
Мозийга-ю, руҳ ичига кирмоқда бир пок нурлар.  
Ота Турон даштларида бош кўтарар фуурлар,  
Битта синмас фуур Сенсан. Тилло оғам сен менинг,  
Қодирийнинг ўрнин босган Абдулло оғам сен менинг.

Энди шундай. Курашларга белни маҳкам боғлармиз,  
Дил топамиз. Айру-айру элни маҳкам боғлармиз,  
Тўғон бўлиб элга келар селни маҳкам боғлармиз,  
Тиклагаймиз халқни!

Кураш — ором бўлсин, оғажон,  
Тиклолмасак шоир номи ҳаром бўлсин, оғажон!

## БУ ОДАМ

Бу шундайин одам, гапни гуллатар,  
Мозийни ёқлади. Ўткир, лочин кўз.  
Аммо... ёнидаги дўстни қулатар,  
Юз тубан қулайди ёнидаги дўст.  
Чўлпонни, Усмонни «сиз»лаб, тинмайди,  
Мозийга меҳридан гуллайди бодом.

### Аммо

Ёнидаги одам... ўсиб-унмайди,  
Инфарктдан ўлади ёнидаги одам.

## ТУШУНМАСМАН

Тушунмасман. Майли, түнни тонгдай қилиб тушунай,  
Тенг эмасни тенг күрайин, тенгдай қилиб тушунай.  
Тизимдан ҳам келмас пастьлар чиқаверса елкамга,  
Күнглим уқиб келмаганни қандай қилиб тушунай?!

Бу болалар қайда ўсди, бундай ўтсиз, боши хам,  
Үн бешида бош бўлмади, йигирмада оши хом.  
Тик тикилиб келаверсанг синар тоғнинг тоши ҳам,  
Тик кўз тикиб келмаганни қандай қилиб тушунай?!

Сабаб йўқдай бу таъзимкор болаларни сўкмоққа,  
Оналари яралгандай ҳасратларин чекмоққа.  
Улар қаттиқ ўргангандар ўз қадрларин букмоққа,  
Ёвни букиб келмаганни қандай қилиб тушунай?!

Ёвлар зимдан кўкраклара бемалол тиф сайсалар,  
Минг йилларки ниш урмайди қасос янглиғ майсалар.  
Минг йилларки қўрқув дори бошимизда чайқалар,  
Дорни йиқиб келмаганни қандай қилиб тушунай?!

Халқ гоҳ тўда-тўда экан, гоҳо ҳалқа-ю-ҳалқа,  
Мардлари ҳам ҳаминқадар, ўзимизга басалқа<sup>1</sup>.  
Халқ деганда жондан кечиб, бутун бошли бир халқа  
Бошин тикиб келмаганни қандай қилиб тушунай?!

Ерда тузлар кўчаверса заҳару оғу ташиб,  
Самолётлар учаверса тулки ташиб, қув ташиб,  
Ўғли мамнун яшайверса ёв молига сув ташиб,  
Гўрдан чиқиб келмаганни қандай қилиб тушунай?!



<sup>1</sup> Басалқа — тенгқур, ўзимиз қатори маъносида.

## ТАЬНАЛИ ШЕТЬР ЁЗГАНИМДАН КЕЙИНГИ ИЗТИРОЛАРИМ

Сени ўтсиз дейман-у, ўзим ёна бошлайман,  
Кутсиз дейман-у, ўзим ғамга қона бошлайман.  
Толесиз эканимга, оҳ, инона бошлайман,  
Мунг тўла кўз ўғлоним, нимангга таъна қилай?!

Ининг келиб сен қўйган фиштингни қирқаётир,  
Фитна-фасодлар хели-хиштингни қирқаётир.  
Улкан заводлар сели-пуштингни қирқаётир,  
Хотини қиз — ўғлоним, нимангга таъна қилай?!

Бобонг фақат Темурмас, пахтакор ҳам бўлгандир,  
Унга ҳам омад келиб, режалари тўлгандир.  
Ўзи жигарни ушлаб пахтазорда ўлгандир,  
Сарғимтил тус ўғлоним, нимангга таъна қилай?!

Улуғ янги завод деб имзо чекади тағин,  
Ўзбек ерига тўймас кўзин тикади тағин.  
Сил, сув очган қичима... оқ қон чиқади тағин,  
Жони тўс-тўс ўғлоним, нимангга таъна қилай?!

Ютқазгани-ку аниқ, аммо ютганин билмас,  
Меҳмон — атойи худо. Кимни қутғанин билмас,  
Тилло-зарини кимга, қайга йитганин билмас,  
Кийгани бўз ўғлоним, нимангга таъна қилай?!

Сингилларинг далада ёзлашару қишлишар,  
Улар фақат ўлганда бу ер билан хўшлашар.  
Хўшлашганлар... гоҳ жиннихоналарда тишлишар,  
Чўккан-ча тиз, ўғлоним, нимангга таъна қилай?!

Менинг титраган кўлим хатолар ёқасида,  
Илдизингдан емирган катталар ёқасида.  
Безабон ўтаверган оталар ёқасида,  
Сен ҳам бесўз, ўғлоним, нимангга таъна қилай?!

Сариосиёда-ю Навоийда заңар, ис,  
Биз ҳам бўғзача тўлдик. Йўқ, ортиқ тўлолмасмиз.  
Бу қора ёзуғларни бузмасдан ўлолмасмиз,  
Ўс, тезроқ ўс, ўғлоним, нимангта таъна қилай?

### ЭЛДОШЛАРИМ ИЧРА ЮРИБ...

Элдошларим ичра юриб  
Қайгуларим қуюқлашди.  
Ҳар хил майда имконлар бор,  
Биз истаган имконлар йўқ.

Ўзимизча неларни дир  
Бугун инкор этмоқдамиз,  
Эрта бу инкорлар инкор,  
Қайта синмас инкорлар йўқ.

Савлат тўккан бу шунқорлар,  
Ўрлаб борса тоғда хоқон.  
Чўққига бир чиқмоқ учун,  
Ўлмакка шай шунқорлар йўқ.

Сағирмас фақат сағирлар,  
Елкалар ҳамон яғирлар,  
Нечук қолдик ер бағрлаб,  
Кўкраклари осмонлар йўқ.

Минг-минг етим гўдак деманг,  
Минг-минг боши эгик одам,  
Шу фамлардан кўзим ёши  
Селим, деган инсонлар йўқ.

Эрим деган, ё хотиним,  
Майда-чуйда исёnlар кўп.  
Оҳ, минг оҳқим, ерим деган,  
Элим деган исёnlар йўқ.

Элдошларим ичра юриб  
Қайгуларим қуюқлашди...

\* \* \*

Нимадир бу, кетаётган нимадир,  
Қолаётган саробдир, жимжимадир.

Кетгунича ҳеч ким ғамин емади,  
Кетаёттан — тил ўтирган кемадир.

Бу тупроқлар күз ёшимни шимади,  
Кетаёттан — тил ўтирган кемадир.

Энди сувлар фарёдимни күмади,  
Кетаёттан — тил ўтирган кемадир.

Тушунмас, — дедими, бир сўз демади,  
Кетаёттан — тил ўтирган кемадир.

Қанча ялинмайин қайтиб кемади,  
Кетаёттан — тил ўтирган кемадир.

Бир кун кўзимни шу армон юмади,  
Кетаёттан — тил ўтирган кемадир.

## ҲЕЧ НА ЁНМАС БУ ОЛАМДА

Ҳеч на ёнмас бу оламда,  
Ёнса доғли дилим ёнгай.  
Туз қоплаган, шўр даламда,  
Унмаган ҳосилим ёнгай.

Фамларим — ёш, қаритмайди,  
Маним дардим аритмайди.  
Маҳкамалар киритмайди,  
Эшигига тилим ёнгай.

Отасиз — «бир кўзли етим».  
Онасин ҳам билмайман ким,  
Икки кўzsиз етимларни,  
Кўтаролмай қўлим ёнгай.

Ипак, олтин, ҳеч беармон,  
Кетган, кетар карвон-карвон.  
Бир карвонни тұхтатолмай,  
Узун ипак йўлим ёнгай.

Онги занглаб, онги қуриб,  
Жаҳолатға ёвуқ юриб,  
Бир күйлак, деб гул келинчак,  
Ўзин ёқар... ўлим ёнгай!

Эй, аҳли юрт!  
Тингланг, етса!  
Бу ёнишлар давом этса,  
Бир кун улкан ёнғин содир  
Оҳ, қўрқаман, элим ёнгай!

Ҳеч на ёнмас бу оламда...

### „ЙИГЛАМАЙМИЗ“

Йигламаймиз чор атрофда,  
Қуриб боғлар, йиглагай,  
Пешонасин тупроқлара,  
Уриб боғлар йиглагай.

Одам кетар бир-биридан,  
Одам суймас бир-бирин,  
Бир-бирининг пинжларига,  
Кириб боғлар йиглагай.

Сўзим синар сўзга тегиб,  
Кўнглим синар музга тегиб,  
Оппоқ тўши тузга тегиб,  
Оқ чарлоқлар йиглагай.

Кўкси ерлар биз бўлдигу,  
Ўксиб ерлар биз бўлдик.

Ер остида Широқ, Темур,  
Күкси тоғлар йиғлагай.

Бизни күриб эгик бош-у,  
Шонсиз, тағин забонсиз.  
Ерда ўтган бор илдиз-у,  
Бор бутоқлар йиғлагай.

«Бой ҳам бўлдинг бийдай-бийдай,  
Фақат... юрт эгасиз уйдай».  
Деб тупроқда Яссавийдай,  
Кўнгироқлар йиғлагай.

Йиғламаймиз!!! Ёш, қон ичра,  
Кўзларга ним келмасдан.  
Ҳайҳот, наҳот биз ўлганмиз,  
Ҳали ўлим келмасдан.

## БУЛ КУН КИМДИР ЎЙНАСА...

Бул кун кимдир ўйнаса,  
Доф устида ўйнайди.  
Доф-дараҳти зардоб ранг,  
Боф устида ўйнайди.

Бу тупроққа ишонч-ла,  
Оёқ босиб бўлмагай,  
Қумлари тирқираган,  
Қумлоқ устида ўйнайди.

Бул кун туҳмат — тоғдай тик,  
Бул кун иғво — кўп улуғ,  
«Бул қаро-ку, қаро» деб,  
Оқ устида ўйнайди.

Ҳар қадамда фор, қопқон,  
Курбон топқони топқон,

Юз тубан тушган, мункиб,  
Ҳамроҳ устида ўйнайди.

Муқом-ла янги-янги,  
Тепинганда ер чангид,  
Ўзи тушар, эрганги,  
Чоҳ устида ўйнайди...

Қандоқ сўлмай қиёғи,  
Куйиб кетмай сёғи,  
Нақ юракнинг устида,  
Оҳ устида ўйнайди...



# “ҰШ-ҰЗРАН ФАРЁДЫ”

дағтаридан

(1990)

---



*Үтгап үтди. Бўлмас ортга қайтариб.*

*Фақат юрак зирқ-зирқ санчган пайтлари,*

*Бу яшинвор чинқириқли Туронда*

*Ота Туркдан тарқалган айтарим:*

*“Унутганинг куйсин икки дунёси!”*



---

## УНУТГАННИНГ КУЙСИН ИККИ ДУНЁСИ

Андижон шаҳар клиникасида ётган 16 яшар Акбарали бундай дейди.: «Оиласиз, «Куршоб» совхозига қарашли далаларда пиёз экканди. Тўрт хўжаликда ўн саккиз киши эдик. Ўша 5 июнь куни биз тўқайга беркиндик. Ярим кечада яширинган жойимиздан чиқиб йўлга тушдик. Сой бўйига чиққанимизда бизни босқинчилар ушлаб олишиди. Онамнинг қўлида икки ярим яшар укам бор эди. Ўша укамни онамнинг бағридан узишиб сойга отиб юборишиди. Онамни ҳам сувга оқизишди. Уларнинг орқасидан отам, акам, ўзларини сувга отишди. Оёқларцимга ўқ тегиб йиқишлим... Онам билан синглимнинг ҳалигача дараги йўқ...»

Газетадан.

Бало тофу қир ошганни унутинг,  
Бало бизга ёндошганин унутинг,  
Қорачиқлар ўйиб олингани-ю,  
Қароқлардан қон тошганин унутинг,  
Унуганнинг куйсин икки дунёси!

Тозаланиб, қизғиш гиласи ёзилиб,  
Қонли излар кетаверсин босилиб.  
Лабларининг четларидан қон сизган,  
Болачалар тураверсин осилиб...  
Унуганнинг куйсин икки дунёси!

Оёғи узилган мурда, от судрар,  
Бир кўл ҳам йўқ, бурда-бурда, от судрар,  
Фитна отган паҳлавонни ё раббий —  
Боболар от сурган ерда, от судрар...  
Унуганнинг куйсин икки дунёси!

Онанг оқиб балиқ бўлди, Акбаржон,  
Уканг оқиб балиқ бўлди, Акбаржон,  
Энди қайдан бўлсин улар дараги,  
Бу терс ҳукми холиқ бўлди, Акбаржон,  
Унуганнинг куйсин икки дунёси!

Кетай десанг улар руҳин шод айлаб,  
Сойга борма, бора кўрма ёд айлаб,  
Жон болам-ов, жонбиз бўлай жонингга,  
Чиқаверса қўш балигинг дод айлаб!!!  
Унутганинг кўйсин икки дунёси!

Турон жим-жит, сойи, тоғи чинқирар,  
Ўш, Ўзганнинг беҳишт боғи чинқирар,  
Онасининг курсоғига санчилган,  
Тигдан ўлган чақалоги чинқирар,  
Унутганинг кўйсин икки дунёси!

Ўтган ўтди. Бўлмас ортга қайтариб,  
Фақат юрак зирқ-зирқ санчган пайтлари,  
Бу яшинвор чинқириқли Туронда,  
Ота Турқдан тарқалганга айтарим:  
«Унутганинг кўйсин икки дунёси!»

č

## ТУРКИСТОН ОНАСИ

Қисматим шу. Текинхўр болаларга онаман,  
Ётиб ерлар, ишлари чалаларга онаман.  
Қадим Турон боғларин боғ сиёғи қолмаган,  
Заҳаролуд ҳаволи далаларга онаман.

Ўта хоксорлиги ҳам ҳукмронлик сўрайди,  
Ўта озғинлиги ҳам гумонларга ўрайди.  
Ҳар фалокатдан аввал шунинг томи нурайди,  
Тенг болалар ичинда «ола»ларга онаман.

Ҳарчандки куйиб ишлаб, етган жойи куйинди,  
Офтоблари куйдиргич, қўқда ойи куйинди.  
Жонигача қардошга тутган мўминтойларим,  
«Ўзбек иши»дайн тож, туҳмат тожин кийинди.

Болаларим, ў, бало йўллаб ўлдирилганлар,  
Оғзидағи ошгача тўлаб ўлдирилганлар.

Оёқ-күлида кишан, қамоқ итларга талош,  
Ялаб ўлдирилганлар, талаб ўлдирилганлар!

Минглар кетиб, қайтмоқда ортга юзлар, ўттизлар,  
Қайтганларда кетган шон, ранги ўнгид күринар!  
Қайтганни ҳам гоҳо ўз манқуртларим ўтқизар,  
Тик туриб улгурмасдан умр сўнгги күринар!

Етар! Етим-есирдан нидо чиқа бошларкан,  
Бор-буди таланган эл гадо чиқа бошларкан,  
«Зўрлаб, жонимизгача тортиб олар каззоблар,  
Бу қандайин зулм», деб садо чиқа бошларкан.

Энди эзилган элга осқынлар келаётир,  
Пайт пойлаб, бало-қазо босқынлар келаётир.  
Бу босқынлар оралаб, имон келтирдим, ҳар чол,  
Ҳар гўдакда бир Турон, тошқынлар келаётир.

Менинг-ку қисматим ҳал, минг бор тўлган  
  бир жомман,  
Гўдагим эмизаркан бир тун, сўнг бор  
  тўлгайман,  
Жонига жойлагайман тумор васиятимни,  
«Хоқоним, Турон Сизнинг, олгайсиз», деб  
  ўлгайман.

### ҲАР КУН ХАБАР...

Ҳар кун хабар,  
бир совуқ.  
Дилим, порам,  
йиглайди.  
Ўқ устига тегар ўқ,  
Янги ярам йиглайди.  
Тўп-тўп қушларим  
Қурбон,  
Кучим кўзимга етар.

Кўлим калта.  
Кўлда йўқ  
Шахду чорам йиғлайди.  
Мисли ярадор  
шерман,  
Юзлаб ўқдан ўлмаган.  
Чиқмоғимга йўл  
Бермай,  
Қафас-қўрам  
йиғлайди.  
Азобларимдан не наф,  
Сақлолмадим бир  
кушни,  
Ўлолмаган иймоним  
Ўрам-ўрам  
йиғлайди...

## ЎТАМАН

Гарчанд битта юракка Оллоҳ бўлиб ўтаман,  
Ваҳқи, ғам саҳросидан бир оҳ бўлиб ўтаман.  
Ёраб, ўйлабмидим мен, дунёи дун оралаб,  
Шунча кўзёш, қонларга гувоҳ бўлиб ўтаман.

Ўзбек, қирғиз, қироним бирлашмаса тил топиб,  
Туркуларим қайта ўтқирлашмаса тил топиб,  
Бугун тўс-тўс Туроним бирлашмаса тил топиб,  
Гумроҳ тортган қавм ичра гумроҳ бўлиб ўтаман.

## ТАРАФКАШЛИК

Ёруғ кунга қолганда бир он,  
Ҳақнинг юзи тупроққа ботди.  
Чунки иғво келди ноаён,  
Чунки фитна бурчакдан отди.

Сергак тортиб тўхтайман таққа,  
Мен — кўкрагин ғам тилганники.

Мен — фарзандман тупроқ юз ҳаққа,  
Мен — бурчакдан отилганники.

\* \* \*

Мен баҳтлиман десам бугун бу ёлғондир, ясамадир,  
Тўмарисдан туёқман-у, тирноғига ўхшамадим.  
Турон юртда турк болалар бир-бирининг қонин ичди,  
Мен одамдай яшайвердим, бўри бўлиб қақшамадим.

Турон юртда турк болалар бир-бирига тиш санҷдилар,  
Бир-бирининг курагига, юрагига ниш санҷдилар.  
Улар жон тақсим қиласкан, замонга қарғиши санҷдилар,  
Нечук султон болаларга чўри бўлиб яшамадим.

Энди нолам тинмас сўзлаб, узун нолам найга борар  
Энди нолам тез-тез бўзлаб, Олойга, тўқайга борар  
Энди осмон бўлганимда осмонлигим қайга борар  
Нечук султон болаларнинг ери бўлиб яшамадим.

#### АФСУС

Замон дардин чекмоқ бўлдим, чеколмадим,  
Сўқилганни тикмоқ бўлдим, тиколмадим.  
Минг юракни ишғол қиласкан бўлиб юриб,  
Бировига бирорта сўз эколмадим.

Экканимда бу хил ниҳол унмас эди,  
Ўч қиличи ичларида синмас эди.  
Экканимда боболарнинг боши эгик,  
Болалар йўл тополмай ўксинмас эди.

Эколмадим. Эколмадик. Шундан диллар,  
Сўнмоқдадир. Сабабнинг минг тури чиқиб,  
Шундан бекут ерларимиз унмай гуллар  
Кўпчиб ётар манглайига шўри чиқиб.

## **БИЗ ЎТАРМИЗ. ЭСЛАР УЛ, ҚИЗ...**

Бу йўллар кўп чағир тошли,  
Оёгим қон, кўзим ёшли.  
Маним чеккан озоримдан,  
Чекиб озор, йўлим йиглар.

Узатгани тошмас, аммо,  
Берари ҳам фошмас, аммо,  
Бир-бирига ишонолмай,  
Ўнг қўлим, чап қўлим йиглар.

О, она Шарқ, она Шарқ — сен,  
Бугун фитна, қонга гарқсен.  
Меросхўрларим манқурт деб,  
Мозийдаги билим йиглар.

Сардорларим бор деб эдим,  
Сардорсиз юрт ҳор деб эдим,  
Сардорлар-да бугун йўлсиз...  
Оқилим, жоҳилим йиглар.

Кўзёш — гарчанд қон иси,  
Қасос иси, исён иси,  
Ҳар дил — бир ярадор арслон,  
Кўкси тилим-тилим йиглар.

Биз ўтармиз. Эслар ул, қиз,  
Бул асрдан қолгай шул из.  
Шўрлик ўзбек, шўрлик қирғиз,  
Қок ўртада ўлим йиглар.

## **БИЗЛАР ОЖИЗ...**

Биз қайдо-ю, ҳақиқат — ҳаққа,  
Багир очған осмон қаерда.  
Шарпа сезсан тўхтаймиз таққа,  
Юрагида арслон қаерда?

Ҳали узо-ок, бизлар чўкиб тиз,  
Яшагаймиз, хоқон қаерда.  
Тўниб, музлаб қолган қонимиз,  
Алмаштироққа қон қаерда?  
Йў-ўқ!

Гарчанд кетмади шўримиз,  
Очимиз оч, тўқимиз тўйган.  
Бизлар ожиз она бўримиз,  
Болаларин одамлар сўйган...

Бугун дунёи дун тескари,  
Бўриларни одамлар тишлар,  
Сенга одам бўлиб ўсгани,  
Йўл қўймайди бугунги ишлар.

Кўз ёшимиз кетгандир қуриб,  
Қон ювмоққа кўз ёш етмайди.  
... Боласининг қасосин бўри,  
Ўз гўрига олиб кетмайди...

## ШУБҲА

«Туркистонда аксик ўлмас қаҳрамон  
Ҳар қарич еринда ётар бир арслон».

*Қадим турк мақоли.*

Шубҳа фарзандига айланиб қолдим,  
Бору йўқлигим ҳам баъзан гумондай.  
Кўрган-кечирганим дарёга солдим,  
Ўлсам айрилмасдан ўлай иймондан.  
Ҳа,  
Балки арслонлар ётса ётгандир,  
Қоронгуни кутиб букир арслонлар...  
Кўни-кўшнисига чанг солмоққа шай,  
Кўзларин ёғ босган сўқир арслонлар.

Турон тупроғига ҳидлашиб, ўпиб,  
Ҳақиқий арслонлар тўшни боссалар.

Одам боласини қиймалаб, чопиб,  
Фажиб ўйнамасди қашқирбаччалар.

## ШУДГОРЛАНИБ ТЕКИСЛАНГАН ЭЛ

Үтказмадик умрни ётиб  
Ё ўтириб, ўйларга ботиб.  
Юрдик, ботиқ изларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Хаммада-ку ҳар хил күз, аён  
Бир хил қылмоқ шарт бўлди, баён.  
Хиёл ўткир кўзларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Минг дард чеккан ўзимиз силлиқ  
Минг тош теккан сўзимиз силлиқ.  
Қирқ қиррали сўзларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Бир хил бўлди бўй-у энимиз,  
Бир хил иймон, бир хил динимиз.  
Хиёл тикроқ бошларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Ортга боқиб сесканасан-ов,  
Қани дов бош, қани иймон — дов.  
Яйдоқ дала.. боқмас ҳатто ёв,  
Шудгор қилиб текисладилар.

Мен мозийга қўрқиб қарайман,  
Тошлар туриб кетадими деб,  
Бошлар юриб кетадими деб,  
Текисланиб кесилган бошлар.

Бари ўтди, ўтди қирғин, дор,  
Букун кўзим ёшин қиласел.  
Фикри ўзғир бир фарзандга зор  
Шудгор қилиб текисланган эл.

## ТИШИМДАН ҚОН СИЗИБ...

Кузак ёмғирларин ивиб асадим,  
Сориғ япроқларин севиб асадим,  
Фамларим яп-янги, ювиб асадим,  
Мени асрагувчи дил топиларми?

Борар жойим аниқ, оддинда йүл йүқ,  
Күрга ҳам бор, менга, ойдинда йүл йүқ,  
Менга оларда-ю, қайтимда йүл йүқ,  
Оёғимга ортиқ фул топиларми?

Афсус, зору-нолон умрим ўтадир,  
Бу юрт юз ийлларки... олов, ўтладир,  
Ёққувчи күл битта, гутурт биттадир,  
Үтни ўчирмоққа кул топиларми?

Фитна тиф санчди тик, күкси тоғларга,  
Ит тегди сут ҳидли қизалоқларга.  
Гүдаклар илинди тузок, чоҳларга,  
Кўз ёшимиздан шўр кўл топиларми?

Ерга кирмоқ бор-у, парвоз этим йүқ,  
Оналар ўлмоқда. Аммо етим йүқ,  
Ҳайрон ўтим бор-у, исён ўтим йүқ,  
Мендан бечорароқ кул топиларми?

Турон ухлар, ўғил-қиздан сўрайман,  
Бобо Темур босган издан сўрайман,  
Тишимдан қон сизиб Сиздан сўрайман:  
— Туронни турғазар ул топиларми?

## ХАВФДАМАН...

Олашақшак, шақиллама, оларингни олдингми?  
Ёки сенам биз сиёқли фафлат босиб қолдингми?  
Бу босқинни хабарини ҳеч йўқса сен бермадинг,  
Ё бу кўпган қиёматда ўзни четга олдингми?

Мен ҳаммага ишонардим, ҳеч кимга тош отмасдим,  
Бехосдан чавақлаш не кун, бехосдан уйғотмасдим,  
Бош устимда ёнгоқ чақиб шақиллардинг туну кун,  
Ҳатто Сенга ишонардим, ҳатто сенга ётмасдим.

Энди у ишонч қайдадир, ишонган күз ўйилди,  
Қари-қартанг, хотин-халаж түплаб қўйдай сўйилди.  
Рустам келбат ботирларнинг кули бўлди бир сиқим,  
Осилганлар товонидан қайтадан ўт қўйилди!!!

Энди кимга ишонайин, олашақшақ, сенгами?  
Енгтан шундай кассоблар-ча, номардлар-ча енгами?  
Энг камида Темур бўлар энди бу юрт эркаги,  
Энди Тўмарис бўлади хотинларин энг ками.

Зоҳиран дўст, ботин — ёфий, сузиг юрмаяпсанми,  
Хуфиёна минг хил шумлик тузиб юрмаяпсанми.  
Кимлигинг айт, унингиз ҳам ўт кетган бу дунёни,  
Бировларнинг кўли билан бузиг юрмаяпсанми?

Энди янги маломатлар тўқиб кетмасмикан деб,  
Тузим ичиб, тузлиғимни тўкиб кетмасмикан деб,  
Бугун кўкимдаги ҳар бир қуш, қузғундан хавфдаман,  
Гўдакларим кўзларини чўқиб кетмасмикан деб.

Олашақшақ, шақиллама, кимлигинги аён эт...

## САДО

Мен оҳ тортсам оҳимга,  
Кимлар садо қайтарар?  
Тарқалиб кетган тошлар,  
Кумлар садо қайтарар.

«Овоз беринг, бормисиз?!»  
Ваҳшат қичқириғимга,  
Бир томири қилт этмай,  
Жимлар садо қайтарар.

Үш, Үзганды ҳовлилар,  
Хар шарпадан сесканар,  
Эгасиз қолган оту,  
Кийимлар садо қайтарар.

Босқинчи тунда босди,  
Отди. Чавақлаб осди.  
Хұнграб йиғлаган шамол,  
Қуюнлар садо қайтарар.

«Сиз тирикми эдингиз,  
Ёвга нима дедингиз?»  
Қабрлар, қабрчалар,  
Үюмлар садо қайтарар...

## БУ ЪЛИМ ҚАНДАЙ ЪЛИМ

Бу ълим қандай ълим?  
Қорачуққа мил тортар,  
Танҳо-танҳо қурбонмас,  
Тұда-тұда әл тортар.  
Кимга бұлар ишониб,  
Инениб түкилгайсан.  
Сувда оқиб ё ёниб,  
Тұқайзорда ўлгайсан.  
Үлмай йиглаб ол, түйиб,  
Йўқловчинг қолар ё йўқ,  
Аканг күярми сўйиб,  
Уканг тортадими тиф,  
Бир тиллилар бир-бирин,  
Тилин қирқиб, тепарлар,  
Бир уйлилар уйининг,  
Үрнида култепалар.  
Бу уйлардан зорланиб,  
Осмонга ўт ўрлайди.  
Бурчакларда бўрилар,  
Қизчаларни зўрлайди...

Ал-қасос-ул минал ҳақ!  
Қазойи ҳақ олдинда.  
Қонлар сачраб сесканар,  
Үйғонар халқ олдинда.  
Унгача Бобо Темур,  
Құрқаман вақт ўтмаса.  
Бир-бириң қонин ичиб,  
Манқурт, караҳт ўтмаса,  
Ғажишган бир тиллини,  
Гиж-ғижлаб таҳт ўтмаса!  
Бу ўлим  
қандай ўлим —  
Қорачуққа мил тортар...

## ЯРИМ КҮНГЛИМ

Ярим күнглим ғамлар билан тұлғандай,  
Бир бутун йўқ, камлар билан тұлғандай,  
Элим ожиз шамлар билан тұлғандай,  
Фира-шира ним қоронғи даласи.

Бир сеҳрли дам туғилса элимда,  
Бир хотири жам туғилса элимда,  
Битта порлоқ шам туғилса элимда,  
Кунгай ерда ўсгаймиди боласи.

Туғилсайди... биз оқ рўмол ўрадик,  
Ўз пайтида ўзни таниб, сўрадик.  
Олойдан тушган қашқирларни кўрадик,  
Онгда қолиб тўкилмасдик чамаси.

Энди бир муз кириб ёзим, қишимга,  
Яшагайман тишин босиб тишимга,  
Энди ўлгунимча кирап тушимга  
Қашқирларнинг қизчаларга ҳамласи.

Ў, күнглим-а, у не истар, не излар?  
Бу кунлар туш бўлиб, битса бор излар,

Одам бўлиб қолса қотил — тўнғизлар,  
Қизалоқлар тирилиб, чой дамласа...

Ярим кўнглим  
· Фамлар билан тўлганда.

### ЮКИ ОФИР БУ ЎРТДА...

Мени кимдир таниса каломимдан танийди,  
Кўксимга қўйилгун қўл, саломимдан танийди.  
Юки оғир бу юртда она бўлмоқ кўп оғир,  
Ҳоргин-ҳоргин изларим, қадамимдан танийди.

Гўдакларим тупроқда изғир экан зах ўтиб,  
Қирқقا кирмай қаридим, жон-жонимдан ях ўтиб,  
Беқадр пиллам, тиллам, тупроқдан заққум ютиб,  
Мендек эрта қуриган бодомимдан танийди.

Эгилган бошларимга туҳмат тожин кияркан,  
Ўз манқуртларим гоҳо эл ризқини қияркан.  
Кўклам кўрмаган гулим кузни кўриб куяркан,  
Ич-ичимдан ўсган ўч, аламимдан танийди.

Мозийига эврилсам ҳар девондан шон томар,  
Бугунида Орол йўқ. Ўрнида нишон томар,  
Ўш, Ўзган ярасидан ҳали узо-оқ қон томар,  
Ҳўнгр-аб-ҳўнграб йиғлаган қаламимдан танийди.  
Юки оғир бу юртда она бўлмоқ кўп оғир...

### БОЛАЛАРИМ, ҚАДНИ КЎТАРИНГ!

Ўтган қора кунлардан ҳали-ҳануз карахтман,  
Ҳар япроғи юракдай титраб турган дараҳтман.  
Шу ҳолда ҳам олдинга ташлангучи тик шаҳдман,  
Болаларим, қадни кўтаринг!

Текинхўр аталдингиз, бу хўрлик мени еди,  
Муштумзўр аталдингиз, бу зўрлик мени еди.

Бу карлик мени еди, бу кўрлик мени еди,  
Бошимдан тұхматни кўтаринг!

Тушларимда Тўмарис юраклари узилиб,  
«Түёқларим тўзди», деб йиглайверар эзилиб,  
Сўнг тонггача уйқу йўқ. Чап кўкракни тиф тилиб,  
Кўксимдан бу додни кўтаринг!

Бобо Темур уйкуда. Темурларим, Сиз туриб,  
Кўзғолган етмиш икки томирларим, Сиз туриб,  
Ишонган хоқонларим, амирларим Сиз туриб,  
Хокисор миллатни кўтаринг!

Қалбга экинг. Қадим турк чинорлари тиклансин,  
Қон-қардошнинг чин дўст-у, чин ёрлари тиклансин.  
Ҳар юракда бир Турон минорлари тиклансин,  
Улуғ мамлакатни кўтаринг!

### БУ ШОВҚИНЗОР ОРАЛАБ...

Кўнглимда чопаётган,  
Соатларнинг шовқини,  
Кўнглимда тош-тош қотган,  
Тоқатларнинг шовқини.

Сувга айтиб тушларни,  
Ўзни сокин ушларман.  
Кўнглимда бир қушларнинг,  
Бир отларнинг шовқини.

Кеч келди эл азони,  
Аёл — элнинг арzonи,  
Ўзи хазон-у, жони,  
Пўлотларнинг шовқини.

Фам дарёсига ботган,  
Заҳар тотгани тоттан,

Ҳар куни синаётган,  
Қанотларнинг шовқини.

Ҳеч ким сезмай қолади,  
Бир кун аршга етганим.  
Бу шовқинзор оралаб,  
Додлаб ўтиб кетганим.

### **БЎЗЛАЁТГАН ЖОНИМ ҚУШИ...**

Сел, ел тинар, маним нолам тинармукин,  
Ва ё нолам фақат ўзни тирнармукин.  
Шўр сувлардан шўрроқ кўзим ёшларидан,  
Ер суғорсам, бирор гиёҳ унармукин?

Бир ёруғ кун кўрарманми бу дунёда,  
Ё дун ҳануз иродамни синармукин.

Ё дунёнинг бор олғири ҳануз яшнаб,  
Камбағалнинг йиртиқ тўнин тунармукин.

Ҳануз етим гўдак «нон» деб йиғлаганда,  
Кўлчасига қаттиқ тошлиар қўнармукин.

Болалари воз кечганлар йиқилмасму,  
Даврон аларга ҳам асо йўнармукин.

Оналари воз кечганлар... меҳр кўрмай,  
Оҳ қўрқаман, бўриларга дўнармукин.

Ё одамизоднинг қиёмат куни яқин,  
Келар чоғда шуур шундай сўнармукин?

Нақ бўғзимда бўзлаётир жоним қуши,  
Қақшаб «Бас қил» дейман, кушим қўнармукин?!

## **БОЛАЛАР АНГЛАР...**

Курагимда тиғ изи — азоб,  
Товонимда мих изи — азоб.  
Йиқілмайман юз тубан, чунки,  
Юрагимда туғ изи — гулоб.  
Чунки менам қасам ичувдим,  
Ёв ортимдан ханжарин сунгач,  
Құллимни ёв қонида ювдим,  
Тұмарисга сарбоз тутингач.  
Туғ асраган юрагим додлар,  
Құлларимни қасос қонлаган.  
Чунки Турон заминда ётлар,  
Молларини хұп арқонлаган.  
Түркнинг қири, қиёқларини,  
Жаннат чечагидай иси бор.  
У молларнинг туёқларини,  
Елкамизда ўйиқ изи бор.  
То яшаркан ўйилган бонглар.  
То яшаркан сўйилган бонглар,  
Қандай яшаш кераклигини,  
Болалар англар!  
Мени эса...  
Курагимда тиғ изи — азоб,  
Юрагимда туғ изи — гулоб...

## **КИЙИҚДАЙ БУ ҚИЗ ЖОН ОЗУФИ...**

*Овози ҳам кўзидан келар.*

*Г. ЛОРКА.*

Овози ҳам кўзидан келар —  
Хуштаъмлиги сўзидан келар.  
Кетди деманг кетган онани,  
Келаётган қизидан келар.

Келар тиниқ бир сувлар ҳали,  
Сирли, шириң ғулувлар ҳали,

Ман-ман деган сұлувлар ҳали,  
Бу қизчанинг тизидан келар.

Тутқич бермас кийик — ишқ, овда,  
Илдизлари улкан, тик товда.  
Ёнавермас ҳар хил оловда,  
Сокинлиги музидан келар.

Кийикдай бу қыз жон озуғи,  
Бир Мажнуни нолон озуғи,  
Манглайи шүр бўлмас. Ёзуги,  
Ўзи сепган тузидан келар.

### ҲАЁТ МАЙДОНЛАРИДА

Отлар улоқ чопар бу майдонларда,  
Ётлар улоқ чопар бу майдонларда.

Ё, Али! Куч, нажот тилаб Алидан,  
Ёдлар улоқ чопар бу майдонларда.

Учқур суворийни четлатиб, суриб,  
Мотлар улоқ чопар бу майдонларда.

Учқур суворийнинг учмай — кўнгли ер,  
Додлар улоқ чопар бу майдонларда.

Ўзидан ўзганни жарга қулатиб,  
Шодлар улоқ чопар бу майдонларда.

Мендек дарди ичда, айтар тили йўқ,  
Отлар улоқ чопар бу майдонларда.



## **ИЛТИЖОМ ШУ...**

Худо, бандам десанг осий қулингни,  
Үзимдан паstларга интизор қилма.  
Қилдай күрсат йўлимдаги қилингни,  
Қилларингни сиртмоқ қилма, дор қилма.

Йифлаб айтган баёнларим етарли,  
Тошдай кўнгли аёnlарим етарли,  
Рақибларим, чаёnlарим етарли,  
Оллоҳ, Оллоҳ, дўстларимни мор қилма.

Бир қўл суди қизилини юзимни,  
Кўзга суртди ҳорғин-ҳорғин изимни.  
Кетар чофим шу қўл ёпсин кўзимни,  
Бошқа бахтдан энди бахтиёр қилма.

Ишқни гулдай осиб юрсин болалар,  
Изимизни босиб юрсин болалар,  
Бизларга муносиб юрсин болалар,  
Алар ўтар йўлакларни қор қилма.

Дилда ўсиб, нураб юрган бойлигим,  
Бор дунёдан сўраб юрган бойлигим,  
Иймонимга ўраб юрган бойлигим,  
Турк элимни шафқатингга зор қилма.

Бор юмушим битиб, кетар маҳалим,  
Нурай-нурай йитиб кетар маҳалим,  
Сўрай-сўрай ўтиб кетар маҳалим,  
Илтижом шу: «Туркистанни хор қилма».



## МЕҲМОНДИР

*Одам ўғли бу дунёга меҳмондир.*

**МАХТУМҚУЛИ**

Меҳмон эрур — асли дунёда бари,  
Ранги сориғ кузак бизга меҳмондир.  
Юракка меҳмондир ғалаёнлари,  
Тизингдаги мадор тизга меҳмондир.

Беш қунликдир бу дунёning ёруғи,  
Ерга тушгай бир қун кўқдаги туғи.  
Кетмоқ учун кўрар йўл тадоригин,  
Қарға, қийғир дала-тузга меҳмондир.

Фам келса ҳам куйиб ичаберингиз,  
Тириксиз-ку, суйиб ичаберингиз,  
Тўзим тўнин кийиб ичаберингиз,  
Ахир кўзда жола кўзга меҳмондир.

Тилсиз бўлса ҳамки мунглиғ онангиз,  
Санчаберманг қўксига тиф, таънангиз,  
Унинг бағир, қўрғонида тунангиз,  
Оҳ, бу қўрғон, болам, Сизга меҳмондир.

Гарчанд бу қун булбулнинг бир туриман,  
Эсаётган шамолнинг хур-хуриман,  
Кетаётган оналарнинг бириман,  
Маним аччиқ нолам Сизга меҳмондир...

Меҳмон эрур асли дунёда бари...

## КЎРИБ ЁЗДИМ...

Мен йўл кўрмай, ёзмам, ҳали  
Ёзаримиз кўриб, ёздим.  
Авжи қизиб бераётган,  
Бозоримиз кўриб ёздим.

Хали гул бўламиз қанча,  
Куриб, кул бўламиз қанча.  
Кўксимизга тегар ўқлар,  
Озоримиз кўриб ёздим.

Эй рақибим, суриб ётар,  
Кун ҳам ботар, ой ҳам ботар.  
Бир кун туркни кўриб ётар,  
Мозоримиз кўриб ёздим.

## ЭЛНИНГ ҚАРО КЕЧАЛАРИДА

Сув зилол деб қилган даъватим,  
Тақир ерга сингиб йўқолар.  
Мард аёл деб қилган даъватим,  
Мижғов эрга сингиб йўқолар.  
Болаларга қиларкан даъват,  
Зарга уриб кетар болалар.  
Китоб қолар, талашиб сават,  
Бозорга уриб кетар болалар.  
Озгин терак ғамлардан тўйган,  
Ерга сориғ гилам тўшайди.  
Отасини ўлдириб қўйган,  
Ўғил ақлдан озмай, яшайди...  
Озод қизи, учирган қуши,  
Фаҳшонага бориб кўнади.  
Лабларини қонатар тиши,  
Лабин ғажиб.. Она... кўнади...  
Мен кўнмайман, тирик ўламан,  
Тентиб бефайз кўчаларида.  
Йиғлаб бодомқовоқ бўламан,  
Элнинг қаро кечаларида...



## ПАЙҒАМБАРЛАР ОТАНГ БҮЛСИН...

Бирор учун күймас бирор  
Үзинг учун ўл етим,  
Саратонда чимдир қиров,  
Совуққотар қўл, етим.

Бир беҳиштий дона ўзинг,  
Ёлғиз бегона ўзинг,  
Сен ўзингга она ўзинг,  
Ўзинг ота бўл, етим.

Тўнда жияк, жига йиғлар,  
Бор армонни йига йиғлар,  
Йиғласа енгига йиғлар,  
Кир енгчаси ҳўл етим.

Кўча-кўйда ўлмайди ит,  
Тагин бир хато — қайди ит,  
Ердаги сўнгги дайди ит,  
Сўнгги хато бўл, етим.

Гўдак, умринг бир тонг бўлсин,  
Ташлаганга аттанг бўлсин,  
Пайғамбарлар отанг бўлсин,  
Ўзинг катта бўл, етим.

## БУГУН ТУРККА НЕ КЕРАҚДИР...

Бугун туркка не керакдир,  
Чукур англар онг керак.  
Гўдаклари эртанги кун,  
Таратажак донг керак.  
Гарчанд ҳар кун юки ортар,  
Аробаси дилни ўртар,  
Отни тинмай олдга тортар,  
Бир ёвқур султон керак.

Бор кўнгил, чил-чил, керакдир,  
Бор узилган қил керак.  
Бор кесилган тил керакдир —  
Бор бутун иймон керак.  
То Турон заминда турк бор,  
Ўлмагай ор, ўлмагай ор.  
Жон эмас, эркка талабгор,  
Эрк учун қурбон керак.  
Тилларидан учмагай оҳ,  
Кул-кул бўлур зиндон-у, чоҳ  
Фақат бор туркка бир Оллоҳ,  
Биттадан Куръон керак.

### **ҚИЗИЛ ТОШЛАР**

Хотирамнинг йўлига чиқсам  
Қизил тошлар ўтаверади.  
Қони чак-чак томиб ерларга  
Кесик бошлар ўтаверади.

Бошлар билан ора бир қадам,  
Бошсиз танлар хунук саланглар.  
Суфурилган тиллар орқада,  
Илонлардай сапчир биланглаб.

Тўрт мучаси бутун ҳам бордай  
Фақат бежон, жунунвор кўзи.  
Бири Ҷўлпонгами ўхшардай,  
Бири Усмон, Усмоннинг ўзи...

Кир, беқасам тўнин итқитиб  
Гоҳ йиглар у, гоҳ гуллаб кулар.  
Бирдан... не бор селдай ийқитиб  
Бир кўча қон шовуллаб келар.

Қизаради юлғун, шўралар  
Қизил тошлар қизиб чинқирад.

Бир фифон бу тошлар оралаб  
Бор дунёни бузиб чинқиар.

Умримнинг тун, кечаларидан  
Уйқу билмай ўтсам қанийди.  
Хотирамнинг кўчаларида  
Қон исидан кўнглим айнийди...

Тузум, Сенинг ёқангда қўлим  
Кундузлар ҳам чўчиб мизгийман.  
То келгунча халоскор ўлим  
Хотирам чўлида изгийман.

## БИР КУН... ФОВ ЙЎҚ ЙЎЛИМГА

Айтманг дейман, гап уқмас  
Гуллар келиб айтади.  
Эгри из босилганин  
Йўллар келиб айтади.  
Сўзламасдай туюлган,  
Сезилмасдай туюлган,  
Менга мослаб қуюлган,  
Фуллар келиб айтади.  
Орқамда тираб наган,  
«Ҳолин кўрамиз» деган,  
Олдимда титрайдиган,  
Қўллар келиб айтади.  
Қай бой менга фам бичган,  
Кутурган итин ечган,  
Нону тузимни ичган,  
Куллар келиб айтади.  
Бир кун... фов йўқ йўлимга,  
Кетарканмиз ўлимга,  
Кул қилмишин кулимга,  
Куллар келиб айтади.

## ЎХШАР

*Суюкли синглим Раҳимажонга.*

Дунёнинг бор идиши ярим,  
Менинг ярим кўнглимга ўхшар.  
Ўйчан, суюк дала гуллари,  
Рангпаргина синглимга ўхшар.

Авж ўсар чоғ дўл эгган гуллар,  
Очилимасдан тиф теккан гуллар,  
Қор остида жунжиккан гуллар,  
Ул кўзлари мунглимга ўхшар.

Ота кетди увуз этида,  
Она кетди увуз этида,  
Алар ўтди. Фамлар ўтмайди,  
Кўнгли сўзон, сим-симга ўхшар.

Мен ишонган бор бойлик, зарим,  
Шул мунглимга толе бер, Карим.  
Гарчанд дунё қувончи ярим,  
Қайғулари лим-лимга ўхшар.

## СЕН ҚОЛАРСАН...

Дунё, бўлма кўп дарғазаб,  
Сен қоларсан, биз кетармиз.  
Боғларингни қўклаб безаб,  
Сен қоларсан, биз кетармиз.

Меҳмондирмиз, тўрт-беш кунлик,  
Кўзи шодон, кўнгли мунглик.  
Қилгин тенглик, қилгин кенглик,  
Сен қоларсан, биз кетармиз.

Сен бевафо, бизлар ҳориб,  
Бир кун қаро ерга бориб,  
Дард айтамиз, кўнгил ёриб,  
Сен қоларсан, биз кетармиз.

Кўнглимиш, кўнглимиш достон  
Кўнглимиш гул, кўнглимиш қон.  
Бир сиримиз ололмасдан,  
Сен қоларсан, биз кетармиз.

## ТИЛИ СУГУРИЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН...

Менга айтадилар, мустақиллик, шон,  
Бир омаддай келди. Нечун кулмайсан?  
Бўғзимга келади кўксимдаги жон,  
Санчилиб оғрийди кўксим, жилмайсам...

Жиззах вокзалида поездлар тақ-тақ,  
Тўплар халойиққа ўт сочар тикка.  
Тўпга қалқон бўлар гулгун келинчак,  
Куёв Сибир кетар, мардикорликка!

Нечун, бу — омад, деб бўғизни йиртмоқ,  
Шоша-пиша ювмоқ сачраган қонни.  
Тушимда илондай солланар сиртмоқ,  
Дорга осадилар Дукчи Эшонни!

Акани сингилга қайрайди тузум,  
Чавақланган Нурхон тушимга кирар.  
Тушимда жаллод енг шимариб ҳар тун,  
Тилим деганларнинг тилин суфурар!

Қандогам ичимга беркитай, ютай,  
Бағрим қиймалаган волаларимни.  
Кўксимга тош босиб қандоқ унутай,  
Тили сугуринган болаларимни.  
Мустақиллик!

Сенга мен келдим шонлар,  
Қонлардан кўпчиган далалар билан.  
Дорларда чайқалган Дукчи Эшонлар,  
Тили сугуринган болалар билан.

## **СЕНДАН ОЛДИН...**

Мен бәхисоб дунёсими  
Бошга урай Сен бўлмасанг.  
Эгнимнинг шоҳ либосини  
Тошга урай Сен бўлмасанг.  
Сен кўзим устида юрсанг,  
Майса бўлсин кипригим.  
Мен ўзимни қайси тоқат  
Бардошга урай Сен бўлмасанг.  
Кенг жаҳона сифмаюрман  
Жаҳон менга тангу тор.  
Мен ўзимни қай Намангон,  
Ўшга урай Сен бўлмасанг.  
Гул қўшини, дил қўшини  
Бу оламда қўшин кўп.  
Мен ўзимни қай бегона  
Кўшга урай Сен бўлмасанг.  
Қаро ерга кетар бўлсанг  
Айт, мен олдинроқ кетай.  
Бу юргисиз дунёсида  
Қандоқ юрай Сен бўлмасанг.

## **КУЛИМ КУЛАР ЭҲТИМОЛ...**

Мен йифладим, кун келиб  
Гулим қулар эҳтимол.  
Зардоб тўла кўкайим —  
Дилим кулар эҳтимол.

Сирли бўлар байтларим  
Йифлагб ёзган пайтларим.  
Филни йўлдан қайтариб,  
Қилим кулар эҳтимол.

Йўқотдим сўз уюмин,  
Энг биллур, энг суюмин,

Тиксам жулдур кийимин,  
Тилим кулар, эҳтимол.

Қат-қат ярадор тизим  
О, эрк, беҳиштий сезим.  
Тиз чўқмай ўssa қизим,  
Улим кулар эҳтимол.

Ўзим ўтган кезларим,  
Сўзим ўтган кезларим.  
Қолдирган қон изларим,  
Йўлим кулар эҳтимол.

Кўнгил кўрмай йириклиқ,  
Ишим — фамга шериклиқ.  
Кулмай ўтгач тириклиқ,  
Ўлим кулар эҳтимол.

Онам сочим ўрмади,  
Тақдир келди бурмали.  
Кўнглим қувонч кўрмади,  
Кулим кулар эҳтимол.

## ЭНГ ЁМОН КУНДАГИ ЭНГ ЯХШИ ТИЛАК...

Эй ўғил, биз Сиза жонни ичирдик,  
Қонимиз ичирдик, қонни ичирдик.  
Воз кечдик, шұхрату — шонни ичирдик,  
Қониб ичдингизки, чўлламагайсиз.

Умримиз жилғадай пойизда чопди,  
Отлариизда чопди, тойизда чопди,  
Суннат тўйлариизда, тўйизда чопди,  
Жилғадай чопмасак... гулламагайсиз.

Дилнинг энг тубида етилган байтдек,  
Сизни туморим деб, борим деб айтдик.

Биз-ку не ҳасратда Сизни улғайтдик,  
Сиз биза ҳасратлар йўлламагайсиз.

Дунёда ишимиз сехру тилмочлик,  
Сотқин замон келар, наҳс, яланғочлик.  
Ҳар ҳолда сулайтиб қўйса ҳам очлик,  
Шўрлик онангизни пулламагайсиз!

### НАВРЎЗ

Қори кетган боғлар бу кун тўлаётир қушларга  
Наврўз нони, сумалаги тағин тегди тишларга.  
Менам ҳайрон ўтаётган яхши-ёмон ишларга,  
Зорим будир. Майли сен кел, кулфат келмасин,

Наврўз.

Тушларимда Моҳларойим — мендан хафа, кетарлар,  
Деб «Бу — не қиёмат қойим», мендан хафа кетарлар.  
«Болам, қон-ку маним жойим» мендан хафа кетарлар,  
Мен не дейин, олдини ол, қон тўкилмасин,

Наврўз.

Нодираи Даврондан мен ўзни қандай яширай,  
Авж гуллар чоғ тупроқ тўлган кўзни қандоқ яширай,  
Шу кўз деб ақлдан озган қизни қандай яширай,  
Хўқанди Латифдай юртдан шон тўкилмасин,

Наврўз.

Тўғри ишчан қўлларинг бўш, сифмайсан маконингга,  
Ақлу имкон тоқат берсин ҳар бетоқат онингга.  
Айттил, шулар арзийдирми алмашмоққа жонингга,  
Ахир қайта келмайдир-ку, жон тўкилмасин,

Наврўз.

Бобо Темур, болаларинг қирса бири-бирини,  
Дўст илдизин дўсти қирқса нодўстга бериб сирини.  
Қачон аёл ноласи тарқ этар Турон ерини  
Болаларинг бирлаштиргин, Турон тўкилмасин,

Наврўз.

Гарчанд борлиғимни минг хил түйғу сүтиб боради,  
Юрагимнинг туб-тубига бир нур ўтиб боради,  
Моҳларойим... ортга қарай-қарай кетиб боради,  
Боғлар қийғоч гулга кирган, Кўқон тўкилмасин,  
Наврӯз!

## ҚАЙТА КЎКЛАШ САОДАТИ...

Бирор кўз тикканд тожу тахт кўринади,  
Бирорига қўли баланд баҳт кўринади.  
Мен кўз тиксам — менинг каби эрта энкайған,  
Менинг каби мункайған дараҳт кўринади.  
Синчков боқсан бу дараҳтнинг сумбати дараҳт,  
Ичи ғовак тутаётган саҳт кўринади.  
Томирини заҳарлаган келгинди сувлар,  
Каллакланган бошлари караҳт кўринади.  
Ичим куйиб, ўчим куйиб боқсан синчковроқ,  
Куриётган вужудида шаҳт кўринади.  
Ичим қуяр... дараҳтдами, ўзимдами ё,  
Қайта кўклиш саодати нақд кўринади.

## ЎЗ ТОПГИН...

Афёри кўп дунёда  
Битта содиқ дўст топгин.  
Дардинг зиёд-зиёда  
Айтмоққа шарҳ, сўз топгин.

Қонлаб қирни, қиёни,  
Лолалансин товонинг.  
Излаб, бу кўр дунёни,  
Кўрадиган кўз топгин.

Умр оқиб кетар об,  
Кўзинг ёпар, бўлсанг соб.  
Ёлғиз ўтма, ўғил топ,  
Ё биргина қиз топгин.

Түк түймайды, ёпма түн,  
Оч олдиды ошга дүн.  
Очга бир кафтгина ун,  
Ё бир сиқим туз топгин.

Ерга йиғла ҳолингни,  
Күкка йиғла ҳолингни,  
Отингни сот, молингни,  
Ёт күп, Сен бир ўз топгин.

Үтар-кетар дунёда,  
Түзғиб ётар дунёда.  
Олиб-сотар дунёда,  
Битта сотмас дўст топгин.

## ОШИҚЛИК

(Яссавиёна)

Кулгу берма, бирвлардан кулмай қолай,  
Тўлдирмагил, дунёсидан тўлмай қолай.  
Парвонадай ўлганимни билмай қолай,  
Бир чироққа ошиқликни берсанг бўлди.

Овга чиқмам, чиқсам арслон овим менинг,  
Бу — кўнглима худо соглан довим менинг.  
Шивир-шивир, висир-висир ёвим менинг,  
Кўнгироққа ошиқликни берсанг бўлди.

Бу дунёда мен эскиман, кузим янги,  
Сиёсаллар янги, фикру тузум янги.  
Саратонлар тишлайдиган музим янги,  
Кетар чоққа ошиқликни берсанг бўлди.

Қўллаганни ҳатто, қайфу-дод қўллайди,  
Бир ишора билан мағлуб, мот қўллайди,  
Баъзан не-не алп қўлламас, от қўллайди,  
Аргумоққа ошиқликни берсанг бўлди.

Куйиб севдим, ишқ мевасин олдим қўлга,  
Амринг билан жонлар ато этдим кулга.  
Энди барча ишқни ол-у, битта гилга,  
Бир тупроққа ошиқликни берсанг бўлди.

Бу беҳиштий дунёлардан мушксиз кетмай,  
Куламасин, кўксимдаги қўшксиз кетмай.  
Қодир худо, чин дунёга ишқсиз кетмай,  
Ўшал ёққа ошиқликни берсанг бўлди.

### ТУШУНГАН ГАПИМ...

Бу дунёнинг унларига тушунмадим,  
Селу себор кунларига тушунмадим.  
Қасоси ҳам жирканч табассум аралаш,  
Қасосига, хунларига тушунмадим.

Ҳар фақирдан ўз-ўзимча сўрадим ҳол,  
Ғамларига елка тутиб, бўлдим ҳаммол.  
Воҳ, менга-ку тушунди-я, ҳар гўдак, чол,  
Мен юзига, мингларига тушунмадим.

Лов-лов ёнган гулхан эмас, таним бўлди,  
Ерлар билан битта шавқим, шаъним бўлди,  
Поймоллар-ку, хазонлар-ку маним бўлди,  
Осмонларга тенгларига тушунмадим.

Куртлар ҳали кўпdir, элни кемирарлар,  
Емирарлар, илдизидан емирарлар.  
Тахта яқин борарларми, семирарлар,  
Бўйларига, энларига тушунмадим.

Ёғий щундай, қайга борса зўрлаб борар,  
Қарам ҳалқни гунглаб борар, кўрлаб борар.  
Ўзбек қизин борган сари ўрлаб борар,  
Этаклари, енгларига тушунмадим.

Фасли хазон... нечун бу бөг гулгүн, чаман  
Юз ўқ отар, бир нишонни урмас камон.  
Дунёсига тушунмасдан ўтмоқдаман,  
Дунёсида шу гап — тушунганим бўлди.

## УМИД

Тўзган кунларингни кўп кўрдим, халқим,  
Бузган кунларингни кўп кўрдим, халқим.  
Узган кунларингни кўп кўрдим, халқим,  
Ўстирган кунингни кўтармикинман.

Сочим супургилир ўринг-қирингга,  
Фаҳмим етгаймукин бирор сирингга.  
Қиёматга қолмай биринг-бирингга,  
Дўст турган кунингни кўтармикинман.

Дил тўлиб борса ҳам доғ узра доққа  
Йиглаб кўчирдим шу шеъримни оққа.  
Бир-биринг оёқдан чалмай, оёққа  
Бостирган кунингни кўтармикинман.

Оҳ уриб яшаркан қавмим гумроҳ деб,  
Мени ўқинч-армон тугатмасдан еб.  
Бир-биринг чапламай, бир-биринг «оқ» деб,  
Ёздирган кунингни кўтармикинман.

Қандоқ адo бўлмай, ўтмайин куйиб,  
Юрсанг ўзни қийиб, ёйиға ийиб.  
Ўзинг топганингни Сен ўзинг кийиб,  
Тўздирган кунингни кўтармикинман?

Бобонг-ку, қилични сермади, енгди,  
Бобонг-ку, орини бермади, енгди.  
Бобонгдан болангни бир қадам, энди,  
Ўздирган кунингни кўтармикинман?

## **БЕХАТО СҮЗ...**

Субҳоноллоҳ, томиримга туташмоқда ўт,  
Жанглар аро жангари садо қилажакман.

Синиқ кўнглим минг бўлакдир, бўлмагайман бут.  
Ҳақ йўлинда ўзимни гадо қилажакман.

Умрнинг интиҳосида учган руҳларни,  
Қайтараман, қайта ибтидо қилажакман.

Омонатин олғунича туркий қавмга,  
«Бирлаш» деб турк тилинда нидо қилажакман.

Эрк истаги уммонларда кўпни қилган фарқ,  
Менам унга жонимни ато қилажакман.

Ҳар сўзимдан хато излаб рақибим сарсон,  
Мен қўрқаман, умримни хато қилажакман.

Хато қилмай айта олгум: қачон ўлсамам,  
Шеър устида ўзимни адо қилажакман.

## **ИНШООЛЛОҲ...**

Иншоллоҳ, бўлса умр вафоси,  
Мен халқимнинг суянч тоги бўлурман.  
Нодиранинг қайта келган садоси,  
Турк-Туроннинг кўнфириғи бўлурман.  
Кўнфириқлар тинди тили кесилиб,  
Баланд тоғлар синди бели кесилиб,  
Турк дарахти синди эли кесилиб,  
Қайта унган дов бутоги бўлурман.

Шундайин сас, сазо келар олдиндан,  
Қасрларим қуйилажак олтиндан.  
Туркнинг тупроғига дўниб мен чиндан,  
Ер юзининг кунгай ёғи бўлурман.

Кўнгелим бўлур давронлардан ошувчи,  
Шеърим бўлур ўлим билмас, яшовчан.  
Яссавийни замонларга ташувчи,  
Хизматкори, елка тоғи бўлурман.

Турк-Туроннинг қўнгироғи бўлурман.

### СЎНГИ ОҲ

Кўзи тиниб яшаб юрган бир одам,  
Сўзи синиб яшаб юрган бир одам,  
Чин ҳурликнинг кўкларида учмаган,  
Ерда униб, яшаб юрган бир одам.  
Бирдан, бирдан кўксим ёниб урдим оҳ,  
Кўлларимнинг кишани йўқ, ё Оллоҳ!

Қайназорда қолғон бобом эсладим,  
«Душманлиғи» ёлғон бобом эсладим.  
Бир пой маҳси кийиб, бири қўлтиқда,  
Сибирга йўл олғон бобом эсладим.  
Кейин ўксиб йиғлайвердим, чекиб оҳ,  
Кўлларимнинг кишани йўқ, ё Оллоҳ!

Қирқ Фироти, қирқ бияси таланди,  
Қалъа, қўрғон, қир, қияси таланди,  
Шўрлик энам — Урқияси таланди.  
Сўнг бир сотқин қўрғонида ёйди шоҳ,  
Кўлларимнинг кишани йўқ, ё Оллоҳ!

Кейин отам, ғолибиди, мотмиди,  
Кейин онам аёлмиди, отмиди,  
Дод деб кетди. Менинг додим додмиди?  
Наҳот, наҳот, ғойиб бўлди зиндан, чоҳ,  
Кўлларимнинг кишани йўқ, ё Оллоҳ!

Ўртоқларим жони пўлат, жони қил,  
Бири сариқ, бири камқон, бири сил

Ҳали уз-оқ даволанар, уз-оқ йил  
Үлмай қолса бўлди. Қайта бўлмас моҳ  
Кўлларимнинг кишани йўқ, ё Оллоҳ!

Она элим, ер бағирлаб, чўккан эл,  
Хосилини кўрмай фақат эккан эл,  
Худо назар қылган, назар теккан эл,  
Тилларингдан учдимикин сўнгги оҳ  
Кўлларимнинг кишани йўқ, ё Оллоҳ!

## ТУРКИСТОННИНГ ОНАЛАРИНИ...

Ўн икки ой бирдай ишлайди,  
Фақат ишлаб кўнгил хушлайди,  
Иморатнинг лойин муштлайди,  
Болаларин тишда тишлайди,  
Гўдаклари, тоқмас, қўшлайди,  
Туркистоннинг оналарини...

Ўғли Бобур ҳинд сори босди,  
Қайтармоқча етмади дасти,  
Нодирасин жаҳолат осди,  
Жаҳолатга бор эрур қасди,  
Юрагини армон нишлайди  
Туркистоннинг оналарини...

Машраб Балхда, дорда саланглар  
Усмон қаҳ-қаҳ уриб, аланглар  
Ҳамзасини тилкалар санглар  
Тушлари ҳам аҳволин танглар  
Тушлари ҳам тошлаб, фиштлайди  
Туркистоннинг оналарини...

Амир Темур ёди ўстирап,  
Кенагаснинг доди ўстирап,  
Сиртмоқ, кунда, жоди ўстирап,  
Яссавийнинг оти ўстирап,

Худо суюр, руҳлар ушлайди  
Туркистоннинг оналарини...

Афон мулки бўлди минглаб эр,  
Ҳарбий кетган юзлаб йигит — ер,  
Бир боланинг доги қилар шер,  
Қодир Оллоҳ, ўзинг тоқат бер  
Юрагида арслон қишлиайди  
Туркистоннинг оналарини...

Олгани шу элидан дуо,  
Тиловати, селидан дуо,  
Ҳар қўлловчи елидан дуо,  
Қўлидан иш, тилидан дуо,  
Бошидан оқ рўмол тушмайди  
Туркистоннинг оналарини!

## БУ ЭЛНИ ЖИМЛАР УЙФОТАДИР

Бу авлодлар ғарибдан-ғариб,  
Кўкрагингга тошлар ботадир,  
Олов тополмайсан ахтариб,  
Кўзларингга ёшлар ботадир.

Кўнглингда чанг, гард кўтарсангми,  
Қийнаб гумон, дард кўтарсангми,  
Пардаларни шарт кўтарсангми,  
Яланғочлар, фошлар ботадир.

Туриб, қулаб ётган бек бекми,  
Ичиб, «гуллаб» ётган бек бекми,  
Борин пуллаб ётган бек бекми,  
Фикрсиз, бўш бошлар ботадир.

Оҳ, бу элга кимлар қазди чоҳ,  
Қайдандир бу саноқсиз гумроҳ,  
Бугун бир порлоқ қуёш йўқ, оҳ,  
Мозийда... қуёшлар ботадир.

Қай ҳофизга худо — сийму зар,  
Қай шоири худобехабар,  
Қай отинининг ботини фар,  
Бу элни кимлар уйготадир?

Боболари юрт сўраб тўрда,  
Болалари ўлгайму ерда?  
Иншооллоҳ, бугунми эрта,  
Бу элни ЖИМЛАР уйғотадир.

\* \* \*

Отам, онам кўнгли йиғлаб, бўшаб ўтди,  
Отам, онам ёғийга пар тўшаб ўтди.  
Отам, онам тиз чўқканча яшаб ўтди,  
Худо, энди мадорингни тизимга бер.

Кўкламларим талошларда талон бўлди,  
Увуз этда куйдим, йифи, ўлан бўлди.  
Ёзим — балоғатга етган нолон бўлди,  
Энди озод қўшиқларни кузимга бер.

Совий-совий музлаган дил музликларим,  
Эрий бошлаб сўз очмоқда сўзликларим.  
Қайтса, қайтмас бўлиб кетган ўзликларим,  
Турк, Туронни кўтармоқни ўзимга бер.

### КЎПНИ КЎРДИМ...

Кўнгли тиниқ кўрганимда кўнглим тинди,  
Кўнгли синиқ кўрганимда кўнглим синди.  
Дағдаға-ю, дўқларидан бир ўксиндим,  
Қодир Оллоҳ, дўқлатгани юбордингму?

Кўпни кўрдим боши осмон, дили фосик,  
Ҳар айтгани малҳам эмас, ҳар сўзи тиф.  
Бу ноқислар қадар зада кўнглимга мих,  
Кўкрагимни михлатгани юбордингму?

Кўпни кўрдим, излаб топар кир, хасларни,  
Юқорига балчиқ отар кир пастларни.  
Ҳалол луқма ушламаган кир дастларни,  
ИФВО ўтин чўғлатгани юбордингму?

Арбоблари бир-бирига отурлар тош,  
Авомининг йили ҳамон қўйдир, юввош.  
Зиёлиси бошқоронғи, кўтармас бош,  
Бу дунёга ухлатгани юбордингму?

Гўдак — манқурт. Ерга тушмас, тоғ устида,  
Нософ илдам йўргалайди соғ устида.  
Мени эса бу дардлар-у дод устида,  
Маҳшаргача йиғлатгани юбордингму?

\* \* \*

Ошиқлиғда ҳеч ким Сизу биза етолмас,  
Бир нигоҳдан бари аён сўза етолмас.

Кўклам фўр қушчалар билан чулдираиверсин,  
Дил топмоқда ҳеч ким маъюс куза етолмас.

Сунбуланинг тиниклиги кўкламда нетсин,  
Ҳеч ким бундай шифо, дала-туза етолмас.

Бош устида шийдам шохлар сирли мунгланиб,  
Пойингизга сориғ гилам ёза етолмас.

Ҳеч ким мендек Сиза ҳар зум жон суви тутиб,  
Умр бўйи елкасида кўза, етолмас.

## ДУНЕ КЕТАР СУРИНИБ...

Қораяркан босилиб,  
Қор йиғлайди, менимча.  
Мард ўларкан осилиб,  
Дор йиғлайди менимча.

Аёл йиғлаган элда,  
Ор йиғлайди менимча.  
Умиди оқиб селда,  
Бемор йиғлайди менимча.

Үнглайман, деб шеър ёзиб,  
Күйдим, қулга айландим.  
Үт кетсин бу дунёси,  
Пулга қулга айланди.

Алдов, ишрат, очилиб,  
Бораётган қиз дунё,  
Йўқ, шу кетища тошга,  
Урилгувчи — биз, дунё.

Дунё кетар суриниб,  
Бедор йиғлайди, менимча.  
Қайтаргум, — деб уриниб,  
Бекор йиғлайди менимча.

## ИМОН КЕЛГУНИЧА ЁЗГИН...

Тунда ёзсанг, бўш келма, сен,  
Тонг келгунича ёзгин.  
Рақибингнинг забонига,  
«Аттанг» келгунича ёзгин.  
Суяги ҳам хоки туроб,  
Отанг келгунича ёзгин.  
Имконсизлик ер одамни.  
Ерга кетгач, ухлармиз.  
То тириклик — имконимиз,  
Имкон келгунича ёзгин.  
Юрагингнинг туб-тубидан,  
Бонг келгунича ёзгин.  
Жилдир-жилдир қуриётган,  
Онг келгунича ёзгин.  
Мен демасман, давру даврон,

Шон келгунича ёзгин.  
Мен дегайман, ёз, оғзингдан,  
Қон келгунича ёзгин.  
То иймони қочган элга,  
Иймон келгунича ёзгин.

## ЁЛФИЗ ОДАМ ИШОНЧИ

Мен бир ҳақиқатта бергандайман тан,  
Бу ҳақдаги шубҳа менга ботмайди.

Тупроқ устидаги дүстни билмайман,  
Тупроқ остидаги дүстим сотмайди.

Тирик дүстим ёзим, қишимга кириб,  
Мени ўтга отиб ёқар, совутар.  
Үлган дүстим... тунлар тушимга кириб,  
Тонггача күнглимини овлаб, овутар...

Баъзан... ёлғиз қолсам... кетмоққа шайман,  
Мени унугмагин, менга йўлинг бер.  
Сен қанча қўлласанг, шунча яшайман,  
Тупроқ остидаги дүстим, қўлинг бер!

## БИТТА МУШТГА АЙЛАНМАЙ

Олтovлон ола бўлиб олдирган халқ меники,  
Гоҳ ичда заҳар, тилда бол турган халқ меники,  
Тиф тортиб ўз отасин ўлдирган халқ меники,  
Ёраб, қай аждодимнинг қўли кир, деб йиғладим.

Ўзи ўз ўзагини узган лаҳзаларида,  
Қиблагоҳин гўрини бузган лаҳзаларида,  
Фарғонада, тўзондай тўзган лаҳзаларида,  
Худо, тўзгин элимни бирлаштири, деб йиғладим.

Бирлашмадинг, Кўқон-у, Ўзган бўлдинг, Ўш бўлдинг,  
Фитна пичоқларида талош лахта тўш бўлдинг,

Күёв-келин бўлмасдан қўш мозор-а, қўш бўлдинг,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштириб йиғладим.

Бирлашмадинг, кетма-кет бало келди, ўт келди,  
Тоғдай йигитни солиб, лопиллаб тобут келди,  
Сув бўлиб оқдик, қўздан жола келди, хут келди,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштириб йиғладим.

Шукур, бугун озод сен, аммо тарқоқ сен, ёт сен,  
Тарқоқми сен, инонки азал-абад барбодсен,  
Жўр овоз бўлолмасанг, якка-якка мунг, додсен,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштириб йиғладим.

Карвон жилсин, бир сарбон сари эниб кел, элим,  
Бир боғ сари чугурлаб, қушга дўниб кел, элим,  
Оллоҳ дилда, Оллоҳга, ҳаққа кўниб кел, элим,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштириб йиғладим.

Битта муштга айланмай, биз дастмиз ёлғиз-ёлғиз,  
Тўзим косаси янглиғ, тўлмасмиз ёлғиз-ёлғиз,  
Турку Турон тиклангай, ўлмасмиз ёлғиз-ёлғиз,  
Худо, тўзғин элимни бирлаштириб йиғладим.

\* \* \*

Худоданми, бандадан,  
Одамдан, даррандадан,  
Дўст топаман, бериб тан,  
Сўзлайди илон манга.

Белим боғласам сириб,  
Селни олурман буриб,  
Қашқирлар тумшуқ сурисиб,  
Йиғлайди нолон манга.

Сўйдим, жон билан сўйдим,  
Ўт-ла қовушдим, куйдим,  
Тўзмас либосин кийдим,  
Келаверар шон манга.

Кон — ёруғлик, ман ҳориб,  
Рұхни қон билан қориб,  
Күйласам, бўғзим ёриб,  
Отиладир қон манга.

Ман сафарга чиқар дам,  
Ошиқ Юнус берур шам,  
«Ман қуш тилин билурام».  
Сўйлар Сулаймон манга.

## ЙИҒЛАДИМ, ХУДОЖОН

Йиғладим, Художон, караминг кенгдир,  
Бир интиқ сўзимни бер деб йиғладим.  
Бағрим қоқ, қақраган заминга тенгдир,  
Бир кўкат бер, битта шеър деб йиғладим.

Заҳардан сув ичган тупроқ ўлгандир,  
Одам қуриб, чўккан, хўпроқ ўлгандир.  
Ўлмағани мендан кўпроқ ўлгандир,  
Битта қарич тоза ер деб йиғладим.

Туркий қавм бир-бирин қириб-у қийиб,  
Яшаркан юрмайми хазонлиғ қийиб.  
Бу дардлардан гўрда ётаркан куйиб,  
Бобо Темур нима дер деб йиғладим.

Ёнимда, қонимда у келмақдадир,  
Балки оғир оёқ келинчақдадир.  
Ҳар қалай турк қони қачон тўхтади —  
Келиб ғамимизни ер деб йиғладим.

Мен бир турк онаси, бир мунглиғ хаёл,  
Турк учун йиғладим қаддим бўлиб дол.  
Туркка Тўмарисдай бир ёвқур аёл,  
Туркка Темурдай бир эр деб йиғладим.

Йиғладим, Художон, караминг кенгдир...

## **ҲАММАДАН КҮЙИНГАНИМ...**

Ох, күрқаман жон-жонимдан меңнат ўтиб кетмаса,  
Кутавериб соб бўлиб, заҳмат ўтиб кетмаса.  
Томчисига зор бўлиб ўтиб бормоқдаман, ох,  
Кўрмай ёнимдан оби раҳмат ўтиб кетмаса.

Мажнунтолдай эгилиб, қолавериб мен ортда,  
Олдга тушиб пилдираб тұхмат ўтиб кетмаса.  
Ҳаммадан күйинганим, бир муҳлатта келганман,  
Бош кўтаргунимча шу муҳлат ўтиб кетмаса...

\* \* \*

Гарчанд ўтган умр ўтди, кўриб кенглиғу танглиғ,  
Ҳамон ҳар қултум сувни умид билан ичамиз.

Ҳар кундузимиз келгай толе манзили янглиғ,  
Қадр кечаси бўлғай кечувчи ҳар кечамиз.

Кеча қўлимиз олғон дўстлар кўпроқ эдилар,  
Бу ёлғон дунёсидан ўтиб кетди нечамиз.

Олдинроқ бирлашмоққа фикратимиз етмади,  
Оз қолдик. Тугуларни энди қандоқ ечамиз?

Бори дўстлар бирма-бир созлаётир кемасин,  
Бирор тун, бирор тонгда бу даргоҳдан кўчамиз.

Ҳар биримиздан бир эл қолаётир чамаси,  
Биздан кейин бундан-да гавжум бўлар кўчамиз.

## **ҒАМИМ СИЗДАН МЕРОС...**

Ғамим Сиздан мерос, Нодираи Даврон,  
Шамим Сиздан мерос, Нодираи Даврон,  
Камим Сиздан мерос, Нодираи Даврон,  
Менам тўлдиролмай ўтаётубман.

Кўнглимга қадимий зорлар ёғадир,  
Солланиб сиртмоқлар, дорлар ёғадир,  
Ўтимга дамодам қорлар ёғадир,  
Менам ёнолмасдан тутаётибман.

Инсофни энг аввал ўзимга тилаб,  
Тўзимни тўймаган кўзимга тилаб,  
Келмаган шоҳона кезимга тилаб,  
Менам ўз-ўзимни бутаётибман.

Сиз-ла ғамдош тушсак, дўст тушсак керак,  
Оқ соchlаримизни ўришсак керак,  
Моҳларойим, тезда кўришсак керак,  
Менам йўл сўнгига етаётибман.

Менда ҳам Сиздаги илоҳий ор бор,  
Менда ҳам Сиздаги ғаним бор, мор бор,  
Демакки олдимда тахтми ё дор бор,  
Менам олдингизга кетаётибман.

## ТУРКНИНГ КЎЗИ...

Фамсиз тупроқ йўқдир, бироқ,  
Турк тупроғи ғамлироқ.  
Кўзлар ичра... синчиклаб боқ,  
Туркнинг кўзи намлироқ.

Нигоҳлари гарчанд тонгги,  
Устивор баҳт, ободи.  
Туб-тубида янграр мангу,  
Яссавийнинг фарёди.

Ҳалол дўстга дўст турамиз,  
Шаймиз кам-у кўстига.  
Қизил гуллар ўстирамиз,  
Қайғумизнинг устида.

Ўзимизнинг бўлар албат,  
Фамангиз баҳт, шонимиз.  
Қонимиз-ла қайта-қайта,  
Ювган Туркистонимиз.

## ИЛТИЖО

Боқдим, бош устимда саланглади дор,  
Боқдим, ичи куйиб йиғлайверди ор.  
Боқдим, ич-ичимга урди қуюн, қор,  
Худойим, дилимга подшоҳлик бер!

Томир-томирлари чирт-чирт узилиб.  
Майиб-мажруҳлиги тамом сезилиб,  
Қолганда дод, дедим, кўнглим бузилиб,  
Худойим, тилимга подшоҳлик бер!

Силкиндим, қадим Турк лошин кўтардим,  
Ғанимнинг бостирган тошин кўтардим,  
Улимнинг эгилган бошин кўтардим,  
Худойим, улимга подшоҳлик бер!

Ўйларман, мен кимнинг урвоғи, мен ким,  
Тилимни ўлим ҳам қилолмагай жим.  
Сўйларман гўримни босганда ҳам чим:  
«Худойим, элимга подшоҳлик бер».



# “ХҮРЛЯК ҮТД”

китобидан

(1993)



*Осса, мени осадилар бир куни,  
Дардим билан ўсадилар бир куни.  
“Элин комил кўрмай ўтган гариб” деб,  
Маним номим ёзадилар бир куни.*





## ДАРДИМ БИЛАН ЎСАДИЛАР БИР КУНИ...

Сен айтганда фақат бахтдан айтарсан,  
Насиямас, фақат нақддан айтарсан,  
Таназзулсиз тожу таҳтдан айтарсан,  
Мен комил бўлмадим, камимдан айтдим.

Балки сенга бедаҳлдир қишиш қори,  
Ордир менга ўзбекнинг номус, ори,  
Чўкиб борар минглаб гўдак мозори,  
Мен дод дедим, мен аламимдан айтдим.

Чўпдай озғин оёқлари чалишиб,  
Кўтаролмай тупроқ тўла калишин,  
Бу «дам қисма» аёл нафас олишин,  
Кўриб нафас қисар дамимдан айтдим.

Ҳамон тонглар умид-ла уйғонар у,  
Сабр таги — олтин деб инонар у.  
Шундай десам, оҳ, нохосда ёнар у,  
Тўкила бошлаган жомимдан айтдим.

Ранглари сарғайиб гуллар йиглади,  
Чалкашиб, бош қашиб йўллар йиглади,  
Кўрар кунлари мушқуллар йиглади,  
Куюқ тортиб келар шомимдан айтдим.

Бошга тегиб бошин эгди шоҳ сўзим!  
Тошга тегиб ёшин тўқди, оҳ, сўзим!  
Неки айтдим жавобгари бир ўзим!  
Ҳалима, деб мискин номимдан айтдим.

Осса, мени осадилар бир куни,  
Дардим билан ўсадилар бир куни,  
«Элин комил кўрмай ўтган ғариб», — деб  
Маним номим ёзадилар бир куни.

Сен айтганда фақат баҳтдан айтарсан...

## КАРОМАТ

Кўнглимда кўнглимнинг минг синифи бор,  
Кўнглимда ғамларнинг ўткир тифи бор,  
Йифи бор, олдинда катта ЙИФИ бор,  
Элнинг болалари ўлмас бекорга!

Обдон ювган билан ювиларми қон,  
Қотилидан қочиб йўлга чиққан жон,  
Тобутларда сарсон... армон-а, армон...  
Бу болалар қони ёзилмас қорга!

Бу кун тинч денгиздай турсанг-да тек, жим  
Қаърингдан ўкириқ келмоқда, халқим,  
Эртага бу жонсиз болалар қалқиб,  
Жонли виждонларни тортажак дорга.

6 май, 1990 йил.

## ТЎМАРИСГА ИЛТИЖО

*Тўмарис рақиби, қўшни қабила бошлиғи  
Кирнинг бошини қонли хумга тиқади.  
«Тириклигингда қонга тўймагандинг,  
энди тўй», — деб.*

Жоним онам Сенсиз қуёш кулмас энди,  
Уйғонмасанг, Сен турмасанг бўлмас энди.  
Бу кўру кар болаларинг силкитмасанг,  
Авлодларга гапирмасанг бўлмас энди.

Мендан сўрма, менинг қўлим ожиз қолди,  
Боғда ранги сориғ гулим ожиз қолди,

Қафасини синдиrolмай қушим ожиз,  
Кишанбандим — руҳим, қулим ожиз қолди.

Кечир, она! Гўдакларинг бериб қўйдик,  
Чечаклардек, гулдекларинг бериб қўйдик.  
Кулда ўз жонидан бошقا не бойлик бор,  
Биздекларинг, қулдекларинг бериб қўйдик.

Она, бугун бари фитна, ошкор ов йўқ,  
Пистирмадан отадилар, ошкор ғов йўқ.  
Ўз оғангдан, ўз инингдан топган кун бу,  
Қонли хумга тиқай десанг ошкор ёв йўқ.

Малҳам керак қўп йиқилган эл доғига,  
Турсанг... малҳам — сел доғига, ел доғига.  
Худо шоҳид бўлғусидир, иншооллоҳ,  
Тўмариснинг ўлиги ҳам енгмоғига!

27 август, 1997 йил.

## ЙИФИ

Ўзига тўқ, кўркам, хушбичим, оқ дўст,  
Йиғлайман, Сизгамас, кўкси бедоф дўст,  
Пок, нопокни бирдай сүёвчи тоғ дўст,  
Йифим сўлаётган болалар учун.

Олма сабогидай ингичка бўйин,  
Гоҳ етиб, гоҳ етмай, кўрмадик тўйин,  
Ўлмасайди... буюк бўларди тайин,  
Йифим ўлаётган болалар учун.

Ичиб, учиб ётган боболари деб,  
Тўзгиб, кўчиб ётган боболари деб,  
Бир-бирини сотган боболари деб,  
Тўлов тўлаётган болалар учун.

Ё Раб, тиш ботирмай бўлмасми юриб,  
Одамлар-ку, эмас қашқир уюри,  
Бирининг зулмидан бириси қуриб,  
Қақшаб кетаётган болалар учун.

Ишонч йўқ, имону ҳаж, додларига,  
Жаҳолат муҳр урган қаж ёдларига,  
Бир-бирин қирганда, аждодларига,  
Ўхшаб кетаётган болалар учун.

27 марта, 1988 йил.

## ХУРЛИК ЎТИ

Элим, Сени муте кўрсам,  
Кўздан қолай, кўзим куйсин,  
Дема, унда не деюрсан  
Сўздан қолай, сўзим куйсин.

Тўтимасман бир бийрон тил,  
Дил бўлмаса ор, имон дил.  
Тил бўлмаса дарду қон тил,  
Тилим деган сезим куйсин.

Ҳар толеда бир шоҳлик бор,  
Ўлмай етсам, эл баҳтга ёр,  
Қолаверса эл зор, ночор,  
Маним шоҳлик кезим куйсин.

Қай пайт мотамсаро кўрдим,  
Ифво, фитна аро кўрдим.  
Ғамдан юзин қаро кўрдим,  
Маним шоир юзим куйсин.

Ў, кўп сирлар бўлар-ку фош,  
Кўрарманми, етиб бардош.  
Кетсам, қолса эл эгик бош,  
Тутаб гўрим, изим куйсин.

Ў, чин хурлик баҳти, катта,  
Етажакмиз биз албаттга,  
Мен етмай ўтсам, у ўтда  
Маним ўғил-қизим куйсин.

Элим, Сени муте күрсам,  
Күздан қолай, күзим қуйсин...

8 январь, 1988 иил.

## ДУНЁЛАРГА СИФМАГАН ФАВФО...

Биз кетганда ўзимиз еру  
Күнгил осмон, күкка кетгаймиз.  
Кекирганинг ёнига эмас,  
Чүфни босиб, чўқقا кетгаймиз.

Сотқин ўзғир, ўтмаганида,  
Хоин ором кутмаганида,  
Номус биздан кетмаганида,  
Кўкрак тутиб ўқقا кетгаймиз.

Боғ кўрмадик кирганда боқقا,  
Доғ қўшилди доғ узра доқقا,  
Кўнгил лим-лим тўлган. Тўқмоқقا  
Ёшли қорачуқقا кетгаймиз.

Қиш ортидан ўтар кўклам, ёз  
Тополмасмиз. Кўнгли мослар оз,  
Ўзимиздай фарибга пешвоз  
Биз тушмасмиз чўкка, кетгаймиз.

Умрнинг тонг, шомларида ҳам,  
Бутлансан деб чекдик озор, ғам,  
Боламизнинг томларидан ҳам,  
Ўтаверар чакка, кетгаймиз.

Зарб ермиз, зарб тушириб ёвга,  
Тирикликнинг ғами ҳам совға.  
Дунёларга сифмаган favfo,  
Бир кун жим-жим, йўқقا кетгаймиз.

13 март, 1990 иил.

# “ТҮМКИРИСЧАНГ ДАТТАНЛАРДЫ”

Китобидан  
(1996)

---

*Эй, Сиз, туркнинг тик ўмровли шерлари,  
Сур-сурлашмай, сурон солинг, эрлашинг!  
Бугун — одам, эрта — туркнинг ерлари —  
Ерга айланмасдан туриб, бирлашинг!*





## ДАЪВАТ

Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,  
Ёзганда кўксимга тиф уриб ёздим.  
Дардларимга сиёҳ кор қилмай қолгач,  
Қаламни қонимга ботириб ёздим.

Қон аслан ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк,  
Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.  
Қанча қонинг бўлса — Ватан учун тўк,  
Қанча шонинг бўлса — Ватанни кўтар!

12 ноябрь, 1995 йил.

## АЁЛ ЎТИБ БОРАР

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин  
Курагимни синганини қарс.  
Шовқин солма, мен уйғотмайин,  
Юрагимда ётар бир йўлбарс.

Баланд бир ўт ёнган ичимни,  
Мен совутиб яшашим керак.  
Ўз-ўзимга сарфлаб кучимни  
Мен овутиб яшашим керак.

Аёл ўтиб борар... шўх юриб  
Шамолларда соч ёйган аёл.  
Ич-ичида йўлбарс ўкириб  
Сиртдан майнин жилмайган аёл.  
Сен сўрама, мен ҳам айтмайин...

26 ноябрь, 1995 йил.

## ОҚЛАШ КУЧИН САҚЛАГАН МАЙСА

Мен майсаман, ўлмаган умид,  
Кийналиб қиёқлаган майса.  
Пайҳонлаган подаларга зид  
Кўклаш кучин сақлаган майса.

Кўрсатмайди мунгли кезини,  
Кўкламдай гуллатар кузини.  
Номард дуч келганда, ўзини —  
Ўқлаш кучин сақлаган майса.

Ўлим билмас қасоси, хуни,  
Севгиси ҳам буюклир уни.  
Пирларининг гўрида униб,  
Йўқлаш кучин сақлаган майса.

Қодир Оллоҳ ҳукм этмиш шундоғ,  
Тушмагайдир ҳаётига доғ.  
Қаролиғлар ичра ўзин оқ  
Оқлаш кучин сақлаган майса.

29 ноябрь, 1995 йил.

## ҲАР ЭЛГА БИР БАЙРОҚ КЕРАК

Ҳар элга бир байроқ керак ҳилпираган,  
Кўллар керак, кўтармоққа, чидасалар.  
Гарчанд мен бир девордирман, зах, нураган  
Яраб бергум агар байроқ қадасалар.

Елкамгами, юрагимга, курагимга  
Маҳкам қаданг, кўтараман жоним билан.  
Шамол бўлгум, хоин шамол тиниб қолса,  
Ғубор инса юважакман қоним билан.

Она элим, Сенга жоним, умрим ато  
Кетарканман, айланаркан чархи даввор.  
Битта девор кетди дегин, кетгунча то  
Байрогимни елкасида тутган девор.

22 ноябрь, 1994 йил.

## **КЎП ЧИҚДИМ МЕН ВАТАНИМНИНГ ТЎРИГА**

*Улугбекка.*

Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига  
Пойгагига сенам оёқ еч, болам.  
Экин эккин унинг қири ўрига  
Тўкин эккин, эккин қолмай кеч, болам.

Ўзга юртлар шамоллари чақирди,  
Кўз олгувчи жамоллари чақирди.  
Баланду баркамоллари чақирди  
Кетмадик биз. Кетолмадик ҳеч, болам.

Момонг шу ерда чирқиллаб йўқладайди,  
Бобонг оёғин узатиб ухлайди.  
Кетсак улар... гўрларида йифлайди,  
Қолган гаплар бари ёлғон, пуч, болам.

Оллоҳ бизга ўзга Ватан ёзмаган,  
Бобосини, момосини босмаган.  
Юз тўфондан бир япроғи тўзмаган  
Метин болам, кудрат болам, куч болам!

Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига...

*26 ноябрь, 1995 йил.*

## **АЗИЗИМ**

Ногоҳ қаршимдан чиқиб кутиб олган пайтларинг,  
Учиб юрган қуш эдим, тутиб олган пайтларинг.  
Тақдиримга отингни битиб олган пайтларинг,  
У менинг бу дунёга келар чофим, азизим.  
Кейин иноқ, доналашиб кўкка учди икки қуш,  
Юксакни нишонлашиб, тикка учди икки қуш.  
Бахтни-ю барбодлиғни бирга кечди икки қуш,  
Бугун сориг тортмоқда кўм-кўк боғим, азизим.  
Умр — нима? Ўтар йўл.

Үтаримда бирга бўл,  
Ҳали умидларим мўл,  
Етаримда бирга бўл.  
Қазо келса дунёдан кетаримда бирга бўл  
Бошимда бўл, ботинга ботар чофим, азизим.  
Ёнимда бўл, Сенингсиз менинг  
Шавкат-шоним йўқ.  
Сен йўқ эрсанг қавмим йўқ, турким йўқ,  
Туроним йўқ.  
Бу дунё-ю, у дунё Сенсиз бирор оним йўқ,  
Ёдимда бўл, тупроқда ётар чофим, азизим.

26 ноябрь, 1995 йил.

## СЎЗ СЎРАМА

Мендан сўз сўрама, вақт ўтган,  
Истасанг, кўрмоққа кўз берай.  
Ўт берай, ёнгувчи муз берай,  
Лекин сўз сўрама, вақт ўтган.

«Севдим де, бир сўз айт...» куз, шамол,  
Бу сўзни айтганман баҳорда.  
Сўзимни эшитган юз шамол,  
Сўзимнинг изи бор юз қорда.

Бу боғда бошлангай қўзғолон,  
Кулагай чиққаним бор тахтлар.  
Юз дараҳт жойидан қўзғолар  
Ул сўзим эслаган дараҳтлар!

Сен яхшисан, бор имкон, бор ганж  
Тоғми, тожми, дала-туз... берай —  
Кўнмас бўлсанг кўксимга тиф санч  
Ўзимга кафан қил, бўз берай!

Лекин сўз сўрама, сўрама..!

21 ноябрь, 1995 йил.

## **ТИРИЛИШ КУНЛАРИ**

Ҳар келмоқни мангу Висол дeng,  
Ҳар кетмоқни мангу Айрилиқ,  
«Кетма, бирпас ёнимда қол», дeng  
Бошланмоқда янги айрилиқ.

Ёз-у, ёғар бошимга қорлар  
Термуламан Сиз ёққа ўксиб.  
Түп-түп... менинг кўксим қоқарлар  
Фичир-фичир босарлар кўксим.

Ўз кўз ёшим ичиб тўламан,  
Ёзда ивиб қорда, шамолда.  
Сиздан йироқларда ўламан —  
Тириламан тағин Висолда.

Ёниб лахча-лахча ўтда ман  
Тирилиш кунларин кутаман.

*16 ноябрь, 1995 йил.*

## **ОТЛАРИМИЗ**

«Миннат қилиб бермагин дон,  
Аравага қўшма, нодон.  
Бизга лозим гуррос майдон  
Биз курашнинг отларимиз.

Бизлар унуг. Қуш овлама,  
Тўртовлама, бешовлама.  
Оёғимиз тушовлама,  
Бир кўнгилнинг додларимиз.

Муҳтоҷ бўлмасмиз заррага  
Қулоқ сол бизнинг наърага.  
Улоқ ташлармиз маррага,  
Ўзмиз. Йўқдир ётларимиз».

Оғир, намчил куз бүғдойи...  
Юк остида мункиб, тойиб.  
Бир-бир босиб, бизни койиб  
Кетиб борар отларимиз.

16 ноябрь, 1995 йил.

### АВВАЛ ИЧИНГГА КИР...

Аввал ичингда қил ибодатингни,  
Аввал ичингда ёй шаҳд, қанотингни.  
Аввал ичда тикла иморатингни  
Шу муҳим. Муҳиммас ташқи ёмғирлар.  
Ичингни тозалаб, қириб олдингми,  
Ўзингни жам қилиб, қириб олдингми.  
Ҳар бир кунжингни текшириб олдингми,  
Муҳиммас ташдаги илашган кирлар.  
Ич хазон. Ташибари гуллашдан қўрққин,  
Кўзни тий. Кўз ёшдан, қул ёшдан қўрққин.  
Муҳими ичингдан қулашдан қўрққин —  
Ичингдан кетмасин илоҳий нурлар.  
Фам ема. Бир камдир, тўлдириб бўлмас,  
Аввал ўз ичингта кир, қириб бўлмас.  
Ички бургут кўклаб, ўзни уарми  
Ташқарида Сени ўлдириб бўлмас.

16 ноябрь, 1995 йил.

### УЛУҒЛАР, БОҒЛОВЧИЛАР

Улуғлар, боғловчилар,  
Руҳни тик, соғловчилар.  
Авлодни тоғловчилар,  
Юксалар роҳга бошланг.

Шафқат тарқ этди бизни,  
Итардик мунглимизни.  
Юмшатинг кўнглимизни,  
Бир ёруғ оҳга бошланг.

Үнг күзни ўяр чап күз,  
Гоҳ туғишган ҳам түс-түс.  
Биттагина содиқ дўст,  
Бир чин ҳамроҳга бошланг.

Афсус йўқ чўксак агар,  
Жонни ҳам чексак агар.  
Покланиб чиқсан агар,  
Майли, фор, ҷоҳга бошланг.

Адашган мусулмонмиз,  
Гоҳ суст кетган имонмиз.  
Лек айнимаган қонмиз,  
Бизни Оллоҳга бошланг.

*16 ноябрь, 1995 йил.*

## **КЕЧИБ...**

Дема «келдинг бир чаман ошён кечиб»,  
Келдим қуюқ чангальзор, ўрмон кечиб.  
Қандай даҳшат гирдбларда айландим,  
Ёмғирларда йиқилдим гирён кечиб.

Менинг саҳтим гулга ўхшаб кетарми,  
Гул кечганлар шундай қақшаб кетарми.  
Ортидан шунча фитна, гап кетарми,  
Оёғимга қара, келдим, қон кечиб.

Тўғри, бош устимда юлдуз, кўк эди,  
Аммо товонимда лахча чўғ эди.  
Ерда юрмоқликка ҳаққим йўқ эди,  
Келдим булат, қор кечиб, осмон кечиб.

Оралиқ йўл, гарчанд, қора қуюн, чин,  
Ўтиб сенга келмоқлигим шарт учун.  
Ё шу йўлда ўлмоқлигим шарт учун,  
Келдим... Сен-ла кетмоқ учун шон кечиб.

*1995 йил.*

## **КУНБОТАРДА**

....га.

Хурмат жоиз, кетаётган қүёш бу,  
Ортиқ-ками битаётган қүёш бу.  
Авжи түшдә бозиллаган, чатнаган  
Энди тунга йитаётган қүёш бу.

Қоқ тепада, ў, күйдирған қанчасин,  
Унга баҳт деб ёпишганинг панжасин  
Ишғол құлмоқчиларнинг исканжасин —  
Энди... совуб, тутаётган қүёш бу.

Ҳеч гап йүқдай, силлиқ ўтгандаі бари,  
Қичқирмаган каби босған гуллари.  
Күзларига санчилмасдай куллари...  
Дардин ичға ютаётган қүёш бу.

Балки, балки... кунботарда келар ишқ,  
Видо айтмай ширин-сирли кулар ишқ.  
Гүдак қылар, суйиб тентак қылар ишқ,  
Интигини кутаётган қүёш бу.

...Не бўлса ҳам қанча қолди, ким билар,  
Қачон тўлар, паймонадай хум билар.  
Кейин у гапларни тупроқ, чим билар,  
Худди биздай... ўтаётган қүёш бу!

*15 ноябрь, 1995 йил.*

## **ҲАҚ ДЕГАННИ...**

Гарчанд, босилған майсаман, кўкаргайман,  
Бир экан-ку, минг дардни ҳам қўтаргайман —  
То у соҳилдаги одам тирик экан  
Дарё мени ғарқ қилолмас, ўтолгайман.

Узмаганман, боғлаб, улаб ўсганман мен,  
Сўлдирганлар, қасдан гуллаб-ўсганман мен.  
Менинг бошим билмас қўмсанг нелигини,  
Ўз бошимни ўзим силаб ўсганман мен.

Гарчанд фаним терлаб чоҳлар қазаётир,  
Мен биламан, у ақлдан озаётир.  
«Тегирмондан мангу бутун чиқар тош» деб,  
Мен ҳақимда ичи куйиб ёзаётир.

Қайга борсам ер боради, кўк боради,  
Айтганман мен «босилган ўт кўкаради».  
Кўкарғанлар, кўкарамиз, кўкарғайлар,  
Ҳақ дегани Ҳақнинг ўзи кўтаради!

Гарчанд, босилган майсаман, кўкарғайман...

*15 ноябрь, 1995 йил.*

### **ТУН КИРАР ЧОҒЛАРДА...**

Келаётган тундан сергак тортаман,  
Тун кирав чоғларда вақт ўтар гур-гур.  
Шошиб аравага сомон ортаман,  
Тўкилаверади сомони қурғур.

Умр бўлса ҳамки поёнсиз достон,  
Мен барибир чаққон силкиб баримни.  
Умр туни келганда шошиб қолмасдан —  
Жой-жойига қўйяй ёзганларимни.

Сомони йифилмай қолган ер йиғлаб,  
Бурчак-бурчаклардан чиққан шеър, йиғлаб.  
Безовта қилмасин болаларимни...

*16 ноябрь, 1996 йил.*

## ҚУТЛОВ

*Назирқұл ақага.*

Бугун әллик боғу-роғни оралаб ўтиб,  
Әллик тоғдан ошганларга йўллаймиз салом.  
Иншооллоҳ, ортингиздан боргаймиз етиб  
Шундай холис ният билан бошлаймиз калом.

Әллик ёшдан ошгунча то, шунча йиқилиб,  
Шунча туриб келгандирсиз, чарчаманг, энди,  
Бугун қиров сочингизга синчков тикилиб  
Дейман:  
«Сизнинг отдаи юрак ғовларни енгди!»

Енгиб ўтдингиз сиз Усмон Носир ёшидан,  
Қодирийнинг ёшиданам енгиб ўтдингиз.  
Мирзо Бобур, Улуғ Бобур етмаган ёшга  
Оллоҳ қўллаб Сиз етдингиз, шукур,  
етдингиз.

Буқун Бомдод намозида юкиндим Сўзга,  
Оллоҳимни илтижога, сўзга ўрадим.  
Эрта кетган оғоларим умрини Сизга,  
Кўрмай кетган шон-шуҳратин  
Сизга сўрадим.

Қодир Тангirim, чиқармагай ҳақни ноҳаққа,  
Турналарим ҳали кўкрак керса ажабмас.  
Минг сўзимдан бири етса Оллоҳга, ҳалқа  
Парвардигор сўраганим берса ажабмас.

*1 июнь, 1995 йил.*



## ҚОЗОҚ ДҮСТАРГА

Ўзбекистонда ўтган «Қозогистон  
кунлари»нинг ёпиши кечасида ўқилган.

Бизлар асли бир онанинг  
Эгиз болаларимиз.  
Жоҳилликка, қонхўрликка  
Бигиз болаларимиз.

Тарихимиз бирдир бизнинг,  
Кўз ёшларда чўмилган.  
Турор Рисқул Чўлпон билан  
Бир ўрага кўмилган.

Не кунларга биз гувоҳмиз,  
Бутландик, чил-чил бўлсак.  
Шоҳ бўлсак биз икки шоҳмиз,  
Икки қулмиз, қул бўлсак.

Ўлжас, Роза қозоқ даштин  
Саратони, ёзидир.  
Алибекнинг асли улкан,  
Асли Қурмонғозидир.

Турк тўзиши тўхтади денг,  
Асли тоза қон енгди.  
Абай, Навоийзодалар  
Фақат юксалгай энди!

Иншоолоҳ, шундай бўлгай,  
Мудом ҳалол томон бўл!  
Пешонангдан ўплим, азиз —  
Қозоқ оғам, омон бўл!

## **ВАТАН БАЙРОГИ**

Юрт байроғин қар жойгамас,  
Күнглингга эк. Күксингни ўй.  
Ишлов бергин, юмшатиб тур  
Илдиз отсин, күрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар  
Ич-ичингга кетсин кириб  
Токи фаним — ватанхўрлар  
Ололмасинлар суфуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,  
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.  
То байроқдан олдин жонни  
Бермоқ осон кечар бўлсин.

*12 сентябрь, 1995 йил.*

## **ЖИЛГА**

Бу жилғача яхши куним мени ўраган,  
Ўраб, чопиб оёқчаси қабарган жилға.  
Аҳволимни ҳол-жонимга қўймай сўраган,  
Сўрайвериб безор қилиб юборган жилға.

Ёмон куним... яшарканман кўзга чанг уриб,  
Жилғача йўқ... дардим ичга ютиб бораман.  
Бугун бошқа ёққа оқар у димоқ буриб,  
Менам унга етти ётдек ўтиб бораман...

*6 ноябрь, 1995 йил.*

## **ЎЗИНГДАН УЗИБ БЕРГИН...**

Жонни иситар танча,  
Шифил мева берар боғ.  
Ўзни сарфласак қанча,  
Яшаймиз шунча узоқ.

Бўлолсак суянч тоги,  
Борни этолсак тортиқ.  
Тоғдай баландмиз тағин,  
Ризқимиз тағин ортиқ.

Ўзингдан узиб бергин,  
Майли ош, майли ёвғон.  
Қарамай, кетавергин,  
Ортингдан келар совғанг.

Эккан тиккани сайин  
Гуллайдиган жой, одам.  
Нурин тўккани сайин  
Тўладиган ой одам.

Жон тикар, ўт, жон тикиб,  
Бу дунё шундай, қизик.  
Берганинг — ўзингники,  
Яширганинг — ютқизик.

27 ноябрь, 1993 йил.

## МЕН СИЗГА КЕТАМАН

Етмишдан ўтдингиз, онажоним, Сиз,  
Бу гапларни ўйлаб тўқиганим йўқ.  
Мен эса вақт топиб, сизга чўкиб тиз  
Етгита шеъримни ўқиганим йўқ.

Боримни чулдироқ боламга тутдим,  
Ўғил-қиз кўзимга кўринар қантдай.  
Аммо мен... Онажон... сизни унудим,  
Унудим қандай?!

Катта давраларга ҳозирлик кўрдим,  
Гуркирадим. Сўиди душман-да, дўст-да,  
Ул давраларда... қирқ олтига кирдим  
Сиздан олисда...

Катта давраларда оқарди сочим,

Гоҳ кетди, гоҳ келди қўлларимга түғ.  
Катта давраларга... топдим иложин,  
Сизга эса... йўқ!  
Бас! Армон кўнгилни, кўзни тинитар,  
Гарчанд кўз, кўнглимдан узоқ бир найсиз,  
Мен ўлсам... шу куни давра унутар —  
Сиз ўлгунингизча йиглайсиз!  
Онажон!  
Бугун сизга кетгум армонни тахлаб,  
Қолганлар-ла олди-бердим етади.  
Мен Сизга кетаман, қизим чараклаб —  
Катта давраларга кетади...

26 февраль, 1994 йил.

## СЎЗОН ДИЛИМ

Дилимни дилсизлар уриб олдилар,  
Сипо туриб, томоқ қириб олдилар.  
Кўнгил қалъам эшиклари берк эди,  
Билмам, улар қандай кириб олдилар?

Фикрим сароб, сароб бўлди ёзганим,  
Тушдай ўтди. Ўзганлардан ўзганим.  
Булбулларга мўлжалланган масканим,  
Хароб. Зоғлар инлар куриб олдилар.

Билмам, қашшоқлашдимми ё бойидим,  
Билганим шу. Қолдим пастда, пойида.  
Улар менинг сўзон кўнглим жойида  
Бир кошона уй битириб олдилар.

Сўзон дилим етаклайман, юрмайди,  
Истамайди, кошонага кирмайди.  
Сўзон дилим, етим қолган бир найдир,  
Дилимни дилсизлар уриб олдилар.

26 ноябрь, 1994 йил.

## **МЕҲМОНДОРЧИЛИКДА**

Ажаб меҳмондорчилик...  
Рақс тушади меҳмонлар.  
Бири чироқ,  
Бири пилик,  
Мос тушади меҳмонлар.  
Кейин бироз қизишиб,  
Ойни талашадилар.  
Бир-бирини сузишиб,  
Жойни талашадилар.  
Талотўпда оху ўлар,  
Қўзи билан қўй талаш.  
Дала ҳовли торт-торт бўлар,  
Кўш айвонли уй талаш.  
Кейин... кетган пирлар талаш,  
Келганини кўрмаслар.  
Сулувлар, суксурлар талаш,  
Ёқавайрон, кўр, мастилар.  
Ёпишарлар, бойлик тўнга,  
Енгга кирадигандай.  
Булар сира ўлмайдиган  
Мингга кирадигандай...

Холбуки дунё беш кунлик...

*26 февраль, 1994 йил.*

## **КЎНГЛИ ЯРИМ ОДАМ ҲАҚИДА ШЕЪР**

У ҳам меҳмон.  
Дунёга беш кунгинага келган,  
Аро йўлларда уни хор қилмагин, худойим.  
Ўтиб борар, йўлига хору хаслар тўкилган,  
Бир боғлам чечагингга зор қилмагин,  
Худойим.

Боқсам, боғин оралаб зоғлар учиб юрибди,  
Маҳзун кўнглин поралаб доғлар  
Кўчиб юрибди.

Ўзи ғамни чоғирдай қуийб ичиб юрибди,  
Уни бандам демоқдан ор қилмагин,  
Худойим.

Улкан, эну бўйига ўзни қўйганлар камми,  
Тонгда Хизр. Тунлари кўзни ўйганлар камми.  
Ўзгаларнинг қонини ичиб тўйганлар камми,  
Қалтираб келар, йўлин қор қилмагин,  
Худойим.

Кўриб-кўриб кўиди у қор тўкар одамларни,  
Эрмак учун шаън тўкар, ор тўкар одамларни.  
Эрмак учун бирорвга дор тикар одамларни,  
Унинг изидан қувар мор қилмагин, Худойим.

У ҳам меҳмон. Ҳайитда чиқсин гуллаб,  
Ҳайитлаб,  
Кўнглин яма. Либосин ўзи ямағай бутлаб.  
Лайллат ул-қадр келсин кўнгли яrimни қутлаб,  
Даргоҳингни дардгоҳдай тор қилмагин,  
Худойим.

У ҳам беш кунлик меҳмон,  
Чимдим баҳтинг аяма,  
Худо, мудом очга тош, тўқقا тўни сояма?  
У синган дўконларда мен қандай  
Мол ёяман.  
Ерни яrim дил касод,  
бозор қилма, Худойим.

Юрагимдан топиб кўр,  
Битта бутун жой, қани,  
Золимларинг дастидан зорланмаган  
най қани?

Уни яшамоқликдан безор қилмагайсан-у,  
Мени сўнгагим қақшаб ёзар қилма, Худойим.

У ҳам меҳмон,  
Дунёга беш кунгинага келган...

26 февраль, 1994 иил.

## ДАРАХТЛАР

Ҳаққос рост. Мен дарахтман чоғи,  
Ҳар кун йўлга отланадиган.  
Йифлайдиган, шодланадиган,  
Йўлга тушган барги, бутоғи.

Бошим олиб кетмоқ бўламан  
Ҳар кун... аммо аёндир бир сир.  
Манглайимда ёзуғлиқ тақдир,  
... Шу турган жойимда ўламан.

Ватан!  
Хомуш юзинг ўтирма,  
Болаларинг бузса шайтон, ўй.  
Сен уларни аяб ўтирмаӣ,  
Дарахтларга айлантириб қўй.

24 февраль, 1994 иил.

## ҚИЧҚИРИК

Сулув қиз телбавор қичқирди бу тун,  
Менинг юрагимга хун кирди бу тун,  
Айбдор кимдир?  
Чуввосс солиб кўз ёш тўқди қушчалар,  
Митти эди, тағин чўқди қушчалар.  
Айбдор кимдир?  
Бўрон қўпди. Бутоқлари шарақлар,  
Туриб, юриб кетмоқ бўлар дарахтлар,  
Айбдор кимдир?  
Осмонда ой юзин ёпиб йифлайди,  
Телба қиз ортидан чопиб йифлайди,

Айбдор кимдир?  
Маймун чидаб-чидамасдан отар тош,  
Қари қоплон күzlарида милт-милт ёш,  
Айбдор кимдир?  
Одам... бир зум... сергакланди, гангиди...  
Сүңг суйкалиб хотинига сингиди.  
Ёлғиз У жимдир.

24 февраль, 1994 йил.

## ЁНАР КУНЛАР

Уч куним бор, олддаги шу уч куним,  
Бўлгай шавқу шарорларим зич куним.

Бўш ўтган ой-йилларимни тўлдиригич,  
Ўз-ўзимга қасос куним, ўч куним.

Сўнаётган руҳга олов'пуркалиб,  
Қонларимни қилгувчи «кўч-кўч» куним.

Жим-жим ўтдим, бермади савту садо,  
Дилимдаги қушларим фуж-фуж куним.

Умрим бодом дараҳтига менгзардим,  
Ўтган кунлар, мағзиз куним, пуч куним.

Келаримда, еларимда қор, қиров,  
Кетаримда ўт бўлдиму дуч, куним.

Кутганимда келмадинг-эй, ҳеч куним,  
Кеч қолдинг-а, кеч қолдинг-а, кеч куним.

25 февраль, 1994 йил.



## ТУРОН

*Туркликнинг муқаддас ўчоги Туран.*

**ФИТРАТ**

Ўнгимда руҳимга ўқ отган фикр,  
Кўнглимга бир ёруғ чўғ отган фикр.  
Уйқумда қонимни уйғотган фикр:  
«Туркликнинг муқаддас ўчоги Туран».

Мозийи ҳар отар тонгни эмизган,  
Ҳар тиғли ақлни, онгни эмизган.  
Бўри, тулкимас, арслонни эмизган —  
Туркликнинг кўкраги, булоғи Туран.

Кўкига турналар «кур-кур»лаб ботган,  
Отганда камони бехато отган.  
Темурдай хоқонлар қиқирлаб ётган  
Туркликнинг бешиги, қучоги Туран.

Кейин... орқадан ёв тошлари етгач,  
Сара кексалари, ёшлари кетгач,  
Тарқоқ арслонларин бошлари кетгач,  
Ернинг тутаб ётган қир, тоғи Туран.

Бой-бой боболарим бойиб, йиқилди,  
Ўз қонига ўзи тойиб йиқилди.  
Бир-бировига бош қўйиб йиқилди  
Кўнглимнинг куйиги, дард, доғи Туран.

Шукур, хун уйғотди қайтадан қонни,  
Арслон болалари қайтадан ёнди.  
Ёвлар ололмагай энди Туранни,  
Бугун, тик арслонларнинг тоғи Туран!

*20 декабрь, 1993 йил.*

## ҚҰШ ТОФМИЗ, ҚОРАҚАЛПОҚ

(Қорақалпоғистонда ўтган «Тошкент күнлари»  
таңтанарапарда ұқылған.)

Сени менгзасам тоққа,  
Құш тоғмиз, қорақалпок.  
Құкка-құқ-у тупроққа,  
Тупроқмиз, қорақалпок.

Сен билан илдизи бир,  
Бutoқлардай кун күрдик.  
Хам құнгли, ҳам сүзи бир,  
Үртоқлардай кун күрдик.

Империя қамчисин  
Елкамизда изи бир.  
Сувимизнинг томчисин —  
Тахирлиги, тузи бир.

Шұрпешоналигимиз,  
Дарду нидомиз битта.  
Бугун... бошда туғимиз,  
Дилда Худомиз битта.

Дунё ичра порлоқ из,  
Күрк бўлиб қолажакмиз.  
Бузилмагай қонимиз,  
Турк бўлиб қолажакмиз.

20 декабрь, 1993 йил.

## ОЗОД ЭТ...

Худо сенга құлни бермас юлмоққа,  
Чангал солмоқликдан құлни озод эт.

Құлнинг сориглиги күнгил чўқдирадар,  
Құлмак, ўлмакликдан, құлни озод эт.

Офат келса қулон ўзи бергай чап,  
Озод этсанғ, ожиз, қилни озод эт.

Гурлаган ўт, олов барчани тортар,  
Сен ўтликдан ўтган кулни озод эт.

Ёлғон деган юк ортган тил осилган,  
Күп оғир юк. Ундан тилни озод эт.

Бизлар нафс зиндонидаги қуллармиз,  
Қўлдан келса бирор кулни озод эт.

*19 ноябрь, 1995 йил.*

### **БУ ШАМОЛЛАР БАЛАНД ДОРГА ОСИЛМАС**

Бу ўткинчи-ю, ғар, ғайри шамоллар,  
Йўлин топиб қўлдан, кўлдан уради.  
Бу дили-ю тили айри шамоллар,  
Сиймтан қизларни йўлдан уради.  
Наҳс из қолар йўлни қайга бурсалар,  
Қай пок хилқатларга босиб кирсалар.  
Бу фосиқлар билмас нени урсалар,  
Ўзларин тукқан шу элдан уради.  
Кўнгиллари ириб эгалари йўқ,  
Бевалар қолдириб эгалари йўқ.  
Мевалар қолдириб эгалари йўқ,  
Миллатни қоқ жондан, белдан уради.  
Бу шамоллар баланд дорга осилмас,  
Ўзидан юксакроқ дараҳтдан юлмас.  
Бу номард шамоллар, урса, кетиб паст,  
Ўзидан ожиздан, қилдан уради,  
Бу ўткинчи-ю, ғар, ғайри шамоллар...

*6 август, 1992 йил.*

## ТИЛОВЧИМАН

Мен ким,

мен бир мунглиғ сингил тиловчиман,  
оғаларим кипригим-ла силовчиман.  
Оғаларим бир-биридан кечар осон,  
Жоним ипдир. Мен уларни уловчиман.

Борлиғимни яратгандир ишқ, оҳлардан,  
Қонлар, шонлар кечган ёвқур гувоҳлардан.  
Ўч олганда ёғийлардан, гумроҳлардан,  
Тўмариснинг қўлларини қўлловчиман.

Мозий ичин ёритади милтиллаб шам,  
Сир кўраман карвонлари, кўчида ҳам.  
Тўлиб оққан қон дарёсин ичидаги ҳам,  
Ҳушни олиб, чаниар уриб гулловчиман.

Биҳамдиллоҳ, қолсам ҳамки синиб, қуриб,  
Сўз айтарман хоки туроб бўлиб туриб.  
Авлодимни қайтмасликка онт ичдириб,  
Амир Темур йўлларидан йўлловчиман.  
Мен ким, мен бир мунглиғ сингил  
тиловчиман...

*4 апрель, 1992 йил.*

## БУГУН ТУНДА...

Бугун тунда аждодларим келди  
қад ростлаб,  
Қодир эгам турк заминга тўқди зарларин.  
Бугун тунда то тонғача «ё Оллоҳ,  
дўст»лаб,  
Ҳақдин айтди Яссавийнинг қаландарлари.

Аниқ-тиниқ күриб турдим, чалинди бурғу,  
Саф-саф қүшин құзлариды чүр күтарилди!  
Күгарили әвлодларга армон, унут туғ,  
Ер остини тутиб ётган туғ күтарилди.

Шаҳидларим, гүрдан чиқиб, айлашиб хитоб,  
Бул күн шархин дунёларға ёйиб келдилар.  
Мункиб-туриб, аранг юриб бўлганларим соб,  
Ўз қонларига қоришиб, тойиб келдилар.

Қабрдаги ўликкача олди ёв, кириб,  
Аммо босиб ололмади томирда қонни.  
Ўзим кўрдим, яраланган барсдай ўкириб,  
Дорни судраб келаётган Дукчи Эшонни!

Усмон Носир олазарак қаҳқаҳа солди,  
Сўнг жим қолди, «совқотдим»,  
Деб қўлларин куфлаб.  
Шивирлади: «Сибирь, аёз ўпкамни олди —  
Иsingани келдим», деди, ерга қон туфлаб.

Ватан, Ватан, нима ўзи, кўксин ўқ тилган,  
Ватан ўз юртидан айру, адо бўлган зўр,  
Ватан, Ватан Машраб асли, Балҳда осилган,  
Ватан — кетиб, ватанига қайтолмаган гўр.

Ота Турон, гарчанд азал туркларинг ўзғин —  
Ерига қор ёғаверган, қуюқ қора қор.  
Минглаб кесик бошлар келди, юмалаб тўзғин,  
Билмам улар орасида қанча Темур бор?

Ўтган ўтди. Ё Раб, бугун туркка туғди күн,  
Соҳибқирон, дам бергайсиз бугун ўқ-ёйга.  
Олдга чиқинг, Сизни тавоб қилмоқлик учун,  
Пойингизни ўпмоқ учун ўнғайроқ жойга...

14 август, 1993 йил.

## **СИФАРМУКИН...**

Унут дунё. Хуш кунларнинг шукри унут,  
Даҳоларнинг унут бўлмас фикри унут.  
«Ё Оллоҳ дўст» қаландарлар зикри унут,  
Бу дунёга нидоларим сиғармукин?

Боссанг оёқ куяр, олов бу дунёга,  
Учарларга суюнчиқ, тов бу дунёга.  
Ҳар қадами тафтиш, тергов бу дунёга,  
Мажнун, хушдан жудоларим сиғармукин?

Оҳ, дилимнинг куйиб кетган жойлари кўп,  
Тўлмай хазон бўлган тўлин ойлари кўп.  
Бу дунёning қоши керик бойлари кўп,  
Унга мискин гадоларим сиғармукин?

Ҳамма қийғир, ўзин урган бойлиқ, молга.  
Миртемир йўқ,

Йиғлаш ҳам йўқ мажнунтолга.

Ҳамма бирдай пойга қўйган Истиқлолга,  
Беҳол, жони адоларим сиғармукин?

Тириклиқдан кетмасманми кўнглим яrim,  
Бу дунёга ўзинг айт-чи Оллоҳ карим,  
Минг-минг йиллик йўлни босиб  
                          келганларим,  
Қайтиб келган худоларим сиғармукин?

*16 август, 1993 йил.*

## **ҚИЛИЧ ЖАРАНГИ**

Момом отда суворий,  
Ўтганини биларкан.  
Кўқда тутиб шаън, орин,  
Кетганини биларкан.

Кўксимга армон, ўчнинг,  
Кескир тифи ботади.  
Ярим тунлар қиличнинг,  
Жаранги уйғотади...

Ерга нидо қиласман,  
Кўкка нидо қиласман.  
Темурдай бир фарзанд деб,  
Тутдайин тўкиласман.

Борим кўчар нидога:  
«Умрим етмай Видога,  
Бобурдай бир ўғлон бер»  
Ялинаман Худога.

Турк туғини мангутик,  
Боғлаб кетар шу ўғлон.  
Мендек бир ожизани,  
Оқлаб кетар шу ўғлон.

*21 декабрь, 1993 йил.*

### **БИР ВАҚТЛАР...**

Келаётган карвон-ла келган  
эдим бир вақтлар,  
Кўшилиб кетсам керак кетаётган карвонга.  
Тунлари нималарни шивирлайди дараҳтлар,  
Гурунгларин оҳанги ўхшаб кетар армонга.  
Ҳар ҳолда бу дараҳтлар йиғламас  
ўзи учун,  
Сезарми ё кўнглимда унут шаҳдлар  
йиғлайди.  
Кўнглимнинг ҳар тақири, жизғанак,  
бўзи учун,  
Сўзи учун, эҳтимол бу дараҳтлар йиғлайди.  
Кўз юмиб пиҷирлайман:

«Бир вақт мен ҳам ютгандим»,  
Эҳтимол дарахтларга аён бугун барча сир.  
Келганимда улар шод,  
чапак чалиб кутганди,  
энди балки кетарим сезиб қолиб  
ғамгиндер.

Келаётган карвон-ла келган эдим бир  
вақтлар.

*24 февраль, 1994 йил.*

### **ГАРЧАНД, ОЛЛОХ...**

Гарчанд Оллох менга доим ўнг беради,  
Азобларда адо қилиб, сўнг беради.

Ўғил берса кўкси баланд ўғил берар,  
Қўзи берса пешонаси дўнг беради.

Қанча эрта келиб кутмай даргоҳига,  
Барча кутиб турғанлардан сўнг беради.

Куя-куя саҳрода кул бўлганимда,  
Бир беҳишт гул, бир тоғларки чўнг беради.

Шукур, баҳтим ғамда чайиб олмоқ учун,  
Бир қувончим олдидан юз мунг беради.

*22 февраль, 1995 йил.*

### **АҲЛИ АНЖОН, ЙЎЛ БОШИГА ЧИҚАВЕРГИН...**

Кетганиларни Сиз баҳорга чиқиб кутинг,  
Йўлларига термулиб, кўз тикиб кутинг.  
Йўлларига жамбил,райҳон экиб кутинг,  
Баҳор келар, баҳор билан абр келар.

Ўтган билан ўтиб бўлмас бу дунёда,  
Кетган билан кетиб бўлмас бу дунёда.  
Ютқазасиз, ютиб бўлмас бу дунёда,  
Ютасиз ҳам, кўнглингизга сабр келар.

Бор кетганлар масканини қайтиб топар,  
Туркистони, Тошканини қайтиб топар.  
Худо танлаб қўшганини қайтиб топар,  
Токи жаммиз. Сўзларимиз то бир келар.

Бу баҳор кўп нозли келар, келар эркин —  
Ўлик-тирик бир-бирининг ғамин ерким  
Аҳли Анжон, йўл бошига чиқавергин-  
Ҳирот ёқдан сурон солиб Бобур келар.

19 февраль, 1994 йил.

### ЙИГЛАЁЛМАДИМ...

Ажаб, ўз еримда йиглаёлмадим,  
Буям бир шўрим-да, йиглаёлмадим.  
«Фам»ини ўзгартинг, деб қилдилар буйруқ,  
Ҳатточи шеъримда йиглаёлмадим.

Дардим тиқилса-да, бўғзимда тутдим,  
Қушлар йиглай олди, йиглади терак.  
Мен умрбод ёшим ичимга ютдим,  
Бир кун гўримда қон йигласам керак.

4 декабрь, 1995 йил.

### ТЎЗИМ БЕРГИН ЯШАШИМ УЧУН...

Сиз яшашни биласиз қандоғ  
Сизга дала-дала, туздир, туз —  
Нетай, менинг тоқатларим тоқ,  
Юрагимда йиглайверса куз.

Йўлни бахтга бурганлар билан,  
Ҳаялламай, тезлаб қолган мен.  
Юпун-юпун юрганлар билан,  
Куюн-қорда музлаб қолган мен.

Ҳеч на йўқ-ку, ўзи, қалқулик  
Дейман «Оллоҳ, кўрсатгин кучинг.  
Кўнглимга бер хиёл салқилик,  
Тўзим бергин яшашим учун...»

4 декабрь, 1995 иил.

### БИЗ ЖАННАТ ГУЛИМИЗ...

Гоҳ само ҳам кетар торайиб,  
Ёруғланиб кунлар қайтади.  
Эскирган япроқлар қорайиб,  
Соригланиб видо айтади.

Кексайган қуш кўнгли осмонда,  
Йиғлар эски инини суваб —  
Биз узамиз, истаган онда  
Эски ғамлар келмайди чуваб.

Бу дунё шу. Эски ва янги,  
Мангу ўйга толар кунгача.  
Биз жаннатнинг гулимиз, мангу,  
Қор остида қолар кунгача.

Гул очамиз, ҳали қизғиш, оқ,  
Ҳали баҳтдан маст бўламиз, ёр.  
Бизсиз келар қиши ҳали узоқ,  
Ҳали ёғмас бизни кўмар қор.

5 декабрь, 1995 иил.

## **СИБИРЛАРДА ЎЛГАН БОЛАЛАР ТИРИК...**

Тирик эмас гарчанд ҳамон тирик, бор,  
Кўқрагида унвонлари шашқатор.  
Билмай ўтган надир сиртмоқ, надир дор,  
Сибирларда ўлган болалар тирик!

Ниҳон, юракларга тишин ботирган —  
Ўзи қолиб, ўзгаларни отдирган.  
Анови унвондор ишин битирган,  
Оёқ ости бўлган болалар тирик!

Ўтган ўтдимас. Бу — ўтмайдиган дард,  
Ҳеч ким поёнига етмайдиган дард.  
Олиб кетмай, ўзи кетмайдиган дард,  
Қонлардаги қасос, лолалар тирик!

Авлодларин тик кўзлари нам нега,  
Тик бошлари гоҳ-гоҳ маъюс, хам нега?  
«Биз ёшимиз бекор тўкмаймиз», деган  
Қарашларда кек, шалолалар тирик!

Азал шундай. Қондан-қонга хун ўтган,  
Билган борми ким ютқазган, ким ютган.  
Не бўлса ҳам анов сотқин йиқитган —  
Сибирларда ўлган болалар тирик!

*5 декабрь, 1995 йил.*

## **ЎТМАСДИР...**

Ўткинчи, дунёning сим-сим шамоли,  
Шамолда солланган тераги, толи,  
Қушларнинг сайроғи, гулларнинг боли  
Ўткинчи, лек менинг дилим ўтмасдир.

Тоғлар ўтаверар ёнбошлаб олиб,  
Тошлар ўтаверар қовоғин солиб.  
Сенсиз кунларимнинг туттай уволи,  
Сенсиз менинг ою йилим ўтмасдир.

Йўл узоқ. Қовжираб. Куриб келдим мен,  
Аждарлар комига кириб келдим мен.  
Қиличнинг дамида... юриб келдим мен,  
Кўксимдаги тилим-тилим ўтмасдир.

Менинг болам ширин, туш боласидай,  
Манглайлари кенг, олқиши боласидай.  
Кўпайгай, кўпайгай қуш боласидай,  
Камайиб, дунёдан элим ўтмасдир.

Дарёдай тўлиб, гоҳ куйиб кул бўлиб,  
Мен ўтсам-да ўтар бир булбул бўлиб.  
Униб чиқмай қўймас ўт ё гул бўлиб,  
Бу дунёдан ўжар кулим ўтмасдир.

6 декабрь, 1995 йил.

## МОҲЛАРОЙИМ ТУФИЛАЖАК...

*Нодираи Даврон фожиаси, Машраб,  
Мирзо Улугбек фожиаси кунлари каби  
халқимиз тарихида қонли ёшлар тўқадирган,  
ўз қонли ёшларимизга ўзимиз ҷўқадирган  
кунлар бўлиб қолади. Ўтмишини ўзгартириб  
бўлмайди. Аммо ундан сабоқ олиб,  
хуласалар чиқариб яшаш ҳар бир  
мўмин-мусулмонга ҳам қарз, ҳам фарздир...*

— Халқим, — дейман руҳим тушиб,  
Кимлар кўнглинг тўқ қилдилар.  
Минг сўқиринг тил топишиб,  
Бир уйғофинг йўқ қилдилар.

Нодира шеър айтди эриб,  
Үлкка ҳам ўт, куч берди.  
Лекин бирор фатво бериб,  
Насруллога қилич берди.

Халқим, гарчанд ўткир тиғсан,  
Ёлғизланма, қүш-қүш ўтгин.  
Насруллодай ўғил туғсанг,  
Жоним онам, бепушт ўтгин.

Айтгин, халқим, орим, шаъним,  
Биз у йўлдан бормаймиз, де.  
Қайта топсак... Нодирани  
Насруллога бермаймиз, де.

Уйғондик де, тиклан, қалқын,  
Кўзларингда кун кулажак.  
Сен инонтир, шу кун халқим,  
Моҳларойим туғилажак.

*30 апрель, 1994 йил.*

### **ЭНДИ СЕН КЕЛГУНИНГЧА...**

Энди сен келгунингча ҳижрон  
яшар мен билан,  
Юлдузлари фаромуш осмон  
яшар мен билан,  
Беҳиштий чечаклари бошини маъюс этган,  
Булбуллари йиғлаган ошён  
яшар мен билан.  
Кўклам эккану тиккан,  
пишиқчилик фасли йўқ  
Эгасига кўзи тўрт,  
хирмон яшар мен билан.  
Ўрмон эдим, тик йўлбарс қарқара  
солар ўрмон,

Бул кун йўлбарсдан айру ўрмон  
яшар мен билан.  
Жисмимда жонлигингни билиб ҳам кетдинг,  
Нетай  
Жоним сен билан кетган,  
армон яшар мен билан.

23 февраль, 1996 иил.

### МЕН ОҲ УРСАМ...

Мен оҳ урсам пайдо бўлар бир жанггоҳ,  
Учур ўқлар ёйларидан қўзғолар.

Дала-тузда ўзин уриб излаб роҳ,  
Кушлар қири-сойларидан қўзғолар.  
Мен оҳ урсам фарёд солар кўкда моҳ,  
Фам чекиб жойларидан қўзғолар.  
Фитна чоҳига тушганлар узар чоҳ,  
Оёқдаги лойларидан қўзғолар.  
Мен оҳ урсам ҳозир бўлар бир арвоҳ,  
У — онам. Тинч ўйларидан қўзғолар.

Мен оҳ урсам онам билан уриб оҳ,  
Туркий сўзлар жойларидан қўзғолар...

14 февраль, 1996 иил.

### АРМОН

Оллоҳ, бизлар карвон-карвон,  
Майли бўз ё кимхоб ёпгин,  
Бир Навоий топ бизлардан,  
Ёки битта Темур топгин.

Оллоҳ, бизлар карвон-карвон,  
Биримиз ўт, биримиз об.

Бир Нодира топ бизлардан,  
Ва ё битта Қурбонжон топ.

Топгин бўлса йилт этган нур,  
Ўтди, ўтар карвон-карвон.  
Тополмасанг эсиз умр,  
Сенга армон, бизга армон.

Карвонлари изсиз кетган,  
Туркий дала-тузга армон.

*19 январь, 1996 йил.*

## БИРЛАШИНГ

Кел, ўрмоннинг тулкисими, шери сен,  
Ким бўлсанг ҳам, кел ёнимга, бери сен,  
Сен ёт эмас. Худди мендек эртага,  
Турк боласин босиб юрар ери сен.

Ер устида чиқмадик урушлардан,  
Ер устига сифмадик, лек ботармиз,  
Ер остида бу хунолуд ишлардан,  
Афсус чекиб, пичирлашиб ётармиз.

Эй, Сиз туркнинг тик ўмровли шерлари,  
Сур-сурлашмай сурон солинг, эрлашинг!  
Бугун — одам, эрта — туркнинг ерлари —  
Ерга айланмасдан туриб, бирлашинг!

*16 январь, 1996 йил.*



## **ҚҰКСИМИЗДА ЎСИБ ЧИҚҚАН...**

Байрам бу кун құлымизнинг ечилгани...  
Юпун юртнинг шир яланғоч ечинганин,  
Тақир даштдай түс-түс, пайхон кечилганин,  
Күрганмиз биз, энди ул ғам битди, денглар.

Оллоқ сүйди, осмонидан абр берди,  
Лим тұлсак-да тошдирмасдан сабр берди.  
Бизга әркни Темур ётган қабр берди,  
Оҳимизни әранларга етди, денглар.

Түрк туғроси құлға тегді, тутмоқ қарздир,  
Құксимизда ўсиб чиққан, у жон тарздыр.  
Үз жонини сақтолмаган ўлик барсдыр,  
Тутолмасак, бизларни туз тутди, денглар.

Бу табаррук юқдир, елкамга олмасам,  
Бошимга олмасам, күксимга солмасам.  
Түрк туғидан кичраймасам, юксалмасам,  
Майдалашибди, қуюқ туман ютди денглар.

Кимдирман мен — үз қавмимга үз бўлмасам,  
Эски кўнғирофу, эски бўз бўлмасам.  
Туркни кўтар кўзи йўққа кўз бўлмасам,  
Мени армон дарёсида йитди денглар.

Туғ юксалар, ғаним кўзим ёшласа гар,  
Қўкрагимни талқонласа, тошласа гар.  
Туркнинг туғи ерга оға бошласа гар,  
Ҳалимани бу дунёдан ўтди, денглар.

Посбонлари бири митти, бири улкан,  
Улар юрса түрк, деб юрган,  
түрк, деб ўлган.

Тугин тиклаб, қилдай жони қоплон бўлган,  
Туркнинг митти бир посбони кетди,  
денглар.

Посбонлари, лашкарлари саф-саф, минг-минг,  
Ҳар бири тик Машрабга тенг,  
Темурга тенг.

Тугнинг қайта юксалиб бормоғин кўринг,  
Янги посбон, кучлар елка тутди,  
денглар,  
Ўтди денглар, туркни олдга ўтди, денглар.

*18 ноябрь, 1995 йил.*



# “САЛПАНДА”

қитобидан

(2000)

---



*Қайдаки етимни етиб тишлийди,  
Дунё қантармаса каж итларини.  
Рұхым юрагимга қаттиқ муштлайды,  
Рұхым киябошлар совутларини.*





## ХАЛҚИМГА ЁКИ ҲОЛАТ

Дарз кетмоқда ишончимнинг деразалари,  
Кетмоқдасан бир-бировдан наридан-нари.  
Мен нетайин бу дунёнинг кимхобу зарин,  
Шунча тошни қисқагина йўлимга бердинг.

Нима дейин, номард дейми ё мардим дейми,  
Кечмишингни дил-дилимдан ўткардим дейми,  
Бахт қўшиғин аро йўлда биткардим дейми,  
Минг хазонни ҳали фунча гулимга бердинг.

Халқим, кўзга суртиб буғдой-сомонингни ҳам,  
Оқдолмайман бутун яхши-ёмонингни ҳам.  
Девордай зич қад кўтариб келганида ғам,  
Ўғлонларинг қутқармасдан ўлимга бердинг.

Чўлпон кетди онасининг ёдида куйдим,  
Усмон кетди, Холамбиби «дод»ида куйдим.  
Жисму жоним қирқим-қирқим, жодида куйдим,  
Шунча ғамни бир муштипар дилимга бердинг.

Бир-бирингга бермай биринг-бирингдан юлдинг,  
Бировингни қон қақшатиб, бировинг кулдинг.  
Гоҳо эрк деб, бахт дебмас, мол-дунё деб ўлдинг,  
Бу саросар шеърни нечук тилимга бердинг.

Тўзғин элим, жону дилим, бирлашиб келгин,  
«Ол, ҳа, ол»лаб чопавермай сирлашиб келгин.

Мингта ўтмас пичноқ бўлсанг қандоқ ўламан,  
Ўнта тиф бўл, тиғланиб, ўткирлашиб келгин.

«Отмагай тонг» эмас, орзу —шул, тонглар отгай,  
Магаданда болаларинг чирқираб ётгай.  
Иншооллоҳ, бул садолар бизни уйғотгай,  
Йўқса, нечун бу қаламни қўлимга бердинг.

16 май , 1990 иил.

## ЁЛФИЗ ҚОЛДИРМА

Кўкда ёлғиз ой йиғлаб кетар,  
Ёлғиз қуёш дил тиғлаб кетар.  
Ваҳималар уруғлаб кетар,  
Болам, мени ёлғиз қолдирма,

Мушфиқина қушим, маъюсим,  
Бор туриши тўзғимас тўзим.  
Ҳамон Сенга фармойиш сўзим,  
Онам, мени ёлғиз қолдирма.

Жим-жим эдим, жайрон бўлдим мен,  
Сим-сим эдим, сайрон бўлдим мен.  
Сенинг билан комрон бўлдим мен.  
Ёрим, мени ёлғиз қолдирма.

Равшан кеча, ёлғиз қолдирма,  
Гавжум қўча, ёлғиз қолдирма.  
Одам тоқ келади, кетар тоқ,  
Ўшангача ёлғиз қолдирма.

8 ноябрь, 1988 иил.



## СУВ УЗАТАР ТОМИРИМ

(*Амир Темур юбилейи кунларида ёзилган*)

Тоғлар энгалиб келар,  
Боғлар эргалиб келар,  
Күшлар энгалиб келар,  
Рост бўлдими, бобожон,  
Юртга қайтаётганинг!  
Бизни кўзга илмаслар  
Илиб қайтаётирлар,  
Бизга қовоқ уйганлар  
Кулиб қайтаётирлар,  
Бўйларини бизга тенг  
Қилиб қайтаётирлар.  
Инсонни ҳам, элни ҳам  
Тоғлари бўлсин экан.  
Ҳар қандай кунда умид  
Боғлари бўлсин экан.  
Сен кетиб тоғсиз қолиб,  
Изгиринда изғидик.  
Япроқлардек бенажот  
Поймол бўлдик, тўзғидик.  
Ҳай дегани ҳажи йўқ  
Болаларинг қирдилар.  
Боши бирикмас, оғзи  
Олаларинг қирдилар.  
Териб-териб қирдилар,  
Эриб-эриб қирдилар,  
Сени кетказиб, туркни  
Жон-жойига урдилар.

Шундай урдилар ҳануз  
Ўзига келолмайди.  
Тортилиб қолган тили  
Сўзига келолмайди.  
Кўз ёши кўкрагидан  
Кўзига келолмайди.

Түрк туёғи шу тахлит  
Ботқоқларга ботибди.  
Шундай кунда шоҳ Амир  
Юртга қайтаётибди!..

Қайтар түрк дарахтимга  
Сув узатар томирим.  
Энди кўкаражакмиз,  
Гуллагаймиз, Амирим.

*23 марта , 1991 иил.*

### ТАНГРИМ, АЙТГИН...

Дунё сирли. Мен ўзимга аёnlарни кўраман,  
Лолу ҳайрон турфа-турфа баёnlарни кўраман.  
Тангрим, айтгин, яна қанча мен дўстман, деб эгилиб  
Кўкрагимга нишин санчган чаёnlарни кўраман.  
Йўлларимда кунпаякун бўлажакман неча бор,  
Неча қайта ўтиб бўлмас довонларни кўраман!  
Куръонга юзгубан тушиб, дод айладим, юз дод!  
Яна қанча ўқиб бўлмас девонларни кўраман.  
Кўра-кўра кўзим кўиди саргайган чечакларни,  
Ёраб, яна қанча рўйи-сомонларни кўраман.  
Онги беҳишт-жовидонларга яшарманми ёвуқ,  
Яна қанча онги саҳро, ёбонларни кўраман.  
Оби ёвғон тинкасини қуритган бу халқимни  
Косасида тағин қанча ёвғонларни кўраман.  
Мен узоқроқ яшармидим, гуллаб ўсмаса ёлғон,  
Хар қадамда отар ўйдай ёлғонларни кўраман.  
Ўз елкамни ўзим силаб, овутаман бундай деб,  
«Ўлмай юрсам ҳали қанча давронларни кўраман».  
Юрагимга разм солсам, зарб тегмаган ери йўқ  
Ҳайҳот, боз зарб урмоққа шай гавронларни кўраман...

*13 ноября , 1990 иил.*

## АЙТМАЙ ҚАНДОҚ ЯШАЙМАН...

Мен ўйласам кесилган забонлар тилга киргай,  
Дарёлари түсилган замонлар тилга киргай,  
Не-не жувонмарг қоши-камонлар тилга киргай,  
Дилим ўт олиб турса айтмай қандоқ яшайман.

Улар ҳам ўтгунича топғанларини айтиб,  
Мендек дилгиру нолон чопғанларини айтиб,  
Не дарзу ёриқларни ёпғанларини айтиб,  
Тилимга солиб турса айтмай қандоқ яшайман.

Бир ёнимда Тўмарис деса «болам, ҳолинг танг,  
Нафақат дала-тузинг, кўнглинг ичи тошу санг»  
Бир ён бугунгилардан қўнгли тўлмай Темурнинг,  
Хаёлга толиб турса айтмай қандоқ яшайман.

НЕ ШУН  
Нетай, кеча-ю, бугун тилмоқлигини бериб,  
Кўнглингиздаги тутун тилмоқлигини бериб,  
Тўқмас, аҳволи нигун тилмоқлигини бериб,  
Тинчимни олиб турса айтмай қандоқ яшайман.

Айтганимдан бошимга тошлар келмоқлигидай,  
Бошим гаровга тикиб, фошлар келмоқлигидай,  
Бошим кетиб, ўрнига қуёшлар келмоқлигидай,  
Бир ишонч ғолиб турса, айтмай қандоқ яшайман.

8 январь, 1990 йил.

## ҚАЙТИБ ОЛИНГАН ЕР БУ

Куюқ ўрмон бўлди ғам,  
Ўрмонларга хўш энди.  
Кўнглимиз кийган кишан  
Армонларга хўш энди.

Қилвир туллаклар берган,  
Чилла чиллаклаб берган,

Халқни кулликлаб берган,  
Фармонларга хўш энди.

Ўқ кўтардик, санчилдик,  
Юқ кўтардик янчилдик.  
Туғ кўтарар пайт келди,  
Руҳ, ўртага туш энди!

Бу туғ-туғмас, ўтмиш-дод,  
Кўтармоқ учун озод,  
Элим, болаларингни  
Бир-бирига қўш энди!

Қайтиб олинган ер бу,  
Мангуболаларингни  
Шу ерда эрк шаробин  
Этажакмиз нўш энди!

29 ноябрь, 1991 йил.

## НАВРЎЗ ХАЁЛЛАРИ

(туркум)

### I

Гоҳ ўрмаласа ҳам олдинга тикка  
Туташиб кетганча қоронфиликка,  
Гоҳ қопқонлик қилди ҳуркак кийикка  
Ўзинг ёриштириб бу йўлларни, Наврўз.

Булбул ўлди. Гул-чи, ёнди, очилди,  
Елларнинг бўйнидан қучди, осилди,  
Бугун у ненидир сезди, босилди,  
Гуноҳидан ўт, бу гулларни, Наврўз.

Бу қўлга қон теккан. Бу қўлни асти  
Чопиб ташласак ҳам ҳаққи кетмасди.

Аммо... Балки зарур бирорвга дасти...  
Үзинг юв бу қонли құлларни, Наврўз!

Күклам гуллаб кетса тошу харсанг ҳам,  
Күклам гуллаб кетса қари-қартанг ҳам,  
Бало-қазолардан энг хатарли дам  
Үзинг асра қизу-улларни, Наврўз!

Бу беморлар тонгни кутар мунгайиб,  
Улар ҳам бой, кетган дард билан бойиб.  
Суя, суя! Улар кетмасин тойиб,  
Узма, узма жони қилларни, Наврўз!

## БОШИНИ КҮП ЭГГАН БИР ЖОН

### 2

Наврўз, бағри тилинган гул,  
Оёқ ости қилинган гул,  
Япроқлари шилинган гул,  
Бугун «омон» айта келдинг.

Синган бир сенмас, гул юзим,  
Менам синдим. Синди сўзим,  
Бугун ердан узиб ўзим,  
«Алёр, замон» айта келдим.

Наинки инсон қатағон,  
Чордарвеш, девон қатағон,  
Ақл қатағон, онг қатагон,  
Сен ҳам кетиб, қайта келдинг.

Сумалакли қозонларинг  
Ағдарилди аzonлари,  
Чиқиб чангинг, түзонларинг  
Фикримни улғайта келдинг.

Тұзіб, қайғу чеккан бир жон,  
Фурбатларга чўккан бир жон,  
Бошини кўп эгган бир жон,  
Бош кўтарган пайтда келдинг.

Кўкармоқда ҳар тўрт тараф,  
Унмоқ шараф, ўсмоқ шараф!  
Тош кўнгилга эл тик қараб  
Тош кўтарган пайтда келдинг.

Энди шундай қасос ул-нард,  
Энди тинган, синган номард,  
Элдан кетиб фасоду, дард,  
Ош кўтарган пайтда келдинг.

*18 марта, 1988 иил.*

## ЎСИШ ФАСЛИ ҚАЧОН КЕЛАДИ?

### 3

Бу нураш, бу чўкиш фаслидир,  
Изтироб, ғам чекиш фаслидир,  
Бор дардингни тўкиш фаслидир,  
Ўсиш фасли қачон келади?

Тил узайган. Гапирмоқ фасли,  
Кулогингга гап кирмоқ фасли,  
Рўзгорингга наф кирмоқ фасли —  
Ўсиш фасли қачон келади?

Кўзларимга ёш келди тез-тез,  
Кўзим кўзлаб тош келди тез-тез,  
Руҳим — эгик бош келди тез-тез,  
Ўсиш фасли қачон келади?

Ноҳақ келиб ҳақларни қувди,  
Қувлашиб пок сувлар келувди

Нопок кириб оёгин ювди,  
Ўсиш фасли қачон келади?

Бугуннинг бу ёзугини буз,  
Сен келдинг-у, ўсди дала-туз,  
Одамларга ўзинг айт, Наврўз,  
Ўсиш фасли қачон келади?

*27 марта, 1987 йил.*

## **ЯССАВИЙНИНГ «ҲИКМАТ»ИНИ ЙЎҚОТГАН КУНДАГИ ҲОЛАТИМ**

Мен — бенаво, чаҳ-чаҳидан айрилган,  
Яссавийдай ҳамроҳидан айрилган,  
Бор қувончи, бор оҳидан айрилган,  
Тақир саҳро, қуриб қолган дил бўлдим.

Дардларимни териб тортаман симга,  
Аросатда жон келмоқда ҳалқумга,  
Яссавийни кимга олдирдим, кимга,  
Авж пардада тилдан қолган тил бўлдим.

Иримчиман, йўлим боғлайди ирим,  
То топмасам, ўз кўнглимга йўқ кирим.  
Унинг билан кетган фикрат, шуурим,  
Дод, минг додки, боз фафлатга қул бўлдим.

Ў, кўнглим-а, хордир бугун, хор бўлган,  
Ўз фафлатим доим сиртмоқ, дор бўлган,  
Яссавийнинг босмоғига зор бўлган  
Кунпаякун тупроқ бўлдим, гил бўлдим.

Мен — бенаво, чаҳ-чаҳидан айрилган...

*4 апрель, 1991 йил.*

## **СИЗ КЕЛМАДИНГИЗ, БЕГИМ...**

(«Бир аёл қайғуси» китобидан)

Сиз келмадингиз, бегим,  
Ёдим ёшни куйдирди.  
Кетдим қаддимни эгиб,  
Додим тошни куйдирди.

Кетдим далли-девона,  
Дўст тутиниб гумона.  
Эрмакталаб тумонат  
Ёлгиз бошни куйдирди.

Берганингиз жафони  
Жонга олганим они  
Хижроннинг дўл, тўфони  
Бор қуёшни куйдирди.

Кўклам селин сўроғи,  
Олча гулин сўроғи,  
Ирмоқ тилин сўроғи,  
Менга хазон кийдирди.

Хазон кийиб кетдим ман,  
Тўзон кийиб кетдим ман,  
Воҳ, дунёга шунчалар  
Арzon келиб кетдим ман.

Сиз келмадингиз, бегим...

*5 май, 1990 йил.*

## **ЭЪТИРОФ**

Ношуд фарзанд бўлдим, унуган  
Йўқ ерлардан топиб юрган ғам.  
Ахир она, Сиз билан ўтган  
Ҳар бир куним эмасми байрам.

Ношуд она бўлдим, мен шеърга  
Банди бўлдим, танҳо, ёввойи.  
Ахир болам, Сен билан бирга  
Ўтган ҳар кун баҳт-ку ғаройиб.

Ношуд аёл бўлдим мен Сизга  
Бир мунглиф чеҳрага ўхшадим.  
Бош паноҳим, паноҳингизда  
Энг шоҳ кунларимни яшадим.

5 май, 1990 йил.

## УЛГИ

Тўмариснинг тароқлари йўқолган,  
Учқур оти, яроқлари йўқолган,  
Йўл кўрсатар чироқлари йўқолган,  
Қоронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

Бир улгусин Нодирами олганди,  
Ул ҳам тушмиш, жаҳолатга бир банди.  
Хўқанди латифнинг армон фарзанди...  
Қоронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

Бир улгисин босди энам Кенагас,  
Даштларда ҳур ўсди энам Кенагас,  
Кун келиб... қон қусди энам Кенагас,  
Қоронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

Собира<sup>1</sup>га бири теккани чоқда  
Бир қиз эди, эл суюнгулик-тоғдай.  
Қамадилар. Ақлдан озди қамоқда,  
Қоронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

---

<sup>1</sup> Қатағон Йилларида қамалган журналист, муҳаррир Собира Холдорова кўзда тутилаяпти.

Қадим Турун даштлари нимқоронғи,  
Қай бурчидар пинҳон Тұмарис донғи.  
Аммо улгуси теккан бор, инонғин!  
Қоронғида пайпаслаб йўл излаймиз.

У сен бўлсанг, Тангрим, ўткир кўз бергин,  
У мен бўлсам, ўзлигим бер, ўз бергин.  
Сўз бер, осон ўлмасликка сўз бергин,  
Қоронғида пайпаслаб йўл излаймиз.

8 марта, 1988 ишл.

## ОТЛАР БЎЛСА ЭГАРЛАНГАН

Шундай, яна йўлдадирмиз,  
Отларимиз эгарланган.  
Юракми, юракдан айтма,  
Юрагимиз чегаланган.  
Отларимиз эгарланган.

Шу дарз кетган юрак билан  
Ҳаёт дарзин чегалаймиз.  
Иншооллоҳ, гуркираган  
Соф дилларни эгаллаймиз.  
Ҳаёт дарзин чегалаймиз.

Ажабо, бу тўқлик қайдан,  
Нега, гарчанд маҳзун паймиз.  
Нега Темур қайтгандайин  
Турун юртга эгадаймиз.  
Ажабо, бу тўқлик қайдан?

Нега ҳамон ачишар тиз,  
Зирқирайди ёдларимиз,  
Мұхими шу, Тұмарисмиз,  
Эгарланган отларимиз.  
Нега ҳамон ачишар тиз.

Айру тушмасмиз ҳеч қачон,  
Гарчанд юрак чегаланган.  
Юракдаги дод бўлса эрк  
Отлар бўлса эгарланган  
Эгарланган от бўлса эрк

Айру тушмасмиз ҳеч қачон!

4 июль, 1996 йил.

## УНИ МЕНГА БЕР

(«Онам хусусида қайғуларим» туркумидан)

Мен унга қолганда бўлдим қизганчиқ,  
Ундан йироқ куним кўксимда санчиқ.  
Мен эмас, у менга бўлди суюнчиқ  
Онамни четроққа берма, Оллоҳим!

Қайғу қир-ўрини сезиб ҳидидан,  
Фам чиқар мўрини сезиб дудидан,  
Уни опқочдим, ўп, рух, вужудидан,  
Онамни титроққа берма, Оллоҳим!

Кунига би-ир ярай, Уни менга бер,  
Йўлида кўкарай, уни менга бер,  
Гўдақдай кўтарай, Уни менга бер,  
Онамни тупроққа берма, Оллоҳим!

6 февраль, 1998 йил.

## БИБИ ФОТИМА ДУОСИ

Оллоҳимдан тилаганим,  
Майли, баҳт ё алам берсин,  
Бир зирҳ фикр берсин менга,  
Битта соқчи қалам берсин.

Бу зирҳни мен жоним ийиб  
Ватанимга кийдираин,  
Үқ ўтмас, тик андомини  
Жаҳон аро суйдираин.

Кийдираин омон чиққин  
Тегирмоннинг дўлидан деб.  
Бу зирҳ менмас, Улуг Биби  
Фотимамнинг қўлидан деб.

Кўп кўрдик деб заволларни,  
Куйинманг, эй жони қиллар,  
Али қўллар ҳалолларни,  
Муҳаммаднинг ўзи қўллар!

Бир зирҳ, тағин, бир қалам бер,  
Соқчи қаламки, қучи келгай.  
Келмас, ёв келса аввал шеър,  
Аввал қаламга дуч келгай!

Олмаса эл ғовларини  
Шоир зоти оқмай тинсин.  
Зарби элнинг ёвларини  
Синдирмаса, қалам синсин.

Ватан,  
Энди заволинг йўқ.  
Гарчанд ўтда кўп куйдинг Сен.  
Тўзмассан, Биби Фотимамнинг  
Дуосидан зирҳ кийдинг Сен.

Ватан,  
Отам, болам, шаъним-  
Туркий насим муборак!  
Дуо билан зирҳланганим,  
Үқ ўтмасим, муборак!

9 август, 1998 йил.

## ЕРИНГ БУ!

Ер айтармиш: Күзинг ерга олма, деб,  
Тагин ерга беписанд күз солма, деб.  
Туриб тур, — деб, юриб тур, — деб, ўлма, — деб  
Товонингни ўпадиган еринг бу!

Майдон бу! Кўпкари тортар отингни,  
Мункиб кетсанг худога айт додингни.  
Хавф-хатарга қўйиб тинч ҳаётингни,  
Не улоқлар чопадиган еринг бу!

Дўсти азиз, шодумон бўл, бўлма хор,  
Дорбоз бўлгин, ер ҳам асли симу дор,  
Худо олса йўқотгайсан зору зор,  
Худо берса топадиган еринг бу!

Аслида шу ердан бошқа нима нақд,  
Омонат-ку қолган барча тожу тахт,  
Тик чоғларинг бериб дармон, бериб шаҳд,  
Йиқилганда ёпадиган еринг бу!

9 август, 1997 йил

## НАҲОТКИ...

Мен кетсам, ким?  
...Кўркув кўксим ёради.  
Кетсам, музларда исиниб чиқар ким?  
Ким кул орасидан қад кўтаради,  
Харобазорларда униб чиқар ким?  
Ким дўзах, ўтларда кетмайди эриб,  
Пиёдага дўнар шоҳлик, тузлиқдан.  
Бор ҳавони бошқаларга қўш қўллаб бериб,  
Ўзи ҳалок бўлар ҳавосизликдан!  
Ёлғиз жони...  
У ҳам Оллоҳга эҳсон,  
Шундан балки жонин ололмайди дор.

Наҳотки, дунёда мендек саргардон  
Үтиб борар бошқа девона ҳам бор.  
Наҳотки...

9 апрель, 1997 йил.

## ҚАРАМЛИК

Юлдузлар ойга қарам,  
Үқ асли ёйга қарам.  
Қарқарали ҳумой ҳам  
Бошқа ҳумойга қарам.

Осмон қүшларницидир,  
Оқшом түшларницидир.  
Тенгсиз дуч келмасин, тенг  
Тенгу-түшларницидир.

Қон томса-да ярамдан,  
Сизга қалқон, қарамман.  
Сизни-ку билолмадим,

Ёр, мен сизга қарамман.

20 август, 1996 йил.

## ФАҚАТ ИШҚИНГ

Неки олдим, баҳтми, тахтми қарз бари,  
Бари бир күн қўлларимдан кетгайдир.  
Бу боғнинг ҳам чаппар урган гуллари,  
Ранги ўнгиб, йўлларимдан кетгайдир.

Гарчанд ҳали мушки-муаттар, қара,  
Куз кириб келмоқда уриб бар, қара,  
Икки ўрим сочим-дарё, қарқара,  
Қаён кетса белларимдан кетгайдир.

Дунёларим шамол қилас қаҳратон,  
Не қылса бир амал қилас қаҳратон,  
Саҳроларим қамал қилас қаҳратон,  
Қарға, қийғир чүлларимдан кетгайдир.

Таназзулда, ярқираган он ичра,  
Қонга, шонга менинг билан бир учраб,  
Фақат ишқинг, жоним ичра, жон ичра,  
Кетсам, тупроқ, гилларимда кетгайдир.

18 январь, 1996 йил.

## КҮНГЛИМДАГИ АРСЛОН

Юрагимга она арслон қўйган ин,  
Парвардигор, руҳим ўзинг кўтаргин.

Даргоҳингда топширгунча мен жонни,  
Ўлдирмагил кўксимдаги арслонни.

Ўрмалабми келаёттир сокин хоб,  
Оллоҳ, уни қайтармоқнинг йўлин топ.

Ўрмалабми келаётган тулки, қуш,  
Балки менга раҳми келар «бояқиши»

Ўрмалабми келаётган олчоқлар,  
Бир кун қаддин кўтармоққа дил боғлар.

Ўрмалабми иғво, ҳасад кўринар,  
Кўзларимни кўзлаган дард кўринар.

Инимга йўл излашлар-у, қилиб қасд,  
Хунимга йўл излашганин пайқашмас.

Булар шундай шаҳдимга қил теккизар,  
Кўнглимдаги арслонга тил теккизар.

Йў-ў-ўқ!

Мен таслим бўлмай туриб, сўрмалаб,  
Қонимизни ичадиган маст йўқдир.

Она арслон ўлмай туриб, ўрмалаб  
Бу ўрмонга кирадиган кас йўқдир.

Юрагимга она арслон қўйган ин...

23 февраль, 1994 йил.

## БУ УЛУФ КАРВОННИ КИМЛАР ТАЛАДИ?

Бу улуг карвонни кимлар талади,  
Йўл устинда ўфри, шумлар талади.  
Саҳро аро чулдираган булоқни,  
Чор тарафдан сиқиб қумлар талади.

Туя қилиб, юкларини ортқилаб,  
Кўймадилар қулагунча тортқилаб,  
Бир кафт яшил майсазорни туртқилаб,  
Тақир тепа, гунг уюмлар талади.

Шилиб олиб териси-ю, тўнини,  
Юлдузларин юлиб олиб тунини,  
Чертсанг жаранг берар тоза чиннини  
Сопол идиш, лой буюмлар талади.

Биз кузатдик яқинроғига бориб,  
Бир ёмғирлар қаро балчиқда қориб,  
Бир харсанглар тушди бошларин ёриб,  
Оёқларин чирмаб чимлар талади.

Яшаяпмиз, шундай сипо, сур бўлиб,  
Дил сал нотинч, кўзлар тинчу, кўр бўлиб,  
Дўстлар ҳайрон, такрорлаймиз жўр бўлиб:  
«Бу улуг карвонни кимлар талади?»

13 сентябрь, 1991 йил.

## **НЕНИКИ КҮРДИМ КЕЧА...**

(«Ўш-Ўзган фарёди» туркумидан)

Нечун қизғиши бу кеча,  
Қайдан бу қор, қурум, гард,  
Неники күрдим кеча  
Бугун унутмоғим шарт.

Мендан сўраманг, чечса,  
«Борми кўнгли қўрғон, мард?»  
Неники күрдим кеча,  
Бугун унутмоғим шарт.

Қавмим, белбоғинг еч-а,  
Уят, терларингни арт.  
Неники күрдим кеча,  
Бугун унутмоғим шарт.

Ожиз, гўллигинг кўрдим,  
Бир-бирин ғажиб, еган  
Ножинс қуллигинг кўрдим,  
Негаям кўрдим, нега?

Гарчанд не кўрдим кеча  
Бугун унутмоғим шарт,  
Бир кун чироғим ўчар  
Мен билан кетар бу дард.

Гўримда ҳам куяр ой,  
Совурилиб ётарман.  
Кўрганларим унумтай,  
Қовурилиб ётарман.

*4 сентябрь, 1990 йил.*

## ХАЁТ ЭКАНИНИ БИЛМАБМАН

Саратоним суриб, ёвуқ келди қуз,  
Жазирамада ҳам титраган қалбман.  
Сизсиз саратон ҳам ичиаркан муз,  
Мен буни билмабман.

Сизсиз шамол бузар қўргон, қалъамни,  
Ҳуркак гўдагимни ўқсиб суюман.  
Кулоғимда титраб турган ҳалқамни  
Кўздан панароқقا олиб қўяман.

Кўнглимга сифмайди, кўзимга сифмас,  
Тўқкан кўз ёшимда тойиб бораман.  
Шаму шаън ҳақида ўйламай қўйдим,  
Фамдан ҳеч камим йўқ, бойиб бораман.

Ишқни мен ишқ дебман, дебман висол, кўрк,  
Дод, ёд эканини билмабман.  
Ишқ озодлик экан, экан қўрғон, эрк —  
Хаёт эканини билмабман.

29 июнь, 1996 йил.

## ЎЗИНГ ТИК КЕТ

Билолмасман — бу дунёси ҳикматму ё сийму зар?  
Тилсимларин очмоқ бўлиб қанча чопмай ҳайронман.  
Кошонамни, хос хонамни синчиклаб кўрадилар,  
Кўнглим кўрар, кўнглим сўрар бир дўст топмай ҳайронман.

Бир ўй сингди юрагимга худди наштар, худди ўқ,  
Йиқилмагин, йиқилганни суюйдиган одам йўқ!

Зоғлар сендан чекингайдир, ҳатто боғлар кетгайдир,  
Ўстирганинг учун қуллуқ, сен деб озор чексинми?  
Ўзинг ердан кўтарганинг — тоғлар сендан кетгайдир,  
Яқинлаб бор, бирор тоши танимаса, ўксинма!

Ҳориб суюнмоқчи бўлсанг, боғ қуриган, бодом йўқ,  
Йиқилмагин, йиқилганни суюйдиган одам йўқ.

Фақатгина олар дўстмас, берар дўстинг бўлса ҳам,  
Ўзинг тик кет, омонатдир, бир устунин ушлама.  
Қабргача, ўлимгача борар дўстинг бўлса ҳам,  
Ўлимгача ўзинг тик кет, йўлларда ер тишлама.

Адл яша!

Билган ҳолда, кўзларингда мотам йўқ,  
Йиқилмагин, йиқилганни суюйдиган одам йўқ!

20 июнь, 1997 иш.

## ТИРИК ҚЎНФИРОҚЛАР

Ҳаво истаб тишига чиқмиш бор жонзод,  
Бор ҳаво-ю, бор наво Наврўздадир.

Ҳайрон бўлма, жаннат иси қайдан деб,  
Жаннат иси онанг кийган бўздадир.

Тузук излаб, тўрт тарафга улоқма,  
Асл тузук бобонг тузган туздадир.

Кетган онанг, отанг қайтиб келибди,  
Синчков қара, улар ўғил-қиздадир.

Фасли Наврўз ҳар дил қайта қўқласин,  
Ҳар дил айтсин, «маним кўнглим сиздадир».

Умр нима — ёниб битар аланга,  
Маним умрим — ёниб борар СЎЗдадир.

Комил дўст, баҳойинг баланд, адл бўл,  
Не истасанг ўзингдадир, ўздадир.

Бизни ҳимоя этганлар — ўтдилар,  
Бугун ҳимоя этмоқлик биздадир.

Биз ўлмасдан Дунё ўлмайди, демак,  
Тирик қўнгироқлар Ўзимиздадир.

12 марта, 1996 йил.

## МЕНИНГ ТЎЗМАС БОЛУ, ПАРИМ...

Ўқ тегди, оҳ, кўнглима бир ўқ тегди,  
Чатнаб турган, бозиллаган чўғ тегди.  
Билмай қолдим, ер тегдими, кўқ тегди,  
Муҳаббатми, нафратми ё kek тегди,  
Ўқ тегди, оҳ, кўнглима бир ўқ тегди!

Гарчанд чекар дамлар сориф кийиндим,  
Улар илдиз, кўкартирган куйимдир.  
Бир азобим айтсам бўлдинг куйинди,  
Менга шундай мингта азоб, тиф тегди,  
Ўқ тегди, оҳ, кўнглима бир ўқ тегди!

Азоб поклаб, бой этаркан кўнгилни,  
Доғлар солиб ой этаркан кўнгилни,  
Ўқи ўзғир ёй этаркан кўнгилни,  
Шундай тик, бехато урап ўқ тегди.  
Қонларимда манту юрап ўқ тегди.

Ўқ тегди-ю, сайрон сайраб бошладим,  
Забонимни тошга қайраб бошладим,  
Кўнглим ичра йиглаб байрам бошладим,  
Бандаданми, худоданми туғ тегди,  
Ўқ тегди, оҳ, кўнглима бир ўқ тегди.

Майдонларда ютгунимча қўлловчи,  
Тожлар кийиб ўтгунимча қўлловчи,  
Қаро ерга кетгунимча қўлловчи,  
Ўқ тегди, оҳ, кўнглима бир ўқ тегди,  
Яшагайман энди кўнгил тўқ, тегди!

Тегди... шукур, булар бари худодан,  
Юксаклардан юксак, нари худодан,  
Менинг тўзмас болу, парим худодан,  
Садо келди «ўзига тиз чўк, тегди!»  
Ўқ тегди, оҳ, кўнглима бир ўқ тегди.

## МОҲЛАРОЙИМ, ЧИН ОЙИМ, АЙТИНГ...

Моҳларойим, чин ойим, айтинг,  
Ҳамон дардимиз чекасизми?  
Бизлар ғамдан тўкилган пайти,  
Гўрингизда сиз чўкасизми?

Номард юрса қад кериб, суйгун,  
Мард тупроққа берса тўшини,  
Тун сизданам қочарми уйку,  
Йифлайсизми бизга қўшилиб?

Қўзголонни, фитна, тўс-тўсни,  
Куйиб ичга ютасизми Сиз?  
Қўзғоларми қабрингиз Сизни,  
Туриб, юриб кетасизми Сиз?!

Мендан сўрманг, менам сиздай хор,  
Кўксим уммон, кўзимда нам йўқ.  
Ҳамма тирик, ҳаммада тил бор,  
Аммо ҳолинг сўрар одам йўқ.

27 ноябрь, 1990 йил.

## ЎЛМАЙ ЮРСАМ...

Кўп ном олдим, энди бир ном олурман,  
Сайлаб-сайлаб сархил бодом олурман.  
Мен қаламни қачон олгум фарқи йўқ,  
Саҳарми ё кеч кирап шом олурман.

Етмагандай қўнгил мулким титгани,  
Қўймадилар иморатим битгани,

Мен-чи, юксакларга сафар этгани,  
Энди руҳга либос, анжом олурман.

Юрарканман, деб «Иймоним, баландим»,  
Бошда сочим қолмагунча таландим.  
Қолди фақат қонимдаги талантим,  
Үлмай юрсам ундан инъом олурман.

Ох, йўллардан шундай номард борилди,  
Мұхаббатим қора лойга қорилди,  
Садоқатли бошим санғдан ёрилди,  
Ўз қонимдан лиммо-лим жом олурман.

Борим кетди. Кетса ундан нарига,  
Осилганман Яссавийнинг барига,  
Садо келар, тангirim, кўнглим қаъридан,  
Энди синмас Туркий калом олурман.

15 ноябрь, 1995 иил.

## КУНИНГ КУЛСИН

Байрам қутлуғ, кунинг кулсин турким — Туроним,  
Чин синдиму кўкрагингдан босган чўян тош?!  
Жаллод дунё, не ичирдинг, Соҳибқироним  
Юз-юз йиллар ерда ётди, кўтаролмай бош.  
Кейин туркнинг эркаfinи армон тиғлади,  
Аёллари қайта Темур туғмай йиғлади.

Не ичирдинг, Туron тахти — ярқираган ганж  
Бўлинди-ю, урвоқларга, қумга айланди.  
Бўлинди-ю, меросхўрлар тақдери аянч,  
Шаҳзодалар майдалашди, шумга айланди.  
Аввал даҳо бошида тож, бобом деб суйдим,  
Кейин моли талон-тарож бобом деб куйдим!

Бир одамда бўлар эмиш ризқу барокот,  
Туron тифи Сизнинг билан ерга кетдими?

Кетдингиз-у, қуйилдими бу тупроқقا дод,  
Туркнинг шони Сизнинг билан бирга кетдими?  
Ҳатто Сиздай сарбаланд туғ оёқ ости, хор,  
Мен дунёга нечун кўнгил қўяй, ҳукмдор?!

Кетдингиз-у, етим ерга қўпди балолар,  
Қавмингизни ҳар ўткинчи, ирkit ит қопди.  
Сиздан сўнг ҳам келди олтин бошли болалар,  
Лек уларни қилич еди, жодилар чопди.  
Минглаб кесик бошлар кетди юмалаб, тўзгин,  
Сўнг юз йиллаб қон ҳидидан изғиди қузғун!

Бири Машраб — Балҳда қолди дорда осилиб,  
Бирин Сибирь, қайназорда бағрин тешди тиф.  
Бу излар-ку азал-абад кетмас босилиб,  
Бугун шодмиз, кўтарилиди поймол ётган туғ.  
Туғ остида тириқ, ўлик — қурбон кўраман,  
Ҳар бирининг кўксига бир Куръон кўраман.

Иншооллоҳ, ишларимиз энди келгай ўнг,  
Ўглонлари ювар туркнинг кўнгил доғини.  
Ким ўйлабди, улуғ Темур шунча йилдан сўнг  
Гўрдан чиқиб, болаларин жамламогини?!  
Жаҳонгирга элга қайтмоқ — бахт қутлуғ бўлсин,  
Авлодларга қайтган тожу тахт қутлуғ бўлсин!

*16 август, 1993 йил.*

## ГУЛ

Ўйлаб кўрсам, азоб чеккан, сўнган гулман,  
Бўронларда қорайиб кўринган гулман.  
Фақат завол кўрмагандир илдизларим,  
Яссавийнинг мозорида унган гулман.

Фақат ҳамон ҳорғин таним чўқиларлар,  
Қарашларин тешиб ўтар ўқ қиларлар,  
«Ҳали ҳолин кўрамиз» деб дўқ қиларлар,  
Деманг «аччиқ кўз ёшлари тинган гулман».

Ҳамон эркин ўсмоғимга йўл бермаслар,  
Изфириналар чимдига кўзим очирмаслар,  
Ҳамон улар назарлардан қочирмаслар,  
Мен тилло сувларида артинган гулман.

Гарчанд, ҳали сориғ эрур япроқ, парим,  
Кўклагайман, кўклатгайдир Оллоҳ карим,  
Шул сиримдан огоҳ эмас рақибларим,  
Мен Яссавий ётган ердан унган гулман.

19 февраль, 1994 йил.

## ТУҒЛАРИМНИ ОЛОЛМАЙДИ ЁВ

Сева-сева баланд туғларни  
Ҳар тун дафтаримга киаркан,  
Яшиаркан унга тиғларни,  
Ханжарларни жойлаштиаркан.

Сева-сева байроқларимни  
Тунга туйфумни зич экаман.  
Экмайдирман унга заримни  
Унга қаҳру қилич экаман.

Эрксизлик жон-жонимдан ўтди,  
Энди шеърим, ерим, гўрим — фов.  
Зич экаман... боролмас ўтиб,  
Туғларимни ололмайди ёв...

11 апрель, 2000 йил.

## БИР КУН СЕНИ КЎТАРАДИ

Тўғри, бори дардларини айтавермас най,  
Кўксидаги доғларини қуш, оҳ яширгай!  
Ярадан қон тўкилгандай менинг кўнглимдан  
Шеърларим тўкилиб турса, қандоқ яширай?!

Гарчанд гулмас, бировларга тутқазиб бўлмас,  
Улар михланиб тўкилган, ўтказиб бўлмас,  
Тураверар иссиқлиги, янгилигича,  
Ювган билан бу қонларни кетказиб бўлмас.

Эй халқ!  
Бизнинг дардларимиз юқумли фоят,  
Юксаласан бизнинг шавкат-шонлардан бир кун.  
Бир кун Сени кўтаради бу ғамли оят,  
Уйгонасан янги, иссиқ қонлардан бир кун!

6 июль, 1996 йил.

## ВАТАН

Бошпанамми, бош паноҳим,  
Күёш, моҳим, манимсан.  
Кўнглим қуйиб айтар оҳим,  
Қайтар оҳим, манимсан.

Намозшомгул, хонгулларим  
Ўпади ўнгиримни.  
Ялпизларинг — сингилларим,  
Сотмайди бир сиримни.

Тўнсам офтобинг иситиб,  
Тинсам сувинг жилдирап.  
Кўними йўқ қушчаларинг  
Айвонимда чулдирап.

Шу қушчалар орасинда,  
Мен беш гўдак ўстирдим.  
Ҳар бирида Ватан отлиф,  
Озод юрак ўстирдим.

Бир кун тугаб ўлан, айтим,  
Олсам қаро ерга йўл.  
Туғилганда бошимдайдинг,  
Ўларда ҳам бошда бўл!

Ватан!  
Шунда оналигинг  
Ногоҳ чуқур туйгайсан,  
Беш боламнинг кўз ёшларин  
Ўзинг артиб қўйгайсан!

6 июль, 1996 йил.

## МЕНАМ ЎТДАН ЎТГАНМАН

Туманли тундан келдим. Энди тонгга кетаман,  
Узлатда узоқ кечдим. Энди шонга кетаман.  
Барорим бир жойдадир. Борарим бир жойдадир,  
Туркистондан келганман. Туркистонга кетаман.

Нима фарқ бор, дунёда мангуманми, онийман,  
Қаландарлик хирқасин кийдим, бошқасин киймам!  
Муҳими, куйиб бўлдим, энди қайтадан куймам,  
Менам ўтдан ўтганман. Менам Туркистонийман.

Умр нима, бир лаҳза, ўқдай меҳмон камонга,  
Бугун майсадай қошу киприк бўлсам эҳтимол.  
Эрта ким билар... балки замонлардан замонга  
Турк болалар ўтгучи қўприк бўлсам эҳтимол!

Туманли тундан келдим. Энди тонгга кетаман!

3 апрель, 1997 йил.

## ҚАСАМКИ...

Гарчанд тақдирим каж, лойли, сирпанчиқ,  
Бўронли йўллардан келаркан юриб,  
Тик сўзимни ерга қасамдай санчдим,  
Мадори етганлар олгай сугуриб.

Қасамки, мозийнинг чироқларини,  
Шуъласи, ҳадиги, титроқларини  
Сезмасам, кўр кўрсам кўнглим қаърини,  
Тутаб, тентиб юрмай ўчмоқча қасам!

Қасамки, шеър ёзсам маржондай тизиб,  
Түрт турким бир томон кетмаса сузиб,  
Жаннат давронлардан күнглимини узиб,  
Дўзах оловида кечмоққа қасам!

Қасамки қонимда Машраб бор, маҳзун,  
Мени кўкка тортар у илоҳий ун.  
Зикр, ишқ, жунундан айро тушган кун,  
Қаландар хирқасин ечмоққа қасам!

Эрк келди,  
Эрк келди, кўнглим найдадир,  
Дариғ, ҳар улкан тоғ бир кун майдадир.  
Бир куни кетсамам руҳим қайтадир  
Руҳим, эркни қўриб учмоққа қасам!


3 апрель, 1997 йил.

### ТАН ОЛМАСА

Осмонда офтоб ўлсин,  
Қўлда майи-ноб ўлсин.  
Қабоҳатнинг китоби  
Йиртилсин, боб-боб ўлсин.

Пирнинг чин пирлигини  
Кўрмаса айб йўқ, кўриб,  
Тан олмай турса мурид,  
Хор ўлсин, хароб ўлсин!

3 август, 1997 йил.



## «УЙФОН» СҮЗИН АЙТТАЧ

Чиримоқда Сибирда  
улуг түрк шоирлари.

Мөхәмәт ЭМИН ЮРДАҚУЛ, 1939 иш.

Тарих даштларини гоҳо қуюқ қор ёпган —  
Бўлса ҳам-ки, аён бўлган кимлар не чекди!  
Беш қиличдай терагини бир болта чопган,  
Менинг маҳзун онагинам, ҳолинг нечукдир?

Сирлар сандиги очилар, кимлар не деган,  
Кимни сотиб, ўзи яйраб ўсган қайси жон?  
Бешта ёвқур боласини бир қашқир еган  
Менинг маъюс онагинам, бормисан омон?

Балки ҳамон тутамаган бошланган достон,  
Танларига тупроқ эмас соғинчлар ботар.  
Ҳамон Сибирь совуғига қўниколмасдан,  
Улар бир-бирин қучоқлаб, исиниб ётар.

Улар Абдулла Қодирий, Файзуллоларим,  
Акмал Икром, Усмон Носир, тик Чўлпоним-эй,  
Кўмир қазиб кўмир бўлган чин тиллоларим,  
Улар бешмас, беш юз, беш минг увол жоним-эй.

Авахталар, шахталардан улар берар ун,  
Ўйламанг-ки кукун бўлган, кул бўлган тинчиб.  
Ер устида эрк туғини биз кўтарган кун,  
Улар гўрда бир-биридан олган суюнчи!

Чўлпон бирдан Чўлпонлигин туйиб чопгандир,  
Сочдан то тирноғи қадар куйиб чопгандир.  
Қамоқ. Зах ертўлаларда яғири чиққан,  
Кир беқасам чопонини кийиб чопгандир.

Эрк исини эрта сезган болаларини,  
Зулм оқимга қарши сузган болаларини,

Ота арслон елкасида ошиқ ўйнаган,  
Она арслон сут эмизган болаларини —

Олдирган эл, улар оддий болами эди,  
Курашларда улар осон бердиларми жон?  
Усмон «ўйғон» сўзин айтгач, ҳушдан айрилди,  
Чўлпон айтгач, кўкрагидан келди лахта қон.

Асли кўз ёш, қон оралаб тойиб ўсдик биз,  
Қон — ёруғлик. Ёруғландик. Бойиб ўсдик биз.  
Қирқанлари, кесганлари сари кучландик,  
Қанотларни тағин кенгроқ ёйиб ўсдик биз.

Она элим,  
Минг шукурки, қолмадик тунда,  
Тилак шулки, қодир Оллоҳ ёнингни олсин,  
Ҳар бир боланг Чўлпон бўлиб бош кўтарсин-да,  
Хурлик туғи азал-абад ўзингда қолсин!

16 марта, 1997 йил.

## БИЛМАСМИЗ

Биз нечун осмонни кўра билмасмиз,  
Чунки ер остига кира билмасмиз.

Тескари бурамиз, дўстлар кетади,  
Дарёни тескари бура билмасмиз.

Тўфон битта-битта синдирап бизни,  
Ҳатто дараҳтдай зич тура билмасмиз.

Балки илонлар ҳам қилолмасди даф,  
Сувга балиқдай фуж кира билмасмиз.

Шайтон кириб олган ич-ичимиизга,  
Уни руҳ, танадан қира билмасмиз.

Қай вайронаники тузатдик, туздик,  
Баттар вайрон бўлди, кура билмасмиз.

Күз ўткир вақтларда күрдай яшадик,  
Бугун күзимиз ҳам хира, билмасмиз.

Дунёни билгичдай димоқлар осмон,  
Билганимиз шулки, сира билмасмиз.

*16 март, 1997 йил.*

## ҮЛМАСЛИК

Қилич ишга тушар...  
Қатл рўй беради!  
Аммо олинган бош  
Кетади юриб.  
Бошлар иссиқ қонин  
Ерларга суриб,  
«Ўлмайман» сўзини ёзаверади!

Оёқ оstdан тўнгак  
Олинди, мана  
Руҳ дорулбақога  
Қайтаверади.  
Дорларда шалвираб  
Руҳ ила тана  
«Ўлмайман» сўзини айтаверади!

Дунё кетганда ҳам  
Қонига ботиб,  
Бир кун тирик қолар  
Бу тирик қасдлик!  
Бор бўлсин жодида  
Кирқилаётуб,  
«Ўлмайман» сўзини айтган Ўлмаслик!

*3 июль, 1996 йил.*

## **ХАҚҚИМ ЙҮҚ...**

Биламан, на сийму, на зар кетса ҳам,  
Ёнимдан дүстиму дигар кетса ҳам,  
Фамлардан қон бўлиб жигар кетса ҳам,  
Кўзга ёш олмоққа менинг ҳаққим йўқ.

Тунги даштлари-ю, дарасидан-да,  
Кир-чир ёмғирларин орасидан-да,  
Мен овоз бераман кутилмаган дам,  
Кўздан йўқолмоққа менинг ҳаққим йўқ.

Ватан, кулсин доим бошингда омад,  
Хуш кунинг бўлсам ҳам унутилган хат.  
Кўпмасин, бошингда қўпса қиёмат,  
Чеккада қолмоққа менинг ҳаққим йўқ.

Босмасин, ёв босса эркнинг роҳини,  
Қон билан ёзгайман элнинг оҳини.  
Бошим кетганда ҳам жанг қулоҳини  
Бошимдан олмоққа менинг ҳаққим йўқ.

*16 марта, 1997 йил.*

## **«ОНАМ ХУСУСИДА ҚАЙҒУЛАРИМ»ДАН**

Бошимдан фалокат тоши тўкилди,  
Менга кўп нарсани уқтириди бу ғам.  
Мени-ку билмайман, мени не қилди,  
Онами тамоман чўқтириди бу ғам.

Билмам, қай куч билан бу ғамни чекдим,  
Қандоғам чидадим ўтмас тифига,  
Сочим, тиш, кўркларим кетди, кўниқдим,  
Кўнмасман онамнинг кетмоқлигига.

Оҳ десам оҳларим, оққай, эшилгай,  
Оллоҳим, сен қодир, мен камни қутқар!

Мен деб ғам ўқидан кўкси тешилган  
Чўкиб бораётган кемамни қутқар!

4 март, 1997 йил.

## ИНОНИШ

*Шоирлари ҳайқирмаган миллат қондошлари  
тупроқ бўлган ўксик бола кабидир.*

*Мөхмәд Эмин ЮРДАҚУЛ.*

Энди ҳайқир,  
Энди ҳайқир, ун зўридан  
Дарёларинг тошиб келсин.  
Маййитлар чиқиб гўридан  
Озод қучоқлашиб келсин.

Энди ҳайқир, аzon олсин  
Туркий дунё қамровини.  
Эгик, бағри сўзон олсин  
Ердан узиб ўмровини.

Ҳайқир, ўзбек ўздек ўлсин,  
Ётлиқ унут. Чўкмайлик тиз.  
Фолиб, наррашерлик келсин,  
Мотлик кетсин, қолдирмай из.

Ҳайқир, ҳайқирифинг ўзгай,  
Бу наъра ширин, бол, ахир!  
Пайғамбарни ҳам эмизган  
Мушфиқ, мунис аёл, ахир!

Ҳайқир, олдинг эркни, тахтни,  
Келар бахту барор яна.  
Мусулмонга Мұҳаммадни  
Берган Оллоҳ берар яна!

Энди ҳайқир, ун зўридан  
Дарёларинг тошиб келсин...

## **ОШИҚЛИК СИЗДАН ЎТАРДИ...**

Ошиқлик Сиздан ўтарди, маъшуқалик бизданам,  
Бугун йироқдасиз, дил муз, эрув билмас муз танам.

Бугун ҳижрон довулларин қучогида қалтираб,  
Исинмоққа ўт излайман Сизнинг мактуб, сўзданам.

Биласиз-ку қиш қуюни билан ғужғон ўйнардим,  
Бугун кўкламдан совудим, кўнглим қолди кузданам.

Сиздан айру тушган кундан бор дунёдан айру Мен,  
Кетаёттан душманданам, келаётган дўстданам.

Ҳижрон сели белдан ўтди, кўксим, бўғзимга етди,  
Келинг, мен гарқ бўлмай келинг, айрилмайин ўзданам.

Ошиқлик Сиздан ўтарди, маъшуқалик бизданам...

*2 июль, 1998 йил.*

## **ИШОНМА**

Кетар йўл бор. Теграсида ўт, гуллар,  
Кетмасайдим. Минг йил ўй сурар эдим—  
Мен сабрнинг тошидирман. Минг йиллар  
Остонадан кетмай ўтирас эдим.  
Бир ой кутдим, соchlаримга қўнди оқ.  
Бир йил кутдим, дармон кетди тизимдан —  
Бесабрдир, гулдираиди қалдироқ,  
Бесабрлар сўрар ўғил-қизимдан.  
Мен сабрли. Мендан оғир тош йўқдир,  
Кетмасайдим. Кечиксанг ҳам майлийди.  
Мана, артдим. Кўзларимда ёш йўқдир,  
Мана, яна сабр отлиф тўн кийдим.  
Йў-ўқ!  
Сабр отлиф тўнлигимга ишонма,  
Сабрда тошга тенглигимга ишонма,

Ишонмагил яшнаб турган гул, чимга,  
Тағин...  
Тағин менинг мангулигимга!  
Тезроқ кел!

Кетар йўл бор, теграсида ўт, гуллар...

30 июнь, 1996 йил.

### ДАРАХТ ФАРЁДИДАН БЕХАБАР...

Дараҳт бардошидан қилса бўлар тож,  
Қўрғошин ўйларга чўмиб келган пайт.  
Қишининг эшигига ўзи яланғоч,  
Барглар, болаларин кўмиб келган пайт.

Борми бу дунёни кўролгувчи кўз —  
Кузатиб қушларнинг галаларини,  
Сариқ ҳасрат бўлиб ёйиларкан куз,  
Дараҳт йўқлаганда болаларини!

Во дариф!  
Бу дараҳт қандоғ ўлмайди,  
Унсиз ўкириғи ер, кўкни бузар.  
Дараҳт кўз ёшини кўз-кўз қилмайди,  
Дараҳт ўз ёшини ичга оқизар...

Аёл!  
Оллоҳга айт арзу нолангни,  
Майли, бешон ва ё бесамар ўтгин.  
Фақат  
Куз олмасин бирор болангни,  
Дараҳт фарёдидан бехабар ўтгин!

2 июль, 1996 йил.



## **ПАҲЛАВОННИНГ ҲАР АЙТГАНИ**

«Дарё ит тегса ҳам ҳалол». Маҳмуд ёзади.  
Паҳлавоннинг ҳар айтгани ганждири, тозадир.  
Леқ, водариг, гоҳи-гоҳи бу ҷархи дунда,  
Дарё — ит теккач, оқмайди, ўзин осади.  
Тизимдан дармоним кетиб ўтираман лол,  
Итлар гоҳо ғингшири, гоҳо қилиб турар даф.  
Мен не дейин, гоҳ арслонни қилган-у поймол,  
Итларин қантаролмаган ДУНЁга қараб.

*2 июль, 1996 йил.*

### **ЭНДИ КЕТ...**

Энди кет!  
Кутдирдинг, ёмон кутдирдинг.  
Хижрон азобини шавқ-ла ютдирдинг.  
Йиқилдим. Бошимда устивор турдинг.  
Энди кет!

Хижрон йўлларида сочилди зарим,  
Кутдим ишқим ярим, умидим ярим.  
Бир-бир синиб битди қобирғаларим,  
Энди кет!

Энди кет. Шавкату шон ортиқчадир,  
Чанқаб қулагач, уммон ортиқчадир.  
Тиланиб тўкилгач нон ортиқчадир,  
Энди кет!

Энди кет. Бошқага дилингни ёргин,  
Алвидо, кўнглимда на гина, на кин.  
Энди кимга борсанг вақтида боргин,  
Энди...  
Кет!

*7 июль, 1996 йил.*

## **ОНАНГ КЕТМОҚДА**

Майса қайта қўклар,  
Йўллар қайта ўрлар,  
Дараҳт қайта гуллар  
Кўклам кўк пайти.  
Биргина одамлар,  
Пешонаси шўрлар  
Кетганча кетади,  
Келмайди қайтиб.  
Атрофда осойиш,  
Сокиндир тўрт ёнинг,  
Сен шошил, онангнинг  
Оёқларин ўп.  
Сочлари оқариб  
Жим ўтирган онанг  
Қайтмас йўлда кетиб  
Бормоқда шип-шип.  
Сени ўпаётиб  
Устинг ёпаётиб  
Ширин таъмлар тотиб  
Онанг кетмоқда.  
Тунда тошдан қаттиқ  
Боши ёстиғига  
Болишига ботиб  
Онанг кетмоқда.  
Огоҳ бўл! Қачонки  
Биз ундан толамиз,  
У қушдай беозор  
  
Учиб кетар жон.  
Учарки, учганин  
Сезмай ҳам қоламиз.  
Кувиб етолмаймиз  
Кейин ҳеч қачон!

*20 июль, 1996 йил.*

## МАЖБУРИЯТ

Она, менга не берсангиз  
Барин ўтказдим.  
Аждодларнинг бор шамойил,  
Шеваларини.  
Менам Сиздай тинмай  
Сабр дарахти ўтқаздим,  
Тоқат билан тердим  
Тоқат меваларини.

Барин бердим, нима бердим  
Эслолмаяпман...  
Таажжубки, ҳеч вақом йўқ,  
Шип-шийдам, хурмен.  
Сиздан мерос баланд бўйни,  
Озғин қоматни  
Қизимга беришга мажбурмен.

12 июль, 1996 йил.

## СЕН ЎЛМА ФАҚАТ!

Чида, тўкилмагин, оз қолди йўлим,  
Бу ёзганим балки, Сенга сўнгти хат —  
Сени мен топаман, топмайди ўлим,  
Сен ўлма фақат!

Гарчанд қуш, чечаклар кетди терс томон,  
Бизнинг шаън боғларда қўпди қиёмат.  
Биз қиёматдан-да чиққаймиз омон,  
Сен ўлма фақат!

Гарчанд юрагим ўт, билагим бардам,  
Фамнинг тойларини тахладим қат-қат.  
Лоладай кетгайман қайғузорлардан,  
Сен ўлма фақат!  
Ўқдай тик йўлларни қарс бурганимда,  
Ўқ томир дарз кетар, оғриқ билмас ҳад!

Фақат,  
Сени топай мен борганимда  
Сен ўлма фақат!

20 июнь, 1996 иил.

## ЎСТИР ХУДО ДЕГАН ШУ МАМЛАКАТНИ

Силкингин,  
Ўзингда бир наъра уйғот,  
Силкинсин ҳар томир, ҳар зарра, уйғот!  
Ўзингни ҳар куни беш карра уйғот,  
Жисму жонни уйғот,  
Уйғот ниятни!

Бирман деб чекинма, Оллоҳ минг қылгай,  
Тор нажот йўлидан қўрқма, кенг қылгай.  
Ерсан. У кўтаргай, кўкка тенг қылгай,  
Тик тизларга ўзи бергай қувватни!

Мозийдан тилсим шарҳ, хомалар келар,  
Тўфонда адашган кемалар келар,  
Эзилган, тўзғиган номалар келар,  
Ўзинг тиклагайсан бу сирли хатни!

Жазм эт, сарбадорлик кулоҳини кий,  
Билмайсан, қонингда қанча сир, ваҳий.  
Қонингда қичқирап қанчалаб доҳий  
Уйғотмоқлик учун одамиятни!

Сен эй, мизғиб, мудраб бораётган дўст,  
У қонлар жисмингни қилгайлар тўс-тўс,  
Ҳар лаҳзада уйғон!  
Ҳар лаҳзада ўс!

Ўстир худо деган шу мамлакатни!

2 апрель, 1997 иил.

## **БАЛКИ ГАНЖДИРМАН...**

Тошман.

Атрофимда юриб күрарлар.

Тегиб, у ён-бу ён суриб күрарлар,

Нимадан иборат ўзи бу тош деб,

Силаб, ўзларига буриб күрарлар.

Мен ўша тошдирман, оддий бир тош, бас,

Ёшлари кўзида қуриб қолган тош.

Фақат сел, дўл билан улоқиб кетмас,

Ўжар, ўз сўзида туриб олган тош.

Тун авраб айланар, ўргилади тонг,

Оллоҳ, сен уларга мени янчдирма,

Бироқ,

Улар менга бунча гиргиттон,

Ўзим ҳам билмасман, балки ганждирман...

Тошман...

Атрофимда юриб күрарлар.

*13 июль, 1996 йил.*

## **АГАР... СЕНСИЗ**

Туяйин,

Мен фақат Сени туяйин,

Сенинг ҳароратинг,

Сенинг қўлингни.

Бошимга гултожлар

Килиб кияйин,

Сен билан адашиб кетган йўлимни.

Агар йўллар

Сенсиз тўғри йўл бўлса,

Адашган йўлларда топай ўлимни!

*12 июль, 1996 йил.*

## **ФАҚАТ... БОБУР ЙИГЛАГАН**

Бошимга урайинми ўтар дунё шонини,  
Ү, күйган ўтларимда қайтадан куяйинми?  
Гулдан балдоқлар таққан жононларнинг жонини  
Бир сиқим тупроқ қилған дунёни суяйинми?

Менинг карвоним ҳорғин, кунботарга оғмоқда,  
Элас-элас келмоқда қўнғироқлар жарангি.  
Гарчанд бошим устида ой нурлари ёғмоқда,  
Холим шу қадар забун, ҳолим шу қадар тангки...

Йўқ, эзғин кўнглимдайин ёришиб борар осмон,  
Ёргу осмон остида, болажонлар, унгайсиз!  
Фақат... Бобур йиглаган... «Бу жаҳонга сифмасмен»,  
Шундан у йўқ жаҳонга сифиш гоҳо ўнгайсиз.

Бошимга урайинми ўтар дунё шонини...

*13 сентябрь, 1996 йил.*

## **МОЗОРЛАРИНГ БОР**

Кувон-у, кўкларга кетмассан учиб,  
Ерга тортиб турар бир торларинг бор!  
Фано зардобларин сўнг кунлар ичиб,  
Тўшак тортиб ётган беморларинг бор.

Кувон-у кўккамас, ерга қараб оқ,  
Ахир йитса кўкмас, ерга йитар тоғ.  
Бир вақт чечак сотган, гул сотган бироқ,  
Бир вақт виждан сотган бозорларинг бор.

Қайтгайсан. Ўзингни кўкка отиб ҳам,  
Эзғин хаёлларга бошинг ботиб, ҳам,  
Чунки... ерда, сим-сим йиглаб ётиб ҳам,  
Сени қўллаётган мозорларинг бор.

*3 марта, 1997 йил.*

## **УНУТМАЙДИ**

*Унутмас мени боғим.*

**УСМОН НОСИР**

Ҳамма унуганида ҳам  
Ерлар, кўклар унутмайди.  
Очганимиз кўзлардаги  
Қорачиқлар унутмайди.

Сийласа-да шеър, шону шахд,  
Гоҳ келди баҳт,  
Гоҳ кетди баҳт.  
Тик ташландик. Мўлжалга нақд  
Теккан ўқлар унутмайди.

Кўпни кўрдик, куюнганни,  
Садақадан суюнганни,  
«Оҳ, Оллоҳ!» деб тўйинганни  
Кўнгли тўқлар унутмайди.

Гарчанд эдик жони қиллар,  
Жанггоҳларда бўлдик филлар,  
Эрк йўлида қолган куллар,  
Қолган чўғлар унутмайди!

Тўфонларида исиниб,  
Бол деб ичдик қор, музини,  
Ўпдик. Лабимиз изини  
Туркий туғлар унутмайди!

*17 марта, 1997 йил.*

## **ТУРКИСТОН КЕЛДИ**

Юз-юз йиллар ўтаверди, босаверди қор,  
Эрк дегани шундай узоқ, бенишон келди.  
Сиртмоғида тиллабошлар, саланглади дор,  
Аждодларнинг кўрагидан лахта қон келди.

Эркка кўзин тика-тика кўзи ер ўйди,  
Қони билан ёзди, дариг, сўзи ер ўйди,  
Гадо бўлди, адо бўлди, ўзи ер ўйди,  
Оҳ, не жонлар эрк йўлида қурбон жон келди.

Улар ҳануз гўрларида тураг экан тик,  
Бу қон бизга ўтган ахир, шундан биз қасдлик,  
Бу қарз билан, бу қон билан ўла олмасдик,  
Шукур, кўрдик, биз кетмасдан Туркистон келди!

*19 марта, 1997 года.*

### **ДИЛ ҲАМ БОШ ТОРТАР ЭКАН**

Телба хоҳиш, мажнун ҳол,  
Баҳор лабга най қўйди,  
Мен йиглайман, мажнунтол —  
Кўнглим гапирмай қўйди.

Тушавергин кўқдан ой,  
Баҳор қўтарди туғин.  
Мен қандай байроқланай,  
Кўнглимга тушди тугун?!

Мен дердим дил чўкмагай,  
Дунё хоҳ кенг, тор экан.  
Дил ҳам ердан чиқмаган —  
Дил ҳам бош тортар экан...

*19 марта, 1997 года.*

### **МЕН БИРГИНА СЎЗ ЎСТИРДИМ**

Билмам қачон, қандай чуқур кўлларда чўқдим,  
Қандай узун, қандай ҳазин дардларни чекдим.  
Билганим шу, умрим бўйи экдим, мен экдим,  
Туркистоннинг даштларини ёриб чиқар Сўз!

Балки у сўз унаётир ернинг қаърида,  
Балки қасамдай тик терак куртакларида,  
Улуғ Темур болаларин кўкракларида,  
Ота туркнинг юкини кўтариб чиқар Сўз.

Ёв келмасин, келса агар жуфту тоқ бўлиб,  
Сўзлар ердан чиқиб келгай, тўсин тоғ бўлиб.  
Элимнинг жон жигарига кўзмунчоқ бўлиб,  
Дигар<sup>1</sup>ига чалғи бўлиб, ўриб чиқар Сўз.

Эрк йўли — кураш йўлидир,  
Эрк роҳларига  
Чиқар экан гард тегмасин элнинг барига.  
Кураш куйин куйиб элнинг қулоқларига,  
Тун бўйи оёқ учида юриб чиқар Сўз.

Оққан бўлсам ҳамки унинг пойида тинмай,  
Элга нафим кам менинг деб нечун ўксинмай.  
Мен биргина сўз ўстирдим,  
Мангу кўз юммай,  
Туркий элни балолардан қўриб чиқар Сўз!

6 апрель, 1997 йил.

## КЕЧИККАНЛАР

Чинқириги еру кўкни тўлдириб  
Ховлиқсан поездлар вақтдан кечиккан.  
Одамзод борини кўйгач олдириб,  
Кечикиб оёқقا қалқсан, куч йиқсан.

Мозий эшиклари бир-бир ёпилди,  
Бир шуъла қўринмас тим, ғовларидан.  
Чўлпондай тик, улкан дараҳт чопилди,  
Кечиккан дўстлари қуршовларида.

---

<sup>1</sup>Дигар — бегона, ёт.

Моҳларойим янглиғ ой бормиди ҳеч,  
Дунё шундай ҳур, фильтонларни кўрди.  
Кўрмади бошига тушаркан қилич...  
Оломон кечикди... қонларни кўрди!

Кўрди-ю, кўрмагандек ўзларини  
Тутиб ўтди улар, оҳ, тўзмадилар.  
Ўйиб олмадилар ўз кўзларини,  
Ўз қонларин шар-шар оқизмадилар!

Оллоҳ,  
Гумроҳ руҳимизга панжа ургайсан,  
Ўзинг эшиятгайсан бу асрий додни.

Қонларини ўзинг юриштиргайсан,  
Кечикканлар сутин эмган авлодни!

7 апрель, 1997 йил.

## ХАТО КЕТДИМ...

Поклайман деб дунёни  
Кирланиб битдим ўзим.

АБДУЛЛА ТЎҚАЙ

Кулган мен эмасман. Мен мас үйлаган —  
Сим-сим сирқираган сато, кетдим мен.  
Мозий қаърларидан инжу йигмаган —  
Бугунга сифмаган садо, кетдим мен.

Гоҳ тикан кўкларкан гулзорларида,  
Кўнглим ерга кирди озорларидан —  
Кир-чир қўллар тегиб бозорларида,  
Оҳори тўкилган мато, кетдим мен.

Пайдо. Шайдо эдим. Нопойт<sup>1</sup> айладилар,  
Баргу хазонимдан байт айладилар,

<sup>1</sup> Нопойт айладилар — ўлдирдилар маъносида.

Жайрондай жонимни сайд айладилар  
Жоним сайёлларга ато кетдим мен.

Дунёга нурли йўл солмоқчи эдим,  
Банди бўлдим. Гарчандки соқчи эдим,  
Дунё донгина кетказмоқчи эдим,  
Ўзимга доф тегди. Хато кетдим мен.  
Кулган мен эмасман. Менмас йифлаган...

5 апрель, 1997 йил.

### АЙТОЛМАДИМ...

Сизга ишқим юз ишқ эрди, мен бирин айтолмадим,  
Юз ишқим-ла юзлашолмай, бир сирим айтолмадим.

Балки сизам кўнглингизга чорлагандирсиз мени,  
Чиқдим. Бори четга чиқдим, бир кирим айтолмадим.

Ё кўзу ё сўз бирла ишорат қилмоқ, не тонг,  
Ё ошкор, ёйинки бир ёшурин айтолмадим.

Кўкламим кўклаб кетиб, ёз бўйи ёзғирдим-у,  
Тонг, узун кундуз ўтди, келди тун, айтолмадим.

«Тонгда айтмай, кундуз айтмай эссиз-а, эссиз умр,  
Энди тунда айтмагил», деб келди ун, айтолмадим...

2 июль, 1996 йил.



## **СУЛТОН ҚАҲРИНГНИ БЕР!**

«Бу фожиалардан ортиқ таъсирланган султоннинг онаси, аҳли аёли унга юкинди: «Аллоҳни ўртага қўйиб илтижо қиласиз. Бизни Ўзинг ўлдириб асирикдан қутқар!» У ношлож барчасини сувга чўқтириши амр этди».

*Шаҳобиддин Мұхаммад ан-Насавийнинг  
«Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти»  
китобидан.*

Султон, қаҳрингни бер,  
Қаҳрланайлик,  
Сўқилсин осойиш кўнгилнинг чоки.  
Султон, заҳрингни бер, заҳарланайлик,  
Бемормиз, бу заҳар соғайтсин токи.

Ёронлар!  
Биз ҳам би-и-ир султонланайлик  
Унинг йўлбарс руҳин ўзга ўткариб,  
Бўлайлик султонга суюкли қайлиқ,  
Султоннинг онаси бўлайлик, фариб...

Ҳатто  
Хаёлидан боряпман ўрлаб,  
Бизда-да би-и-ир яшаб, кўкарсин султон.  
Дунёга ларзалар соларак гурлаб,  
Туркий қавмларни кўтарсин султон!

Кодир Аллоҳ,  
Бир бор кечсин шундай ҳол,  
Кейин,  
Кейин майли, не ғам чекдирсин,  
Ёғий оёғида қилмасдан поймол  
Бизни онасидай...  
Хотинидай бизни...  
Дарё сувларида ўзи чўқдирсин.

29 сентябрь, 1998 йил.

## **ЮКСАЛИШГА МАҲКУМЛИК**

Масъулмиз ё  
Ё мажбурмиз депмас,  
Маҳкуммиз деб бу ҳолга ёндош.

Энди ерда судралмоқ эпмас,  
Энди ердан күтарилиди бош.

Боз эгилса,  
Бош учар тошдай.  
Боз эгилса, биз ўзи киммиз?  
Айрилмаслик учун ҳам бошдан  
Энди юксалмоққа маҳкуммиз!

Эй чирмашган!  
Кудратлан, куч топ,  
Юксак дараҳт — чақир тикан, хўл.  
Маҳкумлик бу — муқаррар азоб,  
Озодликка олиб чиқар йўл!

*29 сентябрь, 1998 йил.*

## **ЮБОРМАЙМАН...**

Майсаландим, оёғингни бос,  
Лаҳзани йиллайман, ушлайман.  
Ёйиламан бўлиб поёндоз  
Сени севиб, сени хушлайман.

Ёришиб борадир осмоним,  
Лаҳзаларни тишда тишлайман.  
Оёғингда поёндозман-у  
Нечун учайтган қушдайман.

Гарчандки, йўл ўлим, жар томон  
Ўзни қўйсам-да хатарларга,  
Ҳали сени

Кў-ў-ўп тўхтатаман,  
Юбормайман  
Сени жарларга!

29 сентябрь, 1998 йил.

## КЕЧАГИ ШАМОЛ

...га.

Бу кечаги шамол, ҳали тинмади,  
Бугунги шамоллар атрофида лол.  
Ў, унинг дастидан ким ўксинмади,  
Кимни куйдирмади бу арслоний ёл.

Тирқираб келаркан тегса барига,  
Йўлидан адашиб кумлар қайрилар.  
Тегиб тегмай ўтса япроқларига,  
Жонона дараҳтлар хушдан айрилар.

У бир қараганда — кўнгил тўяди,  
Тўйдирап дилнинг қир, қияларини.  
У бир кишинаб жинни қилиб қўяди,  
Дунёning жамики бияларини.

Айланиб бир келиб қолсами кўлга,  
Борлик-да, балиқ-да жонин беради.  
Бир айланса...  
Ўзин ололмай қўлга,  
Тик тоғлар эргашиб кетаверади!

Бу кечаги шамол...  
Бугун ҳам борми,  
Шундай бир шамоллар, орзу қиласарга  
Балки бордир...  
Балки биз сезмаганмиз  
Бу энди аёндир бугунгиларга.

6 ноябрь, 1998 йил.

## **МЕНГА ДУЧ КЕЛИБ ҚОЛСА...**

Менга дуч келиб қолса,  
Йўлбарс чиқар инидан.  
Шаҳд, сурони йўқолиб,  
Сирларидан айтади.

Менга  
Дуч келиб қолса,  
Пичоқ чиқар қинидан,  
Пичоқ ҳовридан тушар,  
Пичоқ дами қайтади.

Дуч келди...  
Куйди ойим...  
Ойдай юзин бурмади.  
(Сени сақлаш учунми)  
Менга қодир худойим,  
Сени йўлиқтирмади...

*29 сентябрь, 1998 йил.*

## **ЎЗИН ТОПМОҚ ИСТАГАН**

Мусулмонмиз  
Ҳар инсон  
Инсон тарафга юрсин.  
Бири-бирига пешвоз  
Имкон тарафга юрсин.  
Аросат саҳросида  
Саросар қолмасинлар,  
Ё таназзул, ё эса  
Шавқ, шон тарафга юрсин!

Дунёни ҳалол ёққа  
Бир қадам жилмоғига  
Инсаннг, юз қурбон бер,  
Юз малҳам бер, доғига.

Иненса, бир ҳамлада  
Қайта тирилмогига  
Сира иккиланмасдан  
Қурбон тарафга юрсин!

Талотүп дунё ичра  
Түзим топмоқ истаган,  
Минг ёлғонни оралаб  
Бир чин топмоқ истаган,  
Томирларида юрган  
Сүзин топмоқ истаган,  
Үзин топмоқ истаган  
Қуръон тарафга юрсин!

Мусулмонмиз,  
Хар инсон  
Инсон тарафга юрсин.

7 ноябрь, 1998 йил.

## ДЕМАККИ, СЕН ШОИРСАН

Нафақат...  
Үтсанг ёзиб  
Куз янглиғ сўлиб, озиб,  
Бозиллаган чўғ босиб,  
Қўрдаям ҳайқиролсанг,  
Демакки, сен шоирсан!

Олтинми  
Ё олмосда,  
Тиғда юролсанг, рост-да,  
Итқитса, оёқ остда,  
Тўрдаям ҳайқиролсанг,  
Демакки, сен шоирсан!

Нафақат,  
Қўтарса халқ,

Кўксингдан итарса халқ,  
Пешонанг намакоб, талх,  
Шўрдаям ҳайқиролсанг,  
Демакки, сен шоирсан!

Нафақат  
Зар, зўрларни,  
Узсанг, тўсин, тўрларни  
Чайқалтирсанг, гўрларни,  
Гўрдаям ҳайқиролсанг,  
Демакки, сен шоирсан!

2 ноябрь, 1998 йил.

## МУЛГИБ-МУЛГИБ УЗУН КЕЧАЛАР...

(«Онам хусусида қайғуларим»дан)

Дунёning бор заҳру заққумин  
Битта қўймай тотгоним-онам.  
Озгин елка-ёнбошларига  
Кўрпачалар ботгоним онам.

Ҳалимажоним — келади деб  
Кўзи йўлда кўкарган қушим,  
Муштдеккина жуссаси билан  
Фусса тоғин кўтарган қушим.

Оқ соchlарин ювиб-тарасам  
Сочларидай узайганим-а.  
Туриб, юриб кетмоқ бўласиз  
Чарх ургани, безанганими?

Босмай қўйган оёқларини  
Қаттиқ ерни қайириб бостири.  
Ёзмай қўйган қанотларини,  
Қодир Худо, бир марта ёздири!

Усиз ҳувиллайди күчалар...  
Күзларимда мангу қолар, жим.  
Мулгиб-мулгиб узун кечалар  
Оёқларин уқалашларим...

2 ноябрь, 1998 иил.

## ЭРК ЙҮЛИ

Бари ёлгон,  
Шу йүлгина чин.  
Бу йүлда юрмайсан, учасан.  
Фақат унда кетмоқлик учун  
Үзинг бор-йүғингдан кечасан.

Отланаркан тонг ёки кечда,  
Ичга түлдир ОЗОДЛИК куйин.  
Бор лаш-лушинг бирма-бир еч-да,  
Бошдан-оёқ ҲУРЛИКни кийин.

Бахтта түйин,  
Керак тамоми  
Мұхтожликтан үзни қутқармоқ.  
Худойимнинг тоза йүлида  
Қандай байрам кишансиз бормоқ!

Қайиролмас ҳеч ким шохингни,  
Қирқилади филофу қынлар.  
Бошингдаги бахт кулоҳингни,  
Бошинг олмай олмасинлар  
Олол-  
ма-  
син-  
лар!

2 ноябрь, 1998 иил.



## ХУЛОСА

Болам, сени мен эмас  
Она арслон эмизди,  
Она арслон күтарди.  
Сени эмизаётиб  
Миямнинг ич-ичидан  
Шундай хаёл ўтарди.  
Арслон күтарган бола,  
Илло, тулки бўлмай Сен,  
Аянч, кулгу бўлмай Сен —  
Бир кун арслон бўласан.  
Куш-у қуртларни эшишт,  
Бурд, бебурдларни эшишт  
Атрофингга йўласа...  
Қанот бергин, бергин пар  
Ҳеч ким тушмасин чўкка,  
Ҳатто судралган қуртлар  
Кўтарилисинлар кўкка!  
Сўнг бир хulosса чиқар:  
...Куртлар учса учсин-у  
Йўғон тортиб қолмасин.  
Куртлар ўзини Сенга  
Тенглаб, йўртиб қолмасин.  
Шундай хulosса қил Сен,  
Айланиб келганда гап  
Курт қуртлигича қолсин  
Арслонга қилмасин даф!

Арслон кўтарган бола...

2 октябрь, 1998 йил.



## **РУХИМ КҮТАРАДИ БАЙРОҚЛАРИНИ**

Дунё камбағални камситиб, ғажиб,  
Тағин бойитаркан байроқларини,  
Рұхим олиб қүяр бошимдан тожни,  
Рұхим күтаради байроқларини.

Қайдаки етимни етиб тишлийди,  
Дунё қантармаса каж итларини,  
Рұхим юрагимга қаттиқ муштлайди,  
Рұхим кия бошлар совутларини.

Топтала бошларкан шаңын, ору шонлар,  
Кир оёқ остига тушаркан оят,  
Бүгзимга келади күксимдан қонлар,  
Рұхим қон ичидан күтаради қад!

Ният бут. Албатта, етиб бораман,  
Бир кун хуш кун келар тонг ранги билан.  
Рўзи маҳшаргача кетиб бораман  
Қалқон совутларнинг жарангি билан.

*27 август, 2002 йил.*

## **ЭСКИ ДҮСТЛАРИМГА**

Эски йил ҳам ўтди, тикондир гулдир,  
Янги йил қучоғин ишқ билан тўлдир.

Гарчанд ҳар йилнинг баҳт, қайғуси мўлдир,  
Аларга қайғусин учратма, Худо!

Янги йил янгими қадрдонларсиз,  
Эски дўстларим-еъ чўкай Сизга тиз.  
Йўлларига ҳазрат Али солған из  
Хирқаларига лой сачратма, Худо!

Қодирсан, рёёни ростта айлантири,  
Мос келмас дунёни мосга айлантири.  
Ашаддий ёвин ҳам дўстта айлантири,  
Аларнинг кўнглига Сен ботма, Худо!

Шавқ бер-у, ғам берма, ўқинмасинлар,  
Қиличдай қадлари букилмасинлар.  
Боғлардай етилган, тўкилмасинлар,  
Аларни яйратгиш, қақшатма, Худо!

Мадад бер, сал ҳорғин учмоқларида,  
Ёй турма, тойдирма кечмоқларида.  
Янги йилнинг янги қучоқларида,  
Эски дўстларимдан ажратма, Худо!

То ўлим келгунча юрсинлар гур-гур,  
Қадамидан шамол ўтиб турсин ҳур.  
Ёлғиз кетар кунни орқароқقا сур,  
Аларни тариқдай сачратма, Худо!

19 декабрь, 1998 йил.

## ИНСОН АСЛАН БУЮК

Инсон аслан буюк, аслан бечора...  
Оҳим дилингизга йўл топса зора.  
Қўлингиздан келса қилманг овора,  
Шул ёлгиз инсонни тұхматга берманг!

Бир-бирини селу тошқин қўллайди,  
Қайда бўлса етиб, шошқин қўллайди.  
Бир-бирини бўри, қашқир қўллайди,  
Сиз уни синовга, муҳлатга берманг!

Кўпдир замонларнинг қимор ўйини,  
Қирқадир одамнинг эни-бўйини —  
Қўлингиздан келса кўринг тўйини,  
Уни ҳар қандай дор, хилқатга берманг.

Ўчмас деб ишонинг босган изига,  
Паноҳ деб ишонинг ўғил, қизига.  
Ўзига ишонинг, фақат Ўзига,  
Тушунтириш хати, тилхатга берманг!

Нопок дунёсидан кетмасин тўйиб  
Десангиз юрагин гижимлаб, ўйиб,  
Йиллар бўйи ўтмас пичоқда сўйиб  
Қадрсизлик деган калхатга берманг!

Инсон аслан буюк, аслан бечора...

*27 апрель, 1999 йил.*

### КУЙГАН НАРСА ҚАЙТА КУЙМАСМИШ...

*Куийиб бўлган нарса куймас қайтадан.*

*РАУФ ПАРФИ*

Куйган нарса қайта куймасмиш, мен лол,  
Сиз не учун қайта куйиб борасиз.  
Кеча либосингиз эди ул аёл,  
Бугун бошқасини кийиб борасиз.

Эртага уни ҳам ташлайсиз ечиб,  
Ул нафис туйғудан маҳрум бўласиз.  
Ва бир кун, баридан мосуво, кечиб  
Яланғоч кетмоққа маҳқум бўласиз.

*5 май , 1981 йил.*



## **МУҲАММАДНИНГ ЎЛИМИНИ ЭСЛАБ...**

Бошимни эгиб куйи  
музлаб қолдим далада,  
Қизғалдоқ йиглар юм-юм,  
жайрон йиглар жалада.

Қизғалдоқни ўзимга  
ийдиролмай куяман,  
Жайронга иссиқ  
кийим кийдиролмай куяман.

Бинафшанинг сасини  
тинглаб маъюс қия, қир  
Кўтармай бошчасини,  
йўқлайверар кимнидир.

Ёмғир йиглаб ёзар хат,  
йиглаб эғилар қайин  
Хаёлимда Муҳаммад  
шу бугун ўлгандайин.

*8 февраль, 2002 йил.*



# “ДҮЛДҮДҮРМАН”

китобидан

(2006)

---



*Қирқ үйл үтди. Мен тез бораман,  
Ранжиманғиз. Гувоҳ еру күк.  
Фақат олдин хат юбораман,  
Хатни... ҳали ёзолганим иўқ.*





## ЕРДА ҚОЛГАН СҮЗЛАРИМ

Үзни урдим ўтга-ю, чүкқа.  
Кимга ботдим,  
Ким менга ботди.  
Гоҳ байроқдай юксалдим күкка,  
Гоҳо поймол ерларда ётдим.

Давом этгай ҳали бу жангим,  
Бас келгайман зару зўрларга,  
Қанотимдан айирма, Тангри,  
Киргунимча қаро гўрларга.

Кирганда ҳам тинмас бўзларим,  
Бўлар улар шараф ё шарар.  
Менинг ерда қолган сўзларим  
Болаларни кўкка кўтарар!

11 июль, 2002 йил.

\* \* \*

Тоққа кетди, чўлга кетди карвоним, аммо  
Гўдаклигим ўтган дала-тузни топмадим.

Сурув-сурув бўлиб ўтди даҳшатлар, баҳтлар,  
Кўй суруви ортидаги изни топмадим.

Кейин хушрўй бўлгандирман ва лекин ўша  
Оқи — оқ, қизили — қизил юзни топмадим.

Атрофда ёр-жүраларим гужғон бўлди-ю,  
Мен деб юкни олар белни, тизни топмадим.

Онажоним, излаб ёшим бир жойга етди,  
Аммо Сиздан келадиган исни топмадим.

13 июль, 2002 йил.

## ОНА ЭЛИМ

Она элим дўстингга дўсту  
Душманингга хавфу хатарман.  
Жилғалардай чулдираб ўсдим,  
Илдизингдан келган хабарман.

Ёнган они ё сўнган они,  
Кетган борми меҳриннга қониб,  
Тонготарда сен деб уйғониб,  
Кунботарда сен деб ботарман.

Болам дединг ҳар коримда ҳам,  
Қувончimu озоримда ҳам.  
Бир кун... бир кун мозоримда ҳам  
Сени суйиб ўйлаб ётарман.

Сув сўрасам Сен узатдинг бол,  
Бир ғунчанг ҳам кетмасин увол.  
Билмагин деб тоабад завол,  
Боғларингга бўйлаб ётарман.

Камон, ўқли бўлгин, бўлма кам,  
Гўдакларинг кўрмасин деб ғам,  
Ёнимдаги шерикларга ҳам  
Пичир-пичир сўйлаб ётарман.

13 июль, 2002 йил.

## МИЛЛИЙ ВИЖДОН КҮТАРСИН

Ер тортса гар бағри  
Томирда қон күтартсан.  
Ер шохлаган сағирни  
Суяб, осмон күтартсан.

Тиклаб яна тикларни,  
Үйғотсан сулукларни,  
Қабрдан-да ўликларни  
Миллий виждон күтартсан.

Хар халқни ҳар банд-бандда  
Турмоги-чун баландда,  
Яссавий, Нақшбанддай  
Миллий туздан күтартсан.

Шу туздонлар бериб туз,  
Учсак-да бүш қанотмиз.  
Оллохга чўкармиз тиз,  
Бизни биздан күтартсан.

Ер тортса гар бағри  
Томирда қон күтартсан.

*24 февраль, 2002 йил.*



## ҮНГ ҚҰЛГА ҚАСИДА

«У чүнтағидан бир гижимланған қоғоз олиб узатди.  
Узатған қоғозни тиззамга құйиб гижимини ёздим.  
Үнда ёзувни энди ўрганаётған болаларнинг машқига  
үхшаш қинғип-қийшиқ ёзувлар бор эди.

Ёзувни бир амаллаб үқидим:

«Меҳнатни үнг құл қилади,  
Тилло соатни чап құл тақади».

Бу икки сатр Шұхраттің таржимаи ҳоли эди...

Бу икки сатр Шұхраттің орзу-армоналары эди...

Бу икки сатр ўксук қалбнинг аламли нидоси эди...»

*Сайд АХМАД*

Шұхрат бобо, дунёning қир,  
Үр иши ҳайратлидир,  
Кўзи очиқ, баъзан қилган  
Кўр иши ҳайратлидир.  
Сизни ҳар ким ҳар хил қўзда  
Кўриши ҳайратлидир,  
Гарчи дунёдан ўнг тараф,  
Ўнг қўл билан ўтдингиз,  
Бошингизга ёққан қорлар,  
Мўл-мўл бўлиб ўтдингиз.

Аввал уруш, сўнг қатағон,  
Бири-биридан оғир кун.  
Сўнгра тинчлик, тинчу совуқ,  
Бир-биридан кир кун.  
Ирода ҳам темир эмас,  
Тилдан қолдингиз бир кун...  
Тинч куңлар ҳам қай нокаслар  
Юрагингиз емади.  
Ёна-ёна кул бўлдингиз...  
Бирор «кимсан» демади.

Агар назар ўнгдан тушса,  
Ҳар иш мумкин экан-ку,

Ўз ўрнига тушар экан,  
Ҳар фишт, мумкин экан-ку,  
Қабрданам бош күтариб,  
Енгиш мумкин экан-ку!  
Фолиб бобом, қабул этинг,  
Шоннинг тўзмас патини.  
Ўнг қўлларнинг Сизга ёзган  
Табрик, тиловатини.  
Қадру шуҳрат юлдузларин,  
Сийрак кўрган кўзга шон.  
Авжи гуллар чоғларинда,  
Сориф тортган кузга шон.  
Ўксик бобом, Сизга шон-а,  
Фолиб бобом, Сизга шон!  
Иншооллоҳ, энди мангур  
Гуллагайсиз, бобожон.  
Ер остидан туриб бизни  
Кўллагайсиз, бобожон!

4 август, 2003 йил.

## ОЗОДЛИКНИ БЕРИБ КЕТИНГ

Келдингизми...  
Дунё оқу қора ранглар,  
Шул рангларга кириб кетинг,  
Тўймай қолсин кузатганлар —  
Босиб-босмай юриб кетинг.

Юк бўлса гар, баҳт юк бўлсин,  
Баргларингиз кўм-кўқ бўлсин,  
Кўзларингиз қуруқ бўлсин —  
Сархушликдан эриб кетинг.

Томирларни ўчлантириб,  
Бурчлантириб, кучлантириб.  
Қайгуларни кичрайтириб —  
Кўкракларни кериб кетинг.

Ёриқ, дарз топмасин ёғий,  
Болангизнинг боллашмоғин,  
Элингизнинг эллашмоғин—  
Тайинланг. Буюриб кетинг!

Фақат ерни мола қилиб,  
Умр ўтмасин вола қилиб,  
Болангизга бола қилиб —  
Озодликни бериб кетинг!

*6 апрель, 1997 йил.*

### ҲУРРИЯТ ТОЖИ

Не фидолар ўтди бу йўлда унут,  
Менам йўллардаги битта фидоман.  
Хайқираман, жонмас, эрк тожингни тут,  
Бугун ҳайқириққа дўнган нидоман.

Ҳамон қон томади яраларимдан,  
Ҳамон қизартирап изларим қорни.  
Менинг бу ҳайқириқ, наъраларимдан  
Сергак тортаётган бир бола борми?

Бу бола биларми бошидаги тож  
Ўзига келгунча кимлардан ўтган?!  
Бу тожни Қодирий юпун, яланғоч,  
Яланѓбош, қонига бўялиб кутган.

Қиличлар ўйнаган хор бошларида,  
Гарчанд, бугун сен тахт, шонни кўрасан.  
Синчиклаб қарасанг тож тошларида  
Силқиб оқаётган қонни кўрасан.

Унутма, бу юрт қон — шонларнинг юрти,  
Бу бахтта қон билан тўлангандир бож.  
Не олтин бошларнинг хокини кўрди,  
То Сенинг бошингга қўнгунча бу тож!  
Унутма!

*19 январь, 1997 йил.*

## ИЖОД СИРИ, ИШҚ СИРИ

Устоз Ойбек бир гал «Ёлғизмен, ёлғизмен,  
шундай ёлғизмен», деб изтироб чекадилар. Бир гал  
«Мен шеърият министриман» деб ҳаволанадилар.  
Яна бир гал ўзларининг суюкли аёли «Ойбеким менинг»  
китоби билан Ойбекнинг яна бир ҳайкалини тиклаб  
кетган Зарифаҳонимга ёзган ширин, ошиқона  
хатларининг охирида, «тентак руҳдан салом»  
деб қўядилар... Шундай одамни севмай бўладими,  
шундай отани, шундай ўғилни севмай бўладими?!  
Ойбекни севиш абадиян давом этади,  
Ойбекни ўқиш абадиян давом этади.

Устоз Ойбекка.

Бу катта-катта қўзлар қўзми ё катта исён,  
Дунёнинг гоҳи майда ишларидан ҳайратда.  
У минглаб харсангларга урилиб синмаган жон,  
У уриб турган юрак ўзи қолдирган хатда.  
Айтилмаган сўзларнинг қолмоғига офарин,  
Тилсиз сўзлаб... дунёни олмоғига офарин!

Кўзлар чақнар... кўнглимга ёмғир кирап, дўл кирап,  
У ўтган даҳаларга бошлайди менинг йўлим.  
... Йўлчи жасади узра Шокир ота гулдирап:  
«Унсин болам, қайғурма, бу жуда катта ўлим».  
Катта қувонч ва катта йифи бўлиб ўтдингиз,  
Халқимнинг бошда тутган туфи бўлиб ўтдингиз.

«Кумуш ўлиб қолди», деб қон йиғлаган Қодирий,  
Гулнор ичган заҳардан сизам ичиб қўйгансиз.  
Мен-ку ҳануз тушунмам, ижод сирин, ишқ сирин,  
Сиз тушуниб суйгансиз, сиз тушуниб куйгансиз.  
Куйиб кул бўлмай ўзни қай ўтларда ёқдингиз,  
Ўлган Йўлчига қандоқ ишқ узугин тақдингиз.

Йўлчилар, Навоийлар порлаб яшади Сизда,  
Ҳақ деб чопган элчига тўлди олди-ортингиз.

Дардига дардош юрак асраб кўкрагингизда,  
Ватаним деганларнинг энг олдида бордингиз.  
Юрт юкин кўтардингиз катта жонингиз билан,  
Эътиқоди тик Ўқтам, Анорхонингиз билан.

Бордингиз шу саф учун иккиланмай ўртаб жон,  
Бор бисот «наъматак»дай гулингизни бердингиз.  
Кейин... билмадик, бизни не бир ғафлат босган он  
Қай қабоҳатга бийрон тилингизни бердингиз.  
Мунис халқимга ҳам бу бўлгай мангу сабоқ, ун,  
Бошқа бийрон тилларин эҳтиёт қўлмоқ учун...

Бугун ҳам раиятда муддао ўша-ўша,  
Ки ҳар оддий инсонга эссин нажот шамоли.  
Биз ҳам ҳудди Сиз каби у билан жигаргўша,  
Бугун ҳам буюк орзу —кўрмоқ инсон камолин.  
Шу бирликка ўргатган Сиздек ҳар шон ўлмагай,  
Сиздек Даҳо ўстирган Ўзбекистон ўлмагай.

## ОНАЛАРИМИЗ

Ой нимадир, бизлар ой эдик,  
Соҳиб ақл, ҳур чирой эдик.  
Ҳаммадан тик, қайтмас бой эдик,  
Токи тирик, токи хиромон —  
Чўлпон экан оналаримиз.

Ўқ ўтмасди кўкрагимииздан,  
Ёвларимиз келмасди тииздан,  
Исинардик ўт ёқиб муздан,  
Токи тирик ўлим билмас жон,  
Қалқон экан оналаримиз.

Чанг солмасди ёвуз қашқир, барс,  
Рақибларам чиябўри тарз,  
Юрак синмас, кетмас эди дарз,  
Токи тирик, ёвга беомон  
Кўргон экан оналаримиз.

Воҳ бошланди қўрғонсиз кунлар,  
Ичга урди ўт, изғириинлар.  
Кимда қасос, кимдадир кинлар,  
Билмай қолдик, қай сабаб, қачон  
Ҳар ён тарқаб кетдик баримиз.

Ой нимадир, бизлар ой эдик.  
Чўлпон экан оналаримиз,  
Қалқон экан оналаримиз,  
Кўргон экан оналаримиз...

*11 ноябрь, 2000 йил.*

## БУ — БИЗ ЎЗБЕКЛАР

Боболар фаромуш, кўриб сиртмоқ, дор,  
Асрдан асрга ўтди юпун, эгик, хор.  
Сарсон шамоллар-да увлади зор-зор:  
Биз киммиз?

Бу — биз, шамол янглиғ изиллаб чопган,  
Сибирь, қаҳратонда бир-бирин ёлган,  
Минг аср ўтса ҳам аждодин топган,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Таҳқирлаб фақиру хоқонларини,  
Жаҳолат ёндирган Ҳўқандларини,  
Ёғийлар тунаған олтин, зарини,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Бобурлари кетган «Анда жоним»лаб,  
Нодираси куйган «Хонумоним»лаб,  
Ҳар бало-қазога митти жони даф,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Чиқишмай ўр бола, зўр болалари,  
Осмонларни туттган оҳ, нолалари,

Қонлардан кўпчиган тупроғин қаъри,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Тарихдан қолган мисоллар етарли,  
Қирпичноқда қадди доллар етарли,  
Пушаймонлар етар, уволлар етарли,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Шукур, бугун бошда ҳурликнинг тожи,  
Аммо Сурхонда ёв қолса ўт очиб.  
Мендек Шошда юриб оқарар сочи,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Шукур, бугун ҳурмиз, барчамиз озод,  
Кўнгил ўйларимиз, дарчамиз озод,  
Бугун Темурларин қилаётган ёд,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Бобомерос бизга дунёга чиқмоқ,  
Фақат орамизда бўлмагай сой, тоғ,  
Бизни бирлаштиргай ОЗОДЛИК — БАЙРОҚ,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Бир-бирин қувватлаб, бир-бири томон  
Талпиниб яшаркан ҳар муслим, ҳар жон,  
Ҳумо қущдай ўтдан чиққувчи омон,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Аёлларин ишқ-ла ҳоритадиган,  
Эркакларин сочин қор эриталиган,  
Навоийдек — доно қаритадиган,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Кесилган тилимиз, динимиз топдик,  
Сергак тортдик, оға-инимиз топдик,  
Ёлғон ранглар кўчди, чинимиз топдик,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Бугун Оллоҳга юз тутаётган халқ,  
Тикланиш тарихин битаётган халқ,  
Асрдан асрға Ҳақ деб ўтаётган халқ,  
Бу — биз, Ўзбеклар.

Қонлар кўп тўкилди, энди келгай шон,  
Бугун, асрдан асрға ёвкур, беармон,  
Кўздай Сарбон билан ўтгувчи карвон,  
Бу — биз, Ўзбеклар!

## МУҲАММАДНИНГ ЙЎҚЛОВИ

Бу қулаган тик теракми,  
Бўйларингми, Муҳаммад,  
Чумолидай одам босар,  
Тўйларингми, Муҳаммад?

Тўйинг бўлса менам борай,  
Нечун дилим ёрасан,  
Нечун ортга қарай-қарай.  
Ўзинг кетиб борасан?

Сен кетдинг-у бор дунёси  
Бўшаб қолди, укажон.  
Онанг сени тумаганга  
Ўхшаб қолди, укажон.

Онаизор, дўсти жондан  
Кетмаганинг чин чиқар,  
Аммо қачон Андижондан  
Энди сендай кун чиқар?

Андижонда кўтариб қад,  
Шошга шошиб ботдингми?  
Элкезарим, энди абад  
Турмас бўлиб ётдингми?

Шундай эрта бошлаб, эрта  
Сен тиндингми, жигарим,  
Ҳеч ким ета олмас ёғоч  
От миндингми, жигарим?

Олддаликка қасдма-қасдлик  
Бу тақдири ростми, ё?  
Ҳеч кимсага етказмаслик  
Даҳоликка хосми, ё?

Даҳо бўлмай кетгин, укам  
Қани даҳо бўлмасант,  
«Опажон», деб юрсанг қани,  
Қани эди ўлмасант?!

Кўзи ёшли, кўксин чоклаб  
Жайрон ўзин тифлайди.  
Қабринг узра қизгалдоқлар  
Қизларингдай йиглайди.

Юракларда юрмагини  
Оҳ, олдиндан билган қуш.  
Ҳар ўзбекниг юрагини  
Ўзиники қилган қуш.

Йўқлаганда бағрим тилик,  
Тилик-тилиkdir жоним.  
Мустақиллик байробини  
Кўтарганим, полвоним.

Кетар чоғинг айтмадинг-а  
Бирор сўз ё бир нидо.  
Ҳавзи кавсар бўйларинда  
Учрашгунча, алвидо!

Гарчанд полвон эдинг бийдай,  
Қуш бўл, чим бўл, энди Сен.

Ер остидан Яссавийдай  
Құлловчим бүл, энди Сен!

Бу қулаган тик теракми,  
Бүйларингми, Мұҳаммад?!

## ОЗОДЛИКНИНГ ҚҰЛЛАРИ

Онанг каби ўзинг билан  
Уни олиб юр,  
Боланг каби бир қадам ҳам  
Кетказма нари,  
Бу дунёни фақат  
Унинг билан баҳам күр,  
Мангу, құлларингга туташ  
Турсин құллари.

Дунё бир кам, ҳар хил келар  
Аллоҳнинг куни.  
Бош устингда бир кун қайғы,  
Бир кун гуллар шон.  
Онасиз ҳам, боласиз ҳам  
Яшаш мумкин-у,  
Озодликсиз яшаш  
Мумкин эмас ҳеч қачон!

21 июль, 2000 йил.

## БУЛАР — ВАТАН ҚОРОВУЛЛАРИ

Бу дараҳтлар дараҳт эмасдир,  
Лаҳза сайин ўсиб турмаса.  
Юртга ўтар совуқ шамолни,  
Қалқон бўлиб тўсиб турмаса.

Ўтиргандай чордона қуриб,  
Тасбеҳ тизиб бобокалоним.

Бу ўтирган тоғ ҳам тоғ эмас,  
Қай бурчидан бўйласа ғаним.

Менинг айтар сўзим сўз эмас,  
Ёвинг билан қилса муроса.  
Бу дала ҳам дала-туз эмас,  
Рақиб қадам босиб юролса...

Бехавфман деб дарё ёнида,  
Гарчанд бизга тинмай гув-гувлар.  
Ёвга асл аскар қонидай,  
Бирор сирни айтмас бу сувлар.

Тўнкарилган каскадай бу тош,  
Не бошларни ўлимдан сақлар.  
Сарҳадларда қораймоқда қош,  
Сергак тортар гулу гиёҳлар.

Бургути ҳам ёвга чов ураг,  
Кўр қиласи учиб куллари.  
Булар оддий мавжудот эмас,  
Булар — Ватан қоровуллари.

Бу туйгулар руҳга ботибди,  
Ватан, камлик қиласа бир жоним,  
Соқчи бўлиб ўсаётибди  
Уч жангари, ёвқур ўғлоним.

Бу дарахтлар дарахт эмасдир...

*17 апрель, 1995 йил.*

### **ВАТАН ЖИМ ТУРАДИ**

Ватан жим туради, аммо у ҳақда  
Тоғдан тушиб келган тош Сўз айтади.  
Бир садолар келар жим-жим куртакдан,  
Осмондан келган қуёш Сўз айтади.

Ватан жим туради. Байроби — ёниб,  
Бошидаги туғи айтади Сўзни.  
Мозийлардан келиб, чир-чир айланиб,  
Момомнинг урчуғи айтади Сўзни.

Ватан жим туради. Саболарининг  
Найларга қўшилиб бўзлари кўпдир.  
Саратон. Даشتдаги боболаримнинг  
Пастак чайлаларин сўзлари кўпдир.

Ерда бундай гўзал ер йўқ, ой йўқ, деб  
Кўнглим бир ойдинлик юқтириб турар.  
Ётмоқقا бундан-да иссиқ жой йўқ, деб  
Онамнинг мозори уқдириб турар...  
Ватан жим туради...

29 июнь, 2002 иш.

## ОТАМ МЕНИНГ

Кузакларим, баҳорларим эрта келган,  
Баҳорларда олқорларим эрта келган.  
Кутмаганда бол, қорларим эрта келган,  
Умматқулбой — эрта кетган отам менинг.

Қўш қавиқли тўнларини тўздирмай ҳам,  
Довруқ солиб, келганини сездирмай ҳам,  
Сувларида ўрдак, фозин суздирмай ҳам,  
Тўхтаган сой — эрта кетган отам менинг.

Кўксин яралаб турса ҳам не нокас, кир,  
Юкка елка тутаверган мисоли қир,  
Мингта ўқдан чайқалиб ҳам умрида бир,  
Тутмаган ёй — эрта кетган отам менинг.

Ў, дўстлар-а, отам-ку ҳеч ёзғирмаган,  
Айтмаган ҳам кўнглидаги бор сирлардан,

Фақат... бошга ёққан дўлу ёмғирлардан  
Чўккан сарой — эрта кетган отам менинг.

Ота десам, кўксим сим-сим қирқилади,  
Бу сўз икки дунёимни бир қиласди.  
Шу сўз мени ер қиласди, шеър қиласди,  
Умматқулбой — эрта кетган отам менинг.

21 июнь, 2002 йил.

## ЎЗБЕКНИНГ

Узун туylар ойларданам уёлган  
Аёллари толса севилиб толган,  
Қора кўзи бор юракка ишқ солган,  
Тоғлардаги жайронидир Ўзбекнинг.

Ойбарчини — бор Барчинидир,  
Эртакмас,  
Алпомишдан түғ олмаган эркакмас,  
Дўст юкига елка тутиб, тоғи — паст,  
Ҳама олам ҳайронидир Ўзбекнинг.

Уйларида фичирлайди ҳамон синч,  
Нодираси мозорида ётсин тинч,  
Ҳар боласи то сўнгги дам юкингич,  
У бир Каъба — вайронидир Ўзбекнинг.

Билмам. Оллоҳ гул берганми, ҳас берган,  
Не бўлса ҳам дилин сархуш, маст берган,  
Нодирага каниз бўлиб сас берган,  
Ҳалимаси, бийронидир Ўзбекнинг.

5 июль, 2002 йил.



## **БИЗНИНГ ЗАМОНЛАРДА ҲАМ**

Үпаман байроғимни. Юксалған иймонимни,  
Арзигайдир мен уни йўлларида бош қўйсам.  
Арзигайдир баҳш этсам Худо берган жонимни,  
Арзигайдир мен уни ичим, сиртимга кийсам.

У оддий байроқ эмас. У деб эллар куйинган,  
Қўтариlsa «миллий шон», тушса «миллий оҳ»дир у.  
Душманига бермасдан ўлганидан кейин ҳам  
Нажмиддини Кубролар ёпишган байроқдир у.

Байроқ бугун ҳам иймон-иймон сотилмагайдир,  
Қон кечган урушлар ё омон-омонларда ҳам.  
Иймон йўли битта, у қайта ўтилмагайдир,  
У деб жондан кечарлар бизнинг замонларда ҳам.

*24 февраль, 2002 йил.*

## **ЭРКДАЙ КЎТАРИЛАМАН**

Менга ерда тур дейдилар,  
Мен жойимдан жиламан.  
Мен жойимдан қўзгаламан,  
Эркдай кўтариlamан.

Улар мени ерга ураг,  
Мен осмондан келаман.  
Мен жойимдан қўзгаламан,  
Эркдай кўтариlamан.

Юрагимда қанот ўси,  
Учмасам тўкиламан.  
Мен жойимдан қўзгаламан,  
Эркдай кўтариlamан.

Тор қафасни синдириганман,  
Кўкда кўксим тиламан.

Мен жойимдан құзғаламан,  
Эркдай күтариlamан.

Күйлагим қон. Худди қизғиши —  
Байроқдай туюламан.  
Мен жойимдан құзғаламан,  
Эркдай күтариlamан.

Эрк қушлари түккан қонлар  
Бекор кетмас, биламан.  
Мен жойимдан құзғаламан,  
Эркдай күтариlamан.

*11 июль, 2002 ыил.*

## ЎЗИ КЕТДИ

*Сурхондарё. Давлат чегараларини  
ҳимоя қилишида қурбон бўлган йигитларга.*

Қулунларим, беташвиш, бедард болалар,  
Кипригига қўндиrmаган гард болалар,  
Ота-ерга қалқон бўлган мард болалар  
Оталар сорлочин, асраб, ўзи кетди.

Фирот бўлмоқ орзусида чопғанларим,  
Киндик қони томган ерни ўпғанларим.  
Оналари тилаб-тилаб топғанларим,  
Оналар оқ сочин асраб, ўзи кетди.

Синглим деса, юраклари куйғанларим,  
Сингилларни қўз устига қўйғанларим,  
Куёв тўнмас, тупроқдан тўн кийғанларим,  
Сингиллар гул тожин асраб, ўзи кетди.

Сиз ҳаммани асрadingиз, шунқорларим,  
Сизни асролмадик, шундан кўнгил яrim,  
Жаннати ҳур-ғилмонларга қовуштириб,  
Унда сизни асрагайдир Оллоҳ Карим.

Бунда қолган барча сиздан күч олади,  
Қасос қанот бўлса ер ҳам учолади.  
Ҳар бир ота Мангуберди бўлар энди,  
Ҳар бир сингил Тўмарисдай ўч олади!

Кулунларим, ёв инига ўт кетди денг,  
Эркнинг қашқирлари мажруҳ, мот кетди денг,  
Ҳар бирингиз учун мингин ер ютмаса,  
Кўнглимида Маҳшаргача дод кетди денг!

Кулунларим, беташвиш, бедард болалар!

## ТЕЛЕФОН

Ногоҳ Сизни кўргим келди, энгашдим,  
Номерингиз шошиб тердим, тезладим.  
Бирдан... бағрим тупроқ билан тенглашди,  
...Сизнинг ўлиб кетганингиз эсладим.

Телефонлар... биз ўтгач ҳам кўнгли хит,  
Анчагача етим бўлиб юради.  
Бир кун менинг номерим ҳам шу тахлит  
Битта дўстнинг фикрин адаштиради.

6 декабрь, 1986 йил.

## ТУРКИСТОН ТУПРОГИДА

... Баъзан Машраб саланглаб, осилиб турап Балхда...  
Хотиротдан жунжикиб, бўғзим бўғилиб талхда:  
— Ишшоллоҳ, — дегайман, Машрабин сўрар халқа, —  
Тикилмагай энди дор Туркистон тупроғида.

Бугун кўнгилга тушган барқ бизни кўтаради,  
Фиску фужур кирмас дил — берк, бизни кўтаради.  
Оллоҳдан умид шулки, эрк бизни кўтаради,  
Кизармагай энди қор Туркистон тупроғида.

Энди бойи бир-бирин кўзин чўқиб кетмагай,  
Шоирлари бир-бирин сўзин чўқиб кетмагай,  
Бирин чоҳ дарёсида бири чўқиб кетмагай,  
Йўқ денг поймол, йўқ денг хор Туркистон тупрофида.

Энди боғ булбул қолиб зофини сайламагай,  
Кўнгилни ёйламагай, кўз ёшни сойламагай.  
Энди фижжак ингриамас, най нола англамагай,  
Энди йиғламагай тор Туркистон тупрофида.

Деманг бири Чин-Мочин, бири Даشت-Қипчоқ бўлгай,  
Бир-бирининг юкига елка тутар тоғ бўлгай.  
Ҳар бири бўлмаганда Муқанна, Широқ бўлгай,  
Ҳар муслим тик сарбадор Туркистон тупрофида.

Энди турмоқ онидир, эй энди тикланмоқ они,  
Энди дунё кўражак туркий эл қалқанини.  
Энди болаларига бало келса, қалқони —  
Соҳибқирон туғи бор Туркистон тупрофида.

Энди эркнинг ҳавоси дала — тузни ўстирап,  
Иншоolloҳ, кўнгилда энди эркдай дўст турар.  
Энди ерпарчинмасмиз, энди бизни ўстирап  
Амир Темур руҳи бор Туркистон тупрофида.

18 февраль, 2000 йил.

## МЕНИНГ ҚАЙДИМ

Байроқقا юрагингизни  
Кўшиб илинг.  
Байроқда тоабад ўчмас  
Ўт бор, хат бор.  
Ерга эмас, кўкка қараб  
Сиз интилинг.  
Байроқда кўтариб кетар  
Бир қудрат бор.

Дил — байроққа айлансин,  
Бу менинг қайдим.  
Күтарилса Дуннинг йиртгич

Дўли етмас.  
Айланса у қушдай  
Ердан баландлайди.  
Ҳар пасткашнинг,  
Ҳар майданинг  
Кўли етмайди.

Байроққа айлансак,  
Тошкан,  
Урганчда ҳам  
Элига омонлик тилар  
Байроқларга.  
Кутлуғ боши кўкка  
Етиб турганда ҳам  
Оёғида эл йигилар  
Байроқларга.

8 июль, 2002 иил.

## МАРТАБА

Ботирлар ўтган Ватандан  
Ботирлар чиқсин, Худо.  
Англасинлар, бор синоат  
Бор сирлар чиқсин, Худо.  
Улуг оналардан мерос  
Мартабамиз оналик.  
Биз тебратган бешиклардан  
Бобурлар чиқсин, Худо!



## ТУШ

Мен тушимда қонли қўлларни кўраман,  
Қиши. Қон томчилаган йўлни кўраман.  
Бобомнинг ўлолмай қийналганларин,  
Жасади ўрнида кулни кўраман.

Алаҳсирайманми... иситмам чиқиб,  
Отам — тагин битта кулни кўраман.  
Магаданми, Тюмень шахталарида...  
Оёғида кишан, фулни кўраман.

Кейин... онам келар қуш янглиғ учиб,  
Саратонда жами жонзод сўлади.  
Дала. Дориланган сувлардан ичиб,  
Ўқариқ бошида онам ўлади.

Ўйлагандим онам отин бўлади,  
Тўлишиб ой бўлар, олтин бўлади.  
Ё Раб... У ўттизда ўтин бўлади —  
Илма-тешик ўпка, силни кўраман.

Бобом-поймол қулим, топиб келаркан,  
Отам кишан, фулин ўпиб келаркан,  
Онам кўзларини ёпиб келаркан —  
Ўзимни, кўнгли чил-чилни кўраман,  
Ингичка жони қил, қилни кўраман.  
Ўзимнинг ўрнимда — сумбати одам,  
Кўнгли ғамга ҳаммол, филни кўраман.

20 июнь, 1991 йил.

## ДЕРАЗАДА ЧИРОҚ ЁҚАМАН

Қайда бўлмай кунлабу ойлаб,  
Қайда тўхтаб қайдা оқаман,  
Тун кирдими йўлингиз пойлаб  
Деразада чироқ ёқаман.

Йигирма йил, ўттис йил, қирқ йил,  
Кўприкларим бўлса ҳамки қил,  
Ўтиб келиб ёришганча дил,  
Деразада чироқ ёқаман.

Кўнгил тўлуғ ишқ, имдодларга,  
Хуш қунимиз кўпdir ёдларга.  
Сизни бермам зулумотларга,  
Деразада чироқ ёқаман.

Ёрижон-а, турманг эгик, хам,  
Бизни абад тарк этмагай шам.  
Сўнг нафасим чиқатуриб ҳам  
Деразада чироқ ёқаман.

## КЕЛАЖАКНИНГ ЙЎЛЛАРИНИ СУПУРАМИЗ

Одам Ато зурёдлари йўлга чиқар,  
Момо Ҳаво зурёдлари йўлга чиқар,  
Бор-йўғимиз сув юзига, кўлга чиқар,  
Келажакнинг йўлларини супурамиз.

Супурамиз йўлда қор, қум қолмасин деб,  
Ҳар қадамда чалгувчи шум қолмасин деб,  
Оёқлардан тойдирап чим қолмасин деб,  
Келажакнинг йўлларини супурамиз.

Биз ютсак-да болаларга тегмасин чанг,  
Бизга тегсин, тегар бўлса ҳар қандай санг,  
Эгилсак-да, тўкилсак-да ҳолимиз танг,  
Келажакнинг йўлларини супурамиз.

Бошларимиз омон, қаттиқ тошга дўниб,  
Бор кирдикор ниҳон эмас, фошга дўниб,  
Фаррошга дўниб, барчамиз фаррошга дўниб,  
Келажакнинг йўлларини супурамиз.

10 август, 2001 йил.

## ПАРДА ОРТИДАГИ СУХАНДОНЛАР ёди

«Парданишони Сухангүй» тазкирасига ёзув

Парданинг ортида сўз айтганларим,  
Барин парда орти тортди комига.  
Сизни яратди-ю Оллоҳи карим,  
Рўбарў этдими синов домига.

Гарчанд қалин парда ортида толган,  
Бири Ҳирот, бири Балхдан чиққандир.  
Ишқи ишқ элига fav болар солган,  
Робияи Балхий ҳалқдан чиққандир.

Бир-бирин Мехри-ю Гавҳаршод бегим,  
Ҳамон ёмон кўздан қўриб ўлтирап.  
Эгачи опадай Увайсий ҳам жим,  
Моҳларойим сочин ўриб ўлтирап.

Кўз ўнгимда шу ҳол, навбаҳор фасли,  
Бугундан минг йиллар кетганман нари.  
Гўёки дунёга келмаган асли,  
Элимнинг қўли кир Насруллолари.

Улуф оналарим, сўзларим қайтди,  
Улуғмиз ҳар улуф жойдан-да энди.  
Мангур кўрадиган кўзларим қайтди,  
Халқим суринмагай майдонда энди.

Сўзингиз хокисор, сўзингиз тилло,  
Замонлар пардасин қоқ ёриб ўтгай.  
Халқнинг оналарин сўzlари, илло,  
Маҳшар кунигача ҳалқ билан кетгай!

20 марта, 2001 йил.

## МАНГУ ПОРЛАР ЎТ – ИККИ ШОНИМ

*Саида Зуннуновага.*

Саидахон, Саидахоним,  
Сизни десам титрайди жоним.  
Гарчанд ниҳон, кўздан нарисиз,  
Қандоқ малак, қандоқ парисиз.

Узун ҳаёт бўлди кўприк, қил,  
Бир жононга беролмади дил.  
Тушларида севиб, ийдириб,  
Ўнгларида ўтда куйдириб.

Бир эркакни этдингиз сарсон!  
Юз йил куйди сиз учун бир жон.  
Яна кимни —  
Эркакларнинг шўх, жононини,  
Ўзбекистон қаҳрамонини!

Булар ҳазил, чиндан келайлик,  
Уй кўрмади бошқа бир қайлиқ.  
Қувонч ғами қўшу қўш бўлди,  
Ёстигининг ярми бўш бўлди.

Тўлдиргувчи, ўлдиргувчи ишқ,  
Узун умр унга туш бўлди.  
Саидахон тунда у билан,  
Тонгда учиб кетар қуш бўлди.

Омон бўлсин жуфти — ҳалоли,  
Ундан ёдгор Нодира — боли,  
Деб бор умрин тиколган Инсон,  
Шул қадарли юксалган Инсон!

Ёдга тушар қалтис йилларни,  
Тиғда юриб ўтказганлари.  
Ёлғизликнинг тунларин тошда,  
Михда юриб ўтказганлари.

Үтди, қувиб ғам-шон үтдилар,  
Хар довондан полвон үтдилар!  
Үтди, аммо бир ох ўтмади,  
Юрагидан бир дөф ўтмади.

Шеър саҳнидан бошқа бир сокин,  
Саидадай булоқ ўтмади!  
Гарчанд ҳижрон, гарчанд фироқсиз,  
Эл онгига ёнган чироқсиз.

Мангу порлар ўт — икки шоним,  
Саид Аҳмад, Саидахоним!

### АСРА ОНАЖОНИМНИ

Унут, минг ғам, дард чекдим,  
Унудим тик шонимни.  
Фақат Оллоҳ, тиз чўқдим,  
Асра онажонимни!

Бошқа сўрамайман ҳеч,  
Касод қилма бозорим.  
Бир бор гуноҳимдан кеч,  
Асра онаизорим!

Бир қадам қўймоққа ҳам,  
Етмай қолса мадори.  
Оёгин ерга бостири,  
Асра, парвардигорим!

Дуо, манимни асра,  
Титроқ танимни асра.  
Барчани кўтаргунча,  
Эгилганимни асра!

Даргоҳингга боргани,  
Оқ бўлсин юзим, ойим.  
Бошимда кўтаргани,  
Асра уни, Худойим!

17 январь, 1999 йил.

## ЙЎЛДАН ТОЗА БОЛАЛАР КЕЛАР

Бўлди, етар!  
Ҳаволаниб, мук тушиб юрган,  
Фийбат, кинни шунда тўхтатинг.  
Ёлғон билан ўпишиб юрган,  
Ёлғон-чинни шунда тўхтатинг.

Шундан нари ўтмасин сароб,  
Йиқитинг, бўй, бўёқларини.  
Бошларида қуёш берсин тоб,  
Тошлиар ўпсин оёқларини.

Пайғамбарнинг пирлари дай тик —  
Дараҳтлар йўл четида турсин.  
Биби Фотмам беўй, беҳадик,  
Кушларини мунга келтурсин!

Шундан нари ўтмасин фириб,  
Булғамасин ҳавони гард, чанг.  
Тўсинг, қадам-бақадам юриб,  
Ҳар қадамни кирдан тозаланг!  
...Йўлдан тоза болалар келар!

17 январь, 1999 йил.

## ДЎСТ КЕЛАР

Ҳалол келсанг, кетар ғам,  
Хор кулбанг ҳам муҳташам.  
Қанча дўстинг кетса ҳам,  
Қолур қанча, дўст келар...

Бунёд бўлади йўқдан,  
Кўрқмайди камон, ўқдан.  
Шундай кун келар, кўқдан —  
Тушар ганжлар, дўст келар...

Билмай ойни-ю кунни,  
Майдонга солиб хунни,  
Сен деб танҳо, қўшинни —  
Йиқар, янчар, дўст келар.

Келсанг ҳаром, афсунгар,  
Гарчанд қуйгай, ўксингай,  
Иккиланмай қўксингга —  
Пичноқ санчар дўст келар...  
Шундай дўст келар, шундай...

*4 август, 2003 йил.*

## ФИФОН

Гул кетди. Ўрнига бошқа гул келди,  
Наинки дил, тоғу тошга гул келди,  
Хушбўйи, ранглари хилу хил келди,  
Онамнинг ўрнига она келмас, оҳ.

Йўқотгандим гавҳар, инжу, заримни,  
Бошқа инжу, зарлар ўпди баримни,  
Нажоткорим,- десам Оллоҳ Каримни,  
Деди: «У бир, бошқа дона келмас, оҳ».

Дунёни сув босса тўпиққа чиқмай,  
Гуркирардим озор, азият чекмай.  
Энди бир тош ўтмас ярамга тегмай,  
Энди унданай қўрғон, хона келмас, оҳ.

Гул кетди. Ўрнига бошқа гул келди,  
Наинки дил, тоғу тошга гул келди,  
Хушбўйи, ранглари хилу хил келди,

Онамнинг ўрнига она келмас, оҳ.

*13 апрель, 2001 йил.*

## ЁШ БУРГУТЛАР, ЭСЛАБ ҚОЛИНГ

Ёш бургутлар,  
Ёш сингиллар, ёш иниларим,  
Парвоз олди тағин шиддатлироқ силкининг.  
Ёш бургутлар, эркин шамол оғайнилари,  
Қанотларни ёзинг, ўтди жаҳолат туни.

Жаҳолатнинг туни ёвқур бобомни ютди,  
Сулув момом, қабоқлари бодомни ютди,  
Хурлик деган, эрк деган ҳар одамни ютди,  
Эслаб қолинг, ёш сингиллар, ёш иниларим.

Шукур, бугун қайга деса қўлингиз етди,  
Аммо узун-узун қўли чопилган ўтди,  
Ўткир кўзи қум сепилиб ёпилган ўтди,  
Эслаб қолинг, ёш сингиллар, ёш иниларим.

Шукур, бугун ҳурлик берган толе сизга ёр,  
Аммо не-не ҳурлик деган бошни еган дор,  
«Ҳурлик» сўзин айтгач тили кесилганлар бор,  
Эслаб қолинг, ёш сингиллар, ёш иниларим.

Чидамасмиз Ватанфуруш, ватанхўрликка,  
Кўтараркан байробини бош узра тикка,  
Биз сууриб юрагимиз бердик Ҳурликка,  
Эслаб қолинг, ёш сингиллар, ёш иниларим!

Тўккан увол қонларимиз Сизни кўтарар,  
Ўлик, тирик жонларимиз Сизни кўтарар,  
Қасосу, армонларимиз Сизни кўтарар,  
Эслаб қолинг, ёш сингиллар, ёш иниларим!

Қўлни қўлга беринг, занжирланинг, қалқингиз,  
Ҳурлик қанот бўлсин, ҳаволанинг, кўкланинг.  
Умид билан кўз тикаркан сизга халқингиз,  
Кулайдиган жон йўқ,

Жой йўқ,  
Фақат тикланинг!  
Эслаб қолинг, ёш сингиллар,  
Ёш иниларим!

22 декабрь, 2001 йил.

## БОЛАЛАРНИНГ ОНАЛАРИ

Бошларидан гул сочилсин, сочилсин зар,  
Сиқилмасин худди анор доналари.  
Болаларин баҳтин кўриб яйрасинлар  
Бу дунёда болаларнинг оналари.

Жаннат қушчалари хизматида турсин,  
Соврилмасин бирор гул нишоналари.  
Гўдагига алла айтиб тонг оттирасин  
Бу дунёда болаларнинг оналари.

Оллоҳ йўлларига яшил баҳмал ёпсин,  
Бемаҳал ҳувилламасин хоналари.  
Пайғамбарнинг қизларидаиз иззат топсин,  
Бу дунёда болаларнинг оналари.

Кўнглингизга етса маним зорим-зора,  
Бошимизга тождир койиш, таъналари.  
Фариштага айланади бора-бора  
Бу дунёда болаларнинг оналари.

6 май, 2004 йил.

## ОНАМ ХОТИРАСИГА

*Онам Қаршигул Хонназар  
қизи хотирасига.*

Қандоқ экан Боёвутнинг шамоллари,  
Софинчимни қабрингизга етказарми?  
Боёвутнинг янги терагу толлари,  
Бу софинчни танийдими, ўтказарми?

Отам қурган ўша ҳовли, ўша уйлар,  
Сиз кетгач, сўнг ўҳ-хўй... ёмон ҳувиллади.  
Ўйчан шотут. Мўлтираган қўзи-қўйлар,  
Хомуш Сизни излагандай туюлади.

Ўчоқ-тандир бари Сизни эсга солар,  
Эслатади хазонрезги, барг уюми.  
Ерга қараб «үҳ» тортади қўшни чоллар  
«Қаршигулдай кампир қайтиб келадими?»

Келмайсизми, кетмайдирми қўзимдан нам,  
Энди дийдор қиёматга қолдими лол?  
Энди ётган жойингизни мен силасам,  
Қабрингизни силаб-силаб келар шамол.

Қандоқ экан Боёвутнинг шамоллари...

12 ноябрь, 1999 йил.

### СИЗГА ИШОНАРДИМ

Сизга ишонардим болаларимни,  
Дилимдаги ниҳон нолаларимни.  
Кўзимдан оққувчи жолаларимни  
Сизга ишонардим.  
Энди қайтаман?<sup>1</sup>

Менам онаман-ку, ойларим чўкса,  
Болалар гоҳ келиб ғамларин тўкса,  
Бу ғамлар қиличдай қаддимни букса,  
Кимга тўкиламан,  
Кимга айтаман?

Йўқ экан-ку Сиздай сир сақлагич тоғ,  
Сиз ўзи мени ким қилиб кетдингиз?  
Ёлғиз-ёлғиз қилиб, дунёйи дунда

<sup>1</sup> Қайтаман — қандай қиласман маъносида.

Сирини тўқмас хум қилиб кетдингиз.  
Онам-онам-а?!  
Сизга ишонардим болаларимни...

12 ноябрь, 1999 йил.

### ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА

Тадбиркор аёллар тадбирли доим...  
Ўнгга бошқарилсин тадбирларингиз.  
Бирингизни икки қылсин Ҳудойим,  
Гулларга буркансин тақдирларингиз.

Тонг, сиз деб шу шеърни тўкаркан оқقا,  
Ҳазрати Хизрга дуч келсин дедим.  
Ватан юкларини кўтаришмоққа,  
Нозик елкангизга куч келсин дедим.

Эру ўғилларга қудрат, қанотсиз,  
Сизсиз шон бўлурми кўнгил шонлари?  
Пайғамбарни тукқан муҳтарам зотсиз,  
Бугуннинг Тўмарис, Курбонжонлари.

Биз бирга ювгаймиз кўнгил доғини,  
Бирлашса юртнинг қуш, гули жам бўлар.  
Кўтарғанлар ичра эрк байробини,  
Тадбиркор аёлнинг қўли ҳам бўлар.

Тадбиркор аёллар, тадбирли доим...  
Ижобатга ўтсин тадбирларингиз.  
Бирингизни икки қылсин ҳудойим,  
Гулларга буркансин тақдирларингиз.

14 май, 2002 йил.



## СЕНТЯБРДАН КЕЛАР ЧИНҚИРИҚ

*2001 йил Америкада амалга оширилган  
дашшатлы террор күнларида ёзилган...*

... Одамлар тириклай ёниб кетяпти!  
Худо ҳаққы ёрдам беринглар!  
Одамлар ўзларини ерга ота бошлишди!  
Хозиргина зиналар тўкилиб тушди.  
Энди нима қилдик?  
Одамлар тутундан бўғилиб ўляпти!  
Эй одамлар! Биз ернинг қаърига кириб  
кетяпмиз!!!

...Шу лаҳзада ҳақиқатан ҳам 110 қаватли биринчи  
бино тутдай тўкилиб, ерга кирди.

Ноябрь ҳам келди, бардам, тик  
Йўлни бахтга буриб кетяпмиз.  
Сентябрдан келар чинқириқ —  
...Ер қаърига кириб кетяпмиз!!!

Олов, қуюн олмоқда ўраб,  
Тепада оқ рўмоллар зув-зув.  
Мен кўрдим, дунё билан, ёраб,  
Дунёда энг қисқа хайрлашув!..

Ўт олган қиз гўшакни тутди,  
Видо сўзин айтмоқчийди ул.  
Ёниб кетди!  
Ўзинг айт, Оллоҳ,  
Шунчалар тез кул бўларми гул?!

Дунё ҳалқи ҳангуда манг, лоллар,  
Имконсиз гўдакдай турдилар,  
Чиндан суқсур эркак, аёллар  
Кўл ушлашиб ерга кирдилар.

Террор... Унинг юзи, кўзи йўқ,  
Унга фарқсиз бу Фарбми, бу Шарқ.  
Унинг элга айтар сўзи йўқ,  
Қилмиши бор, қўли қонга фарқ!

Ҳар тирик жон борини берсин,  
Қора кучдан қолмаса ҳам из,  
Шу чинқириқ уйғотаверсин:  
... «Ер қаърига кириб кетяпмиз!»

4 ноябрь, 2001 иил.

## БУГУН СЕНИНГ КУНИНГ

Бугун сенинг кунинг, онажон, она,  
Чечакларга тўлдир кўнгил юртини.  
Ўзинг қай беҳиштга бўлдинг равона,  
Бизга мангу бериб Мангубердини.  
Мангу кўринмайсан, мангу ёнасан,  
Жалолиддинларни туқсан онасан!

Темур шони қолди дунё тургунча,  
Томошага ерга тушди ҳатто кўк.  
Фақат сен кўриниш бермадинг унча,  
Сен шўх ороланиб кўринганинг йўқ!  
Ўзинг билганмидинг шон туққанингни,  
Туркий тупроқлара туғ тикканингни!

Навоий навоси жонларга инди,  
Юз-юз йиллар оша шоирлар олди.  
Алишернинг номин ўпдик, юкиндик,  
Сенинг номинг эса ниҳонда қолди.  
У келди. Ишқ бўлди, бир илоҳий байт,  
Кейин Ўзинг нега кўринмадинг, айт?

Сунбул сочларини қирқталаб, ўриб  
Гўдагин пойига тўшаган она.  
Дунёга қуёшлар, даҳолар бериб  
Ўзи ердай жим-жим яшаган Она.

Мұҳаммад жойламиш ҳикмат, шиорга,  
Шараф аввал она, онаизорга!

Она, эңг аввал сен шарафға лойик,  
Тоабад Пайғамбар севгисіда балқ.  
То она этагин ўпсин халойик,  
То бошда күттарсинге Онасини халқ.  
Озғин елкаларин қучиб күттарсинге,  
Жаннат жилғаларин кечиб күттарсинге!

13 науырь, 1999 йил.

### БИР ҲИКМАТ БОР

Жим оғочлар жим тоғ билан сирлашади,  
Қалдирғочлар япроқ билан сирлашади.  
Қалдирғочлар тупроқ билан сирлашади,  
Бир ҳикмат бор, бу онларда, бир ҳикмат бор.

Кексалари кенглик қылар, кенгаштиради,  
Түкү очни яқынлатар, тенглаштиради.  
Сочин ҳиди шамолларни әргаштиради,  
Бу сүлим қызы, жувонларда бир ҳикмат бор.

Музлари ҳам күнгилға ўт солиб кетар,  
Қаён кетса-шоён кетар, голиб кетар.  
Бизни қай музофотларга олиб кетар,  
Бу дарёи уммонларда бир ҳикмат бор.

Отда учса, ҳатто күкда қүш ўксинган,  
Курбонжони булут янглиғ тоғдан инган.  
Кенагаси Насрулладай касни енгган,  
Шу Туркистан томонларда бир ҳикмат бор.

Мусичалар полапонин «учир»лади,  
На оғоч, дил, сүяккача ғичирлади.  
Әшитдим, тошни ёрган Ўт пичирлади:  
«Бу әрк, омон-омонларда бир ҳикмат бор».

9 февраль, 2002 йил.

## УЛУФ КУН КЕЛМОҚДА

Бугун еллар күйчи Туранзаминда,  
Улар осмон, ернинг кучидан куйлар.  
Шаҳид қурбонларни ва болаларни,  
Ўсиб бораётган ўчидан куйлар.

Қиличдай тераклар, навжувон толлар  
Сирлашиб биз томон юраётгандир.  
Гўрларга-да ётиб эркин шамоллар,  
Майитлар ўрнидан тураётгандир.

Озод қүёш ўпар тошларимизни,  
Қабримиз, сабримиз, Сўзимиз озод.  
Эрк деб шарт кесилган бошларимиз-у,  
Эрк деб оқиб тушган кўзимиз озод.

Улар келиб орамизга киради,  
Хеч гап бўлмагандай ювиб қонларни.  
У жонлар қўзғолиб сафга туради,  
Ўлдириб бўлмас у қўзғолонларни.

Еrim, Сенга фақат ҳур нафас ургай,  
Синмас устунларни яширган қаъринг.  
Ҳар бирида шаҳид қонлар гупиргай,  
Майдонга тушганда тик болаларинг.

Улуф кун келмоқда, Толеинг қулган,  
Элим, танбур, рубоб, бор созингни чал.  
Фақат шу кунлар деб йўлда йиқилган  
Гўрдагиларни-да қутлайлик аввал.

Бугун еллар күйчи Туранзаминда...

29 июль, 2001 йил.

## МЕНГА АЙТАДИЛАР

(«Туркестон онаси» туркумидан)

Менга айтадилар, мустақиллик, шон,  
Бир омаддай келди. Нечун кулмайсан?  
Бүгзимга келади кўксимдаги жон —  
Санчилиб оғрийди кўксим, жилмайсам...

Жиззах вокзалида поездлар тақ-тақ,  
Тўплар халойиққа ўт очар тикка.  
Тўпга қалқон бўлар гулгун келинчак,  
Куёв Сибирь кетар, мардикорликка!

Нечун, бу — омад, — деб бўғизни йиртмоқ,  
Шоша-пиша ювмоқ саҳраган қонни.  
Тушимда илондай солланар сиртмоқ,  
Дорға осадилар Дукчи Эшонни!

Акани сингилга қайрайди тузум,  
Чавақланган Нуҳон тушимга кирав.  
Тушимда жаллод енг шимариб ҳар тун  
Тилим деганларнинг тилин суғурар!  
Қандогам ичимга беркитай, ютай,  
Бағрим қиймалаган нолаларимни?  
Кўксимга тош босиб қандоқ унутай,  
Тили суғурилган болаларимни?

Мустақиллик!  
Сенга мен келдим шонлар,  
Қонлардан кўпчиган далалар билан.  
Дорларда чайқалган Дукчи Эшонлар,  
Тили суғурилган болалар билан...

Менга айтадилар мустақиллик шон,  
Бир омаддай келди. Нечун кулмайсан?..

## КЕЛДИМ

«Қора күнлар» китобидан

Ақлимнинг измидан чиқаман ўзим,  
Сизсиз дунёсида, айтинг, нетаман?  
Уйга етиб-етмай қайтади изим,  
Сиздан келмай туриб, Сизга кетаман.

Майли бўрон қўпсин, қор уриб тиздан,  
Сизни жоним билан ёғаним-ёғган.  
То тирик эканман, атрофингида  
Жилгадай айланиб чопганим-чопган.

Бугун менинг борим тортиб олинган,  
Бугун барин Сиздан топгани келдим.  
Асир қушим, бугун Сизга солинган  
Кишанингизни-да ўпгани келдим.

Келдим...

21 ноябрь, 1995 йил.

## ТУРК ДУНЁСИНИ ЎНГЛОВЧИЛАР

Хижолатман, баъзан шундай хижолатли он келар,  
Бўлиқ дон деб топганларим хас-хашак, сомон келар.  
Бургутларни султон қуш деб, самолардан қидирсам,  
Улар ерда гўнг титкилаб, тумшуқлари қон келар.

Арслонларга кўзим тушди, ҳар арслонлар, ҳавасдан,  
Ҳайратлардан қотиб қолдим, асрасин деб, қафасдан.  
Ё Раб, улкан бу жонзодлар мен кўрган шу нафасда  
Бешовлашиб бир кийикни фажиб беомон келар.

Мерғанларим турналарни қийратибди осмондан,  
Зумда тўп-тўп тошчалардай турна кўпди осмондан.  
«Ер бизники, не туширсан тушсин, дебди-осмондан»,  
Ўткир кўзли бу мерғанлар... келиши ёмон келар.

Кимни чорлай, күтқаринг, — деб, келай кимни чақириб,  
Кимлар келса күкаради қўнгилларнинг тақири,  
Кимлар келса битиб кетар елкаларнинг яғири,  
Изтиробсиз яшамоқнинг замони қачон келар?

Гарчанд шу хил хаёлларда қовжирайман, гуллайман,  
Турк дунёсини ўнгловчилар келмоғини тилайман.  
Оҳим етар... Яссавий пир, Нақшбандий, Сулаймон,  
Хокисор Улуғлар бари гуррос биз томон келар.

Кўр кўзларимизни очгай қадамларин чанги, денг.  
Энди туркнинг далалари гулга киргай мангуда, денг.

21 ноябрь, 1995 йил.

## АВЛИЁЛАР

Мен агар кўрмасам, кўра олмасам,  
Кўзимни қуёшлар тўсаётгандир.  
Балки бу болалар орасида ҳам  
Буюк авлиёлар ўсаётгандир.

Аларнинг тушига балки киришиб,  
«Қаён кетмоқдасиз?» деб чекиб оҳлар,  
Асоларин ерга ниқтаб, уришиб,  
Келаётгандирлар Валиюллоҳлар.

Сувлар бузилганда сардобаларда,  
Бизмас, улар заҳар ютаётгандир.  
Тераклар саф тортиб саҳобалардай,  
Аларнинг келишин кутаётгандир.

Халоскор бўрондай улар туради  
Алғов-далғов қилиб ернинг устини.  
Улар ёмон ураг, қаттиқ уради  
Дўсти киприк қоқмай сотса дўстини.

Боболар дарёга солғанлар юган,  
Бугун борлар юган ташлар борларга.

Алдов болалаган, ёлғон урчиган,  
Улар киармикин бу бозорларга?!

Келсинглар, кирсинглар,  
Боримиз кўрсин,  
Кирдан фориг этсин ер йўлларини.  
Бироз ранги кетган оримиз кўрсин  
Ва... қоқсинглар имон довулларини!

Шунда балки барча  
Уйғониб, сачраб  
Фарқлай билармидик зиёни, зарни.  
Ва жаннат қушлари — болалар ичра  
Кўриб қолармидик авлиёларни.

11 декабрь, 2004 йил.

## ЭНАМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

*Онаизорим Шарофат Хонназар қизи 35 ёшларида,  
мен икки ёшдалигимда пахта даласида ўқариқдаги  
дориланган сувдан ичиб қўйиб вафот этганлар<sup>1</sup>.*

Ҳаёт қийин ҳаёт эди, ў, болама,  
Онанг тили новвот эди, ў, болама.  
Тирикликнинг бор юклари елкасида,  
Онанг аёл, ҳам от эди, ў, болама.

Сизлар унинг боласига ўхшамайсиз,  
Сочининг бир толасига ўхшамайсиз.  
Азаларда ҳиқиллашдан нари ўтмай,  
Унинг йўқлов, ноласига ўхшамайсиз.

Ўриш-арқов йигирмоққа қўлингиз йўқ,  
Ғамни бахтга ўгирмоққа тилингиз йўқ,  
Базмларда бало борми сиполикка,  
Наҳот бахтдан тарс ёрилгич дилингиз йўқ?!

<sup>1</sup> Муаллиф холаси Қаршигул Хонназар қизи қўлида тарбия топган.

Онанг юрса қувонтириб юрган ерни,  
Ҳамроҳ эмас, паноҳим деб ўтган эрни,  
Бир куз қув-қув... кўп йўталди, рентгенчилар  
Гуллаб кетган ўпкасининг расмин берди.

Қушмиди-ей яширди-я учганини,  
Кўчиб кетди кўрсатмасдан кўчганини.  
Куйиб кетдим, эшитганда, терлаб туриб  
Ўқариқдан дорили сув ичганини...

Дил овлащда мерган болам, ў, болама,  
Дориларга берган болам, ў, болама.  
Ул гўшани супурибми турмоқ учун  
Мендан олдин борган болам, ў, болама.  
Сизлар унинг боласига ўхшамайсиз,  
Сочининг бир толасига ўхшамайсиз.

10 октябрь, 1987 йил.

## ОНАМ ЁДИ

Болалигим. Авжи саратон.  
Дала. Тоғу тошлар куймақда.  
Онам ишга отланади тонг,  
Ранги ўнгиб кетган кўйлакда.

Нақ тақимда сочини сочиб,  
Боёвутнинг шамоли сангир.  
Вафо қилди биргина сочи,  
Эплай олмай рўмолда танғир.

Борар баланд бўйли, кулча юз,  
Бўй-бўй жувон, сирли сиёқда.  
Сўёлмадик уни қилча биз,  
Худо сўйсин энди у ёқда.

Эшитаман товушларини,  
Борар жаннат малакларидаӣ,

Тупроқ тўла ковушлари-ю,  
Ранги ўнган кўйлакларида...

27 июль, 2001 йил.

## ТОМЧИ ЁШ

Қаршиман. Бир томчи ёш тўкилмасин,  
Ерни кўзи ёшли эл босмасин ҳеч.  
Шамол кўнглимидан ишқни юлмасин,  
Юз-сўлим водийни сел босмасин ҳеч.

Жонингни титратиб чақади улар,  
Бехос ўт олдириб ичинг, қаърингни.  
Кўзинг кўрғонидан чиқади улар,  
Кулатиб киприклар, соқчиларингни.

Қаршиман... Томчи ёш этсин кўзни тарк,  
Томчилар кўшилса уммон пайдодир.  
Бу уммон ер юзин этгусидир гарқ,  
Эй инсон, уммондан омон қайдадир?

Қаршиман....

23 июнь, 2002 йил.

## ТИРИКЛИК

Бошингга қанчалар иш келиб кетди,  
Ўнг келди, не азоб туш келиб кетди.  
Чангали куйдиргич ишқ келиб кетди,  
Ўлмаган қул, кутлуғ бўлсин тириклик!

Танингни оллади тоғларнинг санги,  
Кўксинг поймоллади филларнинг жанги.  
Сен эса қайтадан ёшсан-у, янги,  
Ўлмаган қул, кутлуғ бўлсин тириклик!

Тизладингми, тур, амаллаб туриб ол,  
Чилвир билан белларингни сириб ол.

Алпомишининг пўстинига кириб ол,  
Ўлмаган қул, қутлуф бўлсин тириклик!

Энди нени нишон олсанг, тегар, ур,  
Худо қўллар, лашкарларинг енгар, ур,  
Алпомишининг Фиротига эгар ур,  
Ўлмаган қул, қутлуф бўлсин тириклик!

Майли гоҳо эгик, гоҳо тик қадсан,  
Аммо маглуб эмасдирсан минбаъд сан.  
То тириксан, енгилмассан, қурратсан,  
Ўлмаган қул, қутлуф бўлсин тириклик!

7 июль, 2002 йил.

## ХАЁЛ СУРСАМ

Мен хаёллар сурсам Лайливаш,  
Терак қўллар, тол ҳам қўллайди,  
Бир сатрлар келади жонбахш,  
Тик-у, қадди дол ҳам қўллайди.

Фақат бахтга юзин бурганмас,  
Дил ярим, кашал<sup>1</sup> ҳам қўллайди.  
Фақат кўкда учиб юрганмас,  
Тўшак тортган шол ҳам қўллайди.

Умматимнинг райҳон иси деб,  
Пайғамбари ҳалол қўллайди.  
Биби Фотимамнинг қизи деб,  
АЗончи қул Билол қўллайди...

Мен хаёллар сурсам Лайливаш,  
Терак қўллар, тол ҳам қўллайди...

5 июль, 2002 йил.

---

<sup>1</sup> Кашал — интиқ.

## **ТУРКИЙ СҮЗЛАР ЖОЙЛАРИДАН ҚҰЗҒОЛАР**

Мен оҳ урсам пайдо бўлар бир жанггоҳ,  
Учкур ўқлар ёйларидан құзғолар.  
Дала, тузда ўзин уриб, излаб роҳ,  
Кушлар қири сойларидан құзғолар.

Мен оҳ урсам фарёд солар кўкда моҳ,  
Фам фам чекиб тойларидан құзғолар,  
Фитна чоҳига тушганлар узар чоҳ,  
Оёқдаги лойларидан құзғолар.

Мен оҳ урсам ҳозир бўлар бир арвоҳ,  
У — онам. Тинч ўйларидан құзғолар.  
Мен оҳ урсам онам билан уриб оҳ, —  
Туркий сўзлар жойларидан құзғолар...

*14 февраль, 1996 йил.*

### **САЛОМ ГУРИЛЛАГАН ЎТ**

Салом дедим ёнмоққа,  
Салом, гуриллаган ўт!  
Мени қўймагин докқа  
Келгил, ёнгинамдан ўт.

Шундай ўт. Туташайин  
Сезиб-сезмай ўзим ҳам.  
Қирғофимдан тошайин  
Тошсин сабру тўзим ҳам.

Қайтадан олов олиб,  
Ёнайин бир чирсиllаб.  
Руҳим олча ниҳоли —  
Қайта келаркан гуллаб.

Ишонайин метин руҳ,  
Вужуду сўнгагимга.

Хали узоқ, узоқдир,  
Тўкилиш, сўнмагимга!

Салом, гуриллаган ўт,  
Йўқлаб тур, шундай, тез-тез.  
Кетаётган дўстларнинг  
Йўли хира тортган кез.  
Салом, гуриллаган ўт...

27 июль, 2001 йил.

## БОР ХУДОЁ, БИР ХУДО

Ё Худоё, бор Худо,  
Бошга ёғди қор, Худо.  
Келдимми деганимда,  
Қилмагин инкор, Худо!

Юрсин Худо, деганлар,  
Ҳалол луқма еганлар,  
Дилимни чин эгалла,  
Қонимга чин кир, худо!

Кўнгил бедард, шаън куни,  
Ишрат сўраган куни,  
Faflat ўраган куни,  
Қонимда чинқир, Худо!

Сув оқизгани кетди,  
Умр кузгами кетди,  
Ким чиқса чиқсин дилдан,  
Фақат сен кир, кир, Худо!

Майли ўт, майли қорсан,  
Кўнглим ичинда борсан,  
Жондан кейин чиқарсан,  
Бор Худоё, бир Худо!

27 июль, 2001 йил.

## **КУТИШ**

*(Баллада)*

Билмам, тұғримиди ва ёки хато,  
Үғилласин уч кун кутдирди ота.

Уч кун унга умид боғлади етим,  
Уч кун кир енгига йиғлади етим.

Кейин... ота кутди. Уч йиллаб кутди,  
Күзи ёшдан хира. Филтиллаб кутди.

Чиқиб кунчувокқа, том орқасига,  
Софинчларни экди томорқасига.

Кейин... ўттиз йиллаб күзи йүл ўйди,  
Кейин күрмай қолди. Күзиям түйди.

Сўнг тимирскиланиб чиқди сўрига,  
Ўлди. Шу юқ билан кетди гўрига.

Сўнг...  
У ҳам умр бўйи бўлганмиди хит,  
Улар-чун ув тортди ҳовлидаги ит.

*16 декабрь, 2002 йил.*

## **НАҚШБАНДГА БОРИБ КЕЛГАНИМДАН СЎНГ**

*Ёлизининг ёри Худо.  
Халқ мақоли.*

Рұхим бошдан-оёқ оҳорли кийди,  
Қай ишга уринсам ишим келар ўнг,  
Юлдузлар тун бўйи оят ўқийди,  
Нақшбандга бориб келганимдан сўнг.

Билмам қайга кетди кўнглимдаги дод,  
Ўмровин кўтарар суринган дил — от.

Япроқлар тонггача айтар тиловат,  
Нақшбандга бориб келганимдан сүнг.

Буржларим бир боғдай ҳамалга кирди,  
Кўнглим капалакка бўйинса, бирдир.  
Бомдод намозига қушлар ўтирди,  
Нақшбандга бориб келганимдан сүнг.

Қилдай кўрмай қўйдим филдай фанимни,  
Унудим минг тилик руҳим, танимни.  
Унудим юз тубан йиқилганимни,  
Нақшбандга бориб келганимдан сүнг.

Ҳар ҳужайрам сим-сим уйғонаркан жим,  
Келдим, мен дунёга қайтадан келдим.  
Ҳар ёлғизга Худо ёр экан, билдим,  
Нақшбандга бориб келганимдан сүнг.

14 октябрь, 1995 ишл.

## БУХОРОЛИК ОМОН АКА...

(Ҳазил аралаш)

Омон Мухторнинг 60 йиллик  
юбилейида ўқилган.

Омон ака, бухоролик Омон ака,  
Қирчиллама қирқдасиз-у ҳамон, ака.  
Шош қизлари, асал қизлар айлантирас,  
Кўз ташламайсиз-а, улар томон, ака.

Утрашувлар, там-там қизлар қолаверар,  
Ҳамон янгамулло Сизга жонон, ака.  
Адабиёт, ишқа бир жон етишмайдир,  
Худо Сизга ато этмиш минг жон, ака.

Оллоҳ яна бу минг жонни шундай асрар,  
Йўқ, олтмиш йўқ, бу ёшингиз гумон, ака.

Мана шундай, кўз қуидириб юраверинг,  
Бошингизга тушмасин ғам, тумон, ака.

Янгамулло, ҳали бошга ёғмайди қор,  
Ишқ боянида ака билан гуллар теринг.  
Фақат юзга кирганида Омон Мухтор,  
Унга қизлар чой дамласа, рухсат беринг.

Бу юзгача... юзда яна гаплашамиз,  
Бу чолларни осонликча бермаймиз биз.  
Ўтмай қолсин сизсиз унинг бирор куни,  
То юзгача ўлимга ҳам берманг уни!

Омон ака, бухоролик Омон ака,  
Шош қизлари етолмаган олтин, олмос.  
Бухоро санамлари ҳам обқололмас —  
Не тилсимсиз, янгамизга сабр, ака.  
Аёлларга жабр ака, жабр ака,  
Омон ака, бухоролик Омон ака.

22 декабрь, 2001 иш.

## ДЕМАК

Эй босқинчи, Сен огоҳ бўл,  
Дема ким кимдан ўтар,  
Болаларнинг устига йўл  
Менинг устимдан ўтар.

Майдасидан йириги мўл,  
Олучаси, ўриги мўл.  
Далаларнинг устига йўл  
Менинг устимдан ўтар.

Умидвор бўлма, бағритош,  
Қўзлардан дув тўкилар ёш.  
Жолаларнинг устига йўл  
Менинг устимдан ўтар.

Шундай!  
Мен тирикман ҳали!  
Түшмаган бир түгмам ҳали,  
Йүлингда ғов, тикман ҳали,  
Камонимда шай турар ўқ,  
Демак, босқинчига йўл йўқ!

18 май, 1999 йил.

## ОЛЛОҲ КЕЧИКТИРСИН

Бу — кунботар, қизғиши алвон кўринган  
(Ботиши олдидан қуёш қизарар).  
Келдик. Қайтажакмиз дунёи дундан,  
Кетиши олдидан одам тозарар —  
Оллоҳ калом берсин айтар вақтингиз,  
Ўзи кечиктиурсин қайтар вақтингиз!

Ҳали Сизга не сир шивирлайди шом,  
Бургутдай хезланар шиддат, кучингиз.  
Жимирилаб турибди кўлингизда жом,  
Илоҳо, сўнгига қадар ичингиз!  
Оллоҳ булбул қилсин сайрап вақтингиз,  
Ўзи кечиктиурсин қайтар вақтингиз!

Тўлишиб борасиз тўлин ойлардай,  
Тақдир ёқангизга зар гул битади.  
Елиб бораётган суксур тойлардай  
Кунларингиз гуррос солиб ўтади.  
Илоҳо, чўзилсин ой, зар вақтингиз,  
Ўзи кечиктиурсин қайтар вақтингиз!

Сўнг онингиз қадар яшангиз гуллаб,  
Сўнг ... эл айтиб юрсин айтганингизни.  
Кун келса, болангиз кўрсин-у, илло  
Отангиз кўрмасин қайтганингизни!  
Мўралаб турса-да талх, тар вақтингиз,  
Оллоҳ кечиктиурсин қайтар вақтингиз!

6 июль, 1996 йил.

## **ҮХШАЙДИ**

Мен онамга разм солсам  
Эгик дарахтга ўхшайди.  
Рүёси күп дунёсида —  
Ёлғиз у нақдга ўхшайди.

Озғин-озғин бармоқлари,  
Хорғин-ҳорғии бормоқлари.  
У күрпача солган сүри —  
Тенги йўқ тахтга ўхшайди.

У кетганда кўклам кетар,  
Келса дилим кўклаб кетар.  
Мен эмас у йўқлаб кетар,  
Тўкилмас шаҳдга ўхшайди.

Боғи кетган девор ошиб,  
Ариси тинмас бол ташиб,  
Айвонида қуш ухлаши —  
Тушга, фарахга ўхшайди.

Йўқ тама, озори унинг,  
Койишлари дори унинг,  
Бу дунёда бори унинг —  
Байрамга, баҳтга ўхшайди.

*11 ноябрь, 2000 йил.*

## **БАЙРОҚ ТУТҚИЧИГА БИР ОЯТ ЁЗДИМ**

Байроқ тутқичига бир оят ёздим,  
Кўтаргувчи қўлга ҳимоят ёздим.  
Бергувчи-ку оллоҳ, мен шояд ёздим,  
Ўқиб кўтарсин деб байроқдорларим.

... Байроқقا етмаган кўл келди, кўрдим,  
Кўмири конларида қул келди, кўрдим.

Оёғида кишан, фул келди, күрдим,  
Бирма-бир түкілди ўтмиш зорларим,

Чүлпон шу байроқ деб зор-зор юради,  
Усмон ақлдан озган, қаҳ-қаҳ уради.  
Тұнлар келиб шеърларимга киради,  
Улар менинг рұхий мададкорларим.

Мен йиғлаб байроққа лабимни босдим,  
Хотирам ўлмайди, ўлмайди қасдим.  
Байроқ тутқичига бир оят ёздим,  
Үқиб күттарсın деб байроқдорларим.

*21 июль, 2001 ыил.*

## **ХАЙРЛАШМАЙМАН**

Ороландим. Яна күп яраландим,  
Бүзладим. Бүз билан хайрлашмайман.

Хазон боғларини күп ораладим,  
Сарғайдим. Куз билан хайрлашмайман.

Күп сепдим. Ачишди дил яраларим,  
Барибир, туз билан хайрлашмайман.

Дунё тошларига күп суриндим мен,  
Мункидим. Тиз билан хайрлашмайман.

Қоришиб кетған қиши, ёзим ичидә  
Тетикман, муз билан хайрлашмайман.

Рўзи маҳшаргача мен билан кетар,  
Сиёху сўз билан хайрлашмайман.

Бу жаннат, дўзахда мени ушлаган  
Сиз борсиз. Сиз билан хайрлашмайман.

*10 февраль, 2002 ыил.*

## **МАЖНУНТОЛ**

Мажнунтол, эй, эгиб шох,  
Сен кимларга сир айтдинг?  
Баридан бўлдим огоҳ,  
Ўн айтдингми, бир айтдинг?

Сириңни сувга солма,  
Баргингдан ғам арисин.  
Бир сириңни ололмай,  
Ёш дунёлар қарисин.

Сен ҳам кўзинг ёшини  
Ҳеч ким кўрмас бир найсан —  
Фақат, ишқинг яшириб,  
Мендай йиглай олмайсан.

*9 февраль, 2002 йил.*

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ХОТИРАСИГА**

Бўйдор бир дўст кетди. Келди бўйдор ғам,  
Куюндим. Бўтадай бўзлаб йиғладим.

Айрилиқ — юк. Босди. Фичирлаб синдим,  
Қуюн ичга урди. Музлаб йиғладим.

Фақат олдга оқар дарё эканмиз,  
Қайтмас дарёларни излаб йиғладим.

Рўзи маҳшардами энди кўришмоқ...  
Ўзим ўз-ўзимга сўзлаб йиғладим.

Ҳазин-ҳазин найнинг ноласи келди,  
Менам шул нолага мослаб йиғладим.

Бу кеч тик теракка суюнганимча,  
Кетган дўстларимни эслаб йиғладим.

*29 январь, 2002 йил.*

## **ВАТАНГА АРЗИЙСАН**

Толиққанлар қўксингда бургутларинг,  
Ўчиб бўлган гуриллаган ўтларинг,  
У чақирса... зумда чўёлана олсанг,  
Шунда, шунда сен Ватанга арзийсан.

Шон бермоқ-чун бир парча чўл, ё тоққа,  
Жон бермоқ-чун шу Ватани олмоққа.  
У чақирса ...зумда ўқлана олсанг,  
Шунда, шунда сен Ватанга арзийсан.

Бир кун қабрда ётсанг ҳамки поймолсан,  
У чақирса... зумда тиклана олсанг  
Ерсан, аммо учиб қўклана олсанг,  
Шунда, шунда сен Ватанга арзийсан.

*29 январь, 2002 иил.*

## **ДЎСТ БЎЛОЛСАК**

*Муҳаммад Пайғамбаримиз айтдилар: «Бу дунёда менга уч нарсани дўст этдилар: бири — аёллар, иккинчиси — муамматар ҳидлар, учинчиси — намоз пайти кўзимнинг равшаниги».*

*Ином ат-ТЕРМИЗИЙ*

Боғларимиз бўлса ҳамки қушлик, гуллик,  
Ёстиғимиз гоҳ тошдир, гоҳ силлик,  
Оллоҳ берган бу мартаба учун қуллук,  
Агарда биз дўст бўлолсак Муҳаммадга!

Майли, бахтим, майли пушаймоним дегай,  
Боламдаги оқаётган қоним дегай,  
Дунё бизга энгашар-у, жоним дегай,  
Биз дунёни олиб кетсак муҳаббатга.

Пайғамбарлар берар бўлса бизга сазо,  
Бор ошиқлар юкингай ишқ шарҳин ёза,  
Бу дунёга бало келмас, келмас қазо,  
Аёл тирик юрса, деган бир ҳикматта.

Сехру сабоғларимиз устида юрсин,  
Доф ўлдик. Доғларимиз устида юрсин.  
Қошу қабоғларимиз устида юрсин,  
Алар бизни лойиқ кўрса бундай баҳтга.

Бу дунёга келиб топган бор заримиз  
Шу ишқ эди. Гуллатган оғочларимиз,  
Йўлларини супурсин-а соchlаримиз,  
Агарда биз дўст бўлолсак Мұҳаммадга!

*16 февраль, 2002 йил.*

## **БЕШИК ҚОШИДА**

*Тўнғич набирам, суюкли –  
Мирзо Анварга.*

Оёқ-қўли бешикка  
Боғлиқ болам, тургайсан.  
Ҳали Сенинг измингда  
Юргай олам, тургайсан.

Сен йўлга кетарсан деб  
Хозирлик кўрап карвон.  
Осмоннинг пештоқига  
Сен деб қўйилар нарвон.

Суянчигим, тоғлиғим,  
Заргаримсан, заримсан.  
Бугун ерга боғлиғу,  
Эрта — кўк оларимсан.

Бешигинг тик. Қүшқанот,  
Гуллари ўйдим-ўйдим.  
Исириқ солиб бомдод,  
Кўзмунчоқ тақиб қўйдим.

Уйқунгга назар солдим,  
Болишинг парқу парлар.  
Ботирлар ҳам жанг олди,  
Сендай мизғиб оларлар.

*8 февраль, 1993 йил.*

### **ТАСКИН**

Дунё фирром. Аммо ҳалол  
Дўст бор. Топсанг бўлади,  
Худди офтоб, худди ҳилол  
Сўз бор. Ўпсанг бўлади.  
Дунё бири камлигидан  
Дод солмагин, биродар,  
Кетар чоғ ҳам, тобутингга  
Бўз бор. Ёпсанг бўлади.

*7 август, 2002 йил.*

### **НИМА ОЛДИНГ?**

Ақлим танибман-ки тинмай  
Чархга солдинг, эй дунё.  
Айлантиридинг, билмам қандай  
Омон қолдим, эй дунё.

Қиммат сотиб, арzon олмоқ  
Аввал-охир муродинг,  
Мени қиммат сотдинг, пулга  
Нима олдинг, эй дунё?

*1 июль, 1996 йил.*

## **ФОРАТ УЙ**

Дилимни түрт ёқдан тортқиладилар,  
Бири сўзим еди, бири кўзимни.  
Бу курашлар мени салт қиласилар,  
Мен узиб оламан Ўзимни.

Гарчанд мен — фисқ-фасод, форат қилган уй,  
Синчларим майишиб, мункиб толаман.  
Қалдирғоч қайтадан менга қуарар ин,  
Тикланиб оламан.

Энди балиқ бўлиб тутқазмайман дум,  
Бошин силаганим бошимни янчди,  
Кўксин кўтарганим кўксимга санчди,  
Кўзимга сепилди менга сирдош қум!

Энди меҳру мурувватга  
Кўйилажак чек.  
Соф жойим йўқ. Таъмагир, кир  
Қўллар шилибди.  
Кўкда одамлардан қочган  
Ойдек, Зухродек  
Бир форат уй сузиг юрса  
Нима қилибди...

*1 июль, 1996 иил.*

## **ДЎСТИ ЖОН**

*Маҳбубаҳонимга.*

Шон йўқотган, шон топганман,  
Тинмаган маним жоним.

Аросатга, ўрталикка  
Кўнмаган маним жоним.

Еру осмон ўртасинда  
Йўл юрсамда мўл юриб...

Битта дўсти жон топганман,  
Бу — шу Маҳбубаҳоним.

Маҳбубаҳон, хоннинг қизи,  
Хонзода дўст, дўсти жон.

Сиз деганда тикланди жон,  
Юксалди жон, ўсири жон.

Бирга ўсидик, сўлдик, яна  
Гуллаб яшнадик бирга.

Шукур, жоним дўстим, шукур,  
Сизни берган тақдирга.

8 август, 2003 йил.

### АЛАҲСИРАШ

га...

Ё Раб, суюндим қай bemador дастга,  
Кўк эдим, лойландим, айландим хасга.  
Чўқчи деб чирмашиб, куладим пастга,  
Сен жарми эдинг?

Водариг, мен кимга очгандим қучоқ,  
Учар чоғ осмонни эсламас учоқ.  
Охири, охири сўйдинг бепичоқ,  
Ханжарми эдинг?!

7 июль, 1996 йил.



## **ТАБРИК ГУЛИ**

Бераверинг табрик гулини  
Хушлаганга, хушламаганга.  
Уни беринг  
Күттаролмай қолган қўлини,  
Оёқлари ишламаганга.  
Менда бор шундай ишонч, туйғу,  
У ақдлини ақддан оздирап.  
Қўлларига ҳасса бўлар-у,  
Оёғини ерга бостирап.

*29 сентябрь, 1998 йил.*

## **АЙТАМАН**

Энди айтсам дардимни,  
Айтмаганим — айтаман.  
Қайт деганим — мардимни  
Қайтмаганин айтаман.  
Айтаман бу дунёда  
Яшаб бўлмаслигини,  
Ташвиши кўп зиёда  
Бўшаб бўлмаслигини.  
Бугун Момоҳавога  
Ўхшаб бўлмаслигини,  
Жуфтинг пойига сочинг  
Тўшаб бўлмаслигини.  
Зориқтирса висоли  
Далли дарё мисоли  
Тўлиб бўлмаслигини,  
Сўлиб бўлмаслигии,  
Ўлиб бўлмаслигини...

*29 сентябрь, 1998 йил.*

## ТҮЛҚИН ЮВАР ҚИРФОҚНИ

Түлқин ювар қирғоқни,  
Намчил ерни, қурғоқни,  
Нечун яна қурмоқни  
Истайверасан, күнгил.

Ишқ-ку дарду, саволинг,  
Хам гуллаш, ҳам заволинг,  
Нечун яна севмоқни  
Истайверасан, күнгил.

Тупроқ-ку асл эга,  
Одам тан олмас нега,  
«Меникисан» демоқни  
Истайверасан, күнгил.

*1 март, 1997 йил.*

## ОЛЧА ГУЛАГАН ПАЙТЛАР

Олча гуллаган пайтлар,  
Сиз неларни эслайсиз...

Хеч йўқса бир дуч келиб,  
Сиз йўлимни кесмайсиз.  
Зорман қадамингизга  
Унут боғман, кезмайсиз.

Воҳ армон-а, дунёдан  
Ўтаяпман сезмайсиз.

Олча гуллаган пайтлар...

*1 март, 1997 йил.*

## **НАҲОТКИ**

«Даҳшатли ёз» китобидан

Мен кетсам, ким?  
Кўрқув кўксим ёради.  
Кетсам, музларда исиниб чиқар ким?  
Ким кул орасидан қад кўтаради,  
Харобазорларда униб чиқар ким?  
Ким  
Дўзах, ўтларда кетмайди эриб,

Пиёдага дўнар шоҳлик, тузликдан  
Бор ҳавони бошқаларга  
Қўшкўллаб бериб  
Ўзи ҳалок бўлар ҳавосизликдан?!  
Ёлғиз жони...  
У ҳам Оллоҳга эҳсон,  
Шундан балки жонин  
Ололмайди дор.  
Наҳотки дунёда мендек саргардон  
Ўтиб борар бошқа  
Девона ҳам бор?

Наҳотки...

*9 апрель, 1997 йил.*

## **СЕН ОЁҚҚА ТУРИБ ОЛ**

(«Даҳшатли ёз» китобидан)

Тасодифан йиқилдинг,  
Ер бағирлаб тушдинг чўк.  
Қушларинг кетди Сендан,  
Эшитилмайди чаҳ-чаҳ.

Аммо, сен тиззалидинг —  
Ҳеч ким кўраётган йўқ.

Аммо, тураётибсан —  
Буниси қандай фараҳ.

Тушларинг ҳам кетганди,  
Энди қайтади тушлар,  
Тағин Сени ишқ ушлар.  
Тағин бошланар сени  
Суйиб тавоғ этишлар,  
Кўз устига қўйишлар.

Фақат, йиқилған пайтда...  
Ёлғизлик жондан ўтар.  
Ўзин четроқقا олар  
Қариндош-да, нари-да.  
Туриб улгурмасингдан  
Улар бирма-бир етар  
Болниг ҳидини сезган  
Фужғон асаларидаи.

Сен энди қўзғолавер,  
Оёққа тик туриб ол.  
Бизгача шундоқ бўлган,  
Шундоқ бўлажак мангур.  
Мен қозонга уринай,  
Пиёлага солай бол,  
Асалхўрларни уйдан  
Оч чиқаролмайман-ку!

2 октябрь, 1998 йил.

## БЎЛМАС

Бири чангланмаган,  
Қай бири чангли  
Гуллар келаверди янги ва янги,  
Менга уннаб қолди  
Уларнинг чанги.

Мен ўзимни артиб  
Кўймасам бўлмас.

Булбуллар беҳиштий,  
Қарғаларки ғар,  
Улар мени тонгдан  
Куршар-у, қуршар.  
Баридан этакни силкиб,  
Силкиб бар,  
Мен ўзимга тартиб  
Кўймасам бўлмас.

Билмам нохушми у  
Ё хуш даммиди,  
Теграмда инсу жинс  
Бари жаммиди,  
Ё шўр тортаётган  
Пешонаммиди,  
Наҳот шўру талхга  
Тўймасам бўлмас.

Суриндим... сиримда  
Сир кўрганлар йўқ,  
Бошимда гултождай  
Ўтирганлар йўқ,  
Дардларини менга  
Ўттирганлар йўқ.  
Энди ўтда ўзим қўймасам бўлмас.  
Энди...  
Ўтда ўзим куймасам бўлмас.

2 октябрь, 1998 йил.



## **ОЛЛОХ БИР СИР, СИНОАТ БЕР**

Оллох, бир сир, синоат бер,  
Күкни олай учмай туриб.  
Күрсатсанг дунёни күрсат,  
Боғлиқ қўзим ечмай туриб.

Куйди куним, куйди ойим,  
Хато кетди ўқ-у ёйим.  
Тўғри йўлга сол Худойим,  
Ажал тўним бичмай туриб.

Куч бер, бир илоҳий, майнин,  
Кудрат бўлиб уйғонайин.  
Ер сувига бир қонайин,  
Ажал сувин ичмай туриб.

Оллох, бир сир-синоат бер...

*13 сентябрь, 1996 йил.*

## **ДУННИ БИР ҚАЛҚИТИБ ОЛГАНДАН КЕЙИН**

Қачондир ўчар-ку ёнган ҳар бир шам,  
Қуёш ҳам ботар-ку, биз ботсак, не зам?!?

Фақат ўртада биз ўтни ёндирысак,  
Қор ёндирысак, ёмғир, хутни ёндирысак,  
Яrimни ёндирысак, бутни ёндирысак,  
Ҳайқириб дунёни уйғотсак, не зам?!

Дунё қашқирлари таомил бузиб  
Ўлтирса биз билан машварат тузиб,  
Не гунг юракларни тилга киргизиб  
Отмаган тонгларда биз отсак, не зам?

Келдик. Кетажакмиз. Дунёси билса,  
Эмраниб биз томон бир қадам жилса,

Сүзларимиз қилич, тилса-ю, тилса,  
Дарди йўқ дилларни қонатсак, не фам?

Ёвузлик этилган ман кечаларда,  
Икки одам — икки гулхан кечаларда,  
Оловлар чирмашган шан кечаларда  
Суйиб, юлдузга биз сўз қотсак, не фам?

Гул бўлсак-да шохи бўронда синган,  
Бағр бўлсак-да қонли, яра, юлинган,  
Дунёнинг бор ишқи ичиг бўлинган,  
Ичилмаган ишқдан биз тотсак, не фам?

Минг ўлиб, тирилиб «Шашмақом» куйин  
Чалган эй азиз дўст, юксалгин, суйин,  
Дунни бир қалқитиб олгандан кейин  
Куёш ҳам ботар-ку, биз ботсак, не фам?!

10 февраль, 2003 йил.

## ҚАМИШЛАР

Дунё ғофил, ундан кўп иш ўтмоқда,  
Кимдан кўклам, кимдан қор, қиш ўтмоқда.  
Қарқара найлигин ўзи ҳам билмай  
Гуркираган не-не қамиш ўтмоқда.

Ўзи шундай. Билмаганлари — баҳти,  
Билғанларин баҳти остин-устиндир.  
Оллоҳ, улар бўлсин сабр дарахти,  
Ожизман. Уларни Сен овут, кўндиндир.

Най бўлмоққа ҳамон умид боғларлар,  
Ортга қайтмаса ҳам йиллар, очунлар.  
Бу қамишлар узун-узун йиғларлар,  
Айниқса оқшомлар, айниқса туналар...

6 июль, 1996 йил.

## ТАВБА

Гулдан күнглим қолганини мен моға айтдим,  
Вазирларнинг ёлғонини подшоҳга айтдим.  
Кунгай ёқса қийшаланглаб ўсган бутоқни,  
Йўлни эгри олғонини тик шохга айтдим.

Тонгга айтдим, қоронгулик, тун ўраганда,  
Тоқса айтдим боғ бир-бирин сенсираганда,  
Зебуннисо илонлардан сут сўрагандай,  
Аждаҳодан шикоятим тимсоҳга айтдим.

Хутга айтдим, майса, ўтни кўкаарми деб,  
Кўкартмоқса ер борарми, кўк борарми деб,  
Тупроқ кўпган пиёдани кўтарарми деб,  
Оёғи узангидаги ҳамроҳга айтдим.

Бир томири қилт этмади!  
Етмади Уним.  
Бу дунё — даргоҳ эмас, дардоҳ экан, иним,  
Барчасидан юрагим қон, қақшаган куним  
Барчасин худога солдим, Оллоҳга айтдим.

Мен моҳ дедим, ер тишлатдинг, поймол гил бўлдим,  
Подшоҳ дедим, пайҳон этдинг, хароб қул бўлдим.  
Сендан ўзга халоскорга кўнглим кетган кун,  
Руҳ, вужудим талқон этдинг, куйиб кул бўлдим.

Тавба қилдим!  
Бугун ҳавас на шухрат, на шон,  
Тавба сўзи томир ёяр тилимга энди,  
Мен кўрликдан тупроқ бўлган, тирқираган жон,  
Жон ато эт,  
Жон ато эт, қулингга энди!

30 июнь, 1996 йил.

## **БИЛМАБМАН**

Саратоним суреб, ёвуқ келди куз,  
Жазирамада ҳам титраган қалбман.  
Сизсиз саратон ҳам ичиаркап муз,  
Мен буни билмабман.

Сизсиз шамол бузар қўргон, қалъамни,  
Ҳуркак гўдагимни ўксисб суюман.  
Қулоғимда титраб турган ҳалқамни,  
Кўздан панароқса олиб қўяман.

Кўнглимга сифмайди, кўзимга сифмас,  
Тўйкан шўр ёшимда тойиб бораман.  
Шаму шаън ҳақида ўйламай қўйдим,  
Фамдан ҳеч камим йўқ, бойиб бораман.

Ишқни мен ишқ дебман, дебман висол, қўрк,  
Дод, ёд эканини билмабман.  
Ишқ — озодлик экан, экан қўргон, эрк,  
Ҳаёт эканини билмабман.

*29 июнь, 1996 йил.*

## **ОЛАСАН**

Оллоҳ,  
Навбатсиз юбординг, навбатсиз оласан,

Патли қушинг эдим, патсиз оласан.  
Кимдан олмоғингни муҳлат, вақти бор,  
Кимдандир мудом муҳлатсиз оласан.

Тиф кимгадир ошкор, кимга зимдандир,  
Оҳим туздан эмас, оҳ ичимдандир,  
Ҳисобли оласан балки кимдандир,  
Кимдан ҳисобу ҳужжатсиз оласан.

Олганда, тешгудай ернинг қаърини,  
Қўпоргудай йироқ осмонларини,  
Дунёнинг ҳайқирган полвонларини,  
Гўдакдайин қурбсиз, шахдсиз оласан.

Наъраси лашкарни кетса ҳам суриб,  
Тўфондай босса ҳам отин солдириб,  
Шоҳаншоҳ ҳам билмас, тожин қолдириб —  
Олганда уни ҳам тахтсиз оласан.

Навбатсиз юбординг, навбатсиз оласан...

2 июль, 1996 йил.

### ОТА ҲОВЛИМ

Анор офтоб ёқда юз бурган,  
Шафтолисин гули ним пушти.  
Сен отамнинг юзини кўрган,  
Сенга онам излари тушди.

Ота ҳовлим, қўргоним, ҳовлим,  
Жондан азиз кўргоним, ҳовлим.  
Айвонлари иссиқ, аёвлим,  
Ёдга отам сўзлари тушди.

Аввал отам кетди тобутда,  
Кейин онам ўтди булутдай.  
Ўтирсам-да сиртим сукутда,  
Дилим ёнди, бўзлади, тушди.

Ҳовлидаги бир ариқча сув,  
Ариқчага йифладим дув-дув.  
Эридими, билмадим, ёху,  
Сувга ёшим тузлари тушди.

Боғдан отамнинг саси келди,  
Уйдан онамнинг иси келди.

Мұзтарим келди, маъюсим келди,  
Ёдга онам күzlари тушди.

Эсга тушди қирда, қияда,  
Юрганлари отда, туяда.  
Сўнг ғинғиллаб офтобрўяда  
Ип йигирган кезлари тушди.

Ота ҳовлим, қўрғоним ҳовлим,  
Жондан азиз қўргоним ҳовлим.  
Айвонлари иссиқ, аёвлим,  
Ёдга онам күzlари тушди.

Ёдга отам сўzlари тушди,  
Ёдга онам күzlари тушди,  
Дилнинг соғинч, музлари тушди.

*21 декабрь, 2001 йил.*

## ОЛДИМДАН ОҚҚАН СУВ

*Онаизорим Қаршигул  
Хонназар қызи хотирасига.*

Яшамоқ фарофат, яшамоқ азоб  
Бекорга эгилмас сиздан бошқа кўк.  
Кўнгилларин овлаб умрим бўлти соб,  
Сизнинг кетишингиз хаёлда ҳам йўқ.

Олдимдан оққан сув, беқадр сувим  
Умрида бир яйраб ёзилмаганим.  
Бор туриши шафқат, бори сир сувим  
То қуриб қолгунча сезилмаганим.

Бошқалар ёнимдан кетмасин дебман —  
Вақт топиб уларга борибман тонг-кеч.  
Бошқаларга озор етмасин дебман —  
Сизга ҳам етишин ўйламабман ҳеч.

Бошқаларга чопдим шаҳар, кентда мен —  
Бир қайтариб, ё бир кесатмадингиз.  
«Менам ғаниматман, менам кетаман» —  
Деб нечун бир бора эслатмадингиз?  
Онам, онам-а?!..

13 июль, 2002 йил.

### САРКАРДА

Ҳали борлар бор деб жон узар экан  
Сиртта боқиб, боқмай ичга, қаърига.  
Ҳали бойлар бойга жой тузар экан  
Жулдир, қашшоқларни суриб нарига.  
Буюк жангү жадал давом этади!

Бўлаверса очнинг шармандалари  
Тўқнинг бирор қингир, бирор фари йўқ.  
Урчиб, ўсаверса нафс бандалари,  
Йўқсил бўлаверса борган сари йўқ —  
Буюк жангү жадал давом этади!

Фил зил юкин чумолига оргса-ю,  
Ночорга балолар йўллайверсалар.  
Борлар ниҳоли-да йўғон тортса-ю,  
Йўқсил чинорлар-да қулайверсалар.  
Буюк жангү жадал давом этади!

Борлар айш-ишратда қусаверса маст,  
Хорлар титраб турса борнинг сасидан.  
Мен аёл эмасман,  
Шоир ҳам эмас —  
Мен шу жангнинг қилич саркардасиман!  
Буюк жангү жадал давом этади!

26 ноябрь, 2004 йил.

## **ВАТАН САРИ ЙЎЛ**

Бир тонг боғлар куртаклар, гуллар,  
Қишининг аҳволи танг қолади.  
Шовқин-сурон ичра гувиллаб,  
Биз кетамиз, Ватан қолади.

Тағин бойиб, аслан бойлари,  
Боз баландлаб баланд ойлари,  
Тиник тортиб лойқа сойлари,  
Биз кетамиз, Ватан қолади.

Асли бор йўл — Ватан сари йўл,  
Асли бор йўл — ўтмоққа томон.  
Ватан томон борар бари йўл,  
Асли бор йўл — тупроққа томон.

Ерда юриб, чирманиб тоққа,  
Сўнг кун... Ҳаққа етар эканмиз.  
Биз тупроғин обод қилмоққа,  
Биз Ватанга кетар эканмиз.  
Асли бор йўл —  
Ватан сари йўл...

*24 ноябрь, 2004 иил.*

## **ҚАЛАМ БИЛАН**

Ёшлик мени чалғитмоқ бўлди,  
Мен қаламга ёпищдим қаттиқ.  
Ўрта ёшим ойлардай тўлди,  
Қалам билан йўлни солдим тик.

Балогатнинг ботирларини  
Сарсон қилдим. Оввора қилдим.  
Куриб қолган булоқларни-да,  
Кўзин очиб, фаввора қилдим.

Куз қовжираб бермоқда нишон,  
Шеърда йиглаб «кўклаб» оламан.  
Мен бунда ҳам қаддимни, ишон,  
Қалам билан тиклаб оламан.

*24 ноябрь, 2004 йил.*

## САРСОН ОЙ

*Халқона*

Худойим-эй, Худойим  
Кўп бўлди-ку хатойим.  
Кўкингдан жой бермасанг,  
Ерларингда ётойин.

Худойим-эй, Худойим  
Бўлди қиёмат қойим.  
Чиққан эдим ой каби,  
Энди қайга ботойин?!

*27 ноябрь, 2004 йил.*

## БИЗЛАР БОР

Кўкламлар олиб келса-да,  
Олиб кетгувчи кузлар бор.  
Кўклам минг чаракламасин,  
Фолиб кетгувчи кузлар бор.

Эй, нима бўлганида ҳам  
Куш, титрама.  
Сўлмагил гул!  
Биз ҳали ўлганимиз йўқ,  
Дунёда ҳали бизлар бор.

*27 ноябрь, 2004 йил.*

## **СИЗ КЕЛМАДИНГИЗ...**

Сувлар қайтиб түшди тағин тоғлардан,  
Дүллар қайтиб келди. Сиз қелмадингиз.  
Улоқиб — улоқиб бошқа ёқлардан  
Йўллар қайтиб келди, Сиз келмадингиз.

Тўзғин кўйлакларин кўклаб, янгориб,  
Бир қиёғи яшил, бири зангори...  
Яратгувчинингми олдига бориб,  
Гуллар қайтиб келди, Сиз қелмадингиз.

Баъзан бетартиб-у, баъзан ботартиб,  
Бирин чанглаб, бирин чангларин артиб,  
Маним соchlаримни оппоқ оқартиб,  
Йиллар қайтиб келди. Сиз келмадингиз.

Чинқирдим дунёни бузолмадим мен,  
Денгиз қаттол эди. Сузолмадим мен,  
Оёғим занжирин узолмадим мен —  
Сизам келмадингиз. Сиз келмадингиз.

*5 август, 2005 йил.*

## **ЭЛДА ЭРКНИНГ ЎТИ ЁНГУНЧА**

Элда эркнинг ўти ёнгунча,  
Юраклари кул бўлган эл бу.  
Юраклари дўл урган гунча,  
Оёқ ости гул бўлган эл бу.  
Мисли чинни, тегиб минг харсанг  
Вужуди чил-чил бўлган эл бу.  
Ўзлари қил, ўзлари митти,  
Руҳлари тик, фил бўлган эл бу.  
Оғзидағи тил-да кесилган,  
Бошдан оёқ дил бўлган эл бу.  
Отув, қамоқ, сиртмоқлар олган —  
Жонлар мустақил бўлган эл бу!

*3 декабрь, 2004 йил.*

## АЗИЗ НОМ

*Иzzатли адабиёт муаллимим  
Акром Каримназаровга.*

Десалар қай ном у суйиб ёзилган,  
Сийнам тошларига ўйиб ёзилган,  
Қўлимни кўксимга қўйиб, ёзилган  
Дейман азиз номи ўқитувчимнинг.

Нафақат илмнинг изин очади,  
Кўнгил таронасин, бўзин очади,  
Дунёга қўнглиминг кўзин очади,  
Ҳар битта каломи ўқитувчимнинг.

Оёғига тиз чўк, гар тирик жон сен,  
Келсанг, шул зот сабаб, келгувчи шон сен.  
Авжи туш ҷоғидай тоабад ёнсин,  
Ҳеч келмасин шоми ўқитувчимнинг.

Ўтган севиб ўтсин, ҳам таниб ўтсин,  
Пешвоз товус, гозлар тараниб ўтсин,  
Мехру муҳаббатга ўраниб ўтсин,  
Умрининг давоми ўқитувчимнинг.

Тугамас қувончу ғами одамзод,  
Гарчанд ҳеч бут бўлмас ками одамзод,  
Дуога қўл очинг, жами одамзод,  
Синмасин баҳт жоми ўқитувчимнинг.

7 апрель, 2003 йил.

## ЗИЛЗИЛА

Зилзила. Ҳуддики бузилган ини  
Күшлардай тўрт томон чопар одамлар.  
Ёвуқлаб келгандай қиёмат куни,  
Чинқириб бир-бирин топар одамлар.

Бир-бирини излаб,  
Учар худди ўқ,  
Телбаҳол, бир-бирин сўраб югурап.  
Ўзи шир яланғоч, ўзи эсда йўқ,  
Гўдагин латтага ўраб югурап.

Билмаслар  
Қаёнга оғиб борар ер.  
Сўнгги кун келгандай Даҳру Давворга.  
Одам «болам қани?»  
«Отам қани?» дер  
Қулаб тушаётган синчга, деворга!

Одамлар,  
Одамлар фақат едингиз,  
Кийдингиз, тебратиб бўлмовди сизни,  
Зилзила келгунча қайда эдингиз,  
Нечун топмовдингиз  
Бир-бирингизни?!

Кўрмай оёқнинг остидан нарини,  
Излаш фақат ерлар ютар чоғдами?  
Кўриб қолгандами бақо жарини,  
Зилзила ёқангдан тутар чоғдами?!

Бир бор ўгрилмадинг  
Сўлу соғингга,  
Англамадинг  
Кимлар, нечун солар дод  
Хей, одам,  
Бир-биринг қидирмогингга  
Наҳот зилзилалар шарт бўлса,  
Наҳот?!

12 декабрь, 2004 йил.

## ХОФИЗ ДАРЁ

*Шерали Жўраевга.*

Минг йил. Эшитамиз шу гулдиросни,  
Дунё дуч келганми шундай шонлига.  
Куйлаб минг номардни сиртмоқсиз осди,  
Учар қанот берди минг иймонлига.

Халойиқ бошида кўтармоққа шай,  
Афсона қиласлар кўрганларини.  
Ёритиб юборар каҳкашонлардай,  
Дунёнинг тунлар-у, қўрғонларини.

Халойиқ изида қолар юкиниб,  
Бўрон ўчирилмас, уям бир шам-ку!  
Бунчалар муҳаббат, қудрат юкини  
Қандоқ кўтараркан, уям одам-ку!

Шам гоҳ кўздан ниҳон, кўринар шамроқ,  
Овози бор Турон, дала-тузларда.  
Фақат саҳналарда кўринар камроқ,  
Ўзин асрагандай ёмон кўзлардан.

Хофиз дарё оқар, жавлон урганча,  
Ноласига киринг, Зорига киринг.  
Хофизим, сиз туриңг дунё тургунча,  
Ҳеч йўқса аёллар тургунча туриңг!

*27 ноябрь, 2004 йил.*

## МАСЛАҲАТГА БОРАМАН

Ой ўтмас, ҳафта ўтмас,  
Ўзимнинг ақлим етмас,  
Маслаҳатга бораман.

Саҳар ё кеч, ўтириб,  
Бошингизда ўй суриб,  
Сизга кўнглим ёраман.

Мен ўйлайман «Соз тупроқ,  
Бехавф ётинг. Суянч тоғ,  
Хали-вери чўкмайди».

Онам ўйлар «Наҳотки,  
Оқ соч боламнинг ёши  
Бир жойга етганда ҳам  
Айтганимдан чиқмайди».

18 август, 2005 йил.

### БИЗ ЕЛКАМИЗ ТУТСАК...

Бухорои Даврон, Бухорои нолон  
Ҳазин ноласанми, ҳазин найсанми?  
Кундан-кунга нураб бораётган эй жон,  
Мен елкамни тутсам тўкилмайсанми?

Чорбакрни чорлаб, дилимни чок этсам,  
Дилим очасанми, тўқ қилмайсанми?  
Тун бўйи йўл юриб бомдод чоги етсам  
Ва елкамни тутсам, тўкилмайсанми?

Минори Калонлар нураб пойларида,  
Фиштлар аралашса тупроқлар билан.  
Нақшбанд ҳазратим ётган жойларида,  
Бир ағдарилар-ку титроқлар билан.

Нияти зуд<sup>1</sup> ўпид ҳар аёлнинг жонин,  
Сийлайсанму селу себорларингда.  
Зудлик билан етиб қориштирсам қоним,  
Дарз кўпаймайдими деворларингда?

Юрак тирик чоғ ҳам айланмай кўлкага,  
Сир-синоатингиз кўриб берайлик.  
Бизлар кетгувчимиз. Юкингиз елкада,  
То кетгунимизча туриб берайлик.

<sup>1</sup> Нияти зуд — Аёллар сигинадиган зиёратгоҳ.

Бухорои Даврон, Бухорои зарим  
Кўздан ниҳон кўчар фиштми, лойсизми?  
Азиз боболарим, Шайхул-Исломларим  
Биз елкамиз тутсак тўкилмайсизми?  
Мен елкамни тутсам тўкилмайсанми?

20 август, 2005 йил.

## НАВОЙНИНГ ҚОНИ МЕНДА

Яшаяпман гоҳ ғаш, гоҳо кўнгил тўқ, болам,  
Кўкрагимни қуидирар бир лахча чўғ, болам.  
Боримни бор дейман сенга, йўғим йўқ, болам,  
Навоийнинг қони менда, тили менда йўқ.

Қандайин хуш, чет тилларда сайраймиз бугун,  
Бу жаҳонга чиқмоқ йўли — яйраймиз бугун,  
Тилимизни қайроқтошда қайраймиз бугун,  
Навоийнинг қони менда, тили менда йўқ.

Мозийдаги боғларимиз гуллатмадилар,  
Боримизни олди, қайтиб тўлатмадилар,  
Етмиш йиллаб аслиятга йўлатмадилар,  
Навоийнинг қони менда, тили менда йўқ.

Топқир болам, боболаринг зарин йўқотма,  
Не зар, «Луфатит-турк»лари, орин йўқотма,  
Онангнинг шу чирқираган зорин йўқотма,  
«Навоийнинг қони менда, тили менда йўқ».

Болажонлар, Сиз олдинга ўтиб боргайсиз,  
Турк туғини Кубро янглиғ тутиб боргайсиз.  
Навоийнинг тилига ҳам етиб боргайсиз,  
Навоийнинг қони менда, тили менда йўқ.

4 январь, 2003 йил.

## **КҮЧАМ БҮЛСИН**

*Онанг менинг онам бўлсин.  
Ромиз РОВШАН.*

Мениям онам бор эди,  
Чечам — нақ сайроқ тор эди.  
Энди онанг — онам бўлсин,  
Чечанг — менинг чечам бўлсин.

Бир-бирини суйиб, «сиз»лаб,  
Кетди-қолди улар тезлаб.  
Бу кеч мен уларни эслаб  
Йифлайдирган кечам бўлсин.

Дунё сен қилдингми қасддан,  
Кўп йиқитдинг баланд, пастдан  
Мениям бир қоқилмасдан —  
Ўтадиган кўчам бўлсин.

Шунда, шунда бу кўчадан,  
Кувончу қайфу кўчадан.  
Чечамдай ойланиб ўтаман,  
Онамдай ўйланиб ўтаман.

Мениям онам бор эди...

*20 август, 2005 йил.*

## **БАХМАЛ**

Бахмал боғларида еру, осмон кўк,  
Олмалар гоҳи гоҳ тўкилар тап-тап.  
Сангзор сувларида тез оқар сув йўқ —  
Учиб бораётган тойларга ўхшаб.

Кўкжарнинг сел олган жарларида чим,  
Жилғалар пойгаси, тошлар гурунги.  
Менга туюлди-ки, Бахмал — кўп қадим,  
Тоғда тошлари ҳам тоза, бурунги.

Сангзор чарх уради, жилгалари жўш,  
Кетсам, кўнглим шунда қолаётгандай.  
Боқсам тоғ бошидан икки арча, қўш —  
Бир-бир босиб тушиб келаётгандай.

Мирхалил отанинг<sup>1</sup> қўй гумбазидан  
Самарқанд кўринар, ҳайрон бўлмайсиз.  
Новқа отанинг<sup>2</sup> беш панжасидан сув  
Шифо сувларидан ичинг, ўлмайсиз.

Сифотин тополмай ўйга толдим мен  
Минг хил ковул-қаврак, оққиз ҳидини.  
...Уч-тўрт қиррасини кўриб қолдим мен  
Бахмал — Ўзбекистон марваридини.

*20 август, 2005 йил.*

## ВАТАН ДЕБ

Кўзи ёшлиларни кўп кўрдим фоят,  
Диллар бор, ҳар нарса ўксинтиради.  
Йиғлашга мойилни йиғлатар ҳаёт,  
Синишга мойилни... у синдиради.

Кўкрак қафасингда яшаса йўлбарс,  
Ўлгач ҳам ўкириб турса бўлади.  
Ҳар Бомдод Оллоҳдан олиб турса дарс —  
Оллоҳ билан бирга юрса бўлади.

Ўғлим, кўз ёшинг арт, сўзимни уққин,  
Менам «алп туғдим», деб кўкрак керайин.  
Ёш тўксанг озодлик учун ёш тўккин,  
Йиғласанг «Ватан» деб, йиғла, кўрайин.

Бошқа ҳолатларда кўз ёши увол...

*24 август, 2005 йил.*

<sup>1,2</sup> Зиёратгоҳлар.

# КЕДІҮНГІ ҰЫЛЛАРДАРЫ ШЕҮРЛАР

(2010)



*Менсиз кунинг ўтmasин  
Сенга бало етmasин.  
Худо сенсиз кунларни  
Тақдиримга битmasин.*





## КЕЧАГИ ЁМФИР

Ёғаверсин бугунги ёмфир,  
Кечаги ёмфирни унутманг.  
Шаксиз, бордир бу күнлар ҳам сир,  
Кечаги шавқ, сирни унутманг.

У ёмфирга топинг бугун жой,  
Мехри билан шаррос қояди.  
У ёққанды порлаб кетар ой,  
Ёмфир уни қаттиқ сұяди.

Қаттиқ қуяр, ҳар бир уругни  
Етилтирмай кетмайды нари.  
У билади ҳар йўл-йўриқни,  
У тупроқни чин биродари.

Енг шимариб у тушса ишга,  
Ундиради бугунгиларни.  
У чуқурроқ илдиз отишга  
Кўндиради бугунгиларни.

Томчиларин бефарқ сочмасдан  
Инжу. Терар кечаги ёмфир.  
Кириңг. Сизам кириңг дарсига,  
Сабоқ берар кечаги ёмфир.

26 июнь, 2008 иил.

## МЕН ДАРДИМНИ ЎТГАНЛАРГА СЎЗЛАСАМ КЕРАК —

Тунда тундай ботганларга менинг гапим йўқ,  
Руҳдан айру шод танларга менинг гапим йўқ,  
Бахти лим-лим бу тириклар ғамни танимас,  
Мен дардимни ўтганларга сўзласам керак.

Бу киборлар тож-тахтини қаттиқ танийди,  
Чиқиб олган дараҳтини қаттиқ танийди,  
Мен дардимни дарвешларга, ғариб-ғурабо,  
Кимлигин унугланларга сўзласам керак.

Булар қайга етса, осон, кутмай етганлар,  
Аро йўлда йиқилмай-у, йитмай етганлар.  
Уларнинг дард эшитмоққа қулоқлари кар,  
Дардим нолон кутганларга сўзласам керак.

Элим деган фиғонлари ҳаволаб кўкка,  
Оломондан илгарилаб, лаб босиб чўқقا,  
Қалқон бўлиб кетаётган балога, ўқقا,  
Бир қадамга ўтганларга сўзласам керак.

Зору нолон кутганларга сўзласам керак.

27 февраль, 2005 йил.

## ПАРИШОНХОТИРЛИК —

Яшаб бораяпман паришонхотир,  
Гоҳ узун, гоҳ қисқа дастга ўҳшайман.  
Гоҳ ўзни сезаман ҳар нега қодир,  
Гоҳида ердаги хасга ўҳшайман.

Дўстлар бор, боши арши аълога етган,  
Уларнинг уйлари қуёшга беткай.  
Мен гоҳо улардан баландлаб кетган,  
Гоҳида баридан пастга ўҳшайман.

Айланар тақдирнинг тегирмон тоши,  
Ичимга оқади кўзимнинг ёши.  
Дўстлар бор, баҳтлардан айланар боши,  
Мен қуюқ гамлардан мастга ўхшайман.

Дунё қадаҳ тутса, кўксим-ку лим-лим,  
Паришон эсам-да, чўзиқдир қўлим.  
Шундан норасодир, эҳтимол йўлим,  
Шундан гоҳ ўзимга қасдга ўхшайман.

Яшаб бораяпман паришонхотир...

*21 август, 2005 йил.*

## БЕКОР КЕЛДИК

*Навоий чорадин кўп дема сўзким,  
Фамингга чорасизлик чора бўлмиш.*

*Алишер НАВОИЙ*

Бекор келдик,  
Бекор келдик биз,  
Беномусу беор келдик биз.

Қаҳру қотил дунё экан бу,  
Қотилларга ҳам ёр келдик биз.

Чора истаб ночор қўл чўзди,  
Улардан-да ночор келдик биз.

Софайтмоқчи эдик дунёни,  
Лек ўзимиз бемор келдик биз.

Келгандик кўп гапни айтмоққа,  
Тил тутилди. Йўл тор. Келдик биз.

Илож йўқдир ортга қайтмоқча  
Бекор келдик,  
Бекор келдик биз.

*18 ноябрь, 2004 йил*

## **«ТАФАККУР»ЧИЛАРГА**

*Журналнинг 10 йиллик тантаналарида ўқилган.*

«Тафаккур»чиларга бергандир **Худо**,  
Кўнгилни денгиздай чайқатасизлар.  
Сизлар ёш ўсмирдан кексагача то,  
Тафаккурдан ҳасса тарқатасизлар.

Ҳассага таяниб зоҳирми, ботин,  
Биз кетиб борамиз тонг кетидан шом.  
Девона қилади Румий баёти,  
Кўксимизда қадаҳ синдирап **Хайём**.

Мен Эркин Аъзамга дуч келганим дам,  
Айтар недан йўл кенг, недан торайди?  
Яна айтармикин ундан сўрасам,  
Соч недан оқ, юзлар недан қорайди?!

Ўн ёшга тўлибди «Тафаккур»чилар,  
Бу — илк кўклам, ҳали кузга киргайсиз.  
Табаррук юрт юкин кўтариб, чидаб,  
Етмишга киргайсиз, юзга киргайсиз!

Чечаклар гуллагай ич, тошингизда,  
Сиз бутун бўлинг, мен гарчанд пораман.  
Худо берса менам юз ёшингизда  
Бир ҳасса, жойнамоз олиб бораман.

*26 ноябрь, 2004 йил.*

## **ТЎСИЛГАН ДАРЁ**

Тўсилиган дарёман, оқмасдан қўйдим,  
Чақнаб атрофимга боқмасдан қўйдим.  
Ким бор дунёсида кўз-кўз этмоққа,  
Зебу зийнатларим тақмасдан қўйдим.

Дарёнинг-ку асли куч, шиддати мўл  
Тўғон тағин шиддат қўшмоғи мумкин.  
Арслонвор шиддатта очилмаса йўл  
Дарё қирғоғидан ошмоғи мумкин.

Бу қудрат тўғонни йиқар, сидириб,  
Хавф тортмангиз чўлга ё тоқقا кетар.  
Бу қудрат чарх урап Сизни қидириб,  
Сизнинг пойингизда оқмоқча кетар.

*13 ноябрь, 2005 йил.*

## ЙЎЛДАДИРМАН

*Йигирма йил ўтди интизорликда*  
*Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ*

Сиз кутасиз.  
Менам бораман.  
Учиб бородурман худди ўқ.  
Фақат олдин хат юбораман  
Ўша хатни ёзганимча йўқ.

Кўнгил ичра тўкиб борини,  
Бир йил, ўн йил ўтди, бу қўпми?  
Айрилиқнинг алафзорини  
Биргалашиб ўрамиз, хўпми?

Йигирма йил, ўттиз йил ўтди,  
Кўзингизга малол инмасми?  
Ўттиз йиллаб фовлаган ўтни,  
Ўпар чоғи чалғи синмасми?!

Қирқ йил ўтди, мен тез бораман,  
Ранжимангиз, гувоҳ еру қўк!  
Фақат... олдин хат юбораман,  
Хатни...  
ҳали ёзолганим йўқ.

Учиб бородурман худди ўқ  
Бу ҳолатни қандай шарҳлайман.  
Борган сари ўрмонзор қуюқ —  
Мен куйиниб чалғи чархлайман.

Сиз кутасиз. Менам бораман.

13 июль. 2004 йил.

### **КЕТГУНИМЧА ЖИМ КЕТМОҚ...**

Бу беш кунлик дунё деб,  
Дунё ғамин ейдилар.  
Шу беш куннинг ичидা,  
Бир-бирларин сўйдилар.

Бу беш кунлик дунё деб,  
Дунё ғамин ейдилар.  
Шу беш кунда Насимий  
Кўзларини ўйдилар.

Беш куннинг оғир тоши  
Босди. Янчилдик, дод-а?  
Шунда Ҳусайннинг боши  
Кесилди Карбалода.

Шунда йиқилиб, тизлаб,  
Тойиб иссиқ қонларда,  
Пайғамбари азизлар  
Қолди тошбўронларда.

Ҳавзи Кавсар очганни,  
Томчи сувга зор қилди.  
Мангубалогардонни<sup>1</sup>  
Беш кун дунё хор қилди.

<sup>1</sup> Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари.

Мен қандай дил берайин,  
Юрагимда минг бир доғ.  
Менинг тақдирим тайин —  
Кетгүнимча жим кетмоқ!

Бу беш кунлик дунё деб,  
Дунё ғамин ейдилар.

*24 наябрь, 2004 йил.*

### **БИЛМАГАН ДАРАХТ**

Үз кучи, үз бардошини билмаган дараҳтман мен...  
Қоқылғандай  
Битта жойдан жилмаган дараҳтман мен.  
Сершох, сербарг новдалари чақ-чақлатиб қушларни,  
Умри бүйи ўзи бир бор кулмаган дараҳтман мен.

Холбуки,  
Шўх шамоллар-ла дайдиб кетсам бўларди,  
Кўп ишқий қўшиқ билардим, айтиб кетсам бўларди,  
Қайтиб кетсам бўларди-я, қайтиб кетсам бўларди,  
Аммо, манглайига қайтмоқ  
Битилмаган дараҳтман мен.

Бирор пичоқ билан кесди, сўрди шираларимни,  
Бошқа бири каллаклади, кўрди ичим, қаъримни.  
Баргим пилла қурти еди, бирор кийди заримни  
Мен-чи,  
Бирорлардан бир барг юлмаган дараҳтман мен.

Үз кучи,  
Үз бардошини билмаган дараҳтман мен.

*8 июнь, 2007 йил.*

## **БИЛИНГ**

Үтга солиб руҳни, танни,  
Кераксиз сўз демаганни.  
Кўз ёғингиз емаганни  
Ҳам қош билинг, ҳам кўз билинг.

Ётсирамай бошин қўшса,  
Ёвғонингга ошин қўшса,  
Кўз ёшинингга ёшин қўшса,  
Ўзгаларни ҳам ўз билинг.

Букилғанлар, ёйланғанлар,  
Лек осмонга бойланғанлар.  
Кўнгли кушга айланғанлар,  
Учар қушларни дўст билинг.

Агар вафо топмасангиз,  
Кўкда бахтни ўпмасангиз,  
Тупроқ сари қайтаверинг,  
Қорни, музларни дўст билинг.

*26 ноябрь, 2004 иил.*

## **АГАР ШУ ДУНЁНИНГ ДАРАХТИ БЎЛСАНГ...**

Яхши. Бу дунёда нақ нақдли бўлсанг,  
Ёвқур арслондай шиддат, шаҳдли бўлсанг.  
Аммо шу дунёнинг дараҳти бўлсанг,  
Ким бахтли бўлтики, Сен бахтли бўлсанг.

Бахт қуши кўнди,  
Деб яйрарлар бахтёр.  
Шунда учмогига ҳам ишора бор.  
Келиб қўнса қўнар, юрагинг ёрма,  
Учиб кетса кетар, ортидан борма.

Парво қилма гадо, ё тахтли бўлсанг,  
Ким баҳтли бўптики, Сен баҳтли бўлсанг.

Буз ва уз қафасу, занжирчаларни,  
Нима етсин, ўзни тиклаб, шайларга.  
Озодлик найларин кимлар чалади,  
Ҳеч ким бас келолмас тоқ тўрғайларга.  
Томчи қўз ёш тўкма, денгиздай тўлсанг,  
Ким баҳтли бўптики, Сен баҳтли бўлсанг.

Севганлар ёлғиздир, ёлғиз севилган,  
Озорда ошиқлар жонлари ҳали.  
Бир севги менинг ҳам дилимни юлган  
Чак-чак томиб туарар қонлари ҳали.

Агар шу дарёнинг дарахти бўлсанг,  
Ким баҳтли бўпти-ки, Сен баҳтли бўлсанг.

### ТИШСИЗ ОДАМ ФАРЁДИ...

Сиз кетдигиз.  
Дийдорингиз соғинтириди,  
Маъюс, ғам саҳроларида кечиб юрдим.  
Айрилиқ — ўқ, юрагимни тешиб кирди,  
Сувми, қонми билмадим не ичиб юрдим.  
Кетдингизми,  
Энди сизам тушми Она,  
Маҳшаргача энди хайру хўшми, Она?!

Узилдингиз,  
Узилмади тилло занжир  
Тилло занжирчангиз ўша қутичада.  
Ҳар кўрганда юрагимга ботар ханжар,  
Ҳар кўрганда жизғанакман, ўт ичиди.  
Жон дегани  
Шунчаям мўрт, бўшми Она,  
Маҳшаргача энди хайру хўшми, Она?!

У борида күнглим бургут, сор эди-ку,  
Бугун оғир қордайми, тумандай юрай?  
Биродарлар, кеча онам бор эди-ку...  
Бугун У йўқ,  
Бугун У йўқ, қандай юрай?!  
Она ҳам бир учар кетар қушми, Она.  
Маҳшаргача энди хайру хўшми, Она?!

Хазон олди ўсар эмиш гуллар бўйи,  
Кетар олди қолдингиз сал берман қараб.  
Оёқларингиз уқалаб тунлар бўйи  
Оппоқ пахта соchlарингиз ювиб-тараб  
Ўрай десам...  
Икки қўлим бўшми Она,  
Маҳшаргача энди хайру хўшми Она?!

Оҳ, дўстларим, бу дунёда қуши борлар  
Күшингизни асранг!

Кўнгил додлари — бу!  
Эй, дунёда тицламоққа тиши борлар,  
Тишсиз қолган одамнинг  
Фарёдлари бу!

Она, фарзанд оғзидағи тишми Она,  
Маҳшаргача энди хайру хўшми, Она?!.  
Сиз кетдингиз. Дийдорингиз соғинтириди...

## ОТАСИДАН ЎЗГАНИНИ БИЛДИРМАС

Дардин четга чиқаради қайси шер,  
Она арслон озганини билдирмас.  
Нодон — «Тақдирни ўзим яратдим», — дер  
Қодир Худо ёзганини билдирмас.

Сиртдан боқсанг кўнгил овланаверар,  
Шаҳд олдинга ташлар довланаверар,

Товус зийнатланар, товланаверар,  
Патларининг тўзганини билдирилас.

Есир нонни қандай етказади-ю,  
Гўдагига қандай тутқазади-ю,  
Есир тунни қандай ўтказади-ю,  
Етим қандай ўсганини билдирилас.

Шарқ боласи, майли ёвқур ё дайди,  
«Ботир бўлсанг аввал мени енг», — дейди.  
Аввал ошиқ бўлган менман, мен! — дейди,  
Аввал қиз кўз сузганини билдирилас.

Шарқ боласи,  
Яссавийнинг боласи.  
Дунёларни титратса ҳам ноласи,  
Ундан фақат камсуқумлик оласиз,  
Отасидан ўзганини билдирилас.

17 декабрь, 2009 йил.

### ҚУЛАМАНГ БИТТАНГИЗ ҲАМ...

Бир барг тушди тупроқقا,  
Сўнг бошқалари қатор.  
Кўнглим тушди титроқقا,  
Бошланди кузги хатар.

Дарахтларим қатор, шан  
Ёмғир-у, ўтдангиз ҳам.  
Сабот, куч топиб яшанг,  
Куламанг биттангиз ҳам.

Менинг юрагим ёмон,  
Менга бепарво бўлманг.  
Яшаб юрсин десангиз,  
Мени аяб — сиз ўлманг!

28 ноябрь, 2009 йил.

## МАШЬАЛА

Хақиқат машъаласини  
Күттарган құлларим күйди.  
Қайта-қайта босилған-у,  
Күкарған йўлларим күйди.

Қанчалаб ойларим күйди,  
Қанчалаб йилларим күйди.  
Сочим тўлқини минг тола,  
Минг тола қилларим күйди.

Гоҳ дўстларим тоңди ҳақдан,  
Нажотлар кутдим фалакдан.  
Бўлолмай ҳақ билан яктан,  
Айтмолмай тилларим күйди.

Машраб додлаб елар менда,  
Усмон бежо кулар менда,  
Куюк иси келар мендан,  
Вужуду дилларим күйди.

Бу машъала күйиб кетган,  
Кафтларимда илдиз отган,  
Ўт кўтариб кетаётган  
Бўйсунмас қўлларим күйди.

Шундай яшаб ўламан мен  
Дейман тушиб чўкка, — қасам!  
Ерга қасам  
Кўкка қасам!  
Қай кун машъал кўтармасам,  
Шул кун кетган бўламан мен.

Хақиқат машъаласини  
Күттарган қўлларим күйди...

## АЁЛ ЪТИБ БОРАР

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин,  
Курагимни синганини қарс.  
Шовқин солма, мен уйғотмайин,  
Юрагимда ётар бир йўлбарс.

Баланд бир ўт ёнган ичимни,  
Мен совутиб яшашим керак.  
Ўз-ўзимга сарфлаб кучимни,  
Мен овутиб яшашим керак.

Аёл ўтиб борар, шўх юриб,  
Шамолларда соч ёйган аёл.  
Ич-ичида йўлбарс ўкириб,  
Сиртдан майин жилмайган аёл!!!

## БИЛМАСЛАР

Кўрдим қишлоқ, гўзал шаҳарлар кўрдим,  
Оҳорлари кетиб борар, билмаслар.  
Жамалаксоч пари-пайкарлар кўрдим,  
Баҳорлари кетиб борар, билмаслар.

Тугмак бўлса етмас белбоғ учлари,  
Дунё молин маҳкам тишлилар тишилари —  
Боғларининг ширинзабон қушлари —  
Олқорлари кетиб борар, билмаслар.

Отлари-я, қорабайир отлари  
Гижинглайди, деб ўйласам, додлади.  
Ёли бўрон бўлганлигин ёдлади —  
Шунқорлари кетиб борар билмаслар.

Кузатиб бу дунёning ўр-қирини,  
Билмай қолдим келмак, кетмак сирини.  
Ёлғон ёрлар ялашиб бир-бирини,  
Чин ёрлари кетиб борар билмаслар.

Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,  
Мен шеър айтсан, айтмадим тил учинда.  
Бу талотўп, кув-кув, чоп-чоп ичинда,  
Халима ҳам ўтиб борар, билмаслар.

## БИР АЁЛ ҚАЙФУСИ

*Мен ёниб тугамагунимча,  
Сиз менинг кимлигимни билмадингиз.*

*Имант ЗИЕДОНИС.*

Қоронфуда эдингиз,  
Мен чорламоқчи бўлдим.  
«Тун ютиб кетмасин» деб,  
Кўзи тўрт соқчи бўлдим.  
Бу дунёни унутиб,  
Сизга пойлоқчи бўлдим.  
Э воҳ, Сиз мен тарафга  
Бир қадам жилмадингиз.  
Мен ёниб тугаяпман,  
Сиз ҳамон билмадингиз.

Жилгадай гирдингизда  
Чопганим чопган бўлди.  
Сиздан мўъжизаларни,  
Топганим топган бўлди.  
Қадаҳдай қирғофингиз,  
Ўпганим-ўпган бўлди.  
Бўшаган жом экансиз,  
Қайтиб ҳеч тўлмадингиз.  
Мен ёниб тугаяпман,  
Сиз ҳамон билмадингиз.

Мен оҳ урдим, оҳ кекса  
Ёшларни тирилтириди.  
На кекса-ёш, бори  
Диндошларни тирилтириди.

Сиз тирилмадингиз. Йўқ  
Ё... ёки ўлмадингиз.  
Мен ёниб тугаяпман,  
Сиз ҳамон билмадингиз.

Билмадим, мисмидим ё  
Тилла танга, кетдим ҳайф.  
Умрим бўйи бесамар,  
Кирдим жангга, кетдим ҳайф.  
Қоронғида, ботқоқقا  
Михланганга, кетдим ҳайф.  
Қай оловларда куйиб,  
Ўтди жон, билмадингиз.  
Мен ёниб тугаяпман,  
Сиз ҳамон билмадингиз.

11 июль, 2002 йил.

## БАЪЗАН ЁНИМДАГИ ТОҒ...

(«Бир аёл қайғуси» китобидан)

Баъзан ёнимдаги тоғ  
Ҳаддан зиёд чўкади.  
Чўққилари санчилар,  
Харсанглари чақади.

Баъзан ёнимдаги тоғ  
Пастлагандан пастлайди.  
Қоялари бадқовоқ,  
Жилғалариям дайди.

Баъзан ёнимдаги тоғ  
Сарғайтар гул, бутоқни.  
Не қиласай чўнг тоғларга  
Ўхшамаган бу тоғни.

Тошлариям ютоққан  
Холим тайин, Худойим—  
Үзинг суя. Шу тоқقا  
Суянмайин Худойим..

*26 март, 2008 йил.*

## КИМСАН, НИМАСАН...

(«Бир аёл қайғуси» китобидан)

Бир қарасам чапдаст отга ўхшадинг,  
Бир қарасам енгил сузар кемасан.  
Мен сен билан жуда узоқ яшадим,  
Бироқ тушунмадим кимсан, нимасан?

Бир не десам бўлди харобот ҳолим,  
«Соқов» деб ном олдим, бир не демасам.  
Бошимга кўтардим тожим мисоли,  
Бироқ тушунмадим, кимсан, нимасан?

Тутдинг. Ичдим ишқни тахиригача,  
Шунда ҳам дўқ урдинг: «Ўйин қима сан!»  
Бирга бордим йўлнинг охиригача,  
Бироқ тушунмадим, кимсан, нимасан?

*26 март, 2008 йил.*

## МАҲКАМ УШЛАНГ

*Кексаларга.*

Маҳкам ушланг бир-бирингизни,  
Айирмасин қишининг қорлари.  
Биродарлик асрайди сизни,  
Асрар эски ишқнинг зорлари.

Ҳазир бўлинг, кетманг тойиниб,  
Қаттиқ ерни қайириб босинг.

Кўнглингизнинг унут ойини  
Тез-тез эсланг. Ҳаёли боссин.

Бу маслаҳат ё эмас бир дарс,  
Бирга бўлинг, бўлмай ҳоли танг.  
Жар лабида кексайган йўлбарс,  
Бир-бир босиб юради аранг.

Маҳкам ушланг бир-бирингизни,  
Бола-чақа... баридан ортиб.  
Тишда тишлиланг бир-бирингизни,  
Токи тупроқ олмасин тортиб.

28 декабрь, 2009 йил.

## МЎҶИЗА

З.га.

Мўҷиза излайсиз, кўнгил беэга,  
Сарфайиб боради сабрнинг юзи.  
Нега англамайсиз, сезмайсиз нега,  
Ахир мўҷиза-ку аёлнинг ўзи!

Камситманг бетартиб ҳаёти билан,  
Шамолдай суринса, шамолдай чопса.  
Фақат мўҷиза у — эр зоти билан,  
Фақат мўҷиза у — эгасин топса!

## ҲАЙФ...

Эсиз зилол дарёлар,  
Биз қониб ичмасак, ҳайф.  
Эссиз мовий маъволар,  
Биз қониб учмасак ҳайф.

Ирмоқ пастлаб, қиялаб  
Кетса, учқур тоғ, эссиж.

Күрмай ўтса биялар,  
Учқур аргумоқ эссиz!

Дунёсига ўт кетсин,  
Дунёсига эртак ҳайф.  
Унда күнгли аёлсиз  
Кетаётган эркак ҳайф.

## ПОЛВОН ДАРАХТ ҚУЛАСА

*(Отамурод ака хотирасига).*

Дейман бир дўстни ўйлаб,  
Хаёлларга чўмаркан.  
Полвон дараҳт қуласа,  
Тупроқ қандай кўмаркан?

Маҳзун ёдини ёдлаб,  
Кўз ёшлари томаркан.  
Жонон дараҳт қуласа,  
Тупроқ қандай кўмаркан?

Дилга тушган ёнғиндан  
Сувлар чак-чак томаркан.  
Юваверса ёмғирлар  
Тупроқ қандай кўмаркан?

Тоғдай бошин қанда-ю,  
Кўзин қай куч юмаркан.  
Тирик ётган жондай У,  
Тупроқ қандай кўмаркан?!

Кетди Ота Муроди,  
Одам қайтиб кемаркан.  
Шундай катта Муродни,  
Тупроқ қандай кўмаркан?!

*30 май, 2007 йил.*

## РАШКЧИ ГУЛ

### II

*Отамурод ақага.*

Мен ҳали ўлмасдим, чарос кўзлигим,  
Мўйсафид ёшларга етар эдимми?  
Фақат... ёмон ботди охирги тифинг,  
Сўнг бор санчганингда «етар» дедимми...  
Олтмиш нима бўпти авжи балофат,  
Авжи севилмоқлик, севмоқ фасли-ку.  
Ё етмай қолдими мендаги тоқат,  
Аммо...  
Буям сени аямаслик-ку!

Қарасам кундан кун рашкинг зиёда,  
Мени деб заққумлар юта бошладинг.  
Софиниб келсам мен ташна, пиёда,  
Жом тўла рашк заҳрин тута бошладинг!

Қарасам бу ғамнинг охири йўқдай,  
Қарасам кундан-кун баргдай сарғайдинг.  
Миямга бир фикр урилди ўқдай,  
Ахир мен-ку сенинг бедаво дардинг.

Гулим!  
Тошга урдим руҳни-ю, танни,  
Юрагим тўхтади!  
Шундай қилдим қасд.  
Энди бирорлардан мени қизғаниб,  
Минг дардга чалиниб юрмофинг абас.

Гулим, рашкчи гулим, шу бўлди якун.  
Гулим,  
Шунчаларам, оҳ, суюсанми?  
Тупроқ устида-ку кўрсатмадинг кун,  
Айт,  
Тупроқ остида тинч қўясанми?!  
Гулим!

Гулим, оҳ севмоққа қандай қодирсан,  
Фақат... рашк ўлдирап. Озиб-тўзиб, жим.  
Қарасам, ўлимга бораётисан,  
Мен...

Мен ўзим ўлиб  
Сени кутқардим.

Гулим!

*30 май, 2007 йил.*

## СУВ БИЛАН СИРЛАШГАН КУНИМ

Онам маъюс мажнунтол эди,  
Шохчалари ер томон боқдан.  
Туришлари сиру фол эди,  
Тўлқинларга қўшилиб оқдан.

Япроқлари сувга ёзди хат,  
Бошлаб қайдан қайтди билмадим.  
Шивирлашди сув билан фақат,  
Аммо

нимнай айтди биттадим.

Овоз солиб демади «Ёҳу»,  
На йиглаб,  
На бағрин тиғлади.  
Фақат сувга дард айтганда у,  
«Сирқирашиб сувлар йиғлади».

Билмаганман,  
Чиқмаган уни.  
Қай юқ босган босиқ тошимни.  
Шу сув билан  
Сирлашган куни  
Кўтаролмам менам бошимни.

*30 ноябрь, 2007 йил.*

## МЕН ЙҮҚЛАСАМ

Кампирларнинг камайди сафи,  
Яна бирин қаро ер ютди.  
Ёқалари ёпиқ, арабий —  
Кўйлак кийган бир кампир ўтди.

Фимир-ғимир онам Боёвут,  
Аввалгидан маъюсроқ энди.  
Ҳовлимизга соя солган тут —  
Балки онам у билан тенгдир.  
У ўлганда зор кишнаган от,  
Чақноқ кўзи тўниб бормоқда.  
Балки у ҳам мен каби ҳайҳот,  
Айрилиққа кўниб бормоқда.

Аммо онам ёқиб кетган шам  
Тураверар кўнглим тўрида.  
Мен йўқласам, йиғласам у ҳам  
Ағдарилса керак гўрида.  
Кампирларнинг камайди сафи...

## КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚҚУНИЧА

Карвон йўлга чиққунича  
Бўлар бир шов-шув.  
Ўшангача тинглаш мумкин арзу додларни,  
Ўшангача нон ғамланар, ғамланади сув,  
Алмаштиromoқ мумкин бўлар қўтири отларни.  
Карвон йўлга чиққунича...  
Танланади дўст,  
Фарқланади тили биру, дили иккини.  
Ўз деганинг то сўнгги дам бўладими Ўз,  
Ўзга чиқиб қолмайдими дилга туккани.  
Карвон йўлга чиққунича...  
Бўлгай тадорик,  
Сарбонини сартлари тан оладиларми?  
Ё беписанд кўрарларми ҳамма қатори,

Ўлим келса ундан олдин ўладиларми?  
Карвон йўлга чиққунича...  
Чиқдими аён,  
Ҳаёт кечирмас сўнг шумлик, гўлликларини.  
Ё бирлашиб Мурод Тогин  
Олурлар шоён,  
Ё тарқалиб қумлар босар ўликларини.  
Қарвон йўлга чиққунича  
Бўлар бор шов-шув...

6 июнь, 2007 йил.

### ЙЎЛ БИРДАН КЕНГАЙДИ...

Йўл...  
Одамдай олислаб бораётган йўл,  
Бизга умидми, не бераётган йўл,  
Ёмғирга ботган йўл, чангга ботган йўл,  
Биз кетамиз,  
Бу йўл қолаверади.

Карвонлар суришиб ўтган чоғлари,  
Дунёни бузгандир қўнгироқлари.  
Қамчи излари-ю, қўнгил доғлари,  
Биз кетамиз,

Бу йўл қолаверади.

Қўзимизни алдаб, буралиб қайтиб,  
Қўклам чечакларга ўралиб қайтиб,  
Ёзда тоши қизиб, жизғанак пайти,  
Биз кетамиз,

Бу йўл қолаверади.

Бу йўлда ким кимни тунаб кетганди,  
Ким кимнинг юрагин тирнаб кетганди,  
Отам шу йўллардан жўнаб кетганди,  
Биз кетамиз,

Бу йўл қолаверади.

Тобут йўлга чиқди. Фам жонга етди,  
Йўл бирдан кенгайиб, каттариб кетди.  
Шунда кўрдим, бу йўл, бутун бир халқни,  
Йиғлаёттан халқни  
Кўтариб кетди!

Одамдай олислаб бораётган йўл,  
Отамдай олислаб бораётган йўл.

## ҚИТМИР ЮЛДУЗ ЕТАКЛАСА...

Қитмир юлдуз етакласа,  
Кетаверган ойлар бор.  
Ул ойларни хизматкорга  
Айлантирган бойлар бор.  
Ул ойларнинг нурларини  
Чил-чил қиласар жойлар бор.  
Мен уларнинг ҳәётини  
Кўрмаганим яхшийди.  
Аслида бу шеърга қалам  
Урмаганим яхшийди.  
Синчков боқсам кўнгли синик,  
Кўнгли дарё, жим, жим, тиник.  
Соф жойи йўқ, тегмаган тиф,  
Қанча қоши ёйлар бор.  
Билмайди у, дунё беҳишт,  
Ўзи оҳу, билмас у.  
Билгани шу, баланд уй, гишт,  
Шу қафасдан жилмас у.  
У сир тутар дил доғини,  
Сезмас гулни, қиёғини.  
Сезмас икки туёғини,  
Үпмоқча зор сойлар бор.  
Яна бу ўргада турган,  
Кўнглига зирачча кирган.  
Айтмай ўзин еб битирган,  
Мендек ҳоли войлар бор.

Қитмир юлдуз етакласа,  
Кетаверган ойлар бор...

8 февраль, 2009 йил.

## ҚУРЬОН ТАРАФ БОРУРМАН...

Бугун борман, эртага йўқ,  
Бугун эшиш сўзимни.  
Бугун ерман, эртага кўк,  
Тополмассан ўзимни.  
Кўзларимга бугун қара,  
Агар ногоҳ ўчмасам.  
Кўнглимдаги тугун қара,  
Ечилмас сен ечмасанг.  
Ечмоқ йўлини бугун топ,  
Эрта ё мен, ё сен йўқ.  
Ўртамиизда мингта китоб,  
Нега Куръон, Ёсин йўқ.  
Кетдим. Кетдим сувдай оқа,  
Ҳақ деб, Ё Раб, борурман.  
Бораяпман Ёсин ёқقا, ,  
Куръон тараф борурман.

20 июнь, 2007 йил.

## ТИРИК ЮРГАНЛАР, АЛВИДО

Биз ётибмиз. Билмай заволлар,  
Тирик юрганлар, алвидо.  
Кўксига салқин шамоллар  
Уриб юрганлар, алвидо.

Бирор ўтганда унимиз йўқ,  
Кутамиз. Қизимиш, улимиз йўқ.  
Гина қиласарга тилимиз йўқ,  
Тирик юрганлар, алвидо.

Сулукни сулук тушунади,  
Үликни үлик тушунади.  
Онаси қизини тушунмасдан  
Тирик юрганлар, алвидо.

Ётибмиз. Қабримиз чим ёпиб  
Кетса-да бир-бировни топиб —  
Үғил отани итдай қолиб...  
Тирик юрганлар, алвидо.

Қипчоқдансызми, қиётдан  
Гоҳо сизнинг қора ниятдан,  
Үлган қайта ўлар уятдан,  
Тирик юрганлар, алвидо.

Ўлик сен зўр, мен зўр демас,  
Бу ер пойгак, бу ер, тўр демас.  
Улар бир-бирига бўримас,  
Тирик юрганлар — алвидо.

Ахир одамсиз-ку, қутурманг,  
Маҳшаргача отиб тошу санг.  
Бир-бирингиз еб битирманг,  
Тирик юрганлар, алвидо.

Ётибмиз ерларга бош қўйиб,  
Дийдорга оч кўздан ёш қуйиб,  
Үлмасдан бир-биридан тўйиб,  
Тирик юрганлар, алвидо!

## ЎЛГАН ШОИР УЧУН ЙИФЛАНГ...

Ўлган шоир учун йиғланг,  
Қолган шоир учун йиғланг.  
Етти ётнинг ғам шаробин,  
Ичолган шоир учун йиғланг.

Дунё билан йўқдир иши,  
Сувдир иши, чўғдир иши.

Бу дунёда ғам идиши  
Бўлган шоир учун йифланг.

## ШАВКАТ РАҲМОН ДЕГАН...

Парда ўсайми ё ўсмайми деган,  
Дараҳтдан кўзларим тўсаётгандай.  
Кўкдами ё ерда бир буюк дараҳт  
Чинқириб тинимсиз ўсаётгандай.

Пўлатдай эшилган гиряларини,  
Кўксимиизга қуиб, ўтларда ёқиб.  
Элнинг саёз тортган дарёларини,  
Жаннатий сувларга тўлдириб, оқиб.

Банди оғочларнинг узиб бандини,  
Майдонларга чиқиб келаётгандай.  
Нишонга олиб ҳар нодон, андини  
Кўзин қаттиқ тикиб келаётгандай.

Миллатим деб юрга юз бурган чоғлар,  
Баҳайбат умиди тошдек қотганда.  
Халоскор чечаклар, қора чечаклар  
Гуркираб осмонга ўрлаётгандай!

«Жувонмарг бўлгурлар, жўмардинг борми?!»<sup>\*</sup>  
Қиличдай бу садо кўксингни тешса.  
Ўз ўрнингда кўрсанг буюк бир сорни,  
Сенинг-да қонларинг вулқондай жўшса.

Демак, шундай дараҳт ўсаётибди,  
Шавкат Раҳмон деган, суйиб жонларни.  
Илдизи Туронга илдиз отибди,  
Шохлари кўтарар мусулмонларни!  
Шавкат Раҳмон деган  
Бир буюк дараҳт...

---

\* Шавкат Раҳмон сатри.

## КЕТДИ БИЗНИНГ МУҲАММАДИМИЗ

*Тўйиб олинг. Тикилиб олинг.*

*Абдулла ОРИПОВ*

Дилда қолди яхши сўз, достон,  
Қолаверди муҳаббатимиз.  
Биз яхшироқ қараб олмасдан,  
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Сўзларини суйиб олмасдан,  
Бағримизга ўйиб олмасдан.  
Кўзларига тўйиб олмасдан,  
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Бир арслони ўтди ўзбекнинг,  
Оҳи кўкка етди ўзбекнинг.  
Қўёш йиғла, осмон аза тут,  
Муҳаммади кетди ўзбекнинг.

Баланд кетди, шонига кетди,  
Жаннатнинг айвонига кетди.  
Турк юкини елкалашай деб,  
Яссавийнинг ёнига кетди.

Онажони қуриган оғоч,  
Сингиллар бир тунда оппоқ соч.  
Faфлат босган дунё кўзинг оч,  
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Тангри, шукур, ўчмас хат бердинг,  
Пирдай улуғ бир уммат бердинг.  
Муҳаммад бердинг, Муҳаммад бердинг,  
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Биз шошмадик ҳеч улгурмоққа,  
Бунда балки дил тўлгач доққа.  
Жаннатдами... давр сурмоққа,  
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.  
Дилда қолди яхши сўз, достон...

## **ВАТАНДИР БУ...**

Оллоҳ, Оллоҳ эранларнинг  
Сўзи қолган Ватандир бу.  
Бўзлаб ўтган тўрғайларнинг  
Бўзи қолган Ватандир бу.  
Юрт деб отга қамчи урган,  
Ўққа учган не руҳу тан.  
Кўзимга тик қараб турган,  
Кўзи қолган ватандир бу.  
Кечиб, сарҳад, уммонларни,  
Кўрсам-да тик иймонларни.  
Кишан узган арслонларни  
Изи қолган ватандир бу.  
Гарчанд жаранг, гарчанд сукут...  
Қон, шон билан олинган юрт.  
Тишларида курашнинг ўт,  
Музи қолган ватандир бу.  
Бу ер кимнинг, бу кўк кимнинг  
Эгаси бор ҳар ўт, чимнинг.  
Ўз ерида Ўзбегимнинг  
Ўзи қолган Ватандир бу.

## **МЕН БИР КУНИ**

Мен бир куни  
Ташлаб кетаман,  
Бўз либосим, сийму заримни.  
Қор ивитар,  
Шамол вараклар,  
Ортда қолган дафтарларимни.  
Гарчанд тишга босиб тишимни,  
Ўз елкамдан ўзим босиб тек,  
Гунгдай кетдим  
Сўнг бекатгача.  
Лек ортимда қолган шеърларим  
бу дунёнинг  
ёлғонларидан  
Қаҳ-қаҳ ураг қиёматгача.

## ЕТКУРМА

Эгри қўлни шамга еткурма,  
Бир хотири жамга еткурма.  
Ким чин ошиқ эрмаскан уни,  
Ишқ ила карамга еткурма.  
Макон берма тош кўнгилларга,  
Тошканду Сайрамга еткурма.  
Иблис қўлин калта қилгайсен,  
Қиличга, найрангга еткурма.  
Бахтни оёқ ости қилганни,  
Мангу бахт, байрамга еткурма.  
Нуҳдай ютди қувонч, оҳимни  
Кўзларни намга еткурма.  
Оллоҳ, Оллоҳ, бош паноҳимни —  
Мавлонони ғамга еткурма.

## ЧАҚИРИБ ОЛАМАН...

Чақириб оламан, қаттиқ чорлайман,  
Кетганлар йўлларин буриб келади.  
Қачонлардир куриб қолган дарёлар,  
Қайтадан фаввора уриб келади.  
Қашқирлар уюри қўзичоқлардай  
Этагимга тумшук суринб келади.  
Букилиб, йўқликка кетаётганлар  
Фозланиб, қайта бел сириб келади.  
Чақириб оламан,  
Қаттиқ чорлайман  
Тирик дўстларим банд,  
Фоят банд, баъзан.  
Гўрдаги дўстларим туриб келади.  
Хокисор жилмайиб Муҳаммад Юсуф,  
Шавкат Раҳмон томоқ қириб келади...  
Улар тирикларнинг ўрнин билдиримай,  
Эшигимдан бир-бир қириб келади...  
Чақириб оламан...

## **БОЁВУТДА**

*Онам Қаршигул Хонназар  
қизи хотирасига.*

Кундан-кунга  
Бўлдим унга зор,  
Қолди кўнглим гиряларида.  
Энди онам ҳасратлари бор,  
Боёвутнинг дарёларида.  
Энди ёшим  
ўтгани сайин  
нолам узун кўнглим қаърида.  
Онам ивиб ўтиргандайин,  
Боёвутнинг ёмғирларида.  
Сарғаяман. Кузда... Тошканда,  
Онасилик озорларидан —  
одам нархи арzonлашгандай  
Бу дунёning бозорларида.  
Оташкада,  
ёнадир кўксим,  
Куйдиради армонлар, чўғлар.  
Энди мендай, аёлдай ўқсиб,  
Боёвутда шамоллар йиғлар.

Боёвутда сал оламан тин,  
Ўчираман кўнглим ўтини.  
Онам бериб кетди деб «сигин»  
Ўзи ётган Боёвутини.

## **ОЙИМ БОТМИШ, КУНИМ БОТМИШ...**

Ойим ботмиш, куним ботмиш,  
Ёлғон қолиб, чиним ботмиш.  
Чалқанча ётиб ўйлайман,  
Тупроққа яғриним ботмиш.

Яқынлашди тупроқ таги,  
Қадрдоңлик ортди тағин...  
Санайман, бармоғим етмас  
Қанчалар яқиним ботмиш.

Нашъали дүстларим қани,  
Машъала дүстларим қани.  
Ер қаърини ёриттани  
Чақмоғу чақиним ботмиш.

Түйхонага дүңгандир ер,  
Майхонага дүңгандир ер.  
Дүстларим хушқилиқ эди,  
Қилиғига күнгандир ер.

Моҳларойим сочи қордир,  
Ойгаям бу дунё тордир.  
Жаннат машваратларида  
Ойимни күрғаңлар бордир.

Ойим ботмиш, куним ботмиш,  
Ёлғон қолиб, чиним ботмиш.  
Чалқанча ётиб ўйлайман,  
Тупроққа яғриним ботмиш...

## ТҮЛҚИНДА КЕТДИ

Ким бу боғни ҳосилсиз деди,  
Бу боғ-боғмас, бир жаннат эди.  
Меваларин құш, одам еди,  
Қолғанлари түлқинда кетди.

Ер күп, күрди жононаларни  
Олча, ўрик гулидай бари.  
Фақат бевақт паймоналари —  
Түлғанлари түлқинда кетди.

Күёш порлар, чатнаб ётар санг  
Үзгармади гулларда бир ранг.

Фақат бизнинг кўнглишимиз шўхчан  
Кулганлари тўлқинда кетди.

Гарчанд, кўп тирик дўст саноғи,  
Хувиллатиб боғча-ю, бофин,  
Ачиштириб кўксимиз доғин,  
Ўлганлари тўлқинда кетди.

Ким бу боғни ҳосилсиз деди...

### **БИЛМАЙМАН**

Йўл охирин биламан —  
Қай муюлишда харсанг,  
Қай довонда ҳолим танг,  
Йўл охирин биламан.

Йил охирин биламан,  
Кўклам, ёз сурур, нозли.  
Кечки кузак — аёзли,  
Йил охирин биламан.

Умр охирин билмайман,  
Тураман. Ҳар тонг янги.  
Фақат қай бир тун мангу —  
Ухлайман-у, жилмайман...

Умр охирин билмайман.

### **ЎЗИМНИ ЎРГАТДИМ...**

Тўлдими, албатта, тошаркан у жом,  
Мудом тўлмасликка ўзни ўргатдим.  
Қорайса қорайиб келаверсин шом,  
Осон ўлмасликка ўзни ўргатдим.

Яшасам-да боғнинг гиёҳларидаӣ,  
Куч, қудрат яширин қаёқларимда.

Топталсам-да түфөн туёқларида,  
Синиб, сүлмасликка ўзни ўргатдим.

Билмам, қайда ўсдим. Қандай ўсдим, бас!  
Бу зер-забар матоҳ менинг пўстиммас,  
Кўкдан тушолмаслар менинг дўстиммас,  
Мен пастлик, хасликка ўзни ўргатдим.

Жумлага, жумладан менга ҳам ривож  
Берсин қодир Худо,  
Аммо юпун, оч  
Бахтсизнинг олдида ярқиратиб тож  
Бахтли бўлмасликка  
Ўзни ўргатдим!

Тўлдими, албатта, тошаркан у жом...

2 июль, 2007 йил.

### ҚАЙТА БОШЛАШ

Кўриб қолсанг яқин келиб қолган ўлимни,  
Иккиланмай қайта бошдан бошла йўлингни.

Тажриба бор. Йўлнинг ўнқир-чўнқирларини  
Энди яхши биласан сен. Таниш барча куй.  
Ортга ташла ҳаётингнинг кир-чирларини,  
Кийилмаган қуш тумшуқли туфлиларинг кий.

Қайта бошлаш истаклари — куйдир, булоқдир.  
Қаттиқ иста. Муғаннийсан. Куйиб чаласан.  
Елканѓаги босиб турган тошни улоқтири.  
Енгил учгин. Баланд учгин, уча оласан!

Парво қилма. Гоҳ bemадор титраса тиззанг,  
Қаддинг кўтар. Кўтар яна йўлларнинг чангин.  
Ювгин. Кетсин вужудингни қоплаётган занг,  
Қарабсан-ки, янгисан сен. Яна яп-янги!

Ҳаёт йўлин қайта бошлаш-мумкиндай, нақддай,  
Гар шу истак ич-ичингда ўssa дараҳтдай.

27 декабрь, 2009 йил.

## ЁЛФИЗЛИК СИРИ

Тирикмисан, шохлар ташлаб уч,  
Қүёш янглиғ үрлайвер тикка.  
Тирикмисан, ўзинг қудрат, куч —  
Кўрқинч нарса борми тирикка.

Кўрқма, баланд юришни ўрган,  
Бир шеригинг бўлса доғинг йўқ.  
Бок, сенинг атрофингда юрган  
Одамларнинг сон-саноги йўқ.

Ўлимданам қўрқмоқлигинг пуч,  
Умр тугар бир нола, чўзиқ.  
Ернинг остида одамлар зич,  
Ўлимданам қўрқишинг қизиқ.

Мен Ёлғизлик сирини очдим,  
Ундан қўрқмай бўлмайди, ёху!  
Ундан қочгин, бир умр қочгин,  
Қувиб етса, ўлдирап куч — шу!

## ДАРАХТЛАР СЕЗАДИ

Дарахтларам сезади кузни,  
Кирарлар бир-бирин пинжига.  
Бизлар кира олмаймиз дўстнинг  
Сунбуладай ишқ соғинчига.

Титроқ тушар ҳатто теракка,  
Кундузу тун титрайди толмай.  
Одам... кетаверади якка  
Сочларининг қораси қолмай.

Дарахтларам қийналар оғир,  
Улар бир-бирини суюиди.  
Одам... бир-бирига бермас сир,  
Фақат одам ёлғиз куяди.

Ёрижон-а, тушдим бир издан,  
Кетмоқдаман ёмғир, уриб қор.  
Мен айрилиб қолмайин Сиздан,  
Қабримизни күммай туриб қор.

11 июль, 2004 йил.

### БИРГА КЕТМОҚ...

Кўп жойларга бирга кетмадик,  
Кўл ушлашиб қирга кетмадик,  
Сирдарёга, сирга кетмадик,  
Бирга кетар кунлар борми ёр?

Давраларда гул бўлдик айро,  
Ширин забон тил бўлдик айро,  
Дарёликда Нил бўлдик айро,  
Бирга кетар кунлар борми ёр?

Зимдан қараб созлар соз кимлар,  
Ишқи ёлғон, ишқи рост кимлар,  
Танҳо күшга ишқибоз кимлар,  
Бирга кетар кунлар борми ёр?

Мен фоят банд, сенда ҳам иш кўп,  
Зар либосим сенсиз кийиш кўп.  
Бирга яшаб ёлғиз куйиш кўп,  
Бирга кетар кунлар борми ёр?

Ўтган ўтди. Майли устин ёп.  
Фақат бир гап. Умр бўлса соб,  
Ўлим келса... журъатлироқ бўл,  
Бирга кетмоқ иложини топ!

Кўп жойларга бирга кетмадик...

26 март, 2009 йил.

## **АНЖОН САРИ...**

Ўйланаман, йўлим тушса Анжон сари,  
Моҳларойим кўзларига кўзим тушса.  
Майдалашиб кетмадими мевалари —  
Танийманми, қўлга олма, узум тушса.  
Моҳларойим тақдиридан куйлаб достон  
Қалдирғочлар айвонида юрадими?  
Келинлари саҳар, аzon айтилмасдан  
Обдастада сув иситиб турадими?

Рўмолининг учига гул битадими,  
Қизалоқлар — оналарин тиргаклари?  
Орқа билан юриб чиқиб кетадими,  
Ерга қараб оҳудайин ҳуркаклари?

Кўз олдимдан ўтаверар чопа-чопа,  
Нодиранинг қул кунлари, шоҳ кунлари.  
Қулоғимга келиб турар,  
Моҳларойим кетаётган хон ароба,  
Умархон тўй аробасин шовқинлари...

Ўйланаман,  
Йўлим тушса Анжон сари...

## **ҚЎҚОНГА БОРСАМ**

Ёдга Моҳларойим тушмоқда такрор,  
Эшитгим келади товушларини.  
Қўқонга борсам ва ақалли бир бор,  
Кийиб кўрсам дейман ковушларини.

Қаландарлар кезар «Ё Олюҳ, дўст»лаб,  
Майхўрлар ҳисоблар чақаларини.  
Бегим Умархонга ишқини сўзлаб,  
«Фазал билан тикар яқоларини».\*

---

\* Асқар Маҳкам сатри.

Ойим ёди билан күзим олди банд,  
Ерни босиб-босмай фархунда келар.  
Аввал пойин ўпган күшкларки, баланд,  
Кейин бошин қўйган хор кунда келар.

Сўнгги қунимгача тирик қасдим бор,  
Элимнинг кўр, қотил одамларига.  
Ҳар икки дунёда улар ўтсин зор,  
Моҳларойимларнинг қадамларига...

Ёдга Моҳларойим тушмоқда такрор,  
Эшитким келади товушларини.  
Қўқонга борсам ва ақалли бир бор,  
Кийиб кўрсам дейман ковушларини.

### САҲРОДА

Тўхтама, тўхтасанг тамом сен  
Тўхтаган соатга ўхшама.  
Тўхтасанг, ўликсен, товон сен,  
Юрганим учун яхшиман.

Ёндирап саратон, бошда дор  
Бошгамас,  
Олдинга тикилгин.  
Олдинда...  
Олдинда қудуқ бор,  
Йиқилсанг олдинга йиқилгин.

Майлига,  
Куйсин ер, куйсин кўк...  
Ишон, айланмаймиз кўмирга.  
Ўн йиқил, юз йиқил,  
Ўлим йўқ,  
Олдинда қудуқ бор, қимиirla!

«Кўз кўрмас», — дейсанми,  
Кўз тубан

Кудуқни кўзсиз ҳам кўрамиз.  
То қулаб тушгунча  
Юз тубан,  
Туролмай қолгунча...  
Турамиз!  
Қани тур!

### ҲАММАСИ ЖОЙИДА

Ҳаммаси жойида,  
Бари ҳақиқат.  
Гарчанд бошимда қор, туман аралаш.  
Севганимдан буён  
Бирор дақиқа,  
Боқмабман ишқингта гумон аралаш.

Ҳаммаси жойида.  
Бари ҳақиқат,  
Билдим. Шубҳа абад чин дўстинг санинг.  
Ва яна билдимки,  
Севганингдан буён  
Бирор дақиқа  
Севгим ростлигига ишонмаганинг.

Ҳаммаси жойида  
Бари ҳақиқат.  
Биз пастлаб кетғанмиз, кошона, кўшк йўқ.  
Энди қололмасман  
Бирор дақиқа  
Гумон, туман жойда ишқ йўқдир, ишқ йўқ.

Ҳаммаси жойида...

*30 май, 2007 йил.*



## **НЕЧУН ШОДМЕН ГОХО...**

Менинг карвонларим чарчади чоғи,  
Түялар тиззалааб ётаётгандай.  
Кўксимдаги ўқлар — неларнинг доғи,  
Ҳалиям янгидай, ботаётгандай.

Йўллар тунга қараб кетди чамаси,  
Имиллаб силжийди умр кемаси.  
Синчков тикиламан, ҳорғин ҳаммаси,  
Аммо... нечун гоҳ тонг отаётгандай.

Неча савол бўлдим, неча минг ечим,  
Минг ёлғон қулатди, тиклади минг чин.  
Умр тунга оққан. Аммо мен нечун,  
Бу йўллардан энди ўтаётгандай?

Умр тунга оққан —  
Яримманми, бут.  
Гоҳ-гоҳ томчи ташлаб ўтади булат.  
Кўнглимга қарасам бир четида ўт,  
Кўнглимнинг бир чети тутаётгандай.

Кўрсатмоқ бўлибми  
Читим, заримни,  
Шамол силкитади пардаларимни.  
Ютқаздим-ку, барча карталаримни,  
Нечун шодмен, гоҳо ютаётгандай.  
Нечун?!

*24 май, 2007 ишл.*

## **БАЙРОҚНИ БЕРМАСДАН...**

Кўпчиликми юрт деб чопадиганлар,  
Очилса устини ёпадиганлар?  
Яна бу ғамдийда, қора тупроқни,  
Онасин юзидаи ўпадиганлар?

Худо күрсатмасин,  
Мабодо, агар  
Минглаган ёв келса тўзиб пар каби,  
Улар яширинмасми пана-панага,  
Хавф сезган каламуш,  
Сичқонлар каби?

Гўдакдай кўзларин кетмасми ёшлаб,  
Чекиниб тўқлари, гадолари-да?  
Йўлбарсдай лашкарни кетарми бошлаб,  
Барсий ўкириқ-ла, садолари-ла?

Мозий-ку Ватанга юзлаб шон берди,  
Борми бу кунлар ҳам шон берадиган?  
Мабодо ёв келса  
Кубролар янглиғ  
Байроқни бермасдан...  
Жон берадиган?!  
Борми?!

## АРОСАТ САҲРОСИДА

Бир-биридан илдамроқ  
Айланар кун билан тун.  
Не олтин бошоқларни  
Ун қиласар чархи гардун.

Тақдири кажрафторда,  
Ўйинчоқмиз тоабад.  
Қўлдан баҳтимиз олиб,  
Ўрнига қўяди хун.

Тоза лойлардан бўлиб,  
Бирикмоқ истасак-да,  
Бизлар фақат қум бўлдик,  
Ҳар ёнга тарқалар қум.

Дарёдаги балиқдан  
Муродини сўрасак,

«Сувга қонмаяпман» деб,  
Күз ёши түкди юм-юм.

Кучукнинг боласини  
Тарбият қилмоқчийдик,  
У бўрига айланиб,  
Бизга бошлади ҳужум.

Ўзимиз ҳам билмадик  
Мақсадимиз не эрди.  
Пешонамиз шўрмиди,  
Ё ният эдими шум.

Аросат сахросида  
Биз тентиб юрган чоғда,  
Не олтин бошоқларни  
Чархи гардун янчмоқда.

9 июль, 2007 йил.

## СЕЗИБ ҚОЛДИМ

*Бешикдин то тобут қадар  
Муҳаббат эҳтиёжимдир.*

*A. НАВОЙЙ*

Кетдим, ўйладимки сендан қутулдим,  
Энди сенсиз куттум ҳар тонготарни.  
Исмингни кўксимдан чечақдай юлдим,  
Ёраб, чечак шундай илдиз отарми?

Ё Ра-а-аб, ўлим-ку бу ишқ дегани, а,  
Наҳот ҳар ҳужайранг эгаллаб борса.  
Наҳот ҳар чин ошиқ ишқ деганида,  
Пешонасин ўлим гурзиси ёрса.

Қаёқданам Сенга кўнгил очдим-у,  
Ўзимни умрлик ўтга солдим мен.  
Ўлимдан қочгандай Сендан қочдим-у,  
Сенсиз ўларимни сезиб қолдим мен.

Излаб тополмайман бирорта тафтни,  
Сенсиз ҳар қадамда урилиб тошга.  
Күксимда ҳеч нарса илдиз отмабди,  
Эгаллаган ўша чечакдан бошқа.

20 август, 2005 йил.

## БАРГ ТУШМАДИ ЕРЛАРГА...

Онам ўлди. Бор дарёлар  
Курийди деб күркдим мен.  
Бутун олам қора кийди,  
Күк кийди деб күркдим мен.

Ҳар гуллаган боғча-ю боғ,  
Үт олгайдир мен кутган чоғ.  
Рұх, вужудим бошдан оёқ,  
Чүғ кетди деб күркдим мен.

Тошлар синдириди шонамни,  
Ажал чопди пешонамни.  
Энди қушлар фақат ғамни  
Чүқийди деб күркдим мен.

Қаролиғлар шамни енгди,  
Тұзғинликлар ғамни енгди.  
Күзим фақат ғамни энди  
Үқийди деб күркдим мен.  
Аммо...

Ё Ра-а-аб!  
Гул-гул, қуш-қуш.  
Барг тушмади ерларга.  
Мен кезарман танқо, беҳуш  
Тушунмай бу сирларга...

Онам ўлди. Бор дарёлар  
Курийди деб күркдим мен.

27 март, 2005 йил.

## **КИРИБ-ЧИҚИБ ЮРАДИГАН ТУҒЛАР**

Бу дунёда кириб-чиқиб  
Юрадиган туғлар бор.  
Дил ичида миноралар  
Курадиган туғлар бор.

Биз уларнинг туғлигини  
Яхшигина англармиз.  
Англаб туриб, йўлин топиб  
Аҳволларин танглармиз.

Кўринишимизда фарқ йўқ,  
Ранги бир хил, бўйи teng.  
Лек уларнинг фикрати ўқ —  
Ўйи баланд, ўйи кенг.

Одамзод ўз туғларини  
Ўрамасаям зарга,  
Бошида қўтармасаям,  
Итармасайди жарга...

Унда бизнинг бу дунёмиз  
Кетарди олдинроқقا.  
Тан беролсак орамизда  
Биз-ла юрган байроқقا.

Бу дунёда кириб-чиқиб  
Юрадиган туғлар бор...

## **ТАВБА ЭШИГИДА**

Ҳамиша айборман, гуноҳим қўша,  
Ташим хиромону ичкаримда дод.  
Ўйлайман мен кимман,  
Мен-чи, мен ўша  
Тавба эшигида қантарилган от.

Үтаман, фарқ йўқдай, чўққими ё чоҳ  
Фарқ йўқдай шайтонми, раҳмонми ҳамроҳ.  
Бу бари ташимда, ичимда мен оҳ,  
Тавба эшигига қантарилган от.

Жаннатийманми мен ва ё осийман,  
Үлмоқ шарт бўлганда зигирча куймам.  
Сўймагани суйиб сўйганни сўймам,  
Тавба эшигига қантарилган от.

Ёллари шамолда ялтиллаб парқу,  
Парвоз хаёлига бўлса-да гарқ у,  
Оллоҳдан авф сўраб йиғлайди ҳар кун,  
Тавба эшигига қантарилган от.

Гуноҳкор бандангман, тупроқман, ерман,  
Кунимда кун йўқдир, ойимда йўқ ой.  
Худойим, кечиргин ва менга берма,  
Тавба эшигидан бошқа жойдан жой.

29 май, 2007 йил.

### ДУНЁ КЕТАР СУРИНИБ...

Қораяркан босилиб,  
Қор йиғлайди менимча.  
Мард ўларкан осилиб,  
Дор йиғлайди менимча.

Аёл йиғлаган элда,  
Ор йиғлайди менимча.  
Умиди оқиб селда,  
Бемор йиғлайди менимча.

Поклайман деб шеър ёзиб,  
Куйиб кулга айландим.  
Ўт кетсин бу дунёси —  
Пулга кулга айланди.

Алдов, ишрат очилиб,  
Бораёттан қыз, дунё.  
Йүқ, шу кетища тошга  
Урилгувчи биз, дунё.

Дунё кетар суриниб  
Бедор йиглайди, менимча.  
Қайтаргум, — деб уриниб,  
Бекор йиглайди менимча.

### ДАШТИ БИЁБОНМАН...

Дашти биёбонман,  
Хўлламади ҳут.  
Минг йилки, чил-чилман, бўлмагандай бут.  
Мени унуганинг тамоман унут —  
Сен томон сузгувчи қайиқ бўлдим мен.

Қадди шамшод эдим, тўлган ойлардай,  
Менга туюлди ишқ — йўлим бойлардай.  
Лек сен ёмон отдинг таранг ёйлардай,  
Ҳажринг ўқларидан майиб бўлдим мен.

Воҳ, ишқнинг тақдири зумда ҳаллигин,  
Мен қайдан билибман тили боллигим.  
Қанчалар хуш эди камбағаллигим,  
Фам билан бойитдинг,  
Бойиб бўлдим мен.

Кул бўлиб, кул бўлиб аросат аро,  
Томчи ишқ сўровдим мен мотамсаро.  
Румиймассен. Мен деб киймассен қаро,  
Кўкингдаги Шамсадай ғойиб бўлдим мен.

Дашти биёбонман. Хўлламади ҳут...

24 май, 2007 йил.

## УЛАР ШОИР БҮЛАР...

Назаримда қүёш ҳар кун порлоқ ёнар,  
Тик шамоллар эсаётир Кўқон тараф.  
Назаримда кундан-кунга ёруғланар,  
Кундан-кунга ўсаётир Кўқон тараф.

Авлиёлар йўлга чиқсан Кўқон ёққа,  
Пичирлашиб Бухоро армонларини.  
Дарёлар-да эслаб борар оқа-оқа,  
Нодиранинг кесик бошин қонларини.

Қотил қилич тушиди. Юзми, минг томчи қон,  
Сачраб кетди. Юртнинг қири ўрларига.  
Кўқон қон аралаш ундан ийлади нон,  
Кўшиб ичди манглайнинг шўрларига.

Энди кўринг,  
Кўқон хонақоларида  
Юз қиз, минг қиз тилга кирап қушдай сайраб.  
Этакларида шеър,  
Шеър яқоларида —  
Юз қиз, минг қиз ўсаётир қалам қайраб.

Ёраб,  
Ўзинг қудратлисан, ўзинг гувоҳ.  
Бу қай тупроқ,  
Қай музофот. Қай ер эрди.  
Ҳали ҳануз кезинса-да ул узун оҳ  
Ҳар томчи қон  
Тушган жой бир шоир берди!

Улар мингта шоир бўлар,  
Шаън шоири.  
Томчи қондан ниш урган  
Ватан шоири.

Тик шамоллар эсаётир Кўқон тараф...

5 июнь, 2007 йил.

## ЎТИШИ...

Тун. Йўлда бу не шовқин,  
Недир, нанинг ўтиши.  
Чўчитади хаёлни  
Ҳар ниманинг ўтиши.

Мен бурчлилик томонман,  
Мен кучлилик томонман.  
Муқаррардир тамоман  
Ваҳиманинг ўтиши.

Ўтиб борар тутиб шам,  
Ҳар кўнгилдан кутиб шам.  
Кимга қувонч, кимга ғам  
Ҳалиманинг ўтиши...

*29 июнь, 2007 йил.*

## ОТ ТАШЛАСАНГИЗ МАЙДОНГА...

От ташласангиз майдонга,  
Туркий гиротлардан ташланг.  
Ёлғон қайғу тегар жонга,  
Ки чин фарёдлардан ташланг.

Ишқ нимадир, ишқ недир, бас.  
Унинг биру бори бўлинг.  
Сиз деб суйган, куйганингмас,  
Ўлган ошиқнинг ёри бўлинг.

Яшанг йўлига кўз тикиб,  
Ўз аҳду паймонини бузолмай  
У келади гўридан чиқиб —  
Шунда сиз ўлманг,  
Сиз ўлманг...

*9 июнь, 2007 йил.*

## АЁЛГА БОШ УРИШ

Қадим ҳаёт йўлларида  
Кўпдир зоти аёл, бас.  
Тўмариснинг қўлларидан  
Туғ олмаган аёлмас.

Руҳим, юлдуз, кўкка боғлан  
Юлдуз фақат хаёлмас.  
Улуғбекдай битта ўғлон  
Туғолмаган аёлмас.

Кўпни кўрган бу ер юзи,  
Кумга сингган садо, сас.  
Жалолиддин тугмай ўзи  
Мард кўринган аёлмас.

Навоийсиз-ку жаҳон йўқ,  
Бор ҳайрат-ку ўшанга.  
Онасидан бир ишон йўқ,  
Тиз чўкинг йўқ нишонга.

Фидоликка кимдир қодир,  
Кўқдами ё гўрдаги?  
Барча ўлик, тирик ботир  
Бўлса унинг гўдаги.

Даҳоламай тек туриңг Сиз,  
Қолманг ранжу уволга.  
Йўқ, АЁЛга бош уриңг Сиз,  
Даҳо туққан аёлга!

## ҚИЗҒАНИШ —

Сен бир тоғсан. Арслонлари, кулонлари меники,  
Бирловларга на қулон, бир қилингни ҳам бермасман.  
Тушунарсан, Сендан ўзга бойлиги йўқ фақирни,  
Бог эмас, бир қовжираган гулингни ҳам бермасман.

Чор тарафдан чирмашганман  
худди ток навдасидай,  
Бир лаҳзага на ўнгинг, на  
сўлингни ҳам бермасман.  
Софинч ёшимдан сув сепиб  
соҷим билан супурдим,  
Қоровуллаб, Сенинг келар йўлингни  
ҳам бермасман.

Ялиnamан...  
Мен ўчгунча сен ўчмай тур,  
ўчмагин!  
Агар ўчсанг совуб қолган  
кулингни ҳам бермасман!

### ҚАДИМ ҚЎНФИРОҚ

Мен Туроннинг қадим қўнфироғимен —  
Жаранг берсам қир-даласи уйғонар.  
Алаҳсибми бироз тиндим чоғи мен,  
Саҳар кўнглим шалоласи уйғонар.

Болам кимсан, ким бобонгнинг қотили  
Билармисан туркнинг тўқсон зотини.  
Томиримдан чиққудайин отилиб,  
Найман онанинг ноласи уйғонар.

Кўймам тўнган кўл, ғамларга чўмгани,  
Ерпарчин ҳам кўтаради ўмганин.  
Тобутда ҳар мангуга кўз юмгани,  
Бешикдаги ҳар боласи уйғонар!

### УНУТМАНГ

Елкам халқим елкасига тегиб турмоги учун,  
Бошим халқим кўлкасига эгиб турмоғим учун,  
Унга қарши нима келса енғиб турмоғим учун,  
Мендан қай иш лозим бўлса,  
Барчасига тайёрган!

Сарғайма гүдакларини соғаймоқлари учун,  
Оқибат суст тортаётган эл-аймоқлари учун,  
Хали кетиб улгурмаган күнгил доғлари учун,  
Мендан қай иш лозим бўлса,  
Барчасига тайёрман!

Дардига малҳам бўлайин, хотирин кучлантирай,  
Ҳар фарзандини ичга тортайин, ичлантирай.  
Ҳар фарзандини юртга боғлайин, бурчлантирай,  
Мендан қай иш лозим бўлса,  
Барчасига тайёрман!

Жужуқларга айтгим келар, қаёнларни кўзлайсиз,  
Оҳ, зоҳирга ўч болам, сиз аёnlарни кўзлайсиз.  
Аммо бу юрт сирли юртдир, Сизам сирли бир найсиз.  
Мендан қай иш лозим бўлса,  
Барчасига тайёрман!

Сиз қуёшсиз, баландланг-у, ботар ерни унутманг,  
Илдиздансиз, тағин илдиз отар ерни унутманг.  
Туркистондай қайтиб келиб, ётар ерни унутманг,  
Мендан қай иш лозим бўлса,  
Барчасига тайёрман!

11 январь, 2003 йил.

## КЕЧИРИНГ

Мен сиздан сўрайман бу кеч кечирим,  
Хижрон бўлганим-чун, бўлмайин висол.  
Гарчанд умрингизнинг тонгги, кечини,  
Аралаш қилдим мен, карталар мисол.

Ўйлайсизми, мени қилди деб атаяй,  
Сизга бурилмасдан кетганим-чун тик.  
Мен дардли қўксимни ёриб кўрсатай  
Борми унда Сизга зарра ёмонлик?!..

Гарчанд, оқлай олмас ўзин айбдор дил,  
Ишонинг, сезмасдан қолдим мен у чоқ.

Табиб бўлайин деб бўлганим қотил,  
Малҳам бўлайин деб урганим пичноқ.

Беаёв ишқингиз ўтин ўчирдим,  
Кечира олсангиз, агар кечиринг...

### МЕН КЕТИБ БОРАМАН

Мен кетиб бораман, қорамтири само,  
Қувлашиб ўйноқи шамоллар билан.  
Тақдиримда минги аралаш, аммо  
Бари ечилмаган саволлар билан.

Мен кетиб бораман, ёришади кўк,  
Ногаҳонда овоз... нега бўшащдим.  
Чақирманг, ортимга қайтолмайман, йўқ.  
Чақирманг, йўқ эса қайтгудай шаштим.

Мен сиз чорлаган пайт ожизман, айтдим  
Кетсам ҳам қулоғим, қўзим беркитиб.  
Қайтмасам... юрганим йўлим унмайди,  
Қайтсам, келолмайман

Сизга ҳам етиб...

Гарчанд, Сиз сифинган шоҳман, пирман мен,  
Аро йўлда қолиб, адодирман мен.

### ҲАР ГАП ЎТСА... МЕНДАН ЎТДИ...

Ҳар гап ўтса, мендан ўтди, Сизда гуноҳ йўқ, бегим,  
Ўзим Сизни отдим, ё Раб, сўздан ясаб ўқ бегим.  
Ўйладимки, Сизнинг бу ишқ қулдай сўниб ўчгандир,  
Бугун нечун юрагимда лаҳча-лаҳча чўғ бегим.

Синадимми, тирнадимми, дилингизни билмадим,  
Чорладингиз тошдай қотиб, бирор қадам жилмадим.  
Бунча сочдай илашмаса, фашлик, саркашлик билан,  
Ўйладим, бурилиб, аммо сизга назар қилмадим.

Гарчанд қаҳрабо япроқдай авжи күклам қуидингиз,  
Аста-аста сиз ҳам менга бурилмасдан қўйдингиз.  
Ўйладимки, бул қадаҳни қўймагайсиз, тобакай,  
Шунча талхми ҳажр шароби, мунча эрта тўйдингиз.

Шунда ногоҳ англадим мен, сайроқ қушдан айрилдим,  
Қанотларин шитирлатиб, учиб кетгач қайрилдим.  
Ўйладимки, Сизни севсам хато бўлиб чиқмасми,  
Хато қилмоқлиқдан қўрқиб, хато қилдим, тайрилдим.

Қўлларимдан учган қушим, қайта қўнгайми боқقا,  
Кимга айтай сирларимни, кимни тутай сўроқقا.  
Донини қуш, қузгунга ем қилган ношуд деҳқонман,  
Буғдойини ўриб олмай, келганда авж ўроқقا.

Энди,  
Энди, Сизнинг хотир билан иноқ суҳбат қуриб мен,  
Аччиқ, аммо умидли бир достон айтиб юрибман.  
Узун-узун бу бармоқлар қуш қўнмаса на ҳожат,  
Қўлларимни узатганча Сизни кутиб турибман.

Ҳар гап ўтса мендан ўтди. Сизда гуноҳ йўқ, бегим...

## НАРВОН

Ўйлар эдим, тўрт-беш одамга  
Сарбон бўлиб кетаётирман.  
Йўқ, ўйласам бешта боламга  
Нарвон бўлиб кетаётирман.

Чит кийсам-да, сўрамадим зар,  
Ҳавасларга бўлдим кўру кар.  
Жужуқларим юксалмаса гар,  
Армон бўлиб кетаётирман.

Юксаларлар!  
Худо билгувчи.  
Ўйга тўла қўнглимнинг ичи.

Бир сехрли нарвон бўлгувчи,  
Ўрмон бўлиб кетаётиран.

Юксалсиналар!  
Парвардигорим!  
Ўзинг кўтар, эшиггин зорим.  
Йўқса мен ҳам яшамагандай,  
Курбон бўлиб кетаётиран.

10 сентябрь, 2009 йил.

## МЕНДАН КЎНГЛИНГ РОЗИМИ?..

Сени минг йилдан буён севаманми, билмайман,  
Чоҳу чангальзорлардан бирга ўтган Сен бўлдинг.  
Аёлми ё юк ортган теваманми, билмайман,  
Мендан олдин юкларга елка тутган Сен бўлдинг.

Биз бир-биримиз учун тушган эдик кўклардан,  
Эгилмадингми жоним, елкадаги юклардан?!?

Яхши хотин бўлмадим, баъзан қилмай иложин,  
Боқсам, кийган кўйлагинг русумдан чиқаёзган.

Кўз ёшимдан сув сепиб, супурги қилиб сочим,  
Йўлларинг супурганим эсимдан чиқаёзган.

Руҳингга кирмай ўзга олам билан оввора,  
Болам билан оввора, қалам билан оввора.

Эсли хотин бўлмадим. Эсларингни оғдиридим,  
Зўр ишлар қолиб рўзфор икир-чикирларига.  
Бўлар-бўлмасга кўз ёш жолаларим ёғдиридим,  
Армонлар кетмадими кўнгил чуқурларига.

Тоқатингга тош отсан, симлар қоқиб ишингга,  
Унугтан аёлларинг кирмадими тушингта?!

Ёрижон-а, денгизда кемамизнинг сардори,  
Мендан олдин гўдаклар кўзларингдан ўпдими?

Сенга юрак дориси топиб қўйдим, зўр дори,  
Уни аввал мен, кейин Сен ичасан, бўптими?

Аввал бир-бировга гул илинардик, гул пайти,  
Энди дори. Ишқилиб илинмай кун ўтмайди.  
Мен ўзимдан норози. Сенинг кўнглинг розими?  
Айт, эй кўнглимнинг ёзи, Сенинг кўнглинг розими?  
Сенга айтар гапимни ёз десам қўлларимга  
Минг бор қайтариб ёзди: «Мендан кўнглинг розими?!»

Суякни ёрап оҳим, мендан кўнглинг розими,  
Бошимдаги паноҳим, Мендан кўнглинг розими?!

9 июнь, 2008 йил.

## КЎЛ

(«Бир аёл қайғуси» китобидан)

Кўнглингиз бир уйдир ланг очиқ,  
Ўтган-кетган кираверади.  
Менинг кўнглим — кўзи ёшли жиқ,  
Бу ҳолатни кўраверади.

Кўнглингиз бир ойна — очиқ, ланг  
Ўтган-кетган ороланади.  
Бу ҳолатдан менга тегар санг,  
Менинг кўнглим яраланади.

Кўнглингиз — қўл. Тозармоқ учун  
Оромини бузгиси келмас.  
Менинг кўнглим эса балиқ — жим,  
Лойқа сувда сувгиси келмас.

Ишқ деганинг қўприклари қил,  
У етгайдир — оҳи етганга.  
Балиқлари ташлаб кетган кўл —  
Бир кун қолар ўтган, кетганга.

## СЕНСИЗ

Ү, ҳали кўп кўнглинг ёритиб,  
Унинг кўнгли сенга келар мос.  
У бомдодлар йиглаб, ув тортиб,  
Рўмолингни қилар жойнамоз.

Фақат, фақат... рози бўл, рози,  
Сенсиз бўлар Унинг намози.

Ү, ҳали кўп эртакларингга  
Кириб борар, сени йўқлар У.  
Бош қўяди этакларингга,  
Этагингни ўпиб йиглар У.

Фақат... тинглаб бу қиссаларни,  
Кўрмагайсан бу фуссаларни.

Ү, ғамлари ортади этиб,  
Армонини энди қучоқлар.  
Бир лаҳзада Сени рад этиб,  
Бир умрга Ўзин пичоқлар.

Фақат... Сенсиз оҳ урар у най,  
Ит ўлигин кўрсатмагандай.

## БУ БЕШ КУНЛИК ДУНЁДА

Сочларим шода-шода,  
Соқий узатгин бода.  
Бу беш кунлик дунёда,  
Айт, неча кун шўхдирмиз?

Ай дунё, сендан дод-а,  
Нелар келмайди ёд-а,  
Айт, қайси қир, қиёда,  
Сайдмизми ё ўқдирмиз?

Симларимиз тараплар,  
Холис айтгач эранлар.  
Баҳойимиз сўранглар,  
Ермизми ё қўқдирмиз?

Келди-кетди тонгу кеч,  
Мурод ёр ўлмади ҳеч.  
Кўнглишимиз тўлмади ҳеч,  
Гарчанд, кўзи тўқдирмиз.

Дунё, шод ё тушкунмиз,  
Учар-кетар қуш-ку биз.  
Боғларингда беш кунмиз,  
Олтинчи кун йўқдирмиз.

Сочларим шода-шода,  
Соқий, узатгин бода.  
Бу беш кунлик дунёда,  
Айт, неча кун шўхдирмиз?!

### ОРТИҚЧА КУЧ

Дарё билан одам бир хил  
Олдга чопар, биламан.  
Чопа-чопа охир бир кун  
Нима топар биламан.  
Гуллар сўлир, томорқалар,  
Босар-янчар, енгарлар.  
Бор ташвишларин орқалаб,  
Бир кун ерга сингарлар.  
Шунгача иккисига ҳам  
Тангрим ортиқча куч берма.  
Оёгини қудратли-ю,  
Миясини пуч берма.  
Берсанг...  
Гарчанд йўл сўнггида  
Ерга кириб кетарлар.  
Ўрталиқда бор дунёни  
Еб, битириб кетарлар

## ҚҰЛЛАРИМНИ КУЗГА БЕРМАЙМАН...

Езги қүрғонимга қүшин кирилди,  
Езги боғларимни сарғайтириди куз.  
Пешонамни эса силамай титди,  
Кейин юрагимга юрди куз.

Бекор юрди. Бекор. Күзларимда нам.  
Дилимни изгирин Сүзга бермайман.  
Тұртмас, бир фаслсиз қолганимда ҳам  
Күлларимни кузга бермайман.

Хали узо-о-оқ, ўзда сақтайман ёзни,  
Үта мунглиғ, ўта яшовчан найман.  
Яқын келтирмайман аёзни,  
Видо мавсумига бормайман.

20 аugust, 2005 иил.

## ТОШ ЯХШИ ЯШАР —

Сарғаямиз сабрсизликдан,  
Ёмғирсизлик, абрсизликдан.  
Қийналамиз жабр, сўзликдан,  
Сабр ила бардош яхши яшар.

Бир кун қувонч, бир кун келар ғам,  
Бормиди-ей ўчмайдиган шам.  
Ўтгач нарги дунёсида ҳам  
Эгилмаган бош яхши яшар.

Нони ярим, йўлига боқиб,  
Жони ярим, тунларда... оқиб.  
Ёлғизликни севиб, ютоқиб,  
Ким айтар қундош яхши яшар.

Ишқни излаб, сарсон-у, дайди  
Абад келмасларни кутмайди.

Ишқи ниҳон, гүрга кетмайды,  
Биздан кўра тош яхши яшар.

*17 август, 2005 йил.*

### **ЖОН ЧИҚИБ КЕТГУНЧА...**

Ватан деяверма кўксингга уриб,  
Куйлайвермагил ҳам томоғинг қириб.  
Ўзбаки белбоғда белингни сириб,  
У деб ўзганлардан ўзоласанми?

Саҳросида бир туп ниҳол кўкартмай,  
Бир етим гўдагин кўз ёшин артмай —  
Яйраб яшарлар бор тун, кун, қўшиқ, най  
Бу «сур» машваратни бузоласанми?

Тинч кунда ҳамма ҳам отин эгарлар,  
«Отилади!» деса «Ватан!» деганлар,  
Миқ этмай турса юрт нонин еганлар,  
Айт, биринчи бўлиб сўз оласанми?

Барчамиз келган-у, бир кун кетар қуш,  
Ўлим отган ўқлар бир-бир етар қуш.  
Ўшанда...

«Ватан», — деб ҳушли ё беҳуш,  
Жон чиқиб кетгунча ёзоласанми?

*11 сентябрь, 2008 йил.*

### **БЕРАР БЎЛСАНГ...**

Тўқни кияр тўни бор,  
Берар бўлсанг очга бер.  
Даланг машоқларини  
Терар бўлсанг очга бер.

Қизни берсанг, хор қилмай,  
Жондан суйганига бер.

Шу қиздан бошқасига  
Үзин тийганига бер.

Кизни берсанг қүрғони  
Бүлдиганига бер.  
Мабодо бермас бўлсанг,  
Ўладиганига бер.

Юртни бўрсанг осмонин  
Кўтаргич қанотга бер.  
Ўлса, ерин аёлдай  
Қучиб ётар зотга бер.

11 сентябрь, 2008 йил.

## ТЎШАЛГАН ЙЎЛ

*Тўшалган йўл — Бухорийман.*

*Омон МУХТОР*

Мен шаҳарни яхши кўраман, аммо  
Яшолмайман дашту чўллар бўлмаса.  
Дилим хуфтон эди, очилмас эди,  
Шатир-шутири кузги дўллар бўлмаса.

Биламан, довондир йўлимда ҳар тош,  
Аммо тошлар сирин қилолмасам фош.  
Тирик қолармидим куйдирса қуёш,  
Кўйлагим кўз ёшдан ҳўллар бўлмаса.

Чит кийиб чийландим, ўрандим зарга,  
Гоҳ тожга, гоҳ эса илашдим барга.  
Дарддош бўлармидим бу давраларга,  
Дардлари менданам мўллар бўлмаса.

Билмам қора қорми, оқ қормидим мен,  
Тилсиз дарё, тинсиз оқармидим мен.  
Дунёсидан этак қоқармидим мен,  
Гоҳ одам деганим моллар бўлмаса.

Бухоро-ку қадим. Мен ҳам күп қадим,  
Миноралар янглиғ қадим күтардим.  
Қадим Бухорога қандоқ етардим,  
Омондай түшалган йўллар бўлмаса.

### АЙЛАНИБ ЎТ...

Ўт пасаймас юрагимда,  
Ловуллару ловуллар.  
Туташмаса деб қўрқаман,  
Кишлоқлару овуллар.

Кўнтилдан кўп гаплар ўтар,  
Чиқармайман тилимга.  
Истаганлар, ўзи ўчар,  
Етолмаслар кулимга.

Айланиб ўт, дўсту ёрим,  
Алангада жодирман.  
Мен совуган кўнгилларда  
Ўт ёқмоққа қодирман.

Нодўстга ҳам эслатинглар,  
Қораймасин сиёғи.  
Юрагимга босмаса гар,  
Соф қолади оёги.

### ЮВГАН БИЛАН...

Кўлларимни иситиб, куфлаб,  
Муз чўққини, тоғни юваман.  
Ҳар барг, гулни тозалаб, пуфлаб,  
Чанг, гард босган боғии юваман.

Онам койир «сочилдими қум,  
Ювилмасдан қолмас бир буюм».  
Равшан тортсинг дейманми уйим,  
Тун олди чироқни юваман.

Сўнг вақт топиб, йигиб баримни,  
Ниҳон тутиб кўнглим, қаъримни.  
Қуя-куя шўр ёшларимни  
Кўксимдаги доғни юваман.  
Ювган  
билин  
кетсайди бу доғ...

## ЮРАК БИЛАН ОЛИШУВ

*Кардиолог Анисхон Алавийга.*

Бу дунёда нима ўзи келмак, кетмак муроди,  
Она арслон арслон ўғил қолдириб кетмиш бизга.  
Она арслон кечагидай кўз ўнгимда туради,  
Бу майдонга кирганмиз биз ул устоз босган издан.  
Шундай она руҳи қўллаб Сизга ўзи келган шон,  
Музайяна онамизнинг арслон ўғли Анисхон.

Оналари хушбўй чечак, савту сунбул эдилар,  
Адабиёт боғларинда чин дил, чин гул эдилар.  
Шоҳ олдида шоҳона-ю, қулларга қул эдилар,  
Бошдан оёқ кўнгил эди, фақат кўнгил эдилар.  
Музайяна онамизнинг арслон ўғли Анисхон.

Кулоқ тутсанг бирор ақл, бирор фириб бергайдир,  
Бирор бузар, жонин тикиб, бирор қуриб бергайдир.  
Бирор чаплар, бирор чапни ўнгга буриб бергайдир,  
Юрак билан олишувга арслон туриб бергайдир.  
Музайяна онамизнинг арслон ўғли Анисхон.

Одамлар бор юракларни тинчитмасдан тинчимас,  
Отдай учиб юрганларга тузоқ ташлар, қилиб қасд.  
Отдай юрак суринади, отдай юрак кетар дарз.  
Шунда... Унинг қўлларида юракда юради қон,  
Музайяна онамизнинг арслон ўғли Анисхон.

Минг шукурким, ўзбегимдан Сиздай ўғлон чиққандир,  
Не дилларга тиб илмининг уруғларин эккандин.  
Биз билмаймиз, тиб илми — бу не синоат, қандай сир,  
Билганимиз — Ибн Сино қўли Сизга теккандин.  
Шундай она руҳи қўллаб Сизга ўзи келган шон —  
Музайяна онамизнинг арслон ўғли Анишон.

### ЙЎҚЛАТАДИГАН ДАРДИМ...

Тошларимни осмонга отиб айтар дардим бор,  
Тиззамгача тупроққа ботиб айтар дардим бор.  
Минг йиллаб ухлаганни уйғотиб айтар дардим бор,  
Минг йил ухламаганни ухлатадиган дардим.

Қирқ жойидан дарз кетган, қирқ ямоқ кўнглим менинг,  
Абад тоза кунжи йўқ, доф доғ кўнглим менинг.  
Шу биргина дард билан соғу соғ кўнглим менинг,  
Ҳарки поймол юракни ўқлатадиган дардим.

Худо берган шу дардим, ишқу жунунимгача,  
Ишғол этган батамом интиқом, хунимгача.  
Сўнг соатим келгунча, энг сўнгти кунимгача,  
Борки тўзғин кулларни чўғлатадиган дардим.

Кулдирмоқчи эмасман, йиғлаб ушладим ўтни,  
Ишқи капалакмижоз гуллар тутмасин юртни.  
Ким кимнинг ишқи билан йиғлаб дунёдан ўтти,  
Қолганни ҳам то охир йиғлатадиган дардим.

У шундай йиғлайдики... сурилар қабр тоши,  
Чил-чил синар тирикнинг тоқат, сабр-бардоши.  
Ва...  
Гўрдан чиқиб келар... майит кўтариб лошин.  
Қабрданам чиқартириб...

ЙЎҚЛАТАДИГАН ДАРДИМ.

## ҚАТТИҚ НОН

*Нонни орзу билан ивитолсайдик.*

**НЕЗВАЛ**

Агар қаттиқ нонни ивитмоқ бўлсак,  
Орзу ивитолмас. Ивитар кўзёш.  
Шундаям кўзёшлар тинмай қуюлса,  
Юмшаб, эриб оқса кўкракдаги тош.  
Гар қуриган бўлса кўзинг ёшлари,  
Гар унугтган бўлса кўзлигини кўз.  
Унда сувлар билан кўзинг ёшлагин.  
Унда додлаб,  
Дунё меҳварини буз!  
ва  
қаттиқ нондан ҳам  
умидингни уз.

## ҚЎРФОН

Совуқ фаслнинг совуқ шамол, шабадалари,  
Аввал вужуд, сўнг эса кўнглимга жойлашади.  
Сариқ кузми, кузакка ёвуқ шабадалари,  
Дилимнинг қушларини пинҳона бойлашади.

Сариқ кузми, кузакми боғимни этар ишғол,  
Билмам яна қанча вақт чечаклайман, гуллайман.  
Ҳар тола сочимгача оқарап, этар ишғол,  
Бошдан оёқ олинган қўрғондай ҳувиллайман.

Кўникиб борарканман кузги қушлар сасига,  
Кўнглимнинг туб-тубига бир изфирин ел кирди.  
Мен қачон келиб қолдим қишининг остонасига,  
Бу сариқ кузак қачон менга етиб улгурди.

Кечагина бу йўлдан шўхлик сифмай жонларга,  
Қизлар билан ўтгандик «чоп-чоп»у, «юр-юр»лашиб.

Бугун кетиб бораман кунботар томонларга,  
Хорғин куз шамоли-ла пичирлашиб, сирлашиб.

Үзимам тушунмайман, танназулми ё шонман,  
Хазин қиш кунларига бораётган Күрғонман.

## БҮЮК ҚУШЛАР...

*Күләзмалар ёнмас. Наҳот,  
Ловуллаб кул бүлгайлар.  
Дерлар буюклар барҳаёт,  
Йўқ. Хор бўлиб ўлгайлар.*

*Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ.*

Кўләзмалар ёнмас. Наҳот,  
Ловуллаб кул бўлгайлар.  
Дерлар буюклар барҳаёт,  
Йўқ. Хор бўлиб ўлгайлар.

Кўзга тушган чоғларидан,  
Дилга тушган доғларидан,  
Бу дунёнинг соғларидан,  
Бемор бўлиб ўлгайлар.

Гарчанд юлдузлари учган,  
Дўстлари кўп бирга ичган,  
Ҳасад тоши тегар ичга,  
Безор бўлиб ўлгайлар

Ўзлари юввошдан ювош,  
Хотинлари чимирап қош.  
Топгани ўргада талош,  
Бозор бўлиб ўлгайлар.

Турмуш бошда шаҳду шакар,  
Бора-бора у талху тар.  
Ёр қўллари тутса заҳар,  
Беёр бўлиб ўлгайлар.

Кўпдир ютар наҳанглари,  
Дил очолмас дилтанглари.  
Ор-номуснинг султонлари  
Беор бўлиб ўлгайлар.

Ёлғиз жони сигмас кўшкка,  
Шони баланд, қўли қисқа.  
Буюк қушлар чимдим ишққа,  
Зор-зор бўлиб ўлгайлар.

Лек боладай шу пок қушлар,  
Чиқмасайди олдинга.  
Тараққиёт ўсармиди,  
Келармидик шу кунга.

Улар ишлар олмайин тин,  
Парво қилмай дўст, ёвга.  
Улар елгадаги юкин,  
Ортмайдилар бировга.

Қоралайди... ёзар оққа...  
Фикр қуюни толдирмас.  
Лек бу юкни кўтармоққа  
Ҳар елка ҳам қодирмас.

Улар рангпар, улар озғин,  
Бошдан оёқ сирлардай.  
Қарашлари сокин, эзгин  
Пайғамбардай, пирлардай.

Буюклар бир сўзингизни  
Айтоларми одамлар.  
Бир кеча кўз нурингизни  
Қайтарарми одамлар?!

Ермас, кўкка оидларим,  
Йўл очар йўлчиларим.

Буюк гуманоидларим,  
Худонинг элчилари.

Сарғаяди кўзим оқи,  
Худойимга «оҳ» етсин.  
Маҳшар кунигача токи,  
Элчиларим соғ кетсин.

Шунда ўтар тараққиёт,  
Олдинга шаън ўтади.  
Айро ўтмас қипчоқ, қиёт,  
Катта Ватан ўтади!

Катта Ватан суй, куй десанг,  
Тишга босиб тишларни.  
Тағин олдга силжий десанг,  
Асра буюк күшларни!

### МАЙДОН ЎРТАСИДА...

Кўпкарига ташланган тик, сор отлар,  
Ичга урар, майдон четига қайтмас.  
Учаётган отда чиқар қанотлар,  
Ичга учар, асло кетига қайтмас.

Ичга урдим. Нима бўлса бўлди, шу —  
Гир айланиб юрмадим мен гулханни.  
Юкларини ортаверса-да қайфу,  
Кам кўрсам-да баҳтдан юзи кулганни.

Йиқилганни ўтолмадим чеккалаб,  
Қўлтиғига кирдиму даст кўтардим.  
Кейин мени четга тортди чеккалар,  
Менам тортдим, мен қасдма-қасд кўтардим.

Шундай ўтиб бораяпман, қарқара,  
Елкамда юк кўпаяру, озаймас.

Чеккагирлар қылганда ҳам масхара,  
Менинг ўтим ловиллару пасаймас.

Мангу шундай. Ўтми, мардми ҳалол дам,  
Майдон ўртасида кучга киради.  
Ахир кўпкарига тушар отлар ҳам,  
Четга чиқмас. Ўзин ичга уради.

## ЯНГИ СЎЗ

*Фототасвир устаси Абдуғани Жумага.*

Кўринмасни кўрадиган кўз Абдуғани,  
Ҳақ деганнинг қариндоши, ўз Абдуғани.  
Кеча, бугун танишган ҳам бордир у билан,  
Бизга эса минг-минг йиллик дўст Абдуғани.

Қора нонни бир-бировга илиниб юрдик,  
Ризқни, шонни бир-бировга илиниб юрдик.  
Ҳатто жонни бир-бировга илиниб юрдик,  
Қимматбаҳо ганжмас, биздек бўз Абдуғани.

Билмам кимнинг, Беҳзоднингми шогирд, қайди у,  
Сочдан то тирноғи қадар ишқнинг сайди у.  
Или-милиқ қўёшларни тан олмайди у,  
Қаҳри қаттиқ. Муз Абдуғани.

Сиз шу халқнинг фарзандисиз, аржуманди чин,  
Лойимизни Худо шу тик халқ билан қорсин.  
Расуллулоҳ қўзингизга нурлар юборсин,  
Тасвир санъатида янги Сўз Абдуғани.

## ТЎЗИШ ОЛДИ ҲАБАРИ...

Чўғим ўчиб бородир,  
Кулимни титкиласам.  
Тўрт кунжи ҳам яродир, дилимни титкиласам.  
Фоздай таранмоқчийдим. Сира фурсат бўлмади,

Бир кунликча қурби йўқ, йилимни титкиласам.  
Хабарлар келди десам, ўзиш олди хабари,  
Қушларният айтгани, тўзиш олди хабари.  
Билмам, чилимни дўстлар,  
Кимлар билан чекдилар.  
Балиқдай сузгичларим, қай кўлларда чўқдилар,  
Кимлар, қачон уларни мева янглиғ тўқдилар.  
Воҳ, бир онсонлиғ йўқ, мушкулимни титкиласам.  
Кетган кетди. Қолганни тишингда тишлагин, дўст.  
Тўзишдан хабар келди. Бир-биринг ушлагин, дўст.  
Хабарлардан чўчима, бекор айтади қушлар.  
Юрагимиз беҳолмас. Ҳали уни ишқ ушлар.  
Ҳали давом этгайдир суйишлару куйишлар,  
Энди бошланади-ку бошланмаган не ишлар.  
Ким ёдида тутаркан кетар куннинг хатарин,  
Уни титрата олмас тўзиш олди хабари.  
Кўтарилсак у дедик, чўксак ҳам у деб чўқдик,  
Биз ҳар-ки юмуш қилдик, бойлов бўлар ўзига.  
Ҳар бомдод кўз ёшимиз Унинг пойига тўқдик,  
Ҳар бир тўзган патимиз сийлов бўлар ўзига.  
Ўздирганида ўзсак кимдандир ўтажакмиз.  
Тўздирганида тўзсак Ўзига етажакмиз.  
Чўфим учуб бородир, кулимни титкиласам...

### ЯШАШГА АРЗИРЛИ...

Яшашга арзирли дунё асли бу,  
Эгрининг эгнини сидириб ечсанг.  
Қора кунларингни тўлдирса ёғду,  
Зилол дарёларда боладай кечсанг.

Яшашга арзирли дунё асли бу,  
Хоиндан хотира қолмаса ҳатто.  
Номарднинг оёғин яламаса сув,  
Золим савлат тўкиб юрмаса отда.

Соқийнинг билгани ва айтгани «Куй!»  
Маст-аластлар ичра соғсан, кулкисан.

Булбул бадар кетган боғларда чий-чий,  
Бетайин қушлардан этак силкисанг.

Остонада қўйлар сўйганимизда,  
Қани енгил тортсак йўққа едириб.  
Ҳансираб ётмаса, қўйганимизда  
Етимнинг ҳаққини тўққа едириб.

Бойни кўттармасак, кўкка, едириб  
Ўзимиз ҳам тушиб чўкка, едириб.  
Давом этаверса шу «едириш»лар  
Ўққа учсанг арзир,  
Ўққа, едириб!  
Яашашга арзирли дунё асли бу..

### БИР КУН ЯШАЙ...

Ё бор Худо, жафо берсанг,  
Навоийинг жафосин бер.  
Вафо берсанг Қурбонжоннинг  
Туркий қавмга вафосин бер.

Гарчанд бир ожиза — куйган,  
Қирқ ямоқ бўз кўйлак кийган,  
Жуфтин Худо янглиғ сўйган,  
Анбар она капасин бер.

Девонига бош қўйиб жим,  
Нодира деб оғди эсим.  
Би-и-ир ўралиб олай исин,  
Моҳларойим кўрпасин бер.

Учирдингу шеър отида,  
Кўп сир кўрдим турк зотида.  
Жон берай зиёратида —  
Яссавийнинг каъбасин бер.

Бир кун яшай, кўнглим дерки,  
Майли бир кун. Эркин-эркин.  
Бир Машрабий юрак бергин,  
Машрабнинг бир нафасин бер.

## СҮЙЛАБ ЁТАРМАН

Она элим, дўстингга дўсту,  
Душманингга хавфу-хатарман.  
Жилғалардай чулдираб ўсдим,  
Илдизингдан келган хабарман.  
Ёнган они ё сўнган они  
Кетган борми меҳриннга қониб.  
Тонготарда сен деб уйғониб,  
Кунботарда сен деб ботарман.  
«Болам», — дединг ҳар коримда ҳам,  
Кувончimu озоримда ҳам.  
Бир кун... бир кун мозоримда ҳам  
Сени суйиб, ўйлаб ётарман.  
Камон, ўқли бўлгин, бўлма кам,  
Гўдакларинг кўрмасин деб ғам  
Ёнимдаги шерикларга ҳам  
Пичир-пичир сўйлаб ётарман...

## ИЗЛАНГ МЕНИ

Агар тўлсам,  
Бир жом янглиғ агар тўлсам,  
Кўнгилларнинг титроғидан изланг мени.  
Чечак янглиғ қовжираса сатрларим,  
Кузнинг куйиб ўтмоғидан изланг мени.  
Ўиласангиз бу дунё тор,  
Бу дунё кенг.  
Япроқман, ўз дараҳтимдан  
Узманг мени.  
«Сен» тилингиз «сиз»га кетса,  
Бир мурид денг.  
Яссавийнинг муриди деб  
«Сиз»ланг мени.  
Куёш билан юрсам,  
Юрсам баланд, бойиб.  
Худо қўлим тутмоғидан  
Изланг мени.

Бир кун... бир кун топмасангиз  
Бўлсам ғойиб  
Туркистоннинг тупроғидан  
Изланг мени.

### УНДАН ЎЗГАСИГА...

Художон, эшитгин, қайтарма раъим,  
Унинг хаёлисиз ҳар зумни кўр қил.  
Мен тўрт ёнга қараб Уни кўрайин,  
Ундан бошқасига кўзимни кўр қил.

Ногоҳ учраганда ўт ёллар ўзга,  
Кўнглимга тушмасин хаёллар ўзга,  
Сирғам титратмасин шамоллар ўзга,  
Ундан ўзгасига сезимни кўр қил.

Сўз берма. Майлига кўнглим оч қолсин.  
Хоҳишларим қолсин. Тараб соч, қолсин.  
Ноилож қолсин, ҳа, ноилож қолсин,  
Ундан ўзгасига Сўзимни кўр қил.

Ҳавосизман. Ишқдай ҳаво истасам,  
Энг эски, энг янги наво истасам,  
Ундан ўзгасидан даво истасам,  
Ўзинг аямасдан ўзимни кўр қил.

Художон, эшитгин, қайтарма раъим,  
Унинг хаёлисиз ҳар зумни кўр қил.  
Мен тўрт ёнга қараб Уни кўрайин,  
Ундан бошқасига кўзимни кўр қил.

### ЁЗИ ЁНДИ

Ёзи ёнди. Сарғайди кузи  
Интиқ-интиқ кутди. Келмадинг.  
Сенга гулоб тайёрлаб ўзи  
Талх зардоблар ютди. Келмадинг.

Мунгайиб ранглари ўчди тоғ  
Заҳарми, бир нима ичди тоғ.  
Кетдимми, деб хатимда хато —  
Ёзганларин титди. Келмадинг.

Сенга тўнлар тикди, қўшқавиқ,  
Кутиш юрагига санчгач тиф,  
Қайчи олиб аччиқма-аччиқ —  
Кирқиб, қийиб, сўтди. Келмадинг.

Кутди. Кутди.  
Бир сўз демади.  
Сўнг дард чалди. Кетди омади.  
Аста-аста чўкди кемадай,  
Кейин бемор ётди. Келмадинг.

Умр бўйи чарх урди,  
Излади.  
Шамолларда қолди бўзлари.  
Кетди. Очиқ кетди кўзлари...  
Келма. Энди ўтди. Келмагин.

Ёзи ёнди, сарғайди кузи.

## ЎЗИМНИНГ ЙЎЛИМ

Барча юрган йўллар барчага тегиш,  
Бошқачароқ йўлни мен излаб кўрдим.  
Бошқачароқ чиқди мен қуйганим фишт,  
Бошқачароқ курдим.

Қабул қилиш қийин бошқачароқни,  
Гар етиб ортса-да ўзимга дардим.  
Жиғига тегдимми қутурган тоғни,  
Елкам тошбўрондан қабарди.

Ниманг ортиқ сенинг, ортиқ қаеринг?  
Ўрмоққа чоғланиб ўткир чалғидай.  
Буйруқ қиладилар, йўлдан қайиринг —  
Барча юрган йўлдан юрсин чалғимай.

Аранг оёқдаман. Титрап баш, құлим  
Ва лекин күзларим қамашар нурдан.  
Мен очган йүлдир бу. Ўзимнинг йүлим,  
Қолса ўз йүлимда қолади мурдам.

Барча юрган йүллар барчага тегиш.

### ТОМОҚ ҚИРИШИ

Ота келғанлигин доим қишу ёз,  
Томоқ қиришидан билар эдилар.  
Бола-ю катталар чиқарди пешвоз,  
Барсдай юришидан билар эдилар.

Энди у йүлбарс йўқ, тортмасдан сергак  
Бемалол ўтирас, уйда аёл, ой.  
Эркак шундай бўлса, келганда эркак,  
Аёл типирчилаб топмай қолса жой...

Бу аёл олдинам bemalol эди  
Уддалай олмади эрга шамликни.  
Қабул қилолмади эркакнинг диidi  
Аёлдаги бу тур хотиржамликни.

Аёл энди ҳушёр, қулоги овда,  
Йиглаб эслар эрин ҳар бир киришин.  
Энди тушларини қиласар безовта  
Шовқин. Ва эркакнинг томоқ қириши.

\* \* \*

Йўлга чиқиб кетяпман,  
Дайди шамоллар билан.  
Менам кетарман дайдиб,  
Битта таскин  
Йўл бўйи.  
Ёлига бошим қўйиб,  
Оларман дардим айтиб.  
Салқини йўқ ўтлоқдан,

Дардинг уқмас ўртоқдан,  
Дайдиган шамол яхши.  
У билан дўст тутиниб,  
Йўлга чиқиб кетяпман...

Аммо  
Ичим тўла ўй, хаёл,  
Бу дайди, урён шамол,  
Йўлни буриб кетмасми?  
Тақдир йўлида мени  
Адаштириб кетмасми?  
Ичим тўла ўй, хаёл  
Йўлга чиқиб кетяпман...

6 февраль, 2009 йил.

## ҚИШ КУНИДА

Абдусалом Умаровга.

Киш кунида дўстнинг иссиқ чорлови,  
Яна йўлбарс дўст у, дўстларнинг дови.  
Дўстлари яйрасин, чекинсин ёви,  
Хуш келди дўстлари Абдусаломнинг.

Дўстлар гуркиса гуриллар дара,  
Қандай дўстлар эди, асов, қарқара.  
Улар ичра Абдусалом энг сара,  
Жўш келди дўстлари Абдусаломнинг.

Сиқиб сувимизни ичган устозлар,  
Битта шеъримизга учган устозлар-  
Билан ҳазиллашиб, ёнимиз олиб,  
Дош келди дўстлари Абдусаломнинг.

Курс старостаси, курснинг отаси,  
Хаёлимда ҳамон староста У.  
Хаёлимда ҳамон давра каттаси,  
Кўнгил олмоқликка ҳамон уста У.

Демак, олтмиш. Базм. Базмки қиёмат,  
Гурлайверсин ҳаёт — тегирмон тоши.  
Балофат ёши бу, авжи балофат,  
Күтгүр бўлсин Сизга балофат ёши!

## ЎҚИЛМАГАН ЖОЙИНГ ҚОЛМАГАН

*Ўн фарзанднинг онаси Муқаддаспошога.*

Онам, тошга ўхшайсан, суриб,  
Нуқилмаган жойинг қолмаган.  
Даласанки парча бўш еринг,  
Экилмаган жойинг қолмаган.

ЛАҲЗА ОРОМ, лаҳза тиичинг йўқ,  
Бирор таъма ё илинжинг йўқ.  
Кулбасан сен, бир бут синчинг йўқ,  
Тўкилмаган жойинг қолмаган.

Юролмайсан бир пас вақт хушлаб,  
Сен бир олма, ўн ёқдан тишлаб  
Ўн фарзанд ўсар, ейилмаган,  
Чўқилмаган жойинг қолмаган.

Гўдакларнинг бари «ширин ёв»,  
Бир кўрпасан, солиб чангаль, чов.  
Ўн томондан тортқилаб ўнов,  
Сўқилмаган жойинг қолмаган.

Она, Сен бир китобга монанд,  
Бир сатринг панд, битта сатринг қанд.  
Умринг бўйи ўқиймиз, гарчанд  
Ўқилмаган жойинг қолмаган.

Экилмаган жойинг қолмаган,  
Тўкилмаган жойинг қолмаган,  
Чўқилмаган жойинг қолмаган,  
Сўқилмаган жойинг қолмаган...

## ЭНДИ КҮРИШМАЙМИЗ, ЁРИМ...

«Сени кўриб ўлсам майли,  
Кечикмагин, кечикма, кел»  
Кечикаман шу туфайли,  
Нафасингни ўчирсин ел.

Мени кўриб ўлар бўлсанг,  
Паймонаси тўлар бўлсанг,  
Қолар бўлсан мен ҳоли танг,  
Шу туфайли кечикаман.

Майлига, шоним йўқотсанм,  
Аммо сен-жоним йўқотсанм,  
Кўз тушган оним йўқотсанм,  
Шу туфайли кечикаман.

Йўлим-кўллар, кечикаман,  
Йўлим қиллар, кечикаман,  
Сонсиз йиллар кечикаман,  
Сен яшаб юрмоғинг учун.

Дунёларни ёқар зорим,  
Дилу жоним, биру борим.  
Энди кўришмаймиз, ёрим  
Сен яшаб юрмоғинг учун.

11 ноябрь, 2009 йил.

## БИЗНИНГ ЖУФТЛИК...

Ҳеч фарқи йўқ, бу қувончми, дард энди,  
Кетолмайман. Йўқ, қолмоғим шарт энди.  
Сен бор бўлсанг боронлардай барқ уриб,  
Сен йўқ эрсанг йўқолмоғим шарт энди.

Бизнинг жуфтлик, оққушнинг авлодлари,  
Кечар бўлса бирга кечар додлари.

Бири кетиб, эзмас бирин ёдлари,  
Сен йўқ эрсанг йўқолмоғим шарт энди.

Бирга ўсдик, бирга етдик вояга,  
Кунда юрсанг мен кетмадим сояга.  
Тўшим билан урилгайман қояга,  
Сен йўқ эрсанг йўқолмоғим шарт энди.

Хеч фарқи йўқ, бу қувончми, дард энди.

11 ноябрь, 2009 йил.

## ОСМОН ЯҚИН КЕЛАР

Осмон яқин келар,  
Жудаям яқин.  
Қаричлаб етасиз  
Олсангиз чама.  
Бир куни чақнайди  
Улуғвор чақин.  
Болага айланиб  
Қолади ҳамма.

Бугунча каттасиз  
Хафаҳол, зада.  
Юрибсиз сир тутиб  
Дил, қаърингизни.  
Куюқ туман босган  
Ҳар бир лаҳзада  
Бир-бировга қуйиб  
Заҳарингизни.

Аммо, азиз одам  
Бечора одам!  
То ернинг остига  
Кетмасдан кириб.  
Дунёда беҳиштий  
Ун ҳам борлигин  
Гўдакка айланиб,  
Шодон қийқириб —

Бир-бириң қучоқлар  
Күн ҳам борлигин  
Унутманг!  
Осмон яқин келар  
Жудаям яқин...

3 февраль, 2010 йил.

## ҚАНДАК ЎРИКНИНГ БИР ДОНАСИ...

Хожиона Зулайҳобегимнинг  
85 йиллигида ўқилган.

Шодлансанк чопамиз ким-кимларгадир,  
Онага йифлаймиз кўнглинимиз тўлса.  
Айтинг она кимдир, она у надир,  
Онани мевага ўхшатиб бўлса.  
Қандак ўрикниң бир донасисиз Сиз,  
Дунёниң энг гўзал онасисиз Сиз.

Тақдир ҳамиша ҳам силамагандир,  
Қай куч билан кўклаб яшнай олдингиз.  
Гоҳ ҳеч ким узуғни уламагандир,  
Қандоқ узилмасдан яшайолдингиз?  
Саксон беш йил. Қиши. Муз синмаган кунлар,  
Кўзларингиз ёши тинмаган кунлар.

Нималар ўтмади бу қора бошдан,  
Ёз кунларин ёзлаб, қишлиарни қишлиаб.  
Яшарканмиз ўтлар чиқариб тошдан,  
Аччиқ, азиз баҳтни тишларда тишлаб.  
Заҳар, болни бирдай тотиб келдингиз,  
Бугун бу даврага етиб келдингиз!

Мұхими мана шу. Бошқаси ёлғон  
Бугун  
Зулайҳобегимга гуллар тўшангиз!  
Дунё эски дўкон, ҳаммадан қолғон,  
Биздан ҳам қолгунча яйраб яшангиз.

Қадни ғоз құтариб, шамшод туринг Сиз,  
Түқсонға кириңг Сиз, юзга кириңг Сиз!

Энди Сизга түфөн даф қилолмас, чин  
Фарзандлар үрайди болу, парларга.  
Худодан сүрайлик, қани құл очинг  
Үғиллар үхшасин пайғамбарларга!  
Тоғнинг кунгай ёғи, ёнага шараф,  
Мұхаммадлар туққан онага шараф!

### БАТАМОМ ҮЙГОНСАМ...

Тураётган қүшга  
Үхшайман жуда.  
Қүшларга үхшайман  
Үйфонаётган.  
Баъзи томирларим  
Хали уйқуда.  
Баъзи томирларда  
Қонларим қотган.

Хас-хашаклар билан  
Судралиб юриб,  
Үқлик орзусида  
Кетиб борар ёй.  
Үзимча нелардир  
Фудраниб юриб,  
Гулдайин умримни  
Бермоқдаман бой.

Үзим-ча кимнингдир  
Фамини едим.  
Кимнингдир кунига  
Юрибман яраб.  
Батамом үйғониб  
Ололсам эди,  
Учиб кетармидим  
Кўкларга қараб.

3 февраль, 2010 йил.

# “ҰНДУЛАР”

қитобидан

(2010)



*Сарғаяман, қадду белім дол қиласы мен,  
Азобларда умримни увол қиласы мен.  
Яраланған тик арслоннинг шиддати билан,  
Сүз мулкими бир куни ишғол қиласы мен.*





\* \* \*

Белим сириб боғласам күч, тоб келармикан,  
Оқарманми ё ўйим сароб келармикан.  
Агар афгон шамолидан йиғлаб ўтисам,  
Навоийнинг ҳидларини обкелармикан?

\* \* \*

Мангу тунмас. Офтоб — бир онлиғ бўлсам,  
Армоним йўқ. Хароб ё шонлиғ бўлсам.  
Ҳазрат Румийдай бир жон дўст топсайдим,  
Майли унга *Шамсадай*<sup>1</sup> қурбонлиғ бўлсам.

\* \* \*

Ер шохлама. Хуш бир онлиғ фурсати етгай,  
Кўш хонақо, кўш айвонлиғ фурсати етгай.  
Аршга етган қуёш ҳам арш тоқида қолмас,  
Кўкни сузма. Пушаймонлиғ фурсати етгай.

\* \* \*

Кўкламларни суйиб ўтдиқми, ё Раб,  
Саратондан куйиб ўтдиқми, ё Раб.  
Бир изгирин келар устухонғача,  
Совуқ мавсумларга етдиқми, ё Раб!

\* \* \*

Қиз ботирни чорлаб ўлан тўқисин,  
Ишқи билан куйсин, нолон тўқисин.

---

<sup>1</sup> Мавлоно Румийнинг шогирди Шамс Табризий кўзда тутилмоқда.

Эр қизни олса-ю, юртини бузса,  
Қиз сочидан қирқта илон түқисин.

\* \* \*

Кўклам ҳам гоҳ алдар, фўр, боли йўқдир,  
Алдашга ёздайин дажжоли йўқдир.  
Куздан бир амаллаб алданмай ўтсам,  
Қишининг алдашгаям мажоли йўқдир.

\* \* \*

Садақа, сарпо эҳсон берар хоқон,  
Кимга мансаб, кимга шон берар хоқон.  
Қай кул «қулингман» деб тиз чўқаверса,  
Шу қулнинг қўлида жон берар хоқон.

\* \* \*

Сиртим шоён, ич-хўрсиник, тутунлигим кўр,  
Фужгон юлдузлар-да, синиқ бир тунлигим кўр.  
Харсанг тегиб минг бўлакка бўлинган жомман,  
Аммо юрганимда тикилик, бутунлигим кўр.

\* \* \*

Хушёrlар кўп тепкилади. Кирланган чим мен  
Хушёrlар кўп сўроқ қилар. Соқов мен. Жим мен.  
Агар Хайём қайтиб келса дўст тутинардим,  
Майхонада шароб билан ювинардим мен.

\* \* \*

Кўп одамнинг сурати бор, сийрат, сўзи йўқ,  
Муздони бор, туздони бор, аммо тузи йўқ.  
Кўп одамлар майхонада айш сурар бугун,  
Лек Хайём йўқ, Хайёмнинг бир босган изи йўқ.

\* \* \*

Бошнинг устида пул, оёқ остда пул,  
Энг суюмли дўстдир, хушёр, мастда пул.  
Не-не олтин бошни балчиқقا қориб,  
Шиқирлаб кулади даста-даста пул.

\* \* \*

Дунёда бир пулдай ғаддор дўст чиқди,  
Ҳамма уни кутар, ҳар хил сўз чиқди.  
Бирорни у келмай саргардон қилса,  
Бирорни у келиб... гўрларга тиқди.

\* \* \*

Билмам не тадорик, таваккул бугун,  
Ҳавзи-кавсарларим қўлмак, қўл бугун.  
Ўзим ҳам бир тийин бу дунёсида  
Дўстимни ўпаман. Дўстим — пул бугун.

\* \* \*

Боримни гумон ер, ҳатто қилим йўқ,  
Чекиб хумор ёзай десам чилим йўқ.  
Емаган сомсага тўлаб тугатдим,  
Ёнимда бир тийин бошқа пулим йўқ.

\* \* \*

Кирлардан покланмоқ учун ичаман,  
Қўксимдаги минг доғ учун ичаман.  
Ўзларидан кетиб, бирорлар ичса,  
Мен ўзимга келмоқ учун ичаман.

\* \* \*

Кўкларингдан тушдим, чиқдим қаърингдан,  
Аммо сўрамадим олтин, зарингдан.  
Худо, менгаям бир донагина бер  
Паҳлавонга<sup>1</sup> берган инжуларингдан.

\* \* \*

Ҳаётида гуллигича гул,  
Йўллигича қолаверади йўл.  
Чунки у бир ошиқ сўровди,  
Худо берди битта қоровул.

---

<sup>1</sup> Паҳлавон Маҳмуд назарда тутиляпти.

\* \* \*

Сен дунёни олсанг севмай туриб ол,  
Ошиқма, қадаҳни тутса ҳам лим-лим.  
Лаб теккизгүнингча кечса шундай ҳол,  
Худо сени олса, ким куяди, ким?!

\* \* \*

Ечолсанг умрингнинг тун-кунини еч,  
Кеча, эртани қўй, бугунини еч.  
Ечолсанг, ўтирида, бигтами-битта  
Ишқнинг етмиш икки тугунини еч.

\* \* \*

Мушкул тақдири ҳам биз бўлсак керак,  
Таъна, таҳқири ҳам биз бўлсак керак.  
У дунёда балки сув ҳам етишмас  
Ернинг тақири ҳам биз бўлсак керак.

\* \* \*

Хушёр бўл, ботмасин бу дунё тифи,  
Гарчанд булоқлари суви-тинифи.  
Эҳтиёт бўлиб ют, бол тутганда ҳам,  
Болдан ҳам гоҳ чиқар шиша синифи.

\* \* \*

Оҳ менинг устимдан юриб ўтсайди,  
Чоҳ менинг устимдан юриб ўтсайди,  
Гумроҳ менинг устимдан юриб ўтсайди,  
Боролмасди улар сен ёқقا, болам.

\* \* \*

Дараклар келади, элимдан дарак,  
Баҳор тошқинлари селимдан дарак.  
Биродар, бири ҳеч топмасин сизни,  
Ўлим дараги бу, ўлимдан дарак.

\* \* \*

Қўрқаман, оҳ, руҳсиз тандай бораман,  
Тикман-у, гоҳ эгик шаъндай бораман.

Амалларин адo қилолмадим-ку,  
Худонинг олдига қандай бораман?!

\* \* \*

Бу дунёда айрилмоқ янги эмас,  
Кўнгилларда қолган доғ янги эмас.  
Севилган гул сирларингни сочмагил,  
Бу дунёда севмоқ ҳам мангу эмас.

\* \* \*

Дунё бир кам. Қадди шамшод етмайди,  
Кам-кам етади-ю, бот-бот етмайди.  
Яхшики келмаймиз. Қайта келсак ҳам,  
Бизга майдон етмас, ё от етмайди.

\* \* \*

Талх ҳижронни ютгайман,  
Куйиб нома битгайман.  
Сени нафақат тирик,  
Қабримда ҳам кутгайман.

\* \* \*

У деб сен ҳорма энди,  
Кўксингни ёрма энди.  
Бемор ётди, бормадинг,  
Үлганда борма, энди.

\* \* \*

Куйиб ўз жонима озор чеккизаман мен,  
Ердан униб чиқмас уруғ эккизаман мен.  
Расууллоҳ тўғрилолмай кетган дунёга,  
Нечун таҳрир қаламини теккизаман мен?!

\* \* \*

Гарчанд зоҳирим баланд, сархушману қодирман,  
Дунё ғамларин қумдай ичимга солодирман.  
Сочдан тирноғим қадар кум босмаган ерим йўқ,  
Мен бунда юриб турган дашти Карбалодирман.

\* \* \*

Дўсти ёлғоним кўп, дўсти чин йўқдир,  
Савт, садолар ёлғон, бир рост ун йўқдир.  
Бу дунёда шунча кўп ишни кўрдим,  
Энди гунг бўлмасам менга кун йўқдир.

\* \* \*

Азал ўтдан эдим, ўтга кетсам керак,  
Дўст тутиниб ёмғир, ҳутга кетсам керак.  
Бу ерларда Оллоҳ берган ризқим териб,  
Йўл сўнгтида Боёвутга кетсам керак.

\* \* \*

Водариғ, кўнглимда кун чиқмади-я,  
Шаклу шамол чиқди, мазмун чиқмади-я.  
Йиғласам тоғ, тошлиар хўнграб қўшилди,  
Бу тош одамлардан ун чиқмади-я.

\* \* \*

Мен кетганда дерлар: «Кетди, баҳт, йиги кетди,  
Бу дунёning бир қиличи, бир тифи кетди».  
Ҳеч кимга дил ёролмадим. Десалар маъқул:  
«Дунёдан яна бир сирлар сандиғи кетди».

\* \* \*

Тошлиардан бўлсам-да майда-майда ман,  
Ишонавердим-а қайта-қайта ман.  
Сир айтдим. Одамлар кўру кар ўтди,  
Энди бир Оллоҳга сирим айтаман.

\* \* \*

Эй дунёи ғамбода, бодангдан қуй, сипқорай,  
Энди сенга демасмен: «Маслаҳат бер, дил ёрай».  
Сенга қачон дил ёрсам, ёриғига туз сепдинг,  
Мум тишладим. Энди мен маҳшаргача жим борай.

\* \* \*

Дили озор, дили тошга келмасмиз,  
Тупроққа келгаймиз, ошга келмасмиз.

Бу беш кунлик ҳайит. Ҳайитлаб улгур,  
Биз ҳайит кунларга бошқа келмасмиз.

\* \* \*

Дилсизга сув ҳам дард айтмас ҳеч қачон,  
Дарё дегил, дема тик, паст ҳеч қачон.  
Мен ҳеч қачон ортга қайтолмагандай,  
Бу дарё ҳам ортга қайтмас ҳеч қачон.

\* \* \*

Қишида кетсин, қайфунгизни осинг дорларга,  
Йўқлар ўтди. Борингизни тутиңг борларга.  
Қатори бехато лашкар янглиғ кирайлик,  
Бул кун пушти байроқзорлар, ўрикзорларга.

\* \* \*

Мұхаммад Юсуф кетди. Баҳт ёртимиқан  
Ёки ўлим қызлардан қутқардимиқан?  
Мұхаммаджон деса жонин берар қызлар,  
Мозорининг бошига бир бордимиқан?!

\* \* \*

*Пиримқул Кодировга.*

Бири кам дунёда «Ё, ҳув»чиларим,  
Фикрга ташна халқа нон, сувчиларим.  
Озгин, ранги синиқ, саҳобалардай,  
Шайхул-машойихдай ёзувчиларим.

\* \* \*

Ҳоким келди: Комрон бўлдик. Ҳоқон ўзгарди  
Сустлашгандик. Биз ўйладикки, қон ўзгарди.  
Ажаб... қадим ўзанларда оқаверди халқ  
Ҳоким кетди. На дук ва на дўкон ўзгарди.

\* \* \*

Ранжимангиз, сойга, қирга кетгайман,  
Шуурга кетгайман, шеърга кетгайман.  
Қачон кетсам фақат сиз томон кетдим,  
Сиздан кетсам, қаро ерга кетгайман.

\* \* \*

Кимдадир түн, кимлардадир оҳ янги,  
Кимлар шайху, кимлардир гумроҳ янги.  
Сизни кутдим. Келмадингиз, қорайдим,  
Тағин менинг кўксимдаги доғ янги.

\* \* \*

Янглишиб ҳам кўчангизга йўлим тушмасин,  
Янглишиб ҳам бўйнингизга қўлим тушмасин.  
Аммо,  
Аммо сўрорим бор Қодир Худодан,  
То тирикмен, бошингизга ўлим тушмасин.

\* \* \*

Тўртта дўст. Бир-бирин хушлашди улар,  
Бир-бирларин маҳкам ушлашди улар.  
Ўртага бир суюк ташланди, ё Ра-а-аб,  
Қопағон итлардай тишлишди улар.

\* \* \*

Бу хаёл босган толми, теракмиди, Худойим,  
Бу шамолларам ғамдан даракмиди, Худойим.  
Икки қўзим булоги тинмай оққани оққан,  
Менга шу икки булоқ керакмиди, Худойим.

\* \* \*

...га.

Дарё, сен ёйилиб оқ. Мен ёйилолмадим ҳеч,  
Менга гул узатмади бу дунёи қадим ҳеч.  
Шайхга қанча эгисам шунча ерга киргизди  
Мурид эмас қул бўлдим, тикланмади қаддим ҳеч.

\* \* \*

...га.

Кетсам, дунёning оққуш, турналарига кетсам,  
Ё етти қават зиндон, ернинг қаърига кетсам.  
Келдим, ҳар ҳужайрамни ўтга қалаб қул қилдинг,  
Энди мен кетсам бўлди. Сендан нарига кетсам.

\* \* \*

*Асқар Маҳкамга.*

1

Машраб дорда кетди. Шеъри қолди. Из  
Шеър қолди. Нодира кетди, чўкмай тиз.  
Кимга суянасан халқи — нодоним,  
Иймон асолари шоирларингиз.

2

Ўзин мусофирга ўхшатган, Асқар,  
Иймон сўнгакларин қақшатган, Асқар.  
Сенга излаб бошқа сифот топмадим,  
Халоскор довулсан, даҳшатсан, Асқар.

\* \* \*

*Ҳазрат Яссавий зиёратига  
борганимда кўрганим.*

Бу қудуқда рост бор. Ёлғон йўқ, қув йўқ,  
Сув тортгичларда ҳам бир ёлғон ув йўқ.  
Кимга лим челак сув, бир туширишда,  
Ким юз бор туширас, бир томчи сув йўқ.

\* \* \*

Гарчанд ҳар сатрни дилимга ўйдим,  
Уйғон, уйғон дейман сен бўлсанг ҳам ким.  
Тоза инжу топдим уйқу аралаш...  
Турдим. Эслолмадим. Йўқотиб қўйдим.

\* \* \*

Уйдан чиқинг. Ёзинг чигилингизни,  
Зиёфат қилингиз бир-бирингизни.  
Қўл-оёқقا ажал занжири тушмай,  
Зиёрат қилингиз бир-бирингизни.

\* \* \*

Ер ҳасратга чўкиб айланар, кўринг  
Одам қусиб, бўкиб айланар, кўринг.

Хар барги ўпгулик бу хиёбонда  
Итлар пешоб тўкиб айланар, кўринг.

\* \* \*

Кувончу қайгуни қорганим бўлди,  
Дўсту ёрларим бор. Бор ғаним, бўлди.  
Бу дунёда қилган энг яхши ишим —  
Сенга зиёратга борганим бўлди.

\* \* \*

Булар одамликни хор қиласдилар,  
Булар маним сочим қор қиласдилар.  
Кучук етаклаган бу одам қавми,  
Одам етаклашдан ор қиласдилар.

\* \* \*

Баъзан бошинг тиклаб, силкиб барингни,  
Бир чақмоқ ёритиб келар қаърингни.  
Эй қодир Худойим, юбориб тургин,  
Шундай дунё силкир чақмоқларингни.

\* \* \*

Бир ишқли одам йўқ. От-да, хар-да бор,  
Бугун ишқ йўқ. Дўқ бор. Гумон. Зарда бор.  
Бугунги Мажнунлар зимдан текширас,  
Мажнун ишқи ўтган, ўтганларда бор.

\* \* \*

Тиллаш. Ишим келсин десанг ўнг,  
Ер тилга киради, чимдан сўнг.  
Жовдиради. Мен тиллашмадим.  
Шу гул йиглар кетганимдан сўнг.

\* \* \*

Фалак болга доим заҳарни қотган,  
Кўрдим... Темур шоҳлик шаробин тотган.  
Кейин Кўқон. Кейин Нодира боши,  
Кундага қўйилган, чопилаётган...

\* \* \*

Бурро воизлар кўп, бир оятчи йўқ,  
Дараҳтлар қавмида шикоятчи йўқ.  
Умрим бўйи кезиб бир сирни уқдим,  
Ҳимояталаб кўп, ҳимоятчи йўқ.

\* \* \*

Элим, қачонгача борга тортгайсен,  
Бор бўлса аждаҳо, морга тортгайсен.  
Қачон бир жаллод, бир ноҳалолингни,  
«Оллоҳу акбар» деб дорга тортгайсен.

\* \* \*

Шуҳрат томон. Ким айтди: «Гуллик томон борасиз»,  
Ич талош у, сиртингиз силлиқ томон борасиз.  
Шуҳрат бозорларининг ҳар хоқонлари бордир,  
Ўз оёғингиз билан қуллик томон борасиз.

\* \* \*

Тикланишнинг асосин фам-ҳасрат беради,  
Ўзига осон. У берса қат-қат беради.  
Гар юкинсанг Нажмидини Куброга юкин,  
Байроқ деб жон бермоқ дарсин ҳазрат беради.

\* \* \*

Кетган кетаверар қатор олдида,  
Бор созлар чекингай бир тор олдида.  
Дунёнинг бор аттор, савдогарлари  
Ҳеч ким... Фаридиддин Аттор олдида.

\* \* \*

Бу дунёда ё от, ё ёдимиз чиқар,  
Ё сайдимиз ва ё сайёдимиз чиқар.  
Ер остида Яссавийлар берган дарсдан,  
Ер устида бизнинг саводимиз чиқар.

\* \* \*

Билмайман. Кетсамми ё юрсам авло,  
Билганим — белимни мен сирсам авло.

Сиздан ўзгасига ўзни тутгандан,  
Ўзимни тупроққа топширсам авло.

\* \* \*

Кўклам ёмғирлари қадаҳ, жомларга чиқар,  
Келинчаклар излаб фўра, хомларга чиқар.  
Жилғачалар чулдирашиб пастга энар-у,  
Қизғалдоқлар қувлашганча томларга чиқар.

\* \* \*

Иситгин, музлатма, қорга айланма,  
Жон бахш эт, жон олар сорга айланма.  
Осилсанг, дорида осилиб кет-у,  
Бу дунёда муртад дорга айланма.

\* \* \*

Бу дунёга келган борки шошгай, энтиkkай,  
Не тоғларда қарқарали чодирлар тиккай.  
Келган борки юриб, учеб бир кун охири  
Пушаймонлиғ дарасининг устидан чиққай.

\* \* \*

Нон сўраганларга тош тутган дунё,  
Жаранг, садоларни жим ютган дунё,  
Эрта шеъримизни ёд олажак, ёд,  
Бугун боримизни унутган дунё.

\* \* \*

Үйлагандим, кўр дунёning лойига ботдим,  
Йўқ лой эмас, қўёшига, ойига ботдим,  
Ўзим сездим, ғарибига ботганим йўқ ҳеч,  
Мен дунёning каззоби-ю, бойига ботдим.

\* \* \*

Куймагин, суйганинг Сен деб куймайди,  
Хазон бўласан, у хазон киймайди.  
Дунёning энг қўҳна савдосидир бу,  
Жон берар ошиқни жонон суймайди.

\* \* \*

Хаққа тиловат айтсам-да саҳар ичра мен,  
Хоксор, рақиб сепган заққум-заҳар ичра мен.  
Туҳматини қаранг яна бу бейймоннинг,  
Яшармишман олтину зар, гуҳар ичра мен.

\* \* \*

Мен ҳамиша олдда юрган тақдир тошиман,  
Болу заҳар аввал тушар маним ошима.  
Кеча қувонч беҳиштида шоҳаншоҳ эдим,  
Бугун қайғу сахросида карвонбошиман.

\* \* \*

Елкам яғир, танбал, сурлар остида,  
Эсиз умрим... фитна, сирлар остида.  
Оллоҳ, нечун мени олов яратдинг,  
Қандоқ ёнай кир ёмғирлар остида.

\* \* \*

Гаҳи туҳмат тошларидан толажакмиз,  
Паймонадай тўкилажак, тўлажакмиз.  
Лек иймонга аввал замон содиқ эдик,  
Замон охир бўлар, содиқ қолажакмиз.

\* \* \*

Умргузаронлигим оҳувойлар ичинда,  
Чопқир сувлар тўхтагай — балчиқ,  
лойлар ичинда.  
Мўминдан-мўмин тортар,  
ўзимдан жирканаман,  
Бу малъунга дарс бергич мўминтойлар  
ичинда.

\* \* \*

Раҳмат, эй ишқ,  
тақдиримга вой келтирдинг,  
Миннатдормен,  
кўзларимдан сой келтирдинг.

Суратим сарғайған бўлса дард чекмагил,  
Сийратимга барибир ҳумой келтирдинг.

\* \* \*

Гарчанд ичимда тик наҳанг кўраман,  
Дамодам эзгин бир оҳанг кўраман.  
Кувонч мени излаб ёлғиз келмас ҳеч,  
Уни қайфу билан баҳам кўраман.

\* \* \*

Чақмоқ урди, жон-жонимдан ўтди тиф,  
Кўпорилай дедим монанди дараҳт...  
Шохимдаги қушча, йиқилдинг қаттиқ,  
Болам, бирор жойинг емадими лат?

\* \* \*

Денгизман, дарёлар — қўлларим, тўсма,  
Сиртмоққа айлангай қилларим, тўсма.  
Бир ел турса, кўзинг кўр қилмоғи бор,  
Оёғинг остида кулларим тўсма.

\* \* \*

Бу қандай қавм, бирикмайди, тўзғийди,  
У иш қилмас, ишқал қилас, изғийди,  
Улар ҳамон боболарин туш кўриб,  
Момоларин соясида мизғийди.

\* \* \*

Хушёр олдинг, маству аласт ичиб, олдинг сен,  
Дарёларим инжуларин кечиб, олдинг сен.  
Ўзингникин тўздирмоқлик бўларми насиб,  
Нечун маним уст-бошимни ечиб олдинг сен.

\* \* \*

Бу дунё шундай бир изга тушгандир,  
Тиздан кетган дармон тизга тушгандир.  
Бизни асрраганлар дунёдан ўтди,  
Энди асраш иши бизга тушгандир.

\* \* \*

Қаттол дунё, мәҳмонаринг қайга бошлайсан,  
Муз, сувларда чўқдирасан, ўтга ташлайсан.  
Уч-тўрт кунлик мәҳмонаринг хафа қилас ким,  
Сен не учун бандаларинг кўзин ёшлайсан?!

\* \* \*

Гоҳо гулламоқдан ҳам боғим қўрқар,  
Гул ҳидларидан ҳам димоғим қўрқар.  
Тутсам қалам ҳақ деб изиллар, шундан,  
Қалам тутмоққа ҳам бармоғим қўрқар.

\* \* \*

Сўзин асраласнинг сўзини аспа,  
Ўзин асраласнинг ўзини аспа,  
Воҳ, кўр қилмоқ учун тайёрланар кул,  
Олдинни кўрарнинг кўзини аспа.

\* \* \*

Ҳар кимса бир ёруғ, бир роҳ истайдир,  
Ўз кўнглига Хизр, бир шоҳ истайдир.  
Билмаски бу дунё қаттол, Хизр ҳам,  
Қувғиндир, ўзига паноҳ истайдир.

\* \* \*

Бизлар гулмиз юртнинг қири ўрида ўсган,  
Жафокаш халқ манглай тери, шўрида ўсган.  
Жабрдийда авлодмиз биз, жабрдийда гул,  
Қодирийлар, Чўлпонларнинг гўрида ўсган.

\* \* \*

Биз на бугдойдирмиз ва на сомонмиз,  
Майн болу парга ўралган жонмиз.  
Шу ҳар қалдироқдан қалтирас зотлар,  
Наҳот буюк Туркдан тўралган жонмиз?!

\* \* \*

Мен норасида — ғам, ўсаётган гул,  
Дил ярасида ҳам ўсаётган гул.

Үт күйиб ёқдилар хонумонимни,  
Кул орасида ҳам ўсаёттан гул.

\* \* \*

Бирлашмаган элда ҳар тоқ йиғлайди,  
Суянч устуни йўқ ҳар тоғ йиғлайди.  
Оёқ остда тупроқ изиллаб йиғлар,  
Бош устида ҳўнграб байроқ йиғлайди.

\* \* \*

Турк уйи тиклангай, келгай кўрк, шонлар,  
Кўшキン қуббасига теккай осмонлар.  
Фиштга айланса ҳам ҳар бири битта,  
Уни кўтаргайдир туркийзабонлар.

\* \* \*

Мен-да туркнинг даштларининг эрк шамолиман,  
Дашт отидай метин туёқ, бўрон ёллиман.  
Мен-да туркнинг боши, қўкси осмон, оғи —  
Узангида кетадиган тик аёлиман.

\* \* \*

Ҳар кимки тиз букиб ошга етади,  
Тил бошқа, нияти бошқа, етади.  
Ҳазир бўл, оёқда ётган итлардан,  
Оёқ ялаған ит бошга етади.

\* \* \*

Зарим минг хил.

Сен бирор турин ола билмассан,  
Еру кўкни кавлаб кўр,  
урин, ола билмассан.  
Оллоҳ бор бойлигимни қонларимга яширган,  
Искович итдай изла, бирин ола билмассан.

\* \* \*

Бу уруф шу. Тутамаймиз, ёнамиз,  
Сепли эмас, эпли туқсан онамиз.

Чинор бўлиб, тўфонларга йўл бермас,  
Қай пучмоқда унса ҳам бир донамиз.

\* \* \*

Аввал дедик «баҳт топ, гул топ»  
— кетдик биз.

Кейин дедик «таҳт топ, ул топ»  
— кетдик биз

Барчасига бирдай етишган куни,  
Барчасидан қўлни силтаб кетдик биз.

\* \* \*

Қўнглим қуш-у,  
деманг уни учириб боргум,  
Унга сувдай сероб фамни ичириб боргум.  
Қўнглим гоҳ-гоҳ азоблардан ўт  
олиб кетар,  
Ўтни қўзим ёши билан ўчириб боргум.

\* \* \*

Елга емман, сувга емман бир куни,  
Фофил, ўзни мангу депман бир куни.  
Бир нафасга келдим, минг фам бошимда,  
Бу дунёга бекор кепман бир куни.

\* \* \*

..га.

Ўчкор келдинг, фитна-фасод базмини туздинг,  
Тенг-тўшингни заҳарладинг, ўстирмай уздинг.  
Захринг ўзинг билан кетмай сочдинг ортга ҳам,  
Ортдан келар сувларни ҳам таъмини буздинг.

\* \* \*

Фофил, гафлат ичра уйқусираб мен,  
Не сўрасам Сендан танҳо, сўрабмен.  
Оддий тоши ҳам йўқ кимсадан, афсус,  
Вафо деган ақиқ, анқо сўрабмен.

\* \* \*

Сарғаяман, қадду белим дол қиласман мен,  
Азбларда умримни увол қиласман мен.  
Яраланган тик арслоннинг шиддати билан,  
Сўз мулкини бир куни ишғол қиласман мен.

\* \* \*

Сиздан хабар йўқ, қуриб қул ичида мен,  
Зоҳиран озод, ботин фул ичида мен.  
Ишқий номангиз келар, кўклай бошлайман,  
Боштин-оёғим гуллар, гул ичида мен.

\* \* \*

Хато қилдим, хатоларим зоф илиб,  
ёйиб кетган,  
Савдогарлар йўқ сиримни сотишиб,  
бойиб кетган.  
Йиғлаган кўз қора бўлар,  
— дерлар, ростга ўхшайди,  
Боқсам,  
кўзгудаги кўзим тағин қорайиб кетган.

\* \* \*

Йўлимиз шу. Келар-кетар тилсим, кетамиз,  
Офтоб кулар, ёмғир ёғар сим-сим кетамиз.  
Яссавийдек турк довругин кўкка ўрлатиб  
Ўзимиз ернинг остига жим-жим кетамиз.

\* \* \*

Отанг-онанг бағридайин бағр-ку,  
оҳ, йўқ,  
Суюкли ёр оғушидай оғуш, учоқ йўқ.  
Ўтганлардан сўраб кўрсам  
бундай дедилар:  
«Одамзодга тупроқдайин иссиқ қучоқ йўқ».

\* \* \*

Топмадик биз дўстнинг номард, мардини,  
Үпмадик ҳам бирор оёқ гардини —

Улар энди бизмас, тупроққа айтар  
Үзи билан олиб кетган дардини.

\* \* \*

Чарағон күзларни ҳеч хоб тортмасин,  
Гуркираганни айш, гулоб тортмасин.  
Эй аҳли мұмынлар, қирғоққа чиқинг.  
Бирингизни бирор гирдөб тортмасин.

\* \* \*

Үйинқароқ шамоллар бое гулларини  
үйнайды,  
Бировларнинг олтин-зари,  
пулларини үйнайды.  
Эрмакталаб бу шамоллар тинч қўймасдан  
мени ҳам,  
Кеча куйган қанотимнинг  
кулларини үйнайды.

\* \* \*

Хоҳ фақир, хоҳ донгдор, шонли кетарсен,  
Хоҳ гадо, хоҳ қўшайвонли кетарсен.  
Одамзод-ей, йиглаб келдинг аввалда,  
Охиран ҳам пушаймонли кетарсен.

\* \* \*

Гарчанд умр дафтари тўлган гард, доққа,  
Қўрқсам ҳамки ҳатто умид қилмоққа,  
Атрофимдан минг тарафга йўл кетган,  
Менинг йўлим бир, Каъбага, Сен ёққа.

\* \* \*

Меҳмонларинг бир-бир кетар,  
сен ҳамон там-там гулсан,  
Қаттол дунё,  
тўғонларинг тўхтатади сал жилсам.  
Уч-тўрт кунлик меҳмонга ҳам  
шафқатсизлик шунчалар,  
Келмас эдим,  
шундай ёвуз мезбонлигинги билсан.

\* \* \*

Ёнгин ўтди. Ҳар қиёги аждаҳо, минбаъд.  
Босди. Сени поймол этди ҳар касу ҳар бад.  
Тирик қолдинг.

Бу курашда демак Фолиб СЕН,  
Энди куллар орасидан тиклан, күтар қад!

\* \* \*

Юлғичлар бири олиб, бири қўйиб олурлар,  
Яйраб, сайраб олурлар, тўйиб-тўйиб олурлар.  
Бу наҳс каслар хавотир олиб ўз айбларидан,  
Ўткир кўз-ла келганни кўзин ўйиб олурлар.

\* \* \*

Кетган пирлар, ўтмиш пирлар, ўздир, Худойим,  
Улар азиз, улар аён сўздир, Худойим.  
Гўдакларнинг орасида келар пирлар бор,  
Шу пирларни кўрадиган кўз бер, Худойим.

\* \* \*

...га.

Тинган сувлар оромини бузар балиқ, мен,  
Ҳеч узилмас тўрларни-да узар балиқ мен.  
Жилдираган жилгачангга сифмасмен, қўрқма,  
Қарқарали денгизларда сузар балиқ мен.

\* \* \*

Дунёсида кўзлар оч.  
Тўйдиролмай ҳайрон мен.  
Дилга ишқи Оллоҳни ўйдиролмай ҳайрон мен.  
Димоқлари осмон бу болалар пардай тўзғин,  
Оёқларини ерга кўйдиролмай ҳайрон мен.

\* \* \*

Ўйлар эдим дунёда поклар, зўрлар зиёда,  
Улар бир-бирин қўллаб кўкка ўрлар зиёда,  
Зўрлар ўрлаш ўрнига бир-бирин кўзин ўиди,  
Ё Раб, боқсан дунёга энди кўрлар зиёда.

\* \* \*

Эй дўст, сенинг бобонг улуг, тик чақин келди,  
Мехри денгиз, қаҳри қилич, қалқон, қин келди,  
Лек, огоҳ бўл, бугун сенинг набирангдан ҳам  
«Бобонг ким», — деб сўрайдиган қаттол кун келди.

\* \* \*

Навоий — нон. Тўсма. Унга борар йўлдан қоч,  
Фашлик қилма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тож.  
Навоийга ўзин урса, урма кофирни,  
Ахир, нонга мусулмону кофир бирдай оч.

\* \* \*

Ўйламанг, фақат масть, пиён оғади,  
Муқиммас, ҳар баҳту зиён оғади.  
Қуёш қоқ тепада, лек қанча туар,  
Ўйлаб улгурмайсан, бирён оғади.

\* \* \*

Паноҳ керак, битта қошдай, кўздай бир паноҳ,  
Ўзингдан юксакроқ фикр, сўздай бир паноҳ,  
Қирчиллама қирқ жонимни қайраб туриб ҳам,  
Бир паноҳсиз яшолмам мен, Сиздай бир паноҳ.

\* \* \*

Изласа имкон чиқарин ёрга айтинглар,  
Суюкли ҳар он чиқарин ёрга айтинглар,  
Чорласангиз: ҳаялласа ёри бевафо,  
Ёрдан олдин жон чиқарин ёрга айтинглар.

\* \* \*

Мени кўкда куйган ой тушунади,  
Ўқи хато кетган ёй тушунади,  
Учарлар дилимнинг учин ҳам кўрмас,  
Холимни ҳолигавой тушунади.

\* \* \*

Уй бузилган, аммо ҳамон унга элтар из,  
Ҳамон сирдош, унга кўнгил ёраверамиз.

Бузилган боф тепасидан кетолмайди қуш,  
Биз бузилган қаъбамизга бораверамиз.

\* \* \*

Бугун гумон менга сингиллик айлар,  
Бош устимда ҳижрон соясин тайлар.  
Номалари нола қилмас, йўқламас,  
Бизни ёри азиз унутгандайлар!

\* \* \*

Болажоним!  
Йўлга чиқсам, йўлим келади,  
Сув сўрасам гуррос дарё, селим келади.  
Элга кирган кунинг менга байрам келар-у,  
Элдан чиққан кунинг менга ўлим келади!

\* \* \*

Бир-бирингиз товус, ёнар пат деб ушлангиз,  
Дунё насия. Сен бир ўзинг нақд деб ушлангиз?!  
Суйинг,ammo, босиб юқдай ўтириб олманг,  
Келган, ammo, кетмоғи бор тахт деб ушлангиз.

\* \* \*

Ютдиргану ютганимиз нимага арзир  
Ўтмагану ўтганимиз нимага арзир?!  
«Бошин олиб бир сорига» кетганда Бобур,  
Сизу бизнинг кетганимиз нимага арзир?!

\* \* \*

Ишқ эдим, гумон мен, гунг, лол мен энди,  
Ҳайратмас, даъватмас, савол, мен энди.  
Энди дум тутқазмас балиқдирман мен,  
Этагин ушлатмас шамол, мен энди...

\* \* \*

Толе мени ғамга ҳамон еткурди,  
Ўт, сувга отди, ҳар томон еткурди.  
Ногоҳ сени кўрдим... қолган дунё пуч,  
Шукур, дийдорингни омон еткурди!

\* \* \*

Оллоҳни «жоним», дема, сен жон қўймагунингча,  
Ҳақ йўлида ўзингни курбон қўймагунингча.

Илму амалинг бир пул, ёнишларинг тўзгин кул,  
То ёстифинг остига Куръон қўймагунингча.

\* \* \*

Аввал ўзинг кўнглим билан тарона туздинг,  
Кўнглимнинг хуш сойларида оққуещдай суздинг.  
Сўнг, сен кетдинг... сойларда мен қолдим танҳо-тоқ,  
Оҳ, умидинг узилсин-а, умидим уздинг!

\* \* \*

Чумолижон, менинг хомуш ҳолимдан кулма,  
Ҳам дардинг бер, кўтаргум, деб гудозлик қилма,  
Минг дардим бор, бирин айтсам арслон чўкади,  
Сен айланиб ўтавергин, қўй, сен янчилма.

\* \* \*

Ҳатто, қушлар ерда жуфтлашиб донлар,  
Жуфтсиз қушни ер тортади, ёронлар.  
Сизга тўзим, фақат тўзим Оллоҳдан,  
Жуфтларини ерга қўйган инсонлар.

\* \* \*

Деб, «Сени ўйламакни кам қиласмен»,  
Ўзимни қийнаймен, кўп фам қиласмен.  
Ўзимни ўзингга еткургунча то  
Сўзингни кўнглимга малҳам қиласмен.

\* \* \*

Гарчанд юксаклик завқидан мастлаб учамиз,  
Арш тортсаям, бизлар ерлаб, хаслаб учамиз.  
Кўкка кетган бори қушлар ўқса учсалар,  
Кушжон, энди юксалмаймиз, паастлаб учамиз.

\* \* \*

Бирор гўдак, бирорлар ит боқиб боради.  
Бирорга гул, бирорга кул ёғиб боради.

Бу бенаво дунёсидан наво тиланиб,  
Мендек бир адашган дарё оқиб боради.

\* \* \*

Бу дунёда менинг каби ғамдан барпо йўқ,  
Тоғдай ғамин тил учига чиқармас тоғ йўқ,  
Ҳеч ким мендек ўз кўз ёшин селида оқмас,  
Ерда мендек гуррос солиб йиглар дарё йўқ.

\* \* \*

*M. Б...га.*

Демасман, ҳар шовқин, ҳар шувга боргил.  
Боргандা кўнгилнинг аршига боргил.  
Қалдирғоч, соянгда сояласин ёр,  
Мен учун бир марта Қаршига боргил.

\* \* \*

Сиз истамаганлар сиз томон юрса кечиринг,  
Сиз деганда «Тугатдим, тамом», юрса, кечиринг.  
Эй ўрмон қашқирлари, фашингизни келтириб,  
Ерда курбсиз чумоли ҳам омон юрса, кечиринг.

\* \* \*

Учар экан биз ўйлабмиз шаън ҳаёт сари,  
Билмабмиз таназзул экан, экан дод сари.  
Шу бўлса гар уча-уча келган жойимиз,  
Энди тулпор секин-секин юр мурод сари.

\* \* \*

Бу умр — ўтар кўчадир. Фофил ўтма, туриб ўт,  
Ётганлар бор, ҳолин сўра, кулбасига кириб ўт,  
Бу кўча — байрам кўчадир, дўст-душман орасидан  
Зийнатланиб, зеболаниб, қушдай енгил юриб ўт.

\* \* \*

Берсанг мени бу дунёга гул қилиб берсанг,  
Орифларнинг оёғига кул қилиб берсанг.  
Хизматига бўйин бериб, гуллаб ўтгайман,  
«Оллоҳ» деган битта шоҳга кул қилиб берсанг.

\* \* \*

Дунё ғофил, ундан қўп иш ўтмоқда,  
Кимдан кўклам, кимдан қор, қиши ўтмоқда.  
Қарқара найлигин ўзи ҳам билмай  
Гуркираган не-не қамиш ўтмоқда.

\* \* \*

Балоғат мард келар, балоғат тикка,  
Хасислик ярашгай фўрлик, мўртликка,  
Ҳаётингни тикиб юборсанг арзир,  
Ҳаётингдан айтган битта тўртликка.

\* \* \*

Муте одам, бировларга қуллуғинг тўхтат,  
Учарларнинг оёғида гиллигинг тўхтат.  
Ўлма иркит ҳар кимсанинг остонасини,  
Бир Оллоҳ бор, бошқасига қуллигинг тўхтат!

\* \* \*

Кўкармоқ не, билмасдим бу зумгача,  
Кўклаб кетди майса қиёғимгача.  
Боштин-оёқ суйиб разм солди ёр,  
Гуллаб кетди боштин-оёғимгача.

\* \* \*

Дема бу дунёда бекор чопар ошиқлар,  
Бир-бирига жаннат гулин ёпар ошиқлар.  
Йўл бермаса, йўли йўқ бу дунёдан кетиб,  
Маҳшар куни бир-бирини топар ошиқлар.

\* \* \*

...га

Отди кўкка, урди ерга, менга кифоя,  
Шукур, минг шукур, тақдирга, менга кифоя.  
Қалдирғочнинг уясича битта кулба-ю,  
Сизнинг билан бўлсам бирга, менга кифоя.

\* \* \*

Экмай туриб ўраримиз — буям қизиқ фан,  
Заримиз бор, йўқ оримиз — буям қизиқ фан.  
Жон-жаҳд билан кетган сари кўкка чирмashiб,  
Ерга кириб бораримиз — буям қизиқ фан.

\* \* \*

Шеърни мендек ёдламоқчи бўласан, эй дўст,  
Қайга борсам отланмоқчи бўласан, эй дўст,  
Менга теккан қамчин сенга нотаниш, ахир,  
Нечун мендек додламоқчи бўласан, эй дўст!

\* \* \*

Тенгсизга чопарлар, тенглига бормас,  
Минг қўйлига борар, мунглига бормас.  
Тўйига, уйига борар, во дариф!  
Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас.

\* \* \*

Ҳаёт, гирром ҳаёт, ўч, оҳларида,  
Маҳкам қучиб иссиқ қучоқларида  
Ҳамон мени алдар «ҳақ пиширгум», — деб  
Ёлғон пишаётган ўчоқларида.

\* \* \*

Йиғла, аввал ўзинг учун йиғлагил, эй дўст,  
Раҳм қилма, ўз кўксингни тиғлагил, эй дўст.  
Токи бир кеч рангинг ўнгиб, қуруқ далангда  
Пушаймонлиғ ҳосилини йиғмагил, эй дўст!

\* \* \*

Ўлиб, ўлиб кўрганлар осонликча ўлмайди!  
Бу ўлиб кўрганларнинг тошга ўйилган қайди,  
Билмам, бу шуур қайдан қонимга сингиб кетган,  
Оёқ остта тушмаган кўкка кўтарилемайди!

\* \* \*

Жавлон уриб ўйнаб қол, танг, тор кунлар келгунча,  
Ғаддор овчи кийикка етар кунлар келгунча,

Узангидан оёғинг узилмасин, азиз дўст,  
Бир куни ёғоч отда кетар кунлар келгунча.

\* \* \*

Сиз десам тилимга қанд, бол келармиш,  
Хизматимга қүёш, шамъ лол келармиш.  
Сочингиз бўйидан юборгайсиз Ёр,  
Сиз соридан бизга шамол келармиш.

\* \* \*

Мол деб ўлма!  
Кетар кунда мол ёнинг ололсайди,  
Минг-минг молинг кетар йўлга бир тўғон сололсайди.  
Минг отингни бири сени кетолсайди қутқариб,  
Ё минг қўргонингни бири яшириб қололсайди.

\* \* \*

Ризқ тўлиқ косага етказсин Худо,  
Бир ақли расога етказсин Худо,  
Гуркираб турганда қовжирама, дўст,  
Қўлингни асога етказсин Худо!

\* \* \*

Биродар, шошиб ёнма, шошиб олма аланга.  
Эҳтиросли ёнгинлар ярашар гул баданга,  
Гўзал ёнишларингни титраниб кузатаман,  
Оҳ, алангаликдан сўнг куллик келар одамга.

\* \* \*

Чопонлигинг борми, тоғу тошга ғам ема,  
Чўлу қирни айтавергин, ошга, ғам ема.  
Бундан олиб кетаримиз икки метр сурп,  
Кафандигинг борми, бўлди, бошқа ғам ема.

\* \* \*

Сенга «ишонма» дейдилар, инкор этаман.  
Шундай севдим, бегумону бекин, беътама.  
Сен — жон ахир, жондан кечиб яшаб бўларми,  
Жондан кечсам қуруқ вужуд, лошни нетаман.

Гарчанд ер юзининг қора-оқимиз,  
Гарчанд ганж, гувала томи, тоқимиз.  
Гўзал дунёларга бошлар йўл асли  
Сизнинг билан маним итифоқимиз.

\* \* \*

На қувонч, на қайғу текинга тушди,  
Бор фусса, бор алам чекимга тушди.  
Менда ғам, унда ғам, айтгил, Оллоҳим,  
Ўзи «бахтли» деган чек кимга тушди?

\* \* \*

Худо ҳаққи, сўз очмагил ичимда қор турганимда,  
Мен — мен эмас, эгилган шаън, эгилган ор, турганимда.  
Дунё бевафолигидин шикоятлар, айтма, эй дўст,  
Айтиб-айтиб йиғламоққа ўзим тайёр турганимда.

\* \* \*

На хижолат тортдинг, на-да ўёлдинг,  
Берар қўл йўқ сенда, тунадинг, олдинг.  
Жой қуриғанимиди, йўлингни, дунё,  
Маним юрагимнинг устидан солдинг!

\* \* \*

Қийналиб еб-ичаётган дўстдан хабар ол,  
Қайтмас бўлиб учайдан дўстдан хабар ол.  
Сену биздан сал олдинроқ йўлга отланган —  
Чин дунёга кўчаётган дўстдан хабар ол.

\* \* \*

Ҳамон кўзим ёндирап зар, не дейман,  
Ҳамон кўнглим гулга ўхшар, не дейман,  
Оғир жилар гуноҳларим кемаси,  
Қодир Оллоҳ, тонг-ла маҳшар, не дейман?!

\* \* \*

Бир орзум бор, йўқдир бошқа илинж, ғам,  
Оллоҳ берармикан шуни сўрасам:  
Эгнимга бир ҳикмат, бир либос берса,  
Бошимга ҳикматдан рўмол ўрасам.

Кўрдим боғ-хас бўлган кунни,  
Баландлар паст бўлган кунни,  
Ҳақ юзига чангол солиб,  
Номард йўлбарс бўлган кунни.

\* \* \*

Намозгарим ўтмай туриб, шом олдим, ё Раб,  
Қўлга афсус-надоматдан жом олдим, ё Раб.  
Ҳарчанд яхшилик истадим улусга, аммо  
Ўзим ёмон отлиғ бўлиб, ном олдим, ё Раб.

\* \* \*

Тўдани кўр, аҳмоқлари ўр бўлиб олган,  
Ҳар пучмоқни эгаллаган, зўр бўлиб олган.  
Фозиллари аралашмас майда ишларга,  
Оқиллари кўрмайди ҳам... кўр бўлиб олган.

\* \* \*

Мен бир эдим. Қодир Оллоҳ минг қилди,  
Ўзи кураш майдонларим кенг қилди.  
Қилич-қалқон бериб, руҳим қўзратиб,  
Жанггоҳдаги лашкар билан тенг қилди.

\* \* \*

Айтдим. Энди дунё дардин айш иси айтсин,  
Боболарнинг ўнгиб кетган дўпписи айтсин.  
Чинларини чайнаб айтсин алдамчилари,  
Динларини Қуръон билмас сўфиси айтсин.

\* \* \*

Алданма. Саробдир жимиirlаб ётган,  
Савдогар дунё бу, лойларга ботган.  
Қора терга гушиб, лунжлари шишиб,  
Яхшини ёмонга сотгани сотган.

\* \* \*

Қайга кетди бизни суйган қуёшлар, ойлар,  
Куриб қолмадими бизни оқизган сойлар.  
Худовандим, дўстларимнинг бошин омон қил,  
Куламасин улар қўнган карвонсаройлар.

\* \* \*

...га.

Сизлар шодлиғ, мен эса дод ҳақида айтаман,  
Маст-аласт давралардан ёт ҳақида айтаман.  
Суринган от ҳақида бўлар менинг айтарим,  
Пистирмадан отилган от ҳақида айтаман.

\* \* \*

Кетдим. Қолди тенгу тўшим, кетдим мен,  
Фосиқларга тушгач ишим, кетдим мен.  
Инжу эдим. Лой чаплашиб сотдилар,  
Бу бозорда нархим тушиб, кетдим мен.

\* \* \*

Қидир, дунёи дунда муродинг берар йўл бор,  
Қайдадир қилни қирққа синчилаб ёрат йўл бор.  
Ҳар қалбга ҳам йўл бордир, ахир йўллар ичинда  
Қодир Оллоҳ уйига, Каъбага борар йўл бор.

\* \* \*

Бир соридан ғам, чоҳ келади,  
Бир соридан дард, оҳ келади.  
Кул бўлмай тур, бошқа соридан  
Сени суйиб Оллоҳ келади.

\* \* \*

Бирор мендан нон сўрар, бирор болим сўрайди,  
Ўзида сол борлар ҳам бот-бот солим сўрайди.  
Биргина Оллоҳ берар, иншоллоҳ, у бир кун  
Бош устимга эгилиб, маним ҳолим сўрайди.

\* \* \*

Осмоннинг тўлин ойи куйганлар орасида,  
Бехато урар ёйи куйганлар орасида.  
Зоҳири чаракласа, ишонманг, ботинида  
Халиманинг ҳам жойи куйганлар орасида.

\* \* \*

Дўсти жон, кетма, кетсанг бу жон уволидан қўрқ,  
Ўртада ўртанаар тоғ, гумон уволидан қўрқ.  
Муҳаббат далаларин бошоқдари фарқ пишган,  
Кузда эгасиз қолган хирмон уволидан қўрқ.

\* \* \*

Қай қўкларни мўлжаллаб эсдинг,  
Қандай жону жаҳд билан ўсдинг.  
Боши баҳтга етай деганда,  
Оёғидан чопилган дўстим!

\* \* \*

Ер асли одамга ризқ эканига, не дейсан,  
«Бор бойлигим — одамга» деганига, не дейсан,  
Буғдой-бошоқ ўстириб тўйдирган одамини,  
Бир кун келиб ер ўзи еганига, не дейсан?

\* \* \*

Гоҳ чароғон кулгу, гоҳо ғам оҳдиридан мен —  
Гунгмен, гарчанд кўп гапларга гувоҳдиридан мен,  
Кўп ишонманг сиртимдаги қуруқлигимга,  
Кўз ёш денгизини шимган қумлоқдиридан мен.

\* \* \*

Оллоҳ, мен ҳеч ким, бир саргардон қулман,  
Узмагин, титраниб турган бир қилман.  
Бобуршоҳ топмаган ғамгузорларни  
Қон йиғлаб излаган битта ғофилман.

\* \* \*

Сехру сабоғимиз устидан юринг,  
Доф ўлдик. Догимиз устидан юринг.  
Чорланг. Биз борайлик, ё ўзингиз келиб,  
Қошу қабоғимиз устидан юринг.

\* \* \*

Умримга киринг, — деб ёзиб юбордим,  
Янчилдим, теринг, — деб ёзиб юбордим.

Мени чорланг. Ёки... ёки ўзингизни  
Мунга келтуринг, — деб ёзиб юбордим.

\* \* \*

Ишим — қўкартмоқдир. Ҳут менинг дўстим,  
Эскиман, масжиду бут менинг дўстим.  
Қанча оёқ ости қилинган билан  
Поймол бўлмайдиган ўт менинг дўстим.

\* \* \*

Ўтмас пичноқ бир кун ўткир тиф бўлгай,  
Бу чўп балки абад синмас мих бўлгай.  
Бугун сен қақшатган бола ҳам, балки...  
Бир кун келиб шайхул машойих бўлгай.

\* \* \*

Бугун шод бўлсам-да, бўлсам-да комрон.  
Қўл ёқамда, «тавба» тилимда ҳар он.  
Чунки мени ғамдан тўсган бу девор  
Қачон қуламоги Оллоҳга аён.

\* \* \*

Тирик жонлар бир-бирига қув бўлди,  
Ким ўзарга чопа-чопа сув бўлди.  
«Биз ҳам чолиб келдик. Сиз ҳам келурсиз»,  
Қабристондан келган садо шу бўлди.

\* \* \*

Дилни чиркин ҳою-хаслардан бўшат,  
Ҳаром дўсту, ҳаром дастлардан бўшат.  
Паст-нокаслар ўраб борар гирдобдай,  
Юксак, узил, ўзни пастлардан бўшат!

\* \* \*

Оҳ, одам-а, еру кўкни ўйиб сен —  
Олибсан сен, ола-ола бойибсан.  
Фақат кўнгил, Оллоҳ яшар жойингни,  
Нафсга, наҳсга, насга бериб қўйибсан.

\* \* \*

Дунё — сирдир. Қани, бир не билолсам.

Гуноҳ — юқдир, қани, олдга жилолсам.

Оллоҳ шундай құдрат берса, бир умр

Бомдод намозини давом қилолсам.

\* \* \*

Оллоҳим, даргоҳингта кеч киргандарни кечир,  
Покланмай құнглида кин, үч киргандарни кечир.  
Курбон бермасдан туриб, Қуръон талаб зотларни,  
Дард чекмасдан дармон, деб қичқиргандарни кечир.

\* \* \*

Кетаётган карвонларга бефарқ боқманғ, вой бордир.  
Оҳ, уларда кетаётган қүёш бордур, ой бордир.  
Бизам бунда мангу эмас, бир кун келар, кетажак  
Карвонларда сиз-бизга ҳам ажратилған жой бордир.

\* \* \*

Биродар, суриштириб, ичим қайта ёндирма  
Даҳри дунда тентиган бир юраги қондирман.  
Асли йўлсиз дунёда йўл топаман, — деб ҳалак,  
Йўлин йўқотган одам, адашган карвондирман.

\* \* \*

Дил ярим, дин ярим, ҳолимизга вой,

Ҳолимизга қүёш куяр, куяр ой.

Расулуллоҳ қущдай қўнган жойнамоз,

Биздек осийларга берармикан жой?!

\* \* \*

Қўзғол, аммо жонга келмай қўзғолма,

Бефарқ, беиймонга келмай қўзғолма.

Жунун, ишққа ишғол бўлмасдан туриб,

Оғриқ устухонга келмай қўзғолма!

\* \* \*

Сўнгги оним келса... оғочу дорим

Тайёр турса, учса энг сўнгти зорим.

— Сўнгги бор кўрсат, — деб сени сўрасам,  
Ноумид қилмасми Парвардигорим!

\* \* \*

Гуркираб яшаркан бой мен-у, бий мен,  
Демак, бийлик келган, кеттандир иймон.  
Бир умр дўзахда яшаганимни —  
Сўнг лаҳзада англаб қолган осиймен.

\* \* \*

Ташқарида ёз боши. Базми илиқ бошланган,  
Тўй тунларин ёритар ёнар пилик бошланган.  
Ичкарида, кўнгилда гам узра гам, изгирин,  
Нам узра нам. Тойдирап, лойгарчилик бошланган.

\* \* \*

Бошоқлар тўлишди. Тўздирма, Эгам.  
Ҳалокат базмини туздирма, Эгам.  
Нимани узсанг уз, нени қирқсанг, қирқ,  
Онамнинг умрини уздирма, Эгам.

\* \* \*

Ё Раб, одам ўзин ўярмикан тинч,  
Шундай ўз қонига тўярмикан тинч.  
Шунча кўп иш кўрдим, бу кўрганларим,  
Мени қабргача кўярмикан тинч?!

\* \* \*

Дунё шу. Битиролмаймиз биз ҳам кам-кўстни,  
Бир мағз йўқотиб йиглама. Ўпма бир пўстни.  
Менга йигла, мен кўтариб юрибман ахир,  
Кўкрагимда қанча-қанча бедарак дўстни.

\* \* \*

Гарчанд, ҳар базмга етиб бораман,  
Зоҳиран шоҳ, ботин етим бораман.  
Карбало даштида кazzобларга дуч —  
Таланган карвондай кетиб бораман.

\* \* \*

Дунё қиё боқмас. Солланиб ўтсанг  
Унга фарқсиз ким сен, арслонми, итсан?  
«Арслоним эди», деб йиглар ғар дунё,  
Эртага саҳрова бенишон йитсанг.

\* \* \*

Кетмоқ ғамин кўрдим ҳорғин бияда,  
Гуллаш хабари бор қирда, қияда.  
Ҳар лаҳза беҳадик гуркираб ён, дўст!  
Ўчмоқ хатари бор ҳар сонияда.

\* \* \*

Борлик, — деб югурдик биз омон-омон,  
Қора терга тушиб чопамиз ҳамон.  
Англамай чопамиз, тўрт томон йўқлик,  
Ҳар босилган қадам йўқликка томон.

\* \* \*

Кўза — сен. Атрофинг иғво, ҳасад, кин,  
Дунё уммони бу, лим-лим ёлғон, чин.  
Бу уммонда чўкиб фарқ бўлмай десанг,  
Топгин ўз оғзингга маҳкам бир тикин.

\* \* \*

Бир хислат бор. Миноралар шан, ғолиб турар,  
Дараҳтлар келинчаклардай ўелиб турар.  
Бухорога бало кирмас. Ҳар қарич ерга  
Нақшбанддай Балогардон дам солиб турар.

\* \* \*

Гарчанд кўзимни кўзлаб бало, хато ўтирас,  
Гирдимга йўллай олмас, чангга бота ўтирас,  
Менга бало тегмайди, чунки гирдимни зирҳлаб,  
Яссавий пир, Нақшбанд, Занги ота ўтирас.

\* \* \*

Бул япроқлар титраган жонимдир менинг,  
Ичим — ёнар вулқон, сиртим жимдир менинг.

Бир китобим — қувонч қўнган қўрғонлару  
Бир китобим — оҳу фифонимдир менинг

\* \* \*

Ай одам боласи, бахту таҳт унга,  
У нени хоҳлайдур, ҳамма вақт унга.  
Ўртада нелардир нася бўлар-у,  
Бошда бешик, охир тобут нақд унга.

\* \* \*

Отди қўкка, урди ерга, менга кифоя,  
Шукур, минг шукур тақдирга, менга кифоя.  
Қалдирғочнинг уясича битта кулба-ю,  
Сизнинг билан бўлсам бирга, менга кифоя.

\* \* \*

Муҳтоҷларга қарам қил, ош бергин, Худойим,  
Кўзим саҳро, бир томчи ёш бергин, Худойим.  
Мудом эгик бошимизни қиличлар кесди,  
Энди элга эгилмас бош бергин, Худойим.

\* \* \*

Борарканман ҳайрат, ҳайронлигимча,  
Борарканман жуфтсиз жайронлигимча,  
Ободлиғ — сен, сен келмасанг мабодо,  
Кетгайман то абад вайронлигимча.

\* \* \*

Мен оҳ урсам гуллар оҳин унугтай,  
Бор куйганлар куйган чоғин унугтай.  
Мен йигласам, ишқ доғимдан сўз очсан,  
Бор Лайли-ю, Кумуш доғин унугтай!

\* \* \*

Осмонларнинг моҳи қолар соядা,  
Ишқнинг борки роҳи қолар соядা,  
Мен оҳ урсам алангамдан, ўтимдан,  
Кумушнинг ҳам оҳи қолар соядা.

\* \* \*

Айланиб қирга-ю, ўрга боргайсан,  
Ёйланиб зарга-ю, зўрга боргайсан.  
Охир тўғри йўлни топарсан бешак,  
Охир тўғри йўлдан гўрга боргайсан.

\* \* \*

Одамлар хоҳ қирдир, хоҳи баланд тоғ,  
Фирром дунё, фикринг оғу ичирмоқ.  
Чироқлар-ку не азобда ёнарлар,  
Сенинг ишинг ўчирмоқдир, ўчирмоқ.

\* \* \*

Кетган кетгай қолганларни яролаб,  
О, буюк ишқ, бор инкорни қилур даф.  
Қиз қабрида қизгалдоқ очилармиш,  
Йигит ўтса қабрларни оралаб.

\* \* \*

Тирик, ўлик, фидо билан биргаман,  
Тирилтирас нидо билан биргаман.  
Менинг ёрим бўлолмайди ёлғизлик,  
Мен ҳамиша Худо билан биргаман.

\* \* \*

Озорли ёрга сўз айтсам, сўз йифлади.  
Ҳижрон дарёсида синмас муз йифлади.  
Жафосидан тилим-тилим бўларкан дил,  
Тилинган жойга туз сепсам туз йифлади.

\* \* \*

Мен ошкор деб ушлаганим сир чиқмасайди,  
Орқасидан ҳийлаю тадбир чиқмасайди.  
Оллоҳ, Оллоҳ, ёзувимни ёриштир Ўзинг,  
Маним пир деб топинганим кир чиқмасайди.

\* \* \*

Дунёнинг хуш гулларини зўр олиб кетди,  
Кўзи борни масхаралаб, кўр олиб кетди.

Бу дунёда зўрлардан зўр ҳамиша чиққан —  
Зўр чиқди-ю не зўрларни гўр олиб кетди.

\* \* \*

Қамишдай эгилган — ўзим. Тик тарз — мен ўзим,  
Ўз-ўзимга ўқиб тургувчи дарс — мен ўзим.  
Ҳар довонда минг ўқ еган кўксим қонталаш —  
Ўкириб йўл босаётган йўлбарс мен ўзим.

\* \* \*

Она даштим, қадим хаёлкаш, ўзинг келгин,  
Агар мендан кетган бўлса шашт, ўзинг келгин.  
Ҳамон ўша даштдан келган саҳройидирман,  
Сени йўқлаб боролмасам, дашт, ўзинг келгин.

\* \* \*

Кўйнимга гул солган болу пар дунё,  
Шавқини мўл солган сийму зар дунё,  
Қаддимни кўтариб улгурмасимдан,  
Устимдан йўл солган қари, гар дунё.

\* \* \*

Тиклан, тиклану тўкилмоқ томон кетмагил,  
Бу боғларнинг кўрки бўл, бўл омон, кетмагил.  
Эй азиз дўст, гарчанд маним рангим зард бўлди,  
Тилагим бул, Сенинг рангинг сомон кетмагил.

\* \* \*

Майли байрам бўлғай, майли хун бўлғай,  
Кўрганим Сиз билан кўрган кун бўлғай.  
Биламан, мен Сиздан бир лаҳза кетсан  
Хаётим остину устун бўлғай.

\* \* \*

Ким довруғли, кимлар жим келиб кетди,  
Ёпиниб ётибди чим, келиб кетди.  
Кеча «Дунёга сиз устусиз» деган,  
Бугун талмовсирап: «Ким келиб кетди?»

\* \* \*

Бокараммиз ё бекараммиз,  
Бир кун келиб ўчгувчи шаммиз.  
Шул кунгача ишқа шоҳмиз биз,  
Шул кунгача ишқа қараммиз.

\* \* \*

Зинҳор-базинҳор демадим: бойроқни кўтар,  
Кўтаролсанг елка тут-да, тик тоғни кўтар.  
Сенга эргашган оломон халқа айланса,  
Кўксингдан узиб, ўз дилингни — байроқни кўтар.

\* \* \*

Дунёсига қилма хайру хўш, бузилмайди,  
Айниқса, ўзингни қўйма бўш, бузилмайди.  
Мен кўксим ярасига туз сепганим сепган,  
Ҳар ҳолда туз сепиб турсанг гўшт бузилмайди.

\* \* \*

Гулистонда гоҳ гул, гоҳо ҳумой ортиқча,  
Гўристонда на юлдузу, на ой ортиқча.  
Бориб тургин қабристонга, кўникиб тургин,  
Йўқса ўлар чоғда бўлар дод-вой ортиқча.

\* \* \*

Ўзим — сувман, сув эрсам-да, оҳ, қизиб кетдим,  
Маржон-маржон терларим — дур, мен тизиб кетдим.  
Қанча кучли, қарқарали дарё эсам-да,  
Тўлқинимда ёлғиз Сизни оқизиб кетдим.

\* \* \*

Берсак бутун бор тақдирни, шонни берайлик,  
Не тақдир, ҳар тирик нафас, онни берайлик.  
Биз деб яшайдиганлар-ку, яшайверади,  
Биз бизни деб ўларларга жонни берайлик.

\* \* \*

Парво қилма, кўшк, аркми ё ёриқ дувол, сен,  
Ҳар нечук унутма, эски чорифинг ол, сен.

Дунё шошиб Сени қўкка кўтаради-ю,  
Ҳаял ўтмай, ерга урар, пастда увол, сен.

\* \* \*

Узлатми ё қарқарали шондадир,  
Маним руҳим то абад майдондадир,  
Тинди дема, жанг, жиҳодлардан кетсам,  
Мендаги бу сарбадорлик қондадир.

\* \* \*

Мақсад сари мардона бор, йўлинг гулми, кул бўлди,  
Сиринг берма, ичинг бутми, ё тамом чил-чил бўлди.  
Қай йўллардан борарингни ҳар инсу жинсга айтма,  
Машваратни бир Оллоҳнинг ўзи билан қил, бўлди.

\* \* \*

Узоқ кетма, майли тоғ ё тош, қирлар олди,  
Айниқса қор, айниқса сел, тошқинлар олди,  
Бир лаҳзага сурувдан мен йироқ кетгандим,  
Сурув бошлар кўчкоримни қашқирлар олди.

\* \* \*

Кимники иситди кўнглим ўтлари,  
Шу шаънимни арzon сотди, ўтлади.  
Бугун остонамга бурилмай ўтар,  
Кеча кўзим ёғин еган итларим.

\* \* \*

Бир нозик таъб эдик, таъбимиз куйди,  
Тупротимиз куйди, обимиз куйди.  
Куйганлар ўтини ўчирмоқчийдик,  
Ўзимизнинг ҳар сўз, бобимиз куйди.

\* \* \*

Бу дунё — шу. Сезиб-сезмай терс-тубан ишлар қилгай,  
Тўлиб тоша бошладими, у жом албат тўкилгай.  
Тўкилмагин, бошга чиқиб бугун хўрласа Дунё,  
Эртангги кун, иншооллоҳ, у оёқقا йиқилгай.

\* \* \*

Үйламанг, бозорда ҳұмо ё сор йүқ,  
Олибсотарларда ҳар не бор, ор йүқ.  
Үмарид кетарди агар бўлганда,  
Яхшики, иймонни сотар бозор йүқ.

\* \* \*

Умр ўтди. Терс тұядай тұлғаб бошингиз,  
Қора сочга қорлар ёғди. Энди шошингиз,  
Биродарлар! Кетар жарлар яқинлаб қолди,  
Хеч йүқса жар ёқасида қучоқлашингиз!

\* \* \*

Не савдолар кечар жуфтлиғ деган юртда,  
Шунчалар қийинми бирга ёнмоқ ўтда?  
Какликлардай бирга-ку ҳеч ўлолмаслар,  
Қилолмаслар бирга яшашни ҳам удда.

\* \* \*

Хоҳ юпунмиз, хоҳ зийнатли товус паримиз,  
Бир кун касодга учрайди бозорларимиз.  
Хоҳ иста, хоҳ истамагил, борар жой битта,  
Бир кун келиб сирлашади мозорларимиз.

\* \* \*

Күнглим бостиirmай чанг, тұхтамай кетдим,  
Бошим бостиirmай санг, тұхтамай кетдим.  
Қай маконга құнсам, Сен деб құнгандим,  
Шундан — Сен йүқ эрсанг, тұхтамай кетдим.

\* \* \*

Чарх урфин күр, биревни тож қилар, во дариф,  
Бошқасини қарам, муҳтоj қилар, во дариф.  
Очлар, түқлар не азобда қурғанларини  
Үлим келиб талон-тарож қилар, во дариф.

\* \* \*

Билмам қай кун зеру забар томонга жилдим,  
Аммо зеру забар йўлда қоларкан, билдим.

Кийдим, ечдим... аммо ечмас бўлиб охири,  
Қаландарлик хирқасини эгнимга илдим.

\* \* \*

«Кимларинг бор?» — менга бу савол, гап ботибди,  
Уруғларим — бор туркйлар, илдиз отибди.  
Бош паноҳим, беш гўдагим бор, тағин онам —  
Боёвутнинг мозорида ухлаб ётибди.

\* \* \*

Ҳалқ онгини босмасин кул энди, Худойим,  
Минг таважжух, минг таваккул энди, Худойим.  
Боболар гоҳ Улуғбекдай ўз кўзин юлди  
Болаларни шафқатли қил энди, Худойим.

\* \* \*

Мен ёмғирни топгандай ҳут тополмаяпман,  
Бир ўт керак, ундин ўт тополмаяпман.  
Менам гоҳ-гоҳ инжу топиб бўлсам-да комрон  
Топгандай Паҳлавон Маҳмуд, тополмаяпман.

\* \* \*

Менинг бору йўтим умидга ўтган,  
Фарқлай олмай гоҳо ёлғон, чинни мен,  
Ҳар битта кесакдан  
Гавҳарлик кутган,  
Жавоҳирлик кутган жинниман.

\* \* \*

Файб айтарда гулла, иши ўнг бўла бил сен,  
Тоғнинг қоялари янглиғ чўнг бўла бил сен.  
Аммо бийрон тилни доим эркига қўйма,  
Айб айтарда тилингни тий, гунг бўла бил сен.

\* \* \*

Ёрижон, кетма, кетсанг май, ноб биздан кетадир,  
Бўш ҳужрадай хувиллатиб ўт, об биздан кетадир.  
Агарчанд ишқ азалийдир, агарчанд ишқ абадий,  
Аммо бизни офтоб этган офтоб биздан кетадир.

\* \* \*

Нолам узун. Нола мени суйса керак,  
Умрим бўйи у кўксимни ўйса керак.  
Менга таъриф керак эрса, тарихчилар  
«Бир нолали най» деб ёзиб қўйса керак.

\* \* \*

Эгма, қилич қошни ойда сақлайсан,  
Киприқдаги ёшни найда сақлайсан.  
Минг битта харсангни бир-бир ағдариб,  
Кўтарилган бошни қайда сақлайсан?!

\* \* \*

Эй азиз дўст, ўргададир иш, шиоримиз,  
Кўз-ла, сўз-ла бир-бировга даво, доримиз.  
Ўргада ишқ — жовдираган жайрондир асли,  
Бизлар икков шул жайроннинг халоскоримиз.

\* \* \*

Аждодимдан айтсам кўпdir фахру, таъна, гап,  
Шарқу Farbga карвон-карвон тилло ортган у.  
Улуғбекдай олимларин тутдай каллаклаб,  
Машрабдайин шоирин ҳам дорга тортган у.

\* \* \*

Ҳозирлан, бир шиддат, шаҳд келаётir,  
Йўлда сенмас. Кўк дараҳт келаётir.  
Ватан деб аталмиш қадроҳларда,  
Байроқдай ҳилпирав вақт келаётir!

\* \* \*

Қизиқ баъзан ғирт ёлғонларам чинга ўхшар,  
Тонгми дейсан. Ҳеч оқармас. Тонг тунга ўхшар.  
Синчков боқсам, кимларгадир барча кўча берк,  
Кимларгадир барча йўллар мумкинга ўхшар.

\* \* \*

Санамлар маstona, маstona кетар,  
Дўстнинг уйи кетар, остона кетар.

Ёвлашганларини очиқ билдирмай,  
Кеттганлар жим кетар, дўстона кетар.

\* \* \*

Ҳар кун гарчанд омон, омон кетар йўл,  
Ҳар кун гарчанд яхши, ёмон кетар йўл.  
Бешафқат йўлдир бу, қайта олмассан,  
Ҳар кун — бу охират томон кетар йўл.

\* \* \*

Бир күш куйди... чирқиллади, фақат күш бўлиб куйди,  
Қушлар бор тўловларини қушдай тўлайди фақат.  
Фақат одам бир-бирини қашқирлардек ғажийди,  
Фақат одам, бир-бирини итдек ялайди фақат.

\* \* \*

Юргим келмас гоҳ бу шўх дунёсида,  
Базми жамшид, алдов, ўқ дунёсида.  
Шамс Табризийдай қурбонлиғ нечун,  
Жалолиддин Румий йўқ дунёсида.

\* \* \*

Ўйлама бу дунёда шундоқ ўтгувчилармиз,  
Лаҳад эшигигача ишқни кутгувчилармиз.  
Ё севгидан ой янглиғ чараклармиз умрбод,  
Ё севгига умрбод аза тутгувчилармиз.

\* \* \*

Гарчанд фаним бирор йўлдошим қуритолмайди,  
Тошим оғир. Қуёш ҳам тошим қуритолмайди.  
Ер юзин бор шамоли йиғилиб эсганда ҳам  
Юзга томган бир томчи ёшим қуритолмайди.

\* \* \*

Билолмаслар ишқнинг урф-одатини,  
Қилолмаслар ишқнинг ибодатини.  
Огоҳ бўл, қуласа тиклай олмассен,  
Меъмори йўқ ишқнинг иморатини.

\* \* \*

Үтар қайғуга қул, қувончга гарқ ҳам,  
Үтар хүшдомону заҳару марг ҳам.  
Келдик. Очилмади бир гул ортиқча,  
Кетамиз, тўкилмас бирорта барг ҳам.

\* \* \*

Ҳафсалам пир қилди дов, даранглари,  
Кўнглимни ер қилди кўр, гаранглари.  
Қанча эҳтиёткор бўлиб юрмайн  
Хирқамни кир қилди даврон чанглари.

\* \* \*

Ўз баҳойим билмасам-да, мисми, олтин мен,  
Фирром дунё бозорида ўйга толдим мен.  
Мен ҳеч нарса сотганим йўқ. Тортиб олишди.  
Менам сотиб олганим йўқ. Тортиб олдим мен.

\* \* \*

Мен бугунги одамдирман ҳамда бурунги,  
Қулоғимдан кетмас тилло танга жиринги.  
Тараққиёт шуъалари ёнса бошимда,  
Оёғимда нафс занжирин жаранг-журунги.

\* \* \*

Рангларимни артди ранги йўқ ранглар,  
Бошимни қабартди санги йўқ санглар.  
Дунё — жанггоҳ экан лашкар, аскарсиз,  
Мени чарчатди бу сўнги йўқ жанглар.

\* \* \*

Куёш, сув бергансан дала, тузга ҳам,  
Дашту саҳрога ҳам, қумлок, бўзга ҳам.  
Эй Худо, дунёда ялаши учун  
Бир парча умид бер, умидсизга ҳам.

\* \* \*

Ҳаётимни таҳлил қилиб бир лаҳза тиндим,  
Қамишни кузатиб туриб, қаттиқ ўқиндим.

У бўронда юз эгилиб, юз тикланарди,  
Шу қамишча тадбирим йўқ, Эгилмай синдим.

\* \* \*

Киритсанг руҳоний бир онни кирит,  
Ўзи йўқ, сўзи бор қурбонни кирит.  
Фарқи йўқ, сиртингда хирқами ё тўн,  
Фақат ичингга сен қуръонни кирит.

\* \* \*

Сўзладим. Сўзим дур, асллар келди,  
Сўзимдан бир чечак, бир гуллар келди.  
Энди боқقا кирсам шовуллар хазон,  
Менга ҳам ўй сурар фасллар келди.

\* \* \*

Воҳ, дунёning ғамларидан шароб қилдим мен,  
Дилимни куйдириб олов, ҳам об қилдим мен.  
Гоҳ дунёда арслонлардан йўлни терс солдим,  
Итларни дўст билдим. Ўзни хароб қилдим мен.

\* \* \*

Менам ўз-ўзимча роз айтдим, кетдим.  
Не айтдим. Ўзимга хос айтдим. Кетдим.  
Бу дунёга келиб бор қилган ишим —  
Бир икки сўз айтдим. Рост айтдим, кетдим.

\* \* \*

Нола қил ёр турсин сен тургунингча,  
Пойига гуллар эк, улгургунингча.  
Дудофингни ёри содиқقا ўптири,  
Бир куни тупроққа ўптиргунингча.

\* \* \*

Қайтадан босилмас бизларнинг бу из,  
Қайтадан бу отда еолмаймиз биз.  
Қайтадан навбатга тизилолмаймиз,  
Қайтадан баҳт сўраб келолмаймиз биз.

\* \* \*

Дунёсига боқсам уқиб сирларни,  
Кўнгли кирлар топар кўнгли кирларни.  
Беш кун мусо фирмиз бу дунёда, лек  
Мусо фирмлар талар мусо фирмларни.

\* \* \*

Биз ўтсак-да гоҳо ҳалолликка зор,  
Биз ўтсак-да гоҳо шайтонга дўст, ёр,  
Аждодларга тортар гўдак томири,  
Болалар ичидаги авлиёлар бор.

\* \* \*

Якун бер, ўзимни ўроқлашимга,  
Яшин бер, чақмоқдек чарақлашимга.  
Дўсти азиз, менга ишора етар —  
Жоним куйиб, Сени сўроқлашимга.

\* \* \*

...га.

Демасмен, дунёда ортиқ бор, кам бор,  
Яшашимга арзир ёруғ бир шам бор.  
Сўнг кунимгача шоҳ ё гадо бўлиб,  
Эшигимга келар битта одам бор.

\* \* \*

Яхшилик қил, билмаганга мен тан, билади,  
Бахт қадрини бахт деб юрак ёрган билади.  
Бу бойларнинг саховату хотамтойлигин,  
Гадо бўлиб эшигига борган билади.

\* \* \*

Ҳаётнинг ранги йўқ, сурга ўхшайди,  
Най ноласи ҳазин сирга ўхшайди.  
Қайдадир най ийғлар, менам ийғлайман,  
Икковнинг дардимиз бирга ўхшайди.

\* \* \*

Күёш ботмай, тутилмай туриб ойим,  
Сен чорла, мен ҳаялламай боройин.  
Бирор синчинг дарз кетмасин, обод бўл,  
Мен кўз очиб қўнган карвонсаройим.

\* \* \*

Ҳақиқат қирда, тоғда ҳам суюмли,  
Очиқда ҳам, қамоқда ҳам суюмли.  
Ичи — кўзларида муқим ўт ёнар  
Сирти йиртиқ, ямоқда ҳам суюмли.

\* \* \*

Тоғдан келган селдан тош кесилади,  
Тўкканинг ҳар томчи ўш кесилади.  
Тўғри келган тилдан ўлган тирилса,  
Эгри келган тилдан бош кесилади.

\* \* \*

Бир бағри бутунга ҳам харидор бор,  
Дил ярим, тутунга ҳам харидор бор.  
Сен бир қучоқ гулсан, кўксингни кўтар,  
Бир қучоқ ўтинга ҳам харидор бор.



## МУНДАРИЖА

Сизнинг кўиглингизни излаб .....	3	Дарёning овози .....	4
-------------------------------------	---	----------------------	---

### «ИЛК МУҲАББАТ» КИТОБИДАН

«Мен қалбимга айлайман савол» .....	12	«Ел бўлиб бетоқат...» .....	13
«Боболар бир вақтлар...» .....	12	Расул Ҳамзатовга .....	14
		«Бахт келади бизларни излаб» .....	14

### «ОҚ ОЛМАЛАР» КИТОБИДАН

Дориламон кунлар келди .....	16	Кўзларимга .....	26
Ўзимизнинг боғлар .....	17	Кемалар тиккага йўл олсин .....	26
Олқишлишинг керак .....	18	Бир сен эмас .....	27
Юрагимда барглар шивири... Бизнинг тоғда .....	19 20	«Қиёфанг ҳамиша баҳор яратар» .....	28
Тушимга кирибсан .....	21	Кор учқунлаб турганда .....	28
Йигит қадам ташларкан .....	22	Қалбингта чорлайсан .....	29
«Қизгиш ёнар уфқинг...» .....	23	«Сочларимга нигоҳ солмай ўт» .....	30
Жуфт шўхчан кўз .....	23	Ғурур .....	30
«Тақдир улаганда умрлар занжирин» .....	24	Энди у .....	31
«Сенга барча отилган тошлар» .....	25	Оқ олмалар пишганда .....	32
«Ўчган ўтни ёндирма қайта» .....	25	Қўмсаш .....	33

### «ЧАМАН» КИТОБИДАН

Бегим, сизни Худойим .....	36	«Фақат омад камдан-кам жуда» .....	42
«Болакайим, болакайим» .....	37	«Мана, кўпдан ўт босиб кетди» .....	43
Илдам бола .....	38	«Умр оти чолагон жуда» .....	44
Бир қўшиқ ёзарман .....	38	Бўшатилган от .....	44
«Ўйламангки, унинг қалби йўқ» .....	40	Уйғон, болажон .....	45
«Омон-омон қўшиқлардан айт» .....	40	Болакай .....	46
Кўклам ўйлари .....	41	Гўдакка ҳам қийин .....	47

Юлдузларни осиб бўлмас .....	48
Менга бир коса беринг .....	49
«Сен менинг қалбимни...» .....	50
Уйга .....	50
Мен сен билан хайрлашган тун .....	51
Отам хотирасига .....	52
Сиз доно йигитсиз .....	52
«Сени кимлар қилмайди талаш» .....	53
Севан қошида .....	54
Арманистон .....	54
«Оташ давраларда...» .....	55
Ҳаёт араваси .....	56
Бу шеър .....	57
Совчи келар .....	57

### «СУЯНЧ ТОҒЛАРИМ» КИТОБИДАН

Суянч тоғларим .....	60
Кичик дараҳт .....	61
Бобо қуёш .....	61
Қўл ҳақида .....	63
Юрак ёнар .....	65
Ўйлар .....	65
Дугонагинам .....	67
Сизни севгач .....	68
Қизлар билан сұхбат .....	69
«Сиз билан миннатдор...» .....	70
Мен олмаман .....	71
Сиз йўқлабсиз .....	72
«Хайр дейман сенга мен бу кеч» .....	73
«Хотирам тумани...» .....	73
Сени сўрашар .....	74
Бир дақиқа .....	75
«Кўпдан кўришмадик...» .....	76
«Ким яшаган бўлса бўрон билан...» .....	77
Мен ортингдан из босаман .....	77
Мен шу тупроқ куйчисиман .....	78
«Ҳар ўлимда тириклик бор» .....	79
Узук ҳақида .....	79
Ҳаёт билан сирлашув .....	80
Кекса аёл ўйлари .....	81
«Сен булоққа сир айтма, бас» .....	82
Улугбекка кўйлак тиким .....	83
«Ақлим танибманки...» .....	84
Денгизда .....	85
Ҳамқишлоқларим .....	85
«Учаётib кўкрагани тутди...» .....	87
Ўз онамнинг суратини .....	88

### «БОБО ҚУЁШ» КИТОБИДАН

Фикр .....	90
«Ўт билан ўйнашиб қорда...» .....	90
Юртимга .....	91
Ўртоқларим .....	92
Байкал-Амур магистралি .....	94
Қаҳрамонлик .....	95
«Майлига, бошимни ҳам қиссин...» .....	96
«Ҳавас, нафрат, орзу...» .....	97
Китобларим .....	97
Мұхаббат .....	98
«Қаро кундан дилим...» .....	98
«Сизга ишқим...» .....	98
«Бир мактуб сингари...» .....	99
«Тан оламан, дилда...» .....	100
Хотира .....	100
«Хайр энди» .....	100
«Сиз топмишим...» .....	101
«Ўз эгик бошимни...» .....	101
«Қайдан ҳам йўлимда...» .....	102
«Ажралишдик, кўтар бошинг» .....	102
«Мен Сизни алдашни...» .....	102
Кечаги кун .....	103
«Оппоқ қор, оппоқ қор...» .....	104
«Ишонинг, кўзимни то...» .....	104
«Чиллада иссиқ қор...» .....	105
«Қайларгадир ёзган эдим...» .....	105
«Биринчи гал у тошқини...» .....	106
«Алвидо дент, алвидолар...» .....	106
Нозик гулга айтганларим .....	107
Кашқадарёда .....	109

Үқ ҳақида олти шеър .....	110	Янги унган майса .....	115
Кекса дарахтнинг		Кийиклар .....	117
деганлари .....	112	Елкан .....	118
«Эй, курашаётган йигит» ....	113	«Оқил ога ақлингизга» .....	118
«Хаёлларим пардай тўзғир...» ..	114	Олдингилар .....	119

## «ИССИҚ ҚОР» КИТОБИДАН

Бир дўст хотирасига .....	122	Гуноҳ .....	133
«Энди юмуқ кўзларинг...» ...	123	«Мен қор билан	
Ўзбекистон .....	124	хайрлашдим бутун» .....	134
«Бирин-кетин уч қиши...» ..	125	«Ўт билан ўнашиб	
«Сочимнинг бир тола...» ....	126	қорда, ёмғирда» .....	135
Улуғбекни кузатиб .....	126	«Икки қуш бор...» .....	136
Афсона .....	128	«— Тугатинг бас, — дедим...» ..	136
«Қор — оқ ипак,чувалади» ...	128	Мен ўзимни ўз кўзим	
«Албат етажакман...» ..	129	билан кўроқ истайман .....	137
Болажон, сен отам бўлгин ...	130	Ўртаниш .....	138
Бургут .....	132	Софиниш .....	140
«Абад сўлмас муҳаббатта...» ...	132	«Кўклам эритаёттир...» .....	140
«Қуёш жуда эрта ботди» .....	133	Бола, онанг олим эди .....	142

## «САДОҚАТ» КИТОБИДАН

«Уфқ»ни ўқиб .....	146	Шип-шип оёқ товушлари ...	162
Ховлилар .....	147	Остоңадагилар ҳақида .....	163
«Тўсатдан кўзимга тушди		«Тақиқласам, айтар .....	164
чўп» .....	148	сўзинг...»	
«Аллақачон унугтанимнан...» ..	149	Тўй кечасида кўнглимдан	
Тонг .....	150	кечиргандарим .....	165
«Мен сени топгандим...» ....	150	Ҳайрат .....	166
Бир аёлнинг кундалигидан ...	151	Кузги дарахт .....	167
«Хоҳ арзи, хоҳ		Иқрорлик .....	167
арзимагил...» ..	152	Эътиқод .....	168
Шеър ёзганда .....	152	Энг тоза мева .....	169
«Асли кўклам сўрганди		Ярим умр ўлари .....	171
кўлим» .....	153	Рўмолча .....	172
Танҳоликда .....	154	«Гарчанд сенинг мен	
Ферузанинг дарди .....	155	хиёнат» .....	172
Бир лаҳза .....	156	«Йўқ, йўқ, нега энди,	
Ўткинчилар .....	156	ахир...» .....	173
Бургутларим .....	157	«Аммо мендек ҳоли	
Ёшлика ёзганларим .....	158	тантнинг» .....	174
Бир қирғоқقا .....	159	Кузги боғ .....	174
Ҳисоб-китоб ҳақида .....	160	«Мен «кетаман» дердим...» ..	175
Умидбекка .....	161	Тўракўргонда .....	175

Бахт .....	177
Сукунат .....	177
Уруш бу бир қора сўздир ....	178
Оналар ҳақида .....	179
«Бу ўғил менини эмас аслида» .....	181
Қўлингни бер .....	181
«Саволларга мени ўрама ....	182
«Эй сен, бўйин эгмас ғурур боласи» .....	182
«Метин ақл, метин тартиб...» .....	183
«Эмишки бирхонаонга...» ...	184
Ниҳол .....	184
Садоқат .....	185
Шаҳидлар .....	185
Бобур .....	186
Кумушнинг ўлими .....	187
Учинчи дўст .....	188
Бир хонадонда .....	189
Қизини узатаётган она ўйлари .....	190
Узатилаётган қиз ўйлари ....	191
Келин туширган оқшомда қайнона ўйлари ...	192
Ёлғиз аёл хати .....	193
Бу фасл .....	194
Бугуннинг бу саволи .....	195
«Жангга кетган ҳар юзтадан...» .....	197
Қирқ йилдан сўнгти нидо ...	197
Турналар .....	199

## ТАРЖИМАЛАР

Чавандоз болага .....	200
Унутиш .....	201
Саксовул .....	202

## «МУҚАДДАС АЁЛ» КИТОБИДАН

Бу Ватан .....	204
«Ватан! Сенинг йигирма миллион...» .....	205
Халқимга .....	206
Учинчи қиз .....	207
Муаммо .....	208
Жасоратнинг сўнгти туни .....	209
«Йигитлар ўлимга кетган...» .....	210
Қирчиллама қирқ йигит .....	211
Эски сандиқ .....	212
Қайтмайман .....	213
Қамал кунларида .....	214
Қамал қишида .....	215
Хато такрорланмас .....	216
Ҳайкалнинг айттанилари .....	217
Ватан бахти .....	218
Ғалаба .....	219
Тилак .....	220
«Онажон, ўтири, бир ҳасратлашайлик» .....	221
Чақириқ .....	222
Чинни коса .....	223
Муқаддас аёл .....	224
Хавотир .....	225
Тўмариснинг айттани .....	226
Кўкраги доғлиларга .....	227
«Онанг қариёлмас...» .....	228
Бу ўт .....	228
Ёлғиз ўғил ҳақида баллада .....	229
«Бугун чақир, чақиравер уялмай» .....	231
Бир аёлнинг ўтмиши .....	231
Илинж .....	233
«...Ёраб, келмасидан куз» ...	235
Иттифоқ .....	241
Қасос .....	243
Нега? .....	244
Онамнинг айттани .....	244

## БАХШИЕНАЛАР

Туғилиш .....	245
Она садоқати ва ўғил армони қиссаси .....	246
Бахшининг тўйдаги курашда айтганлари .....	250
Қасам .....	252
Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса .....	254
«Азбарҳўжа карвонбоши айтди...» .....	256
Йўқлов .....	257
Бу кунингдан бешбаттар бўл .....	258
Ёзда .....	258
Кўз .....	259
Шундай уй бор .....	259
Ишонч дарвозасида .....	260
Сочингизнинг ўрмонларида ..	260
Сизсиз .....	261
Кириб бормоқ .....	261
Менга айт .....	261
«Кузнинг ёноқлари намли...» .....	262
«Бу эркак аёлнинг...» .....	262
Уят .....	263
«Ёнаётган бу ўт...» .....	263
Тик йўл .....	264
Севинч кўчган уй .....	264
Ўртдаги дарё .....	265
«Сўзамолсиз... йўқ...» .....	265
«Бўлмагандай боғларда бўрон...» .....	265
Бир хато изтироби .....	266
Интиқом .....	267
Халқона оҳангларда .....	269
Ҳижрон ёбонларида .....	270
Қирғоқ .....	271
Кетма! .....	272
Хавотирнинг қутоқлари .....	273
Олов сари .....	273
Кўнгли ярим .....	274
«Бир вақтлар кетардик...» ..	275
«Бу аёлнинг сочлари узун» ..	275
Ишқ .....	276
«Билмам, адашдимми ё...» .....	277
Автопортрет .....	277
1. Ёлғизлик .....	277
2. Аланга .....	278
3. Ҳижрон кунларида .....	278
«Тегма, менинг кўнгил...» ..	279
Кетаман .....	280
Ўлим олди алласи .....	280
«Қанча ўтди, билмайди...» ..	281
«Ёлғиз қари онаси кўз ёш...» .....	282
«...Сўнг ҳам узоқ ётмади...» ..	282
«Битта қадам, не учун...» ..	283
«...Кўш гўдакни етаклаб...» ..	283
Бир шеър керак .....	284
Холат .....	284
«Аввал ўқигандим ушбу китобни...» .....	284
Бедилона .....	285
Кузги таскин .....	285
Сирдарё билан сұхбат .....	286
Усмон Носирга .....	288
Оқар дарё .....	289
Устоз Ойбекка .....	291
Сурур кўнгириғи .....	292
Янги йил кечасида кўнглимдан кечирганларим ..	293
Йил бошидаги истаклар .....	295
Шоира сингилларимга .....	297
Илк хато .....	298
Ўлмас Пушкин ёнида .....	299
Мослашувчан одамга .....	301
Марҳумнинг айтганлари .....	302
Бу уйлар .....	302
Бир зинадай қолурман .....	303
Бир қадам олдинга .....	304
Дараҳт ўз жойида .....	305
Сиз михсиз .....	306
Қари отнинг айтганлари .....	307
Гоҳ кунлар гаройиб .....	307
Ўрталик .....	309

«Минги келса қошиқ	309	«Бу қуш нимадандир...»	312
күтариб»		«Ишдан кетди, шундай...»	313
«Ҳаётнинг кўзидан ўтиб,		Тўртлик	313
суюниб»	310	Қатъият	313
Тўғон	310	«Мен ҳали-вери ўлмасам	
Дугонам Саодатнинг		керак»	313
сўзи	310	Мен ҳам сендей	314
Шириналик	311	Сўзлар пиша бошлар	314
Ёлғиз бошни	311	«Кўп қизганаверманг...»	314

## «БУ КҮНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР» КИТОБИДАН

Бу дунёда	316	Қадаҳ	338
Кетиш ҳақида	316	Шудгорланган шеър	339
Бор армоним	317	Пайт келди	340
Ёмон бир ўй	318	«Ёзмоқ ўтида ёнсанг»	340
Омон бўлинг	319	«Қуруқлиқдан келади	
Менинг каби	320	чирмаб»	341
Гарчанд қуш эмассан	321	Тош ҳақида	342
Ҳиндикушдан нола келди	321	Гул ҳақида	342
Бир ўрим соч тарихи	323	Бугун айт	342
Тавба-тазарру вақти	325	Қиши кечалари узун	343
Ишонч	326	Майса	343
«Ўт кетса, ўт оҳлар...»	327	Иккиланиш	344
Сотиб олинган таҳлика	328	Ёлғизлик	344
Дарёга	328	Бадбаҳт ишонч	344
«Қандай бўлсанг бўл, лекин»	329	Учирма	345
Улуғбекка айтар сўзим	329	Совуқ шамол	345
Хотира сандигидан		Ярим кеча	346
йўқолаётган сўзлар	330	Излайман	347
Тасалли	330	Базмимиз охирлашди	348
Чўлпон	331	Қайта келган Наврӯз	348
Холис ният	331	Мен кетсам	349
Кенглик сўра	332	Ҳимоя	349
Бу шаҳд	333	Шоир номи	350
Азият	333	Бу одам	351
Талаб	334	Тушунмасман	352
Эврилиш бўлмаса	334	Таънали шеър ёзганимдан	
Ўлим яхши	335	кейинги изтиробларим	353
«Деёлмам «Ҳамиша		Элдошларим ичра юриб	354
хизматда турдим»	336	«Нимадир бу,	
Билиб-бilmай	336	кетаётган нимадир»	355
Нима деб кўйлашни		Ҳеч на ёнмас бу оламда	355
менга ўргатгил	336	Йигламаймиз	356
«Ҳувиллаган боғнинг...»	338	Бул кун кимдир ўйнаса	357

## «ҮШ-ҮЗГАН ФАРЁДИ» ДАФТАРИДАН

Унуганнинг кўйсинг	383
икки дунёси	360
Туркистон онаси	361
Ҳар кун хабар	362
Ўтаман	363
Тарафкашлик	363
«Мен бахтиман десам бутун...»	364
Афсус	364
Биз ўтармиз. Эслар ул, қиз ...	365
Бизлар ожиз	365
Шубҳа	366
Шудгорланниб текисланган эл	367
Тишимдан қон сизиб	368
Хавфдаман	368
Садо	369
Бу ўлим қандай ўлим	370
Ярим кўнглим	371
Юки оғир бу юртда	372
Болаларим, қадни кўтариш!	372
Бу шовқинзор оралаб	373
Бўзлаётган жоним қуши	374
Болалар англар	375
Кийикдай бу қиз жон озуғи	375
Ҳаёт майдонларида	376
Илтижом шу	377
Мехмондир	378
Қўриб ёздим	378
Элнинг қаро кечаларида	379
Пайғамбарлар отанг бўлсин	380
Бугун туркка не керакдир	380
Қизил тошлар	381
Бир кун... ғов йўлимга	382
Ўхшар	383
Сен қоларсан	383
Тили сугурилган болалар билан	384
Сендан олдин	385
Кулим кулар эҳтимол	385
Энг ёмон кунцаги энг яхши тилак	386
Наврўз	387
Қайта кўқлаш саодати	388
Ўз топгин	388
Ошиқлик	389
Тушунган гапим	390
Умид	391
Бехато сўз	392
Иншооллоҳ	392
Сўнгги оҳ	393
Туркистоннинг оналарини	394
Бу элни жимлар	
йўғотадир	395
«Отам, онам кўнгли йиглаб...»	396
Кўпни кўрдим	396
«Ошиқлиғида ҳеч ким ...»	397
Дунё кетар суриниб	397
Имон келгунича ёзгин	398
Ёлғиз одам ишончи	399
Битта муштга айланмай	399
«Худоданми, бандадан»	400
Йигладим, Художон	401
Ҳаммадан куйинганим	402
«Гарчанд ўтган умр ўтди...»	402
Фамим сиздан мерос	402
Туркнинг қўзи	403
Илтижо	404

## «ҲУРЛИК ЎТИ» КИТОБИДАН

Дардим билан ўсадилар	408
Бир куни	406
Каромат	407
Тўмарисга илтижо	407
Йиги	409
Ҳурлик ўти	409
Дунёларга сифмаган гавро	410

## «ТҮМАРИСНИНГ АЙТГАНИ» КИТОБИДАН

Даъват .....	412
Аёл ўтиб борар .....	412
Оқлаш кучин сақлаган майса .....	413
Ҳар элга бир байроқ керак ...	413
Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига .....	414
Азизим .....	414
Сўз сўрама .....	415
Тирилиш кунлари .....	416
Отларимиз .....	416
Аввал ичингга кир .....	417
Улувлар, боғловчилар .....	417
Кечиб .....	418
Кунботарда .....	419
Ҳақ деганни .....	419
Тун кирап чоғларда .....	420
Кутлов .....	421
Қозоқ дўстларга .....	422
Ватан байроби .....	423
Жилға .....	423
Ўзингдан узиб бергин .....	423
Мен сизга кетаман .....	424
Сўзон дилим .....	425
Меҳмондорчиликда .....	426
Кўнгли ярим одам ҳақида шеър .....	426
Дараҳтлар .....	428
Қичқириқ .....	428
Ёнар кунлар .....	429
Турон .....	430
Қўш тоғмиз, қорақалпоқ ..	431
Озод эт .....	431
Бу шамоллар баланд дорга осилмас .....	432
Тиловчиман .....	433
Бугун тунда .....	433
Сигармукин .....	435
Қилич жарангি .....	435
Бир вақтлар .....	436
Гарчанд, Оллоҳ .....	437
Аҳли Айхон, йўл бошига чиқавергин .....	437
Йиглаётмадим .....	438
Тўзим бергин яашим учун .....	438
Биз жаннат гулимиз .....	439
Сибирларда ўлган болалар тирик .....	440
Ўтмасдир .....	440
Моҳларойим туғилажак .....	441
Энди сен келгунингча .....	442
Мен оҳ урсам .....	443
Армон .....	443
Бирлашинғ .....	444
Кўксимиизда ўсиб чиқсан ....	445

## «САЙЛАНМА» КИТОБИДАН

Халқимга ёки ҳолат .....	448
Ёлғиз қолдирма .....	449
Сув узатар томирим .....	450
Тангрим, айтгин .....	451
Айтмай қандоқ яшайман ....	452
Қайтиб олинган ер бу .....	452
Наврўз хаёллари .....	453
Бошини кўп эгган бир жон .....	454
Ўсиш фасли қачон келади? ....	455
Яссавийнинг «Ҳикмат»ини йўқотган кундаги ҳолатим ..	456
Сиз келмадингиз бегим .....	457
Эътироф .....	457
Улги .....	458
Отлар бўйса эгарланган .....	459
Уни менга бер .....	460
Биби Фотима дуоси .....	460
Еринг бу .....	462
Наҳотки! .....	462
Қарамлик .....	463
Фақат ишқинг .....	463
Кўнглумдаги арслон .....	464
Бу улут карвонни кимлар талади? .....	465
Неники кўрдим кеча .....	466

Ҳаёт эканини билмабман	467
Ўзинг тик кет	467
Тирик қўнгироқлар	468
Менинг тўзмас болу, парим	469
«Моҳларойим, чин ойим, айтинг...»	470
Ўлмай юрсам	470
Кунинг кулсин	471
Гул	472
Туғларимни ололмайди ёв	473
Бир кун сени кўтаради	473
Ватан	474
Менам ўтдан ўтганман	475
Қасамки	475
Тан олмаса	476
«Ўйғон» сўзин айтгач	477
Билмасмиз	478
Ўлмаслик	479
Ҳаққим йўқ	480
«Онам хусусида қайгуларим»дан	480
Инониш	481
Ошиқлик Сиздан ўтарди	482
Ишонма	482
Дараҳт фарёдидан бехабар	483
Паҳлавоннинг ҳар айттани	484
Энди кет	484
Онант кетмоқда	485
Мажбурият	486
Сен ўлма фақат!	486
Ўстирип Худо деган шу	
мамлакатни	487
Балки ганжирман	488
Агар... сенсиз	488
Фақат... Бобур йиглаган	489
Мозорларинг бор	489
Унутмайди	490
Туркистон келди	490
Дил ҳам бош тортар экан	491
Мен биргина сўз ўстиридим	491
Кечикканлар	492
Хато кетдим	493
Айтолмадим	494
Султон қаҳрингни бер!	495
Юксалишга маҳкумлик	496
Юбормайман	496
Кечаги шамол	497
Менга дуч келиб қолса	498
Ўзин топмоқ истаган	498
Демакки, сен шоирсан	499
Мулиғиб-мулиғиб узун	
кечалар	500
Эрк йўли	501
Хулоса	502
Рӯҳим кўтаради	
байроқларини	503
Эски дўстларимга	503
Инсон аслан буюк	504
Кўйган нарса	
қайта куймасмиш	505
Муҳаммаднинг	
ўлимини эслаб	506

## «ЙЎЛДАДИРМАН» КИТОБИДАН

Ерда қолган сўзларим	508
«Тоққа кетди, чўлга кетди»	508
Она элим	509
Миллий виждон кўтарсинг	510
Ўнг қўлга қасида	511
Озодликни бериб кетинг	512
Ҳуррият тожи	513
Ижод сири, ишқ сири	514
Оналаримиз	515
Бу — биз Ўзбеклар	516
Муҳаммаднинг йўқлови	518
Озодликнинг қўллари	520
Булар — Ватан	
қоровуллари	520
Ватан жим туради	521
Отам менинг	522
Ўзбекнинг	523
Бизнинг замонларда ҳам	524
Эркдай кўтарилеман	524
Ўзи кетди	525
Телефон	526
Туркистон тупроғида	526
Менинг қайдим	527
Мартаба	528
Туш	529

Деразада чироқ ёқаман .....	529
Келажакнинг йўлларини супурамиз .....	530
Парда ортидаги сухандонлар ёди .....	531
Манту порлар ўт — икки шоним .....	532
Асрса онажонимни .....	533
Йўлдан тоза болалар келар .....	534
Дўст келар .....	534
Фигон .....	535
Ёш бургутлар, эслаб қолинг .....	536
Болаларнинг оналари .....	537
Онам хотирасига .....	537
Сизга ишонардим .....	538
Тадбиркор аёлларга .....	539
Сентябрдан келар чинқириқ .....	540
Бугун сенинг кунинг .....	541
Бир ҳикмат бор .....	542
Улуғ кун келмоқда .....	543
Менга айтадилар .....	544
Келдим .....	545
Турк дунёсини ўнгловчилар .....	545
Авлиёлар .....	546
Энамнинг айтганлари .....	547
Онам ёди .....	548
Томчи ўш .....	549
Тириклик .....	549
Хаёл сурсам .....	550
Туркий сўзлар жойларидан қўзголар .....	551
Салом гуриллаган ўт .....	551
Бор Худоё, бир Худо .....	552
Кутиш .....	553
Нақшбандга бориб келганимдан сўнг .....	553
Бухоролик Омон ака .....	554
Демак .....	555
Оллоҳ кечиктирсин .....	556
Ўхшайди .....	557
Байроқ тутқичига бир оят ёздим .....	557
Хайрлашмайман .....	558
Мажнунтол .....	559
Аъзам Ўқтам хотирасига .....	559
Ватанга арзийсан .....	560
Дўст бўлолсак .....	560
Бешик қошида .....	561
Таскин .....	562
Нима олдинг? .....	562
Форат уй .....	563
Дўсти жон .....	563
Алаҳсираш .....	564
Табрик гули .....	565
Айтаман .....	565
Тўлқин ювар қирғоқни .....	566
Олча гуллаган пайтлар .....	566
Наҳотки .....	567
Сен оёқقا туриб ол .....	567
Бўлмас .....	568
Оллоҳ бир сир, синоат бер .....	570
Дунни бир қалқитиб олгандан кейин .....	570
Қамишлар .....	571
Тавба .....	572
Билмабман .....	573
Оласан .....	573
Ота ҳовлим .....	574
Олдимдан оққан сув .....	575
Саркарда .....	576
Ватан сари йўл .....	577
Қалам билан .....	577
Сарсон ой .....	578
Бизлар бор .....	578
Сиз келмадингиз .....	579
Элда эркнинг ўти ёнгунча .....	579
Азиз ном .....	580
Зилзила .....	580
Ҳофиз дарё .....	582
Маслаҳатга бораман .....	582
Биз елкамиз тутсак .....	583
Навоийнинг қони менда .....	584
Кўчам бўлсин .....	585
Бахмал .....	585
Ватан деб .....	586

## КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДАГИ ШЕҮРЛАР

Кечаги ёмғир .....	588	Ойим ботмиш, куним ботмиш .....	617
Мен дардимни ўтганларга сүзласам керак .....	589	Тұлқында кетди .....	618
Паришонхотирилик .....	589	Билмайман .....	619
Бекор келдик .....	590	Үзимни ўргатдым .....	619
«Тафаккур»чиларга .....	591	Қайта бошлаш .....	620
Түсілган дарё .....	591	Ёлғизлик сири .....	621
Йұлдадирман .....	592	Дараҳтлар сезади .....	621
Кетгунимча жим кетмоқ .....	593	Бирға кетмоқ .....	622
Билмаган дараҳт .....	594	Аңжон сари .....	623
Билинг .....	595	Күңонга борсам .....	623
Агар шу дунёning дараҳти бұлсанғ .....	595	Сахрода .....	624
Тишсиз одам фарёди .....	596	Хаммаси жойида .....	625
Отасидан ўзганини бидирмас .....	597	Нечун шодмен гоҳо .....	626
Куламанғ биттанғиз ҳам .....	598	Байроқни бермасдан .....	626
Машъала .....	599	Аросат сахросида .....	627
Аәл ўтиб борар .....	600	Сезиб қолдим .....	628
Билмаслар .....	600	Барғ түшмади ерларга .....	629
Бир аәл қайғуси .....	601	Кириб-чиқиб юрадиган түглар .....	630
Баъзан ёнимдаги тоғ .....	602	Тавба эшигіда .....	630
Кимсан, нимасан .....	603	Дунё кетар суриниб .....	631
Маҳкам ушланғ .....	603	Дашти биёбонман .....	632
Мұйъжиза .....	604	Улар шоир бұлар .....	633
Хайф .....	604	Үтиши .....	634
Полвон дараҳт қуласа .....	605	От ташласанғиз майдонга .....	634
Рашкчи гул .....	606	Аәлға бөш уриш .....	635
Сув билан сирлашған куним .....	607	Кизғаниш .....	635
Мен йўқласам .....	608	Қадим құнғироқ .....	636
Карвон йўлга чиққунича .....	608	Унутманг .....	636
Йўл бирдан кенгайди .....	609	Кечириң .....	637
Қитмир юлдуз етакласа .....	610	Мен кетиб бораман .....	638
Куръон тарағ борурман .....	611	Хар гап ўтса... мендан үтди .....	638
Тирик юрганлар, алвидо .....	611	Нарвон .....	639
Үлган шоир учун йиғланғ .....	612	Мендан құнғлинг розими? .....	640
Шавкат Раҳмон деган .....	613	Күл .....	641
Кетди бизнинг Мұхаммадимиз .....	614	Сенсиз .....	642
Ватандир бу .....	615	Бу беш кунлик дунёда .....	642
Мен бир куни .....	615	Ортиқча күч .....	643
Еткурма .....	616	Күлларимни кузга бермайман .....	644
Чақириб оламан .....	616	Тош яхши яшар .....	644
Боёвутда .....	617	Жон чиқиб кетгунча .....	645

Берар бўлсанг .....	645	Ундан ўзгасига .....	658
Тўшалган йўл .....	646	Ёзи ёнди .....	658
Айланиб ўт .....	647	Ўзимнинг йўли .....	659
Ювган билан .....	647	Томоқ қириши .....	660
Юрак билан олишув .....	648	«Йўлга чиқиб кетяпман...» .....	660
Йўқлатадиган дардим .....	649	Киш кунида .....	661
Қаттиқ нон .....	650	Ўқулмаган жойинг қолмаган .....	662
Қўрғон .....	650	Энди кўришмаймиз, ёrim .....	663
Буюк қушлар .....	651	Бизнинг жуфтлик .....	663
Майдон ўртасида .....	653	Осмон яқин келар .....	664
Янги сўз .....	654	Қандак ўрикнинг бир донаси .....	665
Тўзиш олди хабари .....	654	Батамом уйғонсам .....	666
Яшашга арзирли .....	655		
Бир кун яшай .....	656		
Сўйлаб ётарман .....	657		
Изланг мени .....	657		

## ИНЖУЛАР КИТОБИДАН

Тўртликлар .....	668—715
------------------	---------

**Худойбердиева, Ҳалима.**

**X 87**      Буюк қушлар. Тўплам / X. Худойбердиева. —  
Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2010. —728 б.

**ISBN 978-9943-01-621-7**

**УДК: 821  
ББК 84 (5Ў)6**

*Адабий-бадиий нашр*

**Ҳалима Худойбердиева**

## **БҮЮК ҚУШЛАР**

*Муҳаррир Н. Нурқулов*

*Бадиий муҳаррир И. Юлдашев*

*Рассомлар Т. Каримов, Д. Ражабов*

*Техник муҳаррир Т. Харитонова*

*Мусаҳҳиҳ Ш. Орипова*

*Компьютерда тайёрловчи Г. Кулназарова*

Нашр. лиц. А1 158. 14.08.09. Босишига рухсат этилди 5.01.2012.

Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Таймс» гарнитурасида оффсет  
усулида босилди. Шартли бос. т. 38,22+0,21 вкл.

Нашр т. 25,11+0,21 вкл. Нусхаси 5000. Буюртма № 10-349.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи,  
100129, Навоий қўчаси, 30-уй.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [iptduzbekistan@mail.ru](mailto:iptduzbekistan@mail.ru) [www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)